

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**“ҚАДИМИЙ ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ –
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
ТИЗИМИДА (СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ,
МАДАНИЙ ҲАЁТ)”**

(Республика илмий-амалий конференция материаллари)

ТОШКЕНТ
«VNESHINVESTPROM»
2019

УЎК:

КБК:

“Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт)” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, «VNESHINVESTPROM» нашри, 2019. – 352 б.

Масъул муҳаррир:

Пардаев М.Ҳ.

Масъул котиб:

Тошбоев Ф.Э.

Таҳрир ҳайъати:

Асқаров А.А., Сагдуллаев А.С., Ширинов Т.Ш., Сулаймонов Р.Х., Анарбаев А.А.,
Мақсудов Ф.А., Мирзаахмедов Ж.К., Валиев А.Х., Акчаев Ф.Ш.

Тақризчилар:

Пардаев А.Х.,

Саидов М.

Техник саҳифаловчилар:

Мирзаев Б., Эшмухаметов А.,

Бегимқулов Ж., Хўжабекова З.

Илмий-амалий конференция материалларига оид мазкур тўпламда, аввало Марказий Осиёнинг муҳим тарихий маданий ўлкаларидан бири бўлган Жиззах воҳасининг энг қадимги даврларидан ҳозирги кунга қадар ўтмишининг турли масалалари – тарих, археология, этнология, манбашунослик каби фанлар янги маълумотлари асосида ёритилган. Шунингдек, тўпламда конференция шўъбалари бўйича Ўзбекистоннинг бошқа тарихий - маданий воҳаларининг қадим тарихи, этнографияси, этногенези ва этник жараёнларига доир масалаларга ҳам кенг ўрин берилган. Тўплам тарих йўналиши бўйича мутахассис ва талабалар ҳамда Ватанимиз ўтмиши билан қизиқувчи барча ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

Илмий-амалий анжуман материаллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археологик тадқиқотлар институтининг 15 март 2019 йилдаги № 3 сонли ва Жиззах давлат педагогика институтининг 5 апрель 2019 йилдаги №5 сонли Илмий Кенгашида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Маърузалар материалларида ёритилган тарихий жараёнлар, маълумотлар ва чиқарилган хулосаларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгар

ISBN:

СЎЗ БОШИ

Истиқлол ўзбек халқига ўзининг ҳақиқий тарихидан воқиф бўлиш, бирламчи манбалар асосида уни мустақил ўрганиш имкониятини берди. Тарихни ўрганиш, тарихий-маданий жараёнларни умумлаштириш борасида илмий қарашлар, ёндашувлар ва назариялар анча ўзгарди. Фаоллашган илмий тадқиқотлар туфайли, Марказий Осиё антропогенези, яъни ўзбек давлатчилиги тарихи, шаҳарсозлик маданиятига доир инсон томонидан ўзлаштирилиши, тарихи қадимийлашди, қимматли маълумотлар, амалий санъат, меъморчилик ва ҳунармандчиликка оид ноёб топилмалар билан янада бойиди. Бу эса Ватанимиз дунё цивилизациясининг энг қадимги маданият марказларидан бири бўлганлигини яна бир бор илмий жиҳатдан асослашга имконият яратади. Уларнинг барчаси шубҳасиз, жамият маънавий ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Тарихий-маданий обидаларни тадқиқ этиш, тарихий воқеаларни ҳаққоний ўрганиш ва уларга холис баҳо бериш борасида тарих фани соҳаларида инновацион жараёнларни жадаллаштириш бугунги кунда долзарб вазифадир. Буни чуқур англаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши зарур... Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади. Шунинг учун Фанлар Академиясининг Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини, олий ўқув юртлари ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур”, деб таъкидлаган эдилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам Жиззах давлат педагогика институтида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Археологик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ушбу илмий - амалий анжуманнинг уюштирилиши, Жиззах воҳаси тарихини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда Ўрта Осиё ҳудудидаги илк инсоният манзилгоҳлари минтақада яшовчи барча халқларининг аجدодларига тегишли эканлиги, уларни биргаликда ўрганиш лозимлиги кун тартибига чиқа бошлади. Энг қадимги даврларга оид янги археологик ёдгорликлар кашф этилди, илк цивилизация марказлари ўрганилди. Шунингдек, антик даври, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврлар тарихи бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар ўз долзарблиги билан ажралиб туради. Улар қаторида бугунги кунда Ўрта Осиёнинг учта республикаси Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғистон ҳудудида жойлашган Уструшона тарихини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият эга.

Ёзма манбалар ва археология тадқиқотлари натижаларининг далолат беришича, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг барча кўҳна тарихий-маданий воҳаларида бўлгани каби Уструшонада ҳам милoddан аввалги биринчи минг йилликнинг турли даврларида шаҳарсозлик маданияти

шаклланиб бўлган. Воҳанинг географик жиҳатдан қулай жойлашуви, Сангзор ва Зоминсув дарёлари, Моргузар, Туркистон тизмаларидан бош олувчи ўнлаб сой ва булоқлар ҳавзасида деҳқончилик ва боғдорчилик учун обикор ва лалмикор ерларнинг мўллиги, чорвабоп тоғолди ва дашт яйловларининг бепоёнлиги сабабли воҳа ва унинг теграсида аждодлармизнинг чорвачиликка асосланган кўчманчи, овчиликка асосланган ярим ўтроқ, ярим кўчманчи, деҳқончилик, хунармандчиликка асосланган ўтроқ ҳаёти анча қадимги, неолит давридан бошланган. Инсоният тараққиёти даржасининг муайян ўлчов меъзони ҳисобланган шаҳарсозлик маданияти ва шаҳар ҳаёти бошланиши ҳам энг сўнгги археологик тадқиқотлар натижасига қараганда Уструшона, хусусан Жиззах ва Зомин воҳаларида милoddан аввалги II-I асрлар билан даврланади. Таъкидлаш жоизки, тадқиқотлар давом эттирилса, ушбу даврий сана янада қадимийлашиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Манбаларда таъкидланишича, Уструшона, хусусан қадимги Жиззах воҳаси ўзининг обод воҳаларидаги работ ва карвонсаройлари билан машҳур бўлиб, шарқ ва ғарбни бир-бири билан боғлаб турган. Буюк ипак йўлининг аҳамияти Уструшона халқлари иқтисоди ва маданияти, жумладан хўжалик маданиятига ижобий таъсир кўрсатган. Энг серқатнов карвон йўли Боғдод – Табриз – Кошон – Марв – Чоржуй – Бухоро – Самарқанд – Харакана – Дизак йўналиши бўлиб, Дизакдан сўнг йўл иккига, ҳатто учга бўлиниб кетган ва барча ҳолатларда ҳам у Евроосиё даштлари орқали, Хитой ва Узоқ Шарқ мамлакатларига олиб борадиган йўллари Араб ва Ажам мамлакатлари билан боғлаган.

Ушбу Республика илмий-назарий конференцияси Марказий Осиё халқларининг холис ва ҳаққоний тарихини яратиш, илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро илмий алоқаларни мустаҳкамлаш ва энг асосийси Уструшона – Жиззах воҳасининг қадим тарихини янги манбалар асосида ўрганишга қаратилганлиги билан ҳам катта эътиборга моликдир. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўпламидан жой олган археология, тарих, этнология, манбашунослик ва тарихшунослик масалаларига бағишланган мақолаларда, нафақат республикамизда балки, ҳорижда ҳам машҳур бўлган академикларимиз, профессорларимиз, ўз соҳасининг билимдони, тажрибали етакчи илмий ходимларимиз ва тарих илми соҳасига энди кириб келаётган умидли ёш кадрларимизнинг илмий фикрлари бугунги кунда Ўзбекистон тарих фани учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

А.Ж. ХОЛБЕКОВ

*Жиззах давлат педагогика институти ректори,
социология фанлари доктори, профессор*

I ШУЪБА: ЖИЗЗАХ АРХЕОЛОГИЯСИ: КЕЧА ВА БУГУН – ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ТОПИЛМАЛАРИ

Б.Сайфуллаев

*ЎзРФА Археологик тадқиқотлар
институтини, Самарқанд
Д.М.Джуракулова
СамДУ, Самарқанд*

Жиззах вилояти ҳудуди Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўринга эга. Юртимизнинг бой ўтмишининг барча тарихий босқичларида мазкур минтақанинг муҳим тарихий жараёнлардаги иштирокини кузатамиз. Бироқ, яқин кунларгача ушбу ҳудуда палеолит даври одамларининг яшаганлигига доир маълумотлар деярли йўқ эди. Сўнгги йиллардаги изланишлар натижасида Самарқанд вилояти қадимги тош даври маданиятлари қўшни Жиззах ҳудудларига ҳам тарқалганлиги ҳақида мулоҳазалар ўртага ташланмоқда. 2000 йилда Жиззах вилояти, Фориш тумани, Чимқўрғон қишлоғи ҳудудидаги қум карерларида қидирув ишларини олиб борилиши натижасида, қайроқтош учириндидан ишланган тош ўзак топилган. Ушбу ўзак ишланиш техникаси ва хомашёсига кўра Қўтирбулоқ топилмажойи материалларига ўхшашдир. Бу топилма биринчидан, Жиззах вилояти ҳудудлари ҳам палеолит даври одамлари томонидан ўзлаштирилганлигини кўрсатса, иккинчидан, уларнинг маданий-даврий жиҳатдан Самарқанд ботиғи қабилалари билан ўхшашликларидан гувоҳлик беради.

2013 йилнинг баҳорида ЎзРФА Археология институтини ва СамДУ Археология кафедрасининг палеолитчилар гуруҳи Жиззах вилоятининг Фориш тумани ҳудудларида қидирув ишларини олиб борди ва бу ердан бир қатор янги ёдгорликлар топиб ўрганилди (Сайфуллаев, Эргашев, Рахимов, Ражабов, Аллаёров, Пардаев, 2014. –Б. 16.)

Янгиқишлоқ. Фориш тумани маркази ҳисобланмиш Янгиқишлоққа кираверишдаги йўлнинг ўнг томонидаги адирликларда олиб берилган қидирув ишлари натижасида қадимги одамлар томонидан ишлов берилган иккита тош буюм топилди. Улардан бири кучли емирилишга учраган учириндидан ишланган тишсимон ретушли қуролдир. У кремнийлашган охактошдан ишланган. Тўпламдаги иккинчи тош буюм нуклеус бўлиб, у кремнийлашган охактошдан ишланган. Шунга ўхшаш буюмлар Тошкент ҳамда Зарафшон воҳаси сўнгги палеолит даври ёдгорликларида учрайди.

Азимбулоқ. Қадимда мавжуд бўлган ва ҳозирда фақат мавсумий характерга эгам ушбу булоқ Учма қишлоғидан 1,6 км шимолий-шарқдаги тоғ этакларида жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлиги 846 м. Булоқ атрофини тозалаш ва қисман қазиш ишлари натижасида бу жойдан қадимги одамлар томонидан ишлов берилган 2 дона тош буюм топилди. Улардан бири кремнийлашган охактошдан ишланган, йирик пластинасимон йўнилғилар чақмоқлаб олишга мўлжалланган бир зарб майдонли нуклеус

бўлаги бўлиб, ушбу ўзак бўлаги йирик нуклеуснинг ўнг латералидир. Ундан узунчоқ пластинасимон ва учбурчак пропорцияли йўнилғилар чақмоқлаб олинган. Нуклеуснинг зарб майдони текисланган ва орқа тарафига ўта қиялашган. Ўзакнинг орқа тарафи йирик учиринди-тановорнинг вентрал юзасини сақлаб қолган (Расм. 1. 1). Азимбулоқдан топилган иккинчи тош буюм бир зарб майдонли йирик нуклеуснинг зарб майдонини янгилашдан ҳосил бўлган йирик учириндининг дистал бўлагидир. У кремнийлашган охактошдан ишланган ва унинг проксимал қисми субпараллел пластинасимон йўнишлар ёрдамида атайин кесилган.

Гўрдара. Фориш туманидаги Бирлашган қишлоғининг шимолий чеккасида жойлашган Нурота тоғ тизмаларига қарашли Гўрдаранинг юқори қисмида, ҳозирда синиб тушган ҳарсанг айвоннинг тагида олиб борилган қазиш ишлари натижасида учта тош буюм топилди. Қазиш ишлари 1x1 м майдонда олиб борилди. Ҳарсангларнинг кўплигидан қазишмани кенгайтиришнинг иложи бўлмади. Бу ердан топилган тош буюмлар орасида икки ёқлама ишлов берилган қирғич, қирғичча ҳамда кесгич қуроллари топилди. Тўпламдаги қирғич кремнийлашган охактошдан ишланган бўлиб, у пластинадан шаклантирилган ва кучли емирилишга учраган. Қирғич қирралари дорсал тарафга йўналтирилган ординар ретушлаш ёрдамида ишлов берилган. Пластинанинг чап латералидаги қирғич қиррасининг шакли ботиқ ва ўнг қиррадаги қирғичнинг иш юзаси тўғри шаклларда. Пластинанинг дорсалида параллел равишдаги пластинасимон йўнилғи излари мавжуд. Пластинанинг зарб майдончаси дорсал тарафга йўналтирилган ретушлаш ёрдамида кесилган. Ушбу қуролни иккиёқлама қирғич зарб майдончаси атайин кесилган комбинациялашган қурол дейишимиз мумкин (Расм. 4). Тўпламдаги иккинчи буюм кремнийлашган охактошдан ишланган учириндининг уч қисмида дорсал тарафга йўналтирилган ярим тик пластинасимон ретушлаш ёрдамида шаклантирилган қирғиччадир. Учириндининг зарб майдончаси синган ва дорсалидаги йўнилғи негативлари униполяр-субпараллел характерга эга.

Нурота тоғ тизмаларига қарашли Новмасте қоятош суръатлари эски Фориш қишлоғининг шимолий-ғарбий томонида жойлашган. Ушбу қоятош суръатларидан юқориқоқда, тоғ томонда **Чашмаи-Достон** булоғи мавжуд. Ушбу булоқнинг жанубий томонида 100x50 м ҳажмли текис майдон бор. Бу ерда олиб борилган қазиш ишлари натижасида лесс аралаш тошли қатламлар аниқланди. Қазишмалар 2x1 м майдонда 1 м чуқурликкача олиб борилди. Қазишмадан олинган кўплаб тошларни ювиш оқибатида улар орасидан қадимги одамлар томонидан ишлов берилган учта тош буюм аниқланди. Улардан бири кремнийлашган охактошдан ишланган сире типидagi учиринди бўлиб, унинг ўнг томони чақмоқланиш пайтида синиб қолган. Унинг дорсалидаги йўнилғи негативлари перпендикуляр характерга эга. Учириндининг зарб майдончаси икки қиррали бўлиб, орқа тарафига ўта қиялаштирилган (6). Тўпламдаги иккинчи тош буюм кремнийлашган охактошдан ҳаддан ташқари ишлов берилган икки қарама-қарши зарб майдонли нуклеусдир. Афтидан, бу леваллуа типидagi ўзак бўлган. Негаки, ушбу нуклеусдан қарама-қарши йўналишда ва субпараллел равишдаги учириндилар чақмоқлаб олинганидан сўнг унинг ҳар иккала

латералидан ёнлама йўнишлар ёрдамида ўзакнинг иш юзаси бўрттирилган. Бироқ ўзак ушбу босқичда ташлаб юборилган. Шундай қилиб, Чашмаи-Достон булоғи атрофидан топилган материаллар кам сонли бўлса-да, ўрта палеолит даври билан саналаниши мумкин. Бу ерда аниқланган леваллуа ҳамда призмасимон нуклеуснинг топилиши ва уларнинг бир томондан, Самарқанд ўрта палеолит маданияти, иккинчи томондан, Тошкент воҳаси палеолит даври маданиятлари материалларига ўхшашлиги кузатилади.

Зарафшон воҳасидаги Чашма, Жом, Булунғур ва Жиззах вилояти Фориш тумани топилмажойларининг очилиши бу ердаги палеолит даври жамоаларининг бутун воҳа бўйлаб қўшни ҳудудларга ҳам кенг тарқалганликларини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джуракулов М.Д. Самарқандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. – Ташкент:ФАН, 1987.

2. Сайфуллаев Б.Қ., Эргашев О.Т., Рахимов К.А., Ражабов А.Ю., Аллаёров Ў. Пардаев Ш.М. Жиззах воҳасининг палеолит даври\\Ўзбекистонда Археологик тадқиқотлар. Самарқанд. 2014. -Б. 16.

К ВОПРОСУ ОБ ОСОБЕННОСТЯХ КУЛЬТУРОГЕНЕЗА И УРБАНОГЕНЕЗА ЮГА УСТРУШАНЫ

***Р.Х. Сулейманов, Е.А.Гордеева**
НУУз, Ташкент*

Топоним «Уструшана» в нескольких вариантах в китаезированной форме основанной на иероглифах впервые упоминается в истории государства Северной династии Вэй на рубеже древности и средневековья. В нашей первой статье посвящённой району Уструшаны мы уже отмечали, что физико-географическое расположение этой средневековой историко-культурной области предопределило своеобразие хозяйственно-культурного типа этого владения, в экономике которого гармонически сочетались богарное земледелие, садоводство, отгонное животноводство и горно-рудное дело. В маленьких укрепленных городках процветала торговля, поскольку это был важный узел международных связей в треугольнике между Чачем, Ферганой и Согдом.

Поскольку мелкие оазисы Уструшаны имели очень ограниченный дебит воды из маленьких речушек, сбегавших из западных отрогов Туркестанского хребта, здесь не сложилось крупного центра притяжения социально-экономической жизни, как в оазисах Самарканда и Бухары. Парадокс был в том, что главные города Уструшаны, Ходжент и Джизак были расположены на крайнем севере и на юге этой историко-культурной области. Ходжент представлял собою крупный торговый порт по верхнему течению Сырдарьи, поскольку, у выхода Сырдарьи из Ферганской долины река прорезала крайнюю южную оконечность хребта Могол-Тау, имевшего меридиональную направленность. Поэтому здесь дно реки было неглубоким и скалистым. Порожистое дно Сырдарьи здесь не позволяло торговым

судам, идущим по дарье плыть дальше в саму долину. Поэтому издревле все товары Ферганской долины свозились к этому месту и загружались на речные суда, которые шли вниз по течению, развозя товары и купцов в районы Чача, Отрара и далее в низовья Сырдарьи, Хорезм и дальше.

Таким образом, Ходжент сложившийся здесь в середине I тысячелетия до н.э. имел важное стратегическое значение.

Мы уже отмечали, что этногенез населения Ходжента был неоднороден по своему составу. Историки походов Александра Македонского оставили сообщение о том, что в этом районе левобережья Сырдарьи было 7 укрепленных городков, которые оказали отчаянное сопротивление захватчикам. За ними на правом берегу реки стояла армия скифов. Эти источники ничего не сообщают об этнонимах местных жителей, называя их «варварами». Но, как показали археологические исследования, урбанизация левобережья Сырдарьи и близлежащих районов, прилегающих к Ходженту, имела не менее 2,5 тысячелетнюю историю (Беляева Т., Негматов Н.Н., Грицина А.). Таким образом, учитывая сообщения греческих источников о том, что здесь на крайнем северо-востоке походов Александра Македонского ещё Киром Великим за 200 лет до него была построена крепость Кирэсхата, которая контролировала северо-восточные пределы империи Ахеменидов, мы можем прийти к выводу, о том, что урбанизация районов Ходжента носила политогенетический характер. Это была укрепленная крепость на северо-восточных границах империи. Александр после неудачной попытки переправы на правый берег реки также укрепляет стены некоторых из взятых им мелких городков, оставляет гарнизон и возвращается на юг.

Освоение и урбанизация южных районов Уструшаны имела иные хронологические рамки, и движущие силы, чем на берегу Сырдарьи. Как показали многолетние раскопки М. Пардаева и предыдущих исследователей древнейшие укрепленные поселения низовьев Санзара имеют дату около 2200 лет до н.э.

Река Санзар от города Джизака поворачивает на север и теряется в степях. В 1961 году Махандарьинской археологической экспедицией Я. Г. Гулямова была проведена краткая рекогносцировка в низовьях Санзара. В 30 км севернее Джизака находится урочище Кульпи-Сар ата, которое было обследовано ранее Я. Г. Гулямовым. Это был большой древний могильник, в центре которого возвышалась длинная могила святого – сагана, возведенная из кирпича XX века. Неподалёку находился единственный известный в Средней Азии дольмен, сложенный из крупных валунов и перекрытый массивной каменной плитой. Я.Г. Гулямов отмечает, что на перекрытии дольмена сохранились следы свежих кровавых жертвоприношений. Неподалёку от могильника на холмистых возвышенностях сохранились остатки средневековой крепости и большого прямоугольного сооружения, которое могло быть караван – сараем. Автор, отмечая стратегическую важность этого горного прохода на север в степь, откуда дорога вела, прямо на Отрар сравнивает, стратегическое значение комплекса Кульпи - сар с крепостью Нурата, откуда также, дорога вела на север в Отрар и Туркестан (Гулямов Я. Г.). Вскрытия некоторых курганов близ селения Фариш и районе Кульпи-сара показали, что материалы их близки к материалам

каунчинской и отрар-каратауской культур расположенных по среднему течению Сырдарьи.

В результате многолетних археологических исследований (Вайнберг Б.И., Левина Л.М., Буряков Ю.Ф., Филанович М.И., Заднепровский Ю. А.) была установлена динамика и периодизация освоения и развития урбанизированной культуры северных районов Средней Азии. Выявлено, что первые урбанизированные центры в бассейне Сырдарьи, в Ферганской долине складываются в конце 2 тысячелетия до н.э. (Чустская культура). В нижней дельтовой части Сырдарьи первые города и укрепленные поселения строят дахи (Чирикрат) и массагеты (крепости Алтынасар и другие).

В III веке до н.э. в результате очередного тектонического подъема меняется уклон поверхности ландшафта и Сырдарья прорывается в новое северное современное русло и впадает в Арал с севера. Древние южные протоки Сырдарьи - Акчадарья, Кувандарья, Инкардарья пересыхают. Районы развития чирикратской культуры страны дахов высыхают. В результате дахи полуоседлые и полукочевые воинственные племена мигрируют на запад, на юг и на восток. Двигаясь вверх по Сырдарье они осваивают новые земли закладывая основы городов Сыгнак, Сауран, Отрар, Туркестан, Ташкент, Чимкент, Тараз. Самые ранние их сооружения представлены укрепленными храмовыми центрами крестообразной планировки типа Шаштепа и Мингурюка в Ташкенте. По Сырдарье они продвигаются в Ферганскую долину (Арктепа, Билавуртепа). Более того китайские источники упоминают дахов и к востоку от Тянь-Шаня и Памиро-Алая. Часть дахов мигрируя на юг основывает Парфянское государство, но большая часть двигаясь на юго-восток захватывают сначала Хорезм, Согд и во II веке до н.э. сокрушают Греко-Бактрию. Затем, перевалив Гиндукуш спускаются в долину Инда, где образуют несколько мелких государств, которые называются в науке индо-сакскими или индо-парфянскими.

Таким образом, реальное освоение земель низовьев Санзара происходит в III – II вв. до н.э.

Что касается дольмена, в низовьях речки Кили, конечно, он мог быть построен в эпоху бронзы, но он мог быть построен и позже дахами-сарматами, которые осваивали эти земли в III – II вв. до н.э. Кочевья дахов-сарматов в низовьях Сырдарьи были связаны не только с нижним Поволжьем, но и с районами Северного Кавказа, где с эпохи энеолита и бронзы широко было распространено строительство дольменов. Они по сей день служат святыми местами местному населению. Дахи проживавшие в низовьях Сырдарьи и рассеянные по соседним регионам предпочитали осваивать в первую очередь пустующие или слабо заселенные земли в низовьях притоков Сырдарьи и Амударьи. Плодородные земли низовьев Санзара как раз и послужили одним из районов оседания и освоения земель дахами.

В это же время дахи проникшие в Ферганскую долину дают новый толчок развитию урбанизации в долине. Строятся городища Пап, Ахсикент и другие, укрепляются новыми стенами и городки районов Ходжента.

Самобытностью культура Уструшаны отличалась и в древности. Так открытые недавно петроглифы в горах Нуратау близ Джизака стилистически

и по своим основным мотивам тяготеют к петроглифам севера Евразии и степной зоны. Они находят ближайšie аналогии в Казахстане, Алтае и Монголии, в корне отличаясь от петроглифов к юго-западу от Средней Азии, в частности от петроглифов Гобустана в Азербайджане.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Беляева Т.В. Архаический, античный и раннесредневековый Ходжент по данным письменных и археологических источников // Исследование по истории и культуре Ленинабада. Душанбе, 1986.
2. Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар // ИМКУ, Вып-2, Ташкент, 1961.
3. Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. – начале XIII в.н.э. АКД, Самарканд, 1990.
4. Негматов Н.Н. Ходжент. Основные этапы истории // Исследование по истории и культуре Ленинабада. Душанбе, 1986.
5. Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалом нижнего течения р. Сангзар). АКД, Ташкент, 1995.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ҚОЯТОШ РАСМЛАРИ

М. Хўжаназаров

ЎзР ФА Археологик

тадқиқотлар институти, Самарқанд

Жиззах воҳасидан қадимги аждодларимиз қолдирган жуда кўплаб кўхна тарих обидалари топилган. Бу археологик ёдгорликлар орасида ғор, унгуларнинг шифт ва деворларига, қоятошларга чизилган нафис расмлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай расмларни Жиззах воҳасининг тоғ ва тоғ олди туманлари ҳудудларида кўплаб учратиш мумкин. Ана шулардан бири Сайхонсой дараси қоятош расмларидир.

Ўз бағрида кўплаб қадимий расмларни сақлаб келаётган Сайхонсой дараси Моргузар тоғининг шимолий ён бағрида жойлашган бўлиб, Жиззах шаҳридан 10-12 км жанубий-ғарбда жойлашган. Бу сойнинг хушманазара табиати қадим қадимлардан бошлаб кишилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Соининг ҳар иккала қирғоқларида кўкка қад кўтарган азамат ва пурвиқор қоялар жойлашган, ўзан баъзан кенгайиб, баъзан торайиб боради. Бу ердаги тоғ жинслари қора ва жигар рангдаги сланец тошлардан ташкил топган. Уларнинг сирти қуёш нурида шунчалик қорайиб кетганки, баъзан ялтириб турган ойна сиртини эслатади. Ана шу қоятошларнинг сиртига номлари номаълум қадимги расмлар ўз санъатларини битиб кетганлар. Сайхонсой расмлари бу ерлик одамларга қадимдан маълум бўлсада, лекин фан оламига 1957 йилдан бери маълумдир. Бу суратларни биринчи марта ЎзФА тарих ва археология институти катта илмий ходими А.Р.Муҳаммаджонов қисман ўрганиб “Фан ва турмуш” журнали саҳифаларида кенг жамоатчиликка хабар берган (Муҳаммаджонов, 1957). Шундан кейин археология институтининг илмий ходими А.Кабилов Сайхонсойда бўлиб расмлар устида баъзи бир тадқиқот ишларини олиб борган. Ундан кейин бу ердаги ишлар тўхтаб қолган.

1980 йили ЎзФА археология институтида қоятош расмларини ўрганиш гуруҳи қайтадан ташкил этилди. Мазкур гуруҳ, ушбу сатрлар муаллифи раҳбарлигида Сайхонсой суратлари устида илмий тадқиқот ва қидирув ишларини олиб борди. Дала ишлари давомида Сайхонсойнинг 2-2,5 км майдонидан ва унинг атрофларидан 1500 дан ортиқ қадимий суратларнинг янги, янгилари топилди ва улар мунтазам равишда ўрганила бошланди (Хўжаназаров, 1985). Қуйида шу изланиш натижалари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Сайхонсой петроглифларининг асосий қисми Ҳасан каба қишлоғи харобаларидан Такатош деб аталмиш қоятошларгача бўлган масофада кенг тарқалаган. Бу расмлар ўзининг мазмуни, ифода этилган манзаралари жиҳатидан ниҳоятда хилма-хил ва бойдир. Улар дунёда машур бўлган ана шу хилдаги қоятош ёдгорликларидан ҳеч ҳам қолишмайди. Сайхонсой тасвирларининг мазмунига диққат билан эътибор берсак, унда ҳар хил ҳолатда турган одамларнинг, тоғ эчкиларининг, олис йўлларга отланган туя қарвонларининг, отда чопиб кетаётган чавандознинг, бир-бири билан уришаётган ҳайвонларнинг, бирон-бир хавфдан қўрқиб қочиб кетаётган архарларнинг, ўз ўлжасининг қувиб бораётган йиртқичларнинг ва бир қатор уй ҳайвонларининг суратларини кўрамыз. Бундан ташқари қояларда рақсга тушаётган кишиларнинг, ёввойи ҳайвонларга қарата камондан ўқ бўшатаётган мерган-овчининг, кураш тушаётган паҳлавонларнинг, зоти аллақачон йўқ бўлиб кетган, номлари бизга маълум бўлмаган баъзи ҳайвонларнинг суратлари, ҳамда қуёш белгилари, илонлар, маскалар ва ҳар хил геометрик шакллар тез-тез учраб туради.

Сайхонсой дарасидаги қоятошларга туширилган суратлар мазмун жиҳатидан шунчалар ранг-баранг, шунчалар бойки, узоқ ўтмишдан қолган бу қимматбаҳо ёдгорликни зангори осмон остидаги - очиқ музей дейиш мумкин. Маҳаллий халқ орасида Такатош номи билан машҳур бўлган йирик қоятошнинг инсон шафқатсизликларидан омон қолган қисми ўз бағрида асрлар сирини сақлаб келмоқда. Айтишларича, ўтган асрнинг 50-йилларида бу тошнинг баландлиги 10-12 метр, эни 5-6 метр бўлган экан. Афсуски, мана шу ўтган вақт давомида, баъзи бир табиат “шайдолари” томонидан бу тош синдириб кетилган ва қолганларининг устига ҳар хил сўзлар ёзиб ташланган. Такатошнинг бизгача етиб келган қисмининг силлиқ сиртида шохлари ёйсимон эгилган тоғ такалари, гарданидан ўрқачлари туртиб чиққан, вазмин, узун шохли итидойи буқалар, уларга қарата камондан ўқ бўшатаётган овчи-мерганлар ва уларга ёрдам бераётган овчи итларнинг тасвирлари акс эттирилган. Бу расмлар ҳайратга соларлик даражада усталик билан чизилган. Тошларда ифода этилган манзаралар қандайдир сеҳирли маънони англатади. Маълумки, қоятош расмлари қадимги аجدодларимиз ҳаётидан лавҳа бўлиб қолмасдан, балки уларнинг диний эътиқодлари акс эттирилган қадимий тош китобдир. Марказий Осиё халқларининг кўпчилигида қадимдан мужизавий жониворларга, тошларга сиғиниш одат бўлиб келган. Бугунги кунда халқимиз орасида эъзозланиб келинаётган Сангжумон, Тошқиз, Тошбулоқ, Қирққиз каби тошларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Такатош расмлари ҳам бунга яққол мисолдир. Фикримизча, Такатош қояси шу ерда истиқомат қилган қадимги аجدодларимизнинг ибодат қиладиган,

сиғинадиган энг муқаддас даргоҳи, қадамжолари бўлган. Қадимги кишилар маълум вақтларда бу муқаддас даргоҳдаги расмли қоялар ёнида ибодат қилиб, диний удумлар, ирим сириmlарни бажо келтирган бўлишлари керак. Ана шу ирим сириmlардан бири - қояларга расmlар чизиш одати бўлган, десак адашмаймиз. Баъзи этнографик маълумотларга қараганда, қояларга ва ҳар-хил буюmlарга ишланган расmlар кишиларга бахт келтиради, чорва моллари ва ёввойи ҳайвонларнинг сонини кўпайтиради, уларни ҳар-хил касалликлардан асрайди. Сайхонсой расmlарини ўрганиш даврида биз бунга яна ҳам амин бўлдик.

Сайхонсой расmlари мазмуни, ифода этилган манзаралари билан эмас, балки ишланиш услуби, катта-кичиклиги, қуёш нурида қорайиши, тузилиши ҳамда сақланиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бу эса тасвирларнинг барчаси муайян бир даврда эмас, балки кишилик жамияти тарихининг турли даврларида, турли қабила ва элатлар томонидан ишланган, деган мулоҳазани айтишга имкон беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қоятош расmlарини даврини аниқлаш, маданий қатламдан топилган тош қурол ёки сопол бўлакчасини ёшини аниқлашдан бутунлай фарқ қилади. Қоятош расmlарининг ўрганган академик олим А.П. Окладников бу тасвирларнинг ёшини аниқлаш тош ва жез қуролларнинг ёшини билишдан кўра мушкулроқдир, деб ёзган эди (Окладников, 1966).

Шу нарсани ҳисобга олиб, Сайхонсой суратларини юқорида эслатиб ўтган белгилардан ташқари бошқа жойлардан топилган қоятош расmlари билан таққослаб ўрганишга киришдик. Сайхонсой расmlари каби суратлар Ўзбекистон қоятош тасвирларидан ташқари Марказий Осиёда, Сибирда ва бошқа жойларда жуда кўп учрайди. Бу ўхшашликлар уларни ишланиш услуби ва техникаси, сақланиши, қуёш нурида қорайиши ва бошқа бир қанча омилларда бир-бирига тўғри келади. Тарихдан маълумки, Марказий Осиё халқлари ва бошқа қўшни қабилалар ўзаро яқиндан алоқада бўлганлар. Шунингдек, бир неча минг километрга чўзилган катта ҳудудда яшовчи қабилаларнинг ҳаёт кечирish тарзи, ижтимоий тузуми, ғоявий қарашлари бир-бирига яқин бўлган. Сайхонсойдан топилган суратларнинг бошқа қўшни республикалардан топилган қоятошдаги расmlарга ўхшашлиги ҳам шундан далолат беради.

Сайхонсой расmlарининг энг қадимгиси бронза даврига, яъни милоддан аввалги III минг йиллик охири ва II минг йилликларга таалуқлидир. Бунга асосан буқа-тур, сигир, тоғ эчкиси, йиртқичлар, ит ва бизга номаълум бўлган бир қанча жонзотлар тасвирларини киритиш мумкин. Бу расmlар қоятошларнинг энг кўзга кўринадиган, қулай сиртига ишланган. Улар вақт ўтиши билан шунчалик қорайиб кетганки, уларни пайқаш жуда қийин. Бу қатламдаги буқа турлар ва йиртқичларнинг баъзи бирлари кейинги давр расmlарида учрамайди. Мутахасисларнинг фикрича, иқлимнинг ўзгариши ва одамлар томонидан уларни кўплаб ов қилиниши натижасида улар бутунлай йўқолиб кетган (Батилов, 1969). Бу давр петроглифлари асосан контур, нақшдор-безакли, соя услубида ишланган. Бундай услубда ишланган расmlар Марказий Осиё ҳудудларидаги қадимги қатлам суратлари орасида ҳам кенг тарқалган.

Иккинчи гуруҳ расмлари милоддан аввалги биринчи минг йиллик, яъни сак-скиф даврига таалуқлидир. Бу даврнинг энг кўзга кўринган суратлари уларнинг “хайвон услубида” чизилганлигидадир. Петроглифларнинг асосий сюжетлари одам, от, туя, эчки, барс, бўри, ит, тулки, архар, тўнғиз ва бошқа ҳар хил тасвирлардан ташкил топган. Бу даврдаги одамларнинг кийим бошларида, қурол яроғларида ҳам ўзгаришлар юз берганини расмларга қараб англаш мумкин. Чунки бу даврда ижтимоий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар пайдо бўлганлиги археологик манбалардан маълум. Айнан бу даврда одамлар темирни кашф қилишади. Дехқончилик ва чорвачилик кескин ривожланади. Бу воқеалар қоятош расмларида ҳам ўз аксини топмасдан қолмайди.

Расмларнинг ишланиш техникасида ва услубида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Эндиликда тош қуроллардан ташқари металл қуроллар билан расмлар солиш кескин ошади. Металл қуроллар расмларнинг ихчам ва чиройли қилиб ишланишга олиб келади. Улардан қолган излар ҳам майдалашади ва чуқурлашади. Бу давр расмларнинг баъзи бирлари қадимги давр суратларининг устига уриб чўкичланган. Бу ҳол уларнинг даврини ойдинлаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Расмларнинг ҳажми ҳам анча кичиклашади ва кўпроқ соя ва схематик услубда ишланган расмлар пайдо бўлади. Юқорида келтирилган далиллар бу давр расмларинг ўзига хос эканлигини яна бир марта исбот этади.

Сайхонсойнинг бу даврдаги расмлари, археологик қазишмалар пайтида топилган ашёлардаги тасвирларга жуда ўхшашдир. Бундан ташқари бу расмларни Марказий Осиё ҳудудларидан топилган шу давр расмлари билан таққослаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Сайхонсой петроглифлари орасида яна бир гуруҳ тасвирлар борки, улар кишилик жамиятининг кейинги босқичлари яъни милоднинг биринчи минг йиллиги ва ўрта асрларга таалуқлидир. Улар ишланиш техникаси, услуби ва бошқа жиҳатлари билан юқорида келтирилган расмлардан фарқ қилади. Чунки улар кўзга жуда яққол кўриниб туради, ифода этилган сюжет ва манзаралар ҳам анча камбағаллашиб қолади. Уларнинг ишланиш техникаси ва услуби кўполлаша бошлайди. Расмларнинг кўпчилигини уй ҳайвонлари эчки, сигир, ит, от ва туялар ташкил этади. Манзараларда кўпроқ от устидаги чавандозлар, туя карвонлари акс этирилган. Уларнинг баъзилари қадимги расмларнинг устига чизилган. Афтидан тош сирти қадимги расмлар билан банд бўлган, уларга эса иккинчи даражали сиртлар қолган. Шунинг учун ҳам, улар ўз расмларини уларнинг устига ишлашга мажбур бўлишган. Бу эса уларни кейинги даврларда ишланган эканлигини кўрсатиб туради. Бундай расмлар Марказий Осиё ҳудудларидаги қоятош расмлари ёдгорликларида кўплаб учрайди.

Шундай қилиб, Сайхонсой расмлари ўзининг мазмуни, ифода этилган манзаралари, ишланиш техникаси ва услуби, катта кичиклиги, сақланиши ва бошқа бир қанча жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Бу эса тасвирларни бу ерларда яшаган қабилалар, турли этник гуруҳлар ишлаган эканлигидан дарак беради.

Шуни айтиш керакки, Сайхонсой расмлари кишилик жамияти тарихининг қайси даврларга мансуб бўлишидан қатъий назар, Марказий

Осиё халқларининг узоқ ўтмишдаги тарихини, ижтимоий тузумини, маданиятини, диний эътиқоди ва қўшни халқлар билан бўлган иқтисодий алоқасини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Ундан ташқари, қояларда зоти ва айримларининг номи аллақачонлар йўқолиб кетган ҳайвонларнинг суратлари ҳам бор. Бу эса ўлкамизнинг қадимги ҳайвонат дунёсини ўрганишда зоологларга қўл келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Жиззах воҳасининг қадимги қоятош расмларини махсус тадқиқотлар асосида синчиклаб ўрганиш, уларни илмий таҳлил қилиш керак. Бундай тадқиқот натижалари эса ўлкамиз тарихи саҳифаларини янада бойитади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муҳаммаджонов А.Р. Сирли тошлар изидан. //Фан ва турмуш, Таш., 1957, №1.
2. Хужаназаров М. Наскальные изображения северо-восточного Узбекистана // АҚД, Ленинград, 1985.
3. Окладников А.П. Петроглифы Ангары. Москва, 1966.
4. Батыров Б.Х. Характер изменения видового состава и ареалов мелкопитающих юга Узбекистана. Самарканд, СамГУ, 1968.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚОЯТОШ РАСМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ХУСУСИДА

А.Н. Холматов

ЎзР ФА Археологик

тадқиқотлар институти, Самарқанд

Она диёримиз сарҳадлари аجدодларимиз маданий меросининг жонли гувоҳлари ҳисобланувчи тарихий маданий ёдгорликларга жуда бой. Мустақил Республикамиз ўз тараққиёти тизимининг барча жабҳаларида жаҳон андозасига эришаётган бир пайтда, бу юксак маданий меросни ўрганиш ва уни жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиш ҳозирги даврнинг талабидир.

Ватанимиз тарихини кенг кўламли ва тўлақонли ўрганишда тарихий маданий ёдгорликларнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Шундай тарихий маданий ёдгорликлардан бири бўлган қоятош расмлари ўз мазмун моҳияти билан кишилиқ тарихи тараққиёти турли босқичлари аҳолиси маънавий кечинмалари, санъати, диний эътиқоди, хўжалиқ машғулотлари, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузumi, ҳамда этномаданий муаммолари тўғрисида қимматли маълумот берувчи тош йилномалардир. Шунингдек, бу турдаги ёдгорликлар зоолог олимлар учун ҳам қадимги ҳайвонларни ўрганишда ўзига хос муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, Жиззах вилояти ҳудудининг жанубий ва ғарбий томонлари тоғва тоғолди минтақаларидан иборат бўлиб, овчи ва кўчманчи чорвадор халқлар яшаши учун жуда қулай бўлган. Шу жиҳатдан бу ҳудудлар қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор аجدодларимиздан мерос қолган кўплаб археологик ёдгорликларга бой ҳисобланади. Ўзбекистон қоятош расмлари тадқиқотида Жиззах вилояти ҳудуди жуда истиқболли ўлкалардан бири

ҳисобланади. Жиззах воҳасида қадимги қоятош расмлари тадқиқоти ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган бўлиб, Сайхонсой, Такатош каби қоятош суратлар комплекси ўрганилган ва фан муомаласига киритилган.

Бунда Моргузар тоғ тизмаси шимолий ён бағрида жойлашган Сайхонсой дарасидан топилган петроглифларнинг алоҳида ўрни бор. Сайхонсой қоятош расмлари дастлаб 1957 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти ходимларидан бири, археолог олим А.Р.Мухаммаджонов томонидан Моргузар тоғининг шимолий ён бағрида, Жиззах шаҳридан 12-15км жанубда жойлашган Сайхонсой дарасида аниқланиб ўрганилган. Бу ердаги қоятош унгурига ишланган расмлар орасида тоғ эчкиси (така) тасвири кўп тушурилганлиги сабабли «такатош» деб ном берилади. Расмлар асосий мавзуси одам, тоғ эчкиси, архар, бизон ва бошқа шу каби тасвирлардан иборат бўлиб, тадқиқотчи уларнинг баъзиларидан калка қоғозига нусха кўчириб олган. Тадқиқотчининг фикрича, расмлар мазмунида тотемистик элементлар мавжуд (Мухаммаджонов, 1957. Б. 16-19).

60-йилларда Сайхонсой ёдгорлиги археолог олим Г.Филд (Field, 1966. Р. 149-154), 1970-71 йилларда эса А. Кабилов томонидан ўрганилган. Бу илмий изланишлар натижасида Сайхонсойда кўплаб қоятош расмлар ўрганиб чиқилган. Тадқиқотлар натижасида бу қоятош расмларининг кўпчилиги бронза даврининг сўнгги босқичи (мил авв. 2 минг йиллик 2 ярим — 1 минг йиллик боши) га мансублиги аниқланди. Тадқиқотчи олим илмий изланишлари жараёнида Сайхонсой суратлари асосан тош, бронза ва темир буюмлар билан уриб-чўкичлаш техникасида схемалик, контур, соя, нақшинкор безакли услубларда ўзига хос тарзда ишланганлигини ва қояларда кўпроқ қуролланган кишиларнинг ёввойи ҳайвонларни ов қилиш жараёни, диний маросимлар ижроси тасвирланганлигини айтиб ўтади.

Шунингдек, ўтган асрнинг 70-йиллари охири ва ундан кейинги йилларда Сайхонсой қоятош расмлари археолог олим М. Хўжаназаров томонидан қайта тадқиқ этилган. Ёдгорликни тўлақонли равишда, атрофлича ўрганилиши М.Хўжаназаров томонидан амалга оширилган. Жумладан, М.Хўжаназаров Сайхонсойда 630 дан ортиқ ҳар хил турдаги ҳайвон расмлари борлигини аниқлади. Ёдгорликда яқка ёки композицион ҳолда тасвирланган расмлар кўпчилики ташкил этади. Улар асосан тоғ эчкилари, архар, буғу, от, ёввойи ҳўкиз, тўнғиз, жайрон, сайғоқ, мушуксимонлар оиласига мансуб бўлган йиртқич ҳайвонлар, ит ёки бўри каби тасвирлардан иборат. Улар орасида одам суратлари ҳам бўлиб, улар олдинга тик қараб турган, қўл ва оёқларини икки ёнига кенг ёзган ҳамда эркаклик белгиси бўрттириб кўрсатилган ҳолда тасвирланган. Шу билан бирга Сайхонсой қоятошларида ўқ-ёй билан қуролланган бир ёки бир нечта овчиларнинг тоғ эчкиларига, ёввойи буқага ва бошқа ҳайвонларга қарата ўқ узаётган ҳолати акс эттирилган композицион манзаралар ҳам кўплаб учрайди. Тадқиқотчининг ёзишича бу ердаги баъзи қоятошларга расмлар тартибсиз равишда уриб чўкичланган ҳаттоки, бир расм устидан иккинчи ва учинчисининг уриб чўкичланганлиги кузатилган. Бу расмларнинг чизилиш услуби, ишланиш техникаси ва қуёш нурида куйиш даражасида ҳам ўзаро тафовутлар кўзга ташланади. М.Хўжаназаров расмларнинг чизилиш услуби,

ишланиш техникаси ва қуёш нурида куйиш даражасини ҳисобга олиб, ҳамда қўшни ёдгорлик расмлари билан солиштириб, уларнинг бир қисми бронза даврининг бошларида (мил. авв. 3 минг йиллик) ишланган деган хулосага келган. Лекин бу петроглифларнинг кўпчилиги мил. авв. 1-минг йилликга оидлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган (Хужаназаров, 1988. С. 56-62).

Жиззах вилояти ҳудудидаги қоятош расмларини ўрганиш ва уларни тадқиқ этиш ишлари ўтган асрнинг 90-йилларида бироз сусайган бўлсада, сўнги йилларда Ватанимиз тарихини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган катта эътибор ва бунинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти олимлари зиммасига ҳам катта маъсулият юклади. Шу нуқтаий назардан муаллиф томонидан Жиззах вилояти ва шу воҳада олиб борилган археологик илмий тадқиқотлар натижасида Каттасой, Юқорисой, Сузмоилота, Учма каби сой дараси атрофларидан кўплаб янги қоятош расмлари ёдгорликлари аниқланиб фанга киритилди (Хўжаназаров., Холматов, 2018. Б. 122-124; Холматов, 2018. С. 230-233; Холматов., Пардаев., Тошбоев, 2018. Б. 254-258).

Жумладан, Галлаорол тумани ҳудудига қарашли Ғўбдин тоғларининг шимолий ёнбағридан оқиб тушувчи 3-4 км узунликдаги Каттасой дараси ва унга туташ кичик сойларда бир нечта янги қоятош расмлари аниқланди. Бу қоятош расмлари Нахрач қишлоғидан 1 км масофа жанубий шарқ томонда жойлашган.

Бу ёдгорлик тасвирлари қадимги рассомлар томонидан асосан Каттасой дарасининг ўнг қирғоғидаги сланец, гранит ва майда зарра қумтошли қояларнинг текис сатҳли қорамтир, тўқ жигарранг ва кул ранг юзаларига уриб-чўкичлаш, ўйиш, ишқалаш, тирнаб чизиш техникалари асосида соя, контур ва схематик услубларда ишланган. Каттасой қоятош расмларининг мазмуни, тури ва ифода этилган манзаралари ниҳоятда хилма хил ва бой бўлиб, улар қадимги рассомлар томонидан алоҳида-алоҳида ёки композицион кўринишларда тасвирланган. Қоялардаги суратларнинг турлари хилма-хил бўлиб, улар одам, тоғ эчкиси, буғу, архар, кулон, бўри, тулки, ит, от, туя, эчки, отлиқ (суворий), овчи, жангчи, ов ва жанг қуроллари, қуёш, кирилл ҳарфларидаги ёзувлар ҳамда тушунарсиз (мавхум), ноаниқ-хира, чала қолдирилган (тугатилмаган) расмлардан иборат.

Каттасой расмларининг характерли жиҳати ҳайвонлар тасвирининг кўпроқ учрашидир. Бунда асосий мавзу тоғ эчкиси тасвирларидир. Улар таранг қоматли, кичик жуссали, бошларини юқорига тик кўтарган ҳолда, якка ёки жуфт қайрилма шохли, узун ва ингичка оёқли, калта думли қилиб чизилган. Шу билан бирга бу тоғ эчкилари доим сергак турган ҳолатда ёки бирор нарсадан ҳуркиб қочиб кетаётган жараёнда тасвирланган. Бу эса уларнинг ўзига хос энг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, бу тоғ эчкилари овчилар ва турли ёввойи ҳайвонлар томонидан ов қилинаётган пайтларда маҳорат билан чизилган. Шундай тасвирлардан бири Каттасой дарасининг ўнг ёнбағридаги унча катта бўлмаган қоялардан бирига ишланган бўлиб, унда овчи итнинг тоғ эчкисига чанг солиб турган ҳолати тасвирланган.

Шунингдек, Жиззах вилояти ҳудудига кирувчи Нурота тоғ тизмасининг Сангзор воҳасига туташ қисмидаги Жиллиғулли қишлоғининг шимолий

томонида яна бир янги ёдгорлик Сузмойилота қоятош расмлари аниқланиб харитага олиниб, бу ерда ҳам дастлабки тадқиқот ишлари амалга оширилди. Бу илмий изланишларимиз натижасида 200 дан ортиқ қоятош расмлари борлиги маълум бўлди.

Сузмойилота қоятош расмлари сланец, гранит, оҳактош ва майда заррали қумтошлардан иборат қояларнинг текис сатҳларига қадимги рассомлар томонидан асосан тош ва метал асбоблар билан уриб-чўкичлаш, ўйиш, ишқалаш ёки тирнаш ва кесиш техникалари асосида ишланган. Расмларнинг асосий қисми қоятошларнинг қуёш нури яхши тушадиган текис сатҳларида учрайди. Бундай ҳолат Марказий Осиё тоғларидан топилган деярли барча қоятош расмлари ёдгорликларига хос хусусиятлардан биридир (Хўжаназаров., Холматов. 2012. Б. 111-117).

Сузмойилота қояларида турли мазмундаги қоятош расмларининг учраши, айниқса диққатлидир. Улар шу ҳудудда қадимдан яшаб келган аждодларимизнинг маънавий-маданий ҳаёти, санъати, диний эътиқоди, кундалик турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган тасвирлардан иборатдир. Бу ердаги расмларининг турлари ҳам хилма-хил бўлиб, қояларга асосан алоҳида-алоҳида мазмунга эга бўлган одам, тоғ эчкиси, архар, жайрон, буғу, бўри, ит, тулки, бир ёки икки ўрқачли туялар, от, сигир, эчки, геометрик белгилар, тамға, араб, кирилл алифбосида битилган ёзувлар ва тушунарсиз ёки чала қолдирилган расмлар ҳамда композицион мазмунга эга ов манзаралари қадимги рассомлар томонидан маҳорат билан акс эттирилган. Улар орасида тоғ эчкиларига йиртқич ҳайвонларнинг човут солаётгани, овчиларнинг ҳайвонларга камондан ўқ узаётгани, сарбонлар етакчилигида оҳиста бораётган туялар карвонини ва отини елдириб кетаётган чавондозларнинг тасвирларини кўриш мумкин.

Сузмойилота қоятош расмлари қадимги рассомлар томонидан узок даврлар мобайнида соя, контур ва оддий схематик услубларда ишланган. Бу расмларнинг қуёш ва бошқа табиат ҳодисалари таъсирида қорайиш даражалари ҳам хилма-хил, баъзи бир расмларнинг сирти жуда қорайиб кетган, яна бирлари ёрқинроқ даражада бўлса, бошқалари кучсиз қорайган. Бундай ҳолат тасвирларнинг хронологик ёшини аниқлашда қисман бўлсада ёрдам беради. Маълумки қоятош расмларининг мазмун ва турлари, ишланиш техникаси ва услуби, қуёш нурида куйиши ва сақланиш даражаси каби ҳолатлардаги ўзаро фарқлар уларнинг турли даврларга оид эканлигини кўрсатади. Юқоридагиларни эътиборга олиб, Сузмойилота қоятош расмлари устида амалга оширилган илмий тадқиқотларим жараёнида уларни хронологик жиҳатдан қуйидаги тўртта йирик тарихий даврга: бронза, илк темир (сак-скиф) ва антик, илк ўрта асрлар, ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларга ажратиб ўрганилди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Жиззах воҳаси одамлар яшаши учун жуда қулай ҳудудлардан бири бўлиб, инсоният томонидан жуда тарихий тараққиётининг тош давридан бошлаб ўзлаштирилган. Буни мана шу ерлардаги турли археологик ва маданий мерос ёдгорликларининг сероблигидан ҳам билиб олса бўлади. Хусусан, қоятош расмлари бу ерларда яшаган қабила ва элатларнинг тасвирий санъатини, диний эътиқодларини

ва кундалик юмушларини, қолаверса ўша давр ҳайвонат оламини, уларнинг қандай меҳнат қуроллари ва қурол яроғлардан фойдаланганлигини билиб олиш ва тушунишимизда муҳим бирламчи манбалардан бири ҳисобланади..

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мухамеджонов А. Р. Сирли тошлар изидан. 1957.
2. Холматов А.Н., Хўжаназаров М. Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида // Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари (Республика илмий конференция материаллари) 2018 йил 28 март. Самарқанд, 2018.
3. Холматов А.Н. Нахрарсой янги қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида // Материалы II Международной научно-практической конференции «Global science and innovations 2018: Central Asia». Астана, 2018.
4. Холматов А.Н., Пардаев М.Х., Тошбоев Ф.Э. Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари // Археологические исследования в Узбекистане. Самарқанд, 2018.
5. Хужаназаров М.М.М. Наскальные изображения сцены танца из Сайхансая. ОНУ, изд-во “Фан”, Тошкент, 1988, №5.
6. Хўжаназаров М.М., Холматов А.Н. Қорақиясой қоятош ёдгорлиги тадқиқотларидан // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. №37. Тошкент, 2012.
7. Field H. Petroglyphs from Syr-Darya. // Contributions to the Archeology of the Soviet Union with Special Emphasis on Central Asia, the Caucasus and Armenia. – 1966.

ГОРОДСКАЯ КУЛЬТУРА СЕВЕРО-ЗАПАДНОЙ УСТРУШАНЫ В ЭПОХУ АНТИЧНОСТИ И РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ

М.Х. Пардаев

Институт Археологических исследований АН РУз, Самарқанд

После распада Кушанской империи и Кангюйского государства к концу III и начала IV вв. н.э. вся территория Центральноазиатского Междуречья, занятая различными оседло-земледельческими племенами, разделяется на несколько владений-оазисов. Постепенно происходит окончательное формирование внутривластической структуры региона Трансоксианы и к IV-VII вв. формируются на политической карте региона сравнительно крупные земледельческие историко-географические области как Самарқандский и Бухарский Согд, Хорезм, Тохаристан, Чач, Фергана, Уструшана, управляемые бухархудатами, ихшидами, хорезмшахами, тудунами, афшинами и т.д.

Уструшана была одной из важных и крупных областей Центральной Азии. Она занимала значительную территорию левобережной равнины Средней Сырдарьи, предгорий и ущелий западной части Туркестанского хребта, верховьев Зарафшана и его главных истоков – Матчи и Фандарьи. Она граничила на западе и юго-западе с Согдом, на востоке и северо-востоке с Ходжентом и Ферганой, а на севере с Илаком и Чачем.

Население области вело оседлый образ жизни, занималось земледелием и скотоводством, жило в городах, в укрепленных

поселениях и замках. Общность культур уструшанцев была тесно связана с населением соседних областей отмечали Сюань Цзянь (VII в.) и Хой Чао (VIII в.). Сюань Цзянь вообще всю страну между Суябом (Семиречье) и Кешем (Кашкадарья) называет Сули – Согдом, а ее население согдийцами (Негматов, 1957, с. 49-73).

Письменные источники, затрагивающие в той или иной степени историю Уструшаны, весьма немногочисленны. Краткая их сводка была сделана В.В. Бартольдом в конце XIX в. (Бартольд, 1963, с. 221-226 и др.), а затем дополнена и проанализирована Н.Н. Негматовым (Негматов, 1957). Краткие сведения об Уструшане содержатся в ограниченном круге сведениях античных письменных источников, в той или иной мере, связанных с территорией позднейшей Уструшаны, давно и активно используемые в научной литературе.

К сожалению, эти античные источники почти не затрагивают политических и иных событий и не дают какой-либо новой информации об уструшанских землях после похода Александра Македонского. После длительной лакуны: вновь сведения об Уструшане появляются в китайских хрониках Вей (386-581 гг.) и Тан (618-907 гг.) (Бичурин, 1950, т. II), в путевых записях Сюань Цзяня (629-630 гг.) и Хой Чао (722 г.). Гораздо более подробные сведения по истории Уструшаны имеются в трудах арабских, персидских историков. Название области зафиксированы в письменных источниках в нескольких вариантах: Судуйшана, Судулишена, Судушина, Шуайдушана, Кобугюйна, Восточное Цао – в китайских хрониках: Ашрусона, Асрушана, Усрушана, Осрушана, Сурашана, Сутрушана и др. у средневековых авторов.

Открытие согдийских документов в замке на горе Муг позволило уточнить название области – Уструшана (Лившиц, 2969, с. 77-82; Негматов, Хмельницкий, 1966, с. 3).

Древний, античный период хронологически охватывает время от середины I тыс. до н.э. – по III-IV вв. н.э., когда начинают возводиться раннесредневековые замки и формироваться раннегородская культура. Среди древнеуструшанских памятников, включая тепа возле селения Курпа располагавшиеся в южной, горной части Джизакского района, где найдена керамика этого времени (Грицина, 1992, с. 29), имеются всего пять: городища Нуртепа, Хантепа, Саганактепа, Саганактепа I и тепа у селения Курпа. Если к ним добавить еще несколько памятников, расположенных на территории Таджикистана, в том числе и поселение Худжанда (Беляева, 1990, с. 78-81) их общее количество увеличится до 16. Как видно, в этот период территория будущей Уструшаны была обжита не очень плотно. Древние уструшанцы могли выбирать себе наиболее удобные для проживания места. И действительно, все поселения располагались, как правило, в низовьях или средней части горных рек, в наиболее оптимальных местах для ведения сельского хозяйства, прежде всего поливного земледелия и отгонного скотоводства.

Что касается их типологии (по внешним признакам), то среди них можно отметить относительно крупные памятники – городища с обособленной цитаделью и прилегающей к ней поселенческой территорией, окруженной стенами. Как правило, они не имели регулярной внутренней застройки,

а их конфигурация повторяла рельеф местности. Наиболее ярким представителем этого типа памятников является городище Нуртепа. Площадь городища составляет 18 га (Негматов, Беляева, Мирбабаев, 1987, с. 89, 109).

Второй тип древнеуструшанских памятников представлен овальными в плане тепа с относительно плоской площадкой, площадь которых не превышает 1 га (Хантепа, Саганактепа, Саганактепа I).

К более позднему периоду, т.е. II в. до н.э. - II в. н.э. относятся следующие памятники: городища Кургантепа в Заамине, Эски Хавас, Нуртепа, Каратепе близ Даштабада, где найдены позднеантичные материалы (Грицина, 1994, с. 33-38). Если к ним добавить городище Калиятепа в Джизаке, Кургантепа в Галляарале и несколько других памятников, находящихся в бассейне Санзара и на территории Таджикистана, то общее их количество не на много превысит количество древнеуструшанских памятников. Однако, многие из них достигают значительных размеров, намного превышая 1 га.

Калиятепа расположено на восточной окраине г. Джизака. Состоит из арка, шахристана и пяти рабадов. Общая площадь его свыше 50 га. Городище обживалось до XVII в. На шахристане, вблизи южных и восточных ворот заложено два шурфа. Наиболее древний материал получен на Р-2, где выявлено 5 основных жилых горизонтов XI-XXXVII ярусы. Почти вся столовая посуда нижнего горизонта изготовлена на гончарном круге. Ведущие формы: бокалы на неустойчивых ножках с горизонтальным лощением; глубокие чаши с тонкими стенками, покрытые красным ангобом. Среди лепной керамики преобладают котлы. Их 4 вида: цилиндрической формы с шишковидными ручками-упорами, котлы плоскодонные, большого размера, продолговатой формы, без ручек, котлы круглодонные шаровидной формы с вогнутыми вовнутрь венчиками. Хумы формировались ленточным способом и с помощью матерчатого шаблона. Керамический комплекс нижнего жилого горизонта находит широкие аналогии в комплексах городища Эски Хаваст, Хтайтепа, датированных соответственно I в. до н.э. - II в. н.э. (Грицина, 1990), в материалах Каунчи-I, Шаш-III, IV (Левина, 1971; Филанович, 1983) и могут датироваться I-II вв. н.э.

В керамическом комплексе второго жилого горизонта (XXXV-XXXVI) набор посуды шире, хотя исчезают котлы с ручками-упорами. Новыми формами являются – горшки, горшочки, маслбойки, тагоры. Однако, наиболее характерны кубки и бокалы, которые формировались на круге из розовой глины хорошего качества, покрывались красным, реже коричневым ангобом, иногда с горизонтальным полосчатым лощением. Эти находки определяют верхнюю границу датировки. Наиболее близкие аналогии этого комплекса прослеживаются в керамике замка Тиркаштепа (Пулатов, Салтовская, 1987), в согдийских материалах (Кабанов, 1973; Брусенко, 1973) и Западной Ферганы (Литвинский, 1972). Комплекс датируется III-IV вв. н.э.

В третьем жилом горизонте вскрыта часть помещения с уровнем пола. Его стены выложены из сырца размерами 40-42x22-23x9-10 см. В керамическом комплексе выявляется резкое увеличение ассортимента форм. Появляются

кубковидные и глубокие чаши, тарелки, пиалы. Продолжают бытовать основные формы посуды, характерные для предыдущего периода, но подвергшиеся морфологическим и количественным изменениям. Преобладают лепные сосуды с потеками, курильницы, культовые светильники, сковороды-жаровни, очажные подставки, связывающие этот комплекс с присырдарьинской кочевой культурой (Левина, 1971). В целом, эти керамические изделия по форме и качеству сопоставимы со II жилым горизонтом Расулбайкултепа (Пардаев, 1992), материалами Чильхуджры (Пулатов, 1975), Культепа (Грицина, 1992), Дунгчатепы (Салтовская, 1987), горного Согда (Якубов, 1988), Каршинского оазиса (Туребеков, 1979), нижнего Зарафшана (Абдиримов, 1979) и отнесены к V-VI вв. н.э.

Четвертый жилой горизонт завершает период раннего средневековья (XXVIII-XXV ярусы). Полученная керамика представляет собой единый комплекс, сохраняющий основные черты предыдущего жилого горизонта. Появляются миски с волнистыми бортиками, кружки с петлевидной ручкой, разноформенные котлы, свидетельствующие о согдийском влиянии на материальную культуру региона. Керамические изделия четвертого жилого горизонта имеют наибольшее сходство с материалами Средне-Сангзарских памятников Кингиртепа, Алмантепа (Бердимурадов, Пардаев, 1988, 1990, городище Культепа (Грицина, 1994), комплексами Уртакурмана и Чилхуджры (Негматов, Пулатов, Хмельницкий, 1973; Пулатов, 1975). Отдельные находки сопоставимы с сосудами верхнего слоя Пенджикента (Бентович, 1953), Тохаристана (Аннаев, 1988), а также Ташкентского оазиса (Левина, 1971; Буряков, 1982; Филанович, 1983), Ферганы (Брыкина, 1982; Анарбаев, 1994), Хорезма (Неразик, 1959). В целом, комплекс датируется VII-VIII вв. н.э.

Основные итоги стратиграфических исследований определяются следующими положениями:

Зарождение городской культуры Северо-Западной Уструшаны на примере шахристана Калиятепа относится к первым векам н.э.

В течение первых двух периодов в развитии керамического производства Северо-Западной Уструшаны отмечается некоторая консервативность.

Влияние каунчинских племен на материальную культуру Джизакского оазиса достигает наивысшего уровня в IV-VI вв. н.э.

В VII-VIII вв. керамическое производство достигает своего расцвета.

Период раннего средневековья был временем интенсивного расширения "скотоводческого мира", т.е. территории расселения тюркских племен – предков узбеков и других тюркоязычных народов Средней и Центральной Азии.

В Средней Азии с древнейших времен постоянно шел сложный процесс взаимного влияния двух культур: оседлоземледельческой и кочевнической. Но особенно он усилился с середины I-го тысячелетия н.э., когда обширные районы этой области вошли в состав государственных образований, создаваемых кочевниками – сначала эфталитами, а затем тюрками. Именно в это время, как пишет А.Н. Бернштам, "произошел взаимный культурно-этнический взаимообмен между иранским и тюркским этническими мирами" (Бернштам, 1947).

Долгое время среди ученых бытовало мнение о том, что между кочевым и земледельческим населением была только одна форма взаимоотношений – конфронтация. Кочевники выступали в роли грабителей. Однако, отношения между кочевниками и земледельцами принимали и форму мирного сотрудничества. Для ремесленников кочевая степь была хорошим рынком сбыта продукции, а кочевники являлись поставщиками мяса, кожи, шерсти, продуктов, связанных со скотоводством. Эти процессы особенно бурно развивались в таких областях, как Чач, Фергана, Уструшана, непосредственно соседствующие с “великой степью”.

В результате исследования памятников нижней части долины Сангзара есть основания считать, что и Северо-Западная Уструшана была активно втянута в этот процесс. Как показали раскопки на Калиятепа, Пардакултепа и Комилбоботепа, которые расположены в центре Джизакского оазиса, местное традиционное керамическое производство испытывало сильное влияние Каунчинской культуры. Однако, в архитектуре жилых построек целиком и полностью сохраняются традиционные приемы строительства.

Влияние степных культур на Джизакский оазис претерпевают два основных периода: I период относится к IV-VI вв. В это время наиболее важным следствием влияния земледельцев на кочевников явился переход последних к оседлости. Этот процесс заключался в усиливающемся имущественном расслоении кочевого общества, обнищанием основной массы кочевников. Переход к оседлости, как следствие имущественной дифференциации, наблюдался во всех кочевых обществах евразийских степей (Федоров-Давыдов, 1966). Но родовая знать, владевшая пастбищами и скотом, сохраняла кочевой образ жизни.

В свою очередь, на памятниках Джизакского оазиса под влиянием кочевников появляются новые формы керамических изделий, изготовленных ручным способом: кружки, сковороды, жаровни, курильницы, подставки с изображением голов баранов, сосуды с потеками и т.д.

Постройки замков вокруг городища Калиятепа активизируются в период нашествия эфталитов. По нижнему течению р. Сангзар формируются компактные микрооазисы, располагавшиеся в пограничной полосе земледельческих районов Согда и Уструшаны. Такие общественно-экономические процессы также происходили вокруг городища Кургантепе в Галляаральском районе, Култепе близ Савата и т.д.

Второй период расселения (VII-VIII вв.) кочевников в Северо-Западной Уструшане тесно связан с Тюркским каганатом. Это историческое событие знаменовало не только завоевание территории, но и очередное передвижение и оседание тюркских племен из Центральной Азии. По археологическим данным на начальном этапе тюркского завоевания керамическое производство вплоть до конца VI в., носит консервативный характер. С начала VII века в комплексах керамики появляются орнаментальные элементы тюркской кочевой культуры (насечки, изображения стрел, зооморфные элементы на ручках сосудов). Именно под влиянием тюркской торевтики изготавливаются керамические сосуды (Маршак, 1961). В это время окончательно формируются границы

Уструшаны, выделяется административный и культурный центр области – Бунджикат. На территории Джизакского оазиса вместе с крупнейшим городским пунктом Калиятепа начинает функционировать Молтоптепа. Вокруг административного центра рустака Фекнан, Калиятепа, Дизака, складывалась сельская округа. Начинается освоение новых земель в северной и северо-западной частях Джизакского оазиса, формируется Урдинский ирригационный микрооазис. Большую роль в экономике начинают играть многочисленные транзитные караваны. В керамической продукции усиливается роль Каунчинской культуры. Начиная с VIII в. сказывается прямое согдийское влияние на материальную культуру региона.

Таким образом, благодаря своему удобному географическому расположению, Джизакский оазис в эпоху раннего средневековья являлся активной зоной взаимовлияния древнеземледельческого Согда, Уструшаны с присырдарьинскими кочевыми народами и играл важную роль в торгово-экономических взаимоотношениях. Нет сомнения в том, что располагаясь по соседству с Северо-Западной Уструшаной, присырдарьинские племена – эфталиты, а затем тюркские племена – существенно влияли не только на сельскую, но и городскую материальную культуру оазисов, функционирование караванных дорог и торговлю.

В результате изучения археологических памятников Джизакского оазиса, установлено следующее:

а) в раннем средневековье Джизакский оазис со своим административным центром Калиятепа был зоной взаимовлияния различных культур;

б) с учетом того факта, что на джизакских раннесредневековых памятниках пока обнаружено очень малое количество монет, можно предполагать, что здесь превалировала меновая торговля.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Аннаев Т.Ж. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. Т.: Фан. 1988.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. I. Москва. 1963.
3. Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1981 // АРТ. (1979), Вып. 22. Душанбе, 1990.
4. Бентович И.Б. Керамика верхнего слоя Пенджикента (VII-VIII) // МИА. № 37, Москва.
5. Брыкина Г.А. Юго-Западная Фергана в первой половине I тыс. н. э. Москва, «Наука», 1982.
6. Бердимуратов А.Э., Пардаев М.Х. Раскопки верхнего здания Алмантепа. // ИМКУ. Вып. 23. Ташкент, «Фан», 1990.
7. Бердимуратов А.Э., Пардаев М.Х. Замок Кингиртепа. // ИМКУ. Вып. 22. Ташкент, «Фан», 1988.
8. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том. I, II, III. Изд. АН СССР. Москва-Ленинград, 1950.
9. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент. 1982.
10. Буряков Ю. Грицина А.А. Мавераннахр на Великом Шелковом пути. Самарканд-Бишкек, 2006.

11. Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тыс, до н.э. - начало XIII к. н.э. (археолого-топографическое исследование): Авгореф. дис. канд. ист. наук. С., 1990.
12. Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. Ташкент, 1992.
13. Грицина А.А. Культепа – городище средневекового Сабата // Древний Заамин. Ташкент, 1994.
14. Кабанов С.К. Стратиграфический раскоп в северной части городища Афрасиаб // Афрасиаб, Вып. II, Ташкент, 1973.
15. Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. М.: «Наука». 1971.
16. Маршак Б.И. Влияние торевтики на согдийскую керамику в VII-VIII вв. Л., 1961.
17. Негматов. Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековья. Сталинабад, 1957.
18. Негматов Н.Н. Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. Душанбе. 1966.
19. Негматов Н.Н., Пулатов У.П., Хмельницкий С.Г. Уртакурган и Тирмизактепа. Душанбе, «Дониш», 1973.
20. Пулатов У.П., Салтовская Е.Д. Раскопки нижнего горизонта Тиркаштепа. // АРТ. Душанбе, «Дониш», 1980.
21. Пулатов У.П. Чильхуджра. Душанбе, «Дониш», 1975.
22. Пардаев М.Х. Археологические работы на Расулбайкултепа // ИМКУ. Вып. 26. Ташкент, 1992.
23. Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалом нижнего течения р. Сангзар). АҚД. Ташкент, 1995.
24. Пардаев М.Х. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // ЎММТ, 31-нашри, Самарқанд, 2000.
25. Пардаев М.Х., Тўйчибоев Б.Б. Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда. Тошкент, 2017.
26. Салтовская Е.Д. Здание верхнего горизонта Дунгчатепе (Юго-восточная Уструшана) // МКТ. Вып. 4. Душанбе, 1987.
27. Туребеков М. Археологическое изучение оборонительных сооружений городища Калаи-Захоки-Морон // ИМКУ Вып. 15, 1979.
28. Филанович М.И. Ташкент: Зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, «Фан». 1983.
29. Ширинов Т., Пардаев М. Отчёт об археологической работы Джизакского отряда на Калиятепа в 1981 г. Архив ИА АН РУз. Самарканд, 1982.

РАСКОПКИ ГОРОДИЩА ЭСКИ ХАВАС

А.А. Грицина
*Институт Археологических
 исследований АН РУз, Самарканд*

Городище Эски Хавас – один из древнейших и самых значительных памятников Мирзачульской степи. Уже до революции первые исследователи – члены Туркестанского кружка любителей археологии – неоднократно обращали на него внимание. Позднее, крупнейший исследователь и знаток истории Средней Азии М.Е. Массон уже определённо отождествил

огромный бугор в центре Голодной степи с развалинами средневекового Хаваса.

Хавас упоминается практически всеми дорожниками IX-X вв. при описании торговых путей, ведущих из Согда через Уструшану в Чач, Худгнд, Фергану и обратно (Gritsina, 2005). И хотя Хавас часто упоминается в источниках, о нем самом в них почти ничего не говорится, лишь только Йакут лаконично сообщает, что «Хавас – селение Уструшаны» (Бартольд, 1963).

Городище Эски Хавас расположено на южной окраине современного г. Хавас и состоит из внушительной цитадели и двух следующих друг за другом территорий. На городище заложено несколько раскопов.

Раскоп 3 расположен почти в центре восточной части третьей нижней террасы городища (или шахристана II). Одной из основных задач было изучение ранней застройки городища Эски Хавас. Это позволило бы выявить границы раннего поселения и существенно пополнить наши представления о занятиях и экономике древнего города, а также получить материалы для выделения археологических комплексов.

Уже при первых штыках пошел культурный слой со следами очагов, фрагменты лепной и гончарной керамики. Найден археологически целый чашевидный кубок эйлатанского типа. Зафиксирована продольная стена. Размеры кирпичей стены 40 x 28 (30) x 9 см. На глубине начала XII яруса зафиксирован сильно обожженный уровень пола. Много грубой посуды. В то же время идут изящные красноангобированные черепки бокалов, кубков, чаш, мисок, горшков, хумов. Была поднята редкая для северных районов статуэтка, изображавшая женское божество, предположительно Анахиту. В восточной части прирезки плотный грунт перекрывал кладку из сырца неустоявшегося формата, размерами 37-38 x ? x 11-13 см. Слой, связанный с этой стеной представлял собой грунт средней плотности с включением керамики античного облика и небольшого количества костей животных. Зафиксирован очаг диаметром 60 см. В XI ярусе примерно на одном уровне было расчищено четыре хума, вытянутых цепочкой с запада на восток. Вероятно, здесь находилась хумхона. В XI ярусе шел стерильный, не перемешанный материал, который представлен котлами с ручками – упорами, фрагментами кубков, горшков и кувшинов. Ниже кирпичной кладки, продолжался грунт довольно твердый, сильно гумусированный, с небольшим количеством керамики в виде обломков бокалов, кубков, котлов, кувшинов и горшков. Этот слой перекрывал кирпичную кладку из сырца, которая практически находилась под верхней кладкой и шла в таком же направлении (середина XIII-XIV яруса). Размеры кирпичей 52x25x13 см. Пока это самый крупный формат прямоугольных кирпичей, зафиксированный при раскопках в Хавасе. Ширину стены определить не удалось, так как она уходит под восточную стену раскопа. Кладка продолжается вниз под выступившую воду. В XIII – начале XIV ярусах найдена зернотерка, фрагменты от различных сосудов, в их числе ножка курильницы и венчик сосуда с отпечатком ткани с внутренней стороны.

Северная часть раскопа

После того, как опустились до уровня раскопок 2004 года, раскопки продолжались вдоль стены из квадратных кирпичей (Грицина, Абдлгазиева, Богомолов, Рахимов, 2006) (XI – XII яруса). Грунт твердый, цвета лесса, но находок довольно много, идет стерильный материал: кубки, бокалы, горшки, кувшины и котлы. Все античного периода. В связи с этим решили сделать прирезку на север.

После того как был убран балластный слой, опустились на перемешанный уровень в котором превалировали материалы караханидского времени. В восточной части прирезки обнаружена поперечная (с севера на юг) стена из пахсы зеленого цвета (начало IX яруса). В середине IX яруса шли очень твердые натечные слои. Под натечными слоями - грунт твердый, с малым количеством керамики. Материал древнего облика, типа Каунчи II.

В начале X - яруса грунт средней плотности. Идет раннесредневековый материал. Среди находок - обломок сковороды, венчик чаши. В середине X яруса найдено основание бокала. Здесь же продолжается массив (стена) из пахсы и большая яма в нем. Встречаются черепки с потеками. В восточной части расчищена часть стены из сырцовых кирпичей, размерами 32x24x11-12 см и продолговатые 38x14x11-12 см. Прослойка между кирпичами – 5 см. Сохранилось восемь рядов кирпичей. Кирпичи лежат на растворе с включением большого количества ганча. В западной части раскопа расчищена еще одна стена, напротив стены из квадратных кирпичей, о которой упоминалось выше. Сохранность кладки – в три ряда кирпичей. Размеры кирпичей варьируют в размерах: 42-46x25-30x10-12 см.

Раскоп 5 расположен в южной части городища. Раскоп доведен до VI яруса. Выделено три основных слоя: этнографический (верхний), саманидо-караханидский (средний) и раннесредневековый.

Начиная с середины II яруса вместе с этнографической, шел материал караханидского времени. Из середины III яруса происходит ручка от чирага-светильника под сплошной поливой зеленого цвета. На пяточке – штампованное изображение птицы, скорее всего, павлина.

В южной части раскопа зафиксирована стена, идущая в направлении с запада на восток, сложенная из кирпичей не очень хорошего качества. Она была покрыта довольно толстым слоем штукатурки. Толщина ее составляет 90 см, сохранившаяся высота – до 80 см. Прослежен сильно нарушенный пол. Ниже пола шел рыхлый грунт с небольшим количеством керамики и костей животных. Найден черепок со штампованным орнаментом, характерным для XII в. (Gritsina, Mamadjanova, Mukimov, 2014). Видимо, эта стена относится к караханидскому времени, о чем свидетельствует характерная для этого времени поливная и неполивная керамика. Начиная со II яруса, впритык к северной стене раскопа шел очень плотный завал из пахсы и сырцовых кирпичей. При его расчистке были зафиксированы остатки кирпичной стены, идущей с севера на юг. Она сохранилась на высоту в шесть кирпичей. Размеры кирпичей составляют ? x 28-30x10-11 см. С V и до конца VI яруса шли наслоения зольно-органического характера.

Раскоп 4 был зачищен и расширен. Впервые здесь вплотную изучалась раннесредневековая архитектура городища. На раскопе вскрыта часть

полукруглой башни из сырцовых кирпичей. Башня сохранилась на высоту в один-два ряда кирпичей: 44 x 26 x 8 см.

В ходе раскопок выявлено три раннесредневековых строительных периода. Здание с башнями относится к самому нижнему. Оно было разрушено до основания и использовалось впоследствии не по прямому назначению. На это также указывает стена, пристроенная к башне с северной стороны. После некоторого архитектурного запустения возводятся стены второго строительного периода. Третий строительный период связан с большим пожаром в начале VIII в. который, видимо, произошел в период арабской экспансии.

Полученные в ходе раскопок на городище материалы разделяются на несколько керамических комплексов. Материалы античного комплекса представлены довольно широко (Gritsina, 2005). Она представлена группногабаритными хумами с прямостоящим венчиком, лепными хумча, котлами различных размеров с ручками-упорами и без них, сковородами с оттянутым бортиком, а также прекрасными образцами столовой керамики.

Прежде всего, это кубки и бокалы, которые представляют почти все основные формы, известные по находкам в южных и центральных регионах Узбекистана (Исамиддинов, Сулейманов, 1984; Кабанов, 1973; Пидаев, 1987; Некрасова, Пугаченкова, 1978; Немцева, 1969). Интересно отметить, что венчик и часть тулова одного такого сосуда имеет сквозные отверстия в верхней части. Для чего это сделано сказать сложно. Подобного оформления этих сосудов нам пока не известно. Характерны также для этого времени чаши с Г-образным венчиком и миски с вогнутым внутри венчиком.

Обильно представлены горшки, некоторые из которых покрыты ангобом коричневого цвета и украшены прямыми сдвоенными линиями. Характерен рельефный поясок ниже венчика. Подобные пояски часто встречаются в керамике первых веков до н.э. и относятся ко времени Афрасиаб III.

Богат набор кувшинов узкогорлых и широкогорлых. Выполнены они из глины хорошего качества, с включением мелкодробленых ингредиентов, качественного обжига. Некоторые сосуды имели паз для крышки. Иногда встречаются круглые предметы, известные в научной литературе как пуговицы, сделанные из стенок сосудов.

Керамический материал из стратиграфического раскопа 3 укладывается в рамки II в. до н.э. - II в. н.э.

Особняком стоят сосуды типа больших кубков или глубоких чаш, которые украшались либо росписью, либо мазками ангоба. Было сделано предположение, что они относятся к финальному этапу эйлатанской культуры, свидетельствуя о связях с Ферганой, и могут датироваться концом III – началом II вв. до н.э. Создается впечатление, что эта часть (городская) начала обживаться раньше, чем южная половина, о чем и свидетельствует найденная посуда. Материалы южной половины раскопа, учитывая в них наличие узкорезервуарных бокалов (Мухамеджанов, Мирзаахмедов, Адылов, 1982) пока не могут датироваться ранее самого конца II в. до н.э. - рубежом I вв.

Следует отметить по этому поводу, что именно в южной половине, найдены сосуды кочевнического облика, представленные керамикой с

черной облицовкой и лощением, большим количеством котлов, в том числе и с ручками-упорами, обломков курильниц, кувшинов и горшков, выполненных без помощи гончарного круга, свидетельствуя об обживании пришлым населением территории вне стен городской застройки.

Среди находок привлекают внимание статуэтка с изображением Анахиты – богини плодородия. Значение этой находки определяется тем, что она была найдена вместе с материалами II-I вв. до н.э., то есть ее датировка не подвергается сомнению. Кроме того, это пока единственная находка этого времени в Уструшане, указывающая на отдаленные связи с эллинистическим миром.

Материалы раннего средневековья не отличается большим разнообразием форм и представлены хумами и хумча, котлами, горшками, кувшинами, жаровнями. Сосуды формовались ручным способом и на круге. Характерными являются *кувшины* со сливом-рожкой, верхний конец которого либо соединялся с устьем, либо близко подходит к нему. С противоположной стороны крепилась ручка, раздвоенная глубокой ложбинкой. Подобные сосуды из нижнего слоя Чильхуджры датированы IV-VI вв. (Пулатов, 1975). Известны они и по материалам каунчинской культуры (Левина, 1971). Вообще кувшины являются ведущей формой среди раннесредневековой посуды Хаваса. Украшались сосуды скупой, обычно ограничиваясь рядом параллельных полос. Достаточно многочисленны кувшины средних или малых размеров. Они яйцевидной формы, с оттянутым несложным венчиком, плавно переходящим к тулову. Среди них обязательной формой являются сосуды типа ойнохоя. Горшки также являются многочисленной группой сосудов. Имеются крупные сосуды с одной ручкой и сливом-рожкой с противоположной стороны. Некоторые сосуды украшались потеками ангоба и гравированным орнаментом.

Чаши – двух типов. К первому типу относятся сосуды с прямым, слегка наклоненным вовнутрь венчиком. Ко второму типу относятся сосуды, с венчиком, профилированным внутрь сосуда. Один из них украшен замысловатым процарапанным орнаментом.

Разнообразными формами представлены котлы, начиная от миниатюрных и кончая довольно крупными. Некоторые из них украшались насечками по краю венчика. Полученные материалы хорошо известны по раннесредневековым комплексам Уструшаны и Согда и могут датироваться в пределах VI – VIII вв.

Среди комплекса посуды развитого средневековья (X - начало XIII вв.) интересной и достаточно редкой находкой для Уструшаны является ручка светильника с изображением птицы, в которой угадывается павлин в парадизе – в окружении райского растительного изобилия (XII в.).

Следует обратить внимание и на прекрасный комплекс позднесредневековой керамики, которой, как нам кажется, уделяется недостаточно внимания. В данном случае имеется в виду именно археологические, а не этнографические комплексы.

Полученные во время раскопок материалы, безусловно, дадут новый толчок в изучении истории небольшого степного городка, находящегося на пересечении больших трансконтинентальных торговых магистралей и

послужат важным шагом для представления общей картины экономической жизни региона в древности и средневековье.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. О Хавасе см. Gritsina A.A. Eski Havas site and the rezalts of excafations of 1988-1989 // Civilizatijns of nomadic and sedentary peaples of Central Asia. Samarkand – Bishkek, 2005.

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА УСТРУШОНАНИНГ СИЁСИЙ МАҚОМИГА ДОИР

М.М. Исҳоқов
ТДШИ, Тошкент

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё Турк хоқонлиги сиёсий ҳокимияти атрофида уюшган бир қанча нисбий автоном давлат тузилмаларидан иборат эди. Жумладан Чоч, маҳаллий ҳукмдори (чочинак хвабу), томонидан бошқарилган ҳолда Турк хоқонлигининг тудун лавозимидаги ноиби томонидан назорат қилинган. Фарғонада фраганик ихшед ҳукмронлиги амалда турк хоқонлигининг харбий-сиёсий раҳнамолиги остида иш кўрган. Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, бошқача айтганда Суғд конфедерацияси сифатида илмий баҳосини олган давлат уюшмаси ҳам Турк хоқонлигининг таркибий ҳудудлари қаторида бўлган. Суғднинг мазкур ҳудудий бирликлари VII аср ўрталаридан бошлаб Самарқанд марказий ҳокимияти устуворлигини тан олган ҳолда ўз ички нисбий автоном ҳуқуқларини сақлаган маҳаллий ҳукмдорлар бошқарувида бўлган. Бу нисбий автономия марказий Суғд пул зарби амал қилгани ҳолда ички бозор эҳтиёжлари учун маҳадллий Нахшаб(Кабанов С.К. Нахшабские монеты. Вестник древней истории. № 3, 1961) Бухоро, Кеш пул эмиссиялари амал қилганида яққол ифода топган. Бу муносабатлар тизимида Бухоронинг ўрни нисбатан бошқача баҳоланиши мумкин. Яъни Бухоро Суғдида бухорхудотлар бошқаруви Суғднинг бошқа субъектларига нисбатан кўпроқ ажралиб туради. Бу минтақада милодий ҳисобнинг бошларидан то VI-VII асрларга қадар тоза кумуш пул эмиссиялари (скифат тангалар) бозорда эркин амал қилган (Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. М.: -1983). Чоч ўлкаси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Кенг кўламли маҳаллий пул эмиссияси Чочда нисбий сиёсий ҳуқуқ, ички бозор эркинлигидан далолатдир (Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар. Т.: 2010).

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, илк ўрта асрларда Уструшона ҳақида 1932-1933 йилларда топилган Муғ тоғи суғд ҳужжатлари номи билан машҳур тарихий архив таркибидаги А-9 рақамли мактуб асосида баъзи фикрларни айтиш жоиз деб ўйладик.

Уструшона Македониялик Александр босқинчилик юришлари тарихи муносабати билан мил.авв. IV аср воқеалари билан боғлиқ тилга олинади (Арриан, Квинт Курций Руф; В.В. Григорьев; К.В.Тревер; История Таджикского народа. Т.І. М.: 1963. –С. 253-255; Қаранг: Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М.: 1972. –С.94).

Вей-шу, Суй-шу каби VI-VII аср хитой манбаларирида Уструшона Су-дуйшана деб қайд этилган. Ўрта асрларда арабий , форс-тожик ва туркий манбаларда Уструшон, Истаравшан каби шаклларда учрайди.

Мазкур А-9 рақамли Муғ тоғи суғд ҳужжати араб истилоси кунларида Суғд конфедератив давлат уюшмасининг Панч вилояти ҳукмдори Деваштичга атроф ҳудудлардаги ҳарбий сиёсий вазият ҳақида айғоқчи томонидан йўлланган хабарнома деб тахмин қилинади (В.А.Лившиц. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПб., 2009. – С.97-109). Мактуб жанрига хос усулда ёзилган ушбу матн 19,5-11 см.ли ошланган тери юзасига ўнг ва терс томонларига суғд ёзувининг муллои(кундалик) хат усулида қора сиёҳ билан ёзилган. Матннинг ўнг юзаси материалнинг узунасига, орқа саҳифаси эса кўндалангига жойлашган. 1962 йилда ушбу ҳужжатнинг биринчи нашрида В.А.Лившиц орқа юза матни бошқа қўл билан ёзилган, деб ҳисоблаган эди. 2009 йилги иккинчи нашрда ҳар икки саҳифа бир одамнинг дастхати, фақат орқа саҳифадаги матннинг охириги икки сатри бошқача қўл деб хулоса қилган.

Мактубнинг кимга экани ва кимдан экани каби хат жанрига хос бошлов ва якунлов формулалари йўқ. Бу афтидан, араб истилоси кунларидаги мураккаб вазият туфайли атайин яширилган бўлса керак. Мактуб мазмунига келсак, номаълум муаллиф қуйидагича ёзади:

«...(Шундай) хабарлар борки, Хўжанддаги воқеалар тинчиб қолибди. (Хўжанд) халқи амирнинг динига (ёки “химояти остига”) ўтибди. Зодагону, савдогару, мулозиму, аҳли меҳнат (иш одамлари) - барчаси 14000 инафар. Улар (асл) ўз динларидан чекиндилар. Биз бувоқеалар ҳақида чопар юбориб, хабар берган эдик. Аммо (чопар) Хутталга(?) қайтибди деб эшитдик.

Хшеваррўч куни қўмондон(?) Шавкат (деган) манзилга тушибди. Пиёда аскарларни борича (қанча бўлса барчасини) унинг ихтиёрига Буттом орқали жўнатдим. Сен, (эй хожа) Паргардаги кенг бепоён ерларни топширма (ташлаб кетма). Чунки қўмондон сенга қадар (сенинг ёнингга) етиб бора олмайди.

Ва яна, (эй хожа), “Дишттач билан бирга отларни эгарлаб шай қилиб тур. Мурдодрўч куни ишончли одамлар Романга келишади” –деган буйруқ бор. Лекин бу ҳақда менда маълумот йўқ.

Агар (сен эй), ҳукмдорим, сулҳтузмоқчи бўлсанг, бундан на ўзинг ва на халқинг адолат топмайсизлар(тинчликка эришмайсизлар). Янгиликлар бўлса, мен яна хабар бераман. Уструшаналик одамлар (кўпчилик эмас) улар ҳам келишади.

Ҳозирча ҳеч қандай хавотирлик йўқ. Ташвиш тортма... . Агар мени хузурингга чорлаб, қабул қила олсанг, миннатдор бўлар эдим».

Таржимадан кўриниб турибдики, А-9 ҳужжатининг мазмуни мураккаб. Воқеалар беқарор ва ривожланиб ўзгариб бораётгани яққол сезилади. Бир томондан араб истилоси кунларида Хўжанддаги воқеалар ҳақида гап борса, бошқа томондан ҳарбий-сиёсий вазият Буттам, Паргар, Уструшана, хатто, Хуттал каби ҳудудларни қамраб олади. Орада Панч вилояти билан қўшни Уструшонага олиб ўтувчи Шаҳристон п еревали манзиллари қайд этилган.

Бу ўринда Хўжанд шаҳри ҳақидаги фикрлар ривожига тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ. А-9 ҳужатининг 1962 йилги биринчи нашрида бу сўз **кучантаҳ** деб ўқилиб, Шарқий Туркистондаги Куча шаҳрига нисбат берилган эди(Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. М.: 1962. -90-93). Ҳужжатнинг янги нашрида бу хато тузатилиб, Хўжанд деб талқин қилинган. Шу билан бирга О.И.Смирнованинг **кучантаҳ** сўзини Хўжанд деб тушуниш ҳақидаги таклифини эслатиб ўтилган(Смирнова О.И. Очерки истории Согда. М.: 1970. -141-143). Ушбу сатрлар муаллифи ҳам мустақил ҳолда бу сўзни Хўжанд деб тушуниш лозимлигини кўрсатган эди(Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан ҳатлар. Тошкент, Фан. 1992. –Б. 46-50).

Матндаги “кучантаҳ прахмани пир” жумласини В.А.Лившиц қайта нашрда “пар ғамир пир нижант” деб ўқиган ва “амирнинг(халифаликнинг Хуросондаги ноиб Абдул Азиз Хузайна кшзда тутилади – М.И.) динига ўтдилар” деб таржима қилган. Бироқ, агар **пир** сўзини Марказий Осиёда кенг тарқалган қадимий мудофаа деворлари номидаги **пир** сўзи билан боғлаб тушунсак, бу “**девор**” деган маънони беради. Масалан Кампир девор “хандақли девор”, “Пирроста” (“Тўғри йўналган девор”) Нурота шаҳри қадимги мудофаа деворининг чўл томондаги қисми номи ва бошқалар. Мазкур **пир** сўзининг “мудофаа, ҳимоя” маъносидан кўчма маъно пайдо бўлиб, аждодларимиз ўзлари учун азиз бўлган руҳоний ҳомийларини ҳам (эшонларни, сўфийларни) пир деб улуғлаб келган(М.Исҳоқов. К имени Язатпир на монете из Казахстана. Сб.статей “Трансоксиана”. К 70-летию академика Э.В.Ртвеладзе. М.: 1971). Демак, Хўжандда халифалик қўшинига қарши барча аҳоли -14 минг киши мудофаа деворида туриб шаҳарни ҳимоя қилган, дкб тушуниш маъқулдир.

Ҳужжатда қайд этилган бир қатор жой номлари (Шақат, Бтуттам, Паргар, Хуттал ва бошқалар) Хўжанд билан Панжикент(Панчикант) оралиғидаги ҳудудлардир. Бу ҳудуддаги ҳарбий-сиёсий вазият Панч учун ҳам муҳим бўлгани сабабли воқеалар кечаётган 720-721 йилларда ҳукмдор Деваштич ўз айғоқчисини юбориб ахборотлар олиб турган экан.

Хулоса қилиб айтганда, Муғ тоғи ҳужжатлари саксон йилга яқин вақт ичида халқаро миқёсда ўрганиб келинаётганига қарамай, ҳали кўп қирралари очилган эмас. Улар суғдшуносликнинг ҳозирги даражасидан туриб янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Чунки бу ёдгорлик мажмуи азал биродар, оға-ини ўзбек ва тожик халқлари тарихининг муштарак мулкидир.

КЎҲНА ХОВОС ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА

К.А. Раҳимов

ЎзР ФА Археологик

тадқиқотлар институти, Самарқанд

Уструшона ҳудудидан қадим ва ўрта асрларда Шарқ билан Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлининг тармоқлари ўтганлиги, бу ҳудуднинг

халқаро савдо муносабатларида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. Бундай савдо фаолияти ўзининг сезиларли ижобий таъсирини кўрсатган, яъни карвон йўлларида жойлашган аҳоли манзилгоҳлари савдо ва карвонларга хизмат кўрсатиш орқали обод бўлган ҳамда тараққий этган. Бу манзилгоҳлар ичида ўзининг кўлами ва катталиги жиҳатидан иккитаси Сайхунобод туманидаги Нурота ва Ховос туманидаги Кўҳна Ховос ёдгорликлари ажралиб туради. Кўҳна Ховос харобаси уч қисмдан, яъни шимоли-ғарбдаги маҳобатли арки-аъло ва унга туташ деворлар билан ажратилган иккита шахристондан ташкил топган.

Кўҳна Ховос мустаҳкам мудофаа иншоотларига эга, стратегик жиҳатдан ҳар томонлама қулай жойлашган Уструшона ҳудудидаги муҳим археологик ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Ўрта асрлар ёзма манбаларида келтирилишича, Ховос Самарқанддан шарққа йўналган йўлнинг чорраҳасида жойлашган. Ундан бир тармоқ Куркат орқали Хўжанд ва Фарғонага, иккинчи тармоқ тўғри Сирдарё кечувидан сўнг шимолга, йирик Банокат (Шоҳрухия) шахрига ва ундан эса йирик шаҳар Харашкентга ва ниҳоят, Чоч пойтахти Бинкатга борган. Ўрта асрларда Ховос йўли ва Бенакет йўли ўзаро боғланган бўлиб, Буюк Ипак йўлида маълум ва машҳур бўлган. В.В.Бартольднинг ёзишича, Чирчиқ дарёси водийсига иккита йўл, яъни – шулардан бири Ховос, иккинчиси Жиззах орқали борилган (Бартольд, 1963).

Шунингдек, Ховосдан Бенакетгача ҳам иккита йўл орқали бориш мумкин бўлган. Биринчи йўл қисқа бўлиб, Мирзачўл орқали кечувдаги шаҳар Хушкетга олиб борган. Хушкет шахри Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги Нурота шахристонини ўрнида бўлган. Иккинчи йўл узунроқ ва хавфсизроқ бўлиб, Сирдарё дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб, яъни Кўҳна Ховос орқали борган. Уструшона пойтахти ҳисобланган Бунжикат шахридан Ховосгача Сабот шахри орқали катта йўлдан бориш мумкин бўлса-да, Фарғонага борадиган карвонлар одатда Ховос ва Куркат орқали юришган (Грицина, 2000).

Бундан ташқари, Ховосга вилоят маркази Бунжикат шахридан Уструшонанинг бошқа йирик шахри Сабот орқали ҳам йўл бўлган. “Катта йўл” жануброқдан Сабот орқали ўтган бўлишига қарамай, савдо карвонлари одатда Хўжанд ва Фарғонага Ховос ва Куркат орқали боришни қулай, деб билганлар (Бетгер, 1957).

Ховоснинг аҳамияти, унинг стратегик қулайлиги, бир томонда ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга Бунжикат орқали Бактрияга ўтган қадимий, муҳим савдо ва ҳарбий йўналишлар чорраҳасида бўлганлигидадир (Негматов, 1957).

Араб географлари уни фақат карвон йўллари чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида тилга олишади. Ибн Хавқал Ховос йўли ҳақида: “агарда ким Зоминдан Хўжандга Ховос йўли орқали бормоқчи бўлса, унинг йўлида Куркат учрайди,”-деб ёзган. Ховос Уструшона манзилгоҳларидан бири бўлиб, у амалда барча ўрта асрлар йўл йўриқномаларида Сўғддан Уструшона орқали Чоч, Хўжанд, Фарғонага бориш ва қайтиш йўли манзили тарзида эслатилади. Ёқутнинг (XIII аср) маълумотларида “Ховос – бу Уструшонадаги қишлоқ”, деб талқин қилинган (Хордадбех, 1986). Ибн Хўрдодбех (IX аср)

Ўзининг машхур “Йўллар ва мамлакатлар китоби” асарида Ховосдан қўшни ҳудудларгача ва улардан Ховосгача бўлган масофалар ҳақида тўхталиб ўтади. Ховосга оид шунга ўхшаш маълумотлар Қудамма, Ибн Руста (X аср биринчи ярми), Ал-Истахрий, Ибн Хавқал (X аср), ас-Саъмоний (XII аср), Ёқут (XIII аср), Абул-Фидо (XIV аср) асарларида ҳам келтирилади. XI аср бошида Ховос Сомонийлар сулоласининг сўнгги вакили Мунтасир ва қорахоний илоқи ўртасидаги жанг тафсилотларида тилга олинади. Ховос номи Низомиддин Шомийнинг машхур “Зафарнома” асарида (XV аср боши) ҳам эслатиб ўтилади (Шомий Низомиддин, 1996, 69 б.).

Унда хабар беришича, Амир Темурнинг ўзи ҳам Ховосда бўлган. 1367-1368 йилларда Амир Хусайн ва Амир Темур ўртасидаги кўплаб тўқнашувлардан бири бўлиб ўтади. Бу жангда Соҳибқирон қўшини ўз ҳаракатини Ховосдан бошлаб, рақибининг сон жиҳатдан анча устун бўлган қўшинини тор-мор қилади.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ховосда машхур шоир Абдурахмон Жомий ҳазратлари ва машхур сўфий Хожа Аҳрори Вали бўлганлар (Абдуллаев., Валихўжаев, 1969, 235 б.).

Ховосни қишлоқ тарзида бир неча бор Бобур Мирзо (XVI аср) тилга олади. Жумладан, унинг маълумоти бўйича, “Умар шайх Султон Аҳмад Мирзо билан Шохрухия ва Ўратепа оралиғидаги Ховос қишлоғидаги жангда мағлуб бўлганлиги айтиб ўтилган (Бобур Мирзо, 1993.34-35 б.).

Йилномалардаги савдо ва ҳарбий йўллари эсдаликларида Ховос савдо йўли чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида кўплаб маълумотлар келтирилсада, аммо бевосита шаҳар тўғрисида маълумотлар айтиб ўтилмаган. Бу ёдгорликда қадимги шаҳар тоифасига хос бўлган аломатлар мавжудлигини аниқлаштириш учун археологик тадқиқотлар олиб бориш зарурияти лозим эди.

Кўҳна Ховосниг биринчи тадқиқотчилари – Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги (ТКЛА) аъзолари—унга бир неча бор эътибор берганлар. М.Е. Массон Мирзачўл марказидаги катта тепаликни ўрта асрлардаги Ховоснинг марказий харобалари, деб талқин қилади. Аммо у вақтларда тепа устида кўплаб аҳоли яшаган (дастлаб тепа устида атрофи сув тўлдирилган ҳандак билан ўраб олинган Беклик қалъаси ва кейинчалик, 1953 йилларгача эса, Кўҳна Ховос қишлоғи уйлари жойлашган), оқибатда ёдгорликда археологик изланишлар олиб бориш амалда мумкин бўлмаган. Шу туфайли, археологик ўрганишга эътибор унинг яқинидаги Шаҳристон ва Ўратепа харобаларига қаратилади.

1988-1989-йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти Сирдарё археологик отряди илк бор Эски Ховос харобаларида қазилма ишларини олиб боради. Натижада, ёдгорликнинг энг қуйи қатламларидан (материға ета олмаган бўлсаларда) олинган археологик манбалар манзилгоҳнинг камида милодгача I ва милодий I асрларда пайдо бўлганлигини ва у камида икки минг йиллик тарихга эга эканлиги исботланди (Грицина, 1989). Шу йилларда Ховос ва унинг атрофларидаги Шўрбулоқсойнинг (Нижонисой) юқори оқими ҳавзасида бўлган Нуртепа шаҳар харобаси очилади. Бу ерда қайд қилинган археологик ашёлар милодгача VI ва V асрларга оид бўлиб, улар Ховоснинг антик

ёзма манбаларда келтирилган қадимги Уструшона манзилгоҳи қолдиғи бўлганлигини кўрсатади. Кейинги тадқиқотлар ўн тўрт йилдан сўнг, яъни 2003-2004 йилларда олиб борилган ва бунинг натижасида бу ерда милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярмига оид илк элин даври девори қолдиқлари очилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур девор қадимги маданий қатламлар устига қурилганлиги аниқланди (Раҳимов., Мамиров, 2017. С. 19; Грицина., Иваницкий., Раҳимов, 2004; Грицина., Матбабаев, 2004; Грицина., Абдулгазиева., Богомолов., Раҳимов, 2006; Gritsina, 2005) ва шу билан бирга милоддан аввалги VI-IV асрга оид Эйлтон маданиятига хос бўлган ангоб билан безак берилган кулоллик идиш бўлаклари қайд қилинди.

Бундан ташқари, қадимги Чоч, Бақтрия, Сўғд ва бошқа худудлар билан доимо сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабат бўлганлигини исботлави бир қатор ноёб осор-атиқалар ҳам қайд қилинди. Бу ердаги 14 метр қалинликдаги маданий қатламлар ёдгорликда қадим даврлардан бошлаб XX асрга қадар ҳаёт узлуксиз давом этганлигини кўрсатади. Бундан кўриниб турибдики, Кўҳна Ховос харобаси бутун Уструшона учун эталон ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Воҳаланки, Истравшондаги Муғтепа (Ўратепа) ва бошқа шаҳар харобаси ёдгорликлари қатламларида сезиларли узилишлар кузатилади. (Раҳимов, 2002, 105-106 бетлар).

Ёдгорликда сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, милоддан олдинги IV асрнинг иккинчи ярмидан то XIX асрга қадар Ховос қадим Фарғона, Чоч ва Сўғдда савдо ва ҳарбий ҳаракатлар йўналишлари чорраҳасидаги қулай ва муҳим манзил вазифасини бажарган (Грицина, Иваницкий, Раҳимов, 2004; Грицина, Матбобоев, 2004).

2014-2017 йиллар олиб борилган тадқиқотлар давомида бу ерда сўнгги антик ва илк ўрта асрларга оид икки хўжаликка тегишли уй-жой ўринлари ва турли хил шаклдаги ўчоқлар қайд этилди. Ўчоқларни шакл ва жойлашган ўрнига қараб, уларни таом пишириш, хона иситиш ва оловга топинишга мўлжалланган ўчоқларга ажратиш мумкин. Шу билан бирга, бу ерда оловга топиниш ўчоқларини алоҳида хоналарда қайд қилинганлигини инобатга олиб айтадиган бўлсак, ушбу хоналар оилага тегишли ибодат қилиш хонаси вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

Ушбу йилларда қўлга киритилган энг ноёб топилмалардан бири ҳосилдорлик маъбудаси Анахита ва XII асрга тегишли Ҳумо қуши тасвири туширилган чироқ дастасидир. Маълумки, зардуштийликнинг ҳосилдорлик маъбудаси Анахита, Ноҳид ва ёки Нана номи билан аталган. Ўша давр анъаналарига кўра, ҳар бир хонадоннинг ўз файзи ва дастурхони тўкин сочинлиги рамзи сифатида ушбу маъбуда хайкалча ёки бут кўринишида ясаиб хонадонларда сақлаб келинган.

Тадқиқотлар давомида 8-қазишманинг шимолий-ғарбий томонида XI аср бошларга тегишли ҳаммом ўрни очилди. Унинг поли пишиқ ғиштдан терилган бўлиб, уни устидан X аср охирлари XI аср бошларида зарб қилинган икки дона мис танга топилди.

Ўрта Осиёда илк ҳаммомлар эрамизининг IX-XI асрларидан маълум. Мисол қилиб, Самарқанд шаҳристонида (Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, С. 309), Тараз шаҳарчасида (XIII аср.) (Бернштам, 1940),

Тошкент вилоятидаги Шоҳжувар шаҳрида учта ҳаммом очилган бўлиб, улардан бири Сомонийлар ва иккитаси Қорахонийлар даврига тегишли эканлиги аниқланган (Тихонин, 1990), Шунингдек, Ахсикент ёдгорлигида X-XI аср бошларида (Анарбаев, Ахраров, 1991), Нисада XIII асрларга тегишли (Пугаченкова, 1949, рис. 16) ҳаммомларни очилганини ҳам айтиб ўтишимиз мумкин.

Ушбу қазишманинг шимолий томонида Ховос беклиги даврига оид мудофаа вазифасини бажарувчи ёки бўлмаса уни чегарасини белгиловчи девор ўрни очилди. Деворнинг сақланиш баландлиги 70 см, кенлиги 2 метргача етади. Девор асосан гувала, хом ғишт ва унинг бўлақларидан қурилган. Бундан кўришиб турибдики, ёдгорлик сўнгги ўрта асрларда ўзининг мустақкам мудофаасига эга бўлган.

Сўнгги тадқиқотларимизда Кўҳна Ховос харобаси ўрнида тахминан милoddан аввалги VI-IV асрларда катта бир қишлоқ манзилгоҳи бўлганлигини ва унинг асосида кейинчалик шаҳар вужудга келганлигини таъкидлаб ўтилган (Раҳимов, 2016. 105 б; Раҳимов., Мамиров, 2018. 23 б.).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Кўҳна Ховос ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар давомида қўлга киритилган ноёб осори-атиқалар илмий таҳлилини кўрсатишича, Уструшона аҳолиси қадимда Чоч, Бақтрия, Сўғд ва бошқа ҳудудлар билан доимо сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев В.А., Валиходжаев В. Литературная жизнь // История Самарканда. Том первый. Ташкент, 1969.
2. Анарбаев А.А., Ахраров И. Бани средневекового Ахсикента. ИМКУ. Вып. 25. Ташкент, 1991/
3. Бабур-наме. Записки Бабур. Перевод М. Салье. Ташкент, 1993.
4. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Том 1. М, 1963.
5. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Ленинград, 1973.
6. Бернштам А.Н. Бани древнего Тараза и ее датировка // ТОВЭ. II. Ленинград, 1940.
7. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Ташкент, 1957.
8. Бурякова Ю.Ф., Брыкалова В.Г. К эволюции гончарных печей Средневекового Бенакета- Шахрухии. ИМКУ, вып. 22, Ташкент, 1988.
9. Грицина А.А, Иваницкий И.Д., Рахимов К.А. Раскопки на городище Эски Хавас // Археологические исследования в Узбекистане – 2003 год. Вып. 4. Ташкент, 2004.
10. Грицина А.А, Матбабаев Б.Х. К исторической топографии городов Ферганы на Великом шелковом пути (на примере Кубы и Оша) // Великий шелковый путь и Ферганская долина. Материалы республиканской научно-теоретической конференции. Ташкент, 2004.
11. Грицина А.А. Уструшанские были. Ташкент, 2000.
12. Грицина А.А., Абдулгазиева Б., Богомоллов Г.И., Рахимов К. Работы Хавасского отряда // Археологические исследования в Узбекистане – 2004-2005 годы. Вып. 5. Ташкент, 2006.
13. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Пер. с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н. Велихановой. Баку, 1986.

14. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. Душанбе, 1957.
15. Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Нисы. ТЮТАКЭ. Т. I. Ашхабад, 1949.
16. Раҳимов К.А. Эски Ховос Буюк ипак йўли чоррахасидаги шаҳар// Уструшона буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик давр ва ўрта асрларда) Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон, 2016.
17. Раҳимов К.А., Мамиров О. Кўҳна Ховос ёзма ва археологик манбаларда// “Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари” мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. Самарқанд, СамДУ -2018.
18. Раҳимов К.А., Мамиров О. Ховос ёдгорлиги // Мозийдан садо. Тошкент, 2017.
19. Раҳимов Н.Т. Археологическая стратиграфия и периодизация истории Уратюбе // ТД международного симпозиума «Роль Истаравшана (Уратюбе) в истории цивилизации народов Центральной Азии. Душанбе, 2002.
20. Тихонин М.Р. Некоторые моменты из истории материальной культуры средневекового Шахджуvara // ИМКУ. Вып. 24. Ташкент, 1990.
21. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н. Велихановой. Баку, 1986.
22. Шомий Низомиддин. Зафарнома. Тошкент, 1996.
23. Gritsina A.A.Eski Navas site and the rezalts of excafations of 1988-1989 // Civilizatijns of nomadic and sedentary peaples of Central Asia. Samarkand – Bishkek, 2005.

НУРОТА ТОҒ ТИЗМАСИ ҲУДУДИДА АНИҚЛАНГАН БРОНЗА ҚОЗОН ХУСУСИДА

Саидов М., Юнусов М.

*Археологик тадқиқотлар институти, Самарқанд
Самарқанд Давлат музей қўриқхонаси*

Археологик топилмалар ҳар бир халқнинг тарихи, қадриятлари, маданияти ва маънавияти тимсоли сифатида намоён бўлиб, улар нафақат музей экспонати балки, тарихий даврнинг маълум бир қиррасини ёритишда муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Худди шундай қадимий осори атиқалардан бири Каттакўрғон туманининг Оқтов тоғларига туташ Йилқихайдар қишлоғи юқорисидаги ҳудуддан тасодифий топилган ва 2017 йилнинг охирида Самарқанд давлат музей-қўриқхонасига тақдим қилинган бронза қозон ҳисобланади.

Бронза қозонлар бугунга қадар Шимолий Хитойдан то Дунай дарёси бўйигача бўлган ҳудудларнинг деярли барча ерида топиб ўрганилган бўлиб, (Демиденко 2008, С.60-61.) қозонларни саклар, скифлар, сармат ва савроматлар каби кўчманчи қабилаларнинг дерез усталари минг йиллар давомида қуйиб келишган ва қимматбаҳо буюм сифатида қадрлашган.

Бронза қозонларнинг қўлланилиш борасида бир қатор мутахассислар ўз фикрларини билдиришган бўлиб, айрим тадқиқотчилар бундай идишларда маст қилувчи ичимлик тайёрлаш билан бир қаторда суяқ маҳсулотлар учун ишлатилганлигини қайд этишади (Ермоленко, 1989 С.83-86.). Хусусан,

Геродот ўзининг 9 томли Тарих китобида скифлар бундай қозонлардан гўшт пиширишда, диний маросимларда, қурбонлик келтиришда фойдаланишганлигини қайд этади (Геродот IV, 1972. С.201 (61)). Кичик бронза қозонларидан эса исирикдон сифатида ҳам фойдаланилганлиги Пазирик қўрғонидан топилган ашёларда ўз аксини топган (Руденко, 1953).

Музейга тақдим қилинган қозоннинг сақланиб қолган қисмининг умумий баландлиги 37,4 см., оғиз қисмининг эса диаметри 43,2 см.ни ташкил этади (1-расм).



1 расм

Қозоннинг асосий қисми ярим сферик кўринишда, деворлари деярли тик бўлиб, оғиз қисмининг пастки қисмида, икки ён тутқичлари жойлашган. Тутқич қозонга алоҳида кавшарланган бўлиб, у 1 см вертикал, сўнг эса 5 см баландликда вертикал кўринишга эга. Қозоннинг деворларининг пастки қисмлари сал эзилган бўлиб, айна шу ерларида бир неча металл ямоқлар кузатилади. Ушбу ямоқлар қозоннинг ниҳоятда қадрли, қимматбаҳо бўлганлигини, авлоддан-авлодга ўтиб келиб, узоқ вақт давомида ишлатилганлигидан далолат беради. Қозоннинг пастки қисмида унча баланд бўлмаган воронкасимон тагдонга эга. Тагдон тўлиқ сақланмаган, синган жойидаги излар унга қазиб олиш жараёнида шикаст етканлигини кўрсатади. Қозоннинг шарсимон танаси яхлит қуйма шаклда бўлиб, икки ён тутқичлари ва тагдон унинг асосий қисмига ёпиштирилган.



Қозон танасининг шакли, тутқичларининг сони ва тузилиши, тагдонининг кўриниши асосида, ушбу қозон Еттисувдан топилган бронза қозонларга ўхшашлигини кузатишимиз мумкин (2 расм). Илмий манбаларда Еттисув қуйма бронза қозонлари морфологик жиҳатдан уч гуруҳга бўлиниб, ярим сферик кўринишдаги учинчи гуруҳга кирувчи қозонлар асосан мил.авв. V-III асрлар билан белгиланади (2 расм). (Демиденко, 2008, С.40; Бернштам, 1949. С.40-47.). Лекин, айрим тадқиқотчилар Еттисув бронза қозонларининг ўзига хос хусусияти уларнинг асосий қисми қулоқлари, тагдони билан бирга яхлит қўйилганлиги қайд этишиб, ушбу усул саклар, скифлар, савроматлар, жанубий сибирь ва шимолий хитойлик усталар томонидан

кенг қўлланилганлигини, айрим савромат ва кейинчалик сармат усталари эса қозоннинг асосий қисми ва тагдонини алоҳида ясаганликларини қайд этишади (Демиденко, 2008. С.40,43.).

Айни вақтда тузилиш жиҳатдан Косикадаги (Астрахан области, Россия) 45-мозорқўрғонда аниқланган қозон (3- расм) ҳам тузилиши жиҳатдан Йилқихайдар қишлоғида аниқланган қозонга анча яқин ҳисобланади. Қозон яримсферик кўринишда бўлиб, қозон деворлари юқорига қараб озгина торайган ва гардиш қисми ташқарига озгина қайрилган. Қозоннинг сақланган умумий баландлиги 33,8 см, гардиш қисмининг диаметри эса 34,7 см ни ташкил этиб, мутахассислар томонидан 5-3 асрлар, яъни анъанавий тарзда сақлар маданияти билан боғланган (Скворцов, Скрипкин, 2004. С. 188.).



2-расм



3-расм



0 2 4 6 CM

4-расм



5 0 5cm

5-расм

Лекин, ушбу йўналишда изланиш олиб борган тадқиқотчилар С.В. Демиденко ва Ю.В. Демиденколар Косика ҳамда Суғд худудида аниқланган

Сирлибойтепа (Кўшработтумани) ва Кўктепа (Пайариқтумани) қўрғонларида аниқланган илмий таҳлил қилиб, уларни бир маданият доирасига оид эканлигини қайд этиб, мил. авв. 1 аср билан саналайдилар (Демиденко, Демиденко, 2012. С. 85-86). Хусусан, Сирлибойтепа қўрғонидаги иккинчи қабрда топилган яримсфера шаклдаги бронза қозон баланд конуссимон тагдонга эга бўлиб, баландлиги 25 см.ни, оғиз қисмининг диаметри 17 см ни ташкил этиб (4-расм), у тадқиқотчилар томонидан томонидан мил. авв. 2-1 асрлар билан даврланади (Иваницкий, Иневаткина, 1989, С. 44-59). Ўзбекистон тарихи давлат музейида намойиш этиб келинаётган, Кўктепа ёдгорлигидаги “сак маликаси” қабрида аниқланган бронза ҳам ушбу давр билан давлаштирилган бўлиб, қозоннинг баландлиги 31,2 см, гардиш диаметри 26 см. ни ташкил этади (5-расм). Муаллифлар бундай топилмаларнинг Қозоғистон ҳудудидан кўплаб топилганлиги уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин, деган тахминни илгари сурадилар (Исамиддинов, Рапен, Хасанов, 2014. С.82).

Юқорида қайд қилинган қозонларнинг ўзаро ўхшашлиги, мазорқўрғонларда аниқланган инвентарлар ва уларда кузатилган урф одатлардан келиб чиққан ҳолда, С.В. Демиденко ва Ю.В. Демиденколар ушбу ҳолат Ўрта Осиё, Шимолий Каспийорти ва Волгабўйи ҳудудларида истиқомат қилган кўчманчи қабилалар ўртасида алоқаларни тасдиқлашини ҳамда ушбу қозонларни ясаган аҳолининг бир қисми кейинчалик қуйи Волгабўйидан Ўрта Осиёга кўчганлиги борасидаги тахминни илгари суришади (Демиденко, Демиденко, 2012. С.87-88). Шу билан бир қаторда уларнинг фикрича, Косика, Кўктепа ва Сирлибойтепа мазорқўрғонларида аниқланган қозонларини ташқи, жумладан қулоқларининг кўриниши асосида Еттисув ва Тяньшанда аниқланган шунга ўхшаш айрим қозонларни “сак”ларга оид деб аташ нотўғри эканлигини ва уларни милoddан аввалги 2-1 асрларга оид эканлигини таъкидлашади (Демиденко, Демиденко, 2012. С. 88).

Географик нуқтаи назардан Йилқихайдар қишлоғи, Сирлибойтепа ва Кўктепа қўрғонлари ягона - Нурота тоғ тизмаларида жойлашган бўлиб, Йилқихайдар қишлоғини Сирлибойтепа ёдгорлиги билан Оқтов тоғи ажратиб турса, Кўктепа ёдгорлиги билан Қароқчитов (Қорачатов) тоғлари ажратиб туради. Ушбу ҳудуд қадимдан чорвачилик учун доим қулай бўлганлиги сабабли бу ерда чорвадор аҳоли асрлар давомида узлуксиз яшаб келганлиги, бу ерда аниқланаётган кўплаб ашёлар мисолида кўришимиз мумкин. Хусусан, Самарқанд музейининг катта жамланмасида сақланаётган кўчманчи қабилаларга мансуб найза ва камон учлари (Каттакўрғон тумани ҳудудидан топилган), жанговор бош кийим-шлем (Самарқанд шаҳри жанубидан топилган) ва бошқа ашёлар топилиши, илк темир даврига оид кўплаб қоятош суратларнинг кузатилиши тасодифий эмас. Лекин, уларнинг аксарият ҳолларда тасодифан топилиши, топилган жойини аниқ бир ёдгорлик, маданий қатлам билан боғлаш қийин эканлиги ушбу ашёларни келиб чиқиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари борасида аниқ, тўлақонли фикр айтиш имконини бермайди. Шу жиҳатдан, ушбу ҳудудда кенг қамровли археологик изланишлар олиб бориш, аниқланган ашёларни нафақат морфологик, балки замонавий усуллар ёрдамида

тахлил қилиш ўтроқ ва чорвадор аҳоли ўртасидаги муносабатлар, уларнинг моддий маданияти ва бошқа масалалари борасида бир қатор янги, илмий асосланган маълумотларни қўлга киритиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бернштам А.Н. Основные этапы истории культуры Семиречья и Тянь-Шаня // СА. №.9, 1949.
2. Геродот. История в IX книгах. Пер. Г.А.Стратановский. Л.,1972.
3. Демиденко С.В. Бронзовые котлы древних племен Нижнего Поволжья и Южного Приуралья. М., 2008.
4. Демиденко С.В., Демиденко Ю.В. К вопросу о связях Заволжья, Северного Прикаспия и Средней Азии в последние века до н.э // Евразия в скифо-сарматское время. (Труды ГИМ. Вып. 191. Москва, 2012.
5. Ермоленко Л.Н. К вопросу о назначении “скифских котлов” (на матер. Центральной Азии). Проблемы археологии скифского мира (социальная структура и общественные отношения). Тез.докл. Т.2. Камерова, 1989.
6. Иваницкий И.Д, Иневаткина О.Н. Раскопки кургана Сирлибайтепе // ИМКУ. Вып.22. Ташкент., 1988.
7. Рапен К., Исомиддинов М., Хасанов М. “Аристократическая” гробница кочевников на городище Коктепе близ Самарканда. Археология и история Центральной Азии в трудах французских ученых. Том 2. МИЦАИ. 2014.
8. Руденко С.И. Культура населения горного Алтая в скифское время. М-Л, 1953.
9. Скворцов Н.Б., Скрипкин А.С. Сарматский погребальный комплекс из курганного могильника Майэровский III (проблема интерпретации) // Проблемы археологии Нижнего Поволжья: I Международная археологическая конференция. Тезисы докладов. Волгоград. : Изд-во ВолГУ, 2004.
10. Членова Н.Л. О степени сходства компонентов материальной культуры в пределах «Скифского мира». Петербургский археологический вестник. СПб, 1993. №7

ЛОКАЛЬНЫЕ ВАРИАНТЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ОСЕДЛОГО И КОЧЕВОГО НАСЕЛЕНИЯ СРЕДНЕАЗИАТСКОГО МЕЖДУРЕЧЬЯ В ДРЕВНОСТИ И РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ (В КОНТЕКСТЕ УСТРУШАНЫ)

О.У. Мамиров

Институт археологических исследований АН РУз. Самарканд.

В средние века вся Среднеазиатско-Казахстанская (Центрально-азиатская) историко-культурная провинция являлась ареной взаимодействия двух хозяйственных зон и культурных миров: кочевников-скотоводов (саки, массагеты, тюрки) и оседлых земледельцев, создавших древнее и средневековое Хорезмское государство, Парфянское царство, Бактрию, Согд, Маргиану, средневековую мусульманскую среднеазиатскую цивилизацию. Это определялось территориальным разделением труда, торговым обменом между земледельческими оазисами и обширными пастбищно-животноводческими территориями пустынь и степей (Баштанник, 2010).

Кочевничество, в силу того, что природно-географические условия не давали возможности заниматься земледелием, на определенной территории превращалось в основной вид ведения хозяйства. Этот вид ведения хозяйства везде начинался одинаково: с простого приучения до одомашнивания в оседлом или полуседлом хозяйстве, от откармливания и размножения на выпасах до кочевого скотоводства. Причиной кочевого скотоводства в Средней Азии явилось то, что, во-первых, в условиях региона в степях и пустынях травяной покров был сезонным; во-вторых, природные запасы воды и усыхание рек в летний период не позволяли содержать большое количество скота в одном месте. Вид животных зависел от того, что произрастало или сеялось в данном месте, от особенностей выпасов и природных условий региона. Если была возможность, кочевники тоже занимались земледелием. Выявлено, что кочевые племена саков и усуней холодное время года проводили в стационарных поселениях (Байпаков, 2008. С 74-76).

Появление в скотоводческом хозяйстве коневодства привело к коренным социально-экономическим и этнокультурным изменениям в родовом обществе. Как известно, у оседлого населения были развиты домашнее животноводство и мотыжное земледелие. В эпоху бронзы развитие коневодства послужило основным фактором перехода от домашнего животноводства к кочевому скотоводству. По мнению академика А.Аскарова: “В качестве продукта этих коренных изменений в составе первобытных скотоводческих племен выделяются вожаки общин, имевшие в своем хозяйстве десятки домашних животных” (Асқаров, 2006. с 71-72).

Как известно, в скотоводческом хозяйстве процессы имущественного расслоения происходили быстрее, чем в земледельческом. Поэтому откармливать и охранять скот, находить новые места для выпаса и расширять скотоводческое хозяйство становилось жизненно важной задачей для скотоводов. Приблизительно в середине II тысячелетия до нашей эры в составе скотоводческих общин образуются конные отряды. Они считались свободным, воинственным имущим слоем общины. В “Авесте” члены семей такого слоя, в отличие от других членов родовой общины, называются азади или арии. Страна, где они проживали, называется родиной ариев, “Арьянам Вайджо”. Академик А.Аскаров о происхождении ариев писал следующее: “Арии – социальный продукт этапа кочевой жизни эпохи экономического подъема скотоводческих племен, их инициативный и предпринимательский слой, аристократическое сословие зарождающегося классового общества” (Асқаров, 2006. 71-72 б).

По мнению Ф.Э. Тошбоева в эпоху античности у древних уструшанцев существовала единая экономическая система (конфедерация), объединявшая оседлое и кочевое население. Однако, эти два вида хозяйства не могли осуществлять нормальную деятельность. Иногда в результате завоеваний другими племенами, население попадало в плен или в зависимость от завоевателей и связи оседлых земледельцев и кочевых скотоводов искусственно прерывались. Но в большинстве случаев оседлое и кочевое население вместе противостояли завоевателям. Как известно из источников, против войска Александра Македонского боролись

оседлые саки и бактрийцы, а также кочевые массагеты (Тошбоев, 2010, с 170). В археологических памятниках Мунчактепе, Калиятепе и других изучены укрепленные оборонительные сооружения, руины крепостей, остатки ирригационных сооружений, которые свидетельствуют о том, что уструшанцы, в основном были оседлым населением, но недостаточность сведений о наличии больших площадей сельскохозяйственных полевых посевов, свидетельствует о том, что Уструшана не подчинялась единой централизованной политической власти (Тошбоев, 2013, 48 б). Найденные артефакты подтверждают версию, о тесных связях уструшанцев с кочевыми скотоводческими племенами.

Примером таких контактов служат находки посуды кочевнического облика на древнеуструшанском поселении Хантепе (VI-III вв. до н.э.) под Савагом и на городище Кургантепе в Заамине, где посуда степного типа найдена в слоях II-I вв. до н.э. (Грицина, 1992, с 17). В Уструшану кочевники пришли из Нижней Сырдарьи через Голодную степь. В свое время К.Ф. Смирнов пытался доказать, что во II веке до нашей эры между населением Средней Азии и сарматами были торговые и культурные связи (Смирнов, 1964, с 234). Тем не менее, на территории Уструшаны встречаются остатки единичных поселений и захоронений, свидетельствующих полукочевом образе жизни. Таким образом, можно предположить, что пришлые из Евразийских степей скотоводческие племена в поисках хороших выпасов, размещались в основном в предгорных зонах, в адырной и степной местности, в бассейнах горных рек, не занятых местным оседлым населением. Они жили, в основном, в переносных юртах, что давало возможность заниматься не только выпасным скотоводством, но и металлургией, земледелием. Эти территории не были освоены местным населением, здесь было много запасов руды, что позволяло им развивать металлургию и производить военное оружие. Они обменивали продукты животноводства, коней и оружие на сельскохозяйственные продукты у оседлого населения. Одна часть пришлых кочевников расположилась в предгорных зонах, в долинах по верхнему и среднему течению Сырдарьи. А в южные части Средней Азии в последующие века пришли общины Джетыясарской культуры. Постепенно между местным и пришлым населением укрепляются обменные и торговые связи. Качественные изменения в материальной культуре свидетельствуют их смешении с местным оседлым населением.

Побережье Средней Сырдарьи, в частности, северные, северо-западные территории Уструшаны были степными, предгорными и горными, что обеспечивало развитие как оседлого земледельческого, так и кочевого скотоводческого хозяйства, а также полuosедлого смешанного образа жизни. В античное время и раннее средневековье процессы оседлости у кочевников усиливаются. В земледельческих зонах появляется много поселений и городов.

По мнению Н.Н. Крадина о роли города в истории кочевых сообществ, города в степи появляются исключительно с завоеванием кочевниками оседлых земледельческих обществ и последующим включением их в состав политических образований (Крадин, 1995, с 175). По этому

принципу им построен основной алгоритм взаимодействия между кочевой и земледельческой цивилизациями, который, собственно, и обуславливает три типа кочевых империй. В первом случае кочевники и земледельцы не составляли ни единой взаимосвязанной экономической системы, ни тем более единого политического организма (державы сунну, сяньби, Жужаньский, Аварский, Тюркский, Уйгурский каганаты, ранняя Скифия, Приазовская Болгария). Кочевые империи второй модели характеризуются тем, что кочевая и оседлая подсистемы составляют единый политический организм, однако между их экономическими системами отсутствует тесная связь (Золотая Орда, империя Юань). Империи третьего типа создавались после того, как номады завоевывали земледельческое общество и перемещались на его территорию. Соответственно, кочевое ядро и земледельческо-городское население входили в состав одного социального организма (Парфянское и Кушанское государства, поздняя Скифия, Табо Вей, империи Сельджуков, Караханидов, Ильханов, Ляо, Дунайская и Волжская Болгарии). (Крадин, 1995, с 166)

Интересно мнение С.Г. Боталова, который отмечает, что кочевая цивилизация Евразии (КЦЕ) – это общество с производящей формой экономики, с развитой идеологией, способной стимулировать постоянное развитие, эффективное функционирование и воспроизводство социокультурной системы, которая поддерживала высокую степень мобильности, коммуникабельности и адаптивности сообщества, с определенной степенью развития урбанизационной культуры, а также со сложившейся письменной традицией.

Развитие КЦЕ происходит в рамках евразийского степного пространства и примыкающих к нему территорий предгорий, плоскогорий, лесостепей и полупустынь. В связи с этим, С.Г. Боталов отмечает, что «сегодня можно выделить три основные исторические фазы развития КЦЕ.

Первая фаза (VII–VI вв. до н. э. — I–III вв. н. э.) — фаза первичных кочевых цивилизаций, когда происходит становление составляющих КЦЕ черт и сложение ее как континентальной системы на стадии древних кочевников. В этот период формируются первые кочевые союзы племен, устанавливается пастбищно-кочевая система, происходят множественные миграции и перегруппировки населения в пределах степного коридора, осуществляется своеобразная апробация будущего интегрируемого пространства, складываются первые кочевые империи.

Вторая фаза (IV–VIII — XIII–XIV вв.) знаменует собственно возникновение и последующее развитие КЦЕ. Она приходится на рубеж хунно-гуннского и раннетюркского периода — время первых кочевых империй и появления кочевнического города. В этот период все перемещения внутри макро- и микрорегионов евразийских степей и прилегающих районов носят в определенной степени упорядоченный или взаимосвязанный характер. Массовые миграции сменяют циклические нашествия и набеги. Тюркская тамго-руническая письменная традиция смогла охватить многодиалектные кочевые народы сложившейся цивилизации и стать в ряде случаев государственной письменностью (Кызласов, 1994). Своего пика эта фаза

достигает, вероятнее всего, к XIII–XIV вв., с формированием Монгольской империи и ее кочевых государств (Орд).

Третья фаза (XV–XVII вв.) отмечена распадом основных структурных элементов системы, гео-культурной локализацией и обособлением кочевых социумов, множественными спорадическими миграциями и перемещениями внутри микро- и макрорегионов. Разрушается система политических, культурных и торговых коммуникаций» (Боталов, 2010, с 96-101).

Вслед за А. Тойнби, говорившим о кочевой цивилизации, как о застывшей и не имеющей истории, Н. Н. Крадин приходит к выводу о тупиковом характере развития кочевой формации, причиной чего явился примитивный уровень развития технологических производительных сил, неспособных конкурировать с новыми технологиями и организацией труда (Крадин, 1995, с 178). Кочевничество как определенная форма социокультурной адаптации к условиям аридных систем было характерно лишь на определенном этапе развития производительных сил в эпоху поздней древности.

Определяя верхний рубеж существования С.Г. Боталов приходит к выводу, что становление кочевничества, развитие пастбищно-кочевой системы, возникновение кочевых империй и, в целом, кочевой цивилизации являются ступенями социокультурной адаптации кочевых сообществ Евразии в исторический период, охватывающий более двух тысячелетий развития аридных экосистем. Вопросам взаимодействия оседлых и кочевых культур вот уже второе столетие уделяется особое внимание со стороны ученых. В 1984 году увидела свет книга казахского ученого Л. Кшибехова «Кочевое общество: генезис, развитие, упадок» (Кшибехов, 1984, с 238), которая посвящена исследованию природы кочевого общества как определенной формы хозяйства, основанного на скотоводстве; проводится мысль о необходимости рассмотрения истории кочевого общества в тесной связи с историей оседлых народов; рассматриваются причины его возникновения в глубокой древности, развития и упадка в ходе общественного прогресса.

Вопросы взаимодействия оседлых и кочевых культур в контексте Уструшаны до сегодняшнего времени не освещались. Археологическое изучение Уструшаны началось в XX веке и продолжается до настоящего времени. За этот период археологические раскопки проводились в Таджикистане, Узбекистане и на юге Казахстана. В Таджикистане большинство археологических памятников отражает городскую, то есть оседлую культуру, хотя на территории данной республики изучены также и погребальные курганы. В Узбекистане, на территории Джизакской и Сырдарьинской областей, входивших в состав Уструшаны вместе с памятниками оседлости широко представлены памятники кочевничества. Тем не менее, вопросы взаимодействия оседлого и кочевого населения в контексте Уструшаны не освещались широко.

Таким образом, изучение взаимодействия оседлых и кочевых культур представляет значительный интерес и для определения культурогенеза и воссоздания общей исторической картины Уструшаны и ее соседей в древности и средневековье.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Asqarov A. Oriylar muammosi: yangicha qarashlar va yondashuvlar. // O'zbekiston tarixi moddiy madaniyat va yozma manbalarda. – Toshkent, 2005.
2. Байпаков К.М. Город и степь в древности: оседлость и земледелие у саков и усуней Жетысу. // Культура номадов Центральной Азии. – Самарканд 2008.
3. Баштанник С.В. Взаимодействие оседло-земледельческих и кочевых сообществ в средневековом Южном Казахстане. // <http://izvestia.asu.ru/2010/4-1/hist/TheNewsOfASU-2010-4-1-hist-06.pdf>
4. Боталов С.Г. Адаптации кочевых сообществ к условиям аридных систем Евразии. // Уральский исторический вестник. №2(27).2010.
5. Грицина А.А. Археологическое памятники Сырдарьинской области. – Ташкент. 1992.
6. Крадин Н. Н. Кочевничество в цивилизационном и формационном развитии // Цивилизации. М., 1995. Вып. 3.
7. Кшибехов Л. Кочевое общество: генезис, развитие, упадок.— Алма-Ата Наука, 1984.
8. Кызласов И. Л. Рунические письменности евразийских степей. М., 1994. Смирнов К.Ф. Савроматы. – М., 1964.
9. Тошбоев Ф.Э. Икки хил хўжалик – ягона иқтисодий тизим (кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқон аҳоли муносабатлари масаласига доир).// Ўзбекистон археологияси. №1, 2010. Самарқанд. 2010.
10. Тошбоев Ф.Э. Шимолий-ғарбий Уструшонада кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқонлар маданияти (Зомин воҳаси мисолида). // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида. Ёш олимлар Республика конференцияси материаллари тўплами. Самарқанд. 2013.

ЖИЗЗАХ ШАҲАРСОЗЛИК ТАРИХИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Ш. М. Пардаев

*ЎзР ФА Археологик
тадқиқотлар институти, Самарқанд*

Жиззахни қадимий тарихий шаҳар эканлиги аксиома, яъни исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Қатъий ишонч билан бундай фикр юритишимизга сабаб ҳозирги Жиззах шаҳри ва уни атрофида жойлашган Қалиятепа ва Ўрда каби тарихий шаҳарлар ўрни, уларни занжир ҳалқаси каби бир-бирига боғланган ҳолда ўраб турган ўнлаб қадимий кўшк, қаср, кўрғон каби қишлоқ маконларининг мавжудлигидир. Қолаверса, IX-XII асрларда битилган арабий, форсий, туркий ёзма манбаларда Уструшона мамлакати Фағнон рустоқи (туман) нинг маркази бўлган Жиззах шаҳри “Дизак” шаклида ифода этилиб, унинг географик ўрни, табиий иқлим шароити, аҳолиси, бозорлари, хўжалиги, атрофдаги шаҳарлари, уларнинг масофалари ҳақида атрофлича бўлсада маълумотлар берилган. Бу икки тарихий омил Жиззахни Ватанимиз ҳудудидаги қадимий тарихий шаҳарлардан бири эканлигини тўлиқ тасдиқлайди.

Яқин пайтгача бу борадаги асосий масала Жиззах шаҳрининг илк қадимий ўрнини белгилаш ва даврий санасини аниқлашдан иборат эди.

Чунки Я. Ғуломов, Н. Немцева, М. Исоқов сингари археолог олимлар Жиззах шаҳрининг қадимий ўрни шаҳарнинг “Эски шаҳар” мавзеида жойлашган Ўрдада, Т. Ширинов, Э. Қодиров, М. Пардаев каби бевосита Жиззахда археологик қазилмалар ўтказган мутахассислар шаҳарнинг илк ўрни Қалиятепада бўлган, деб ҳисоблашган. Қалиятепага, яъни қадимий Жиззах шаҳрига асос солинган давр ҳақида юқорида номлари зикр этилган мутахассисларнинг аксарияти тахминий фикрларни билдиришган, чунки уларнинг кўпчилиги ушбу ёдгорликда қазув тадқиқотлари ўтказилмаган. Узоқ йиллар давомида Қалиятепада қазув тадқиқотлари ўтказган археолог олим М. Пардаев ушбу шаҳар ёдгорлигининг 2-рабодидан топилган сопол идишлар намуналарини милодий эрадан аввалги II-I асрлар билан даврлайди. Шу асосда ҳозирги Қалиятепага асос солинган давр милодий эрадан аввалги II аср билан белгиланмоқда. Қалиятепа шахристонининг маданий қатламлари (яъни инсон ҳаёти излари мавжуд қатламлар) қалинлиги – 14-15 м.ни, аркининг маданий қатламлари қалинлиги 19-20 м.ни ташкил қилади. Шаҳарнинг дастлаб бунёд этилган энг қадимги даврларига оид моддий манбалар демак, 14-15 ва ҳатто 19-20 м чуқурликда ўтказиладиган қазилмалардан олинади. Бу анча мураккаб иш жараёни бўлганлиги сабабли, бу хилдаги стратиграфик тадқиқотлар Қалиятепа аркида ҳозирча ўтказилгани йўқ. Мабодо ўтказилса, қадимги топилмалар чиқиб Қалиятепа (Жиззах) нинг тарихий ёши янада қадимийлашиши мумкин.

“Дизак” (Жиззах) сўзи суғд тилидан олинган бўлиб, “кичик шаҳар” маъносини беради. Бу атама асосан IX-XII; XIV-XVI асрларга оид ёзма манбаларда қайд этилганини ҳисобга олсак, бу ном асосан Ўрдага нисбат бериб айтилгандек. Чунки, бу ном қадимги Қалиятепанинг ҳозирги сақланиб қолган майдони ва унинг таркибий қисмлари хусусиятини очиб бермайди. Ҳозиргача сақланиб қолган Қалиятепанинг умумий майдони 50 га.дан кам эмас. 1960-70 йилларда унинг умумий майдони бундан ҳам катта бўлган. Хусусан, ўша даврларда бу тарихий шаҳарнинг жанубий қисми ҳозирда фаолиятда бўлган “Қалия шоҳ ариғи” билан, шимолий чегараси турли қурилишлар туфайли кейинчалик кўмилиб кетган, “Қанғли шоҳ ариғи”нинг темир йўл ва Жиззах-Пахтакор йўлини кесиб ўтувчи шарқий ўзани билан чегараланган. Шаҳар шимол-жануб йўналишида деярли 1,5 км.га чўзилиб кетган. Қалиятепанинг шарқий қисмидаги рабодлар 1898 йилда темир йўл (полотно), кейинчалик унга параллел равишда ўтказилган Жиззах-Пахтакор магистрал йўли қурилиши даврида бузиб юборилган. Рабодларнинг тупроғи темир йўл кўтармаси учун ишлатилган. Бунга ҳозирда ҳам темир йўл ва уни атрофида учраётган қадимий сопол идишлар парчалари далолат беради. Қалиятепанинг ғарбида 2 та рабод сақланган, қолган ҳудудлар колхозлаштириш даврида ўзлаштирилган. Бу ҳудудда кейинги даврларда (1970 йилларда) саноат корхоналари (автобус парки ва б.) қурилган, ҳозирда турар-жой участкалари барпо этилмоқда. Ер ишлари даврида ушбу ғарбий ҳудуддан ҳам тарихий топилмалар, асосан сопол идишлар парчалари, катта хумлар топилмоқда. Ушбу далилларга кўра, Қалиятепанинг эни, яъни унинг шарқ-ғарб йўналиши бўйича узунлиги 600-700 м бўлган. Шундай экан, оддий математик ҳисоб бўйича ҳам Қалиятепа

– қадимги Жиззах шаҳрининг IX асргача бўлган умумий майдони 90-100 га. дан кам бўлмаган.

Юқоридаги маълумотларга кўра демак, биринчидан, ўрта аср муаллифлари Жиззахни “кичик шаҳар” сифатида таърифлашганда, Ўрдани назарда тутишган, чунки, бу даврда Қалиятепа Қадимги Жиззахда араб истилоси туфайли (VIII аср) ҳаёт тўхтаган. Афсуски, Ўрдани IX-XII асрлардаги майдони ва бошқа хусусиятлари ҳақида маълумотлар ҳақида ҳозирча фақат ёзма манбалар хабарлари орқали тушунчага эгамиз. Зеро, унинг сўнгги фаолияти мудофаа деворлари билан ўраб олинган давридаги (1860 йиллардаги) майдони 100 га атрофида бўлган. Иккинчидан, Дизак (Жиззах) – “кичикшаҳар” сифати мабодо, Қалиятепаганисбатанишлатилган тақдирда ҳам уни қуйидаги сабаб билан изоҳлаш мумкин. Минтақамиз шаҳарсозлиги тарихи узок тараққиёт йўлини босиб ўтган ва ўрта асрларда шаҳарлар уч қисмли бўлиб шаклланиши ўз ниҳоясига етган ва уларнинг аксарияти уч ҳалқа мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Биринчи ҳалқа аркни, иккинчи ҳалқа шаҳристонни, учинчи умумий ҳалқа девори рабодлар билан бирга бутун шаҳарни ўраб олган. Мана шу учинчи рабодларни ҳам ўз ичига олган деворлар ҳисобига шаҳарларнинг умумий майдони ҳажми кескин ошган. Буни Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёб, Термизни қадимий ўрни Эски Термиз мисолида кўриш мумкин. Лекин, икки ҳалқа девор билан, яъни фақат арки ва шаҳристони ўралган шаҳарлар ҳам мавжуд. Шулардан бири Қалиятепа – Жиззахдир. Қалиятепанинг рабодлари умумий мудофаа девори билан ўралмаган, чунки у шаҳар атрофидаги қишлоқ маконлари (Астонтепа, Комилбоботепа, Қизлартепа, ва ҳ.к.) билан туташиб кетган. Қалиятепанинг икки ҳалқа қудратли мудофаа девори билан ўралган қисми (арк, шаҳристон, ибодатхона) бор-йўғи 10 га. га яқин. Шу сабабли, уни ўрта аср (IX-XII) муаллифлари ибн Ҳавқал, ал-Истаҳрий, ал-Муқаддасий, Ёқут... “кичик шаҳар” сифатида эътироф этишган кўринади.

Қалиятепа ўзбек халқи шаҳарсозлик тарихига дахлдор нодир тарихий иншоот бўлиб, у энг аввало Жиззах шаҳри ва воҳасининг қадимияти учун такрорланмас, муҳим ашёвий топилмалар берувчи манбавий объектдир. Қалиятепа ўзининг қадимий таркибий қисми – инфратузилмаларини яхши сақланиб қолганлиги, арк (ҳоқим саройи), шаҳристон (шаҳарнинг асосий ҳудуди), рабод (ишлаб чиқариш мавзелари) ларда тадқиқотлар ўтказиш имкониятининг тўлиқ сақланиб қолгани билан ҳам қимматли археологик объектдир. Унинг муҳим илмий, тарихий аҳамиятини қуйидаги қиёсий мисоллар орқали қайд этишимиз мумкин. Масалан, Фарғона водийсидаги баъзи шаҳарларнинг тарихий ёшини аниқлаш учун археологлар фуқароларнинг турар-жойлари ҳудудларида қазувлар ўтказишга мажбурлар. Бунга сабаб урбанизациянинг шиддатли ўсиши боис қадимий қатламларнинг ер остида қолиб кетганлигидир. Бахтли тасодифлар туфайли бундай муаммолар Жиззах шаҳарсозлиги тарихини ўрганиш масаласи учун умуман дахлдор эмас.

Демак, ишонч билан эътироф этамизки, Жиззахда шаҳарсозлик тарихини ўрганиш, шаҳарнинг қадимий ёшини расман аниқлаш учун илмий-методологик жиҳатдан барча шароит мавжуд. Жиззах шаҳарсозлиги маданияти тарихи ҳам қўшни қадимий шаҳарлар – Самарқанд, Қарши,

Термиз, Тошкент каби ўз тараққиётининг узоқ ва мураккаб йўлини босиб ўтган. Масалан, юқорида қайд этилган тарихий шаҳарлар каби бир неча марта ўз жойини ўзгартирган. Хусусан, Қалиятепадан Ўрдага, Ўрдадан Эски шаҳар мавзейига ва ҳ.к.. Туркистон генерал-губернаторлиги давридан бошлаб Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз каби Жиззах ҳам “Эски шаҳар” ва “Янги шаҳар” га ажратилган, алоҳида оқарсув манбаи (Сангзор) билан таъминланган, Буюк Ипак йўли чорраҳасида, табиий ресурсларга бой, деҳқончилик ва чорвачиликка қулай ҳудудда жойлашган. Шу пайтгача Қалиятепа аркида ва рабодларида ўтказилаётган археологик қазув ишлари натижасида коридорсимон, узун хоналар, квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклидаги иморатлар, кундалик хўжалик фаолиятига оид бино қолдиқлари очилмоқда. Бу иморатлар хом ғишт ва пахсадан кўтарилган, деворларнинг қалинлиги стандарт равишда 1,4 м.ни, уларнинг сақланиб қолган баландлиги 2,5-3 м.ни ташкил қилади. Қазув ишлари давомли бўлса, кўлами кенгайса, VII-VIII асрларга оид Жиззах ҳокими саройининг меъморий қурилиш усуллари ва уларнинг лойиҳаси ечимига, иморатларнинг функциясига, уй-рўзғор буюмлари хусусиятларига янада аниқликлар киритилади.

- Бу саъй-ҳаракат ва тадқиқотлар натижаси келажакда Жиззах шаҳри қадим тарихи ва унинг расман ёшини аниқлашда асосий аргумент ва факт бўлиб хизмат қилади.

- Яқин келажакда Қалиятепа аркида очилаётган меъморий-қурилиш биноларининг усти махсус конструкция орқали ёпилса, ушбу объектдан очиқ осмон остидаги музей сифатида фойдаланиш имкони туғилади;

- Мамлакатимизда маҳаллий ва халқаро туризмни тараққий эттириш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинаётган айни пайтда Жиззахда ҳам шундай тарихий этнографик масканни барпо қилиниши вилоятда олиб борилаётган маданий-маърифий ишларнинг салмоғига баракали ҳисса бўлиб қўшилади;

- Қилинаётган ва келажакда давом эттириладиган бу ишлар, нафақат жиззахлик юртдошларимиз ва ёш авлодни, балки бутун Ўзбекистон халқини қадимий тарихга нисбатан ворислик ҳуқуқини мустаҳкамлайди ва уларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар // ИМКУ, Вып. 2. Тошкент, 1961.
2. Немцева Н.Б. Караванными дорогами Голодной степи // Вехи времен. Ташкент, 1989.
3. Пардаев М.Х. Шимолий-ғарбий Уструшонаининг антик ва илк ўрта аср шаҳар маданияти босқичлари // Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Маърузалар баёни. Самарқанд, 1995.
4. Пардаев М.Х. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // ЎММТ, 31- нашри. Самарқанд, 2000.
5. Пардаев М.Х. Уструшона аҳолисининг шаҳарлашув тарихига оид айрим мулоҳазалар (мил. авв. VII-VI асрлардан – мил. IX-XII асрларга қадар) // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. Гулистон, 2007.
6. Ширинов Т., Пардаев М. Отчёт об археологической работы Джизакского отряда на Калиятепа в 1981 г. Архив ИА АН РУз. Самарқанд, 1982.

УСТРУШОНА МОЗОРҚЎРҒОНЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ БИР ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

*Ф.Э. Тошбоев, Г.Л. Тилова
ЖДПИ, Жиззах*

Уструшона ўтроқ ва кўчманчи минтақалар ўртасида “контакт макон” сифатида Суғд ва Чочга ўтадиган савдо йўлларида муҳим ўрин тутиб, чўл минтақаси ва Сирдарё бўйларини Зарафшон воҳаси – Суғд ва жануб – Тохаристон билан боғлаган. Бу йўллар асосан кўчманчилар дашти орқали ўтиб, унда чорвадор аҳоли ҳам фаол қатнашган. Бундан ташқари бутун бир давр мобайнида турли хил этник гуруҳларнинг қоришув жараёни кечган ва бу каби ҳолатлар ўлка халқлари маданиятининг шаклланишига катта таъсир кўрсатиб, турли хилдага дафн маросимларининг вужудга келишига сабаб бўлган.

Шимоли-ғарбий Уструшонада ўрганилган қабрлар катакомба, айвонли лаҳад, ёрма ва ўра гўрлардан иборат эканлиги аниқланди. Бу эса ўрганилган барча мазорқўрғонлар материалларини яхлит тизимга келтириш – Уструшона чорвадорларининг қабр тузилиши, дафн маросимлари, диний-маънавий ҳаёти ва ижтимоий сиёсий тузуми ҳақида умумлашган илмий хулосалар чиқариш имконини бермоқда. Бундан ташқари тўпланган манбалар асосида, Уструшонада чорвачилик хўжалигининг шаклланиши, кенг ёйилиши, моддий ашёлар хусусияти ва хронологияси, қадимги даврда Ўрта Осиё ҳудудида кечган миграциялар ва уларнинг Уструшонадаги этник жараёнларга таъсири, Қовунчи маданиятининг ёйилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин.

Бироқ, бу ерда биз англаб олишимиз лозим бўлган археологик атамалар борки уларга ойдинлик киритмасдан мазорқўрғонлардаги дафн одатларини таҳлил қилиш қийин. Археологик адабиётларда дафн маросимини англатувчи кўмиш (дафн) одатлари, дафн удумлари, дафн анъаналар ва дафн эътиқодлари каби атамалар кўп учрайди. Бу сўзларнинг аниқ маъносини тушуниш ва кўрсатиш аниқ ифодаланмай улар кўпинча синоним тарзида, бир-бирига ўхшаш ҳолатда қўлланади. Бу эса ушбу масалани тушунишда бир қанча мураккабликлар келтириб чиқаради. Айни пайтда археологик адабиётларда “дафн маросимлари” (погребальные обряды) атамаси турли хил маъно ва мазмун англатадиган сўз сифатида қўлланмоқда.

В.Ф. Генинг ва В.А. Борзунов ўз тадқиқот усулларида келиб чиқиб, дафн маросимлари атамасига, “дафн маросимлари тўлиқ, белгилаб қўйилган, ўзига хос маълумотлар тизимидир”, деб таъриф берганлар [Генинг и др., 1975. – С. 44.]. В.А. Кореняко, “дафн маросимларини такомиллашиб борувчи, бир нечта муҳим босқичлардан иборат тўлиқ тизим” [Кореняко, 1977. – С. 4], Г.С. Лебедев эса, “дафн маросимларини ўзаро алоқадаги белгилар тизими”, деб атайди [Лебедев, 1977. – С. 24.]. Шундай қилиб, дафн маросими кенг тушунча бўлиб унда, одам вафот этганидан кўмишгача ва ундан кейинги қўлланадиган барча амаллар, жумладан, дафн этиш, жанозага оид маракалар уч кунлик, ҳафталик, йигирма, қирқ кунлик худойилар англанади. Дафн анъаналари, (урф) одатлари (погребальные обычае)

эса, вафот этган кишига нисбатан, яқинлари томонидан қўлланиладиган фаолиятни англатади. Унда қабр қазिश, марҳумни қабрга қўйиш, ёнига буюмлар жойлаштириш, кўмиш, ёқиш ва бошқалар тушинилиб, улар анъана урф одат, яъни урфга айланган одат ҳисобланади. Шундай қилиб, маросим бу назарий тушунча, турли усулда қабр қазिश эса бу амалий тушунча. Шу сабабли назария (маросим қандай ўтказилгани)дан кўра, амалиёт (қабр ва уларнинг турлари)га оид нарсалар бизга кўпроқ етиб келган.

Қадимги давр мозорларини ўрганишда археология ва этнография фанлари бир-бирини тўлдиради. Бунда археология ва этнография фанларининг асосий тушунчаларидан бири бу дафн маросимлари билан боғлиқ урф-одатлар ва улар билан боғлиқ диний қарашлардир. Чунки, бу тушунчаларнинг маъноси кенг камровли, баъзан улар чексиздир[Матбобоев, 2006.– Б.156]. Археология ва этнография соҳаларида дафн маросимлари моҳиятини ўрганиш бўйича ўтказилган изланишларда археологларнинг мозорқўрғонларни текширишдан, этнографларни эса дала-этнографик кузатув таҳлилидан келиб чиқадиган тушунчалар бор. Археологияда дафн маросимлари деб, этнографиядан фарқли тарзда марҳумни кўмиш жараёнининг ўзини акс эттирувчи ҳолатлар – қабр иншоатининг конструкцияси, қабрдаги моддий манбалар, уларнинг жойлаштирилиши, жасаднинг дафн этиш ҳолати, суяқларининг сақланиши (склет қолдиқлари) ва маросимда қўлланган амаллар (ёқиш, бўйаш, кул сепиш ва б...)дан иборат охириги натижа тушинилади.

Инсон вафот этгач уни дафн этиш билан боғлиқ маросимларни археолог олимлар тизимлаштиришга кўп бора уринишган. Бу масалада рус олим В.А. Алекшинни таъкидлашича, дафн маросимлари икки компонентни ташкил этиб, унинг биринчи босқичи маросим (ритуал)да бажарилган қисми ҳисобланиб, у ўзи билан марҳумни кўмиш пайтида қўлланилган амаллар ва буюмларни жамлаштириши билан ҳарактерланиб, ўлимгача, ўлим ва марҳумни кўмгандан кейинги расм-русумлардан иборат. Иккинчи компоненти эса, ўзида марҳумнинг ижтимоий ҳолатини акс эттириб, дафн маросимида қўйилган буюмлар жамланмасининг моддий элементини: дафн иншооти, буюмлар сони ва жасад ётиш ҳолатини акс эттиради[Алекшин, 1980. – С. 3.]. Г.А. Максименков дафн маросимидаги икки гуруҳ элементларни, дафн пайтидаги одатлар ва қадимги этнографик гуруҳларда сақланиб қолган оилавий ва ижтимоий муносабатларни ажратиб кўрсатади[Максименков, 1974. – С. 9.]. Г.С. Лебедев дафн маросимларини ўзаро алоқадаги тўрт босқичли тизимга бўлади. Улар кўмиш усули; қабрнинг кўриниши ва буюмларнинг ҳолати; дафн иншооти конструкцияси; қурбонлик ва дафн буюмларининг тури ва жойлашиши[Лебедев, 1977. – С. 24-25.]. В. М. Массон эса дафн маросимида жасад ёнидаги буюмлар сони, дафн этиш усули ва қабрнинг кўриниши муҳим эканлигини таъкидлайди[Массон, 1976.– С.150., рис.17.].

В.С. Ольховскийнинг таъкидлашича, дафн маросимида кўмиш тадбирларигача бўлган мафкуравий қарашларнинг ўзига хослиги, диний мифологик тизим, кўмиш ва хотирлаш удумлари акс этади. Кўмиш, дафн эътиқодлари эса ўзида (Ж), дафн этиш ва хотирлаш анъаналари (ГД) ҳамда қабр ёдгорлиги (Е)ни жамлайди. Улар эса ўз навбатида дафн одатларининг

идеологик доираси, семантик (маъно) даражаси, жараён босқичлари, кўмишнинг амалий доираси, дафн маросимининг мафкуравий доираси ва хотирлашнинг амалий кўринишларини акс эттириб, қабр мажмуаси ва қабр гуруҳларини ўзида бирлаштиради. Уларнинг барчаси бирлашиб, археологик объект ҳисобланган мозоркўрғон – қабр ёдгорлиги (Е¹)ни ташкил этади[Ольховский, 1986. – С.67., рис. 1.]. Юқорида келтирилган таърифлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, дафн маросимлари инсониятнинг энг қадимги археологик ва этнографик манбаларини ўзида жамлаган бўлиб уларни ягона тизимга келтириш қийин.

Қадимги одамларнинг тасаввурларига кўра нафас, рух, соя бир-бирига турдош тушунча булиб, улар анимизм негизини ташкил этган. Шу тушунчага асосланиб Уструшона чорвадорларида кишиларнинг вафотидан сўнг “у дунёда яшаши” ҳақидаги тасаввур кенг ёйилган. Шунинг учун марҳумни нариги дунёга кузатиш маросимида кўплаб амаллар қўлланган ва қабрда “барча қулайликлар” яратилган. Дафн этиш билан боғлиқ маросимлар даврлар ўтиши билан шаклланган урф одатларга айланиб, улар асосан, дафн этишгача, дафн пайтида ва ундан сўнг бажариладиган амалларга бўлинади[Алёкшин, 1986.– С.6.]. Бу ҳолат, очиб ўрганилган мозоркўрғонларда қабрга, марҳумнинг ҳаётлигида ишлатган уй рўзгор буюмлари, кийим-кечаги, қурол-яроғи, безаклари ва у дунёда истеъмол қилиши учун идишларга ҳар хил таомлар солиб қўйиш ва уларни хилхонага – жасад атрофларига қулай жойлаштиришда намоён бўлади.

Шунга кўра, дафн маросими бир-бири билан боғлиқ бир неча диний-маънавий жараёнлардан иборат. Б.Х. Матбобоевнинг таъкидлашича, “Уларнинг ҳар бири марҳумни “нариги дунё” га кузатиш учун унинг яқинлари томонидан олиб бориладиган турли маросимларни ташкил этади. Бу жараён узоқ давом этиб, оғир хасталанган беморни вафоти олдидан бошлаб, вафотидан сўнг дафн этиб, қабри устига белги (ёдгорлик) ўрнатиш ва ундан кейинги урф одатларни ўз ичига олади” [Матбобоев, – Б.156.]. Шулардан энг эътибор талаби, киши вафот этганидан сўнг уни дафн этиш (кўмиш) билан боғлиқ маросим (гўр қазिश, марҳумни қабрга келтириш, дафн этиш ва ҳақозо)лар ҳисобланади.

Ўрта Осиёда кўплаб учрайдиган катакомба ва айвонли лаҳад қабрларнинг кенг ёйилишини олимлар турлича асослашади. Бу ҳақда собиқ совет даври археологилари томонидан катта илмий изланишлар амалга оширилган. Бироқ, бу тадқиқотларда антик даврдан бошлаб кенг ёйилган катакомба қабрлар ва бронза даври ёдгорликларида ўрганилган айвонли лаҳад қабрларни аралаш талқин этиш кўп учрайди. Бундай тушунмовчилик ҳозиргача Россия археологлари орасида давом этади. Шунинг учун Уструшонадаги бу қабрларга хос айрим хусусиятларга тўхталишни лозим топдик.

Катакомба қабрлар Уструшонадаги антик давр мозоркўрғонларининг асосий қисмини ташкил этади. Биринчи навбатда уларда лаҳадни дромосга нисбатан ҳолати, узунлиги, йўналиши ва лаҳадни қайси томонда бўлишига эътибор берилган. Иккинчидан, дромосдан лаҳадга ўтиш йўлагини ўлчами, зиналими ёки дромосдан лаҳадга ўтиш йўлининг бекитилиши (тупроқ, гувала, тош ва ҳ.к.) қандай кўринишда эканлигига қараб улар 12 дан ортиқ турда эканлиги аниқланган[Горбунова. – С.87.].

Уструшона (Ғулбо, Ширинсой ва Сағанок) мозорқўрғонларини Кенкўл қабрлари каби икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, ғарбдан келувчи дромос перпендикуляр тарзда шимол жануб йўналишида жойлашган лаҳадга келиб туташадигин қабрлар бўлиб, улар Сағанок ва Ғулбо мозорқўрғонларида ўрганилган, иккинчи хили эса дромоснинг жанубдан шимолга қазилиб, шарқ-ғарб йўналишида қабр лаҳадига перпендикуляр тарзда келиб туташидан ҳосил бўлган қабрлар. Бу кўринишдаги катакомба қабрлар Жиззах яқинидаги Учтепа ва Ғулбо мозорқўрғонларида мавжуд.

Уструшонада айвонли лаҳад қабрлар ҳам учрайди. Бу қабрларнинг катакомба қабрлардан фарқи шундаки, катакомбаларда узун дромос (йўлак) мавжуд ва у кўпинча, қабр хилхонасига томон торайиб боради. Айвонли лаҳад қабрларда эса, лаҳад ёнида айвон мавжуд бўлади. Жасад дафн этилган лаҳадга кириш тешиги (гарчи, тош ёки гувала териб тўсиқ ясалган бўлсада) тўлиқ ажратиб қўйилмаган. Айвонли лаҳад қабрларда жасадни дафн этиш учун махсус лаҳад қилинган ва у айвонга параллел тарзда жойлашган. Ширинсой ва Ғулбодаги айвонли лаҳад қабрларда айвоннинг ён томонидан ўликни қўйиш учун узунасига параллел тарзда қабр хилхонаси ясалган. Қабр йўлагининг шакли узунчоқ эллипс, тухумсимон ёки ўшанга яқин шаклларга эга. Жасадлар мана шу, махсус тайёрланган лаҳадга қўйилган.

Ёрма қабрлар (впускной яма), Уструшонада айвонли лаҳад гўрлар билан биргаликда ёрма гўрлар ҳам учрайди. Айни пайтда ёрма қабрлар тузилишига кўра ўра гўрларнинг ўзгинасидир. Бошқача қилиб айтганда, ёрма қабрлар ўра гўрлардаги тик қазиб тушиш (контур)нинг оғиши натижасида вужудга келган. Уструшонадаги Кўрпа, Ғулбо, Ширинсой, Беккелди, Қамиш ва Қоратепа мозорқўрғонларида ёрма қабрлар талайгина учрайди. Бу қабрларда гўр, ўра тарзида қазиб тушилган ва жасад ўранинг пастки қисмида ён томонида қазилган қисмига қўйилган. Улар ўртасидаги фарқ, ўра гўрларнинг жасадхонаси чуқурроқ қазилади, ёрма гўрлар эса, жуда саёз жасадхонадан иборат. Ёрма қабрларнинг шакли ҳақида Б.Х. Матбобоевнинг таъкидлашича, “Ёрма гўрларнинг ўра гўрлардан фарқи уларнинг ўрасини (айвон) узун томонидан ўликни қўйиш учун узунасига “ёрма” қилинади. Яъни ўзига хос “айвонли ўра уй (ёрма)” деган тушунча билан қовланади. Ёрма гўрларда “айвон” (ўра) қисми тухумсимон ёки ўшанга яқин шаклларга эга, чуқурлиги бир метрдан ортади. Унга параллел қилиб ўликни қўйиш учун ёрма (“уй”) қовланган. Одатда у ўра (“айвон”) полидан чуқурроқ жойлашиб, ҳажми бироз кичикроқ бўлади” [Матбабаев, 1993. –№ 6. –Б. 21.]. Ёрма қабрларни баъзида ўра қабрлардан фарқлаш қийин. Баъзи ёрма қабрларда жасад қўйилган чуқурчани аниқлаш қийин. Шунинг учун, унинг бу ўзига хос кўриниши билан фарқлаш мумкин. Бунда асосий фарқ жасад чуқурчасини тўлиқ шаклланмаганлигидадир.

Бронза даврига келиб айвонли лаҳад қабрлар дафн маросимларида асосий типни ташкил этган. Улар Замонбобо, Саполли, Сумбар, Бешкент ва Вахш ёдгорликларида кузатилади. Ўрта Осиёда марҳумларни айвонли лаҳад қабрларга дафн этиш, сўнги бронза, темир даври, антик ва илк ўрта асрлардан иборат анча узоқ ва қатъий тараққиётига эга [Абдуллаев,

1979. -№15. – С. 22-34.]. Ўрта Осиёда илк темир давридан биринчи минг йилликнинг сўнги чорагигача айвонли лаҳад кўринишдаги қабрлар камайганлиги сезилади. Бироқ, антик даврдан бошлаб қабр тузилишида катакомба шаклдаги қабрлар оммалашган. Шу билан биргаликда, моддий манбаларда кучли сифат ўзгаришлари кузатилиб, маънавий ҳаётда ҳам янгича анъаналар пайдо бўлган. Антик даврда кечган бу ўзгаришлар тарихчи археологларни қарийиб 250 йилдан буён қизиқтириб келади.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнги чорагидан бошлаб Ўрта Осиёда кўплаб учрайдиган катакомба ва ёрма қабрларнинг кенг ёйилишини олимлар турлича асослашади. Бу ҳақдаги илмий фикрларга кўра, бу қабрлар соврадатлар, прохоровск-сарматлари, шимолий хунлар, юечжилар, усунлар боғлиқ дейилади. Жумладан, С.С.Сорокин катакомба қабрларнинг Ўрта осиеда кенг ёйилиши хунлар билан боғлиқлигини “ўта нотўғри ва тарихий жараёнга мос келмайди” деган кескин фикрни билдириб, қабрларни катакомба шаклини Ўрта Осиё туб жой аҳолиси учун хослигини[Сорокин, 1956. – С. 116.] таъкидлайди. Аммо, у қабрлар тузилишидаги айвонли лаҳад шаклини қатор бошқа археологлар қаторида катакомба қабрлар сифатида аралаш талқин этиб, хатоликка йўл қўйган.

Ю.А.Заднепровский эса, С.С. Сорокиннинг фикрини инкор этиб, Фарғона катакомба ва айвонли лаҳад қабрлари ҳақида “менимча уларнинг келиб чиқишига ёндашишда маҳаллий илдизларни ғарбий (сармат-алан) ва шарқий (хун) таъсирлардан фарқлаш керак... мил. авв. III II асрларда Фарғона водийсида олдинги вақтларда кузатилмайдиган қабр иншоатлари – катакомба қабрлар пайдо бўлади. Археологик ва антропологик материаллар катакомба ва ёрма қабрларнинг маҳаллий илдизларга эга деган фикрга қарши ўлароқ, уларни ташқаридан кириб келганлиги ҳақида маълумот бермоқда” деб, катакомба қабрларнинг юечжилар билан боғлиқлигини таъкидлайди[Заднепровский, 1956. – С. 98.].

Б.А. Литвинский эса, айвонли лаҳад қабрлар маҳаллий илдизларга эга, бу қабр шакли ва у хунлар ёки юечжиларни Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ эмас, катакомба қабрлар кўпроқ сарматлар билан моддий, маданий алоқалар натижасида тез оммалашган дейди[Литвинский, 1968. –С. 68-70.]. А.Н.Бернштам Еттисув ва Фарғонада катакомба кўринишидаги қабрларининг пайдо бўлишини шимолий хунлар билан, К. Йетмар эса ғарбий қабилалар, яъни сарматлар билан боғлиқ деган фикрларни билдирган[Бернштам, 1951. –С.113-116.; Бернштам, 1950. №14. –С.69.].

Уструшона мозорқўрғонларининг тузилишида қўшни Суғд ҳудудида ўрганилган қабрлар билан ўхшашлик кузатилади. Суғд мозорқўрғонларининг вужудга келишини таҳлил қилган О.В. Обельченко, уларни фақатгина Орол бўйи, Қуйи Сирдарё ва Қизилқум орқали Суғдга томон силжиган сарматлар билан боғлайди. Бироқ, бу қабрларнинг пайдо бўлишини синчиклаб таҳлил қилиш икки хил таъсирни кўрсатмоқда. Улардан биринчисида Ўрта Сирдарё бўйи ва Уструшона ҳудуди орқали жанубга силжиган юечжи, усун ва хун қабилаларининг таъсири. Бу ҳолат Зарафшон ўрта қисмидаги Сазағон, Миронқул ва Оқжартепа каби мозорқўрғонларнинг моддий маданият намуналарида айниқса кўп кузатилади[Тошбоев. 2011. –Б. 102.].

Иккинчи ҳолат, Зарафшон қўйи қисмига чорвадорлар (сарматлар) ни Қўйи Сирдарё орқали кириб келиши. Ўрганилган манбалар, Қовунчи (Сирдарё бўйи) маданиятини бу даврда Ўрта Осиё бўйича устувор бўлганлигини кўрсатмоқда.

Катакомба ва айвонли лаҳад қабрларнинг пайдо бўлиши масаласида сўз юритганда Ўзбекистон ҳудудида жез даврига оид Сополлитепа ва Замонбобо ёдгорликларидаги айвонли лаҳад қабрларга эътибор қаратиш лозим. Ушбу ёдгорликларда ўрганилган қабрлар уларни маҳаллий илдизга эга деган фикр билдиришга имкон беради. Бу ҳолат Евроосиё даштлари билан кечган ўзаро алоқалар айниқса, бронза давридан бошланган миграция жараёнлари билан ҳам боғлиқ бўлган.

Хуллас, Уструшона мазорқўрғонлари қабр тузилишидаги ўзгаришлар ҳудудга антик даврда янги (юечжи, хун, усун, сармат каби) этник гуруҳлар ва улар билан янги қабр тузилишлари ҳамда дафн одатларининг кириб келганлигини кўрсатади. Бу эса аслида маҳаллий илдизларга ҳам эга бўлган, айвонли лаҳад ва ёрма қабрларнинг яна кенг оммалашишига сабаб бўлган. Бизнингча, бу кўринишдаги қабрларнинг кенг ёйилишига ўша давр кишиларининг нариги дунё ҳақидаги тасаввурлари ва диний тушунчаларининг кенгайиб бориши ҳам сабаб бўлган. Улар тасаввурича марҳумни ҳурматлаб, нариги дунёда кузатиш ва унинг “ўликлар мамлакати” да яхши яшаши учун барча қулайликлар яратилиши керак эди. Бунда марҳум ёнига қўйилаётган, озиқ-овқат ва буюмлар қабрнинг лаҳад қисмига бемалол жойлашар ва ўтказилаётган маросимлар ҳам тўқис бажарилар эди. Ўрта Осиёда шу пайтгача кам учрайдиган катакомба қабрларнинг антик даврда кенг ёйилиши эса, миграция жараёнлари билан боғлиқ мураккаб ижтимоий-сиёсий ва этник жараёнлар содир бўлганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Генинг В.Ф., Борзунов В.А. Методика статической характеристики и сравнительного анализа погребального обряда. // ВАУ вып. 13. Москва. 1975.
2. Кореняко В.А. Погребальная обрядность как система. – В кн.: Археология и вопрос атеизма. Грозный, 1977.
3. Лебедев Г. С. Погребальный обряд как источник социологической реконструкции. // КСИА вып. 148. Москва. 1977.
4. Матбобоев Б.Х. Фарғона водийси аҳолисининг илк ўрта асрлар даври диний қарашларини дафн маросимларида акс этиши (Мунчоқтапа мисолида) // ЎММТ – Тошкент: 2006. Фан, –№35.
5. Алекшин В.А. Погребальный обряд как археологический источник. // КСИА вып. 167. Москва. 1980.
6. Максименков Г.А. Погребальные памятники эпохи бронзы Минусинской котловины – источник изучения семейных и общественных отношения. В кн. Бронзовый и железный век Сибири. Новосибирск, 1974.
7. Лебедев Г. С. Погребальный обряд как источник социологической реконструкции. // КСИА вып. 148. Москва. 1977.
8. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. Ленинград, 1976.
9. Ольховский В.С. Погребально- поминальная обрядность в системе взаимосвязанных понятий. // СА вып. 1. Москва. 1986.

10. Алёшкин В.А. Социальная структура и погребальный обряд древнеземледельческих общин. Л., 1986.
11. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников . Москва. 1984.
12. Матбабаев Б.Х. Шимолий Фарғонанинг қадимги мазорларини ўрганишга доир (Ғовасой ва Косонсой ҳавзалари) // ОНУ–Тошкент: № 6. 1993.
13. Абдуллаев Б. Могильник Джаркутан // ИМКУ. Ташкент, №15. 1979.
14. Сорокин С.С. Средне Азиатские подбойные и катакомбные захоронения как памятники местной культуры // СА. №26. – М.: 1956.
15. Заднепровский Ю. А. К истоком кочевников Средней Азии Кушанского периода // СА. – М.: 1956.
16. Литвинский. Б.А. Курганы и Курумы западной Ферганы. – М.: 1968.
17. Бернштам А.Н. Очерки истории гуннов. –Л.: 1951.
18. Бернштам А.Н. Чуйская долина // МИА. №14 – М-Л.: 1950.
19. Тошбоев Ф.Э. Сўғд ва Уструшонанинг маданий алоқалари тизимида кўчманчи чорвадорлар ўрни. Самарқанд, 2011.

ЗОМИН РУСТОҚИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Б.Б.Тўйчибоев
ГулДУ, Гулистон

Зомин шаҳри ва Зомин тумани ҳудуди Суғд, Бактрия, Фарғона ва Чоч каби қадимий ўлкалар ҳамда Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг тоғводий ҳудуди оралиғида жойлашган, Ўрта Осиёнинг қадим деҳқончилик ўлкаларидан бири – Уструшона таркибига кирган.

Археологик манбаларга қараганда, Зоминнинг ёши икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, милоддан олдинги II – I асрларга бориб тақалади. Унинг ҳудуди турли даврларда гоҳ кенгайиб, гоҳ қисқариб борган. Бироқ Зомин аҳолисининг зичлиги боис, ҳамisha марказ ҳисобланган. Зомин ўрта асрларда Уструшонанинг сиёсий, иқтисодий жиҳатдан муҳим рустоқининг маркази саналган. У нуфуз жиҳатидан фақатгина Уструшонанинг пойтахти – Бунжикатдан кейинги ўринда турган. Шу сабабли, Зомин - Суғд, Фарғона, Шош ва бевосита Уструшона тарихи билан қизиқувчи мутахассислар диққат марказида бўлиб келган.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили ва билдирилган фикрлар асосида биз қуйида ўрта асрлар Уструшонасидаги йирик марказларидан бири Зомин шаҳрининг ўрни хусусида ўз фикрларимизни келтирди.

Ўрта асрлар Уструшонаси ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларнинг деярли барчасида (Ибн Ҳавқал, Мақдисий, Истаҳрий, Ёқут ва бошқ.) Суғддан Фарғона ва Шошга олиб борувчи карвон йўллари тасвирлаш жараёнида Зомин (Сарсанда, Сабза) шаҳри ва рустоқи ҳақида берилган атрофлича маълумотларни учратишимиз мумкин. Зоминнинг иккинчи номини Ибн Ҳавқал (X аср) – Сарсанда (Бетгер, 1957.с.21), Ёқут эса (XIII аср) – Сабза (Х.Хикматуллаев, Ш.Шоисломов, 1965. с.26), деб келтиради. Ибн Ҳавқалнинг маълумотига кўра, Зоминнинг ёнида IX-X асрларда аҳоли томонидан ташлаб кетилган эски шаҳар (исломдан олдинги даврга оид) бўлган. Шаҳарнинг ҳар иккала қисми унча катта бўлмаган кўприклар

ёрдамида қўшилган. Бозорлар шаҳарнинг ҳар иккала қисмида ҳам мавжуд бўлиб, жума масжиди Самарқандга олиб борувчи йўлнинг ўнг томонида жойлашган. Янги шаҳар девор билан ўралмаган бўлиб, бу ердан Суғддан Фарғонага борувчи йўловчилар учун тўхташ жойлари мавжуд бўлган. Шаҳарда оқар сув, боғлар, узумзорлар ва экинзорлар мўл бўлиб, унинг орқа томони Уструшондан тоғларга, олд томони чўлга, ғузлар юртига қараган (Е.К.Бетгер: с.21). Н.Негматов Зомин рустоқини ёзма манбалар ва ҳудуднинг ҳозирги номини эътиборга олиб, Зоминсувнинг қуйи оқимида, шу номдаги туман ҳудудига жойлаштирса ҳам шаҳарнинг аниқ ўрни масаласини очиқ қолдиради [Негматов, 1957. с.40.].

М.Аминжонова шимолий – ғарбий Уструшоннинг археологик ёдгорликларини аниқлаш ишлари жараёнида, Зомин рустоқининг марказини Зоминсувнинг тоғдан чиқиш жойидан қидиришни таклиф этади (Аминжонова, 1969. с.139-142). Ёзма манбаларда тилга олинган эски шаҳарни А.Э.Бердимуродов Даштобод шаҳри яқинидаги VI-VIII асрлар билан даврланган Қоравултепа ёдгорлиги ўрнида бўлган деб ҳисоблайди (А.Э.Бердимуродов, 1985. с.96). Сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан ҳудуднинг археологик харитасини тузиш жараёнида аниқланган кўплаб ёдгорликлар билан бир қаторда, ҳозирги Зомин шаҳри ўрнида ҳам мавжуд бўлган бир неча ёдгорликлар (Қўрғонтепа, Ўрдатепа, Оқтепа, Жартепа) кўрсатиб ўтилади (Немцева, Дресвянская, 1986. с.221-229). XX асрнинг 90-йилларида бу ёдгорликларда доимий археологик тадқиқот ишларини олиб борган А.А.Грицина мўғуллар босқини арафасида 100 гектардан ортиқ ҳудудни ташкил этган ўрта асрлар Зоминининг тарихий ўрнини аниқлаш юзасидан ўз фикрларини билдиради. У шаҳар арки жойлашган «янги шаҳар» (X-XII асрлар) – Сарсандани Қўрғонтепа (Ўрда тепа) ва Жартепа ёдгорликлари ўрнига, илк ўрта асрлар арки жойлашган «эски шаҳар»ни Оқтепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштиришни таклиф этади (Грицина, 1992.с. 43-44). Зомин шаҳри ўрнини аниқлаш йўналишидаги тадқиқотлар бирмунча олға силжиган бўлишига қарамай, унинг топографияси, тузилиши, моддий маданият муаммоларини ўрганиш ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аминжонова М. Археологические разведки в Зааминском районе. //ИМКУ. Вып.8. -Ташкент. Фан. 1969.
2. Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны «Абу-л-Касима ибн Хаукаля. // Тр САГУ. Вып. CXI / -Ташкент. 1957.
3. Бердимуродов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД.-М.: 1985.
4. Грицина А.А. К локализации и исторической топографии Заамина.// Средняя Азия и мировая цивилизация. -Ташкент. Фан. 1992.
5. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. Душанбе, 1957.
6. Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Заамина его округе. (К археологической карте Северной Уструшаны). // ИМКУ. Вып. 20. -Ташкент. Фан. 1986.
7. Қадимий Зомин. (тарих, археология, нумизматика, этнография). Масъул муҳаррир М.Х. Пардаев. Тошкент, 2018.
8. Ҳикматуллаев Х., Шоисломов Ш. Ёқут Ҳамавий. -Ташкент. 1965.

УСТРУШОНАНИНГ ТУРК ҲОҚОНЛИГИ БИЛАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

Ж.И.Ғофуров, М.Х. Пардаев

ЖДПИ, Жиззах.

*ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар
институту, Самарқанд*

Тарихий манбалардан маълумки, илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда ҳукмронликни ўрнатиб, мустақамлаб олган турклар иттифоқи ғарбий ўлкаларга нисбатан ҳам муваффақиятли ҳарбий юришлар уюштиришади. Ғарбий истилоларга Бўминнинг укаси Истами бошчилик қилади ва бу борада эришган ютуқлари учун унга “ябғу ҳоқон” унвони берилади. Ёзма манбалар Истами ва туркларнинг юришлари ҳақида қуйидагича хабар беради. “Хитойдан Жайхунни соҳилигача бўлган ҳамма (одамлар) уни адолат тарқатувчи қўшинга, хазинага, Чочнинг нариги томонидаги Гулизарриюм (Сирдарё) тожига эга саркарда, деб атайди” (Буряков, 1982. с.122). Тез орада турклар Шарқий Туркистоннинг обод деҳқончилик вилоятларини катта қисмини ва бой ҳунармандчилик шаҳарларини ҳамда Ўрта Осиёнинг Сирдарё ва Орол денгизи бўйларигача чўзилган кенг дашт минтақасини бутунлай эгаллаб оладилар.

А.Р. Муҳаммаджоновнинг эътироф этишича, кўчманчи чорвадорларнинг ғарбга томон юриши оддийгина истило эмас эди. Балки, бу Марказий Осиёда яшовчи туркий қабилаларнинг шарқий Туркистоннинг шимоли ва Ўрта Осиёнинг шарқидаги улкан даштли ва тоғли ўлкаларга навбатдаги кўчиб келиб ўрнашиши эди (А.Р. Муҳаммаджонов, 1994. 22-б).

Турк ҳукмронлиги бутунлай ўрнатилган дастлабки пайтларда Ўрта Осиё давлатларини сиёсий жиҳатдан мустақиллиги қисман сақланиб қолган бўлсада, улар ҳоқонликка ўлпон тўловчи вассалларга айланиб қолдилар. Чорвадор туркийларнинг айрим гуруҳлари ўтроқлашишда давом этишади, аҳолининг асосан бой ва ўзига тўқ қатламлари кўчманчилик ҳаёт тарзини давом эттиришди.

Буюк Турк ҳоқонлиги иккига бўлиниб (603й) Ўрта Осиё Ғарбий Турк ҳоқонлиги таркибида қолгандан сўнг, унинг сиёсий ҳаётида анча ўзгаришлар юзага келади. Хусусан, 605 йилда турклар Чоч ҳокимини маҳв этиб ўрнига турк Делени қўйишади. Кейинчалик, Фарғона ҳукмдори ўлдирилади ва шимолий Фарғонада ҳам турк давлат бошлиқлари сулоласига асос солинади. Ҳоқон Тунябғу (618-630) ҳукмрон бўлган даврларда бошқарув тартиблари ислоҳ этилади. Ўтроқ вилоят ҳокимларини ҳоқонлик маъмурияти билан бевосита боғлаш ва уларнинг устидан назоратни кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳукмдорларга ҳоқонликнинг “Ябғу” унвони берилади. Натижада, улар ҳоқоннинг ноибига айланадилар. Шунинг билан бирга деярли барча мустақил ҳокимлар ҳузурига ҳоқонликнинг вакиллари “тудун”лар юборилади. Улар вилоятларда божу ясоқларни жамғариш устидан назорат қилар ва уларни ҳоқон қароргоҳига юбориш билан шуғулланадилар (А.Р. Муҳаммаджонов, 1994. 27-б).

Мазкур тарихий жараёнлар кўчманчилар билан энг яқин “контакт” мавзедаги илк ўрта аср Уструшонасига, хусусан унинг шимоли-ғарбий вилоятларига ўзига хос ҳолатда таъсир кўрсатади. Археология қазув-тадқоқотлари натижасига кўра, турклар истилосининг биринчи босқичи шимоли-ғарбий Уструшона учун фақат вайронагарчилик олиб келган. Халқ хўжалигида, хусусан ҳунармандчиликда турғунлик вазият юзага келган, буни VI асрнинг кинчиярмида ҳам кулолликда эфталийлар даври сополидишлари шакллари ни сақланиб қолиши билан ифодалаш мумкин. VII асрдан бошлаб кулоллик маданиятида кўчманчилар нуфузининг ошиб бориши кузатилади. Идишларда ҳайвон тасвири, ўйма нақш, кўрсаткич чизиксимон безаклар пайдо бўлади. Шунингдек, туркийларнинг металл, айниқса, заргарлик буюмлари, қурол-аслаҳа ва безакли тақинчоқлари юқори сифатли санъат асари сифатида қадрланиб, тезда Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ҳаёт тарзига кириб боради. Мутахассисларнинг эътироф этишича, суғд торевтикаси таъсири остида Суғд, Уструшона, Фарғона кулоллари металл идишларнинг сопол прототипларини яратишган. Машхур сопол кружкалар ҳудди шундай йўл билан вужудга келган (Маршак, 1961. с.56). Бу даврда “Жети-Осор” ва “Қовунчи маданияти” га мансуб кулоллик буюмлардан фойдаланиш Жиззах воҳасида давом этади. Қувурсимон жумракли, сирти суюқ ангоб билан бўялган идишлар кулолликда ҳамон катта ўрин тутати. Бу ҳолни VII асрга келиб Сирдарёнинг ўнг соҳили мавзеларидан Жиззах орқали Зарафшон водийси районларига чорвадор туркийларнинг янги-янги гуруҳларини кўчиб келиши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу жараёнларни тадқиқ этган мутахассисларнинг ёзишича, “туркий халқларнинг Мовароуннаҳр ички районларига кириб келиши анча осойишталик билан ўтган. Чунки бу жараённи тўхтатиш учун Мовароуннаҳрда бирон сиёсий куч майдонга чиқмади. Туркий аҳоли сон жиҳатдан тобора кўпайиб, улар маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник қатламга яқинлашиб борди (Асқаров, 2014. с.5). VII-VIII асрларда туркий этник қатлам Чоч, Фарғона ва Уструшона ерларида нуфуз жиҳатдан устунлик қилар эди ва бу ҳолат мазкур давлатларнинг сиёсий ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланади. Юқорида қайд этилган Чоч ва Фарғона ҳокимларини туркигўй тудунлар билан алмаштирилишига монанд воқеалар Уструшонада ҳам рўй бергани ҳақида аниқ ёзма манбалар маълумотга эга бўлмасакда, баъзи бир омиллар бизни шундай фикр юритишимизга, сабаб бўлмоқда. Хусусан, шимоли-ғарбий Уструшонанинг Қинғиртепа қалъасидан VIII асрда зарб қилинган Турк ҳоқонлари тангалари топилди (Бердимуратов, Пардаев, 1988. с.74). Кейинчалик Араб халифалиги даврининг машхур шахси, Уструшона афшини Ҳайдар ибн Ковусни шажараси бўйича “Ханахарнинг набираси, Қорабуғронинг эвараси”- деб эътироф этилиши бизни шундай мушоҳада юритишимизга ундайди (Сверчков, 1991. с.61). Бундан ташқари қайд этилган тангалар ҳоқонлик даврида “контакт зона” ҳисобланган Жиззах воҳасида аввалги босқичдаги алмашлаб савдо қилиш эҳтимол қисман давом этсада, асосий савдо муомала пул-товар муносабатларида амалга оширилганини кўрсатади. Буни VII-VIII асрларда сиёсий барқарорликни маълум даражада ўрнатилгани, савдо муносабатлари, хусусан “Буюк Ипак йўли” фаолиятини ҳоқонлик томонидан тасарруфга олинганининг натижаси, деб баҳоламоқ керак.

Ўрганилаётган илк ўрта асрларда, айниқса унинг охирларида Уструшонада аниқ ҳудудий чегараланиш юз беради. Мамлакатнинг маъмурий ва маданий маркази - Бунжикат пойтахт сифатида ажралиб чиқади. Чўл мавзелари билан чегарадош жойларда янги шаҳар ва кўплаб қишлоқларга ўхшаш турар-жой маконлари вужудга келади. Қалиятепа, Молтоптепа шаҳар ёдгорликларини ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган ҳудудларини барча қисми VII-VIII асрларда зич қурилишлар билан қопланган ҳолда уларнинг атрофи қишлоқ манзиллари билан ўраб олинган. Бу даврда Жиззах воҳасидаги суғориладиган ерлар деярли максимал ҳолатда ўзлаштирилади. Ўрда, Қили суғориш шаҳобчалари тўла шаклланади. Маҳаллий ва янги ўтроқлашган аҳоли ҳаёт тарзида деҳқончилик, хунармандчилик, чўл халқлари билан ўзаро алоқа, “ипак йўли” савдосидан баҳрамандлик хусусиятлари алоҳида ўрин тутди. Дарвоқе бу даврда Харакана – Дизак – Зомин – Сабат – Ховос- Бунжикат рустоқлари йўналиши бўйича ўтган кўп сонли транзит савдо йўллари кенг фаолият кўрсатади. Бу йўлларнинг ёқасида кўп сонли роботлар, қалъа, қўрғонлар, карвонсаройлар каби қишлоқ манзиллари қурилади ёки аввалгилари таъмирланади (Пардаев, Ғофуров, 2016. 278-б). Зоминсувнинг юқори оқимидаги воҳаларда ишланган хунармандчилик маҳсулотларини четга чиқариш кенг йўлга қўйилади. Ўрта асрлардан Минк темирини тайёр, яримфабрикат ҳолида Фарғонага (Ахсикентга) чиқарилгани ҳақида маълумотлар бор (Сверчков, 1991. с.15).

Суғднинг Уструшона билан қадимги ва илк ўрта асрлардаги алоқаларини ўрганган Н.Н. Негматов, аввалобу икки регион аҳолисининг этник яқинлигига ўз диққат-эътиборига қаратади. Унинг фикрича, уструшоналиклар суғд тилида ёки суғд тилининг уструшона лаҳжасида гаплашишган. Шунингдек, муаллиф Суғд ва Уструшонанинг иқтисодий ривожига, сиёсий тизимида, моддий ва маънавий маданиятида кўп ўхшаш жиҳатларини топишга ҳаракат қилади. Худди шу мавзу устида мунозара юритган Г.А. Брыкинани ёзишича, Н.Н. Негматов фикрларини Уструшонанинг Сирдарё билан чегараланган ва унга яқин ҳудудларида қадимги Чоч ва Фарғонанинг таъсири кучлидир. Хитой йилномасида таъкидланган; “Шарқий мустамлака Цао, яна Шуайдушана, Суйдушана, Кобуюгна ва Судучжини каби тўртга ном билан аталади. Бу ерлар катта Хан сулоласи даврида Эрши шахрига қараган” (Брыкина, 1982.с.150). Хитой йилномаси таржимасидан ушбу маълумотни келтирган Г.А. Брыкина, албатта Уструшонанинг Фарғона билан чегарадош шарқий музофотларини назарда тутмоқда. Лекин, Уструшонанинг узоқ “жимжитлик”дан сўнг давлат сифатида айнан V асрлардан бошлаб тарих сахнасида пайдо бўлгани, эфталийларга ўлпон сифатида берилган Перуз хазинаси, Турк ҳоқонлари номи билан чиқарилган тангалар, Ҳайдар ибн Ковус шажарасидаги туркий насл-насаб, туркийлар тотеми сифатида талқин қилинаётган шахристон Она бўриси каби омиллар, бизни Уструшонани давлат сифатида барпо этилишида туркийларни ахамияти, саъй-ҳаракати улуғ бўлган, деб ҳисоблашга ундайди. Зеро, бу ўзга мавзу, жуда нозик ва кўп қиррали масаладир.

Шундай қилиб, Уструшона ўлкаси доимий равишда узоқ ва яқин қўшнилари билан маданий ва иқтисодий муносабатда бўлган. Қазув-

тадқиқотлари давомида топилган тангалар, камёб осори-атиқалар ушбу воҳани савдо алоқалари йўналишини белгиласа, уй-рўзгор буюмлари, хусусан сопол идишлар иқтисодий маданий алоқалар асосан, Сирдарё бўйи ҳалқлари билан узвий ва чамбарчас бўлганлигидан далолат беради. Жиззах воҳасининг ички ва айниқса, чўл билан чегарадош сарҳадларида қайд этилган мозорқўрғонлар ҳам ушбу фикрларни яна бир бор исботлайди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2014.
2. Бердимуратов А.Э., Пардаев М.Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, Вып.22. Тошкент, 1988.
3. Брыкина Г.А. Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. –Москва, 1982.
4. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент. 1982.
5. Маршак Б.И. Влияние торевтики на согдийскую керамику в VII-VIII вв. Ленинград, 1961.
6. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. (V аср-XVI аср боши). Тошкент, 1994.
7. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (эзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент, 2016.
8. Сверчков Л.М. Замок Мык и его округа. //Древний Заамин. –Тошкент. 1994.
9. Сверчков Л.М. Поселение Мык – источник по истории средневековый истории Уструшаны. АҚД. Самарканд. 1991.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ САРДОБАЛАРИ ХУСУСИДА

С.С.Суюнов

*ЎзР ФА Археологик
тадқиқотлар институти, Самарқанд*

Қадимдан Шарқ ва Ғарб мамлакатларини иқтисодий, маънавий-маданий жиҳатдан боғлаб турган қитъалараро ўтган “Буюк ипак йўли” йўналишларини белгилашда ноёб иншоот сардобаларнинг ўрни беқиёс бўлган.

Чўллар, дашту сахролар, тоғлар, водийлар, денгиз ва кўлларни кесиб ўтган, ҳеч бир давлатга, ақида ва мафкурага бўйсунмаган бу йўл ҳар-хил тилларда сўзлашувчи, турли динларга эътиқод қилувчи ҳалқларнинг ўзаро мулоқотини осонлаштирган, маданиятларини бир-бирига таништирган. Шу сабабли, савдогарлар, сайёҳлар бу йўлда охирги томчи сувларини ҳам ўзаро баҳам кўришиб, бир-бирларига суянчиқ ва мададкор бўлганлар. Икки минг йилдан зиёд вақт мобайнида бу йўлдан қатновчи савдогарларнинг асосан чўл ҳудудларида оғирини енгил қилиш мақсадида ўрта асрларда карвонсаройлар, сўнгра улар ўрнида усти гумбаз билан ёпилган ноёб иншоот сардобалар бунёд қилинган.

Бундай бунёдкорлик ишлари асосан Шайбонийлар сулоласига мансуб Абдуллахон II (1557-1598) даврида амалга оширилган. Абдуллахон II Туркистондан, Марв ва Балхгача бўлган катта сарҳадни эгаллаб, турли

бўлакларга ажралиб кетган Мовароуннаҳрни қайта бирлаштиришга муваффақ бўлган. Абдуллахон салтанати Мовароуннаҳрдаги Амир Темур замонасидан кейинги қудратли ва марказлашган давлат бўлиб, ўз даврининг тараққийпарвар маърифатли хони, деб ном олган, қатор қурилиш ва ободончилик ишлари билан бирга Мовароуннаҳрни халқаро савдодаги аввалги шухратини тиклаш учун кўп ҳаракатлар қилган. Кўҳна карвон йўллари атрофида бунёд қилинган сардобалар шундай саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси сифатида қад ростлаган (Ҳофиз Таниш Бухорий, 1969).

Сардобалар асосан Буюк Ипак йўлининг чўл ҳудудларида, ичимлик суви танқис ерларда бунёд қилинган гумбазли ҳовуз бўлиб, жой рельефига кўра маълум бир масофада жойлашган. Марказий Осиёнинг баъзи жойларидаги туб аҳоли ўртасида сардобалар “гумбаз”, “мўла” шаклидаги номлар билан аталган. Эрон ва Хуросонда ҳанузга қадар фойдаланиб келинаётган бу иншоотлар “об омбар”, деб номланади. Бу тўғрида Л.А. Собоцинский сардобаларнинг умумий тавсифига доир маълумотларида қайд қилиб ўтган (Л. Собоцинский, 1913).

Сардобалар ичар сув танқис ерларда қурилган гумбазли ҳовуз бўлиб, улар ер рельефига кўра қор-ёмғир сувлари, ер ости (кориз) сувлари ва оқар (арик) сувлари ёрдамида тўлдирилган. Сардоба атамаси форсча икки сўздан иборат бўлиб, **сард** –совуқ, **об** –сув бирлигидан олинган (П. Лерх, 1870).

Сардобалар тўғрисида дастлабки илмий маълумотлар, 1928 йилда Марказий Осиё музейи бўлими томонидан тўплана бошлаган. 1930 йилга келиб эса ер ости сувларини ўрганувчи мутахассис М.М. Решеткиннинг кўрсатмаси ва молиявий кўмагида, Қашқадарёнинг чўл ҳудудларида жойлашган техник иншоот сардобаларда изланишлар олиб борилган. Ўзбекистон ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўли ёқасида бунёд қилинган сардобалар, чўл ҳудудидаги мавжуд барча талабларга ҳар томонлама мос ва қулай равишда қурилган. Савдо карвонлари узоқ йўл юриб, белгиланган вақтда манзилларда бўлиши учун ҳам Сардобалар ўртасидаги масофа деярли бир хил олинган. Улар ўртасидаги масофалар ўлчаб чиқилгандан сўнг (ораси 25-30 км) ер сатҳи текисланиб, иншоотни қуриш учун асос тайёрланган. Дастлаб иншоотнинг ҳовузи ковланиб, чеккасига айлантириб пишиқ ғишт терилган. Ҳовузнинг диаметри 10-15 м. гача бўлиб, чуқурлиги ер сатҳидан 5-7 м. бўлган. Шундан сўнг, ғиштан девор кўтарилиб тепа қисми баланд гумбаз қилиб ёпилган. Сардобаларнинг девор ва тепа қисмида, ҳовуздаги сув ифлосланмаслиги учун ҳаво алмашиб туриш мақсадида махсус туйнуклар қўйилган. Бу эса ҳовуздаги сувнинг бир маромда тоза сақланишига хизмат қилган. Ҳаттоки, ҳовуздаги сувни жуда тоза ҳолатда сақланиши учун унга балиқ (маринка) солинган (М. Массон, 1935).

Олинган маълумотларга кўра Ўрта Осиёда мавжуд сардобаларнинг 44 таси ҳозирга қадар сақланиб қолган. Булардан 16 таси Туркменистон ҳудудида, 12 таси Қарши чўлида, 10 таси Бухорода, 3 таси Жиззах – Сирдарё (Сайхун) оралиғида, 3 таси Хўжанд – Тошкент оралиқларида жойлашган.

Дукчи, Чиллик, Гаджули, Шоҳсувор сардоба, Каттачаган, Каттараҳим, Каттамеҳмед, Ўғил, Абдуллахон, Нафаитўда, Юлғуначчиқ, Тоғ, Устиочиқ,

Бўтачи, Сангисўлак, Фаррух сардобалари Туркменистон ҳудудида жойлашган.

Ўрачи, Талимаржон, Эгизак, Гарча, Юсуф, Қарши, Якка, Фатто, Ашун, Бегича, Шўрча, Нишон сардобалари Қарши ҳудудида жойлашган.

Бўзачи, Якка, Қоравулбозор, Шосуар, Малик Сардоба, Чилгумбаз, Устиочик, Таз, Исфантўда, Юсуф сардобалари Бухоро ҳудудида жойлашган.

Қайнар, Мирзаработ, Жинбулоқ сардобалари Хўжанд – Тошкент оралиғида жойлашган.

Ёғочли, Мирзаработ, Якка сардобалари Жиззах – Сирдарё оралиғида жойлашган.

1996 йилда Ўзбекистон ФА Археология институти илмий ходими М. Пардаев бошчилигида Жиззах отряди томонидан Жиззах – Сирдарё оралиғида жойлашган сардобаларнинг бунёд этилиш тарихи ва меъморий ечимларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борди.

Улардан бири Жиззах шаҳридан 35 км шимолда жойлашган, ҳозирда тўлиқ сақланган Ёғочли сардобасидир. Олинган тадқиқотлар натижасига кўра, Ёғочли сардобаси воҳанинг чўл ҳудудида жойлашган бўлиб, ташқаридан қараганда ярим шар шаклига эга унинг девори ва гумбази квадрат шаклдаги ўлчамлари (26 x 26 x 5см; 27 x 27 x 5см) пишган ғиштлардан кўтарилган. Гумбазнинг тепа қисмида ҳавони алмаштириш мақсадида ўрнатилган туйниклар, пастда эса ҳовузга сув тушадиган “қулфак” тешиклар қолдирилган. Сардоба деворлари қирқими цилиндр шаклда бўлиб, пастки пойдеворининг эни 1,25 м га, юқори қисми 0,55 м га, деворнинг умумий баландлиги 11,20 м га, гумбазнинг ички диаметри 15,35 м га, сув сақланадиган ҳовузнинг чуқурлиги 5,50 метрга тенг. Ҳовуздан сув олиш учун ўндан ортиқ поғонали зинапоядан тушилган. Сардобага кириш эшиги аркасимон кўринишда бўлиб, унинг баландлиги 2,90 м га тенг.

Ёғочли сардобадан 35 км узоқликда, шимолда Мирзаработ сардобаси жойлашган бўлиб, ҳозирда унинг юқори қисми бузилган. 1870 йилда рус сайёҳи У. Татаринов ўз эсдаликларида Мирзаработ сардобасининг ўлчамлари тўғрисида маълумот берган. Унда сардобанинг ички диаметри 12,8 м га, пастки пойдеворининг эни 1,30 м га, ер сатҳидан деворнинг баландлиги 6,35 м га тенг эканлигини қайд этган. Бундан ташқари Мирзаработ сардобасининг 7 та деразаси бўлганлиги айtilган (У. Татаринов, 1870).

Тадқиқотлар давомида Ёғочли ва Мирзаработ сардобалари куз ва баҳор ойлари мавсумида ёмғир ва қорнинг эриган сувлари ҳисобидан тўлдирилганлиги аниқланди (М. Пардаев, С. Суюнов, 1999).

Мирзаработ сардобасидан тахминан 13 км узоқликда, шимолда Якка сардоба жойлашганлиги айtilган. Ҳозирда Якка сардоба бузилиб бутунлай йўқолиб кетган. Рус сайёҳи Л.Ф. Костенко Якка сардоба тўғрисида ўз эсталикларида ёзиб қолдирган. Унда ёзилишича сардоба ярим шар шаклда кўринишга эга бўлиб, девори, гумбази квадрат шаклдаги ўлчамлари (26 x 26 x 5см) пишган ғиштлардан бунёд қилинган. Деворнинг қалинлиги 1,5 м га, баландлиги ер сатҳидан 7 м га, сардобанинг ички диаметри 15, 80 м га, ҳовузнинг чуқурлиги 4,30 м га тенг. Сардобанинг ён томонида 7 та дераза, гумбазнинг тепасида 4 та туйник бор эканлиги айtilган. Сардоба

гумбазининг юқори қисмида туйниклар, пастки қисмида эса ҳовузга тушадиган “кулфак” тешиқлар қолдирилган. Якка сардоба Сирдарё орқали олиб келинган сунъий суғориш тармоқлари суви ҳисобидан тўлдирилган (Л. Костенко, 1871).

Ёзма маълумотлар ва ўтказилган археологик тадқиқотлар асосида қуйидагича хулоса қилдик;

Ёғочли, Мирзаработ ва Якка сардобалар XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II даврида бунёд қилинган;

Карвонлар узок йўл юриб, белгиланган вақтда манзилларида бўлиши учун сардобалар орасидаги масофа бир хил 30-35 км қилиб қурилган;

Ўрганилган сардобаларнинг баландлиги (гумбази билан) 6 метрдан токи 12 метргача бўлган. Ҳовузларнинг диаметри 11 метрдан токи 16 метргача чуқурлиги катта-кичиклигига қараб 4 метрдан 10 метргача бўлган;

Ёғочли ва Мирзаработ сардобалари куз ва баҳор мавсумида бўладиган қор ва ёмғир сувлари ҳисобидан тўлдирилган. Сардобанинг ён девори ва тепа қисмида, ҳовуздаги сув ифлосланмаслиги учун ҳаво алмашиш мақсадида махсус туйнуқлар қўйилган. Ҳовуздаги сувни тоза сақланиши учун унга балиқ баъзи ҳолатларда солиб қўйилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лерх П.И., Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867г. Спб. 1870.
2. Костенко Л.Ф., Путешествие в Бухару русской миссии в 1870г. Спб. 1871.,с. 42.
3. Массон М.Е., Проблема изучения цестерн -сардоба, Издание КН при СНК УзССР, 1935г.
4. Пардаев М.Х., Суюнов С.С., Сардобалар кўҳна карвон йўлларидаги иншоот, Марказий Осиё шаҳарлари маърузалар баёни. Самарқанд, 1994.
5. Собоцинский Л.А. Персия. Статистико-экономический очерк, Спб. 1913.
6. Татаринов А., Семимесячный плен в Бухарии, Спб. 1871.
7. Ҳофиз Таниш Бухорий, “Абдуллонома”, I-жилд, Тошкент., 1969.

УСТРУШОНАДАГИ ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА НОЁБ ЁДГОРЛИК

*Д.Абдураимов
ГулДУ, Гулистон*

«Қадимий Уструшона» худудидаги энг йирик ҳисобланувчи Нуртепа ёдгорлиги Нижонисой ҳавзасида жойлашган. Нуртепа ёдгорлиги Ўратепа районидаги Ҳоватоғ, деб аталувчи жойда, Нижонисойнинг (Шаҳристонсойнинг қуйи оқими) чап қирғоғида, Мирзачўлнинг ич тарафига қадар кирган, жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга томон чўзилган, унча баланд бўлмаган тоғ тизмасининг ўрта қисмидаги тепалиқда жойлашган. Ёдгорлик жанубдан шимолга томон чўзилган, умумий майдони 18га ни ташкил қилади. У ярим овал шаклида бўлиб, икки қисм – арк ва шаҳристондан иборат. 1979 йилда аниқланган, 1980-1986 йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилган бу ёдгорлик мил. эр. авв. VII - I асрлар билан даврлаштирилган [Негматов и др., 1994. С. 23-27.; Ртвеладзе, 1999. с.241]

Бугунги кунда «Қадимий Уструшона» ҳудудидаги энг яхши ўрганилган ёдгорлик Нуртепа шахростони бўлиб, ёдгорлик 1979 йилда Т.В.Беляева томонидан аниқланган [Беляева, 1979. С. 470-471] Ҳудуднинг қадимий (мил. эр. авв.VII- мил. эр. авв. I асрлар) даврига оид бўлган бу ёдгорликда 1980-1986 йиллар давомида Н.Н.Негматов, Т.В.Беляевалар томонидан олиб борилган кенг кўламдаги қазув тадқиқот ишлари ҳудуднинг бой моддий маданияти: меъморий иншоотлари, кулоллик, тўқимачилик, темирчилик хунармандчилиги (сопол ва темирчилик хумдонлари, кулоллик чархлари), ривожланган сунъий суғорма тизими ва юксак маънавий дунёқараши ҳақида қимматли маълумотлар беради.

«Қадимий Уструшона» ҳудуди ҳақида мукамал ва имкон даражасида тўлиқ маълумот бериши мумкин бўлган бу ноёб ёдгорликнинг замонавий иншоотлардан ҳоли ҳудудда жойлашганлиги унда кенг кўламдаги қазув тадқиқотлар олиб бориш имкониятини яратган, бу ишларни келажакда давом эттирилиши, масаланинг муаммовий томонларини мукамал ўрганиш учун шубҳасиз муҳим ўрин тутаети ва бу борада зарур материаллар қайд этилади деб ўйлаймиз.

Қадимий Уструшонанинг энг қадимги давр ёдгорликларининг барчасини Нуртепа маданияти ўзида мужассам этади. Нуртепа маданияти “Қадимий Уструшона” ҳудудининг моддий ва маънавий маданияти, унинг алоқаларини ўрганишдаги бошланғич нуқтадир. Айни вақтда бу ёдгорликлар ҳудуднинг сиёсий тарихи, хусусан, Александр Македонский ва унинг давомчиларининг Яксарт бўйига чиқиш йўналишлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Шунингдек, қадимий уструшоналикларнинг энг қадимий давр маънавий ҳаётидаги баъзи тушунчалар, жумладан, зардуштийлик динининг бу ерга кириб келиши масалаларига ҳам аниқлик киритади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Общий отчет об исследованиях Нуртепе в 1980-1985гг и продолжения работ по дальнейшему изучению и сохранению памятника. // АРТ (1985). Вып. XXV. – Душанбе: Дониш. 1994. С. 23-27., Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый Путь. / Энциклопедический справочник: // Древность и раннее средневековье. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 1999. с.241.

2. Беляева Т.В. Начало раскопок городища Нуртепе / АО 1979.- М: 1980. с.470-471

ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА

З.Т. Холбоев
ЖДПИ, Жиззах

Уструшона Ўрта Осиёнинг муҳим тарихий-маданий ўлкаларидан бири ҳисобланади. Унинг шимолий-ғарбий қисми бўлган Жиззах воҳасида жойлашган кўплаб археологик ёдгорликларда кейинги йилларда олиб борилган қазув тадқиқотлар натижасида сўнгги антик ва илк ўрта асрлар тарихига оид муҳим янгиликлар қўлга киритилмоқда.

Маълумки, Уструшонанинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан марказий ўрнида турувчи Фекнон рустоқи, унинг бош шаҳри Дизакнинг географик жойлашуви ва тарихи ўрта аср сайёҳлари асарларида ҳамда эсдаликларида сақланиб бизнинг давримизгача етиб келган (Истахри, 1973, с. 15-23; Бетгер, 1957, с. 20-21).

Фекнононинг бош шаҳри Дизак ҳозирги Қалиятепа археологик ёдгорлиги ўрнига тўғри келиши мутахассислар томонидан қайд этилган (Пардаев М., 1995, 37-бет). Қалиятепа Жиззах воҳасининг энг катта археология обидаси ҳисобланиб, бир-бирига узвий боғланган 5 та тўғри тўртбурчаксимон шаклдаги тепаликлардан иборат. Шимол-жануб йўналиши бўйича ястанган, бу комплексларнинг ҳозирги сақланиб қолган қисмининг умумий майдони 30 га.ни ташкил қилади. Қалиятепа ҳам қадимги шарқ шаҳарлари сингари анъанавий уч қисмли шаҳар бўлиб:

Арк - шаҳар ҳокими саройи;

Шаҳристон - мудофаа девори, ҳарбий буржлар билан ўралган арк билан тутшиб кетган шаҳар мавзейи;

Рабод - мудофаа девори ва хандаклардан ташқари алоҳида жойлашган 5 та тепадан иборат.

Рабодлар Қалиятепа арки ва шаҳристонини шимол, жануб ва ғарб томондан ўраб турувчи 5 та алоҳида жойлашган тепалардан ташкил топган. Мазкур тепаларнинг яхлит бир қурилиш иншооти эканлиги эҳтимолдан узоқ бўлганлиги сабабли, илк қурилиш даврий санаси ва ривожланиш босқичлари ҳали ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, шартли равишда тадқиқотчи А. Бердимуродов уларни алоҳида рабодлар сифатида рақамланган ҳолда тавсифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ва илмий муомалага киритган.

Қазув тадқиқот ишимиз 3-рабод қисмида амалга оширилганлиги учун ушбу мақоламиз асосан унинг мудофаа тизими ва моддий топилмаларига бағишланади.

Рабод шаҳристоннинг шимол томонида 25-30 м.ли мудофаа хандаклари ортида жойлашган бўлиб, ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган қисми учбурчаксимон кўринишга эга. Унинг ғарбий томони 115 м.га, жанубий томони 115 м.га, баландлиги 6-7 м.га тенг. Рабоднинг шимолий ва шарқий томонлари ер ўзлаштириш пайтида қирқиб ташланган. Йўқотилган қисмини ҳам ҳисобга олганда 1-рабоднинг умумий майдони 2,2 га.дан ортиқ бўлади. Микрорельеф тузилиши бўйича рабоднинг ғарбий дарвозаси ўрнини аниқлаш мумкин.

Рабоднинг мудофаа тизимини ўрганиш учун жанубий-ғарбий чеккасида стратиграфик қазув ишлари олиб борилди ва тадқиқот кўйидаги натижаларни берди:

I-ярусдан IV- ярусгача бўлган ораликда 4 та қатлам мавжуд бўлиб, 1-чим қатлам 10-15 см қалинликда, 2-майда касакли оқиш тусдаги оқава қатлам, 3-оқиш тусли, ўртача қаттиқликдаги маданий қатлам ва 4-қўнғир тусли нураган шўр тупроқлардан иборат маданий қатлам. Ушбу қатламлар орасидан сопол парчалари, майда дарё тошлари ва ҳайвон суяклари қайд этилди.

V-ярусдаги 5-шибаланган, қаттиқ маданий қатлам бўлиб, ёйсимон ҳосил қилган жойнинг таг қисмида майда кўмир парчалари ва кул қатлами

қайд этилди. Бизнингча у ўчоқ ўрни бўлган бўлиши мумкин.

VI-ярус оралиғидаги 6-ўртача қаттиқликдаги ғовак қатлам бўлиб, қатлам оралиғидан турли сопол парчалари ва майда дарё тошчалари топилди.

VII, VIII ва IX-яруслар ва қисман X-ярусда жойлашган 7-қатлам, турли ҳажмдаги пахса ва касак бўлақларидан иборат бўлиб, улар орасидан турли сопол парча(асосан X ярусдан топилган. Биз қуйида косалар шарҳида тўхталганмиз)лари, дарё ва тоғ тош бўлақлари қайд этилди (3-расм). Қайроқ тошдан ясалган, ўртаси усталик билан ўйилган бу қора ялтироқсимон тош бўлаги ёғоч эшиклар учун ошиқ-мошиқ вазифасини ўтаган. Тош бўлаги трапеция шаклига эга бўлиб, томонлари 19x15 см ва 15x13 см.ни, қалинлиги 4-3 см.ни ташкил қилади (3-расм. 1-с.). Бундан ташқари айнан қайроқ тошга ўхшатиб ўртаси ўйилган сопол парчаси ҳам мавжуд бўлиб, маълум хўжалик юмушларида фойдаланилган бўлиши мумкин. У ҳам трапеция шаклига эга бўлиб, томонлари 10,5x7см ва 8x7,5 см.га тенг (3-расм. 2-с.). Бу сопол бўлаги қизғиш тупроқдан лой қорилиб, ичига майдаланган тош парчалари аралаштирилган ҳолда тайёрланган ва хумдонда яхши пиширилган.

Қизғиш тусдаги катта қайроқ тош бўлаги хўжаликда турли донларни майдалашда ишлатилган бўлиши мумкин. У учбурчаксимон бўлиб, томонлари 29x27x18 см.лар атрофида.

8-қатлам (йирик пахса девор) ва 9-қатлам (кичик пахса девор) оралиғидаги 7-қатламдан, яъни икки девор оралиғи пастки қисмидан думалоқ шаклга эга бўлган тош ядро топилди. Бу тош махсус қўлда ишлов берилган ва айлана шаклга келтирилган (4-расм). Дастлаб думалоқ шаклга эга бўлган бу тош ўқлардан кейинчалик қирғич, қайроқ сифатида, тери ошлаш ва пардозлашда фойдаланилган. Шу сабабли ядронинг томонлари ишқаланиш натижасида едирилиб кетган (Пардаев М. 1995, 138-бет). Тошдан мудофаа мақсадида душманга қарши ишлатилганлиги табиийдир. Сабаби биринчидан, ўша давр тарихий мухити бўлса, иккинчидан, мудофаа деворлари оралиғидан топилганлигидадир. Мудофаа ва жанг қуроли мақсадида ишлатилган бу тошнинг диаметри 8,5-9 см.га тенг. Тинчлик вақтларида сопқонлардан ов қуроли сифатида фойдаланилган (Ширинов Т. 1977, с. 13-216).

VI-ярусдан XII-ярусгача бўлган ораликда катта ўлчамга эга бўлган шимол-жануб йўналишидаги мудофаа девори қайд этилди(8-қатлам). Бу девор монолит, сифатли, обдон пишитилган пахсадан қурилган бўлиб, очилган баландлиги 2,10 см (объектда қазув тўлиқ тугатилмаган)ни, устки қалинлиги 4,10 см.ни, пастки қалинлиги 4,70 см(ҳозирча аниқ қисми) ни ташкил этади. Девор II-қурилиш даврига тааллуқли бўлиб, мудофаа тизимини янада оширишга хизмат қилган.

VII-ярусдан XI-ярус оралиғидаги I-қурилиш даврига тегишли кичик мудофаа девори (9-қатлам) борлиги аниқланди. Девор баландлиги 2,10 см.ни, устки қалинлиги 70 см.ни ва пастки қалинлиги 1,60 см.ни ташкил этади.

10-қумсимон, оқиш тусли оқава қатлам, 11-куйган тупроқ ва қатлам ҳамда 12-куйган пахса бўлақларидан иборат қатламлар бўлиб, улар орасидан сопол парчалари ва майда дарё тошчалари қайд этилди.

Қазиш ишлари олиб борилган жойдан топилган кулоллик идишлари турар-жой ҳақида маълум тасаввурларни беради. Шу сабабли, кулоллик идишларини турларга ва тоифаларга ажратиб даврийлик санасига аниқлик киритиш мумкин. Бунда археолог М.Х. Пардаевнинг ЎзРФА Археология институтининг даврий нашри бўлган “Ўзбекистон моддий маданияти тарихи” илмий журналининг 29 ва 30-нашрларида эълон қилинган мақолалари ва тарих фанлар доктори, профессор М.Х. Исомиддиновнинг “Сополга битилган тарих” илмий рисоласи асос қилиб олинди. Таъкидлаш керакки, кулоллик буюмларини номлашда уларни аждодларимизнинг турмуш ҳўжаликдаги вазифаларидан келиб чиқилади.

Хумлар қадимда энг кўп тарқалган кулоллик буюмларидан бири ҳисобланиб, озиқ-овқат заҳираларини - дон, ун ва ичимлик суви сақланган. Хумлар қизил ва сариқ тупроқдан лой қорилиб, таркибига майда туюлган тош ва сопол кукунлари аралаштирилган. Сиртига эса оқиш ангоб берилган.

Қазув жараёнида топилган идишларни таҳлил қилиб, уларни 5-тоифага бўлишимиз мумкин.

1-тоифаидишнинггардишибирозташқаригақайрилгантўтрбурчаксимон кўринишга эга. Бўйин қисми жуда тор бўлиб, гардиш ва қорин қисми деярли қўшилиб кетган. Хум қорин қисми пуфақдек катта бўлган. Идишнинг оғиз қисми диаметри 19 см, деворлари қалинлиги 1,3-1,4 смга тенг (5-расм: 2 сурат).

2- тоифа бўйин қисми кичик бўлиб, гардиши бироз ташқарига қайрилган. Бўйиндан пастки қорин қисми ўртача катталиқда. Оғиз қисми диаметри 17 смга тенг, деворлари қалинлиги 0,7-0,8 смга тенг.

3- тоифа сополнинг бўйин қисми тик кўтарилиб, гардиши кескин ташқарига қайрилган. Идиш бўйинининг пастки томонида айланасига қалинлиги 1,6 см бўлган бўртма қавариқ чизиқ ўтказилган. Ушбу бўртма қавариқ хумга айланасига ёпиштирилган. Хумнинг гардиш диаметрини аниқлаш қийин. Идишнинг ташқи томонига оқ-сарғиш ангоб билан бўялган. Девор қалинлиги 2смга тенг (8-расм: 3-с.).

4- тоифа идишнинг бўйни тик кўтарилган бўлиб, гардиши ташқи томонга бўртиб чиққан. Қорин қисми шардек катта, гардиш диаметри 26 см, девор қалинлиги 1,7-1,9 смга тенг (12-расм: 4, 5-с.).

5- тоифа идиш гардишининг ички қисми яхши силлиқланган. Гардиши тик кўтарилиб, бироз ташқарига қайрилган. Гардиш усти текис бўлиб, ташқи томони бироз бўртиб кўтарилган. Гардиш учининг бир бармоқ энлиқда пастдан айланма бўртма чизиқ ўтказилган. Бўйин қисмига деярли уланиб кетган. Гардиш диаметри 34 см, ён девор қалинлиги 1,7-1,9 смга тенг (6-расм: 5-с; 8-расм: 2-с.).

Кўзалар ичимлик сувини тежаб, ундан унумли фойдаланиш мақсадида сув ташиш, сақлаш, ҳўжалиқда фойдаланиш ишлари учун турли хилдаги махсус кўзалар кулоллар томонидан ясалган. Уларни шакл тузилиши, ўлчамлари ва кундалиқ ҳаётда фойдаланиш хусусиятига қараб 3-тоифага бўлинади.

1-тоифа идишлар бўғзи тор. Бўйин қисми ички томондан ташқарига бир оз оғган ҳолда кўтарилган. Гардиш ташқи томонга қайрилган,

айримларининг қорин қисми пуфақдек катта бўлган, тўртбурчаксимон кўринишга эга (11-расм: 1, 2, 3-с; 7-расм: 2,3-с; 5-расм: 1-с.).

2-тоифа кўзанинг бўйин қисми девор қалинлиги жуда кичик (0,6-0,7 см), оғиз гардиши анча қалин ва бир оз тик кўтарилган. Бўйин қисми анча узун бўлиб, қарйиб 3 смдан сўнг қорин қисми катталашган. Идиш оғиз диаметри 14 смга тенг (5-расм: 4-с.).

3-тоифа идишнинг гардиш қисми ташқарига кескин қайрилган, тўртбурчаксимон кўринишга эга. Кўза бўйин қисми бир бармоқ сиғарли бўлиб, қорин қисми ҳам ташқарига кескин катталашган. Идишнинг оғиз диаметри 15 см, девор қалинлиги 0,6-0,7 смга тенг (7-расм: 5-с.).

Қозонлар иссиқ овқат тайёрлаш (қайнатиш. Қовуриш, димлаш) учун мўлжалланган идишлардир. Қозон сифати ва шакл хусусияти орқали оловга чидамлилиги, ўчоқга ўрнатишдаги қулайлиги ҳамда улар ўчоқдан осон олинишига қараб бошқа турдаги кулоллик идишларидан ажралиб туради. Қозонлар соф лесс тупроқ лойдан ясалган бўлиб, оловга бардошлилигини ошириш учун кулол томонидан оҳак, гил, майда туюлган оқ тош ва чиғаноқлар аралаштирилган. Қозонлар ўз шакли ва ўлчамлари, ясашиш усулларига қараб 4-тоифага бўлинади.

1-тоифа идишнинг гавдаси ўртача катталиқда думалоқ, гардиши кескин ташқарига қайрилган. Гардиш учи қуш тумшуғига ўхшаб туртиб чиққан. Бўйин қисми бир бармоқ сиғарли энликда кичик. Қозоннинг гардиш диаметри 21 смга, девор қалинлиги 0,5-0,7 смга тенг бўлиб, чархда ясалган (12-расм: 2-с.).

2-тоифа идишларнинг гардиши тўғри, узун, хиёл ташқарига қайрилган. тана қисми гардиш қисмидан тўла ажралган кўринишда. Қозоннинг кескин ташқарига қайрилган гардиши ва бўғзи “қулоқ” сифатида ҳам ишлатилган (12-расм: 3-с; 6-расм: 4-с.).

3-тоифа қозон қизил лойга унчалик майдаланмаган сопол ва кичик ҳажмли тош дончалари аралашмасидан тайёрланган. Қозон гардиши тик кўтарилган. Гардишдан 4,5 см паста қозонни ўчоқда тутиб туриш учун эллипссимон (2x3,5 см) қулоқча ўрнатилган. Идиш гардиши диаметри 39 см, девор қалинлиги 0,9-1,3 смга тенг (12-расм: 5-с.).

4-тоифа қозон гардиши қорин қисмидан тепага тик кўтарилган. Гардишдан 4 см пастда қозонни ўчоқда тутиб туриш учун доира шаклида қулоқча ўрнатилган. Қозоннинг ички таг қисмида матонинг изи бор. Ички ён томонлари кулол томонидан силлиқланиши натижасида мато излари йўқотилган. Қозон оғзи диаметри 17 см, девор қалинлиги 0,9-1,2 смга тенг (10-расм: 4-с.).

Косалар - ўртача сифатли тупроқдан лой қорилиб, чархда ясалган. Тана ва гардиш қисми қўшилиб кетган. Идишлар гардиш қисми тик кўтарилиб учқур, тўнтоқ, хиёл ташқарига қайрилган шаклга эга. Косалар ички ва ташқи томони қизил ангоб билан бўялиб, ташқи томони махсус кулоллар асбобида тарашланиб сайқалланган. Косаларнинг гардиш диаметри 16-12 см ва ён девор қалинлиги 0,7-0,4 смга тенг (9-расм: 1,2,4,5-с.). Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, косалар сўнгги антик даврда маҳаллий уста кулоллар томонидан ясалган.

Товалар аксарияти қўлда ясалган бўлиб, қизил лойга майда туюлган оҳак, сопол ва оқ тош кукунлари аралаштирилган. Идишларнинг гардиш қисми

турли хил шаклда-тўртбурчаксимон, бир оз ички томонга эгилган ёки бир оз ташқи томонга қайрилган ҳолда уста кулоллар томонидан ясалган ва қизғиш ангоб билан бўялган (6-расм: 1-с; 10-расм: 13-с; 11-расм: 4, 5-с.).

Қумғон - идиш қизил лойдан, майдаланаган сопол ва тош аралашмасидан қўлда ясалган. Гардиш қисми бироз ташқарига қайрилган, учи тўртбурчаксимон кўринишда. Бўйн қисми тор бўлиб, қорин қисми ўртача катталиқда. Гардиш диаметри 12 смга тенг (12-расм: 1-с.).

Қўшқулоқ бўйни тор бўлиб, гардиши ташқарига қайрилган, учи тўнтоқ. Қорин қисми ўртача катталиқда, гардиш ва қорин қисмига идишни ушлаш учун икки бармоқ сиғарли қулоққа ўрнатилган. Гардиш диаметри 13 смга, девор қалинлиги 0,5-0,7 смга тенг (8- расм: 4-с.).

Пиёла ўрта сифатли сариқ тупроқдан тайёрланган. Ён деворлари қия ҳолда кескин юқорига қайрилган. Гардиши тўғри, ташқи томонига оқ-сарғиш ангоб билан бўялган. Идиш гардиши диаметри 10см, девор қалинлиги 0,5 смга тенг (10-расм: 1-с.).

Тоғора ён деворлари деярли тик, гардиши тўғри, хиёл ташқарига қайрилган, тўнтоқ шаклда. Ўртача сифатли қизил тупроқ лойига майда туйилган сопол ва тош парчалари аралаштирилиб ясалган. Гардишнинг ташқи томонидан ботма айлана чизик, ундан пастда бўртма айлана ўтказилган. Гардиши кўринишидан “бош бармоқ” шаклга эга. Гардиш диаметрини аниқлаш қийин. Девор қалинлиги 1,0-1,2 смга тенг (8-расм: 1-с.).

Декча (қозонча) гардиш учи эгарчасимон сўйри, тик бўйин ўртаси “бўқоқ”симон кўринишда ташқарига туртиб чиққан. Идиш чархда соф лесс тупроқдан ясалган. Гардиш диаметри 11см, девор қалинлиги 0,4-0,5 смга тенг.

Юқорида қўлга киритилган ашёвий манбалар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

ёдгорликда учта қурилиш даврига оид маданий қатлам мавжуд бўлиб, 3-қурилиш даври (I-IV ярус оралиғи) VII-VIII асрлар, 2-қурилиш даври (V-IX ярус оралиғи) V-VI асрлар ва 1-қурилиш даври (X-XII ярус оралиғи) III-IV асрлар билан даврланади;

ташқи мудофаа деворлари икки қатор бўлиб, II-қурилиш даврда қурилган мудофаа деворининг қудрати бу даврда ҳаёт стабил кечмаганидан ва рабоднинг мустаҳкам мудофаасидан далолат беради;

кулоллик идишлари таҳлили кўра, 1- қурилиш даври (X-XII ярус оралиғи) қатламларидан топилган кам сонли сопол бўлаклари сўнгги антик давр, яъни, III-IV асрлар билан даврланади, 2-қурилиш даври (V-IX ярус оралиғи) қатламидан топилган сопол идишлар IV-VI асрларга ва 3-қурилиш даври (I-IV ярус оралиғи) қатламларида қайд этилган сопол буюмлар VII-VIII асрлар билан даврланади;

демак, ёдгорликда ҳаёт излари сўнгги антик даврдан бошланиб милодий VIII асрларгача давом этган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абул Касым ибн Хаукаля // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Вып. IV, 1957.

2. Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса (Северо-Западной Уструшаны V-X вв.): Дис. канд. ист. наук. –М., 1985.
3. Бердимуратов А. Э., Пардаев М. Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, вып.22. Ташкент, «Фан», 1988.
4. Бердимуратов А. Э., Пардаев М. Х. Раскопки верхнего здания Алмантепа // ИМКУ, вып.23. Ташкент, «Фан», 1990.
5. Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. Т., “Фан”, 1993.
6. Исомиддинов М. Орлотда акс этган тарих. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006.
7. Истахри. Китов масалик ал-мамалик//Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. I. М., 1973.
8. Негматов Н. Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в. н.э. // МИА. №37, М.-Л., 1953.
9. Пардаев М. Х. Археологические работы на Расулбайкултепа // ИМКУ, вып. 26. Ташкент, «Фан», 1992.
10. Пардаев М.Х. Шимолий-Ғарбий Уструшона илк ўрта асрларда (Қуйи Сангзор воҳаси материаллари асосида): Тарих фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Самарқанд, 1995.
11. Пардаев М. Ҳ. Шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ маконлари қурилиш меъморчилигининг илк ўрта асрлардаги айрим хусусиятлари // ЎММТ, 28-нашри. Самарқанд, “Сўғдиёна”, 1997.
12. Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги қулоллик идишлари // ЎММТ. 29-нашр, Самарқанд, 1998.
13. Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги қулоллик идишлари // ЎММТ. 30-нашр, Самарқанд, 1999.
14. Пардаев М. Ҳ. Комилботтепа қалъаси //ЎММТ, 32-нашри. Тошкент, “Фан”, 2001.
15. Ширинов Т.Ш. Каменные ядро Сапаллитепа // ИМКУ. – 1977. Вып. 13. илк ўрта асрлар сўғд ва уструшона

ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУҒД ВА УСТРУШОНА АЛОҚАЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИГА ДОИР

Н.Хўжанов
СамДУ, Самарқанд

Ўзбек миллий давлатчилигининг ўрта асрлар даври, айниқса, давлатчилик жараёнлари жадал кечган илк ўрта асрлар босқичи тадқиқотчилар томонидан катта қизиқиш билан тадқиқ этилмоқда. Бу даврда Марказий Осиёда дастлаб Эфталийлар, сўнгра Турк хоқонлиги таркибида ўз ички мустақиллигига эга бўлган Суғд, Чоч, Фарғона, Тохаристон, Хоразм, Уструшона, Бухоро каби давлат уюшмалари мавжуд бўлиб, уларнинг қарийб барчаси ўз танга зарби, марказий шаҳри, кам сонли бўлса-да қўшни, давлатчилик рамзлари, бошқарув тизими каби давлатчилик асосларига эга эди.

Мазкур давлат уюшмалари ўзаро жадал ички муносабатлар олиб боришган. Улар орасида айниқса, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида жойлашган Суғд ва унга қўшни бўлган Уструшона ўртасидаги алоқалар турли

жабҳаларда кўзга ташланади. Масалан, тил ва дин умумийлиги иқтисодий алоқалар, ҳукмдорлар ўртасидаги қариндошлик муносабатлари, ташқи савдо алоқаларидаги ҳамкорлик ва бошқа бир қанча далиллар асосида кўзга яққол ташланади. Булар Табарийнинг “Тарих”, Балазурийнинг “Китоб футуҳ ал-булдон”, Самъонийнинг “Китоб ал-ансаб”, Ибн Хавқалнинг “Китоб масалик ал-мамолик” каби асарларида, “Бей ши”, “Суй шу”, “Тан шу” каби хитой йилномаларида Суғд ва Уструшона алоқаларига дахлдор маълумотлар асосида ўз тасдиғига эга [1].

Аммо илк ўрта асрлар Суғд ва Уструшонанинг ижтимоий-сиёсий, маданий алоқалари ҳамда ушбу алоқаларнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни масаласига бағишланган тадқиқотлар кам. Бундан ташқари, Суғд ва Уструшонанинг илк ўрта асрлардаги тўғри жабҳалардаги алоқалари бугунги Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг тарихий асосларини кўрсатиб беради. Бу эса мақоланинг муҳим масалага бағишланганлигини кўрсатади.

Уструшона ҳудуди милоднинг V аср охири – VII асрларида эфталийлар ва Ғарбий Турк хоқонлиги таркибига кирган. Бу даврда Уструшонани маҳаллий шоҳлар – афшинлар идора қилган. Араблар истилоси даврида Уструшона мустақиллигини узоқ вақт сақлаб қолган ва фақат 822 йилга келиб узил-кесил халифаликка қўшиб олинган. 893 йилгача Уструшони халифалик вассаллари бўлган афшинлар бошқаришни давом эттирганлар. 893 йилдан Сомонийларга тобе бўлган. Уструшона шаҳарлари қадимдан Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги боис хунармандчилик ва савдо маркази сифатида шухрат қозонган.

“Эски хатлар”да Суғд конфедерацияси хусусида. Дунхуан, Гансу ва бундан ташқари Шарқий Туркистондан топилган милодий III-VII асрларга тааллуқли суғдийча хатлар ва ҳужжатлар ҳам Суғд конфедерацияси моҳияти ҳақида тасаввурларнинг кенгайишига ёрдам беради. Хусусан, “Эски хатлар” деб юритилувчи Хитой деворининг қоровул бекатидан топилган (Дунхуан) милодий II-III асрга тааллуқли суғдий битикларда суғдийлар, Самарқанд мамлакати, Хитойдаги суғдий савдогарлар жамоаси, уларнинг савдо маршрутлари ҳақида гап боради [2].

“Эски хатлар”ни тадқиқ этган мутахассислар бу савдогарларнинг исмларига ўхшаш исмлар ушбу ҳужжатда ҳам келтирилганлигини таъкидлашади [3]. Бу эса суғдий савдогарларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб Хитой ва Ҳиндистонга савдо ишлари билан қатнаганликларидан гувоҳлик беради.

Шарқий Туркистон бўйлаб суғдийларнинг ўз колонияларини барпо этганликлари тўғрисида маълумотлар манбаларда учрайди. В.Б. Хеннинг мил. авв. 329-327 йилларда юнон-македон армиясининг юришлари натижасида суғдийларнинг катта қисми ўзларининг она юртлари бўлган Суғдни ташлаб Буюк ипак йўли бўйлаб Турфон, Гансу, Тарим воҳаси бўйлаб ўзларининг колонияларини тузганликлари ва IV аср мобайнида бу ҳудудларда суғдийлар диаспораси вужудга келганлигини ҳамда бунинг натижасида [4] Шарқий Туркистон, Хитой, Мўғулистон ҳудудларида савдо, деҳқончилик тараққий этганлиги тўғрисида маълумот келтиради.

Хитой йилномалари Суғдга оид маълумотларнинг умумий тавсифи. Хитой йилномаларидаги маълумотлар асосида Суғд конфедерацияси ҳақидаги билимлар янада аниқлик касб этади. Хусусан, йилномаларда Ан (Бухоро), Кан (Самарқанд), Ми (Маймурғ), Ши (Кеш) ва бошқа бир қатор “Ху ўлкалари/мамлакатлари”дан Хитойга бориб, бу мамлакатдаги бир неча шаҳарларда ўз савдо колонияларини барпо этганлиги ҳақида қайдлар учрайди [5]. Улардан маълум бўлишича, мазкур “Ху мамлакатлари”, яъни, бухоролик, самарқандлик, кушониялик, маймурғлик ва кешлик савдогарлар ҳамкорликда фаолият юритиб, Хитойнинг бир неча шаҳарларида, хусусан, ушбу мамлакатнинг шимоли-ғарбий ва ғарбий ҳудудларида, пойтахт Чанъан ҳамда асл тарихий Хитойга ғарбдан қўшни Гансу, Дунхуан ўлкаларида ва Шарқий Туркистондаги Кумул, Турфон, Қорашаҳр, Куча, Кошғар, Хўтан сингари воҳа ҳукмдорликларида ўз савдо манзилларига эга эдилар.

Аҳамиятлиси, мазкур суғдий тужжорлар бу ерларда ўзаро бирга яшашга ва алоҳида маҳаллалар ташкил этишга ҳаракат қилишарди. Шу билан бирга улар қаерда бўлмасин, Суғд конфедерацияси таркибидаги қайси ҳукмдорликдан келганлигига қараб ўз жамоа масканларини барпо этишга уринишарди. Яъни самарқандликлар, кешликлар, маймурғликлар, бухороликлар битта маҳаллада яшашса-да, ўзлари мансуб бўлган ҳукмдорлик фуқароси билан қўшни бўлишни афзал билишарди. Шунга қарамай, мазкур ҳукмдорликлардан келган тужжор суғдийлар доимо бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, муайян бир жойни маскан тутиб суғдий жамоалар муштарак яшайдиган манзил (маҳалла, қишлоқ, рабод ва ҳ.к.) пайдо бўларди.

Хитой йилномаларида Уструшона тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилади: - “*Шарқий Цао* (Уструшона) ҳукмдорлиги, бошқа номланиши *Шуайдушана, Суйдуйишана, Кипутана* [6] ва *Судучжини*, ҳаммаси бўлиб тўртта номга эга. Ушбу мамлакат *Босси* тоғининг шимолий томонида жойлашган. Бу жойлар Катта Хань сулоласи даврида Эршы (Фарғонанинг марказий шаҳри)га тегишли бўлган. Шимолий-шарқда *Гуйчжаньти* (Хужанд) гача 200, шимолда *Ши* (Чоч)гача, ғарбда *Кан* (Самарқанд)гача, шимолий-шарқда *Нин-юань* (Фарғона) 400 лидан; жанубда *Тухоло* (Тохаристон)гача 500 ли. Йеча шаҳри бор; бу шаҳарда маҳкам ёпилган ғор бор, бу ерда ҳар йили икки марта қурбонлик келтиришади. *Ву-дэ* ҳукмронлиги давомида, 618-626 (йиллар), бу ҳукмдорликлар *Кан* билан бирга саройга элчи юборди. Элчи унга таклиф қилди, унинг ёш ҳукмдори, *Цинь-ван* ҳукмдорга жанговор совғалари ҳақида эшитган, унга хизмат қилишни хоҳлайди. *Гао-цзу* жуда ҳам хурсанд бўлди” [7]. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Суғд марказий ҳокимияти ва Уструшона ҳукмдорлари ҳамкорликда Хитойга савдо алоқаларини олиб боришган.

Иккала минтақа алоқаларига дахлдор масалалар манбалар орқали маълум. Муғ тоғидан топилган В-8 рақамли суғдий ҳужжатдан аён бўлишича, Панжикентни 693708 йилларда 15 йил давомида *ck'un swr bylk'* – Чакин чўр Билга исмли ҳукмдор бошқарган. Унинг номидан зарб этилган тангаларда *pncu MRY' bylk'' γωβ* – “Панч ҳукмдори подшо Билга” ибораси келтирилади. Тадқиқотчилар унинг туркий “чўр” унвонига эга ҳукмдор бўлганини таъкидлайдилар [8]. Масалан, Муғ тоғи В-8 ҳужжати таҳлил

қилган В.А.Лившиц Чакин чўр Билганинг келиб чиқиши *βyt* вилоятидан деб келтириб, бу ҳудудни Уструшона билан боғлаш мумкинлигини таъкидлайди. Ҳужжат матнида келтирилган *βyтyк* сўзини П.Б.Лурье “бахтли” деб келтириб, ушбу унвонни туркий *qutluγ* сўзи билан солиштиришга ҳамда умумий жумлани “Бахтли подшо – Панч ҳукмдори” деб талқин қилишга ҳаракат қилади [9]. Чакин чўр Билганинг бир вақтда ҳам *βyt* ҳукмдори ва ҳам Панч ҳукмдори сифатида келтирилиши [10] Панч ҳукмдорларининг Уструшона ҳукмдорлари билан боғлиқликлари борасидаги фикрга йўл очади. Манбаларда Уструшона ҳукмдорларидан Қора Бўғранинг бир муддат Кабудонни бошқарганлигининг тилга олиниши [11], Ғуракнинг Уструшона ҳукмдорлари авлодларидан эканлиги борасидаги фикр ҳамда Чакин чўр Билганинг келиб чиқиши каби қарашлар Суғд конфедерацияси ҳукмдорлари ва Уструшона ҳукмдорлари ўртасида яқин алоқалар бўлганлигини тасдиқлайди [12].

Суғд ва Уструшона ўртасидаги алоқаларнинг илк ўрта асрлар даврига оид баъзи маълумотлар А.Грицина [13], Н.Негматов [14], М.Пардаев [15], А.Отахўжаев [16] каби тадқиқотчиларнинг ишларида акс эттирилган бўлсада, уларда айнан минтақалар ўртасидаги алоқалар ўз аксини топмаган. Бу эса мавзунинг долзарб мавзуга бағишланганлиги кўрсатади.

“Тан шу” йилномасига кўра, Суғдда мавжуд бўлган Цао (сувсиз чўл) уч қисмдан иборат: Ғарбий Цао – Самарқанд яқинидаги Цао (Иштихон), Марказий Цао – Ғарбий Цаодан шарқда (Кабудон / Челак туманининг шимолий қисми асосан Булунғур тумани ?), Шарқий Цао – Мирзачўлнинг шарқий қисми (Уструшона). Хитойшунослар *Кинутана* – Кабудон ҳукмдорлиги деб уни Уструшонага жануби-ғарбдан яқин қўшни бўлгани учун хитойлик муаллифлар баъзан уни гўё Уструшона билан битта ҳукмдорликдек таърифлаганликларини келтиришади [17].

О.И.Смирнова нумизматик маълумотларга асосланган ҳолда Уструшона ҳукмдори Ҳайдар Афшиннинг авлоди бўлган [18] Қора бўғрани Кабудон ҳукмдори сифатида келтиради. Бунга сабаб эса Кабудон Суғд конфедерациясининг шимолий қисмида чегара ҳудудда жойлашган Уструшонага яқин бўлганлиги бўлиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, бу борада манбаларда чалкашликлар ҳам бор. Чунки, бир ҳукмдорнинг икки мустақил ҳудудда бир вақтда ҳукмронлик қилиши масаласи унчалик ҳам ишончли эмас.

А.Отахўжаев Хитой йилномаларига таянган ҳолда 731-738 йилгача Мосйен исмли шахсни Кабудон ҳукмдори бўлган ва унинг вафотидан сўнг эса, 740 йилдан бошлаб Кабудон ва Иштихон ҳукмдори Қора бўғра (720-738) бўлган деб келтиради ҳамда ушбу ҳукмдор туркий “Ўн Ўқ” сулоласи вакили бўлиши мумкинлигини таъкидлаб хулоса қилади [19]. Қора бўғра исмининг туркий исм эканлиги унинг ушбу сулола вакили эканлиги масаласини кучайтиради. Лекин бу даврда Иштихон ва Кабудон бир ҳукмдорлик бўлганлиги масаласи унчалик ҳам ўз асосини топмайди. Агарда Иштихон ва Кабудон бир ҳукмдорлик бўлиб, ягона ҳукмдор томонидан бошқарилган деган фикрни тўғри деб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда Уструшона ҳукмдори Қора бўғра Кабудон ҳукмдори бўлиши тарихий ҳақиқатдан йироқ.

Хуллас, антик даврдан бошлаб куртак отган Марказий Осиёнинг йирик давлат уюшмалари ҳисобланган Суғд ва Уструшона алоқалари илк ўрта

асрларга келиб анчайин юқорилади. Бу бевосита Суғд ва Уструшона ҳукмдорлари ўртасидаги алоқалар, дин ва тил умумийлиги каби омиллар асосида ўз тасдиғига эга.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ал-Балазури, Ахмад ибн Йахйя ибн Джабир. Завоевание Хорасана. Извлечения из книги “Китоб футух ал-Булдон” / Перевод извлечений С. Волина в кн. Туркмены. – Ашгабад: 1950. – Т. I. – 126 с.; Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л.: Изд. АН СССР. – Том II. – 1950. – 380 с.; История ат-Табари / Пер. с арабского В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – 439 с.; Ибн-Хаукал Абул-Касим. Китаб ал-Масалик вал-Мемалик / перевод с арабского языка С. Волина. МИТТ. Кн 1. – Л.: 1939. – С. 25; Хордадбех Ибн. Китаб ал-масалик вал-мамалик (Книга путей и стран) / перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Наили Велихановой. – Баку: Элм, 1986. – 428 с.; Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 22-100.

2. Ртвеладзе Э.В. Великий шёлковый путь. Энциклопедический справочник. – Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – С. 107-112.

3. Sims-Williams N., “The Sogdian Inscriptions of the Upper Indus. A Preliminary Report,” in K. Jettmar, ed., Antiquities of Northern Pakistan / Reports and Studies, Mainz, 1989. – P. 12.

4. Henning W.B. Sogdica. – London: James G. Forlang Fund, 1940. – vol. XXI. – P. 5-11.

5. Mori M. Soğdlularin Orta Asya'daki Faaliyetleri. TTK, Belleten, Ocak. – Ankara: 1983. – S. 341-345.

6. *Кипутана* – Кабудон ҳукмдорлиги. Кабудон Уструшонага жануби-ғарбдан яқин қўшни бўлгани учун хитойлик муаллифлар баъзан уни гўё Уструшона билан битта ҳукмдорликдек таърифлашган (Қаранг: Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 38.).

7. Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 38.

8. Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки) // НАА. – М.: Наука, 1979. – № 4. – С. 57-69.

9. Лурье П.Б. Счастливый правитель Чекин Чўр Билгä. ... – С. 127-131.

10. СДГМ II. – С. 49.

11. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 278.

12. Бунга соҳа мутахассисларининг тадқиқотларида ҳам ишоралар келтирилади (Қаранг: Пардаев М., Ғофуров Ж. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). – Тошкент: ILMU – TEKNIKA AXBOROTI – PRESS NASHRIYOTI, 216. – Б. 143-163).

13. Грицина А.А. Уструшанские были. – Ташкент, 2002

14. Негматов Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в. н.э. // МИА. – М., 1953. – № 37; Негматов Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. – Сталинабад, 1957. – С. 22; Негматов Н. «Капитолийская волчица» в Таджикистане // Новый журнал. – 1968. – № 2; Негматов Н. Настенная живопись дворца афшинов Уструшаны // СА. – 1973

15. Пардаев М.Х. Уструшона ва Суғдиёнанинг антик ҳамда илк ўрта асрлардаги моддий маданият алоқалари / Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маърузалари тезислари. – Тошкент: Фан, 2002; Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 25 с.

16. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: 2010. – Б. 7-10.

17. Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 38-39; Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л.: Изд. АН СССР. – Том II. – 1950. – С. 312-313.

18. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – С. 251-253.

19. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: 2010. – Б. 81-82.

ИЛОНЎТТИ ДАРАСИ-ТЕМИР ДАРВОЗАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

А.Х. Пардаев
ЖДПИ, Жиззах

Самарқанддан чиққан йўловчи Жиззахга яқинлашгач Сангзор дарёсини ёқалаб аввал “кичик довон”, деб аталадиган тарихий мавзе-“Илонўтти дараси”, “Темир дарвоза” дан ўтиб шаҳарга қадам қўяди. Бундай одавий ҳол бир неча минг йиллардан бери давом этиб келмоқда. Илонўтти дарасидаги энг тор ўтиш жойи Темир дарвозага тўхтаб, атрофга назар солсангиз, унда сувлари жўшқин бўлиб оқаётган Сангзор дарёсини, унинг ўнг қирғоғидаги тез оқар сувлари бетон шоҳ ариққа қуйилган Туятортар каналини, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгалловчи Темир йўл ва халқаро Катта Ўзбек тракти магистрал йўлидаги серқатнов ҳаракатни кўришингиз мумкин.

Тарихчиларнинг эътирофига кўра, Илонўтти дарасидаги бундай фаолият жуда қадимдан бошланган бўлиб, турли давр ва замонларда ўзига хос кўринишда давом этиб, бизнинг давримизгача етиб келган. Шу сабабли, ушбу мақолада Сангзор дарёси, Илонўтти дараси, Темир дарвозанинг шаклланиши ва кейинги даврлардаги фаолияти тўғрисида, Жиззах шаҳри ҳамда унинг атрофидаги мавзелар тарихи ҳақида атрофлича маълумот берамиз.

Геолог ва гидрогеолог мутахассисларнинг маълумотига қараганда, ер тузилишининг тўртламчи даврида Жиззах воҳасининг жанубий-ғарбий ҳудудлари рельефи ҳозиргига тескари, яъни Самарқанд томонга эниш ҳолатда бўлган. Шу сабабли, Туркистон тоғининг Чумқартов тизмаларидан бош олувчи Сангзор дарёси ҳозирги Бахмал қишлоғидан чиқаверишда кескин ғарбга бурилган ва шу зайлда давом этиб, Зарафшоннинг ўнг қирғоқ ирмоғи сифатида унга қуйилган. Тахминан 1 миллион йил аввал содир бўлган кучли апокалипсис, ер силкинишлари, ёш тоғларнинг ўсиши оқибатида бу ҳудуднинг ер сирти рельефида катта ўзгаришлар юз берган. Хусусан, бугунги Ғаллаорол ва Булунғур туманлари ўртасида “юқори нуқта” (высшая точка) ўсиб чиққан. Шу тариқа, Сангзор дарёси ўз ўзанини шимолий йўналиш сари ўзгартирган. Соҳа мутахассисларининг эътирофига кўра, бу пайтда Жиззах воҳаси сари ғарбдан йўналган Нурота ва жанубдан келган

Моргузар тизмалари бир-бири билан туташ бўлган. Натижада, бугунги Ғаллаорол, Бахмал, қисман Булунғур мўъжаз воҳалари ҳудудида кичик кўл, сув ҳавзаси ҳосил бўлган. Буни гидрогеологлар Нурота ва Моргузар тоғлари бағрида ҳосил бўлган террасалар орқали аниқлашган. Муайян вақтдан сўнг сув ҳозирги Илонўтти дараси йўналиши бўйича ўзига “йўл” очган ва тор тоғ унгуридан чиқиб, ҳозирги Жиззах шаҳри ҳудуди орқали Мирзачўлга ва ундан ўтиб маълум муддат Сирдарёга қуйилган. Жиззах шаҳрининг марказий ва шарқий қисмида кўп ҳолларда 1,5 метр чуқурликда майин шағал қатлами учрайди. Бу албатта, бир неча юз минг йиллар аввал Сангзор сувини шу ердан оқиб ўтганини исботловчи далилдир (Нишонов, Алибеков, 1980. с.5-7).

Илонўтти дараси ҳақида 1980-йилларда маҳаллий оқсоқоллардан эшитганимиз, ҳозирда унутилиб бораётган қуйидаги афсона мавжуд. Афсонада айтилишича, Бухоро ҳукмдори (баъзи вариантларда Эрон ҳукмдори, баъзан соҳибқирон Амир Темур) катта қўшин билан кун чиқиш мамалакатларига юриш бошлайди. Қўшин Илонўтти дараси мавзеида тўхтаб қолади, сабаби икки тоғ қўшилиб кетгани боис бу ерда ўтиш йўли йўқ эди. Ҳукмдорга унинг муқаддас тотем-уруғбоши жониворларидан бири, улкан илон (аждарҳо) ёрдамга келади. Катта илоҳий қудратга эга бўлган илон тоғ қоялари узра судралиб, осонлик билан уларни кесиб ўтади ва бу ерда илон изига ўхшаш кўринишдаги дара, йўл ҳосил бўлади. Шу сабабли, бу тоғ йўли Илонўтти дараси номини олган. Дарвоқе, таъкидлаш жоизки, Туркистон тизмаларининг шимолга йўналган қисмининг қадимги сўғдча номи “Моргузар” ўзбек тилида айнан “Илонўтти” маъносини англатади. Афсона мазмунини албатта, реал воқелик билан солиштириб бўлмайди. Лекин, Илонўтти дарасининг илон изисимон ташқи кўриниши шундай афсонага сюжет бўлиб хизмат қилгани ҳақиқатдан йироқ эмас.

Илонўтти дарасининг бугунги кундаги энг диққатга сазовор, табиат мўъжизаси туфайли ғоят томошабоп кўринишдаги гўзал масканларидан бири шубҳасиз “Темир дарвоза”дир. Ҳозирги пайтда халқ орасида, ҳатто баъзи илмий мақола ва китобларда “Амир Темур дарвозаси”, “Темир дарвозаси” номи билан қайд этилаётган бу жой ўзининг тарихий нуфузи билан ҳам жуда қадрлидир. Яъни, нафақат Марказий Осиё, балки унга қўшни минтақалар халқларининг қадим ва ўрта асрлардаги ўзаро сиёсий, ижтимоий- иқтисодий, маданий алоқаларида Жиззах воҳаси, хусусан, унинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Илонўтти дараси ва айниқса, Темир дарвозанинг ўрни муҳим аҳамият касб этган. Чунки қадимги даврлардан ҳозирги кунгача шарқ ва ғарб, шимол ва жануб ўлкаларини боғловчи асосий чорраҳа, Нурота ва Моргузар тизмалари орасидаги ўтиш йўли Илонўтти дарасидаги Темир дарвозадир. Мисол тариқасида эслатиш лозимки, Буюк Ипак йўлининг Араб халифалиги давридаги энг серқатнов, гавжум ва қулай йўналиши ушбу дара орқали ўтган. Хусусан, халифалик пойтахти Боғдоддан йўлга чиққан карвонлар Басра, Рай, Кошон, Марв шаҳарларидан ўтиб Амударё кечувидаги шаҳар Амул (Чоржўй)га етиб келган. Аму кечуvidан ўтган карвонлар, Бухоро-Самарқанд - Темир дарвоза орқали Жиззах (Дизак) га етган ва ундан икки йўналиш Фарғона ва Тошкент воҳаси орқали Хитойга равона бўлган.

Таъкидлаш жоизки, Жиззах Темир дарвозасига ўхшаш табиий равишда тоғ даралари орасида вужудга келган дарвозалар табиатда етарли даражада учрайди ва уларнинг аксарияти ўз хусусиятига кўра “Темир дарвоза” номи билан аталади. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Бойсун тоғининг Бўзгалахона мавзеидаги даранинг энг тор қисми, Нурота тоғининг шимолий тизмалари (Навоий вилояти)даги худди шундай табиий иншоот “Темир дарвоза” деб аталади. Энг қизиғи, ҳозирда бу ерда мавжуд ва фаолият кўрсатаётган қишлоқ энг қадимги атамалардан бири “Темир қопиқ” номи билан аталади. Темир дарвоза маъносини берувчи “темир қопиқ, “темир қопқа” атамалари туркий халқларнинг VII - VIII асрларга тегишли руний хатларида, хусусан Билга хоқон, Култегин битикларида қайд этилган. Машҳур лашкарбоши Култегинга бағишланган қабртош, хотира – Зафарномада “Гулизаррийум (Сирдарё) ортидаги Темир қопиққача бўлган ўлкаларни бўйсундирилиши ҳақида” ҳикоя қилинади. Тарихий фактларга қараганда Култегиннинг ҳарбий жасоратларидан ҳикоя қилувчи бу лавҳада Бақтрия – Тоҳаристондаги (Сурхондарё) Темир дарвоза ҳақида сўз юритилган (Пардаев, 1994. 49-50-б; Бердимуродов, Индиаминова, 2017.164-167-б).

Қадимги туркийлар ҳаёт тарзида темирчилик ҳунари муҳим ўрин эгаллаган. Уларда омилкор, уста темирчилар кўп бўлган. Шу сабабли, темир метали ва ундан ясалган буюмлар айниқса, жанговар қуруллар ниҳоятда қадрланган. Чунки темирдан ясалган қуруллар ўзининг мустаҳкамлиги, ўткирлиги, кескирлиги билан мис ва бронзадан ясалган қуруллардан кескин фарқ қилган. Шу сабабли, қадимги туркий аждодларимиз метиндек мустаҳкам тош қоялардан табиий равишда бунёд бўлган дарвозаларни ТОШ ҚОПИҚ эмас, балки “ТЕМИР ҚОПИҚ”- “ТЕМИР ДАРВОЗА” қабилида аташган. Демак, ҳар бир дарвоза ўзининг мустаҳкамлиги, мудофаа ишларига қулайлиги, оз сонли лашкар билан катта кўшинга муваффақиятли равишда қаршилик кўрсата олиши туфайли мустаҳкам сифатга эга “ТЕМИР ДАРВОЗА” номини олган (Пардаев, 2015).

Тадқиқотлардан маълумки, Мовароуннахрнинг марказий қисмида жойлашган Жиззах воҳаси, хусусан Темир дарвоза азалдан Зарафшон дарёси ҳавзасидаги шаҳар, қишлоқлар хусусан, Самарқанд учун муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга “шарқий дарвоза ” вазифасини ўтаган. IX-X асрларда Уструшона мамлакатаида нуфуз жиҳатдан пойтахт Бунжикат ва Зоминдан кейинги учинчи ўринда турадиган Жиззах (Дизак) Фағнон рустоқининг бош шаҳри сифатида , кўчманчи чорвадор қабилаларнинг босқинини қайтариш ва уларга зарба бериш учун “ғозийлар қароргоҳи” га айланган. Манбаларда ёзилишича, бу даврда Жиззахда, нафақат, уструшонликларнинг, балки самарқандликларнинг ҳам ҳарбий қалъа – рабодлари фаолият кўрсатган (Бетгер, 1957).

Мовароуннахр ҳукмдорлари, хусусан, Амир Темур ва темурийзодалар ҳамда Шайбонийхон ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам Жиззах музофоти мустаҳкам қалъа-қўрғонлари билан ҳарбий стратегик ҳалқа сифатида қадрланган. Шарафуддин али Яздийнинг “Зафарнома”сида Дизак ва унинг атрофидаги қўрғон ва кентлар – Работи Малик, Зомин, Ём, Хавос ҳақида атрофлича маълумотлар берилган. Муаллифнинг ёзишича,

бу даврда Соҳибқиронга қарашли зарбдор қўшин Жиззахда Темир дарвоза муҳофазаси учун мунтазам фаолиятда турган ва Дизак – Чиноз йўналиши орқали ўтадиган “Етти кудуқ” йўлини қўриқлаган. (Али Яздий, 1997). Мовароуннаҳрдаги мавжуд Темир дарвозалар яқинида одатда ҳарбий қўриқчи – қоровулхоналар, божхоналар, работ – карвонсаройлар фаолият кўрсатган. Шундай иншоотлардан бири Илонўтти дарасидан чиқиш жойида, Сангзор дарёсининг чап қирғоғида бунёд этилган Кўкгумбаз номи билан аталувчи археология ёдгорлигидир. Кўкгумбаз қабристонга айлантирилган ва шу сабабли унда қазув тадқиқотлари ўтказилмаган. Кўкгумбаз работининг икки поғонали тепадан иборат бўлганлиги, мустақкам мудофаа деворлар билан ўраб олинганлигига қараганда, бу иншоот Темир дарвозага қарашли қўриқчи аскарларнинг қароргоҳи бўлган.

Мустақиллик йилларида ЎзР ФА археология институтининг Жиззах гуруҳи томонидан ўтказилган қидирув, қазув тадқиқотлари натижасида Жиззах воҳасининг шаҳар ва ҳарбий қўрғонлар қурилиши, уларнинг сони ўрганилди. Хусусан, XIV асрда таъмирланган ва қайта қурилган Қалиятепа, Ўрда шаҳарлари, Равот ва Молтоп қўрғонлари географик жиҳатдан шимолий-ғарбий Уструшонани (Жиззах) Самарқанд билан боғловчи “Темир дарвоза”ни ёй шаклида ўраб, умумий “мудофаа занжири” ҳосил қилган ҳолда жойлашганлиги аниқланди (Пардаев, Пардаев, 1996).

Улуғбек ҳукмдорлиги (1409-1449) Тошкент, Еттисув ва Мўғулистондаги Темурийларга қарши муҳолиф кучлар ҳаракатининг фаоллашуви даврига тўғри келади, бу даврда ҳам Самарқанд учун “Темир дарвоза” ва Жиззах воҳаси худди қадимги пайтлардагидек муҳим ҳарбир стратегик аҳамият касб этган, бу борада тезкор амалий фаолият, қалъа- қўрғонлар таъмири ва қурилиши ишларига давлат миқёсида катта аҳамият берилган.

Мирзо Улуғбек Мўғулистонда кучли хон ҳокимиятини барпо этилишига барҳам бериш учун 1424-йилнинг ноябрида мўгул ҳукмдори Шермухаммадхон устига қўшин тартади. 1425-йил баҳорида Улуғбек ва Шермухаммадхон қўшинлари Чу дарёси водийсида тўқнаш келадилар. Жанг Улуғбек лашкарининг ёрқин ғалабаси билан яқунланади. Ушбу зафар Мирзо Улуғбекнинг ҳарбий фаолиятидаги кам сонли гаълабаларнинг энг муҳими эди. Чунки Мўғулистонда кучли хон ҳокимияти барпо бўлса, у Мовароуннаҳр учун катта хавф-хатар солишини Улуғбек билар эди.

1425-йил июнида Улуғбек Жиззах орқали Самарқандга етиб келган. Улуғбек ушбу ғалабаси ҳақида Темир дарвозанинг қоя тошларига Зафарнома хотира-лавҳа ўйиб ёздирган. Бу лавҳа ҳозиргача сақланган бўлиб, унинг тарихий мазмун моҳияти ва аҳамияти эътироф этилган (Пардаев, Пардаев, 2000).

Атоқли шоир ва давлат арбоби темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ҳам ўзининг шоҳасари “Бобурнома” да Илонўтти дараси, Темир дарвоза ва Жиззах шаҳри ҳақида ғоят қизиқарли ва муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган. “Кеч намози дигар Илон Ўтида тушуб, от ўлтуруб этини шишлаб, кабоб қилиб, отни лаҳза тиндуруб отландиқ. Тонгдан бурунроқ Халилия кентига келиб, сўнг Дизак борилди. Бу пайтда Дизакта Ҳафиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой ҳоким эди. Семиз этлар ва

майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин мундоқ арзонлиқ ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук.

Ваҳму усраттин амоне топтуқ,

Янги жон тоза жаҳоне топтуқ

... Мундоқ душман балосидан ва очлик истилосидан халос бўлиб амонлиғ роҳатиға ва арзонлиғ фароғатиға етиштук. Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук” (Бобур, 1989. 54-б).

XV аср охири – XVI асрнинг бошларида Темурийлар давлати кучсизланиб қолади. Бундан фойдаланган Шайбонийхон бошлиқ Дашти Қипчоқ чорвадор қабилалари Мовароуннаҳр воҳаларини эгаллаб оладилар ва ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Мазкур сулоланинг машҳур ҳукмдорларидан бири Абдуллахон II (1556-1598) марказлашган, қудратли давлат тузиш учун амалга оширган сиёсий ва ҳарбий ишлари давомида Жиззах воҳаси ҳамда ундаги Илонўтти ва Темир дарвозадан усталик билан фойдаланган. Хусусан, Абдуллахон II 1572 йил Илонўтти дарасидаги Темир дарвоза яқинида куннинг биринчи ярмида Дашти Қипчоқ, Тошкент, Фарғона султонларининг иттифоқчи қўшинлари билан аёвсиз жангга кирази ва уларни бутунлай тор-мор қилади. Куннинг иккинчи ярмида эса иттифоқчи қўшинларга ёрдамга кечикиб келган Самарқанд ҳокими қўшинлари билан жанг қилади ва уларни ҳам енгади. Абдуллахон II сиёсий фаолиятида ушбу ғалабалар ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун Бухоро хони ушбу ғалабанинг тафсилотлари ҳақида “Зафарнома” битиб, юқорида таъкидланган, Улуғбекка тегишли тош лавҳа ёнига муҳрлайди (Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, 1999).

Этнографик маълумотлар, XIX асрнинг 70-80 йилларига оид фотосуратлар таҳлилига қараганда, Темир дарвозанинг дастлабки пайтдаги табиий эни ҳозиргига қараганда анча қисқа бўлиб, 45-50 м.ни ташкил қилган қояларнинг тепа қисми айвонсимон унгур кўринишда бўлган. Туркистон генерал губернаторлиги даврида Темир дарвоза орқали Самарқанд - Тошкент йўналишида темир йўл ўтказилиши режалаштирилган. Ҳатто, Россия императори Александр III нинг 1898-1899-йилларга мўлжалланган Темир йўл қурилиши ҳақидаги махсус фармонидан бир банди тош лавҳага кўчириб ёзилиб, икки бошли бургут тимсоли билан Улуғбек ва Абдуллахон II «Зафарнома»ларининг тепасига ўрнатилган. Лекин, кейинчалик ушбу тош лавҳа кўчириб олиниб, Россия Давлат Эрмитаж музейи фондига топширилган.

Темир йўл, авто магистрал йўли, Туятортар каналининг бетон шоҳ ариғи қурилиши учун Темир дарвозанинг жанубий қоятошлари (Моргузар тоғи) Туркистон генерал губернаторлиги ва собиқ Шўролар даврида портлатиб, кенгайтирилган. Темир дарвозанинг ҳозирги эни 100 метрдан ошиқ масофани ташкил этади.

Шундай қилиб, Жиззах воҳасида жойлашган Илонўтти дараси, Темир дарвоза ва Жиззах шаҳри ҳудуди ҳамда унинг атрофида жойлашган қадимий шаҳар ва кентлар ўзбек халқининг кўп минг йиллик давлатчилик тарихида, шаҳарсозлик маданиятида, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти тараққиётида муҳим ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган, аждодларимиздан бугунги авлодга муқаддас мерос сифатида етиб келган мозийнинг ноёб

осори – атиқаларидир. Бу моддий ва маънавий қадриятларни асраб авайлаш, уларни илмий жиҳатдан изчил ва холис ўрганиш, тарих сабоқларидан тўғри хулосалар чиқариб ёш авлодни ватанпарвар, миллий ғурури юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абул-Касима ибн Хаукаля // Труды САГУ, Археология Средней Азии. Вып. IV, Т., 1957.
2. Пардаев М.Х. Буюк ипак йўли ёқасидаги “Дизак” шахри ўрни тўғрисида. // Буюк ипак йўли ёқасидаги Марказий Осиё шахарлари. Самарқанд, 1994.
3. Бердимуродов А., Индиаминова Ш. Буюк Ипак йўли (Қитъалар ва асрлар оша) Тошкент, 2017.
4. Пардаев М.Х., Пардаев А.Х. Жиззах музофоти Амир Темур ва Темурийлар даврида // Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни. Илмий конференция материаллари. Самарқанд, 1996.
5. Пардаев М.Х., Пардаев А.Х. Джизакский оазис в эпоху позднего средневековья (по письменным и археологическим источникам)// Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. Самарқанд, 2000.
6. Пардаев М. Х. «Темур дарвозаси»ми ёки «Темир дарвоза»? // Жиззах ҳақиқати, 2015 йил 18 апрел, 35-сон (Б. Тоғаев билан суҳбат).
7. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шоҳий»). Биринчи китоб. Т., 1999.
8. Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома» Т., «Шарқ», 1997.

АБДУЛЛАХОН II ВА ЖИЗЗАХ

Р.Р. Нурқулова
ЖДПИ, Жиззах

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ўзбек давлатчилиги тарихида янги даврни бошлаб берди. Ўзбек миллий давлатчилигимиз тарихини ҳаққоний ўрганиш ва ёритиш долзарб масалалардан бири бўлди. Давлатчилигимиз тарихида салмоқли из қолдирган сулолалар тарихини ўрганишга қизиқиш ортди.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари орасида Абдуллахон II алоҳида нуфузга эга.

Абдуллахон Кармана ва Миёнқол ҳукмдори бўлган Искандархоннинг ўғли эди. У ёшлигидан бошлаб, ноёб истеъдод соҳиби бўлиб вояга етди. У айниқса ҳарбий санъатда жуда моҳир эди.

Тарихчи Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ёзганидек, “... ўқ узиш, камон тортиш, тиғ ва найза уриш сирларини билишда юз тақсин, минг офарин билан ўша замондаги етук султонлардан ўтиб кетган” эди. (Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, 1999, 93-бет.)

Ана шундай ноёб истеъдоду иқтидорларга эга бўлган Абдуллахон II нинг ҳаёти ва ҳукмдорлиги оғир вазиятга тўғри келди. Бу даврда бутун Бухоро хонлиги ҳудудида Шайбонийзодалар ва вилоятлар ҳукмдорлари ўртасида ўзаро низо ва адоват, жанжаллар авж олган эди. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий “Абдуллонома” асарида ёзганидек “... ҳар бурчақдан фитна гарди осмонга

кўтарилади. Ҳар куни жигарни ўртайдиган олов ёғиларди, ҳар замон бало тўфони юқори кўтариларди. Соғу саломатлик Анқодек манфийлик остига яширинган эди. Тинчлик ва хотиржамлик Кибрити аҳмар ва аҳлу хунарларнинг ривожкоридек кўринмай кетган эди. (Абдуллонома. 1-жилд. 93-бет.) Кўринадики, бутун Бухоро хонлигида ана шундай оғир вазият ҳукм сураб эди. Бутун мамлакатда оғир аҳволда бўлган вазиятда, у Бухоро ҳукмдори бўлди.

Абдуллахон ўзининг бутун фаолиятини мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга, шайбонийзодалар ўртасидаги ўзаро низо ва урушларга барҳам беришга, бутун Туркистон ҳудудларини ягона марказ атрофида бирлаштиришга, марказий ҳокимиятни кучайтиришга, барча ҳудудларда суғориш иншоатлари қуриб, суғорма деҳқончиликни ривожлантиришга, чўлу-биёбонларни обод қилишга қаратди. Унинг даврида Бухоро хонлигида хунармандчилик, меъморчилик, ички ва ташқи савдо равнақ топди, фан ва маданият юксалди.

Абдуллахон II ўз мақсадини амалга ошириш мақсадида кўп маротаба урушлар олиб боришга мажбур бўлди. Айниқса, Абдуллахон II нинг Наврўз Аҳмадхоннинг фарзандлари Дарвишхон ва Бобохон Султон бўлган жанглари жуда шиддатли бўлди. Бобохон Султон Самарқанд, Дарвишхон эса Тошкент ҳокимлари эдилар. Наврўз Аҳмадхон даврида Самарқанд ҳокимлиги ворислиги Абдулатифхонга тегишли бўлган эди. Шу сабабли, Самарқанд ҳокими Бобохон Султон Абдулатифхоннинг ўғли Гадоё Султонни вилоятни бошқаришда ўзига шерик ва хиссадор қилиб тайинлайди. Унинг укаси Жувонмардали султон эса Аҳси ва Андижонда ҳоким эди. Шериклик ва хиссадорлик Гадоё Султонни қониктирмай, Самарқандни қўлга киритиш мақсадида, акасидан ёрдам сўрайди. Ниҳоят, Гадоё Султон 1557 йилнинг баҳорида Зоминда акаси Жувонмардали Султон билан учрашади. Ака-укалар ўз ҳукмронликларини мустақил бўлиш умиди билан Абдулатифхондан ёрдам сўрашни мақул топади. Сабабки, Мовароуннаҳрда Наврўз Аҳмадхон фарзандларига бас келадиган ягона куч Абдуллахон эканлигини яхши билишарди. Шу мақсадда, биродарлар Абдуллахондан нажот истаб, унга элчи йўллайдилар. Шундан кейин Жувонмардали Гадоёхон Султонлар Самарқанднинг Авлиёобод деган жойига Абдуллахон билан учрашиб, буйсиниш аломатини билдиради ва Самарқандни уч томондан қамал қилишга отланади. Қамал кунлари Бобохон Султоннинг укаси Дарвишхон акасини қутқозиш билан Туркистон, Тошкент, Андижон, Хўжанддан катта қўшин билан (юз минг нари-бериси) Самарқанд томон келаётгани ҳақида хабар етиб келади.

Дарвишхон ва Бобохон Султон қўшинларини бирлаштирмастик мақсадида Абдуллахон (1557-йилнинг апрел ойида) Булунғур яқинида Бедана мавзесида кенгаш ўтказади ва кечаси билан юриб, туш пайти Илонўтининг дашт томонида (ҳозирги Жиззах тарафда) душман билан юзма-юз келади. Жуда шиддатли жангда Дарвишхон юз минг қўшини билан мағлуб бўлади. “Шунчалик қон тўкилиб, шу қадар зўр жанг бўлдики, ўлган ва ярадор бўлганлардан жанг майдони тоғу-тепаликка айланди”. (Абдуллонома. 1-жилд. 142-бет.)

Душман байроғи қўлга тушган пайтда орқа тарафдан катта қўшин билан Бобохон Султон жадаллаб келаётгани маълум бўлади. Шунда Абдуллахон

Бобохон Султонга қарши ҳимояга ўтиб, оз фурсатдаёқ ғалабага эришади. Бир кунда Абдуллахон Темур дарвозанинг аввал шарқи, кейин ғарбида иккита катта ғалабани қўлга киритди. Шу муносабат билан Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ёзади: “Ўша куни аъло ҳазратга (Абдуллахонга) шундай ғалаба юз кўрсатдики бундай ғалаба ўтган ҳоқон ва султонлардан бирортасига ҳам насиб бўлмаган эди”. (Абдулломома. 1-жилд. 142-бет.) Дарҳақиқат, бир кунда иккита катта қўшинни мағлуб этиш жуда камёб ҳодиса. Илонўттида (Темур дарвоза мавзесида) қўлга киритилган ғалаба Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоронинг Бобохон Султон, Бурхонлар ҳукмронлигидан озод қилиниши Абдуллахонни марказлашган давлат барпо қилиш йўлини бошлаб берди. Эндиликда Бобохон Султон Самарқанд дарвозаси қолиб, Дашти Қипчоққа йўл олди. Тарихий аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ва бир кунда эришилган бу ажойиб ғалаба тарихда қолишга ҳар жиҳатдан ҳақли. Аммо Бобохон Султон ва Дарвишхонлар бу мағлубиятдан хулоса чиқармадилар. Улар кўп сонли қўшинлари билан 1572-йилда Самарқандни қайтариб олиш мақсадида яна бостириб кирдилар.

Моҳир саркарда Абдуллахон II ҳозирги Ғаллаорол яқинидаги Кўкғумбаз қишлоғи яқинида бўлган жангда уларнинг тўрт юз кишилиқ қўшинига қарши атиги ўттиз минг қўшин билан жангга кириб, ғалаба қозонди.

Абдуллахон II ўзининг ғалабаси ҳақида Илонўттидаги Темур дарвозасининг чап томонида Мирзо Улуғбекнинг хотира ёзуви ёнига хотира ёздирди, унда шундай дейилади: “Бу жойдан ўтган барча сайёҳлар билсинларки, 979-йилда Халифаликни суянчиғи, Оллоҳнинг сояси, Соҳибқурон Абдуллахон Искандархон ўғли шу жойда ўттиз минг кишилиқ жанговор қўшини билан Дарвишхон, Бобохон Султон ва Султоннинг бошқа ўғилларига тегишли қўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтди. Соҳибқурон бу жангда Султон ўғилларининг элик мингга яқин қўшинлари устидан зафар кучди”. (Носиров, 2010. 159-бет).

Абдуллахон қўшини билан Бобохон Султон қўшини ўртасида Зомин сойида бўлган ҳаёт-мамот жанги ниҳоятда шиддатли довруқли ва қаҳрли бўлади. “Жуда шиддатли олишувга дош бера олмай, Бобохон Султон жанг майдонини ташлаб, Тошкент томонга қочди. Абдуллахон қўшини билан унинг изидан Тошкенга юзланди.” (Абдулломома. 1-жилд. 302-303 бетлар).

Маълумки, Абдуллахон шайбонийзодалар, Дашти Қипчоқ, Тошкент, Андижон Султонлари, Бобохон Султон, Дарвишхон, Поянда Махмуд Султонларнинг Самарқандни эгаллаш мақсадида бир неча бор босқинчилик урушларига қарши урушлар олиб борди. Ҳар бир урушда ғалаба қозонсада Шайбонийзодалар қозоқ даштларига қочиб, янги куч тўплаб яна босқинчилик, талончилик ҳужумларини давом эттирар эдилар. Айниқса, 1578-1581-йилларда юз берган тўқнашувлар оғир кечди.

1581-йил феврал охирида Самарқандгача талончилик қилиб келган Бўзахўр Султон ва Музаффар Султонлар Самарқанд яқинидаги Миёнқолгача келиб, Бахмалнинг Новқа қишлоғида чодир тикади. Самарқандни босиб олиш қўлидан келмагач, улар “Дизак қалъаси атрофига келиб, кечаси халқ ғафлатда ётганида ҳамма тарафдан олдинга юриб, қалъани эгалладилар. Қалъа ҳокими Аббосқули Султонни оғир ярадор қилиб, талонга қўл чуздилар. Бедодлик йўлини тутиб, ҳалққа ҳоҳлаганларича зулм қилдилар, қатли

омга бордилар, деворларни бузиб, кўп асбобларни олиб, қайтиб кетдилар.” (Абдуллонома. 2-жилд. 2010. 46-бет.) Гарчи буни эшитган Самарқад хокими Ибодулло Султон уларнинг ортидан қўшин тортиб бориб, Учтепада 1581-йил 6-март куни уларга қаттиқ зарба бериб, Юсуф Султон ва Бўзахўр Султоннинг укаси Кучак Султонни асир олиб, қатл этган бўлса-да, Жиззах қалъаси вайронага айланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам Абдуллахон 1581-йилни июн ойи бошида Жиззах қалъасини тиклашга киришди. Абдуллахон II Тошкент ва Туркистондан қайтишда Жиззахда, “ўша кўнгил очувчи саҳрода бир неча кун тўхтади. Дизак қалъасини Бўзахўр Султон бузган эди, хоқон аркони давлати ва хазратнинг аъёнлари ҳамда бошқалар билан бирликда тузатишни буюрди.” (Абдуллонома. 2-жилд. 2010. 48-бет.) Шундай қилиб, Бўзахўр Султон вайрон қилган Жиззах қалъаси орадан уч ой ўтганидан сўнг Абдуллахон томонидан қайта тикланди.

Абдуллахон қанчалик жангу жадал билан банд бўлмасин, ўзининг ободончилдикка, қуриш-яратишга бўлган эътиқодидан қайтмаган.

Абдуллахон 1581-йили Жиззах қалъасининг қулатилган деворларини тиклаш билан банд бўлган кунларда воҳа аҳолисининг ҳаёти билан яқиндан танишган эди. Қалъанинг шарқий, шимолий-шарқий ва шимолий томонларидаги кенг далалар сувсизликдан даштга айланган эди. Шу лаҳзада Туятортар анҳор-ариғини қаздирар ғояси, 1583-йилда эса бу улкан ишни амалга ошириш имконияти пайдо бўлган эди. Шу боис, 1583-1584-йилларда Жиззах, Янгиқурғон, Бахмал ва Фориш музофотларидан жалб қилинган минглаб аҳоли узунлиги 83км бўлган Туятортар анҳор-ариғини барпо қилди. Туятортарнинг ишга туширилиши Бахмал, Ғаллаорол ва Жиззах туманларида бир неча минг гектар ерларда суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, полиз-сабзавот экинлари экиш имконини берди. Афсуски, Бухоро хонлиги Манғитлар қўлига ўтгач, Жиззах худуди Бухоро хокимлиги ва Ўратепа беклиги ўртасида талаш бўла бошлаган йилларда Туятортар анҳор-ариғи тўхтатиб қўйилди.

Шунингдек, Фориш туманидаги “Абдуллахон банди”нинг барпо бўлиши ҳам Абдуллахон II ташаббуси билан боғлиқ. “Ҳар кўкламда ўша дарада кўп сел тўпланиб, леки унинг суви экинга етишмас эди. Шунинг учун буюрди: Аҳмадали оталиқ Найман ўша дарада Сомон йўли шаклида бир тўғон қурсин, токи деҳқонлар ўша жойда тўпланган сувни бўлишиб, экинларни суғурсинлар.” (Абдуллонома. 2-жилд. 2010. 109-110 бетлар.)

Абдуллахон II 1582-йил 29-сентябр куни Аҳмадали Оталиқ Найманга шу тўғрида биринчи фатвони берди. Абдуллахон нафақат Жиззах худудида балки хонлик таркибига кирган барча худудларда ҳам суғориш иншоотлари барпо қилишга эътибор берди. Хонлик худудларида суғорма деҳқончилик юксалди. Чўл ва буёбонлар ўрнида обод экинзорлар, боғ-роғлар юзага келди. Абдуллахон нафақат Жиззах воҳаси, балки хонлик таркибига кирган барча худудларда ҳам ободончилик шиорига муҳим эътибор қаратди. Хонлик Маркази Бухорода ва бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб меъморий обидалар бунёд этилди. Бухоро муҳим илм-фан марказига айланди. Хонликда ички ва ташқи савдо, ҳунармандчилик тараққий этди.

Хуллас, Абдуллахон II ўзбек давлатчиси тарихида ўзининг буюк хизматлари билан муносиб ўрин эгаллаган ҳукмдор эди.

Бизнинг ҳудудимиз Жиззах воҳаси ҳам Абдуллахон II даврида юз берган кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи ҳисобланади.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ XIV-XVI АСРЛАРДА

Ҳасанбоев Т., Пардаев Ж.

Жиззах

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг ворислари даврида Жиззах шаҳри салтанат пойтахти Самарқанднинг шарқий дарвозаси, ҳарбий-стратегик жиҳатдан қулай лашкаргоҳ вазифасини ўтаган. Ўз даври ва кейинги замонларда дорул-салтанат Самарқандга асосий хавф “жеталар юрти”дан Жиззах орқали ўтишини аниқ билган соҳибқирон Амир Темур XIV асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб Жиззах шаҳри ҳарбий қудратини оширишга алоҳида эътибор қаратган. Мирзо Улуғбек (1409-1449) даврида шу мақсадда Қалиятепа шаҳристонида ҳаёт қайтадан йўлга қўйилиб, у ҳарбий қалъа-қўрғонга айлантирилган. “Бобурнома”да Халилия (Қалия) кенти сифатида қайд этилган ушбу қалъа-қўрғонда ҳаёт XVII аср бошларига қадар давом этган (Бобур, 1989).

Бу даврда Қалиятепа воҳанинг бош шаҳри мақомида эмас, балки асосий ҳарбий қўрғонларидан бири сифатида фаолият кўрсатган. Бундай фикр юритишимизга сабаб шундаки, Қалиятепанинг шаҳристон ва арк қисмидагина сўнгги ўрта асрларга оид маданий қатламлар мавжуд, унинг атрофидаги рабодларда ушбу даврда ҳаёт давом этмаган. Қалиятепа шаҳристони ва аркининг умумий майдони 5га. атрофида эканлигини ҳисобга олсак бу майдон сўнгги ўрта асрда муҳим ҳарбий – стратегик аҳамият касб этган Жиззахдек(Дизак) шаҳар учун анча торлик қилади(Пардаев,2000, 121с). Бу хусусда “Бобурнома”да ҳам айрим маълумотлар келтирилади. Бобур Жиззахга келишини қуйидагича баён этади... “тонгдан бурунроқ Халилия кентига келиб тушдук. Халилиядан Дизак келилди”... деб таърифлайди (Бобур, 1989, 368 с). Эътибор берилса Халилия билан Қалия (“тепа” – қўшимчасини олиб ташланганда), қофиядош сўзлардир. Мутахассислар томонидан ҳозирча Халилия кентининг жойлашган ўрни ҳақида бирон фикр билдирилгани йўқ. Бизнингча, Халилия кенти Қалия (тепа) ўрнида бўлган. Бунинг устига бу ерда азалдан (“Қалия – Мўлканлик” номли қишлоқ (ҳозирда маҳалла) мавжуд бўлган. Демак, Бобур мирзо ўзининг кам сонли аъёнлари билан аввал йўл ёқасидаги Халилия (Қалия) кентига тушган, сўнгра воҳанинг ичкарироғида жойлашган Дизакка (Ўрдага) борган. Халилия атамасининг пайдо бўлиши ҳам номаълум. Бизнингча, ушбу атама темурий шаҳзода Халил Султон номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки, биринчидан, бу даврда шаҳар ва кентларни шаҳзодалар номи билан аташ расм бўлган, масалан, Шохруҳ Мирзо номи билан Тошкент воҳасидаги шаҳар Шохруҳия деб аталгани каби. Иккинчидан, Халил Султон соҳибқирон васиятига амал қилмаган ҳолда бўлсада, бир қанча муддат (1405-1409 й) Мовароуннаҳрда ҳокимлик қилган. Ва ниҳоят, учинчидан “ Бобурнома ” нинг Қозон босмасида Халилия кенти Улуғ Халил кенти

шаклида номланган (Бобур, 1989, 86с). “Улуғ” сифати эса маълум шахсининг нисбаси мақомида ишлатилган.

Демак, пойтахти Самарқанд, кейинчалик эса Бухоро бўлган мовароуннахрлик ҳукмдорларнинг, хусусан, соҳибқирон Амир Темур ва темурийзода шахзодаларнинг, Шайбонийхон ва унинг меросхўр авлодларининг Жиззах музофотида бўлган қизиқиши ўз замоналарида янада кучайган. Буни сўнгги ўрта асрларда яратилиб Сирдарё ва Амударё оралиғидаги халқлар тарихига бағишланган ёзма асарларнинг деярли барчасида Жиззах ва унинг ён – атрофларидаги шаҳар, қишлоқ – кентлар ҳақидаги маълумотлардан ҳам билса бўлади. Жиззах ўзининг мустақкам қалъа – қўрғонлари билан ушбу даврда ҳам муҳим ҳарбий стратегик ўлка сифатида қадрланган (Пардаев, Пардаев, 1996, 94 – 95 с.).

Атамашунос олим Т.Нафасовнинг “Дизак” сўзи этимологияси ҳақида билдирган фикрларига тўла қўшилган ҳолда қуйидагиларни қайд этиш мумкин. Тадқиқотлардан маълумки, илк ўрта асрларда фаолият кўрсатган Дизак ҳозирги Жиззах шахрининг шарқий қисмида жойлашган Қалиятепа харобалари ўрнида бўлган. Сўнгги археологик маълумотларга қараганда Қалиятепада ҳаёт камида илк антик даврда (мил.эр. авв. III – II аср) бошланиб, баъзи бир тўхталишлар билан сўнгги ўрта асрларнинг ўн еттинчи юз йиллиги бошларигача давом этган. Қалиятепада узоқ йиллардан буён тадқиқотлар ўтказаетган М. Пардаевнинг фикрича, Қалиятепа номининг изоҳи айнан Дизакдан келиб чиққан, зеро, бу икки сўз бир - бири билан узвий боғлиқдир. Демак, Диз - қалъа, Дизак – кичик қалъа маъносида бўлиб, Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома” сида “қалъаи Диззак”, “мулки Жиззах” шаклида ҳам берилган (Муҳаммад Солих, 1989, 93, 126 с). Арабча қалъа сўзи эса туркий халқлар тилида “шаҳар” маъносини беради ва қалъа сўзи иштирокида ясалган шаҳарлар сонини истаганча келтириш мумкин. Масалан, Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Ичанқалъа, Эликқалъа ва ҳ.к. Шунингдек, ҳозирги қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ сингари туркий халқлар шаҳарни тўғридан – тўғри “қалъа” деб аташади. Фикримизча, XV – XVI асрларда эски ўзбек (чиғатой) тилининг нуфузи тобора ошиб боргани сайин жой номларини туркийда аташ ҳам кенг расм бўла бошлаган. Мазкур жараён учун Шайбонийхон юришлари даврида Дашти Қипчоқдан кўчиб келган “юз” ва “қирқ” уруғи катта гуруҳининг Жиззах воҳасида муқим ўтроқлашуви ҳам муҳим аҳамият касб этган. Айнан ушбу даврдан Қалиятепа, ҳам “Дизак”, ҳам “Қалъа” шаклида атала бошлаган. Бу ҳол ёзма манбаларда унчалик сезилмасада, халқ оғзаки мулоқотида оммалашиб борган (Пардаев А. Самарқанд., 2001.). Ўрта Осиё худудидаги маълум шаҳар ёки давлатнинг номи қадимда бир неча шаклда аталгани, ўзгаргани ва аксарият ҳолларда охириги вариант туркийда зикр этилгани тарихдан маълум. Хусусан, қадимда Ши, Чоч, Шош, Банокат тарзида номланган республикаимиз пойтахтини, кейинчалик, Тошқанд ва ниҳоят, Тошкент қабилида аталиши бунга яққол мисолдир.

Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” сида Дизак ва унинг атрофидаги кентлар Йом, Хавос ҳақида маълумот берилган. Муаллифнинг ёзишича, бу даврда соҳибқиронга қарашли зарбдор отряд Жиззахда мунтазам турган ва Дизак – Чиноз йўналиши орқали ўтадиган “Етти қудуқ”

йўлини кўриқлаган. Амир Темур давлат тепасига келгунча Жиззах учун аввало мўғул жеталар билан, сўнгра Амир Хўсайн билан қонли урушлар олиб борган (Али Йаздий, 1992, 36, 54 – 55 с.). Таъкидланган етти қудуқнинг бири, ҳозирда “Самарқанд қудуқ” номи билан аталувчи қудуқ Жиззах шаҳридан 15 км шимолий – шарқда жойлашган. Қолган қудуқлар ҳам худди шу ҳудуддаги “Гала қудуқ” номи билан аталувчи мавзейда жойлашган бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

Улуғбек ҳукмдорлиги (1409-1449) Тошкент, Еттисув ва Мўғулистондаги темурийларга қарши муҳолиф кучлар ҳаракатининг фаоллашув даврига тўғри келади. Шу сабабли, Самарқандга ўтиш йўли Илонўтти дарасини кўриқлаш учун мудофаа занжири ҳосил қилган Жиззах воҳасидаги Қалиятёпа, Ўрда, Равот, Молтоп, қалъа – қўрғонлари қайта таъмирланган, ҳарбий қудрати оширилган. Ҳижрийнинг 828 йилида (1425й) Улуғбек жеталар юрти Мўғулистонга ҳарбий юриш қилади ва мўғул хони Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонади. Бу Улуғбекнинг ҳарбий фаолиятидаги кам сонли ғалабаларидан бири, энг ёрқини ва асосийси эди. Шунинг учун ҳам ушбу ғалаба ҳақидаги маълумот “Темир дарвоза” нинг баланд қояларидан бирига ўйиб ёзилган ва абадиятга муҳрланган (Валиев, Пардаев, 1990, 38 - 39 с.).

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг шоҳ асари “Бобурнома” да Жиззах воҳасидаги аҳоли маконлари Дизак, Зомин, Йом, Ўратёпа, Пишағор, Ёр - Яйлоқ, Халилия кенти, Илонўтти дараси ҳақида маълумотлар келтиради. Дарҳақиқат, Бобур 1498 – 1499 йиллар қиш мавсумини ўзининг увайсий пири – устози Хўжа Аҳрор Валининг мулк кентларидан бири Пишағор қўрғонида ўтказди. 1501 – 1502 йилларда узоқ давом этган Самарқанд қамали туфайли очлик, юпунликка дучор бўлган, Шайбонийхондан оғир мағлубиятга учраган Бобур, кам сонли аъёнлари билан бир амаллаб Жиззахга етиб келади ва маълум муддат бу ерда қолиб кетади.

Муаллиф, ёзганидек бу пайтда Жиззахда дўлдой уруғи вакили Ҳафиз Муҳаммадбекнинг ўғли Тоҳир дўлдой ҳокимлик қилган. “Темур тузуклари” да қайд этилишича соҳибқирон томонидан тамға олиб юксак мартабага сазовор бўлган ўн икки аймақ (барлос, тархон, жалойир, арғун ...) орасида дўлдой уруғи ҳам бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг қўшини қирқ аймақдан чиққан навкарлардан, хос навкарлар, зарбдор - авангард қисм эса фақат юқорида қайд этилган ўн икки аймақ жангчиларидан тузилган (Темур тузуклари, 1991, 86-87 с.). Дўлдой уруғи бек ва амирларининг аксарият қисми темурий шаҳзодаларга хизмат қилишган, уларга тарафдор бўлишган. Жиззах ҳокими Тоҳир дўлдойнинг отаси Ҳафиз Муҳаммадбек Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо даврида аввал Андижонда, кейинчалик, Ўратёпада унинг вассал ҳокими сифатида хизмат қилган эди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Тоҳир дўлдой Шайбонийхон ғазабига дучор бўлишидан қўрқмай Жиззахда Бобурни юксак мартабали меҳмон сифатида кутиб олган ва унга ҳурмат- эҳтиром кўрсатган.

XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида темурийлар давлати кучсизланиб қолди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон бошлиқ Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбек қабилалари Мовароуннахрнинг маданий воҳаларни бутунлай босиб олдилар ва ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Ушбу юришларда қатнашган юксак нуфузли уруғлар ўлканинг хўжалик юритишга

қулай воҳаларини эгаллаб ўтроқлашдилар. Хусусан, Қарши шаҳри ва унинг атрофига манғитлар, Шахрисабз шаҳри ва унинг ён теварагидаги ҳудудларга кенагаслар, Ўратепага юзлар, Жиззахга юз ва қирқлар ўрнашдилар

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома, Тошкент, 1989.
2. Валиев П., Пардаев М. Надписи Илануттинского ущелья// Археология Средней Азии. Ташкент, 1990.
3. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома, Тошкент, 1989.
4. Пардаев М, Пардаев А. Жиззах музофоти Амир Темур ва Темурийлар даврида //Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналарига бағишланган халқаро илмий конференция маърузалари баёни. Самарқанд.,1996.
5. Пардаев М.Х.Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар// ЎММТ, 31-нашри. Самарқанд, 2000.
6. Пардаев А.Х. XV-XVI аср ёзма манбаларида Жиззах./Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 32 – нашр, Самарқанд.,2001.
7. Темур тузуклари. Тошкент, 1991.
8. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома, Тошкент, 1992.

ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИГА ТУТАШ МИНТАҚАЛАРДАГИ СИЁСИЙ ТУЗУМ ХУСУСИДА (ЎРАТЕПА ҲОКИМЛИГИ МИСОЛИДА)

У.Ю.Алибеков, Д.Х. Сангилова
ГулДУ, Гулистон

Бухоро хонлигидаги жадаллашиб бораётган бошбошдоқлик, парокандалик жонийлар сулоласининг охирги вакили Абул-Файзхон (1711-1747 й. й) ҳукмронлик даврида янада кучайиб борди. Бундай вазиятдан фойдаланиб, Фарғона водийсида мустақил Қўқон хонлигига асос солинди. Мамлакат жануби, Афғонистоннинг шимолий маркази Балх XVIII аср 20 йилларида Бухоро хонлиги таркибидан чиқди.

Икки хонлик ўртасидаги туташ ҳудудлар Хўжанд ва Жиззах ҳамда Ҳисорда ўзбекларнинг юз уруғлари томонидан мустақил бошқариб келишганлар. Бу давр тарихчилар томонидан бир мунча ўрганилган [1:27-32, 2:46-52, 3:33-35, 4:92, 5:404].

Ўратепа ҳокимлиги қадимги Уструшона ҳудудида XVIII асрнинг бошларидан ташкил топиб, то Россия империяси 1866- йилда ишғол қилгунга қадар мавжуд бўлган.

XVIII асрнинг ўрталарида Ўратепа ҳокимлиги ҳудудлари шарқда Хўжа-бақиргансой (Қирғизистон), Хўжанд ва унга яқин бўлган Маҳрам қалъаларини ўз ичига олган. Шимоли-шарқда Бекободдан бошлаб, Сирдарёнинг чап қирғоғи ҳудуди ва Мирзачўлни, ғарбда ҳокимлик қилган Жиззах шаҳрини ўз ичига олиб, Амир Темур дарвозаси орқали Самарқанд билан чегарадош бўлган, чегара жануби-ғарбга томон Туркистон тоғ тизмалари орқали йўналган. Унинг жанубдаги чегараси Зарафшон воҳасидаги – Матчоҳ, Фалғар ва Панжикент ҳудудларини ташкил этган, Туркистон, Молгузар тоғ тизмалари йўналишида Зарафшон

тоғ тизмалари орқали ўтиб чегарадош Ҳисор беклигида ўзбекларнинг юз уруғидан бўлган беклар бошқарган. Ўратепа ҳокимлиги бошқа мустақил улуслар орасида ҳудудий жиҳатдан энг каттаси, Қўқон хонлигидан биров кичикроқ эди. Таркибида Ўратепадан ташқари Панжикент, Хўжанд, Жиззах, шунингдек, Зомин, Ём ва Нов каби шаҳар қўрғонлари мавжуд бўлган. Ўратепа ҳокимлиги Ўрта Осиёда Хива, Қўқон ва Бухоро хонлигидан ташқари тўртинчи мустақил давлат эди.

Мустақил Ўратепа ҳокимлиги тарихи тожикистонлик олим А.Мухторов томонидан манбавий маълумотлар асосида чуқур ўрганилиб, мамлакат маъмурий бошқаруви, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатларини тўлақонли ёритиб берган [6:120,7:148,8:32]. Турли соҳаларга оид далолатнома, вақф ҳужжатлари, манбавий маълумотлар Ўратепа тарихини яратишга асос бўлиб хизмат қилган.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида йирик ер-мулклар эгалари бўлган Жўйбор хўжаларининг тутган ўрни беқиёс бўлганлиги бизга шу даврни ўрганган олимлар томонидан яратилган адабиётлар орқали маълум. XVIII асрнинг бошларида Ўратепа вилоятида Нақшбандия-хўжахон диний тариқати вакиллари ҳисобланган Хўжа Мир Абдулла, Хўжа Муса, Хўжа Муҳаммад-Солиҳ, Турон-хўжаларининг[9:7] суғориладиган ва яйлов ерлари, боғ-роғлари бўлган бир қанча қишлоқларда мулклари мавжуд эди. Жўйбор хўжалари қўллаб-қувватлашлари билан ўзбек юзларини вилоятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги нуфузи анчалик юқори бўлиб, Бухоро хонлигидан мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилиб келганлар.

Воқеалар ривожини шуни кўрсатадики, Бухоро хони Субхонқулихон (1681-1702 й.й.) Ўратепа ва Хўжандга янгидан тайинланган вилоят ҳокими Раҳимбийга 1693-1694 йилларда юборилган мактубида: Ҳошимбий оталиқ Бухоро хонларига содиқ хизмат қилганлиги, лекин унинг ўғли Фозилбий Ўз Темурбий ва Тамғабийлар билан қўшилиб хон билан душманлашгани, Бухоро хонлигига қарши юриш очганлигини билдиради[9:9]. Бундай ҳаракатлар ҳокимларнинг мустақил сиёсат юритишига уринишларини кўрсатади.

Бухоро хони Убайдуллахон (1702-1711 й.й.) даврига келиб Жўйбор хожаларининг мавқеи юқори бўлганлигидан Ўратепа, Хўжанд, Чаҳорсада (Хўжанда ва Конибодом оралиғи) ҳудудларига бошқарувчи қилиб қўшбеги Оқбўтабий юз (Манбавий маълумотларга кўра Ўратепанинг энг биринчи ҳокими)ни тайинлаган. Бундай фикрга келишимизга хоннинг Хўжа Мусо эшонга мактуб юбориб огоҳлантирилишида ва ҳар қандай вазиятлардан огоҳлантиришини[9:7]сўраб қолишида ҳам яққол кўриш мумкин.

Фикримизча Оқбўтабий даврида дастлаб Ўратепа ҳокимлиги мустақиллиги тикланади. Манбаларнинг маълумотларига кўра, Шохруҳбийнинг (1710-1721 й.й.) ўғли Абдурахимбий Оқбўтабийнинг қизига уйланиб, Хўжандда яшаган. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучайиб олган Абдурахимбий энди қайнотаси Оқбўтабий билан келишолмай, унинг таъқибидан қочиб, юртига бориб, тўртта қишлоқни сотиб олиб, “Қалъаи Раҳимбий” яъни Қўқон шаҳрига асос солади[10:673]. Абдурахимбий (1721-1734 й.й.) тахтга ўтиргач, 1725-йили Хўжандни, 1726-йили

Ўратепани, 1729-йилда Самарқандни вақтинча босиб олиб Оқбўтабийни ўлдиради[11:16].

Узоқ вақтдан буён мустақиллик учун курашиб келаётган ўзбек юзларининг Холиқбий, Ҳошимбий оталиқ, Сайидбий, Содиқбий каби вакиллари Ҳисорда истиқомат қилиб, XVIII аср бошларига келиб мустақил бекликка асос солишди. Туркистон тоғ тизмаси шимолидаги ўзбек юз уруғи вакиллари Содиқбийни Хўжанд ва Ўратепа ҳокимлигини бошқариш учун таклиф қилинган. Содиқбий ҳокимлик сарҳадларини мустақамлаш учун Сангзор атрофида қозоқлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади[7:17-18]. Ўзбек юзлари ўзларига ҳоким этиб Бекбўтани сайлашади. Кўп ўтмасдан юзлар Ҳисордан Фозилбекни олиб келиб, у Бекбўтани мавҳ этиб, Ўратепа ҳокими тахтига ўтиради. Манбавий маълумотларга кўра, Фозилбекдан кейин то XVIII аср охирига қадар ҳокимиятни унинг ўғли Ҳудоёр- девонбеги бошқарган.

Ўратепа ҳокимлигида юз уруғининг маҳаллий бошқарувида роли ва таъсири ортиб боришини кўйидаги мисоллардан ҳам билиб кўриш мумкин:

-1745- йилда (А.Мухторовда 1760-йил берилган?) қалмоқлар Фарғона вилоятига ҳужум қилиб, Ўш, Андижон, Марғилон шаҳарларини босиб олиб, Қўқонни қамал қилдилар. Абдукаримбий (1734-1750) Ўратепа ҳокими Фозилбекдан ёрдам сўрайди. Ўратепа ҳокимлиги кўшинлари ёрдамида Фарғона водийси душмандан озод қилинади ва 1749-йилда қалмоқлар билан Қўқон хонлиги фойдасига сулҳ тузилади [12:269, 7:19, 13:9, 11:16].

-1749 – йил Фозилбек етакчилигидаги Ўратепа кўшинлари Ҳисор, Нурота, Киштут ва Ургут билан ҳамкорликда Қаршига юриш қилиб, улар устидан ғалаба қилади [7:19, 14:10].

-1758- йил Фозилбек Бухоро амирлигига юриш қилиб, Самаранд, Каттақўрғон, Пайшанба, Хатирчини босиб олиб, Кармана шаҳри остонасидан ортга қайтади.

Ўратепа ҳокими ҳарбий кўшинларнинг олий бош кўмондони ҳам ҳисобланиб, ёрдамчилари ва кўшин бошлиқлари вазирларига, унинг ака-укалари ҳамда фарзандлари тайинланган. Шунингдек, бекликда нақиб мансаби мавжуд бўлиб, у бухороликлар бошқаруви тартибларига кўра, кўшин таъминоти вазифасини бажарган. Уруш ҳолатларида Ўратепа ҳокими 15-16 минггача бўлган ўзбек отлиқларини жангга киритиши мумкин эди. Бу ҳол албатта, ҳудудда чорвадорлардан иборат ёлланма кўшин бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, 3-4 минг кўшиндан иборат махсус қисм кўшиннинг илғор қисми ҳисобланган. Шу ўринда айтмоқ жоизки, урушларда учинчи кўшин тури ҳам мавжуд бўлиб, улар атроф-қишлоқ ҳудудларидан йиғилган.

Бундай ҳарбий кучлар XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ва Қўқон хонликлари иқтисодий-сиёсий тизимида, Ўратепа ҳокимлиги тинчлиги ва тараққиёти учун зарур эди.

1800-1866- йиллар давомида Ўратепа ҳокимлиги (Хўжанд ва Самарқанд шаҳарлари оралиғи) сиёсий тарихида энг оғир даври бўлиб, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида талаш майдонга айланади. 1800-1816 йиллар давомида Ўратепа ҳокимлигига Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги томонидан 9 марта юриш қилиниб, ҳар бир ярим, икки йилда

қўлдан қўлга ўтиб турди[14:83]. Лекин шундай бўлсада, Ўратепа ҳокимлиги ўз мустақиллиги учун курашидан кечмасдан мустақиллик сари одимлаб борди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги томонидан Ўратепа ҳокимлигига 50 мартага яқин юриш қилинган ҳамда 17 марта ҳоким алмашинган. Агарда, Бекмуродбийни 2 марта, Абдуғаффорбекни 4 марта тахт бошқарувига келишини қўшиб ҳисоблансак, 23 марта ҳоким алмашганлигини кузатишимиз мумкин[7:40].

Жўйборий хўжаларнинг ҳокимлик бошқарувида нуфузи юқори бўлганлигини таъкидлаб ўтган эдик, Қўқон хонлари ёки Бухоро амирлари томонидан ҳар гал Ўратепанинг босиб олиниши натижасида ҳоким тайинлаш ишларида жўйбор хўжалари билан кенгашиши, келишишлари шарт бўлган дейиш мумкин бўлади.

Бухоро амирлигининг қўллаши туфайли 12 йил ҳокимлик қилган Муҳаммад Раҳим оталиқ юз (1816-1828 йй.) энг кўп ҳокимлик қилган бўлсада, бироқ, Ўратепа эшонларидан бири бўлган Солиқ Хўжанинг розилигисиз оталиқ ҳокимлик қароргоҳига кира олмаган ва охир оқибатда қатл этилган. Шу сабаблиқ Ўратепа ҳокимлигига жўйборийлар розилиги билан маҳаллий ўзбек юзларидан ҳоким тайинлашга мажбур бўлганлар. Янги тайинланган ҳокимлар бироз вақт ўтиши билан йирик ер эгалари Жўйбор хўжалари манфаатини ифодалаб мустақил сиёсат юргитиб бошлаганлар. 1799- йилнинг охири 1800- йилларнинг бошларида Ўратепа ҳокими бўлган Худоёрнинг ўлимидан хабар топган амир Шоҳмурод (1785-1800 йй.) Ўратепа ҳокимлигига юриш қилиб, шаҳар қишлоқларни ишғол қилади[14:79]. Жиззах шаҳри, Панжикент мулклари Бухоро амирлиги тасарруфига ўтади. Чегара ҳудудининг заифлашиб қолганидан хабардор бўлган Қўқон хони Олимхон (1798-1810 йй.) 1805 йилда Хўжанд шаҳрини эгаллаб олади[15:290]. Хонликлар ўртасида туташ ҳудуд бўлган Ўратепа ҳокимли мазкур сарҳадларда ўзининг аввалги мавқеини тиклашга ҳаракат қилганлиги воқеалар давомида кўринади.

Худоёр девонбегининг мустақил ҳокимлик учун бўлган ҳаракатларини ўғли Бекмурод (1800) давом эттирди. Бироқ, Бухоро амири Шоҳмурод (1785-1800 йй.) Қўқон билан туташ ҳудуд бўлган чегара ерларига эътиборни кучайтирди. Бу ҳаракатларни Ўратепага қайта-қайта юриш қилганлигида ҳам кўриш мумкин бўлади. Ўз таъсирини ушбу ҳудудда мустаҳкам ушлаб туриш мақсадида амир Шоҳмурод (1785-1800 йй.) ҳам Худоёр девонбегининг укаси бўлган аввалдан юз уруғлари орасида таъсир кучига эга бўлган Бобо парвоначи юзни ҳоким этиб тайинлайди.

Кўп ўтмасдан Қўқон хони Олимхон (1798-1810 йй.) шимолга зафарли юришларидан олдин хонликнинг ғарбий минтақаларини мустаҳкамлаш мақсадида 1805-1806 йилларда Ўратепага юриш қилиб, у ерни эгаллайди. Ва ҳокимлик бошқарувини Некқадам иноқ ва Маҳмуд оталиққа топширади. Олимхоннинг вафотидан кейин Умархон (1810-1822 йй.) Ўратепани қайта эгаллаш учун 1813-1814- йилларда юриш қилиб, ҳоким этиб Маҳмудхонга бошқарувни топширади. Кўп ўтмасдан, Саидқулбий дотхонни, бир ҳафта давомида Қосимбекни, бир ой ўтиб эса Ражаб девонбегини ҳоким этиб тайинлади[6:88]. 1815-йилда Бухоро амирлиги

Ўртепага бостириб кириб, Муҳаммад Раҳим оталиқни ҳоким вазифасига қўяди. Бундай ҳокимлик алмашинуви беқарор сиёсатни ва худуднинг нотинчлигини кўрсатар эди.

Бухоро амири Насруллоҳхон (1826-1860 й.й.) 1829-йилда Жиззах худудига келиб, Ғозибек мирохурни ҳоким этиб тайинлади. Жиззах аҳли тайинланган ҳокимни вазифасига лойиқ қўришмаганлигидан, Манғит Ҳаким додхонни янгидан тайинлашга мажбур бўлган[7:30-31]. Ушбу додхон билан ҳам фикр бўлган Оталиқбекни Ўратепага бошқарувчи лавозимга тайин этган. Кўп ўтмасдан Қўқон хони Мадалихон (1822-1841 й.й.) бостириб келиб, Ўратепага ҳоким этиб, Шоҳ парвоначини тайинлайди.

Амир Насруллоҳхоннинг (1826-1860 й.й.) Қўқонни босиб олиш ниятида “мадоризан” баҳонаси билан Мадалихонга (1822-1841 й.й.) қарши чиқиб, Қўқон хонлигини аввалги Бухоро тасаруфига ўтиши учун Қўқонга юриш олдидан стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган Ўратепа ҳокимлигини босиб олиб, 1841-йилда Бердиёр эшиоғабошини ҳоким этиб тайинлади.

Қўқон хонлиги босиб олинганидан кейин Ўратепада маҳаллий аҳолининг норизолиги туфайли, 1844-йилда Исҳоқбек манғит ҳокимлик вазифасига қўйилди, аммо ҳоким алмашинуви масалани ҳал этолмаганлиги боис, янги номзод Исо додхон юзни бошқарувчи қилиб тайинланди.

Кўп ўтмасдан Қўқон хони Худоёрхон (1845-1858 й.й.) 1848-1849-йилларда юриш қилиб, ўзига яқин бўлган Муҳаммад Раҳимхон оталиқнинг ўғли Абдуғаффорбекни Ўратепа бошқарувчиси этиб тайинлайди. Қўқон хонлигининг тинимсиз юришлари натижасида Ўратепа ҳокимлиги ҳар гал эгаллаб олингач, уларга янги янги номзодларни қўйиб ҳокимлик ваколатларини берганлар, уларни Алла Шукурбек, Исабек, Абдуғаффорбек, Рустамбеклар ҳокимлиги мисолида кўриш мумкин.

Шу тариқа, стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган Ўратепа ҳокимлиги ўзаро урушлар натижасида заифлашиб қолди ва ушбу заиф халқани узиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш учун 1866-йилда Россия империяси ўз қўшинларини Ўратепани босиб олишга қаратди.

Ўратепанинг сўнгги ҳокими ҳисобланган Абдуғаффорбек ўзига маслакдош бўлган кишилар билан кенгашиб, Ўратепа мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида бир неча йирик амалдорлар билан бирлашиб мустақиллик учун курашга чоғланган бироқ, узоқ ўйланиб режалаштирилган рус қўмондонларининг сиёсати бундай эзгу ишларни амалга оширишга изн бермаган[9:62].

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

XVIII асрда мустақил Ўратепа ҳокимлигини асосланиши ва тараққийсида Жўйборий хўжалар муҳим ўрин тутиб, ўзбек юзлари сулоласи вакиллари ҳокимлик вазифасини бажариб келишган.

- Мустақил Ўратепа ҳокимлиги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тарихи халқларининг турмуши, хўжалик ҳаётини манбавий маълумотлар асосида тадқиқ ва таҳлил қилиш, ўзбек хонликларига туташ минтақалар ҳамда ўзбек давлатчилиги тараққийсини ўрганишда беқиёс аҳамият касб этади.

- Мустақил Ўратепа ҳокимлиги тарихини Олий ўқув юртлари, мактаб дарсликлари келгусида киритилиши тарих ўқувчиларини XVIII-XIX асрлар

Ўрта Осиёнинг тарихий, сиёсий жараёнларини муфассал англашларига хизмат қилади деган фикрдамиз.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахмедов Б.А. История Балха (XVI первая половина XVIII в.) Ташкент, Фан, 1982.
2. Чехович О.Д. Городское самоуправление в Ташкенте XVIII в. В кн: История и культура народов Средней Азии (Древность и средние века) Москва, Наука, 1976.
3. Давидович Е.А., Мухтаров А.М. Страницы истории Гиссара. Душанбе, Ирфон, 1969.
4. Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихшунослигидан лавҳалар. Тошкент, Ўқитувчи, 1993.
5. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, Шарқ, 2001.
6. Материалы по истории Ура-Тюбе. Сб. Актов XVII-XIX в.в./ Состав., перевод и предисл. А.Мухтаров. под ред. А.А. Семенова и О.Д. Чехович. Москва, Издательства восточной литературы, 1963.
7. Мухтаров А. Очерки истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. Душанбе, Издательства А.Н. Таджикской ССР, 1964.
8. Мухтаров А. Гузары Ура-Тюбе. Ташкент, Чўлпон, 1995.
9. Мухтаров А. Эпиграфические памятники Кухистана(XI-XIX в.в.) Кн. II. Отв. Ред. Б.И. Искандеров. Душанбе."Дониш" 1979.
10. Ўзбекистон тарихи. И.Мўминов таҳрири остида chop этилган. Тошкент.:“Фан” 1971.
11. Сангирова Д.Х. Муаҳаммад Азиз Марғилоний ва унинг “Тарихи Азийий” асари (Россия империяси мустамлакачилиги даврига оид муҳим манба). / Масъул муҳаррир Ш.Х.Воҳидов. Тошкент, “Адабиёт учқунлари”, 2016,
12. Бобобеков Ҳ. Н. Тарихимизаги қонли излар. (Ибратнинг Фарғона тарихи асарига кириш сўзи) Исҳоқхон Жўнайдуллахожа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. Нашрга тайёрловчилар. Ҳайдарбек Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний. / “Мерос” туркуми. Тошкент, “Камалак”, 1991.
13. Бейсимбиев Т.К. Тарих-и Шохрухий как исторический источник. Алма-ата, “Наука”, 1989.
14. Мухторов А. Дилшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начале XX в.в. Душанбе, “Дониш”, 1969
15. Азамат Зиё. Ўзбек давларчилиги тарихи. Тошкент: “Шарқ” 2000

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАРОСИМЛАРДА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ИЗЛАРИ

Ф.Ш. Акчаев
ЖДПИ, Жиззах

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим микроэтнографик минтақа ҳисобланади. Воҳанинг қулай географик ўрни ва Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналарнинг уйғунлашган ҳолда шаклланишига сабаб бўлган.

Жиззах воҳаси зиёратгоҳлари Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидаги каби авлиёлар, муқаддас саналган нарсалар, табиий-географик объект-

лар, ҳайвонлар култи ва уларни муқаддаслаштириш ҳамда табиат мўъжизалари билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Бу зиёратгоҳлар орасида муқаддаслаштирилган мозорлар алоҳида ўрин тутиб, уларнинг баъзилари исломдан аввалги ибтидоий диний тасаввурлар, маҳаллий кулътлар ва ислом динини ёйган саҳобалар ҳамда ислом дини равнақ топгач, шу заминда яшаб ўтган авлиёлар ҳамда уларнинг яқинлари билан боғлиқ ҳисобланади. Исломнинг кириб келиши қадимдан илоҳийлаштирилган жойларни йўқ қилиб юбора олмади. Аксинча, улар халқ маънавий дунёқарашига боғлиқ ҳолда сиғиниш объекти сифатидаги ўрнини сақлаб қолган. Бу ҳақда этнолог С.А.Токарев “Мусулмончиликни кириб келиши ўзи билан янги ислом динини олиб келди. Натижада Марказий Осиёдаги маҳаллий илоҳлар ўзгаришга учради. Барча жойда маҳаллий авлиёларга топиниш кенг ёйилди. Гарчанд уларнинг айримлари мусулмон номлари билан аталсада, аслида қадимги маҳаллий худоларининг ҳомийлари билан боғлиқ бўлган”[Токарев,1976. С.534], - деган фикрни илгари сурган.

Воҳа муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари тўғрисидаги халқ қарашлари замирида ибтидоий диний тасаввурлар таркибига кирувчи тотемезим, анимизм ва фетишизмга оид қарашлар, табиат, оила, деҳқончилик ва ҳосилдорлик ҳомийлари саналган маҳаллий кулътлар билан боғлиқ қарашлар ҳам сақланиб қолган. Кейинги даврларда шаклланган зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлар замирида зардуштийлик эътиқоди ҳамда ислом дини анъналари билан боғлиқлик [Ақчаев, 2014. 45-47 б] кузатилади.

Зиёратгоҳлар ичида машҳур тарихий шахслар, дин арбоблари номи билан аталадиган муқаддас жойлар билан бир қаторда, айрим маҳаллий ҳудуд аҳолисининг зиёратгоҳи саналган номаълум мозорлар ҳам мавжуд. Мазкур муқаддас жойларни зиёрат қилувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларида айрим қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқлик сезилиб туради. Улар тош ва ёғочларни тавоф қилиш, ёғоч ёки дарахтларга мато боғлаш, тошларга сиғиниш, улар атрофида афсунлар ўқиш каби халқ томонидан кенг қўлланиладиган расм-русмларда ибтидоий қарашлар фетишизм, анимизм, магия (сеҳргарлик), табиат ва аждодларга сиғиниш каби диний эътиқодларнинг излари ва маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ қарашлар мавжуд.

Тадқиқотлар жараёнида воҳадаги муқаддас жойларда чироқ ёқиш ва ўчоқда ёнаётган оловга ёғ сепиш одатлари ҳам сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Ахборотчилардан -“Нима учун муқаддас мозорларга пахта ўраб ёққа ботирилган лўк чўпларни ёқиш урф бўлганлиги сўралганда, уларнинг аксарияти “пиликдаги ёғ ёнган сари кўпроқ ис чиқаради, натижада мозордаги улуғ аждодлар руҳига унинг иси тезроқ етиб бориб, дуоларимиз ижобат бўлади”[д.ё.-Парпи ота.2014], дея жавоб бердилар. Ваҳоланки, зиёрат тўғрисидаги китобларда мозорларда чироқ ёки шам ёқиш таъқиқланган, яъни бидъат ҳисобланади. Бироқ, чироқ ёқиш ҳам қадимдан худди дарахтларга мато бўлагини боғлашдек зиёратчи томонидан бажарилган асосий одатлардан бири сифатида анъанавий кўринишга эга бўлиб, бундай урф-одатлар қадимий диний расм-русумлар сифатида исломгача мавжуд бўлган амаллардир.

Воҳада ўрганилган Ғулбо ва Сиғаноқ мозорқўрғонларидаги қабрларга олов ёқиб қўйиш, исириқ тутатиш, чўғ ёки кул сепиш ва марҳумларни дафн этиш пайтида ёқиш каби удумлар қўлланилган[Тошбоев, 2009. 184-187 б]. Демак, муқаддас жойларга олов ёқиб қўйиш жуда қадимий илдизга эга бўлиб, у вафот этганлар руҳига бағишланган.

Воҳадаги зиёратгоҳларда қадимги тотемистик диний эътиқодлар билан боғлиқ расм-русумлар ҳам маҳаллий аҳоли орасида яхши сақланган. Масалан, балиқ, туя, от, қўй, қоплон, хўроз каби ҳайвонларни муқаддаслаштириш айрим ҳолларда мазкур ҳудуддаги қадамжоларни зиёратгоҳ сифатида шаклланишига туртки бўлган. Жумладан, ҳозирга қадар воҳанинг айрим зиёратгоҳлари булоқларидаги балиқларни маҳаллий аҳоли “балиқ қиёфасидаги авлиёлар”, деб ҳисоблайдилар. Шу сабабдан, азалдан халқ орасида ушбу балиқларни ўлдириш ёки ушлаш оғир оқибатларга олиб келади, деган тушунчалар шаклланишига олиб келган.

Бундан ташқари воҳанинг Бахмал туманидаги “Новқа ота”, Янгиобод туманидаги “Бўтатош Вали”, Фориш туманидаги “Жондаҳор ота” зиёратгоҳлари вужудга келиши билан боғлиқ халқ қарашларида туя тотеми муҳим ўрин тутган[Ақчаев, 2015. 122-125 б]. Нурота ва Моргузар тоғларида ўрганилган бронза даврига оид қоятош расмларида ҳам туялар алоҳида композицияда тасвирланган[Тошбоев, 2019.].

Элшунос олим Г.П.Снесаревнинг фикрича, Марказий Осиё халқларида туянинг ҳозирга қадар ардоқланиши унга қадимдан муқаддас ҳайвон сифатида эъзозланишини тасдиқлайди. Чунки, туя қадимда илоҳий ҳайвон сифатида Марказий Осиё халқларининг диний тасаввурларида муҳим ўрни тутган[Бичурин, 1958.С.272]. Чунончи, Зардўштилик динининг муқаддас китоби «Авесто»да келтирилишича, уруш ва ғалаби худоси Веретрагна икки ўрқачли туя қиёфасида тасвирланган[Снесарев, 1969.]. Бундан ташқари кўплаб туркий халқларда туя тотем ҳайвон ҳисобланган. Бунга Буғроҳон, Қора Буғро каби номлар билан аталган туркий ҳукмдорларни мисол қилиб келтириш мумкин. Қадимги туркий тилда буғро-нортуя маъносини англаган.

Уструшонанинг шимолий-ғарбий ҳудудлари аҳолиси орасида “қўй култи”-“фарн”га сиғиниш ҳам кенг ёйилганлиги кузатилади. Тасаввурларга кўра, қўй – (шоҳдор қўчқор) давлатмандлик, шон-шухрат, куч-қудрат тимсолини билдирган. Шу сабабли, шоҳдор қўчқор ҳайкалчалари, сопол идишларда, улар дастасида, тамға ва ўрналарда, айниқса чорвадор туркийлар моддий маданияти намуналарида кўплаб учрайди[Пардаев, 1995.39-42-б].

Воҳа зиёратгоҳларида исломгача шакланган фетишистик эътиқодлар билан боғлиқ қарашлар ҳам халқ орасида яхши сақланган ва улар билан боғлиқ кўпгина расм-русумлар бизгача етиб келган. Жумладан, Паймард қишлоғида маҳаллий аҳоли томонидан муқаддас саналган тепалиқда тоғ тошлари орасидан униб чиққан уч туп улкан қатрон дарахти мавжуд бўлиб[д.ё.-Паймарт ота. 2015], у билан боғлиқ кўплаб ривоятлар кишиларни ушбу дарахтга ихлос қилиб маросимлар ўтказишга ундаган. Айниқса ҳозирги вақтда янги туғилган чақалоқларни бешиги учун унинг шоҳларидан олиб кетишади ва фарзандларини соғ-саломат камол топишларини сўраб,

ният қилиб, турли мато бўлақларини боғлаш одатлари ҳам мавжуд. Бундай одатларни Зомин туманидаги Бобоёнғоқ, Тоғтерақ, Минг арча ва Қатрон ота зиёратгоҳларида ҳам учратиш мумкин. Ахбортчиларнинг таъкидлашларича, муқаддас жойлардаги дарахтларга мато бўлақларини боғлаш зиёратчи билан муқаддас жой ўртасидаги рамзий боғланишнинг белгиси ҳисобланган. Бунда ҳар бир зиёратчи ўз тилак ва истагини мато боғлаш орқали ифода этган ва муқаддас жойга нисбатан умид-ишончини намойиш этиб, сиғинилган жойдан руҳий мадад олган. Зиёратчининг истаги рўёбга чиқса, у иккинчи бор келиб боғлаган матони ечган ва бу жойда қурбонлик маросимларини ўтказган.

Янгиобод туманидаги Хўжамушкент ота зиёратгоҳи яқинидаги муқаддас ғорда одамлар томонидан тошларга осиб, маҳкамланган минглаб латталар мавжуд. Кузатишимизча бу матолар зиёратгоҳга келган аёлларнинг рўмолидан бир парчасини “бошимиздан садақа”, деган маънода ғордаги тошларга осиб кетиши натижасида тўпланган. Бу ерда ўтказиладиган маросимда ҳар бир хонадондан вакиллар келиб, мазкур муқаддас жойдаги аждодлари руҳига атаб “ис” чиқариши керак бўлган. Ўша ерда дастурхонга тортилган турли пишириқлар, хусусан, қатлама, бўғирсоқ, кулча, кўк сомса каби таомлар зиёратдан сўнг “хайр-садақа” сифатида асосан болалар, қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғларга тарқатилган[Ақчаев, 2015. 150 б].

Яна бир одатга мувофиқ, воҳадаги Қоплон ота, Боғимозор ота ва Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларидаги муқаддас саналган булоқларга зиёратчилар ният айтиб танга, мунчок, тош, мато парчаси, нон увоқлари ташлайдилар. Узоқ йиллар давомида фарзанд кўрмаган аёллар мазкур зиёратгоҳларга келиб, турли дуолар ўқиб, дуодан сўнг ният билан булоққа қўл солади. Қайси бир аёл булоқдан одам шаклига ўхшаш тошча топса демак, у яқин орада фарзандли бўлишга, бирор-бир мунчок, маржон қўлига илинса, демак қиз кўради, агар унинг қўлига танга ёки ошиқ чиқса у ўғил кўради[д.ё.-Қоплон ота. 2016], деб ишонилган.

Муқаддас булоқлар ва мозорларда турли расм-русумларни бажариш анъанасига кўра, Хўжабоғбон ота, Хўжаи Сероб ота, Қозон ота, Боғимозор ота, Парпи ойим зиёратгоҳларида айрим этнолокал хусусиятлар кузатилади. Жумладан, Зомин тумани Увол қишлоғидаги «Парпи ойим» зиёратгоҳига келган дардманд кишилар, айниқса бепарзанд аёллар ҳудуддан оқиб ўтувчи Уволсойдаги “дардлардан халос этувчи тош”дан учтасини олиб, ўша ердаги тешиктошдан 3 марта ўтиб, ушбу тошларни белларига боғлаб юрсалар армони ушалар экан. Одатга кўра, фарзандли бўлгач, ҳалиги 3 та тошни, албатта қайтариб зиёратгоҳ ҳудудига ташлаб, жонлиқ сўйиб маросим ўтказиб кетиши керак[д.ё.-Парпи ойим. 2014] бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, муқаддас саналган жойларни зиёрат қилиш, азиз авлиёлар қадами етган қадамжолар ва муқаддас, деб эътироф этилган масканларни зиёрат қилиш халқимиз орасида кенг ёйилган. Бу ерда ўтказиладиган маросимлар орқали ўз мушуқларини осон қилишга, инсонларнинг дардига даво топиши ҳамда фарзанд сўраб, шу тарзда оналик бахтига муяссар бўлишига ишонч узоқ йиллар мобайнида шаклланган. Букаби анъаналар даврлар мобайнида аждодлардан авлодларга ўтиб келаверган. Таъкидлаш керакки, ҳудуддаги зиёратгоҳларда анъанавий

равишда узоқ даврлардан буён сақланиб келинаётган бу каби урф-одат ва маросимлар воҳадаги номоддий маданий мерос ва ҳудуд этнографиясини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ақчаев Ф. “Авесто”да муқаддас қадамжой ва маросимлар талқини// Имом Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 2014. №4 сон. 45-47 бетлар.
2. Ақчаев Ф. Жиззах воҳасидаги туя билан боғлиқ зиёратгоҳлар//“Инсон, унинг эътиқоди, жамият, коинот: тараққиёти муаммолари ва ҳозирги замон” мавзусидаги илмий-назарий семинар материаллари. Тош. 2015. 122-125 бетлар.
3. Ақчаев Ф. Хўжамушкент ота зиёратгоҳи ҳақида баъзи мулоҳазалар//“Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тош. 2015. 150 б.
4. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М., 1958. Т. 2. – С 272.
5. Дала ёзувлари. Жиззах тумани Парпи ота зиёратгоҳи. 2014 йил.
6. Дала ёзувлари. Жиззах тумани Паймард ота зиёратгоҳи. 2015 йил.
7. Дала ёзувлари. Зомин тумани Қоплон ота зиёратгоҳи. 2016 йил.
8. Пардаев М.Х. Қўй ва бўри рўҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, Т., 1995, № 1-3.
9. Снесарев Г. П. Реликты домусулманских верваний и обрядов узбеков Хорезма. Москва.: Наука, 1969
10. Токарев С. Религия в истории народов мира. – Москва: Политическая литература, 1976. – С. 534.
11. Тошбоев Ф.Э, Грицина А.А, Пардаев М.Х. Изучения Гульбинских могильника// МИЦАИ. Самарканд 2009. с. 184-187.
12. Тошбоев Ф.Э, Холматов А.Н. Сузмаил ота қоятош расмлари// Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. Самарканд. 2019 й.

**II ШУЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА
АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОЛОГИЯ – ЭТНОГРАФИЯ. ТАРИХШУНОСЛИК
ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ**

**АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ ВА
КАРТОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

*акад. А.С.Сагдуллаев,
А.Ш.Шайдуллаев, Ж.Э.Тоғоев.
ЎзМУ, Тошкент*

Марказий Осиёда амалга оширилган кенг археологик тадқиқотлар минтақанинг тарихий географияси ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб, мавзуга доир турли долзарб масалаларни янги асосларда ўрганишга замин яратди.

Қадимий аҳолининг ҳудудий жойлашиши хусусиятларини аниқлашда археологик материаллар катта аҳамиятга эга, чунки бу борада илк ёзма манбаларда мавжуд ахборот доираси чекланган. Мисол тариқасида, юнон-рим тарихчиларининг асарларида (Гекатей, Геродот, Ктесий, Страбон, Курций Руф ва бошқ.) Ўрта Осиё қабила – элатларининг ҳудудий жойлашиши, тарихий вилоятларнинг чегаралари ҳақида умумий маълумотлар ёритилган. Қадимги форс битикларида минтақа мамлакатлари ва элатлари санаб ўтилган холос. “Авесто”да ҳам маҳаллий мамлакатларнинг фақат номлари ва рўйхати келтирилган. Бронза асри ва янада қадимги даврлар тарихига оид ёзма манбалар топилмаган.

Тарихий картография муаммоси этнос ва ҳудудлар ўзаро муносабатлари билан ҳамшиша боғлиқ бўлган [Козлов, 1971. С. 89-100]. Ёзма манбалар асосида тузилган хариталар, юқорида қайд этиб ўтилган сабабларга кўра, тарихий воқелиқдан йироқ бўлиши табиийдир. Шу сабабли, археологик ва ёзма манбаларни қадимги ҳудудий жойлашувнинг картографиясида ажралмас бирлик сифатида таърифлаш лозим.

Картография жараёнида сифат ва миқдорий жиҳатдан турли кўрсаткичлар ўрганилади, шу жумладан этнографияда ишлаб чиқилган услубий–назарий кўрсатмалар ҳам [Андрианов, Чебоксаров, 1972. С. 3-25]. Бу борада археология фанига этнологларнинг назарий ва амалий изланишлари натижаларини механик тарзда кўчириб олиш эмас, балки фанлараро усулларидан фойдаланиш назарда тутилади. Жумладан, палеогеография ва антропоген ландшафтнинг ривожланиши, манбашунослик, тарихий ва этник географияси масалаларига оид тўпланган билимларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Фанлараро йўналишларини ривожлантириш ва бойитиш ўз долзарблиги билан ажралиб туради. Масалан, географиянинг йирик бўлимлари – мамлакатшунослик, аҳолининг географияси, тарихий география ва картографияси ҳамда этнографиянинг туташган жойида этник географияси ва картографияси ривож топган [Козлов, Покшишевский, 1973. С. 3-13; Андрианов, Брук, Козлов, 1978. С. 7].

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, этнография ва география асосида шаклланган этногеография фанининг вазифалари халқлар (этник бирликларнинг) географик жойлашиши, унинг хусусиятлари ва бошқа халқлар билан ҳудудий ўзаро муносабатлари, ҳудудий жойлашишнинг ўтроқ ва кўчманчи шакллари, ҳудуднинг ўзлаштирилиши даражаси, аҳолининг зичлиги ва бошқа масалаларни ўрганишдан иборатдир [Андрианов, Брук, Козлов, 1978. С. 9].

Мазкур мавзулар билан боғланган ҳолда археология фанида инсон ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатлари, палеогеография ва антропоген ландшафтнинг тараққиёти омиллари, инсон томонидан қуроллар ва меҳнат объектларнинг танлаб олиши ҳамда кишининг фаолияти ва турмуш тарзига табиий-географик шароитнинг таъсири каби муаммоларни аниқлаш муҳимдир.

Шунингдек, “хўжалик-маданий типлар”, “тарихий-этнографик” ёки “тарихий-маданий” вилоятлар тушунчаларига эътибор қаратиш лозим.

Энг қадимги даврлардан бошлаб, қабилаларнинг турлича табиий-географик шароитида жойлашганлиги маълум. Табиий муҳит жамоа ишлаб чиқариши, моддий ҳамда маънавий маданияти ривожланишининг асоси бўлиб, турли шакллардаги хўжалик-маданиятларни вужудга келтирган эди (термачилар, балиқчилар, овчилар, деҳқонлар ва чорвадорлар маданиятлари). Хўжалик-маданий типларнинг бирлиги яқин табиий-географик муҳит билан боғлиқ бўлган ҳолда, бир хил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланган [Левин, Чебоксаров, 1955; Андрианов, Чебоксаров, 1972. С. 3-25].

Тарихий-маданий вилоятлар – бу узоқ тарихий давр ичида аҳоли тарихий тақдирининг бирлиги шароитидаги ўзаро муносабатлари натижасида муайян маданий умумийлик шаклланган ҳудудлардир [Андрианов, Чебоксаров, 1975. С. 15-25].

Тарихий-маданий вилоятларда турлича хўжаликлар етакчи бўлиши мумкин эди (деҳқончилик ва аксинча чорвачилик ёки тоғ-кон ишлаб чиқариш), бироқ этник ва маданий хусусиятлари жиҳатдан аҳоли умумий белгиларга эга бўлган.

Аҳоли ҳудудий жойлашишининг археологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи турмуш тарзи, ҳудудларнинг ўзлаштирилиши даражаси ва ҳудудий жойлашувнинг хусусиятлари, аҳоли ва географик муҳитнинг ўзаро таъсири каби масалалари ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Асосий вазифалардан бири картографияга мўлжалланган манбаларни мукамал ўрганиш; турлича мазмунга эга материаллардан кенг фойдаланиш; тарихий воқеликка яқин натижалар берувчи картография қондасини танлаб олишдан иборатдир. Археологик тадқиқотларнинг бошланиши илк текшириш ишлари билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда қадимги ёдгорликлар (манзилгоҳлар, уй-қўрғонлар, қалъалар, шаҳар харобалари ва бошқ.) миқдори, воҳа-туманларнинг ўзлаштирилиш миқёси, сунъий суғориш ерлар, ўтмишда ишлов берилган қадимий далалар ва атрофдаги чорва боқиш мақсадида фойдаланилган яйловлар ҳақида маълумотларни йиғиб олиш катта аҳамият касб этади.

Турли давр ҳудудий жойлашининг чегаралари бир-бирига мос келмаган. Шу боис хронологик жиҳатдан турлича тарихий босқичларга оид хариталарни тузиш – долзарб вазифа. Уларни қиёсланган ҳолда ўрганиб, ҳудудларни ўзлаштириш хусусиятлари, аҳоли истиқомат қилган жойларнинг зичлиги ва ҳудудий жойлашиши чегараларнинг ўзгариши динамикасини аниқлаб, воҳа-туманлар ва тарихий вилоятларнинг ҳудудий чегаралари ҳақида маълумотларни қўлга киритиш мумкин.

Ўрта Осиё археологиясида қадимий ёдгорликларнинг районлаштириш масалалари кўп йиллар мобайнида тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этган [Толстов, 1948; Массон, 1959; Виноградов, 1968; Масимов, 1979; Ртвеладзе, 1974; Джуракулов, Холматов, 1991 ва бошқ.]. Тўпланган материаллардан ёдгорликларнинг рўйхатга олиш, уларнинг географик ёйилишини аниқлаш, савдо ва маданий алоқалар йўллари бўйлаб жойлашини қайд этиб ўтиш ҳамда тарихий географиянинг айрим масалаларини ўрганишда фойдаланилган. Бироқ археологик картографияси маълумотларининг хўжалик – маданий типлар, тарихий – маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммоларини тадқиқ этишда ҳам ўрни ниҳоятда катта.

Палеолит даврида инсон томонидан Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларини ўзлаштириш жараёни бошланган. Мезолит даврида ўзлаштирувчи хўжаликлар билан шуғулланган қабилаларнинг маконлари дарё воҳалари ва уларга туташ даштларда, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган.

Мазкур даврда Шарқий Каспийбўйи қирғоқлари ўзлаштирилади, овчилар ва термачилар Устюрт, Қорақум ва Қизилқум чўлларида пайдо бўлади, уларнинг маконлари Сурхондарё, Жанубий Тожикистон, Зарафшон ва Тошкент воҳаларида ҳатто Помир ва Тянь-Шаннинг баланд тоғли жойларида тарқалади [Средняя Азия в эпоху камня и бронзы, 1966. С. 59-75].

Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларини жадал ўзлаштирилиши жараёни одамларнинг хўжалик эҳтиёжларини қониқтириш, озик-овқат ва сув манбалари, ҳайвонот ва ўсимлик олами бой ҳудудларни эгаллаб олиш, меҳнат қуроллари яшаш учун тош конларидан фойдаланиш зарурати билан белгиланган. Қабилалар ўртасида иқтисодий алоқалар кенгайиб бориши натижасида алоқа йўллари ривожланган ва янги ҳудудларни ўзлаштириш жараёни тобора ўсиб борган [Мавлонов, 2008. Б. 8-16]. Овчилар – термачилар жамоаларининг муайян ҳудудда ўтроқлашиб яшаш, яъни бир жойдаги истиқомат муддати атрофдаги ов қилинадиган ҳайвонлар миқдори, истеъмолга яроқли мевалар ва ўсимликларнинг сероблиги билан боғлиқ бўлган. Овчилик мақсадида мезолит даври жамоалари яшаш жойларини ўзгартириб, узоқ масофаларга кўчиб юрганлар, шунингдек, аввал ўзлаштирилган ҳудудларга қайтиб келиш имкониятлари мавжуд бўлган. Мавсумий кўчиб юриш турмуш тарзи овчилар-балиқчилар жамоаларига ҳам хос эди. Бу овчилик, балиқчилик ва термачиликни ривожлантириш зарурияти, аҳоли сони ўсиб бораётган шароитда уруғ-қабила аъзоларининг хўжалик эҳтиёжларини қониқтириш вазифаларидан келиб чиққан.

Мезолит даврида хўжалик-маданий типларнинг ривожи аҳолининг ҳаётида муайян хўжалик шаклнинг устунлик қилиши (термачилик ва овчилик, балиқчилик ва овчилик ёки комплекс тарзда буларнинг барчаси)

табий шароит, қуруқ ва иссиқ, аксинча нисбатан салқин ва нам иқлимга эга вилоятларда яшаш омиллари билан белгиланган. Бироқ бу даврда Ўрта Осиёнинг барча жамоалари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бир хил, умумий даражада тараққий этган.

“Неолит инқилоби” натижасида ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжалиқ турлари – деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш хўжалиқ-маданий типлар қиёфасини ўзгартириб, минтақада тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланишига замин яратилган.

Туркманистоннинг жануби-ғарбидаги Копетдоғ шимолий ёнбағирларида истиқомат қилган аҳоли гуруҳлари 8-7 минг йил аввал деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғуллана бошлаганлар. Илк неолит даврида ўтроқ манзилгоҳлар ва гувалақдан қурилган бир хонали уй-жойлар пайдо бўлади (Жойтун, Чағалли, Чўпонтёпа). Дон қолдиқлари (арпа, буғдой) тошдан ишланган ўроқлар, пичоқлар ва ёрғучоқлар деҳқончилик кашф этилганлигидан далолат беради [Массон, 1971].

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида Калтаминор, Хисор, Устюрт, Сазағон, Марказий Фарғона маданиятлари ривожланган [Ҳолматов, 2018. С. 138-142]. Улар Жойтун маданиятидан нафақат хўжалиқ юритиш шакллари, уй-жойлар бунёд этиш усуллари, турмуш тарзи ва моддий маданияти билан фарқланади. Бу неолит даврида Ўрта Осиё қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти бир хил даражада бўлмаганлигидан гувоҳлик беради. Деҳқончиликни билмаган, асосан, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган жамоалар иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган.

Неолит даври қабилалари орасида вужудга келган иқтисодий ва маданий ҳаётдаги нотекис ривожланиши жараёни энеолит – мистош даврида анча кучайиб борган. Шу боис минтақанинг турли географик вилоятларида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари турлича тараққий этган.

Металлургия ривожини ва меҳнат қуролини яшаш услубини ўзгариши билан одамлар мис, қалай ва қўрғошин конларини кашф этадилар. Бронза даврида (мил. авв. III минг йилликнинг ўрталари – II минг йиллик) ўзлаштирилган ерлар ва яшаш ҳудудлар тобора кенгайиб борган. Аҳоли сонининг ўсиши, қабилаларнинг ўзлаштирилган ҳудудларда зич жойлашиши, доимо ўсиб бораётган хўжалиқ ва ҳунармандчилик эҳтиёжлари, табиий қазилма бойликлар – полиметаллар руда конлари, бўз ерлар, сув манбалари ва кенг яйловларни ўзлаштириш заруратини вужудга келтирган. Мазкур омиллар деҳқончилик ва урбанизация жараёнларининг ривожланиши ҳамда мил. авв. II минг йилликда яйловларда боқиладиган чорвачилик ажралиб, махсус хўжалиқ шаклига айланиши билан белгиланган. Шу тариқа Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Мурғоб, Вахш ва Панж дарёлари бўйлаб, чўллар ва тоғ доvonларини кесиб ўтган янги ерларга кўчиш йўллари пайдо бўлган. Бу йўллар орқали ички ва ташқи миграциялар амалга оширилган, савдо-айирбошлаш ва маданий-иқтисодий алоқалар тараққий этиб, этномаданий жараёнлар рўй берган. Бу борада бронза даври этник географияси, унинг муҳим қисми этник ҳудудлар, аҳоли жойлашиши чегаралари, миграциялар ва

этномаданий жараёнларнинг картографияси алоҳида долзарб мавзу бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Козлов В.И. Этнос и территория // СЭ. 1971. № 6. – С. 89-100.
2. Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно – культурные типы и проблемы их картографии // СЭ. 1972. № 2. – С. 3-25.
3. Козлов В.И., Покшишевский В.В. Этнография и география // СЭ. 1973. № 1. – С. 3-13.
4. Андрианов Б.В., Брук С.И., Козлов В.И. Этническая география и ее место в системе этнографической и географической наук // Проблемы этнической географии и картографии. – М.: Наука, 1978. – С. 7.
5. Левин М.Г., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно – культурные типы и историко-географические области // СЭ. 1955. № 4.
6. Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно – культурные типы и проблемы их картографии // СЭ. 1972. № 2. – С. 3-25.
7. Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Историко – этнографические области (проблемы историко – этнографического районирования) // СЭ. 1975. № 3. – С. 15-25.
8. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948.
9. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. № 73. – М. – Л., 1959.
10. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХЭ. – М. 1968. Вып 8.
11. Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы в низовьях Мургаба // СА. 1979. № 1.
12. Ртвеладзе Э.В. Разведочное изучение бактрийских памятников на юге Узбекистана // Древняя Бактрия. – Л.: Наука, 1974.
13. Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зеравшана. – Ташкент: Фан, 1991.
14. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. –Л.: Наука, 1966. – С. 59-75.
15. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент.: Akademiya, 2008. – Б. 8-16.
16. Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА. № 180. – Л.: Наука, 1971.
17. Холматов Н.У. Происхождение и судьба неолитических культур Средней Азии // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Тошкент, 2018. – С. 138-142

АХСИКЕНТ ВА У ЕРДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН “ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ” ҲАҚИДА

А.А. Анарбаев
ЎзРФА Археологик тадқиқотлар
институтини, Самаранд

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ахсикент ёдгорлиги ҳудудида 2018 йилнинг иккинчи ярмида “Очиқ осмон остидаги музей” ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Натижада, 2019 йил февраль ойининг охирларида Ўзбекистонда биринчи бўлиб археологик объектни замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган очиқ осмон остидаги музейга айлантирилди. Бу ички шаҳристон ичида жойлашган VIII объект бўлиб, ушбу жойда турар жой, ишлаб чиқариш, ер ости сув йўли – водопоровод ва 1,5 минг йиллик маданий қатламлар ўз ифодасини топган.

Жорий 2019 йил 28 феврал куни Республика Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу объектга ташриф буюриб, уни маъқуллади ва Ахсикент асосида ҳар икки йилда “Ўтмишга саёҳат” номли халқаро фестивал ўтказиш ва “Қадимшунослар мактаби”ни ташкил қилиш ҳақида таклиф ва кўрсатмалар берди.

Ахсикент Фарғона давлатининг пойтахти сифатида милоддан аввалги III асрда қурилган бўлиб, Фарғона деб аталган. Аниқроқ қилиб айтганда қадимда фарғоналиклар ўз давлати ва унинг бош пойтахтини бир топоним билан атаганлар. Ушбу шаҳар дастлаб, қалинлиги 5,5 гектардан, бироз кейинроқ 50 гектардан зиёдроқ жойни эгаллаган. Хитой манбаларида Фарғона шаҳри номини хитойчага таржима қилиб “Юан”, водий номини эса “Да Юан” (Катта Фарғона) тарзида қайд этилган. Шаҳар топографик нуқтаи назардан 3 қисмдан иборат бўлган: арк, ички ва ташқи шаҳар. Милоддан аввалги 128-127 йилларда иқтидорли хитой дипломати Чжан Цян Фарғона давлатида бўлиб, давлатни подшо 2 та маслаҳатчиси ва Оқсоқоллар кенгаши давлатида бўлиб, давлатни подшо 2 та маслаҳатчиси ва Оқсоқоллар кенгаши (парламент) ёрдамида бошқаради, - деб ёзади. Унинг Хитой императорига йўллаган мактубида Фарғонанинг узуми, ундан тайёрланган ажойиб ичимлиги ва самовий тулпорлари ҳақида батафсил маълумот берилган.

Шундан кейин, Хитой императори Фарғона давлати билан ўзаро алоқани йўлга қўйиш ва у ердан самовий тулпорларни олиш учун бир неча маротаба элчилар билан савдо қарвонлари жўнатади. Лекин фарғоналиклар самовий тулпорларни хитойликларга беришмайди. Натижада, милоддан аввалги 104 йил Хитой ва Фарғона орасида 4 йиллик уруш бошланади. Урушдан чарчаган ҳар икки томон келишиб, милоддан аввалги 99 йили сулҳ тузадилар. Сулҳга биноан фарғоналиклар хитойликларга 3000 зиёд учқур тулпор отлар беради. Ўзаро тинчлик ўрнатилиб, савдо алоқалари йўлга қўйилади. Фарғона Хитойга самовий тулпорлар, узум ва ундан тайёрланган ичимликлар, пахта ва бошқа маҳсулотлар юбора бошлайди. Хитойдан эса Фарғонага ипак матолар, аёлларнинг упа атирлари ва бошқа товарлар келтирилган. Шу даврдан бошлаб Ғарб билан Шарқни боғловчи Буюк Ипак Йўли мунтазам фаолият кўрсата бошлайди. Юқорида тилга олинган урушдан кейин фарғоналиклар ўз пойтахти мудрофаасига катта эътибор бериб, шаҳар деворлари қалинлигини 20 метрга етказдилар.

Милодий эранинг VIII асрини бошларида араб тарихчиси Табарий Фарғона шаҳрини биринчи бўлиб тилга олади. IX асрнинг биринчи ярмида ибн Хордадбех берган маълумотларга таяниб, Фарғона шаҳрини Ахсикент ёдгорлиги ўрнида бўлганлиги илмий асосланди. Фақат, IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ёзма манбаларда Фарғона шаҳри Ахсикент деб атала бошланган. Нумизматик материалларда эса шаҳар XI асрнинг ўрталаригача

икки ном билан Фарғона-Ахсикент, деб ёзилган. Демак, маҳаллий халқ ўз шаҳрининг иски номини узоқ давр унутмаган.

Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда, пойтахт шаҳар Ахсикентнинг майдони IX-XII асрларда 400 гектардан ошиб кетади, аҳолиси 200 мингдан зиёд бўлган. Шаҳар ҳар томонлама ривожланиб, гуллаб яшнайти. Бу ерда тошга тегса уни кесадиған, эгилса ҳам синмайдиган дунёга “Дамашқ қиличлари” номи билан машҳур бўлган қуроллар ясадиб, Шарқда Хитой, Ғарбда Халифалик пойтахти Дамашқ бозорларида сотилган. Худди шу даврда X асрнинг ўрталаридан Ахсикент шаҳрида ер ости “вопоровод” системаси фаолият кўрсатган. “Водопоровод” пишиқ ғиштлардан ҳозирги метро усулида туннел кўринишида қурилган бўлиб, ҳар 80-100 метрда пишиқ ғиштлардан қурилган ер ости ярим гумбазсимон хонада сув тиндиргич ҳовузлар билан таъминланган. Ушбу хонага ўша давр ер сатҳидан махсус хона ва зинапоярлар орқали тушилган. Тоза ичимлик суви қурилма ичига ўрнатилган сопол қувурларда оққан. Ўз даврининг буюк муҳандислари яратган бу “водопровод” тизими 250 йилдан зиёд давр фаолият кўрсатган.

Қиёсий таҳлилий тадқиқотларга қараганда, ушбу ёдгорлик ўрнидаги қадимда Фарғона, кейинчалик Ахсикент, деб аталган шаҳар мўғуллар истилоси даврида вафрон этилган. Сўнгра Ахсикент шаҳри янги жойда, эски шаҳарнинг ғарбида Сирдарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб янгидан қурилган. Ушбу шаҳарда Бобур Мирзонинг отаси Умар шайх Мирзо Фарғона водийсига ҳукмронлик қилган.

Юқорида айтганимиздек, қадимги Фарғона давлатининг бош пойтахти Фарғона-Ахсикент шаҳри қолдиқлари ҳисобланган Ахсикент ёдгорлигининг бир объектида очиқ осмон остида музей ташкил қилинди. Энди у ҳақида маълумот берамиз. Хусусан, бу ерда бир ярим минг йилга яқин даврга мансуб 7,5 м маданий қатламлар очилган бўлиб, улар халқимизнинг узоқ ўтмиши ҳақида маълумот берувчи битмас туганмас архивдир. XII асрнинг иккинчи ярми – XIII асрни бошларига оид қатламлар сақланмаган. Маданий қатламлардан пастда етти юз йил давомида суғорма деҳқончилик туфайли тўпланган 0,75 – 0,80 м қалинликдаги агроирригацион қатламлар очилган. Аниқланишича, милоддан аввалги X-IX асрларда Бурматут, Хўжанд ва Ахси қишлоқларининг шимол томонидан ўтган Косонсойнинг эски ўнг ирмоқларидан бири асосида илк канал қурилган. Шу даврдан бошлаб Сирдарёнинг ўнг томонидаги бир неча юзлаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилинган. Юқорида тилга олинган 0,75-0,80 метрли агроирригацион қатламлар милоддан аввалги X-IV асрлар давомида интенсив суғорма деҳқончилик туфайли вужудга келди. Худди шу даврда водийнинг бошқа ҳудудларида ҳам илк каналлар қурилади. Бунга Оқбура ва Аравонсойнинг қуйи ҳавзаларидаги Андижонсой ва Шаҳрихонсой каналлари мисол бўла олади.

Камида 700 йиллик интенсив суғорма деҳқончилик натижасида тўпланган қатламлар устида шаҳарнинг милоддан аввалги III-I асрларига оид маданий қатламлар ва у ердан моддий маданият қолдиқлари Хитой манбаларида тилга олинган қадимги Фарғонанинг моддий маданияти тарихи ҳақида маълумот беради. Айниқса, X асрнинг ўрталарида қурилган

ер ости “водопровод”и ва X-XI асрларга оид ҳунармандларнинг турар жойлар диққатига сазовордир. Бу ерда ювиниш хоналари, чиқинди ташлайдиган ўралар ва ювинди сувлар учун ишлатилган ташнавлар очилган. Буларнинг ҳаммаси минг йиллар аввал аждодларимиз тоза ичимлик суви, шаҳар тозалиги ва қолаверса, ўзларининг яшаш шароитига катта эътибор берганлигидан дарак беради.

ЎРТА ОСИЁ ПАЛЕОЛИТИДА АНГИЛЛАК ҒОРИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Х.Назаров

*Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Маданий мерос департаменти, Тошкент*

Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган палеолит даврига оид Ангиллак ғорининг тош индустрияси 500 тадан зиёдни ташкил қилади ва уларнинг катта қисми учириндилар, синиқлар (обломки) ҳамда паррахалардан (чешуйки) ташкил қилади [Сулейманов, 2004. Б.2–19;]. Тўпламнинг учириндилари радиал, елпиғичсимон ва параллел равишда чақмоқланган нуклеуслардан йўнилган. Аксарият ҳолларда улар иккиламчи ишлов берилиб қуролларга айлантирилган.

Ангиллак ғори индустрияси учун йўнилғиларни атайин синдириш ёки бўлаклаш техникаси характерлидир. Бунинг сабаблари бир нечта. Ғорга ишлов бериш учун келтирилган хом-ашёнинг сифати жуда паст бўлган ва йўнилғиларнинг катта қисми атипик ҳолатда, бўртиб турган, ҳамда ноқулай бурчакларини атайин синдириб, иккиламчи ишлов бериш маъқул кўрилган.

Ангиллак маконида чақмоқлаш техникаси. Тўпламнинг нуклеуслари кўп эмас. Улар жуда митти ва атипик шаклидир. Бу ердаги тош қуроллар эса ўрта палеолит даври учун характерли (*Ангиллак ғори индустриясининг санаси борасида мутахассислар ўртасида яқдиллик йўқ*). Булар турли хил ретушланган учириндилар, уларнинг айримларини ёнлама қирғичлар ҳам дейиш мумкин, ретушланган пластиналар, ҳамда пайконлардир.

Коллекциядаги нуклеусларнинг шаклларига хом-ашё сифатининг паст даражадалиги сезиларли таъсир кўрсатган. Биринчидан, тўпламдаги ўзакларнинг барчаси ҳаддан ташқари ишлов берилган ва ҳажми ўртача 2-5 см гача узунликка эга. Иккинчидан, улардан фақат 6 тасигина морфологик жиҳатдан аниқланиши мумкин. Ўзакларга ишлов беришда кремен, чақмоқтошли охактош ва кварцдан фойдаланилган. Қолган 10 тайэмпляр нуклеусларни уларнинг майда бўлаклари сифатида классификациялаш мумкин. Уларнинг аксарияти кварцдан ишланган.

Ангиллак нуклеусларидан учтаси ортогонал характерда чақмоқланган бўлиб, уларнинг барчаси тўғри бурчакли шаклга эга ва баъзан қайроқтошли қобиқ қолдиқларини сақлаб қолган.

Учта радиал равишда чақмоқланган нуклеуслардан иккитаси кварцдан ишланган ва биттаси анчайин пластик жинсдан тайёрланган. Уларнинг

барчаси ҳаддан ташқари ишлов берилган ва узунликлари 4-2,5 см оралиғида. Ушбу нуклеуслардан иккитасининг қирраларида қўшимча ретушлаш излари бор бу эса уларнинг қирғувчи ва йўнувчи қуролларга айлантирилганлигидан далолат беради. Кичик, ҳаддан ташқари ишлов берилган нуклеуслардан бири узунчоқ шаклга эга бўлиб, ҳар иккала уч қисмларида кесгичсимон йўнишлар натижасида полиедрик кесгичга айлантирилган.

Аммо, кўп ҳолларда тўпламнинг ўзаклари кварцдан ишланган қолдиқ нуклеуслардир ва уларнинг чақмоқланиш принципларини аниқлаш қийин. Уларнинг иш юзасида охирги, икки ёки учта йўнилғи негативларини кўриш мумкин холоб. Ўзакларнинг асосий қисми кварцдан ишланганлиги сабали, уларнинг иш юзасида негативлар раҳлари текис эмас.

Тўпламдаги нуклеуслардан 4 таси чақмоқланишнинг бошланғич ҳолатида ташлаб юборилган. Улар айрим майда йўнилғи негативларига эга бўлган кварц бўлақларидир [Сулейманов, 2002. Б.9;]. Ушбу ўзаклар уларни чақмоқлашни давом эттириш имкони бўлмаганлиги ва ҳажмининг кичиклиги туфайли ташлаб юборилган.

Ангиллак ғори индустриясидаги нуклеуслардан 6 таси ишланишнинг охирги босқичларида ташлаб юборилган ўзакларнинг синиқларидан иборат. Улардан иккитаси шишасимон вулканик жинслардан, биттаси чақмоқтошли сланесдан ва қолганлари кварцдан ишланган.

Савол туғиладики, Ангиллаклик усталар узунлиги 3-5 см лик кичик ҳажмли нуклеусларни қандай қилиб синдиришган. Уларни қўлда ушлаган ҳолатда тош ушатғич ёрдамида чақмоқлашнинг иложи йўқ, негаки, ушатғичнинг оғирлиги ушбу ўзакларниқидан бир неча барабар оғир бўлади.

Ёдгорликда нуклеусларни сўнгги палеолит давридагидек нуклеус бирон бир сандонга маҳкамланиб воситачи орқали чақмоқлаш амалга оширилган, дейиш учун ҳам бизда асос йўқ. Ангиллак ғори буюмлари орасида нуқтасимон зарб майдончаллари учрамайди.

Тахмин қилиш мумкинки, Ангиллакда нуклеусларни чақмоқлаш аввало уларни бирон бир юмшоқроқ буюмга (ёғоч ёки суяк) маҳкамланган ва бир қўл билан ушланган ҳолатда, сўнгра маълум оғирликдаги ушатғич ёрдамида амалга оширилган.

Ангиллакғоритош қуролларитипологияси Ўрта Осиёдаги сўнгги палеолит даври ёдгорликларига хос буюмлардан: ретушланган пластиналар, асосан узунчоқ шаклли пайконлар, бир қисмини қирғичлар дейиш мумкин бўлган ретушланган учириндилардан иборат. Таъкидланганидек, ретушланган пластина ва учириндиларнинг фрагментлари кўплаб учрайди.

Ретушланган пластиналар-12 та. Тўпламда 12 тадан ретушланган атипик пластиналар серияси мавжуд. Уларнинг дорсалларидаги негатив излари характери параллел равишда. Бироқ, хом-ашё сифатининг пастлиги сабабли ушбу пластиналар калта, нотекис ва кўпинча қирралари нотўғри кўринишларга эга. Пластиналардан фақат иккитасигина, сифатли чақмоқтошдан чақмоқланган ва тўғри шаклидир. Уларнинг қирраларидаги ретушлар эса, типлари ва интенсивлик даражасига кўра ҳар хилда. Баъзи ҳолларда уларнинг ретушлари юпқа, ўткирлаштирувчи, бошқа ҳолатларда тишсимон ва анча тик. Айрим ҳолларда пластиналарни ретушлаш вентрал тарафдан амалга оширилган.

Қирғичлар-3 та. Тўпلامда уч дона параллел дорсалли учириндилардан ишланган қирғичлар мавжуд. Улардан иккитасининг кераксиз учлари атайин кесилган ва ишлатиш учун қулай ҳолатга келтирилган.

Ангиллак индустриясида елкаси параллел характердаги учириндилардан ишланган қирғичлардан ташқари, йирик учириндилар ёки кварц плиткалардан тайёрланганлари ҳам учрайди. Уларнинг ҳажми 3-6 см узунликдадир. Ушбу қирғичлардан учтаси учириндилардан тангачасимон ретушлаш ёрдамида ишланган ва тўрттаси кичик кварц плиткалардан қия ретушлаш билан тайёрланган.

Типологик жиҳатдан улар ёнлама қирғичлар бўлиб, қирралари бўртиб чиққан. Айрим ҳолларда ушбу қирғичларнинг ҳар иккала қирраларига ҳам ишлов берилган. Баъзан улар учбурчаксимон бўлиб, псевдопайконларга ўхшаб кетади.

Атайин кесилган йўнилғилар-5 та. Ангиллак индустриясида тош буюмларни атайин кесиш анъанасининг ҳукм сурганлиги ҳақида тўпلامдаги беш дона дорсаллари параллел характердаги, ретушланган учиринди ва пластиналарнинг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Улардан бири пластинанинг медиал қисми бўлса, қолганлари йўнилғиларнинг проксимал қисмлари бўлиб, улар зарб тепаликларини (ударный бугорок) сақлаб қолган [Сулейманов, 2004. Б.2-19;].

Фрагментлаштирилган буюмларнинг қолганлари ретушланган учириндилар бўлақларидан иборат (жами 24 тайемпляр). Уларнинг бир қисми икки томондан ва баъзан уччала томондан атайин синдирилган. Шундан 6 таси кварцдани ишланган ретушланган учириндилар синиқларидир. Ушбу категориядаги қолган буюмлар кварц плиткалардан ишланган.

Пайконлар-8 та. Тўпلامда 4 дона бутун ва калта мустье даврига хос пайконлар мавжуд. Уларнинг барчаси калта ва учбурчаксимон учириндилардан ишланган [Сулейманов, 2003. Б.17-23;]. Ушбу пайконлардан бири вентрал тарафдан юпқалаштирилган ва зарб майдонча томони кесилган. Шунингдек, коллекцияда пайконларнинг 4 та уч қисмлари синиқлари ҳам бор.

Таъкидлаш жоизки, тўпلامдаги пайконлар параллел, радиал ёки елпиғичсимон йўнишлар ёрдамида қўлга киритилган. Уларнинг бўйи энидан камида икки марта катта. Ушбу пайконларнинг учбурчак шаклдалиги уларнинг нолевалуа техникаси, яъни протопризматик, елпиғичсимон ёки радиал гардишсимон нуклеуслардан чақмоқлаб олинганлигидан далолат беради. Пайконларнинг узун қирралари дистал томондан майда ретушлаш ёрдамида ишлов берилган ва фақат битта ҳолатда, қирралари интенсив ретушланган.

Ретушланган учириндилар-20 та. Ушбу кичик ҳажмли, ретушланган учириндилар чақмоқтошли сланес, пластик вулқон жинслари ҳамда майда қумли қайроқтошлардан ишланган. Уларнинг узунлиги 1,7-3 см оралиғида. Чақмоқтошдан ҳамда қайроқтошдан ишланган учириндилар кварцдан ишланган учириндиларга кўра ҳажми кичикроқ кўринишга эга [Сулейманов, 2003. Б.17-23;]. Бу ҳолат, Ангиллакда сифатли хом-ашёнинг танқислиги сезиларли даражада бўлганлигини кўрсатади ва шунинг учун ҳам чақмоқтошли буюмлар ҳаддан ташқари ишлов берилганлиги билан

ажралиб туради. Ушбу учириндилар кўпинча ностандарт кўринишларга эга бўлиб, уларнинг қирраларидаги ретушлари қалинлигига мос равишда ўткирлаштирувчи, тангасимон ва қия ретушлар билан ишланган [Сулейманов, 2004. Б.2–19;].

Ўйиб-кертиб ишланган қурол-1 та. Коллекцияда иккита ўйиб-кертиб ишланган қурол мавжуд бўлиб, у ҳам атайин кесилган узунчоқ ва массив кварцли учириндидан ясалган.

Ангиллак ғори индустриясининг ўзига хос хусусиятлари. Ангиллакликлар хом-ашё сифатининг ўта пастлигига қарамасдан иложи борича узунчоқ пластинасимон йўнилғилар чақмоқлаб олишга интилганлар, яъни Ўрта Осиёда мустье даврида ҳукмрон бўлган параллел чақмоқлаш аънаналарига содиқ қолганлар.

Ангиллак ғори индустриясининг иккинчи муҳим хусусияти шундаки, унда нафақат кичик ҳажмли ретушланган учириндилар, балки фрагментасиялаштирилган учириндилар, пластиналар ҳамда қуроллардан ҳам фойдаланилган. Бундай буюмлар кўпинча ретушланган қуролларнинг фрагментлари сифатида таснифланади. Ангиллак индустриясининг асосий қисми фрагментлаштирилган тош буюмларни ташкил қилади. Тўпландаги тош қуролларнинг ҳажми шунчалар кичикки, уларни ишлатиш жараёнида синдириб қўйишнинг иложи йўқ.

Ангиллак ғори индустрияси учун, Ўрта Осиёнинг бошқа мустье даври ёдгорликларида бўлгани сингари, протопризматик, радиал ёки елпиғичсимон чақмоқлаш техникаси характерлидир. Бу индустрияда ортогонал ёки системасиз чақмоқлаш техникаси ҳам мавжуд бўлиб, улар иккинчи даражали роль ўйнаган.

Ўрта Осиёнинг бошқа мустье даври технокомплексларида бўлгани каби, Ангиллакда ҳам ретушлаш бироз ўткирлаштирувчи ёки тишсимонроқ характерга эга бўлиб, бундай типдаги ретушлар ёрдамида Ангиллакликлар пластиналар, учириндилар, қирғичлар ва пайконларга ишлов берганлар. Тўпланда қия, чуқур ва интенсив ретушлаш кам учрайди.

Ангиллак ғори индустриясининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири учириндилар, пластиналар ва тайёр тош қуролларни атайлаб фрагментлаштиришнинг кенг қўлланилганлигидир. Фордан 2003 йилда йиғиб олинган тош буюмларнинг 33 таси атайин синдирилган [Сулейманов, 2004. Б.177–179;]. Буларга ретушланган пластиналар, учириндилар, қирғичлар ва пайконларни киритиш мумкин. Тош буюмларни атайлаб фрагментациялашнинг бундай кўп сонлиги Ўрта Осиёнинг палеолит даврига оид бошқа биронта ёдгорликларида маълум эмас [Сулейманов, 2003. Б.12;].

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Сулейманов Р.Х., Глантз М., Ибрагимов Р.З., Пасилов Б.А., Мурадова Д., Ражабова Н., Циммерман Х.П., Шраубер А.Х. Отчет по результатам полевых исследований совместной Узбекско-Американской археологической экспедиции в 2002 г. Ташкент, 2002.

2. Сулейманов Р.Х., Глантз М., Пасилов Б., Ражабова Н., Паин Л., Адамс Дж., Ритзман Т. Отчет о полевых исследованиях совместной Узбекско – Американской археологической экспедиции в 2003 году. Раскопки грота Ангиллак. Ташкент,

Научный архив ИА АН РУз. Фонд 03.01. № 128. б. 2 – 19; Сулейманов Р.Х., Гланц М. Грот Ангиллак в Kitabском районе Кашкадарьинской области // ОНУ. №3. Ташкент, 2003. – б. 12.

3. Сулейманов Р.Х., Майкл Г. Грот Ангиллак на территории Кашкадарьинской области \ \ АО 2002 г. Ташкент. 2003. – Б. 17-23.

4. Сулейманов Р.Х., Гланц М. Раскопки грота Ангиллак // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар - 2003 йил. №4. Тошкент, 2004. –Б. 177-179; .

5. Сулейманов Р.Х., Гланц М., Пасилов Б.А., Ражабова Н., Паин Л., Адамс Дж., Ритзман Т. Отчет о полевых исследованиях совместной Узбекско – Американской археологической экспедиции в 2003 году. Раскопки грота Ангиллак. Ташкент, 2004. Научный архив ИА АН РУз. Фонд 03.01. № 128. – Б. 2 – 19.

САЗОҒОН МАДАНИЯТИНИНГ КУЛТУРОГЕНЕЗИ МАСАЛАСИ

*Холматов Н.У.
СамДУ, Самарқанд*

Кейинги йиллар тадқиқотлари натижалари асосида Ўзбекистон ҳудуди неолит жамоалари бир-биридан ландшафти, экологик шароити жиҳатидан фарқ қиладиган учта минтақа миқёсида: Амударё ва Зарафшон этаклари қадимги ҳавзалари; Устюрт ва Қизилқумнинг ички чўл ҳудудлари; тоғ ва тоғ ён бағри воҳалари (Ўрта Зарафшон воҳаси, Марказий Фарғона водийси) жамланиб яшаганлиги ва шу аснода уларнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган моддий маданияти шакланганлиги аниқланди. Шундай маданиятлар тизимида Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси ён бағрида тадқиқ этилаётган Сазоғон маданиятининг ҳам ўз ўрни бор. Дастлабки тадқиқотларимизда Сазоғон маданиятининг келиб чиқишини Самарқанд макони моддий маданияти билан боғлашга асос йўқлиги, яъни хронологик бўшлиқ борлиги (тўлақонли мезолит ёдгорликларининг топилмаганлиги), лекин бу масаланинг ечимида Ўрта Зарафшон воҳаси, Самарқанд макони атроф ҳудудлари мезолит даври жамоаларига тегишли ёдгорликлар топилишида истиқболли эканлиги ҳамда Қуйи Зарафшон воҳаси Чорбақти мезолит ёдгорликлари материалларининг бу борада аҳамиятли эканлиги келтирилган эди (Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. 1991, С.113). Ҳақиқатдан ҳам, кейинги йиллар мабойинида воҳа миқёсида Чорбақти мезолит ёдгорликлари, Сазоғон 1, Қоракамар, Замичатош ва Очилғор макони пастки маданий қатлами тадқиқотларининг натижалари мезолит жамоалари моддий маданиятини ёритиш имонини берди. Ўрта Зарафшон воҳаси миқёсида мезолит даври жамоалари моддий маданияти Замичатош, Сазоғон 1, Қоракамар ва Очилғор макони пастки (мезолит) маданий қатлами материаллари асосида тадқиқ этилган. Мазкур мезолит ёдгорликлари соҳибларининг моддий маданияти шаклланиши тарихий илдизлари Самарқанд макони билан боғлиқлиги ҳозирги кун тадқиқотларида аниқланган. Хусусан, Очилғор макони пастки (мезолит) маданий горизонт тош қуроллари орасида Самарқанд маконига хос тош қуроллари учрайди ҳамда тош қуроллари ясашиши ва уларга ишлов берилиши технологиясида сўнгги палеолитга хос анъана, эволюция

кузатилади: архаик кўринишидаги парақа қуроллари, учирмадан ясалган понасимон қуроллар, дисксимон қирғичлар, ёнлама ишлов берилган тош ўзаклари, тик иш майдонига эга бўлган қирғичлар, “тирноқсимон” кўринишли қирғичлар, тешгич қуроллари шулар жумласидандир. Зикр этилган тош қуролларининг Ўрта Осиё сўнгги палеолит, мезолит ёдгорликларида ҳам учратилганлиги масаласида қуйидаги маълумотларни келтиришимиз мумкин: мазкур турдаги қуроллар Қуйи Зарафшон воҳаси Чорбақти мезолит маконлари (Холматов Н.У. 2007. С.27-44, рис.9,10), Самарқанд юқори палеолит макони (Джуракулов М.Ж.1987, С. 30, 31,76, 85, 122), ҳамда Тожикистондаги юқори палеолит, мезолит даври жамоалари моддий маданиятига тегишли бўлган Ошхона, Шугнов 1-маданий горизонти, Тутқовул макони 3-маданий горизонтида мавжуд (Ранов В.А.1958.1961.) Ушбу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Очилғор макони пастки маданий қатлами (мезолит) келиб чиқиши геносологик илдизи Самарқанд макони маданияти билан бевосита боғлиқлиги тўғрисида фикр билдирамай. Н.Х.Тошкенбоев, Р.Ҳ.Сулаймоновлар ўз тадқиқотларида Тожикистон ҳудудида В.А.Ранов томонидан тадқиқ этилган Тутқовул ёдгорлиги мезолит даври тош индустрияси кўп жиҳатлари билан Самарқанд макони моддий маданиятига ўхшашлиги ҳақида маълумотлар келтиришга (Тошкенбаев Н.Х, Сулайманов Р.Х. 1980, С.92.). В.А.Ранов ҳисор маданиятига оид ёдгорликлар тош индустриясида кузатилган сўнгги палеолит, мезолит даври тош қуролларига хос хусусиятларни (нуклеуссимон тош буюмлар, қирғичлар, ёнлама томонидан ишлов берилган нуклеуслар, понасимон қуроллар) инобатга олиб, ҳисор маданияти геносологик илдизларида Самарқанд макони соҳиблари маданиятининг иштирокини эътироф этади (Ранов В.А. 1975. С.145) ва бу илмий қарашни Н.Х.Тошкенбоев, Р.Ҳ.Сулаймоновлар ҳам қўллаб қувватлашади (Тошкенбаев Н.Х, Сулайманов Р.Х. 1980. С.93). Бу маълумотлар жуда муҳим ва улар истиқболда Ўрта Осиё тоғ минтақаси сўнгги палеолит, мезолит, неолит даври миқёсида ўзига хос умумий маданий хосликни ифодаловчи “маданий воҳа” (қўшни ҳудудларга нисбатан) ни ажратиш имконини беради. Шу асосда Зарафшон воҳаси миқёсида Самарқанд макони ўз моддий маданияти билан маҳаллий характердаги мезолит,неолит даври маданиятлари шаклланишига асос берганлиги ҳақида фикр билдириш ўринлидир. Аниқроғи, Самарқанд макони соҳиблари вақт ўтиши билан атроф қўшни ҳудудларга тарқалишиб яшай бошлашган. Буни, Қуйи Зарафшон воҳаси (Чорбақти мезолит ёдгорликлари), Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағри (Замичатош, Сазоғон1, Қоракамар, Очилғор макони пастки маданий қатлами) мезолит ёдгорликлари тош индустриясида сўнгги палеолит даврига хос тош қуролларининг (типологик типлари, уларнинг шакли ва ишлов берилиши техникаси) давом этиб келаётгани билдиради. Сазоғон неолит маданиятига тегишли ёдгорликлар тош индустриясида ҳам сўнгги палеолит, мезолит ёдгорликлари тош индустриясига хослик хусусиятларнинг кузатилиши сазоғон жамоалари маданиятининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий илдизлари жойли, автохтон характерда бўлганлигини кўрсатади.

Хуллас, Зарафшон воҳаси тош даври жамоалари тадқиқотида яқин йилларгача номаълум бўлиб келган мезолит даври жамоалари моддий маданияти аниқланди (Чорбақти, Замичатош, Сазоғон 1, Қоракамар, Очилғор макони пастки маданий қатлами) ва шу аснода Сазоғон маданиятининг келиб чиқиш тарихий илдизларини ойдинлаштириш имконияти туғилди. Чорбақти мезолит ёдгорликлари, Сазоғон 1, Қоракамар, Замичатош ва Очилғор макони пастки маданий қатлами Сазоғон неолит жамоалари маданияти шаклланиши ва ривожланишига асос бўлган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Джуракулов М.Д., Холматов Н.У., Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. - Изд-во Фан, Ташкент, 1991.
2. Джуракулов М.Ж. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии, Тошкент, 1987.
3. Ранов В.А. Изучение памятников каменного века на Восточном Памире в 1958 г. Труды АН Таджикистана, т.17, 1961.
4. Ранов В.А. Шугноу-многослойная палеолитическая стоянка в верховьях р. Яхсу. - АРТ, вып.10, 1973. С.23,29, рис.6; Ранов В.А. Шугноу-многослойная палеолитическая стоянка в верховьях р. Яхсу. - АРТ, вып.10, 1973.
5. Ранов В.А., Коробкова Г.Ф. Туткаул многослойное поселение гиссарской культуры в Южном Таджикистане. - СА, № 2, 1971.
6. Ранов В.А. Работы отряда по изучению каменного века в 1971 г. - АРТ, вып. XI, Душанбе, 1975. Тошкенбаев Н.Х., Сулайманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Тошкент, 1980.
7. Тошкенбаев Н.Х., Сулайманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Тошкент, 1980.
8. Холматов Н.У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана. Ташкент. Фан, 2007.

ПОШХУРД-ЗАРАБОҒ БОТИҒИДА АНИҚЛАНГАН КУЧУК I ДАВРИГА ОИД ЯНГИ ЁДГОРЛИКЛАР

*Ш.Б. Шайдуллаев - Термиз ДУ
Ласислав Станчо - Карлова университети, Чехия
О. Ҳамидов - Ўз ФА Археологик тадқиқотлар институти*

Ўзбекистон-Чехия археологик экспедицияси Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Шеробод тумани, тарихий адабиётларда Шимолий Бактрия деб номланган ҳудуднинг Пошхурд-Зарабоғ ботиғида Сополли маданиятига оид 3 та ва Кучук I даврига оид 9 та қишлоқ типигаги ёдгорликларни аниқлади. Сополли маданияти ёдгорликлари булоқ бўйларида, табиий тепаликлар устида шаклланган бўлса, Кучук I даври ёдгорликлари сўнгги бронза ва илк темир асрида мавжуд бўлган канал бўйлаб жойлашган. Кучук I даври ёдгорликларининг 3 таси тош девор билан ўраб олинган. 6 таси эса ер бағри бўйлаб, кўз илғамас даражадаги тепаликлар кўринишида сақланиб қолган. Кучук I даврига оид тепаликлар юзасида қўлда ясалган, нақшли сополлар сочилиб ётибди.

Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедицияси томонидан аниқланган ушбу ёдгорликлар Зарабоғ ва унинг қишлоғи атрофларида

жойлашган бўлиб, сўнгги бронза ва илк темир асрига оид янги – Зарабоғ суғорилиш воҳаси деб фанга киритилди.

Булоқ бўйларида жойлашган, бронза даври ёдгорликларини маҳаллий халқ зиёратгоҳ сифатида билганлиги учун Боболангар, Тулкитепа, Йўлтепа каби номлар билан аталиб келинган, аммо Кучук I даври ёдгорликлари унутилган ва номланмаган, улар шартли равишда Кайрит I, Кайрит II, Кайрит III ... тарзида номланди.

Зарабоғ, Кайрит, Қорабоғ қишлоқлари ва уларнинг деҳқончилик қиладиган ҳудудларида бронза даврдан токи XIX аср охиригача бўлган давр сополлари қайд этилди, аммо энг кўп учрайдиган сополлар ва манзилгоҳлар Кучук I даврига тааллуқлидир. Юқорида таъкидлаганимиздек бу ёдгорликлар умумлашган - “Кайрит” номи билан аталди. Қайд этилган ёдгорликлардан Кайрит III (Бургуттепа), Кайрит V, Кайрит VI (Кайриттепа), Кайрит VII (Бургутча), Кайрит VIII, Кайрит XIV ва Кайрит XVI ёдгорликлари бевосита Кучук I даврига оиддир.

Кайрит III (Бургуттепа) ёдгорлиги 37.757° E, 66.789° N координатасида, денгиз сатҳидан 848 метр баландликда, Қорабоғдан Зарабоққа борадиган автомобил йўлининг ўнг тарафида жойлашган. Ёдгорлик овалоид шаклида, атрофи тош девор билан ўраб олинган, умумий майдони 1355 м² бўлиб, Зарабоғ каналининг бир тармоғи бевосита Бургуттепагача борган.

2015-2018 йиллар давомида Бургуттепада Ўзбекистон-Чехия-Франция халқаро археологик экспедицияси ёдгорликда планиграфик ва стратиграфик тадқиқот ишларини олиб борди. Тадқиқот аввалида Бургуттепанинг Google Earth дастури асосида космик тасвири олинди ва топографик плани чизилди. Стратиграфик қазилма асосида ёдгорликнинг қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти – Яз I га оидлиги, аниқланди. Шундан сўнг кенг планиграфик қазилма ишлари олиб борилди (Stančo et al, 2016. P. 86-111).

Кайрит V ёдгорлиги 37,756 E, 66,786 N координатасида, денгиз сатҳидан 864 метр баландликда жойлашган. Ёдгорлик 65 метр узунликдаги, 36 метр кенгликдаги, баландлиги 1,5 метр бўлган, узунчоқ шаклдаги табиий тепалик устида бунёд бўлган. Ёдгорлик тепасида Кучук I даври сополлари аниқланди.

2017 йилда қўшма экспедиция томонидан ёдгорликнинг маданий қатлами қалинлигини аниқлаш мақсадида, унинг марказида, 4x3 метр кўламли майдонда стратиграфик қазилма ишлари олиб борилди. Натижада, маданий қатламнинг қалинлиги 0,30 метргача эканлиги, ёдгорлик фақат Кучук I даврида фаолият этганлиги маълум бўлди.

Кайрит VI (Кайриттепа) ёдгорлиги 37.749° E, 66.797° N географик кенгликда, Майдон қишлоғидан Зарабоққа борадиган автобил йўлининг чап томонида, Кайрит қишлоғи яқинида, учбурчак шаклли табиий тепалик устида жойлашган. Ёдгорликнинг жанубий томонида, сой бўйида, бир қаторда жойлашган учта булоқ мавжуд бўлиб, сувлари Добилсойга қуйилади. Учбурчак шаклидаги табиий тепалик устида бунёд бўлган Кайриттепанинг юзасидан дастлаб 22 та қўлда ясалган сополлар териб олинди, айримларида мато излари ҳам сақланиб қолган (Lhuillier, 2016. P. 112–121.). Манзилгоҳ тошдан ясалган мудофаа девори билан ўраб олинганлиги унинг топографиясида жуда яхши кузатилади.

Мазкур ёдгорликда 2016-2018 йиллар мобайнида планиграфик қазишмалар олиб борилди. Натижада, ёдгорлик Кучук I даврига оидлиги, иккита қурилиш даври давомида фаолият этганлиги, тош девор билан ўраб олинган, қишлоқ типигаги манзилгоҳ эканлиги аниқланди.

Кайрит VII (Бургутча) ёдгорлиги 37,758 E, 66,783 N географик кенгликда, денгиз сатҳидан 849 метр баландликда, Бургуттепадан 800 метр шарқда жойлашган. Бургутча ёдгорлигининг икки, шимолий ва шарқий томонлари 16 метр чуқурликдаги зовдан иборат. Жанубий ва ғарбий томонлари билан Зарабоғ деҳқончилик майдонларига боғланиб кетган. Зарабоғ каналининг бир тармоғи бевосита Бургутча ёдгорлигидан ўтган, ортиқча сувларнинг зовга ташлаб қўйилганлиги канал изларида ва топографиясида кўринади. Ёдгорликнинг Бургутча деб номланишига сабаб шундаки, биринчидан у Бургуттепага яқин жойлашган, иккинчидан топографик жиҳатдан жуда ўхшайди, учинчидан кўлами жиҳатидан Бургуттепадан жуда кичик ва унинг моделини эслатади. Бургутча овалоид шаклида бўлиб, максимум диаметри 33 метрни ташкил этади.

Бургутчанинг стратиграфияси ва даврини аниқлаш мақсадида ёдгорликнинг марказида 6x5 метр майдонда археологик қазишма ишлари олиб борилди. Маданий қатламнинг қалинлиги 0,20-0,25 метрдан ошмаслиги ва Кучук I даврига оидлиги аниқланди.

Кайрит VIII (Бойқуштепа) ёдгорлиги 37,762062 E, 66,788801 N географик кенгликда, Бургуттепадан шарқда, Қорабоғ қишлоғи томон, сойликда жойлашган. Ёдгорлик буйрак шаклли табиий тепалик устида бунёд этилган бўлиб, баландлиги 3,40 метргача боради. Тепаликнинг узунлиги 130, эни эса 43 метр. Ёдгорликдан олинган 11 та сопол парчаси Кучук I даврига оид. Ёдгорликда 2018 йил июн ойида геомагнит усулида тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада, иккита параллел жойлашган, тошдан қурилган девор мавжудлиги аниқланди.

Кайрит IX ёдгорлиги 37,763282 E, 66,788048 N географик кенглигида, Бургуттепадан шимоли-шарқда, сойликда жойлашган. Ёдгорлик нотўғри тўртбурчак шаклли, табиий тепалик устида шаклланган. Табиий тепаликнинг кўлами 80x48 метр бўлиб, баландлиги 1,90 метр. Тепаликнинг топографиясига кўра унинг устида иккита патриархал оила жойлашганлиги кузатилади. Ёдгорликда 2018 йил июн ойида геомагнит усулида тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, тошдан қурилган иморат мавжудлиги кузатилди. Ёдгорликда аниқланган 25 та сопол парчаларининг барчаси қўлда ясалган бўлиб, Кучук I даврига оид.

Кайрит XII ёдгорлиги 37,760676 E, 66,795962 N географик кенглигида, Бургуттепа ёдгорлигининг шимоли-ғарб томонидаги сойликда жойлашган. Ёдгорлик чўзинчоқ шаклидаги табиий тепалик устида бунёд бўлган. Тепаликнинг узунлиги 135, эни 60, баландлиги 2,50 метрни ташкил этади. Ёдгорликда археологик қазишма ишлари олиб борилмаган. Тепаликдан 14 та қўлда ясалган сопол идиш парчалари териб олинди. Шу сополлар асосида ёдгорликни Кучук I даврига оид деб ҳисоблаш мумкин.

Кайрит XIV ёдгорлиги 37,759852 E, 66,783592 N географик кенглигида, Бургуттепа ёдгорлиги ва Қорабоғ қишлоқлари оралиғидаги сойликда жойлашган. Ёдгорлик 0,60 метр баландликдаги, чўзинчоқ шаклидаги

табий тепалик устида бунёд бўлган. Узунлиги 60, эни 35 метрни ташкил этади. Ёдгорликда тадқиқот ишлари олиб борилмаган, юзасида сочиблиб ётган сополлар асосида Кучук I даврига оид деб ҳисобланмоқда.

Кайрит XVI ёдгорлиги 37,746174 E, 66,797981 N географик кенглигида, Добилсойнинг ўнг қирғоғида, Кайрит ёдгорлигининг жанубий томонида жойлашган. Ёдгорлик нисбатан кичик, овалоид шаклидаги, диаметри 50, Добилсой сатҳидан 18 метр баландликдаги табий тепалик устида бунёд бўлган. Ёдгорликда тадқиқот ишлари олиб борилмаган, юзасида сочиблиб ётган сополлар асосида Кучук I даврига оид деб ҳисобланмоқда.

Газақўтон ёдгорлиги 37.748989 E, 66.847363 N географик кенглигида, денгиз сатҳидан 800 метр баландликда, Майдон қишлоғидан оқиб ўтадиган сойнинг чап қирғоғида, сойдан 45 метр баландликдаги табий тепалик устида жойлашган. Майдони 8400 м². Газақўтон ёдгорлиги Пошхурд-Зарабоф ботиғидаги, қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти – Яз I - Кучук I га оид энг йирик ёдгорликдир. Таққослайдиган бўлсак, Бургуттепадан деярли тўрт марта (1700 м²), Кайриттепа ёдгорлиги беш марта (1400 м²) катта.

2017 йилда ёдгорликда геомагнит тадқиқотлари ўтказилди. Натижада, ёдгорлик тошдан қурилган мудофаа деворига эга эканлиги қайд этилди. Тош девор билан ўраб олинган иншоотнинг узунлиги 150, эни эса 100 метрни ташкил этади. Ундан ташқари ёдгорлик қалин маданий қатламдан иборат эканлиги аниқланди. 1-1,20 метр чуқурликда палеозоологик ва палеоботаник қолдиқлар мавжудлиги кузатилди.

Ушбу аниқланган ёдгорликлар қишлоқ типига оид бўлиб, уларнинг учтаси ташқи тош девори билан ўраб олинган. Шунингдек, қишлоқ типигаги ёдгорликлар атрофида канал қолдиқлари, даҳмалар ва 175 та петроглиф – тош суратлар (Augustinova, Stanço, 2016; Шайдуллаев, Хамидов, 2017) аниқланди. Натижада сўнги бронза ва илк темир асрига оид ўрганилган суғорилиш районлари доираси кенгайди. Кучук I даври жамоалри Кўхитанг ён бағирларини ўзлаштирилганлиги археологик маълумотлар асосида исботланди.

Ўрта Осиё сўнги бронза ва илк темир асрига бағишланган Ш.Б. Шайдуллаев тадқиқотларида Шимолий Бақтриянинг Кучук I даври ёдгорликлари деҳқончилик воҳалар ва унда жойлашган ирригация тармоқлари асосида районлаштирилган:

1. Шеробод деҳқончилик ўлкаси иккита суғорилиш районидан иборат. Булар Уланбулоқсой (Кучуктепа) ва Бўстонсой ўзанлари (Жарқўтон).

2. Бойсун деҳқончилик ўлкасида битта ирригация райони қайд этилган бўлиб, бу Бандихонсой этакларини ўз ичига олади (Бандихон I).

3. Миршоди деҳқончилик воҳаси Миршоди ўзанларини ўз ичига олиб, Қизилсув, Қизилжар ва Жоилма сойларидан ташкил топган (Қизилтепа) (Шайдуллаев, 2009. 190 б.).

Ш.Б. Шайдуллаевнинг тадқиқотларидан сўнг Ўзбекистон-Чехия археологик экспедицияси аввал Шеробод дарёси чап соҳилида жойлашган Жондавлаттепа ёдгорлиги стратиграфиясини ўрганиш давомида, унинг қуйи қатламларидан Кучук I даври сополларини аниқлади (Abdullaev, 2018. P. 123-142).

Демак, сўнги йиллардаги тадқиқотларни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, Кучук I даврида Шеробод деҳқончилик ўлкаси иккита

эмас, балки тўртта суғорилиш районидан иборат бўлган: 1. Уланбулоксой (Кучуктепа)(Аскарлов, Альбаум, 1979); 2. Бўстонсой ўзанлари (Жарқўтон); 3. Шеробод дарёси ўзанлари (Жондавлаттепа) ҳамда Зарабоғ суғорилиш райони.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 2009.

2. Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. –Ташкент, 1979.

3. Abdullaev K. Layers of Early Iron Age in Dzhandavlattepa (Sherabad District, Surkhandarya Region of Uzbekistan) // A Millennium of History The Iron Age in southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC). Proceedings of the conference held in Berlin (June 23–25, 2014). Dedicated to the memory of Viktor Ivanovich Sarianidi. Edited by Johanna Lhuillier, Nikolaus Boroffka. DIETRICH REIMER VERLAG, BERLIN, 2018. Pp. 123–142.

4. Stančo L., Shaydullaev Sh., Bendezu-Sarmiento J., Lhuillier J., Kysela J., Shaydullaev A., Khamidov O., Havlík J., Tlustá J. Preliminary Report on the Excavations at Burgut Kurgan in 2015. Studia Hercynia XX/2, 2016. P. 86–111.

5. Lhuillier J. Pottery from Burgut Kurgan and Kayrit Oasis, Preliminary Report for Season 2015// Studia Hercynia XX/2, 2016. P. 112–121.

БРОНЗА ДАВРИНИНГ ДАФН МАРОСИМЛАРИ (СУРҲОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

С.Қўшоқов
ТерДУ, Термиз

Ўлкамизда ислом динидан олдин амалда бўлган оташпарастлик ва зардуштийлик динига эътиқод қилувчи аждодларимизнинг ўзига хос дафн маросимлари киши эътиборини жалб этади. Бугунги кунда аждодларимизнинг кўмиш маросими билан боғлиқ одатлар катта илмий қизиқишларни уйғотмоқда. Дафн маросимлари мисолида ўша давр одамларининг умумий яшаш шароити, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва диний мафкураси қандай бўлганлигини кўриш мумкин. Қайсики жамиятдаги турли гуруҳларнинг қарашлари ва қайғу-аламлари уларнинг қабрларида намоён бўлган диний маросимлари орқали ифодаланади.

Сополлитепа манзилгоҳида олиб борилган қазув ишлари ушбу ёдгорлик Шимолий Афғонистоннинг Даштли, Марғиёнаниннг Гонур ёдгорликлари билан этномаданий ва типологик жиҳатдан бир - бирига ўхшаш археологик материалларни таҳлили натижасида улар ўртасида ўзаро ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва этник алоқалар бўлганлиги аниқланди. Бу ҳудуддаги бронза даври ўтроқ қабилалари қўшни вилоятлар билан кенг миқёсдаги этномаданий ва қон-қариндошлик алоқаларида бўлганлар[Аскарлов, С. 23].

Бронза давридан эътиборан зардуштийлик дини чорвадорлар орасида илдиз отиб, қуёш энг муқаддас, олий ибтидо сифатида қадрланган. Бу давр аҳолиси тоғ тепаларида, кўл бўйларида, қуёш яхши кўринадиган жойларда қуёшга сиғиниб, яйловга бой ерни сўрашган[Эсанов, 2007. Б. 63.]. Бронза

даврида вужудга келган ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолисининг диний қарашлари дастлабки даврда дашт аҳолиси диний қарашлари билан кўп жиҳатдан ўхшаш бўлсада, ўтроқ аҳолининг кейинги тарихий тараққиётида чўл аҳолисидан кескин фарқ қила бошлайди, дин жамиятни бошқаришнинг устувор омилига айланади. Табиийки ўтроқ деҳқон ҳаётида ер, сув, ҳаво, олов (қуёш) муҳим ўринга эга. Табиат унсурларига эътиқод қилиш деҳқонлар жамоасида тобора уйғунлашиб, аниқ тизимга кириб боради[Эсанов. Б. 60].

Сополли маданияти аҳолисининг дафн маросимлари ва диний эътиқоди маданиятнинг барча босқичларида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, эътибор билан бу маданиятнинг Сополли ва Жарқўтон босқичлари дафн маросимларини кузатар эканмиз, улар ўртасида маълум бир-бири билан узвий боғлиқ шу билан бирга, уларни бир-биридан ажратиб турувчи ўзига хос элементлар ҳам кўзга ташланади. Сополлитепада олиб борилган қазилма ишлари натижасида 138 та қабр очиб ўрганилган[Аскарлов, С. 38.]. Бу қабрларда турли ёшлардаги 158 та жасад кўмилган[Аскарлов, 1976. – С.10]. Қабрлар алоҳида қабристонда эмас, балки турар-жой доирасида, яшаш уйлариининг поли, остонаси, девори остида, ошхона ўчоғи рўпарасидаги майдон поли остида жойлашган. Бу ҳолат, яъни мархумнинг турар-жой масканлари доирасида дафн этилиши, ўша давр одамлари тасувурида оламдан ўтган яқин мархум ва мархумаларни оила, жамоа билан бирга бўлишликларини акс эттирган. Шу боис Сополли маданиятининг илк босқичларида қабристонлар турар-жой массивларидан узоқроқ жойга олиб бориб кўмиш урф-одатлари бўлмаган. Сополлитепада қабрлар якка ҳолатда, жуфт ҳолатда кўмилган. У ерда очилган қабрларнинг 13 таси жуфт, 12 таси кенотаф қабрлар, шулардан 6 тасида одам ўрнида ҳайвон скелетлари учратилган. Қолган 6 тасида қабр бўш ҳолатда эканлиги аниқланган.

Қабрларнинг тузилиши асосан айвонли лаҳат шаклида. Қабрлар айвони одатда тўғритўртбурчак шаклида қазилган ўра (яма) бўлиб, унинг чуқурлиги 60 см дан 1 метргача бўлган. Қабр айвонининг ғарбий девори остидан лаҳатга тешик очилган. Шу тешик орқали овал шаклида лаҳат қазилган. Лаҳатнинг чуқурлиги айвонга нисбатан 40-60 см гача чуқурликда, пастрок қазилган. Лаҳат тешиги тухумсимон-овал шаклида бўлиб, яхши сақланган қабрларда лаҳат тешиги хом ғишт билан беркитилганлигини кўриш мумкин. Лаҳатнинг шакли асосан овал кўринишда, баъзан тўғритўртбурчак шаклида ҳам бўлиши мумкин[Аскарлов, 1976. – С.10.; Абдуллаев, 1980. – С. 11]. Лаҳатнинг шимолий-ғарбий бурчак тўрисида мархум жинсига қараб ўнг ёки чап биқини билан боши шимолга қаратиб қўйилган. Бўш қолган шарқий, ва жанубий-шарқий қисмига мазорга қўйилиши лозим бўлган буюмлар жойлаштириб чиқилган. Шахсий буюмлар асосан скелет яқинида жойлашган. Лаҳат оғзи тешиги юқорида таъкидлаганимиздек, ғиштлар билан беркитилган бўлиб, ғиштларнинг ораларига сопол парчалари териб чиқилган, сўнг устидан тупроқ тортилган

Сополлитепа қабрлари орасида баъзида ёрма қабрлар ҳам учрайди. Уларнинг кўпчилиги чақалоқларга тегишли қабрлардир. Аммо қабрлар орасида яна уч ҳолатда ёрма қабрлар ҳам учратилган бўлиб, улар катта ёшдаги эркакларга тегишли эканлиги аниқланган. Булардан икки

ҳолатда марҳум ёғоч-тобутга солиб кўмилган (82,85 қабрлар). Буларда эркак кишининг скелетлари ёрма қабр ичига ўрнатилган ёғоч тобутга солинган, қабрлар жуда яхши сақланган. Тобутнинг ички қисм бурчагида майдаланган дон қолдиқлари (№85), кўплаб бронзадан меҳнат қуроли ва бошқа турмушда ишлатиладиган буюмлар, кўплаб тош мўнчоқлар, олтин маржонлар (82) топилган [Аскарлов, С. 40; Аскарлов, 1976. – С.58].

Сополлитепа босқичида дафн этиш икки хил усулда амалга оширилган. Булар, қабрга марҳум жасади қўйилиши ва майитсиз қабрлар. Қабрга марҳум кўмилиши ҳам уч турга ажратиш мумкин. Булар, якка ҳолатда, жуфт ва одам билан бирга қўйнинг кўмилганлик ҳолати. Шу ўринда кенотаф қабрларни ҳам икки турга бўлиш мумкин.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аскарлов А. Сапаллитепа. ... – С. 23.
2. Эсанов М. Авесто жамиятининг археологик материалларда акс этиши. (Қадимги Бактрия ва Марғиёнанинг бронза даври моддий маданият ёдгорликлари мисолида) // т.ф.н. диссер. Т.: 2007, – Б. 63.
3. Эсанов М. Авесто жамиятининг археологик материалларда акс этиши. – Б. 60.
4. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы – С. 38.
5. Аскарлов А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме возникновения локальных очагов древневосточных цивилизаций) // Автореф. дис... д-ра. ист. наук. – Москва, 1976. – С.10.
6. Аскарлов А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме возникновения локальных очагов древневосточных цивилизаций) // Автореф. дис.... д-ра. ист. наук. – Москва, 1976. – С.10.; Абдуллаев Б. Культура древнеземледельческих племен эпохи поздней бронзы Северной Бактрии.// Автореф. дис....канд. ист. наук. – Новосибирск, 1980. – С. 11.
7. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана.... – С.40. Аскарлов А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме возникновения локальных очагов древневосточных цивилизаций) // дис... д-ра. ист. наук. – Самарканд, 1976. – С.58.

СОПОЛЛИТЕПА МАРЖОНЛАРИ

Г.Каттаева
ТерДУ, Термиз

Ўрта Осиё археологиясида Сополлитепа энг яхши ўрганган маданиятлар қаторига киради. Айниқса, унинг моддий маданияти бой ашёвий манбалар асосида, стратиграфик аниқлик, статистик ва типологик услублар асосида ёритилган (Шайдуллаев, 2009).

А.Аскарлов асарларида (3; 4) уй-жой мажмуалари остидан очиб ўрганган қабрлардан топилган тақинчоқлар хусусан тўғноғич, билагузук, узук, сирға, шокила ва маржонларнинг асосан олтин, кумуш, мис, бронза, қалай – кўрғошинли бронзадан, уларнинг безаклари эса лазурит, ақиқ, феруза, оникс каби қимматбаҳа тошлардан ясалганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган.

Сополлитепа ёдгорлиги худудидан жуда кўплаб заргарлик буюмлари топилган, жумладан маржон, майда мунчоқ, тумор, сирға, билагузук, соч тўғноғич ва тўғноғичлар шулар жумласидандир. Улар асосан турли хил қимматбаҳо тош, бронза ва суяқдан ясалган (Асқаров, 1973.с.94.).

Сополлитепадан топилган заргарлик буюмлари.

№	Тақинчоқ номи	Сони
1	Маржонлар.	38 та намуна
2	Билагузуклар	34 та намуна
3	Тўғноғичлар.	29 та намуна
4	Тумор	37 та намуна
5	Сирға	Сони номаълум

















Сополлитепадан топилган заргарлик буюмларининг асосий қисмини маржонлар ташкил қилади. Улар асосан қабрлардан топилган, бироқ айримлари ёдгорлик маданий қатламидан ҳам топилган. Маржонларни яшашда лазуритнинг тўқ – кўк ранги, сердоликнинг оч – қизил ранги, йўл – йўл ақиқ ва оникс каби қимматбаҳо тошлар кенг ишлатилган. Маржонларнинг орасида оч – пушти опоки (керемнезёмга бой тоғ жинси), феруза тошининг оч яшил, кулранг ва яшил рангидан ясалганлари кўп тарқалган. Кўп миқдордаги **маржонлар** шодасидаги мунчоқлар оҳактошдан ясалган. Маржонларнинг ушбу тури айниқса Сополли маданияти билан бир даврда мавжуд бўлган Дашли маданиятига ҳосдир. Дашли маданияти ёдгорликларидан топилган маржонларнинг кўпчилиги оҳактош ва бронзадан ясалган (Сарианиди, 1977.с.80).

Баъзи маржонлар мармар, кварцит, змеевик (илон пўстига ўхшаш бурама минерал) дан ясалган. Айниқса оч-кўк лазурит маржонларни яшашда кўп ишлатилган. Сердолик маржонлар лазуритдан кейинги ўринда туради. Миқдори бўйича учинчи ўрин туркауз ва опокдан ясалган маржонлар ташкил қилади. Алоҳида намуналар рубин (қизил рангли қимматбаҳо тош), (битта намуна) халцедон (битта намуна), мармар (учта намуна), ва оникс (битта намуна) каби қимматбаҳо тош ва минераллардан ясалган.

Сополлитепадан топилган маржонларни шаклига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. маржонлар
2. шокила маржонлар (осилиб турувчи)
3. тугмали – маржонлар
4. майда мунчоқлар
5. урчуқбошсимон маржонлар.

Таниқли археолог олим Г.Г. Леммлейном Сополлитепадан топилган маржон мунчоқларини қуйидагича классификация қилган: цилиндрсимон, эллипссимон, ромбик, биоконус, диск кўринишидаги, овалсимон (эллипссимон, ясси шакл). Цилиндрсимон маржонларнинг ўзи уч турга бўлинган: қисқа цилиндрсимон, найсимон ва узун цилиндрсимон (Асқаров, 1973.с.95).

Шакли	Маржонлар	Майда мунчоқли	Шокила маржонли	Тугмали - маржонлар
Цилиндрсимон				
Эллипссимон				
Ромбсимон				
Биоконус шаклидаги				
диск кўринишидаги				
Овалсимон (тухумсимон, ясси шакл)				
Шарсимон				
Пирамидасимон				
Ясси куб шаклидаги				
Фигурали				

1 жадвал. Сополлитепа маржонлари классификацияси.

1. Цилиндрсимон маржонлар. Улар асосан лазурит, сердолик, туркауз, каолин гилидан ясалган, энг яхши намуналари эса холцедон ва опокидан тайёрланган. Улар қисқа цилиндрсимон ва узун цилиндсимонларга бўлинади. Цилиндрсимон маржонлар орасида олд томондан бурғуланган махсус тешиклари мавжуд алоҳида маржонлар гуруҳи мавжуд. Ушбу турдаги маржонлар бошқаларидан фарқли ўлароқ, турли хил нақшлар билан қопланган бўлиб, беш нусхаси аниқланган. Шунингдек, Сополли маданияти тегишли бўлган Бустон VI ёдгорлигининг 96-қабридан феруза ва ақиқдан ясалган цилиндрсимон маржонлар, 126-қабридан нефритдан ясалган цилиндрсимон маржонлар ҳам топилган [Avanesova, 2016.p.47]. Худди шу шаклдаги маржонлар Гонуртепа ёдгорлигидан ҳам топилган бўлиб, уларнинг асосий қисми ақиқдан ясалган. Ушбу турдаги маржонлар Яқин Шарқ, шунингдек Бақтрияда жудаям машҳур бўлган[Sarianidi,2007.P.116.].

2. Ромб шаклидаги маржонлар. Улар асосан ляпис-лазуритдан ясалган. Бутунлай сирти парлатилган ва тор тешиклари мавжуд.

3. Диск шаклидаги маржонлар. Улар асосан лазуритдан ясалган. Сиртқи томони тўлиқ текисланган ва тор тешиклари мавжуд. Диск шаклидаги маржонлар майда мунчоқлар орасида ҳам учрайди.

Диск кўринишидаги маржонлар маълум даражада цилиндрсимон шаклга ўхшайди, бироқ уларнинг ўзига хос хусусияти бор. Биринчидан, диск кўринишидаги маржонлар конус шаклга эга. Иккинчидан, цилиндрсимонлар- дан фарқли ўлароқ улар икки томондан турли нақшлар билан безатилган, ушбу нақшларни ҳосил қилишда нуқта ва ўйма техникаси қўлланилган. Учунчидан, алоҳида олинган намуналар олд томондан лазурит билан қопланган. Тўртинчидан, диск шаклидаги маржонлар одатда катта бўлади[8].

4. Эллипсоид маржонлар. Икки томонлама сигментли, перпендикуляр, айлана кесимли ва юпқа учлари бир-бирига параллаел. Улар асосан сердолик, лазурит ва биттаси мармардан ясалган. Эллипс маржонлар орасида кичик бир гуруҳ бор бўлиб, улар япалоқ – эллипс шаклида. Айнан шу шаклидаги маржонлар олтиндан ясалган. Учта холцедон(кварс ёки чақмоқтошнинг бир тури бўлган ярим қимматбаҳо тош)дан ясалган эллипсоид маржонлар Бўстон VI ёдгорлигининг 242-қабридан ҳам топилган(Avanesova,2016.p.48).

5. Тухумсимон, ясси шаклли маржонлар. Икки томонлама перпендикуляр-сигментли, айлана ва ясси шаклда. Улар асосан лазурит, сердолик, мармар ва рубинадан(1 та намуна) ясалган.

6. Биоконус шаклидаги маржонлар. Улар асосан сердоликдан ясалган. Биоконус шаклидаги маржонлар конуснинг учига параллел бўлинади(Аскарлов, 1973.с.96). Худди шундай турдаги биоконус ва бочкасимон маржонлар Марғиёна ҳудудининг бронза даври ёдгорлиги бўлган Гонуртепа ёдгорлигидан ҳам топилган бўлиб, улар асосан сердолик, лазурит, феруза, ақиқ ва бошқа минераллардан ясалган. Бу турдаги маржонлар Ҳараппа цивилизациясига мансуб бўлиб, “нақшли маржонлар” деб ҳам аталади. Чунки ушбу турдаги маржонларнинг устки қисмига чизиқли техника ёрдамида турли хил нақшлар чизилган. Ушбу турдаги маржонлар Ҳиндистон водийсидан Месопотамия ва Анатолия ҳудудларига ҳам тарқалган(Sarianidi, 2007.p.116.).

7. Ясси, куб шаклидаги маржонлар. Улар асосан сердолик, лазурит, туркауз ва ониксдан тайёрланган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги маржонлар орасида махсус гуруҳ мавжуд. Ушбу турдаги маржонларнинг юза қисми нуқтали техника ёрдамида турли хил шакллар билан безатилган. Ушбу турдаги маржонларнинг фақат бешта нусхаси аниқланган. Ясси куб шаклидаги маржонлар призмасимон шакллар билан ажралиб туради: тўрткуб – призмасимон шакллар. Маржонлар тишли техник асбоб ёрдамида нуқтали нақшлар билан безатилган. Маржонларнинг барча шакллари диск шаклида бир – бирига перпендикуляр.

II. Шокила маржонлар. Тошли маржонлар коллекциясидан, шокила маржонларнинг икки нусхаси тақдим этилган. Биринчиси лазуритдан, иккинчиси опоки(ақиқдан) тайёрланган. Лазурит осилмачоқ маржони пирамидасимон шаклда бўлиб, икки томондан майда тешиклари мавжуд. Худди шундай турдаги маржонларнинг уч нусхаси Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичи учун ҳам харагерлидир. Биринчи туридаги маржон квадрат шаклга эга бўлиб, оч – кўк рангли лазуритдан маълум бир услубга солиб ясалган, олд томондан тешик очилган. Иккинчиси диск шаклида бўлиб, бурғуланган тор тешиклари мавжуд. Эҳтимол биринчисида чаён, иккинчисида свастика ва бургут тасвирланган бўлиши мумкин[Аскарров, Абдуллаев, 1983.с.20.]. Тўртта кўзёши шаклидаги шокила-маржонлар Бўстон VI ёдгорлигининг 161-қабридан ҳам топилган (Avanesova, 2016. p. 48).

III. Тугмасимон маржонлар. Маржонлар тўпламидан тугмасимон маржонларнинг тўрт нусхаси аниқланган. Улар юмалоқ-цилиндрсимон ва диск шаклида. Улардан бири каолин лойидан, иккинчиси мрамардан, қолган иккитаси туф(ғовак тоғ жинси) дан ясалган. Мрамардан ясалган маржоннинг бир томони қавариқ, ярим дискка ўхшаш, иккинчи томони текис айлана шаклда .

Юмалоқ шаклдаги тугмасимон маржонларнинг ён томонида кичик чизиқлар мавжуд. Олд қсмида нуқтали техника ёрдамида баъзи тасвирлар тасвирланган. Биринчисига – свастика ва орелнинг белгиси, иккинчисида ўртада нисбатан чуқур гулчамбарга ўхшаш, тўртта нуқтадан иборат олтига хоч гуруҳи тасвирланган. Учунчи тугмачанинг олдида тўртта нуқта орқали саккизта учбурчак тасвирланган. Орқа томонда тўртта параллел гулчамбар шакли тасвирланган.

IV. Майда мунчоқлар. Тошдан ясалган Сополлитепа маржонлари аксариятини майда мунчоқлар ташкил қилади. Улар асосан лазурит, сердолик, феруза ва опокидан ясалган бўлиб, цилиндрсимон шакллардан иборат. Улар қисқа цилиндрсимон ва узун цилиндрсимон шаклларга бўлинади. Қисқа цилиндрсимон шаклидаги майда мунчоқлар кўпчиликни ташкил қилади(барча майда мунчоқларнинг 95 %) ва алоҳида шаклларга эга.

V. Урчукбошсимон маржонлар. Жами 24 нусхаси аниқланган. Ушбу турдаги маржонларнинг кўпчилиги оқ ва пушти мрамардан ясалган. Улар орасида фақатгина олтитаси змеевика (илон пўстига ўхшаш гулдор минерал.) дан ясалган. Улар марказидан битта тешикка эга биоконус шаклга эга. Ташқи томондаги тешиклари ички тешикларига қараганда кенгроқ .

Ушбу турдаги заргарлик буюмларининг орасида иккита тумор ва тўртта осилмачоқ ҳам бор. Ҳар иккала тумор ҳам оқ мармардан ясалган. Улардан биринчиси тўртта бармоғи жипсланган оёқ шаклида. Оёқнинг юқори томонидан осилган. Иккинчи туморнинг олд томони тешикли текис цилиндрсимон доира шаклида. Унинг олд томонида илон, орқа томонида нуқта ва ўйма усуллар ёрдамида турли хил чизиқлар тасвирланган. Барча тош осилмачоқлардан иккитаси сифати паст оқ мармардан ясалган.

Топилмалар шундан далолат берадики, мил. авв. II мингйилликнинг биринчи ярмида, яъни сўнгги бронза ва илк темир даври ўртасида маданиятлар алмашинуви даври бўлган. Марказий Осиё асосий маданият алмашинадиган ҳудуд бўлган. Далиллар шуни кўрсатадики, бу даврда Марказий Осиёнинг жанубидаги бронза даври аҳолиси билан Андронова аҳолиси ўртасида маданий алоқалар бўлган. Француз олимаси Элиза Льюнонинг фикрича, Вахш маданияти Окс ва Андронова ўртасидаги алоқаларнинг ёрқин намунаси (Luneau Elise, 2014).

Хулоса шундан иборатки бронза даврида қадимги Бақтрия ва Марғиёна ҳудудида маҳаллий ва хорижий анъаналар бирлашиб ўзига хос маданият вужудга келган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аскарлов А.А. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура на юге Средней Азии. - Самарканд, 1993.
2. Аскарлов А. Сапаллитепа. – Ташкент, Фан. 1973.
3. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
5. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Самарканд, 2009.
6. Sarianidi V.I. Necropolis of Gonur. English translation by Inna Sarianidi. 2007. P. 116.
7. Avanesova N. A. Buston VI – the necropolis of fire-worshippers of pre-urban Bactria. Samarkand: IICAS, 2016. UDK 902.6(575.151).
8. Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - Москва., 1977. с.80.
9. Аскарлов А., Абдуллаев Б. Джаркутан. – Тошкент., 1983. с.20.
10. Luneau Elise. La fin de la civilization de L' Oxus. Editions de Boccard. Paris. 2014.

КЎҲИТАНГТОҒ ДАҲМАЛАРИ

Қ.Тошалиев
ТерДУ, Термиз

“... Бақтрияликлар майитларни, бетоб ва қарияларини тоққа чиқариб қўядилар” Геродот.

Ўзбекистон-Чехия археологик экспедицияси Кўҳитанг тоғ ён бағри ҳудудларида, хусусан Хатак, Лойлаган, Хўжаанқо, Қорабоғ, Зарабоғ қишлоқлари атрофида, диаметри 4-5 метрдан 15-17 метргача бўлган, баландлиги 1,20 метргача борадиган, археология фанида “мозорқўрғон”лар

деб аталадиган тош қаламаларини қайд этди. Ўтган йиллар давомида, яъни 2014-2018 йилларда аниқланган тош қаламаларининг умумий сони 220 тага этди (Navlik, Stančo, Navlikova, 2017. P.162.).

Кўхитангтоғ болдирларида жойлашган тош қалама - даҳмаларни ўрганиш алоҳида илмий мавзу бўлиб, ҳозирги кунда бу илмий йўналиш бўйича Термиз ва Корлова университетлари олимлари комплекс тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Экспедиция томонидан ҳар бир тош қурилманинг жойлашган координатаси, кўламлари, яъни диаметри ва баландлиги, учта ҳолатдаги кўриниши (тепадан, жанубдан ва шимолдан) фотометрия усулида суратга олинди.

Тош қаламалар Кўхитангтоғ сой бўйларида, текисликларда, тепаликларда аниқланган бўлиб, жойлашиши бўйича умумий қонуниятга эга эмас. Аммо, шу қоида аниқландики, улар йирик табиий тошлар тўпланган ҳудудларда бунёд этилган. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, шу туркумдаги қурилмалар, Кучук I даврига оид Бургуттепа ва Кайриттепаларнинг ғарбий, яъни кун ботиш томонида, ёдгорликлардан 25-30 метр яқинида ҳам жойлашган.

Тош қаламаларилк марта аниқланганда, экспедиция аъзолари томонидан ёзилган ҳисоботларда, эълон қилинган дастлабки мақолаларда, ташқи кўринишига қараб “кўрғон”лар деб атаб келинди. Аммо, тош қаламаларда ўтказилган тадқиқотлардан сўнг бу фикрдан воз кечилди ва “даҳма”лар деган қарорга келинди.

Биз ўрганаётган Пошхурд-Зарабоғ ботиғида тош қалама - даҳмалар қуйидаги ҳудудларда қайд этилди.

Пошхурт-Зарабоғ ботиғи ҳудудидаги даҳмалар ҳақида умумий маълумотлар

Т/р	Жойлашган координаталари		Шакли	Кўлами (м)	Сақланган баландлиги (м)
	Географик узунлик	Географик кенглик			
Кайрит-Шолқон қишлоқлари атрофида жойлашган 1-гурӯх даҳмалар (Д-01)					
Д-01-001	66.798224	37.752314	Доира	9.00x9.00	0.50
Д-01-002	66.793585	37.749854	Овалоид	12.40x9.50	0.60
Д-01-003	66.797894	37.751255	Доира	9.00x9.00	0.80
Д-01-004	66.798068	37.751260	Доира	10.00x10.00	1.20
Д-01-006	66.793585	37.749854	Овалоид	12.40x9.50	0.60
Д-01-007	66.790094	37.750482	Доира	9.40x9.80	1.40
Д-01-008	66.788440	37.756956	Овалоид	8.00x9.30	1.40
Д-01-009	66.799883	37.755789	Доира	8.10x7.80	0.30
Д-01-014	66.785518	37.757257	Овалоид	6.10x4.50	0.45
Д-01-015	66.778988	37.751020	Доира	11.60x10.80	0.60
Д-01-016	66.786003	37.754838	Доира	3.00x3.00	0.30
Д-01-017	66.786100	37.749100	Доира	8.50x8.50	0.30

Д_01_018	66.786800	37.749200	Доира	2.70x2.80	0.30
Д_01_019	66.786711	37.749246	Овалоид	2.00x2.60	0.25
Д_01_020	66.786981	37.749240	Доира	3.00x2.90	0.30
Д_01_021	66.797402	37.753605	Овалоид	1.20x2.30	0.40
Кайрит қишлоғининг шимолий томонида жойлашган 2-гурӯҳ даҳмалар (Д-02)					
Д_02_001	66.777900	37.761500	Овалоид	2.30x3.70	0.50
Д_02_002	66.777200	37.761900	Овалоид	1.90x2.30	0.30
Д_02_003	66.776800	37.761900	Овалоид	1.70x1.90	0.30
Д_02_004	66.776900	37.762000	Овалоид	2.20x1.80	0.50
Д_02_005	66.779300	37.760900	Доира	3.60x3.80	0.50
Д_02_006	66.775294	37.760389	Доира	2.80x2.35	0.40
Д_02_007	66.774641	37.759424	Доира	2.25x2.40	0.40
Д_02_008	66.774746	37.759226	Овалоид	3.70x4.60	0.65
Кайрит қишлоғининг шимолий томонида жойлашган 3-гурӯҳ даҳмалар (Д-03)					
Д_03_001	66.787680	37.758148	Доира	1.55 x 1.50	0.30
Д_03_002	66.787644	37.758070	Доира	1.40 x 1.40	0.45
Д_03_003	66.787523	37.757911	Доира	2.60 x 2.10	0.30
Д_03_004	66.787310	37.757902	Доира	2.00 x 1.80	0.40
Д_03_005	66.787176	37.757823	Овалоид	2.80 x 1.80	0.40
Д_03_006	66.787092	37.757749	Овалоид	1.80 x 2.15	0.40
Д_03_007	66.787470	37.757725	Овалоид	1.25 x 1.80	0.30
Д_03_008	66.787532	37.757643	Доира	1.70 x 1.70	0.30
Д_03_010	66.787370	37.757565	Овалоид	2.30 x 1.20	0.40
Д_03_011	66.787328	37.757478	Доира	2.10 x 2.15	0.20
Д_03_012	66.787149	37.757769	Доира	1.50 x 1.80	0.15
Д_03_013	66.786986	37.757718	Доира	1.70 x 1.70	0.10
Д_03_014	66.786863	37.757697	Доира	1.70 x 1.90	0.10
Д_03_015	66.788272	37.757885	Доира	1.80 x 1.80	0.40
Д_03_016	66.786876	37.758001	Доира	2.10 x 2.10	0.15
Д_03_017	66.786838	37.757953	Доира	1.90 x 1.80	0.30
Кайрит қишлоғининг шимолий томонида жойлашган 4-гурӯҳ даҳмалар (Д-04)					
Д_04_001	66.782890	37.759110	Овалоид	1.40 x 1.80	0.30
Д_04_002	66.782847	37.759130	Овалоид	2.40 x 1.60	0.30
Д_04_003	66.782786	37.759075	Овалоид	1.50 x 1.80	0.30
Д_04_004	66.782794	37.759046	Доира	1.30 x 1.30	0.30
Д_04_005	66.782989	37.759194	Овалоид	1.30 x 1.90	0.30
Д_04_006	66.782301	37.759099	Овалоид	2.00 x 1.50	0.20
Д_04_007	66.781162	37.758634	Доира	1.40 x 1.40	0.20
Д_04_008	66.781065	37.758542	Доира	2.10 x 2.00	0.30

Д_04_009	66.781053	37.758487	Овалоид	2.00 x 1.60	0.40
Д_04_010	66.781050	37.758472	Доира	1.90 x 2.00	0.30
Д_04_011	66.780472	37.759137	Доира	1.60 x 1.70	0.30
Д_04_012	66.780501	37.759146	Доира	2.00 x 2.00	0.30
Д_04_013	66.780756	37.759276	Доира	3.40 x 3.70	0.30
Д_04_014	66.780900	37.759400	Овалоид	1.50 x 0.80	0.50
Д_04_017	66.783269	37.759861	Доира	1.90 x 2.00	0.30
Кайрит қишлоғи шарқий томонида жойлашган 5-гурӯх даҳмалар (Д-05)					
Д_05_001	66.809837	37.752396	Овалоид	2.40 x 2.10	0.30
Д_05_002	66.809796	37.752269	Овалоид	3.80 x 5.10	0.40
Д_05_003	66.809678	37.752343	Овалоид	3.50 x 4.30	0.30
Д_05_004	66.809565	37.752405	Доира	3.90 x 4.40	0.40
Д_05_005	66.809601	37.752297	Овалоид	1.80 x 2.70	0.40
Д_05_006	66.809400	37.752300	Доира	1.80 x 1.80	0.40
Д_05_007	66.809389	37.751946	Доира	4.80 x 4.50	0.60
Д_05_008	66.809439	37.751913	Овалоид	3.80 x 4.90	0.50
Кайрит қишлоғи шарқий томонида жойлашган 6-гурӯх даҳмалар (Д-06)					
Д_06_001	66.820900	37.751700	Овалоид	3.50 x 2.90	0.30
Д_06_002	66.819700	37.751500	Овалоид	3.00 x 4.60	0.40
Д_06_003	66.819400	37.751500	Доира	1.00 x 1.00	0.40
Д_06_004	66.819000	37.751400	Овалоид	3.80 x 3.00	0.40
Д_06_005	66.818800	37.751600	Доира	1.50 x 1.70	0.20

Даҳмаларнинг қурилган вақтини, вазифасини аниқлаш мақсадида уларнинг бир нечасида археологик тадқиқот ишлари олиб борилди.

№ Д-01-001 даҳма юқоридаги жадвалда келтирилганидек, 37,752 Е, 66,798 N географик кенглигида, денгиз сатҳидан 838,8 м баландликда, диаметри 9 м, баландлиги 0,5 м, Майдон-Зарабоғ автомобил йўлининг ўнг томонида жойлашган.

Ушбу тош қалама 2014 йилда Л. Станчо ва Ш. Шайдуллаев томонидан аниқланган ва тадқиқот ишлари қилинган (Stančo, Shaydullaev, Bendezu-Sarmiento, Pažout, Vondrova, 2014. P. 31–41). Тош қалама тенг тўрт қисмга бўлиб, тозалаш ва қазишма ишлари олиб борилган. Ҳар бир тош фотометрия усулида суратга олинган. Натижада, тош қалама марказида овалоид шаклида терилган қурилма аниқланган. Унинг максимал диаметри 4,50 м бўлиб, йирик тошлардан барпо этилган. Қурилманинг сақланиш баландлиги бир қатор тошдан иборат.

Тош қаламаси тўлиқ тозалангандан сўнг, унинг пастида материк қатлам қайд этилмади, аммо қазишма марказида 1,5x2,5 м ўлчамида таркибида оқ майда тошлардан иборат, қизилтупроқ қатлами қайд этилди. Қатламнинг контури нотўғри, шаклсиз. У 2 метр чуқурлигида давом этган. Чуқурдан ўрта асрлар даврига тегишли 6 та сопол, 17 та юпқа, пластинка шаклли темир

кетмоннинг бўлаклари, қайроқтош топилди. Илк мулоҳазаларда ушбу қўрғонни кенотаф қабрлар тоифасига киритган бўлсада, топилмаларнинг ўрта асрларга оидлиги тадқиқотчилар ўртасида ҳар хил фикрларнинг шаклланишига асос бўлди (Stančo, Shaydullaev, Bendezu-Sarmiento, Ražout, Vondrova, 2014. P. 31–41). Шундай бўлсада, муаллифлар даҳманинг хронологик даврини тош қаламадан топилган сополлар асосида Кучук I даврига оид деб ҳисоблайди. Тадқиқотчилар қизилтупроқ рангли чуқур “ўғри йўли” эканлигини, сўнгги ўрта асрлар даври одамлари, бойлик қидириб қазиганлигини таъкидлаган эдик.

Д-01-016 даҳма Майдон-Зарабоғ автомобил йўлининг ўнг томонида, Бургуттепа ёдгорлигининг шимолида жойлашган. 2015 йилда Якуб Хавлик томонидан қазилма ишлари олиб борилди. Шундан сўнг Д-01-016 қурилмада планаграфик усулда қазилма олиб борилди. Тошлар тозаланиб, қатламма-қатлам пастки тушилди. Ҳар бир қатлам тошлари фотометрия усулида қайд қилинди. Тошларнинг бирон шаклда терилганлиги қайд этилмади. Қалама тошлар тўлиқ олингандан сўнг материк қатлам қайд этилди. Материк қатлам устидаги юмшоқ қатламдан, 37 бўлакка бўлинган, бир идишга тегишли археологик бутун идиш ва иккита чарҳда ишланган сопол парчаси топилди. Ш. Шайдуллаев ва Ж. Люилье томонидан археологик бутун идиш Кучук I даврига, чарҳда ишланган иккита сопол бўлаги эса Кучук IV даврига оид эканлиги таъкидланди (Stančo, 2016. P. 76; Lhuillier, 2016. P. 119). Материк қатлам бузилмаган.

№ Д-01-003 ва № Д-01-004 даҳмалар Майдон - Зарабоғ автомобил йўлининг чап томонида, йўл ёқасида жойлашган. 2018 йил июл ойи давомида ТерДУ ўқитувчиси Қ. Тошалиев иштирокида қазилма ишлари олиб борилди. Натижада, бир-бирига яқин жойлашган икки “қўрғон” ўзаро боғлиқ, яхлит структурага эга, битта даҳма эканлиги аниқланди.



1 расм. Даҳманинг умумий кўриниши.

Диаметри 5 метр бўлган, доира шаклли Д-01-003 даҳма тошлари тозалала бўлингандан сўнг, тош қаламаси Д-01-004 даҳмага қараб йўналди. Тош

йўлакнинг кенглиги 1,20-1,30 метр бўлиб, икки чеккасига йирик тошлар, ғишт сингари тартиб билан терилган. Даҳманинг умумий узунлиги 23.70 м метрни ташкил этди. Қурилма умумий планда икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм диаметри 5м бўлган, доира шаклли даҳма бўлса, иккинчи қисм унга элтувчи йўлакдан иборат. Даҳманинг умумий кўриниши шаклда.


Даҳмадан Кучук I ҳамда Кучук III даври сополлари, тош оралиғидан эса суяк бўлаклари топилди. Ушбу даҳманинг монументаллиги, яъни ягона меъморий план асосида қурилганлиги ҳамда узоқ вақт мобайнида қўлланилганлиги, унинг йирик патриархал оилага тегишли эканлигини кўрсатади.



2 расм. Даҳма ва йўлагининг умумий кўриниши.

Стратиграфик тадқиқотларнинг ва қаламалардан топилган сополлар мажмуасининг тасдиқлашича, тош қаламалар Кучук I давридан бошлаб қурилган. Улар “Авеста” матнларида келтирилган, илк зардуштийлик характеридаги “даҳма” вазифасини ўтаган. Бу фикрга оид бир қанча аргументлар келтириб ўтамыз. Биринчидан, ушбу қўрғонлар Пошхурд-Зарабоғ ботиғида аниқланган Кучук I даврига оид ёдгорлик билан бир ҳудудда жойлашган. Иккинчидан, № 016 даҳма қазишмасида аниқланган сопол идиш қўлда ясалган бўлиб, Кучук I даврига оид. Учинчидан, даҳма деб эътироф этилаётган тош қаламалар олингандан сўнг, унинг остида майит қўйиладиган қабр - лаҳаднинг мавжуд эмаслиги. Тўртинчидан, тош қаламалар тозаланганда тошлар орасидан суяклар қолдиғининг топилишидир.

Kayrit tepa tosh daxmasi





3 расм. Даҳманинг умумий плани.

Ўрта Осиё халқлари тарихида зардуштийлик даҳмалари ҳақида кўплаб ёзма ва археологик маълумотлар mavjud. Бизнинг тадқиқотларимизгача Қадимги Хоразмдаги Чилпиқ ёдгорлиги Ўрта Осиё ва Эрондаги энг қадимги даҳма сифатида эътироф этилиб келинди (Minardi, 2017. P. 31, fig. 13; Толстов, 1948. С. 71-74, рис. 8; Манылов, 1972. С.76-86. P.31); Манылов, 1981. С. 50-64; Grenet, 1984. P. 229; Grenet, 2012. P. 29-46; Grenet, 2013. P. 18-27). Ерқўрғон, Дўрмонтепа даҳмалари ҳақидаги маълумотлар тўлиқ чоп этилган (Shishkina, 2005, pp. 755-775; Kurkina, 2005, pp. 59-65). Тадқиқотчилар Ўрта Осиё даҳмаларни меъморий жиҳатдан икки турга бўлишади. Биринчиси, “сукут минораси” бўлса, кейингиси минорасимон даҳмалардир (Minardi, Amirov, 2017. P. 37; Grenet, 2012. P. 29-46; Grenet, 2015, p. 129-146).

Фикримизча, хронологик жиҳатдан Кўҳитангтоғ (Зарабоғ) даҳмалари Ўрта Осиёдаги энг қадимги ва тузилиши жиҳатидан энг содда даҳмалар ҳисобланади. Тарих отаси Геродот бақтрияликлар ҳақида ёзганда, “... улар майитларни, бетоб ва қарияларини тоққа чиқариб қўяди” деган маълумотида даҳмалари ҳақида сўз юритган бўлиши эҳтимолдан холи эмас (Геродот, 2005).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kurkina E.A. «Rekonstruktsiia dakhmy Durmena-Isbisketa», Material'naia kul'tura Vostoka, 4, Moskva, 2005, pp. 59.
2. Shishkina G.V. «Soruzhenie u sten Isbisketa», in E.V. Antonova, T.K. Mkrlichev (ed.), Tsentral'naya Aziia. Istochniki, istoriia, kul'tura [Festschrift E.A. Davidovich and B.A. Litvinskii], Moskva, 2005, pp. 755-775.
3. Grenet F. “Mary Boyce’s Legacy to Archaeologists”, BAI 22, 2012. P. 29-46.
4. Grenet F. “Zoroastrian Funerary Practices in Sogdiana and Chorasmia and among Expatriate Sogdian Communities in China”, in S. Stewart (ed.), The Everlasting Flame: Zoroastrianism in History and Imagination. London, 2013.P. 18-27.
5. Grenet F. Les pratiques funéraires dans l’Asie centrale sédentaire de la conquête grecque à l’islamisation, Paris, 1984. P. 229.
6. Havlik J., Stančo L., Havlikova H. Kurgans of the Eastern Kugitang Piedmonts: Preliminary Report for Season 2017 // STUDIA HERCYNIA XXI/2, Prague, 2017. P.162.
7. Lhuillier J. Pottery from Burgut Kurgan and Kayrit Oasis, Preliminary Report for Season 2015// STUDIA HERCYNIA XX/2, 2016. P. 119.
8. Minardi M., Amirov Sh. The Zoroastrian Funerary Building of Angka Malaya // Topoi. Volume 21/1, 2017. P. 31.

9. Stančo L. Archaeological Survey in the Surroundings of Kayrit (SouthUzbekistan), Preliminary Report for Season 2015 // STUDIA HERCYNIA XX/2, 2016. P. 76.
10. Stančo L., Shaydullaev Sh., Bendezu-Sarmiento J., Pažout A., Vondrova H. Kayrit Burial Site (South Uzbekistan): Preliminary Report for Season 2014. *Studia Hercynia* XVIII/1–2, 2014. P. 31–41.
11. Геродот. III.3.
12. Манылов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи анитичности и средневековья. Текст кандидатской диссертации. Нукус, 1972. С. 76-86 (цитируется по Minardi M., Amirov Sh. The Zoroastrian Funerary Building of Angka Malaya // *Topoi*. Volume 21/1, 2017. P. 31);
13. Манылов Ю.П. Новые данные о погребальном обряде Хорезма первых веков нашей эры // Археологические исследования в Каракалпакия. Ред. И.К. Косымбетов, В.Н. Ягодин. Т., 1981. С. 50-64.
14. Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948. С. 71-74, рис. 8.

ЗАРАУТСОЙ ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИ – ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Х. Ойназаров
ТерДУ, Термиз

Ўрта Осиё халқлари томонидан яратилган маданий мерос намуналари орасида қоя тошлардаги расмлар энг қимматли манбалар, улар тошга ёзилган тарихий санъат асарларидир. Зараутсой санъат ёдгорлиги 1939 йилда фанга маълум бўлди. Зараутсойни тадқиқ этишда Г. В. Парфёнов, А. Ю.Рогинская, А.С. Кириллов, И.Ф.Ломаев, А.П.Иванова, В.К.Сандул, Ш.Исмоилов ва А.Кабириовлар катта ишларни амалга оширдилар. Марказий Осиёда топилган қоятош суратларининг ҳаммасидан Зараутсой обидасининг энг қадимийлиги ҳамда ўзига хос тарзда ҳаётий ишланганлиги ҳамон эътибор ва эътирофга лойиқ бўлмоқда. Зараутсой дараси Кўхитанг тоғнинг шимоли-шарқий этакларида, Термиз шаҳридан 110 км шимоли-ғарбда Шеробод тумани ҳудудида жойлашган. Москвада чоп этиладиган “Вестник древней истории” журнали 1940 йили буни қадимий гўзал қоятош суратларининг Ўрта Осиё ҳудудидаги биринчи топилмалари, деб баҳолади. (Мирзаев.Ж. А.Холмирзаев 2011й) Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўтказилган экспедициялар (1943-й., 1945-й.) ҳужжатларида 26 та камардаги 264 сурат тадқиқ этилган. (Khujanazarov M., Ranov V., Samashev Z.2011) Зараутсойда тадқиқот олиб борган Г.В. Парфёнов дастлаб 48 та турли фигураларни аниқлади ва тавсифлади. Г.В.Парфёнов Қуйи камарда топилган кичик хўкиз фигураларининг ёшини юқори палеолитнинг мадлен даври деб белгилади. (Рогинская 1950, 48-49) Г. В. Парфёнов Зараутсойнинг асосий суратлари палеолит рассомлари ижодининг маҳсули эканлигини исботлашга уринади. А.Ю.Рогинская ҳам унинг фикрларини қўллаб қувватлайди. Ҳатто экспедиция иштирокчиси асли касби рассом А.Ю.Рогинская «Зараутсой» номли рисоласини рус тилида 1950 йили эълон қилди. Зараутсой расмлари тош асри одамларининг бадий ижод маҳсули, қоя ранг тасвир санъатининг табиий

рангли бўёқда бажарилган нодир намунасидир. (Эшқурбонов, 2014. Б. 99–103) Москва шаҳридаги илмий доираларда Зараутсой ранг тасвирининг яратилиш даври ҳақида баҳс-мунозаралар кетаётган эди. Зараутсой қоятош суратлари таркибида қизиқарли бўлган тасвирлар-ниқоб кийган одамларнинг тасвирлари мавжуд. 25 та одамлар тасвиридан 19 таси ниқоб кийган одамлар суратидир. Ниқоблар кенг конуссимон ёпқичлар ва туяқуш кўринишига эга бўлган. (Формозов, 1969.71) Бу тасвирларни тадқиқот олиб борган олимлар турлича изоҳлайдилар. Овчилар арчазорларда ўтлаб юрган ёввойи буқаларни аввал яқиндан ўраб олиб, сўнгра ўққа тутиш мақсадида айнан арчасимон ёпинчиқлардан фойдаланган. (Кабилов, 1976. 74) А.Кабилов ниқоб кийган одамларни ўтмишда ов қилинаётган пайтда ҳайвонга яқинлашишда уларни чўчитиб юбормаслик мақсадида устига ўша ҳайвоннинг терисини, бошига эса шохини боғлаб унинг қиёфасига кирган деб таъкидлайди. Ҳозир ҳам асосий машғулоти овчилик бўлган айрим қабилалар шу усулни қўллашади. Зараутсойда ҳам шунга ўхшаш манзарага гувоҳ бўлиш мумкин. Зараутсой суратлари орасида ички қисми нуқталар билан ўралган ёпиқ айлана тасвири ҳам бўлиб, бу қопқон деб талқин қилиниши мумкин. (Парфенов 1945.5) Зараутсой суратларини биринчи бўлиб ўрганган. Таниқли олим А.А.Формозов Зараутсойнинг энг қадимги суратларини мезолит, неолит ва энеолит даврларига хослигини таъкидлаган. А.А.Формозов бу расмлардаги ўқ-ёй ва итлар мезолит давридан аввал бўлиши мумкин эмас, деган оқилона фикрни билдиради. (Формозов, 1966.24) А.П.Окладников ҳам юқоридаги фикрга қўшилиб, ушбу ов манзараларида ўқ-ёйнинг мавжудлиги суратлар мезолит даври бўлиши мумкинлигини билдиради. Негаки, ўқ-ёй мезолитда овчиликнинг асосий қуроли даражасига кўтарилган. (Окладников 1966.72) Олимларнинг узоқ вақт мобайнида олиб борган тадқиқотлари натижасида Зараутсой қояларига ишланган тасвирлар ибтидоий замоннинг мезолит даврига, оидлиги аниқланди. Сурхондарё вилояти Кўхитанг тоғ тизмаларидаги Зараутсой тасвирларининг мамлакатимиз қоятош суратлари ичида энг қадимий эканлигини билдиради.

Бугунги кунда ёдгорликни асраб-авайлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2004 йили “Зараутсой” жамоатчилик маркази тузилди. 2006 йил 17–18 июль кунлари Ўзбекистоннинг жаҳон аҳамиятига молик қоятош санъати ёдгорлиги билан танишиш, унинг сақланиш ҳолатини кўриш ҳамда ЮНЕСКО рўйхатига киритиш масалаларига тайёргарлик кўриш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрган ЮНЕСКО вакиллари жамоатчилик марказида бўлдилар, сўнгра Зараутсой ёдгорлигини бориб кўрдилар. 2009-йил июнь ойида Марказ фаоллари ёдгорликнинг илмий жиҳатдан ўрганила бошланганлигининг 70 йиллигига бағишлаб тақдимот маросимини ўтказдилар. Хулоса қилиб айтганда, Бугунгача Марказий Осиё минтақасида уч юздан зиёд қоятош суратларининг манзили аниқланган (Эшқурбонов, 2014.99) ва ҳисобга олинган. Ҳозирга қадар Ўзбекистон ҳудудида 180 дан ортиқ қадимги қоя тош суратлари бўлган жойлар топилган. (Хўжаназаров, 2018) Бироқ, ҳанузгача қанчадан-қанча жойлар текширилмаган. Келгусида бу кўплаб қоя тош ёдгорликларининг топилиши муқаррардир.

Зараутсой қоя тош суратлари Марказий Осиёнинг ибтидоий давр санъати тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бизнинг фикримизча ҳозирги замон талаби асосида Зараутсой суратларини қайта ўрганиш вақти келди. Негаки, ўтказилган энг сўнгги экспедиция ўтган асрнинг 70 йилларида олиб борилган ва асосий иш расмлардан шаффоф қоғозларга нусха кўчиришдан иборат бўлган. Ҳозирги кунда эса сезгирлиги ниҳоятда кучли электрон фотоаппаратлар пайдо бўлди. Ёриткичлар ёрдамида суратларни қайта фото расмларга олиш, илгари номаълум бўлган янги расмларни кашф этиш имконини беради.

2015 йилда Сурхондарёнинг ибтидоий санъат тарихини ўрганиш бўйича яна бир муҳим янгилик қилинди. Ш.Б. Шайдуллаев ва Л. Станчо раҳбарлигидаги Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедицияси Шеробод туманининг тоғли Зараутсойдан 15 км узоқликда жойлашган Зарабоғ қишлоғи яқинида 42 та тош суратлар (Burgut Kurgan, 2015) 2016-2017 йилларда эса Ш.Б. Шайдуллаев ва Х. Ойназаровлар яна 133 та тош суратларни аниқлади. Бурасмлар Зарабоғ қишлоғи яқинида Гадейтопмассой, Кайритсой, Кампирсой каби сойларда жойлашган. (Burgut Kurgan, 2016) Суратлар юмшоқ таркибли қора тошларга чўкичлаб ишланган. Жами 175 та тош суратларда 372 та образ тасвирланган. (Burgut Kurgan, 2017) Уларнинг координаталари, сув сатҳидан баландлиги ва эгаллаган юзаси аниқланди. Суратлар юмшоқ таркибли қора тошларга чўкичлаб ишланган. Суратларда Сурхон воҳасининг қадимги ҳайвонот дунёси ифодаланган. Тоғ эчкиси, оху, туя, от, ит, чаён, тошбақа каби ҳайвонлар одамлар билан ягона композицияда чизилган. Зарабоғ тош расмларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, у Ўзбекистон ҳудудида илк санъат намуналарининг пайдо бўлиши ривожланишини илмий асослайди. Қадимги аҳолининг мифологик ва диний дунёқараши, тасаввури бўйича илмий манба бўлиб хизмат қилади. Зарабоғ тош суратлари даври дастлабки фаразларга кўра сўнгги бронза, илк темир даврларга оид. Бу тарихий маданий ёдгорликни ҳозирги ҳолатидагидек қилиб сақлашни таъминлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва келажак авлодга етказиш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Бугунги кунда Зарабоғ тош суратлари устида олиб бораётган илмий тадқиқот ишларимиз давом этмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Burgut Kurgan 2015_preliminary report Czech-Uzbek-French archaeological expedition in southern Uzbekistan, 2015
2. Czech-Uzbek-French archaeological expedition in southern Uzbekistan, 2017
3. Khujanazarov M., Ranov V., Samashev Z. Petroglyphs of Central Asia. – Bishkek. 2001. 92 p
4. Preliminary report on the activities of the Joint Czech-Uzbek archaeological expedition in Pashkhurt valley, southern Uzbekistan in season 2016
5. Каби́ров А. Древнейшая наскальная живопись Зараутсая. // Первобытное искусство. – Новосибирск: Наука, 1976. 73-74 ст
6. М.Хўжаназаров Сармишсой (қоятош суратлари илмий тадқиқотлар) Тошкент 2018
7. Мирзаев Ж., Холмирзаев А. Зараут: қишлоқ ва ёдгорлик тақдири//Ўзбекистон макон ва замонлар оша - Тошкент – 2011.

8. Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время. В кн.: Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М-Л.: 1966. -С. 72.
9. Парфенов Г.В. Первобытные художники. «Фотогазета», №6-7. Таш- и кент.: 1945. -С. 4-5.
10. Рогинская А.Ю. «Зараутсай», М—Л, издательство детской литературы, 1950. 48-49 ст
11. Формозов А.А. О наскальных изображениях Зарауткамара в ущелье Зараутсай. - СА. №4. М.:1966. -С. 22.
12. Формозов А.А. Очерки по первобытному искусству. – М., 1969. С.69-71;
13. Эшқурбонов С.Б. Қоятош тасвирий санъат обидалари таҳлилига доир баъзи мулоҳазалар // Шарқшунослар анжумани (ТДШИ) № 9 сони. – Тошкент, 2014. – Б. 99–103.

ЎРТА ОСИЁ ЖАНУБИДА СЎНГГИ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИГА ОИД

*У.Исаров
ТерДУ, Термиз*

Инсоният тарихининг барча даврларида сув ҳаёт учун бирламчи манба бўлиб келган. Халқларнинг келиб чиқиши, шаклланиши жараёнида унинг моддий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Маълумки, Қадимги Шарқда суғориш тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиши жамиятда бошқарувнинг ўзига хос шаклининг пайдо бўлиши билан параллел равишда, ижтимоий дифференциялашув, шаҳарсозлик ва давлатчилик вужудга кела бошлаган. Ушбу масалаларнинг илмий-назарий ўрганилиши ўтган аср ўрталарида давлатчилик ва бошқарув пайдо бўлишида ирригацион назарияга асос солинишига сабаб бўлди (Wittfogel, 1957).

Қўпгина тарихчи олимлар энг қадимги суғорилиш тизимлари вужудга келган ҳудуд сифатида Нил воҳаси, Икки дарё оралиғи, Ҳинд водийсини келтириб ўтишади. Сўнгги йилларда Ўрта Осиё ҳудудида амалга оширилган кенг кўламли археологик тадқиқотлар Ўрта Осиё ҳам энг қадимги суғориш тизимлари шаклланган ҳудуд эканлигини кўрсатмоқда. Таниқли тарихчи-археолог В.М. Массон бошчилигидаги археологик экспедиция томонидан Тежен дарёси irmoқларида мил.ав. IV мингйилликга оид бўлган Геоксюр суғорилиш райони ўрганилиб, ўртача узунлиги 3 км бўлган каналлар тизимини аниқланган (Массон, Сарияниди, Лисицина, Хлопин, 1965). Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида мазкур деҳқончилик воҳасининг қадимги суғориш майдонлари 50–75 гектарни ташкил этганлиги ва 8 та қадимги манзилгоҳдан иборат бўлганлиги аниқланган (Lisitsina, 1969. P.279-289.). Мазкур тадқиқот Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудида энеолит давридаёқ ирригация тизими шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Қадимги Шарқ цивилизацияси ўчоқларидан бири бўлган Бақтрия ҳудуди ҳам деҳқончилик қулай ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ҳудудда дастлаб асосий деҳқончилик кичик дарё ўзанлари ва сой бўйларида амалга оширилган. Тоғ сойлари этакларида тошқин сувлардан ҳосил бўлган

лойқа ва уларнинг чеккаларидаги қайрлардан пайдо бўлган ибтидоий деҳқончилик, тошқинларни атроф ерларга секин-аста тараш билан майда суғориш тармоқларининг вужудга келиши юз берган. Бронза даврида Ўрта Осиё қадимги Шарқнинг муҳим маданий марказларидан бирига айланди. Тоғлар этакларидаги кичик ва катта воҳаларнинг қулай географик шароитида ривож топган деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган. Қадимги манзилгоҳларнинг атрофларида суғориш ерлари кенг майдонларга эга бўлган.

Шундай сойлар сирасига кирувчи Уланбулоқсой ва Бўстонсой ўзанлари бўйларида жойлашган қадимги деҳқонлар томонидан асос солинган Сополли маданияти ёдгорликлари таниқли археолог олимлар академик А.Асқаров, Ш.Шайдуллаев, Т.Ширинов ва бошқалар томонидан ўрганилган (Асқаров, 1977; Шайдуллаев, 2009; Ширинов, 1993).

Мазкур археолог тадқиқотчиларнинг Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорлигида олиб борган тадқиқотлари натижасида бу ерда ўтrock деҳқончилик маданиятининг ривожланганлиги, деҳқончиликда сунъий суғориш системасининг кашф этилганлиги, Бўстонсойдан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқарилганлиги, ерни ишлашда омондан ва ҳайвон кучидан фойдаланилганлиги исботлаб берилган (Асқаров, 1977).

Бронза даврига келиб ижтимоий, иқтисодий ва хўжалик соҳасидаги қатор ўзгаришлар туфайли, Қадимги Шарқ халқлари ўртасида маданий алоқалар фаоллашди. Бунинг натижасида суғорилиш ишлари таржибасининг ривожланиши бош тўғонлар воситаси билан таъминланувчи кўп шахобчали суғориш системаларининг ҳамда магистрал каналларнинг барпо этилишига олиб келган.

Мана шундай кўп шахобчали суғориш тизимларидан бири бўлган Шўртўқай ёдгорлиги комплекс ўрганилган ёдгорлик ҳисобланади. Мазкур ҳудудда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Хараппа маданиятига тегишли бир гуруҳ аҳолининг Бақтрияга, Амударёнинг юқори оқими, чап қисми бўйи ҳудудига кўчиб келиши натижасида Шўртўқай ёдгорлигига асос солинган. Маълумки, Хараппа маданияти аҳолиси деҳқончилик ва суғорилиш тизимлари соҳасида катта ютуққа эришиган. 700 дан зиёд деҳқончилик ёдгорликларини асос солган. Лекин бу билан Шўртўқай тўлиқлигича Хараппа таъсирида дейишдан йироқмиз. Албатта, топилмалар ёдгорликда маҳаллий маданиятлар таъсири ҳам салмоқли бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Шўртўқай ҳудуди ҳам ўзининг географик жойлашуви ва тупrock қатламнинг унумдорлиги туфайли деҳқончилик учун ниҳоятда қулай дарё соҳили ҳисобланади. Шунингдек, таниқли француз олими А.П.Франкфорт томонидан Шўртўқай атрофидаги суғорилиш майдонларини суғориш мақсадида Амударёнинг чап ирмоғи бўлган Кўкча дарёсидан узунлиги 30 км.ни ташкил этган қадимги канал қолдиқлари тадқиқ этилди. (Francfort Н-Р.; Lecomte O. 2002, p. 625 - 663). Кўплаб тармоқларга ёйилган мазкур канал йирик суғориш районини барпо этган.

Қайд этиш жоизки, Шўртўқай ёдгорлиги лазурит йўлида, маданиятлар чоррасида жойлашганлиги сабабли бу ҳудудда хўжаликнинг барча соҳасида фаол тажриба алмашилиши кузатилган. Ёдгорликдан Евросиё

минтақасининг турли маданиятларига оид моддий ашёларининг кўплаб учраши буни исботламоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, Қадимги Шарқда ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлган суғориш тизимларининг ўрганилиши тарих фани олдида ўз ечимини кутаётган хўжалик тизими тараққиёти, жамиятнинг синфлашув жараёни, шаҳарсозлик ва давлатчилик тараққиёти каби масалаларда асосий ечим бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Francfort H-P.; Lecomte O. Irrigation et société en Asie centrale des origines à l'époque achéménide. Annales, Année 2002, Volume 57, Numéro 3. p. 625 - 663
2. Lisitsina G. The Earliest Irrigation in Turkmenia. ANTIQUITY, XLIII, 1969. P. 279-289.
3. Wittfogel K. Oriental despotism: a comparative study of total power. London: Yale university Press. 1957.
4. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
5. Массон В.М., Сариниди В., Лисицина Г., Хлопин И. Итоги археологического и палеогеографического изучения Геокюрского оазиса. Сов. Архелогия. 1965.
6. Шайдуллаев ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (бактрия мисолида). Т.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд – 2009.
7. Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Самарқанд. 1993.

САРМИШСОЙ ҚОЯТОШ ТАСВИРЛАРИ

И.Қулжонов
НавДПИ, Навоий

Тарихимизни ноёб ёдгорликлари, илк цивилизация ўчоқларидан бири ўлкамиздир. Навоий вилояти Навбаҳор тумани ҳудудидаги Сармишсой табиий - тарихий ёдгорлиги бундай ноёб ёдгорликларнинг бири ҳисобланади. Уни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш олимларимиз олдида турган долзарб масала бўлиб қолмоқда. Илк цивилизацияни бошланғич нуқтаси инсон маънавий дунёсини акс эттирган қоятош тасвирларини ўрганиш ва уни ижодкорлари бўлиши илк аждодларимиз кўз олдимизда гавдалантирилиши асосида ўлкамиз қадимги тарихини қайта жонлантириш ёш авлодни миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялаш омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Тарихимизни илмий тадқиқ этиш асосида ўлкамизда аждодларимизнинг онгу тафаккури билан яратилган асори атиқалар, ноёб қоятош тасвирлари, қадимги манзилгоҳларни тарихий даврини аниқлаш, ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Сармишсой қоятош тасвирлари табиий тарихий ёдгорлиги ватанимиз тарихининг хилма – хил ёдгорликлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай тасвирлар дунёнинг турли бурчакларида жуда кам учрайди. Тасвирларда Зарафшон воҳасидаги бой хайвонот дунёси

ва аждодларимизнинг илк тасвирий санъат намуналари тасвирланган. Аждодларимиз томонидан қоятошларга ўйиб битилган бу ажойиб ёдгорликлар келажак авлодга юртимиз тарихининг энг қадимги давр тарихидан баён этади.

Булар орасида республикамизнинг тоғлик туманларида мавжуд бўлган қоятош тасвирларини алоҳида таъкидласак Сармишсой қоятош тасвирларини ҳозиргача Ўзбекистонда маълум бўлган қоятош ёдгорликларининг гултожи дейиш мумкин. Қоялардаги расмлар галереясини ўтмиш аждодларимиз томонидан қолдирилган “Зангори осмон остидаги музей” десак муболаға бўлмайди”[1] деб таъкидлайди. Сармишсой петроглифларини ишланиш услуги, бу табиий тарихий ёдгорликни тавсифини илмий баён қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ҳам қадим юртимизнинг кўҳна тарихининг жонсиз гувоҳи бўлган қоятошларга муҳрланган расмларда акс этган ижтимоий-иқтисодий воқеликларни ўрганиш, тадқиқ қилиш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Инсон доимо ўз ўтмишини қандай кечганини билишга уринган ўзини илк қадамлари, илк маданиятига қизиқиб қараган. Бизгача дунёнинг турли бурчакларидан қоятош тасвирлари етиб келган. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тоғлик ва тоғ олди ҳудудларидан 100 дан ортиқ қадимий қоятош суратлари бўлган жойлар мавжуд. Шулардан бири бўлган Сармишсой қоя тош ёдгорлиги ўзининг мазмуни, мавзуси, услуб хусусиятлари ва тузилишига кўра ранг баранглиги дунёда эътироф этилган бўлиб, Соймалитош, Ангара, Лена, Байкалорти, Амур, Урал, Карелия, Гобистон шунингдек, Африканинг Сахройи Кабир, Испания (Алтамир ғори) ва Франциядаги қоятошларига ишланган суратларидан сира қолишмайди.

Сармишсой Оқтоғнинг қарама-қарши томонидаги Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган. Бу ер ҳозирда Навоий вилоятининг Навбахор туманига қарайди. Сармишсой шимолий шарқ томондан Оқтоғ тизмасининг қисқа адир ва қирликлари билан тутшиб кетган. Табиати одатий Ўзбекистондаги каби мўтадил иқлим минтақаси бўлиб тоғлик ҳудуд ҳисобланади.

Инсонларнинг ўз маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш мақсади, фарзандлари ёки келажак авлодга табиат ва ҳайвонот олами тўғрисида маълумот бериш мақсадида, моҳир овчилар ўзларини мақташ тариқасида ўз ишларини расмга солганлиги, ўсиб келаётган авлодга ов сирларини ўргатиш ёки ўз инсоний ҳиссиётларини тасвирлаш мақсадида чизилган бўлиши мумкин. Шу билан оталар ўз фарзандларига бу дунёда инсон энг кучли ва ақли жонзот эканлигини расмлар орқали ўз фарзандларига етказишган. Бу эса комил инсон тарбиялаш ғояларига асосланган суратларда акс этилган. Масалан, от минган инсон ёки камон ушлаган одам тасвири ёш йигит қизларни мард, жасур, эпчил бўлишларига ўз уруғи ва қабиласини ҳимоя қилишга қодир бўлган фарзандларни етиштиришга хизмат қилган бўлса ажаб эмас. Айниқса от миниб итнинг ёрдамида ов қилаётган одам тасвири инсоният ва ҳайвонот олами ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб турибди. Ёки ҳайвонларни хонакилаштириш ва айниқса чорвачиликни ривожлантиришга хизмат қилган бўлиши табиий. Қоя тош тасвирларини ўрганган олимлар, тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳам бу борада хилма-хил.

Баъзи олимлар жумладан: В.В. Бартольд, немис олимлари Г.Обермайер, Ж.Хаукис, Гобистон тасвирларини ўрганган И.М.Жафарзода, Зараутсой тасвирларини ўрганган А.П.Окладников ва А.А.Формозовлар, Г.Кун, А.Брейл, Н.Кастере ва бошқа тадқиқотчилар расмлар негизида ўша давр кишиларининг ижтимоий ҳаётидан олинган ҳаққоний воқеалар ва ибтидоий қабилаларнинг сеҳр – жодуси билан боғлиқ бўлган диний тушунча ётади[2], деб баён қиладилар.

Бу олимларни фикрига эътироз билдириб В.Ф.Зыбковец тош санъатининг бу намуналари диний тушунчаларга алоқаси бўлмаган тарзда вужудга келди, уларнинг негизида ҳеч қандай сеҳргарлик ғояси йўқлигини таъкидлайди[3]. Қоятошлардаги тасвирлар қандай мақсадни кўзлаб ишланганлигидан қатъий назар, уларни тадбиқ этиш жараёнида ибтидоий одам ўй ҳаёли, фикр – мулоҳазалари, табиатни ўзлаштиришдаги билимлари, ов қуроллари, диний тасаввурлари, оламни билиш ҳақидаги билимлари бу воҳа тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши табиий ҳол. Ўлкамиз ҳудудидаги Сармишсой тасвирлари каби қадимги тасвирий санъат ёдгорликлари ибтидоий жамоа тарихини ўрганишда қимматли тарихий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Қоятош тасвирларини археологик, тарихий ва маданият нуқтаи – назаридан ўрганиш инсоният цивилизацияси илк қадамларини кўздан кечириш имкониятини берди ва натижада инсоният маданияти тарихини яхлитлиги, изчиллиги, хилма – хиллиги ва бойлиги унинг яратувчиси фақат инсон эканлиги асосланди.

Ўлкамиз тарихчи олимлари томонидан илмий асосланган кўп сонли ёдгорликлар асосида илк цивилизация ўчоғларидан ҳисобланади. Республикамиз ҳудудидаги Зарафшон, Қашқадарё, Фарғона водийсидаги ажойиб петроглифлар ноёб санъат намуналари мавжуд. Ўзбекистонда қоятош расмларини ўрганиш ишига XX асрнинг бошларида киришилган бўлса ҳам, лекин бу иш асосан 30-йиллардан бошланди.

Бу соҳада таниқли олимлар Г.В.Парфёнов, А.П.Окладников, М.Э.Воронец, С.П.Толстов, Л.И.Ремпель, А.А. Формозов, Г.А.Пугаченкова, А.Р. Муҳаммаджонов, Б.С.Шалатонин, Н.Х.Тошкентбоев, О.М.Ростовцев, Ю. Ф. Буряков, Р.Равшанов, Х.Ботиров, М.Хўжаназаров ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Бу олимлар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган қатор қоятош тасвирларини атрофлича ўргандилар ва уларнинг илмий тадқиқотлари қоятош тасвирларини ўрганишда улкан ютуқ ҳисобланади. Уларнинг тадқиқотлари илмий оммабоп ҳолатда кенг жамоатчилик ҳукмига эътироф қилинди.

Ҳозирда Сармишсойда илмий тадқиқотларни давом эттираётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Самарқанд археология институти катта илмий ходими М.Хўжаназаров “Ўзбекистон ҳудудида 140 дан ортиқ қоятош тасвирлари ёдгорликлари мавжуд”[4]деб маълумот беради.

Зарафшон воҳасидан илк одамлар яшаган манзилгоҳлар, меҳнат қуроллари, қабрлар кўплаб топилган. Навоий вилояти ҳудудидаги Сармишсой қоятош тасвирлари ўзининг ноёблиги, бетакрорлиги ва ўзига хослиги билан бошқалардан ажралиб туради.

“Тош асрига мансуб чақмоқтош устахоналари ва ибтидоий санъатнинг кўплаб намуналар топиб ўрганилди. Зараутсой, Такятош, Порунгурсой, Сармиш дараларида тадқиқотчилар кўз олдида ноёб “расмлар галереяси” намоён бўлди. Уларнинг ўрганилиши туфайли Ўзбекистонда археология фанининг мустақил йўналиши қоятошлардаги ибтидоий санъат муаммосини тадқиқ этишга асос солинди. [5] (А. Кабиров, М. Хўжаназаров)

Зарафшон воҳасини қуйи оқимидаги Сармишсой қоятош тасвирлари XIX асрнинг 30 йилларигача ҳеч кимга маълум эмас эди. Бу ҳудудда (Навоий региони) мавжуд петроглифлар ҳақида дастлабки маълумотлар 1838 йилги маълумотларда учрайди. Шу йили Россиядан Бухорога келган ва икки марта Қизилқумни кесиб ўтган Н.И.Демезон ўз ҳисоботида Букантоғдаги мавжуд бўлган қоятош тасвирлари ҳақида ёзган. Демезон рус сайёҳи бўлиб Туркистонни ўрганишга рус ҳукумати томонидан юборилган эди.

Навоий шаҳридан 40 чақирим нарида Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой қоятош тасвирлари Х.И.Муҳаммедов томонидан 1958 йил аниқланган[6]. Бу петроглифларни биринчи бўлиб Н.Тошкентбоев илмий тадқиқ этди. 1969 йилда Ўз ФА Тарих ва Археология институти қошида А. Кабиров бошчилигида республика қоя тош расмларини ўрганиш махсус отряди тузилган. Бу отряд 1969-1972 йилларда Сармишсойнинг ўрта қисмида 6-7 кмли масофада унинг асосий расмлари жойлашган қисмини ўрганган. Дала ишлари вақтида Қоратоғ оралиғидаги Тонготар, Биронсой, Ғўртут (Гўртут), Қиличлик, Тойтуёқ, Қорачарвоқ, Умартол, Отчопган ва Найчаликсой дараларидан қадимий қоятош суратларининг янги-янги масканлари топиб, текширилган ва ўрганилган. Археолог А. Кабиров Сармишсой қоятош тасвирларини батафсил атрофлича тадқиқ қилди[7].

А. Кабировнинг бу ерда ўтказган бир-неча дала мавсумларида олиб борган илмий изланишлари туфайли энг қадимги одамлар, уларнинг машғулоти, бой ҳайвонот дунёси, бир қатор диний, афсонавий ва турли хил расмлардан иборат 3000 мингдан ортиқ тасвирлар ўрганилди. Унинг “Сармишсой қоятош тасвирлари”, А. Сағдуллаев билан ҳаммуаллифликдаги “Ўрта Осиё археологияси” ва бир қатор илмий асар ва мақолаларида кўп йиллик илмий изланишлари натижалари ўз аксини топди. Бу изланишлар туфайли Сармишсой қоятош тасвирлари кенг жамоатчиликка маълум бўлди. Олим изчил равишда ҳар бир қоятош тасвирига изоҳ берди. Унинг тадқиқотлари асосида “Сармишсой қоятош тасвирлари” номли археология, санъат тарихи учун қимматли илмий тадқиқот натижаси бўлган монография чоп этилди. Монография узоқ йиллар давомида Сармишсойни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, дунёнинг бошқа қоятош тасвирларни қиёсий ўрганиш асосида юзага келган.

Бу китобнинг қиммати шундаки, Сармишсой қоятош тасвирлари илк бор батафсил илмий асосда тавсиф қилинди. Ҳар бир қоятош тасвири илмий тадқиқ объекти бўлди. Муаллиф қоятош тасвирларини мифологик, диний, санъат тарихи нуқтаи назаридан очиб беришга интиланган. Бизнинг фикримизча А.Кабировнинг бу китоби ўлка тарихини ўрганишда тарихчилар, археологлар санъат тарихи учун бой маълумот берадиган қимматли манба бўлиб, кейинги тадқиқотлар учун ҳам илмий қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Сармишсой тасвирларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган ва ўттиз йилдан кўпроқ вақт уни тизимли ўрганган ҳаваскор ўлкашунос Б.Шалатонин фаолияти диққатга сазовор. Ўлкашунос Б.С.Шалатонин 1960 йилдан бошлаб ўз ташаббуси билан фаол Навоий вилояти тарихи, табиати, географиясини тадқиқ эта бошлаган. 1961 йил баҳорида Б.С.Шалатонин раҳбарлигидан ўқувчи ўлкашунослар томонидан Сармиш дарасида қадимий петроглифларни ўрганиши ўлка тарихини ўрганишда янги саҳифани очиб берди. Ҳаваскор ўлкашунос олимнинг бу жасорати натижасида Сармишсой тасвирларига бағишланган қатор илмий оммабоп мақолалар республика, вилоят, Навоий шаҳар газеталарида пайдо бўлди. Шунингдек Б.Шалатониннинг мақолалари Зарафшон воҳаси аҳолисини турли қатламлари учун ўлка тарихини янги бир қиррасини очиб берди.

Шу даврдан бошлаб Сармишсой қоятош тасвирлари ва вилоятимиздаги бошқа қоятош тасвирларини тизимли равишда ўрганишга киришилди деб ҳисоблаш мумкин. Қадимият шайдоси ўлкашунос Б.Шалатонин республикани таниқли қадимшунос олимлари билан мулоқотда бўлиб Сармишсой сирлари устида ўттиз йилга яқин иш олиб борди. Унинг қатор илмий оммабоп мақолалари кенг жамоатчилик, олимар диққатини Сармишсойга қаратди. Унинг барча тадқиқотлари “Қизилқумнинг мингдан бир мўжизаси” номи билан чоп этилди.

Б.Шалатонин қадимги давр тарихини ёритишда, санъат тарихи ва олимлар орасида мутахассис сифатида тан олиниб уни илмий тадқиқотчи сифатида билишади. У ўзини қатор асарларида, газета ва журналларда эълон қилган мақолаларида Сармишсой қоятош тасвирларининг ноёблиги, бетакрорлиги ва хилма-хиллигини акс эттирилган бўлса, иккинчи томондан бу санъат дурдоналарининг мазмун-моҳияти, ғоясини очиб беришга уринди ва энг асосийси қоятош тасвирларини ўрганиш, тадқиқ этиш асосида унинг ишланиш услуби, қиёсий тавсифи, даврлаштириш муаммолари бўйича муаммоли масалаларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилган маҳаллий ўлкашунослардан биринчиси бўлди.

Б.Шалатонинни қадимги давр тарихини ёритишда Сармишсой петроглифларини аҳамиятини кўрсатган илмий тадқиқотчи сифатида билишади. У ўзини қатор асарларида, республика газета ва журналларда эълон қилган оммабоп мақолаларида Сармишсой қоятош тасвирларини жонли тасвирлаб ўзини ҳақиқий илмий тадқиқотчи сифатида асосли кўрсата олди. Бу ноёб санъат намуналарини ўрганиш, ва бу орқали ўлка тарихини очилмаган сирли қирраларини кўрсатиш мумкинлигини кўрсатди.

2004 йилнинг 8-16 октябр кунлари ЎзР ФА археология институти раҳбарлиги остида Сармишсой маданий меросига бағишланган Навоий шаҳрида ўтказилган халқаро илмий конференция ўтказилиб, унда Ўрта Осиёлик тўрт нафар олимлар қатори М. Хўжаназаров ҳамда М. Исоқовнинг илмий мақолалари диққатга сазовардир.

Хусусан, М. Хўжаназаровнинг эътироф этишича Сармишсой археологик комплекснинг майдони 20 км кв. ни ташкил қилиб, бу воҳада палеолит даври (бундан 300 минг йилликлардан то милоддан аввалги 15 мингинчи йилликларига оид) нинг тарихи турли даврларидан маълумот берувчи 100 дан ортиқ чақмоқтошли устахона қолдиқлари 4000 мингдан ортиқ қоятош

суратлари мавжуд. М. Хўжаназаров Сармишсой қоятош тасвирларини XX асрнинг 60 йиллардан бошлаб ўрганиб келмоқда[8]. Таниқли олим М.Хўжаназаров томонидан Сармишсойда илгари маълум бўлмаган 66 та қоятош суратларини аниқланиб, атрофлича ўрганилди. Унинг изланишлари туфайли Сармишсой манзилгоҳини ўрганишда олдинга ташланган яна бир кадам бўлди.

Сармишсой нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги дунё фан оламидаги алоҳида ва турли-туман петроглифли қоятош суратларини ўзида жамлаган ноёб тарихий мерос ҳисобланиб, дунё олимлари нигоҳини ўзига ром қилган тарихий объект ҳисобланади.

Навоий шаҳрида 2004 йилда Халқаро археологик экспедиция Сармишсойни ўрганишга киришдилар. 2004 йил 9 – 10 октябр кунлари “Сармишсой табиий тарихий ва маданий меросини асраб авайлаш ва уни ўрганишнинг янги қирралари” мавзусида илмий конференция бўлди. Бу Сармишсойни ўрганишдаги янги босқич бўлди. Конференция ишида Озарбайжон, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон, Норвегия, Покистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Япониялик мутахассис олимлар; археолог, петроглифист, консерватор, биолог, эколог, геолог ва экотуризмни ривожлантирувчи мутахассис экспертлар қатнашдилар, шу билан бир қаторда республикамиз ва вилоятдаги ташкилотларнинг маданият, илмий ходимлари иштирок этишди. Халқаро экспедиция таркибини бундай хилма-хил йўналишдаги тадқиқотчилар билан бойлиги Сармишсой маданий, табиий-тарихий ёдгорлиги нақадар илмий аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор кўрсатди.

2004 йил 11-16 октябр кунлари Халқаро экспедицияни Сармишсойда дала семинари бўлиб ўтди. Дала ишлари қўйидаги йўналишларда ўтказилди: Сармишсой қоятош тасвирларининг таҳлили, сақланиш даражаси. Шу ерни ўзида турли давлатлардан келган мутахассислар ўзаро мулоқот қилиб, бу қоятош тасвирларини сақлаш, асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш борасида тажриба алмашдилар. Сармишсой тасвирларини ҳозирги ҳолати амалда чуқур текширилди ва уни сақлаб қолиш ҳамда келажак авлодга етказиш вазифалари белгиланиб, қимматли тавсиялар берилди. Жумладан бу ноёб тарихий–табиий ёдгорликни давлат муҳофазасига олиш уни “очиқ осмон остидаги музей” деб эълон қилиб, қўриқлашни амалга ошириш ва мунтазам экскурсиялар уюштириб туриш мақсадга мувофиқ деб топилди[9].

Петроглиф баёни ва қоятош тасвирларининг шикастланган қисmlарини тиклашларнинг янги методлари тўғрисида фикр алмашилди. Бу йўналишда олимлар атрофлича илмий мунозара қилдилар. Бу йўналиш учун самарали қатор янги методлар таклиф қилинди.

Топографик образлар ва картографика йўналиши бўйича фикр алмашилди. Қоятош тасвирларга лишайникларнинг салбий таъсир даражаси, емирилиши (салбий таъсир) уни олдини олиш, бартараф этиш методларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди[10]. Сармишсой табиий ва маданий меросини муҳофаза қилиш, ўрганиш мавзусида халқаро илмий конференциялар кейинги йилларда ҳам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 2008 йилда Ўрта Осиёни тадқиқ қилиш институти ва ЎзРФА археология институти ташаббуси билан республикамиз ва хорижий давлатларнинг

Ўттиздан ортиқ мутахассиси иштирокида Сармишсой қоятош суратларига бағишланган халқаро илмий конференция ташкил этилди. Унда Зараутсой, Сармишсой каби бебаҳо маданий ёдгорликлар муҳофазаси, улар йўқолиб кетишининг олдини олиш мақсадида тегишли қарорлар ҳам қабул қилинди.

Ўзбекистон территориясида яшаган ибтидоий кишилар, кабилалар ва қадимий халқларнинг хўжалик ҳаёти, маданияти, санъати ва ғоявий қарашлари тарихини ўрганишда минг йиллар, асрлардан бери она ер бағрида сақланиб келаётган асори – антиқа обидалар биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган тарихий манбалардан ҳисобланади. Булар орасида республикамизнинг тоғлик туманларида мавжуд бўлган қоятош тасвирларини алоҳида таъкидласак Сармишсой қоятош тасвирларини ҳозиргача Ўзбекистонда маълум бўлган қоятош ёдгорликларининг гултожи дейиш мумкин. Қоялардаги расмлар галереясини ўтмиш аждодларимиз томонидан қолдирилган “Зангори осмон остидаги музей” десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кабиров А. Сармишсой қоя тош тасвирлари. – Тошкент: ФАН, 1976. – Б 70.
2. Кабиров А. Сармишсой қоя тош тасвирлари. – Тошкент: ФАН, 1976. – Б 93-96.
3. Зыбковец В.Ф. Человек без религии. – Москва: Наука, 1995. С- 69.
4. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994 йил № 9-10 сон. –Б 59.
5. Ўзбекистон тарихи журнали .2003 й № 4 сон. –Б 15.
6. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 32 – нашри. – Тошкент: “Фан”, 2001. – Б 24.
7. Кабиров А., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент, 1976. – Б 98.; Кабиров А. Наскальные и изображения Сармишсая. ИМКУ. вып 9. - Т., 1972.; Кабиров А. Есипова Т.В. Следы древнего человека в Каратау. Труды ЧГЛГЗ. вып. 3 Т., 1972.
8. Хўжаназаров М. Наскальные изображения Сармишсая. ОНУ. № 4 – 5, 1998
9. Халқаро конференция материаллари. Навоий – 2004 йил октябрь.
10. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. М.Хўжаназаров, М. Реутова, К.Тодерич // Сармишсой петроглиф мажмуасини ўрганиши бўйича илмий анжуман ва дала ишлари. № 2005, 1 – 2 сон

ФАРҒОНА ҚАДИМИЯТИ МУАММОЛАРИ ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР НИГОҲИДА

Б.М. Абдуллаев

*ЎзР ФА, Археологик тадқиқотлар
институту, Самарқанд*

Фарғона водийси қадимияти ўтган асрнинг 30-йилларидан бери ўрганиб келинмоқда ва бир қатор йирик олимлар томонидан шу маданиятларнинг даврий кетма-кетлиги муаммоларини уларнинг сопол комплекслари таҳлили асосида жамоатчиликка тақдим этилган (Бернштам, 1952; Латынин, 1961; Заднепровский, 1962; Горбунова, 1983). Бироқ, бу тадқиқотчиларнинг маданиятлар кетма-кетлигига доир концептуал ишланмалари фақат дастлабки Чуст ва Эйлатон маданиятлари даври тавсифида ўзаро мос келади, лекин антик ва ўрта асрлар маданияти ҳам даврий, ҳам номланишида бир

биридан кескин фарқ қилади. Шу билан бирга, ўзининг сопол комплекси билан антик давр маданиятларидан алоҳида ажралиб турувчи Шўрабошот маданияти “маҳаллий вариант касб этади” мақомида қолдирилган. Бу ҳол эса водий ўтмишини ўрганишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ушбу муаммо бўйича олдинги мақоламизда ўз фикрларимизни батафсил келтирганмиз (Абдуллаев, 2018).

Водий тарихшунослигида ҳозирги кунга қадар қадимий ўтrock маданиятлар кетма-кетлигига доир иккита концепция олимларнинг тадқиқотларида асосий дастак бўлиб келмоқда. Биринчисига кўра, дастлаб Чуст (мил.авв. XII-VII асрлар) маданияти, сўнг Эйлатон (мил.авв. VI-IV асрлар) ва Шўрабошот (мил.авв. IV-I асрлар) маданиятлари келиши (Заднепровский, 1962) белгиланган бўлса, иккинчиси муаллифнинг фикрича, Чуст (мил.авв. XII-VII асрлар) ва Эйлатон (мил.авв. VI-III асрлар) маданиятларидан сўнг Қўнғай-Қорабулоқ (мил.авв. II – мил. VI асрлар) маданияти кетма-кетлиги (Горбунова, 1983) кўрсатилган.

1960 йиллар иккинчи ярмидан Қирғизстон ҳудудидаги Қулунчок манзилгоҳини тўла ўрганиб, унинг материаллари таҳлилидан келиб чиққан тадқиқотчи Эйлатон ва Шўрабошот маданиятлари қандайдир вақт мобайнида бирга истиқомат қилган, деб хулоса берган (Гаврюшенко, 1970. С. 19). Бироқ унинг бу натижаси фарғонашунос Н.Г. Горбунова томонидан қаттиқ танқид остига олиниб, Шўрабошот маданиятининг тавсифига бағишлаган алоҳида мақоласида Эйлатон ва Шўрабошот маданият соҳиблари бир вақтда умргузаронлик қилиши мумкин эмаслигини қайта таъкидлаб ўтган (Горбунова, 1977). Оқибатда, бу мавзу узоқ вақт мобайнида илмий мунозаралардан четда қолди. Фақатгина XX асрнинг охирларида, водийнинг илк темир даврига оид барча тадқиқотларни танқидий таҳлил қилиб чиққан бошқа олим Фарғона қадимий маданиятлари тараққиёти ва кетма-кетлигига доир янги схемани тақдим этиб, унда Эйлатон ва Шўрабошот маданиятлари параллел тарзда ҳаёт кечирганларини асослаб берган (Иванов, 1999а. С. 19).

Ушбу концептуал хулоса ҳозирда Андижон вилоятидаги Қўштепа-2 ёдгорлигида охириги 4 йилдан бери олиб борилган археологик қазишмалар натижасида ўз тасдиғини топмоқда. Яъни, бу объектда аниқланган қазишма материаллари, нафақат Эйлатон ва Шўрабошот маданият соҳибларининг бир вақтда яшаганлигидан, балки улар орасидаги муносабатлар ўзаро қоришувга олиб келганлиги ҳақида ҳабар бермоқда.

Дастлабки қурилиш горизонтига оид қолдиқлар – хўжалик ўраси ёки ертўла типигадаги хонадоннинг бир қисми замонавий ер сатҳидан 5,2 м чуқурликда аниқланиб, у “тоза тупроқ” – материкни кесиб тушганлиги қайд этилди. Ушбу ертўла қатламидан топилган кам сонли сопол парчалари Шўрабошот маданиятига тегишли бўлган. Сопол парчасидаги нақш оч қирмизи фон устига қизғиш-жигарранг бўёқ билан идишнинг ташқи сиртида берилган (расм 1,7). Нақш ичи қия катаклар билан тўлдирилган ромдан иборат бўлган. Бу каби нақшлар, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўзига хос маънони билдириб, у Қадим Шарқнинг илк давлатлари даврида шаклланган “хаёт дарахтининг” схематик рамзини англатган (Амброз, 1965. С. 20-22; Комороци, 1981. С. 47-51; Караматов, 2017. С. 107).

Шу туфайли, эхтимол, бундай нақш водийдаги нафақат илк зироаткор Чуст маданияти соҳиблари яратган идишларда кўп қўлланиладиган безаклар сарасига кирган (Заднепровский, 1962. С. 26, табл. XVII, 1-8; С. 131, табл. XLVII, 1, 3, 25; LII, 5, 8; LIV, 4; LV, 2, 3, 8, 11; LVI, 13-15), балки бу анъана бир қатор технологик ўзгаришлар ва янгиликлар билан бойитилган ҳолда антик давр якунига қадар кулолчиликда кенг фойдаланилган. Масалан мил. авв. охири асрлар ва милодий биринчи асрларда бу каби нақшлар чархда ясалган қизил ангобли идишларда, оловда пиширишдан олдин идишнинг ташқи сиртига махсус жиҳоз ёрдамида тирнаб туширилган.

Шуни такидлаб ўтиш лозимки, бундай нақшга эга сопол идишлар Эйлтон шаҳар ҳаробасидан топилмаган. Ваҳоланки, маданий жиҳатидан бу шаҳар билан боғлиқ Оқтом типига доир қабр қўрғонларида (Гамбург, Горбунова, 1957. С. 85, рис. 31, 3, 5; Горбунова, 1961. С. 190, рис. 6, 16), ҳамда Андижон шаҳри худудидаги Сарвонтепа ёдгорлигининг Эйлтон маданиятига оид қатламларда ҳам идишлар (расм 2, 1) сиртида бундай нақшлар аниқланган (Абдуллаев и др., 2004. С. 7, рис. 2, 1).

Қўштепанинг бу безакли сопол парчаси шу туманга тегишли Султонобод манзилгоҳидан (Абдулгазиева, 1997. С. 16, рис. 3, 22) ва водийнинг шарқий чеккасида жойлашган (Қирғизстон) Ооз-дебе шаҳар ҳаробасидан топилган қўлда тайёрланган, ҳамда бўёқ билан нақшланган сополларга (Малтаев и др., 2000. С. 34, рис. 23, 2, 4) ўхшайди. Қазималарнинг чегараланганлиги сабабли ёдгорлик худудидаги илк манзилгоҳ ҳақида кенгроқ мушоҳада қилиш имкони йўқ ва шу туфайли унинг даври дастлабки ёндашувда мил. авв. IV-III асрлар билан белгиланган.

Навбатдаги аҳамиятли топилма бу иккинчи қурилиш даври манзилгоҳи қатламидан жигарранг бўёқ билан нақшланган икки томони оқ фонли қўлда ясалган очик идиш парчаси бўлиб (расм 2, 2), ундаги безак тавсифи ва услуби Эйлтон маданияти сополлар туркумига яқиндир (Оболдуева, 1962. С. 43). Таҳлилларга кўра, бу платформа ёдгорлик маданий қатламлари қарисадаги энг дастлабки ва йирик иншоот бўлган.

Бу давр манзилгоҳининг пол қатлами катта ва узоқ вақт давом этган ёнғин излари 40-60 см қалинликдаги кул қатлами остидан топилди. Бу қатлам ичидан антик даврга оид чархда ясалган қизил ангобли сопол идиш парчалари билан Шўрабошот маданиятига оид қўлда тайёрланган бўёқ нақшли коса бўлаги ҳам топилди (расм 3, 1). Идиш лаби ўзаро нуқтасифат ҳошиялар орқали туташтирилган икки қатор параллел чизиқлар, ҳамда идишнинг бел қисмида ичи қия чизиқлар билан тўлдирилган горизонтал ромблар шодаси ва улар туташган жойда юқорига қаратилган шохчалар кўринишида безатилган. Юқорида кўрсатилганидек, ичи қия катаклар билан тўлдирилган ромбларнинг келиб чиқиши сўнги бронза давридаёқ кенг тарқалган безак бўлиб, “Г 25” классификацион гуруҳга киритилган (Матбабаев, 1999. С. 42). Бироқ, ичи қия чизиқлар билан тўлдирилган ромблар таҳминимизча, Шўрабошот маданияти соҳиблари идишларни безашда киритган янгилигидир (расм 3, 3-4). Ваҳоланки, камсонли бўлсада бунга ўхшаш нақш Эйлтон маданиятига оид Қўнғай қабр қўрғонидан топилган идишда ҳам мавжуд (расм 3, 2) ва у мил.авв. IV-II асрлар билан саналади (Горбунова, 1961. С. 178, рис. 6, 4; Она же, 1969.

С. 89). Қўнғай ёдгорлиги санаси Қўштепа-2 манзилгоҳидаги Шўрабошот ва Эйлатон маданиятлари синтези даврига яқинлигини инобатга олиб, ушбу безаш услуби Эйлатон маданияти кулолчилига олиб кирилган дейиш мумкин. Бироқ, улардаги ромб шодаси горизонтал чизиқ билан иккига бўлинган ва ўзаро туташ жуфт учбурчаклар қаторини ташкил этган.

Бу каби нақш билан идишларни безаш Шўрабошот шаҳар ҳаробасининг қуйи қатламларида топилган (Заднепровский, 1960. С. 29, рис. 7, 16; Он же, 1962. С. LI, 1), бироқ идиш лабидаги параллел чизиқлардан иборат хошия Қорадарё шаҳар ҳаробасидаги сопол буюмларда аниқланган (Заднепровский, 1960. С. 37-38, рис. 13, 7). Қиёсий солиштирма таҳлилларга кўра, Шўрабошот маданиятининг узоқ тараққиёти давомида, айрим вариациялар ва ўзгаришлар билан, идишларни ўзига хос безатиш анъанаси сақланиб қолган.

Тадқиқот давомида пол юзаси тозалангач, қазишманинг жанубий-шарқий қисмида хўжалик ўраси аниқланиб, у ҳам кул ва куйган тупроқ уюми билан тўлган ва унинг орасидан Эйлатон маданиятига тегишли қўлда ясалган ва бўёқ воситасида нақшланган сопол идиш парчалари топилди (расм 4). Сопол парчалари ичида алоҳида эътиборга молеги бори бу “Оқтом косаси” деб ном олган ва шу давр қабр қўрғонларидан топилган косалар ўхшаш (Горбунова, Гамбург, 1957) идиш парчасидир. Ваҳоланки, “Оқтом косаси” мил.авв. V-III асрлар билан саналаштирилган (Козенкова, 1959. С. 59, рис. 25, 1). Демак, Шўрабошот даврига оид ертўла хонадонини қоплаган иккинчи қурилиш горизонтга оид комплексда ҳам Шўрабошот, ҳам Эйлатон маданиятларига тегишли сопол парчалари бўлган. Бу мавзуга оид 2018 йил дала тадқиқот натижасига кўра илк Шўрабошот маданияти соҳибларининг манзилгоҳи анча жиддий режага асосан барпо қилинганлигидан дарак бермоқда (Абдуллаев и др., 2019. С. 31). Зеро, кўшкнинг шимолига туширилган шурф қирқимининг ер сатҳидан 6,3 м чуқурлигида мудофаа девори қолдиқлари очилиб, хусусан девор ва унинг ташқи поли ўрганилди. Ушбу қадимги қатламламдан асосан қўлда ясалган сопол идиш парчалари топилган.

Юқорида кўрсатилганидек, илк бор 2014 йил дала тадқиқотлари даврида Шўрабошот маданиятига оид ертўла қолдиқлари замонавий ер сатҳидан 5,2 м чуқурликда аниқланганди. Янги очилган қуйи қатламнинг илгаргисидан 1 мдан зиёд пастроқда жойлашганлиги ёдгорликнинг энг қадимги қатламларига оид фикрларга ўзгача урғу берилишини талаб этмоқда. Зеро, тадқиқотларга кўра зироатчилик ва урбанизация тараққиётига асос бўлган ирригацион каналларнинг қурилиши дастлаб кенг кўламда асосан Шўрабошот маданиятига тегишли ёдгорликлар жойлашган худудларда – водийнинг шарқида олиб борилган (батафсил қаранг: Абдуллаев, 2017). Такидлаб ўтиш лозимки, Андижонсой ва Шахрихонсой юқори қисмларнинг қурилиши, тўртламчи давр геолог мутахассисларинг фикрича, бундан 3000 йил аввал бошланган, бироқ бу улкан сунъий каналларнинг асосий қисми босқичма-босқич кегинги даврларда ниҳоясига етказилган (Заднепровский, 1962. С. 74). Шу билан бирга, Қўштепа каби ёдгорликлар Андижонсой ва Шахрихонсой бўйларида ҳар 2-3 км оралиғида жойлашган бўлиб, улар

келтирилган сойлар оралиғидаги воҳа мудофаа тизимидаги фаол халқалар сифатида, айрим узилишлар билан, асрлар давомида ўзларига юклатилган масъулиятни адо этганлар. Бу мудофаа тизими ҳимоясида илк антик даврда бошланган урбанизацион жараёнлар, дастлаб аксарият ҳолларда водийнинг шарқий ярмида, сўнг антик даврнинг иккинчи босқичидан илк ўрта асрлар давомида унинг ғарбий ярмида ривож топган.

Демакки, Шўрабошот маданиятига оид ёдгорликларнинг тўлақонли ўрганилиши, нафақат қадим маданиятлар даврий кетма-кетлигига аниқлик киритади, балки урбанизация ва Давон давлатчилигини шаклланиш босқичларини кўрсата олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулгазиева Б. Исследование поселения Султанабад // Средняя Азия: археология, история, культура. Материалы Международной конференции, посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкиной. М., 1997.
2. Абдулаев Б.М., Позилжонов А.Р., Рахимов З.О., Камбаров Н.Ш. Отчет о раскопках на памятнике Коштепа-2 в 2018 году // Архив фонда ИАИ АН РУз. Ф 08. О 01. Д 214. Самарканд, 2019.
3. Абдуллаев Б.М., Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Археологические раскопки Андижанского отряда // Археологические исследования в Узбекистане – 2003 год. Ташкент, 2004.
4. Абдуллаев Б.М. Урбанизационные процессы античной Ферганы // История и археология Турана. Самарканд, 2017. № 3.
5. Абдуллаев Б.М. Бир ёдгорликда Фарғона тарихи // История и археология Турана. Самарканд, 2018. № 4.
6. Амброс А.К. Раннеземледельческий культовый символ // СА. М., 1965. № 3.
7. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. Москва, 1952. № 26.
8. Гаврюшенко П.П. Кулунчакское укрепленное поселение // Автореф. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1970.
9. Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Ак-тамский могильник // КСИИМК. Вып. 69. М., 1957.
10. Горбунова Н.Г. К вопросу о датировке комплексов с шурабашатской керамикой в Восточной Фергане // АСГЭ. Вып. 17. Л., 1977.
11. Горбунова Н.Г. Кугай-карабулакская культура Ферганы // СА. М., 1983. № 3.
12. Горбунова Н.Г. Кунгайский могильник // АСГЭ. Вып. 3. Л., 1961.
13. Горбунова Н.Г. Суфанский могильник // АСГЭ. Вып. 11. Л., 1969.
14. Заднепровский Ю.А. Археологические памятники южных районов Ошской области. Фрунзе, 1960.
15. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. Москва-Ленинград, 1962.
16. Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (периодизация и синхронизация) // Автореф. ... канд. ист. наук. Самарканд, 1999.
17. Караматов Х.С. Древние культы Центральной Азии. Самарканд-Ташкент, 2017.
18. Козенкова В.И. Археологические работы в Андижанской области в 1956 году // КСИИМКА. Вып. 76. 1959.
19. Комороци Г. К символике дерева в искусстве древнего Двуречья // Древний Восток и мировая культура. М., 1981.
20. Латынин Б.А. Некоторые итоги работы Ферганской экспедиции 1934 г. // АСГЭ. Вып. 3. Ленинград, 1961.

21. Малтаев К.Ж., Молдобаев И.Б., Насиров Т.А., Сулайманов Э.Ж. Раскопки городища Ооз-дебе в 2000 году // Ош и древности Южного Кыргызстана. Бишкек, 2000. № 5.

22. Матбабаев Б.Х. Некоторые итоги сравнительного изучения чувской керамики // ИМКУ. Вып. 30. Ташкент, 1999.

23. Оболдуева Т.Г. Раскопки 1960 года на городище Эйлатан // КСИА. Вып. 91. М., 1962.

МУҚАДДАС КИТОБЛАРДА ТАБИАТ ВА УНИНГ ЗАҲИРАЛАРИНИ АСРАШ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР

С. Кистаубаев
ЖДПИ, Жиззах

Инсониятнинг табиат ва атроф-муҳитга бўлган муносабати кўп асрлик тарихга эга. Уларнинг тафаккур тарзи, узи яшаб турган минтақа табиий-географик иқлими, шарт-шароитига, миллат ёки халқ менталитетига, турмуш маромига, тарихи, урф-одати, эътиқоди, қолаверса муайян жамиятда яшовчи кишиларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир ижтимоий муносабатлари билан узвий боғлиқ. Шунингдек уларнинг бу қарашлари муқаддас китобларда ҳам ўз аксини топган. Шахс экологик дунёқараши шаклланишида инсоният тарихи давомида юзага келган, айниқса Шарқ халқлари тарихида экологик мазмундаги афсона, ривоят, асотир, эртак, масал, қўшиқ, дostonлар ва бошқа халқ оғзаки ижоди намуналари алоҳида ўрин тутган. Шунингдек тарихий манбалар, диний-маърифий ҳамда аждодлар тафаккурининг ҳаётбахш неъматлари бўлган илмий ва бадий асарлар экологик дунёқараш шаклланишида мустаҳкам назарий ҳамда амалий асос бўлган ва улар ҳамон ушбу вазифани бажариб келмоқда (Ҳозирги даврда маънавий инқироз глобаллашиб кетаётган шароитда тархий меросга муносабат тубдан ўзгараётганлиги, хусусан дунёда Шарқ халқлари маънавий қадриятлари трансформациясига эҳтиёж кучаяётганлигини эътиборга олиб, бу масалани нисбатан кенгроқ ёритишни лозим топдик).

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, табиатга оқилона муносабат Шарқ халқлари экологик дунёқараши ривожланиш тарихидаги ўзига хос умумий хусусият, унда теологик мазмун устуворлиги билан характерланади. Мазкур халқларнинг табиий ҳодисаларга бўлган диний-теологик қарашларини, тасаввурларини ўзида ифодалаган “Авесто”, “Қуръони Карим”, “Ҳадислар” каби диннинг муқаддас китобларида келтирилган маълумотлар бундан яққол далолат беради.

“Авесто”нинг кўпгина қасидаларида табиатдаги боғларни, сувларнинг тозалигини сақлаш, уларни кўпайтириш, тупроқ, олов ва бошқаларнинг софлигини асраш ҳақида қизиқарли фикрлар айтилган. Масалан, унинг (35-42 хот) ўн учинчи бўлим 16-бандида қуйидаги фикрлар қайд этилган: “Сувлар, заминлар ва гиёҳларни олқишлаймиз. Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқларни олқишлаймиз” (Авесто, 2001. 87-б.). Шунингдек, бу муқаддас китобда инсон нафақат ўзи яшаётган табиий

муҳитга, балки ундаги турли-туман жонзотларга ҳам меҳр-муҳаббатли бўлишга даъват этилган. “Авесто”да уқтирилишича болалар ёшлигиданоқ дархт кўчатларин ўтқазиб шарт бўлган. Ер,сув,ҳаво,оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи жазосига маҳкум этилган. «Авесто»да энг муҳим экологик талаб сифатида бир турдаги табиий объектни бузгани учун иккинчи турдаги табиий объектни тўлдириш шартлиги меъёр қилиб олинган. Масалан,сувни ифлос қилган ёки ов итини ўлдирган киши 10000 руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги териши , 1000 эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи ва касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб, гувоҳини ювиши лозим бўлган.

Хусусан, «Авесто»да “Инсон - деб таълим беради Зардушт - ҳайвон боласини ўз фарзандларидек тарбияласагина, яйловларни гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилсагина, меҳнат маъбудаси Ардовсура Анахитанинг иноятига ноил бўлғусидир” (Ҳасанов, 1996, 45-б.). Бу манбада ўз даври нуқтаи назаридан, умуман Шарқ, айниқса Марказий Осиё мамлакатларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ҳақида мукамал маълумотлар берилган (Собиров, 2005. 17-б.).

Бошқача қилиб айтганда, бу келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ўтмиш аجدодларимиз дунёқараши, ижтимоий тафаккурида экологик онг ва маданиятнинг муҳим жиҳатлари ўша даврдаёқ шаклланган. Гарчи содда, диний характерда бўлса-да, атроф-муҳит мусаффолиги, табиат неъматларига оқилона муносабатларнинг давр руҳига хос хусусиятлари узоқ даврлардаёқ таркиб топа бошлаган.

Минтақамиз халқлари орасида ислом динининг кенг ёйилиши, унинг асосий манбаи бўлган Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдаги ақидалар асосида инсоннинг табиатга муносабатидаги оташпарастилик мазмунидаги хислатлардан исломий характердаги иймон-эътиқод, диёнат ва илоҳиёт билан боғлиқ тамойиллар юзага келган. Бу китобларда атроф-муҳитни асраш,ҳайвонларни боқиш,ўсимликларни парвариш қилиш тўғрисида кўп илғор, ибратли фикрлар айтилган.Баъзи ҳайвонларни овлаш таъқиқланган,дарахтларни кесиш,ўрмонларни нобуд қилиш ман этилган.Ҳатто урушларни ҳам махсус жойларда ва маълум муддатда олиб бориш тайинланган.Қуръоннинг “Моида” сурасида бундай деб ёзилган; “Сизларнинг манфаатингиз учун ва мусофирларингиз учун ҳам сизларга денгизда ов қилмоқлик ва ундаги таомларни истъемол қилмоқлик ҳалол қилинади.Сизларги қачонки,эхромда бўлган вақтларингизда қуруқликда ов қилиш ҳаром қилинди”(96-оят).Демак, денгиз ва дарёларда ов билан шуғулланиб юрган кишиларнинг қуруқликда ов қилишга ҳуқуқлари бўлмаган. Бунинг замирида энг оддий бир экологик қоидага амал қилинган,яъни ерда ҳам, сувда ҳам яшайдиган тур сонининг оптимал сони доимо сақланган.Ислом фақат ҳайвонларни овлаш, қушларнинг тухумига зарар етказмаслик ҳақида фикр юритиб қолмай, балки қоида бузувчилар тўғрисида ҳам ўз фикрларини айтган. Бу хусусда “Моида” сурасида шундай дейилади; “ Эй мўминлар, ўзларингиз эҳром чоғингизда ҳайвонларни овлаб ўлдирмангиз. Кимки қасддан ўлдирса, унга жазо лозим бўлур, яъни

Ўлдирилган жонзот мислида жаримага ҳукм қилинур. Сизлардан икки мўътабар одамга Каъбага олиб келинган ҳайвонларни шу баробарида забҳ этишга ҳукм қилурлар. Буни қила олмаса, бир неча муҳтож одамга таом берур. Бунга ҳам қодир бўлмаса рўза тутур. Токи қилган амалининг жазосини тортсин. Аллоҳ таоло салаф гуноҳларини авф қилғондир ва ҳар ким шундай гуноҳ қилса, Аллоҳ таоло ундан қасос олур” Қуръоннинг “Бақара”, “Анъом”, “Фил”, “Наҳл” каби бир неча суралари жонзотлар номи билан аталган. Қуръон ва Ҳадисларда ҳайвонат олами ҳам инсоният каби дунёда яшашга ҳақли эканлиги, уларни қийратмаслик, уларга тамға босмаслик, азоб бермаслик, оч- наҳор қўймаслик ва бошқалар ҳақида батафсил фикр юритилади. “Анъом” сурасида шундай ёзилган; “ Ер юзида ҳайвон ва ҳашоратлар ҳамда қаноти билан учадиган қушлар ҳам бамисоли сизлар каби умматлардир” (38-оят).

Ислом таълимотида экологик дунёқарашнинг онтологик муаммоларига, яъни табиатнинг пайдо бўлиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Қуръондаги “Фурқон” сурасининг 2- оятида “Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукамал қилди” (Қуръони Карим, 2001. 359-б.), - дейилган. Яъни дунёдаги ҳар бир нарса – сув, тупроқ, ҳаво, ҳайвонот олами, ҳамда наботот олами ҳам Аллоҳ таоло томонидан муайян ўлчов билан бир-бирига ўзаро боғлиқ қилиб яратилган. Агарда бу мувозанат инсон томонидан бузиладиган бўлса табиат, шу жумладан, инсон учун жиддий муаммолар келиб чиқиши эҳтимоли ниҳоятда катталиги ва жазо муқаррарлиги таъкидланган.

Аллоҳ таолонинг илоҳий китобларида инсон улуғланиб, унга табиат унсурларини асраб авайлаш, неъматларидан фойдаланишда нобуд қилмаслик, эзгу мақсадларда ишлатиш амр этилган. “Аъроф” сурасининг 56-оятида “Обод қилиб қўйилган Ер юзида бузғунчилик қилманг” (Қуръони Карим, 2001. 157-б.), деб буюрилган. Бу таъкидлар инсонни табиат ва унинг неъматларига нисбатан оқилона муносабатда бўлишга чақиради. Табиат мусаффолигини сақлашга дахлдор масалаларга алоҳида урғу берилганлиги эса шахс экологик онги, тафаккури ҳамда дунёқарашининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. “Авесто”, Қуръони Карим ва Ҳадислардан бу каби экологик фикрларни кўплаб учратишимиз мумкин. Бу фикрлардан таълим – тарбия жараёнларида фойдаланилса ўзининг ижобий натижасини бериши муқаррар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авесто. -Тошкент.: Шарқ, 2001. 87-б.
2. Ҳасанов С. Хоразм маърифати олам кўзгуси. -Тошкент.: Ўқит., 1996, 45-б.
3. Собиров У. Экологик маданият шаклланиши тарихидан. // «Экология хабарномаси». №3, 2005, 17-б.
4. Қуръони Карим. Маъноларининг таржимаси. -Тошкент.: 2001, 359-б.

ТАНГРИЧИЛИК ДИНИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ КЕРДЕР МАДАНИЯТИ АРХЕОЛОГИЯ МАТЕРИАЛЛАРИДА АКС ЭТИШИ

Б.Турганов
НДПИ, Нукус

Қадимда ва ўрта асрларда Жанубий Оролбўйи географик жиҳатдан ўтроқ-деҳқончилик маданияти ва кўчманчилар дунёси оралиғидаги сарҳад худуд ҳисобланган. Ўлка аҳолиси Хоразм ўтроқ-деҳқончилик маданияти ва кўчманчилар дунёси билан яқиндан маданий ва иқтисодий алоқада бўлишган. Бу эса ўлка халқлари моддий ва маънавий маданиятида ўзига хос ўзгачаликларни вужудга келтирган.

Илк ўрта асрларда (VI-VII асрлар) Марказий Осиёга кўчманчи туркий аҳолининг кучли миграцион тўлқини Жанубий Оролбўйи аҳолисининг этник таркибини кескин ўзгартириб юборади. Бу даврда минтақа аҳолиси маданияти ва анъаналари, дини ва эътиқоди, урф-одатларида аста-секин ўзгаришлар ва маданиятлар аралашувининг синтези кузатилади.

Бу даврдаги асосий тарихий воқеаликлардан бири, Жанубий Оролбўйида Кердер маданияти шаклланади, унинг хронологик даври VI – аср охиридан XII аср бошларигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, Кердер маданияти қўйи Сирдарё бўйидаги аҳолининг маълум қисмининг миграцион силжиши натижасида юзага келган. Натижада бу даврда Кердер маданияти аҳолисининг ўзига хос моддий ва маънавий маданияти шаклланади. Бу даврга оид Куюк-қалъа, Кердер, Тўк-қалъа, Қўрғонча каби ёдгорликлардан қайд қилинган археологик материаллар Кердер маданияти аҳолисининг маълум қисми туркийлаш жараёни юз берганлиги ва тангричилик дини эътиқодлари тарқалганлигидан гувоҳлик беради.

Жумладан, Қўрғонча (1972 йил), Кердер (1997 йил) ёдгорликларининг VII-VIII асрларга оид қатламларидан басавлат кийиндирилган ва безакларда безатилган сопол ҳайкалча топилган [Мамбетуллаев, 2000 .-С.207-211]. Ёдгорлик тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, ушбу ҳайкалча образида туркий халқларнинг фаровонлик ва оила ҳомийси бўлган маъбуда – Умай она образи мужассамлаштирилган [Ягодин, 1999.-С.88-90]. Умай она туркий халқларда фаровонлик ва янги туғилган чақолоқларнинг ҳомийси бўлиш билан бирга, улуғ ва муқаддас бош илоҳ бўлган Тангрининг умр йўлдоши ҳисобланади [Потапов, 1973.-С.92].

Бундан ташқари, Куюк-қалъа ёдгорлигининг VIII аср ўртасига оид маданий қатламларидан сопол ҳайкалча топилган [Мамбетуллаев, 2005.-С.39]. Ҳайкалчанинг белидан пастки ва бош қисмлари синган. Ўнг қўли кўкрак томонга тўғри бурчак остида букилган ва рельефи шаклда қўлида қадаҳга ўхшаш идишни турган ҳолатда акс эттирилган. Ўнг қўлига билакузук тақилган. Пастга туширган чап қўли бармоқлари синган. Ҳашамдор устки кийими ёқалари учбурчак тарзли, кийим ёқасининг чеккалари хошияланган ва қўл қисмлари узун ишланган. Ҳайкалчанинг сақланган қисми баландлиги 5,5 см, эгнилари оралиғи кенлиги 5 см, қалинлиги 1,4 см.

Ҳайкалча образи бир томонлама ишланган, орқа томони текис, очик кизгиш ангобда ишлов берилган. Умуман, ҳайкалча юксак маҳорат билан санъат асари даражасида тайёрланган. Унга ўхшаш туркий халқлар маданиятига оид ҳайкалчалар Жанубий Хоразмнинг илк ўрта асрларга оид Якка – Парсон ва Катта Қирққиз ёдгорликларида қайд қилинган [Неразик, 1987.-С.117; Пугаченкова, 1960.-С.64].

Археологик ва этнографик материалларда, Умай она қўлида муқаддас сутга тўлдирилган олтин қадаҳ рамзий акс эттирилган [Патапов,1973.-С.92]. Агарда чақалоқ касал бўлса Умай она болани сут билан озиқландирган ва унинг соғайишига олиб келган. Умай она образи Жанубий Оролбўйи худолар пантеонида илк ўрта асрлардан олдинги даврларда учрамайди .

Айниқса, тангричилик элементлари ва туркий халқлар моддий маданияти белгилари Кердер маданиятининг илк ўрта асрларга оид Куюк-қалъа ва Қрантаў тепалиги қабристонидagi қурилишларда яққол кузатилади [Ходжаев, Мамбетуллаев, 2008.-С.93,113].

Қрантаў тепалигидаги қабристон қўрғонларининг асосий тўртта белгиси мавжуд: тупроқдан уйилган тепалик, қазилган қабр ва у тўлдирилган, жасад, қабрдаги инвентарлар жойлашувидан иборат [Ягодин, 2008.-С.43-44]. Қабр устига тупроқдан уйилган тепаликнинг умумий диаметри тахминан 6-12 метр, баландлиги 0,2-0,4 метр. Қабрдаги лаҳадда жасад орқаси билан ётқазилган, қўллари жасад бўйлаб узунчасига чўзилган, боши шимол томонга йўналтирилган. Маълумки, тангричилик динида шимол муқаддас томон ҳисобланган.

Ёдгорликдаги эркаклар қабрларида ҳарбий қурол-аслаҳалар (камон, ўк учлари, ўқдон), от-улов анжомлари (сувлиқ, узанги), камарлар тўплами, безак буюмлари, сопол ва ёғоч идишлар учрайди.

Хотин-қизлар қабрларида асосан, заргарлик буюмлари (тумор, билакузук, сирға ва мунчоқлар), кийим-кечак деталлари (тўқа, тугма), меҳнат қуроллари (сопол урчуқ бошлари), сопол ва ёғоч идишлар қайд қилинган. Қабрдаги тумор, заргарлик буюмлари ҳаётда қайси жойда бўлса ўша жойда сақланган, сопол ва ёғоч идишлар бош чаноқнинг чап томонида жойлашган. Аёллар қабрларининг ўнг қўл яқинига қўйнинг оёқ суяклари қўйилган [Ягодин, 2008.-С.43-44]. Чунки, тангричиликдаги мифологик тушунчаларга кўра, қўй аёлларнинг ижтимоий мавқеидан далолат бериб турувчи рамзий белги ҳисобланади.

Куюк-қалъа қабристони қалъанинг шимоли-ғарб ва ғарбий қисмидаги тепаликда жойлашган бўлиб, умумий майдони 6,5 -7 га тенг [Ходжаев, Мамбетуллаев, 2008.-С.115-116]. Қабристондаги қабрларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

Лаҳадга жасад кўмилган қабрлар;

Суяклари тозалангандан сўнг иккинчи марта дафн этилган қабрлар.

Куюк-қалъа қабристонлигидаги бир даврга оид турли хил қабрлар Куюк-қалъа аҳолисининг бирдан-бир этник гуруҳ ва диний эътиқодга эга бўлмаган, ҳар хил қавмлардан ташкил топганлигидан гувоҳлик беради. Бу эса илк ўрта асрлардаги Кердер маданияти аҳолиси, умумий моддий маданиятга бирлашган ҳолда, ўзларининг турли хил қадимий дафн қилиш

анъаналарини сақлашни давом эттирганлигини кўрсатади. Биргина Куюк-қалъа шахрида яшовчи аҳоли бир даврда ҳар хил дафн анъаналарини бажаришган, яъни улар бир даврда астодонларга (хоразмликлар) ва чуқур қилиб қазилган лаҳадларга (туркий аҳоли ?) дафн этишган [Ходжаев, Мамбетуллаев, 2008.-С.115-116].

Демак, Кердер маданияти аҳолиси VI-VIII асрларда 2 хил тарзда дафн қилишган: қазилган лаҳадга жасад кўмилган ва тозаланган суяклар остоданда қабрларга қўйилган. Куюк -қалъанинг бир қисм аҳолиси илк ўрта асрнинг сўнги даврларида ҳам лаҳадларга жасадни кўмиш анъаналарини давом этган. Тангричилик динидаги анъаналарга кўра вафот этган одам учун келажакдаги ҳаётида зарур бўлиши мумкин бўлган барча зарурий буюмлар ва озик-овқатлар қўшиб кўмилган.

Унга ўхшаш лаҳадларга жасад кўмилган қабрлар Хоразм воҳаси ёдгорликларида учрамайди, улар кўпроқ қўйи Сирдарё бўйидаги Жетиасар маданияти қабр қўрғонларига ўхшаш бўлиб, илк ўрта асрлардаги Кердер маданияти аҳолисининг келиб чиқиши генетик жиҳатдан улар билан боғлиқ [Ходжаев, Мамбетуллаев, 2008.-С.414].

Кердер маданиятидаги Куюк-қалъа, Қрантаў тепалиги ёдгорликларидаги кўплаб ҳунармандчилик, заргарлик буюмлари компонентларида тангричилик динига оид элементлар учрашади.

Айниқса, Куюк-қалъа археологик материалларидаги металл, тош, суяк ва ёғочдан тайёрланган ҳар хил тумор ва заргарлик буюмлари тангричилик динидаги илоҳий аҳамиятига эга магик инвентарлар ҳисобланади [Ходжаев, Мамбетуллаев, 2008.-рис.XLII].

Улардан биринчи гуруҳга ҳайвонларнинг суякларидан тайёрланган туморлар: бурғулаб тешилган тишлар, қозик тишлар, панжа суяклари. Ҳайвон суякларидан тайёрланган туморлар асосан аёллар қабрларида учрайди.

Адабиётларда туморлар инсонларни турли фалокатлардан сақловчи магик хусусиятга эга предмет ҳисобланади [Ковалевская, 1983, -С.43].

Иккинчи гуруҳдаги туморлар ёғочдан ясалган. Улардан текис, юқори қисми тешилган томчисимон, айланасимон хочсимон, свастика тарзли шокилалар топилган [Ходжаев, Мамбетуллаев, 2008.-рис.XLII,4-7].

Хоч, айлана, свастика, тўғрибурчак ва бошқа рамзий тасвирлар кўплаб туркий халқларнинг тангричилик динидаги олов ва қуёшнинг рамзий белгиси сифатида ифодаланган [Даркевич, 1960, с.59]. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, ҳозирги христиан дини рамзлари сифатида қараладиган кўп нарсаларнинг бошланғич шакллари (масалан, хоч, иконалар, қўнғироқлар) мелодий IV асрда гуннлар билан Европага кириб келган.

Куюк-қалъа ёдгорлигидаги учинчи гуруҳ туморлар металлдан тайёрланган. Улар туя, чўчқа, айланасимон халқа ичига от қиёфаси туширилган, тоғ эчкиси тарзли туморлар ҳисобланади.

Маълумки, ҳайвонлар образи инсонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши дунёнинг кўплаб халқлари, жумладан ўрта аср туркий халқлар мифологиясида ҳам кенг тарқалган. Тангричиликдаги тушунчаларга кўра улардан от, туя, тоғ эчкиси ва қўй инсонларнинг ижтимоий мавқеини белгилаб берган.

Демак, илк ўрта асрларда Жанубий Оролбўйида ўтроқ ва кўчманчи аҳоли маданиятларининг аралашуви ва синтезлашув жараёнида Кердер маданияти шаклланган. Натижада, ўлка аҳолиси маънавий ва моддий маданиятларида жиддий ўзгаришлар юзага келган. Куюк-қала, Қрантаў тепалиги ёдгорликлардаги Кердер маданияти аҳолисининг бир қисми тангричилик динига эътиқод қилишган.

Айниқса, VI-VIII асрларга оид Куюк-қала, Қрантаў қабр қўрғонлардаги дафн этиш услублари, турли хил туморлар ва Умай она ҳайкалчалари Кердер маданияти аҳолиси диний эътиқодларида Тангричилик дини муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ковалевская В.Б. Антропоморфные амулеты VI-IX вв. на Северном Кавказе. КСИА АН СССР. №176, 1983.-С.43.
2. Мамбетуллаев М.М. Статуэтка Умай из Кердера //ИМКУ. Вып.31. -Самарканд. 2000.-С.207-211.
3. Мамбетуллаев М.М. Раннесредневековая Куюккала // Вестник. Международного Института Центральноазиатских исследование. -Самарканд-Бишкек. 2005. Выпуск 2, -С.37-41.
4. Неразик Е.Е. Каменная статуэтка из Якке-Парсана // Прошлое Средней Азии (археология, нумизматика, эпиграфика и этнография).-Душанбе. 1987.-С.116-119.
5. Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. 1972. -М.: 1973. -С.90-94.
6. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана.-Москва, 1960.
7. Ходжаев Т.К, Мамбетуллаев М.М. Раннесредневековый некрополь Куюк-кала.-М.: 2008.
8. Ягодин В.Н. Кердерская Умай //Вестник ККО АНРУз.- Нукус. 1999.№2.-С.88-90.
9. Ягодин В.Н. Комплекс археологических объектов на возвышенности Крантау// Археологии Приаралья. Вып.7. -Ташкент. Фан. 2008.-С.10-107.

ОВУЛТЕПА ЁДГОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ТАҲЛИЛИГА ДОИР

С.Ш. Кубаев

*ЎзРФА Археологик
тадқиқотлар институти, Самарқанд*

Овултепа ёдгорлиги Ўрта Осиёнинг тўлиқ ўрганилган ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Ёдгорлик 1956-йилда С.К.Кабанов бошчилигидаги гуруҳ томонидан очилиб, кулоллик идишлари мажмуаси ҳамда нумизматик намуналар асосида V асрлар билан даврлаштирган (Кабанов, 1981. С.79). С.К.Кабанов дастлабки маълумотларга таянган ҳолда ёдгорликни илк ўрта асрларга оид маҳаллий деҳқоннинг қўрғони, деб айтиб ўтади. Кейинги даврда яна кўплаб мутахасислар мазкур фикрни тасдиқлаб келишган. Жумладан, В.А.Нильсен, С.Хмельницкийлар ҳам Овултепани “қўрғон” деб айтиб ўтишади (Нильсен, 1966. С.135-139).

Бироқ кейинги даврда Ўрта Осиё ҳудудида олиб борилган кенг кўламдаги археологик қазиш ишлари ҳудуд меъморчилиги ҳақида янги маълумотлар берди. Мазкур омиллар С.К.Кабанов томонидан Овултепа ёдгорлиги ҳақида айтилган фикрларини яна бир бора янгитдан қараб чиқиш лозимлигини кўрсатди. Муаммони тўлиқ тушуниб олиш учун Овултепа ёдгорлиги тузилишига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Овултепа –қадимги ўзан яқинидаги табиий терассада жойлашиб, ер сатҳидаги 33x27 м. Ёдгорлик ёнида яхши сақланмаган, вазифаси номаълум қурилишларнинг қолдиқлари ҳам қайд этилган. Бино дунё томонларига паралел тўртбурчак шаклда. Кириш қисми шимолий девор ўртасида жойлашган. Марказда 6 та хонадан иборат комплекс ва уни ўраб олган “айлана коридор” (обводной коридор) мавжуд. Тўрт томондаги ташқи деворлар бўйлаб айлана коридорга эшиги қараган, ўлчамлари ўзаро яқин, 21 та хона қурилган. В.А.Нильсен тархга мос тарзда реконструкция қилиб, яна 2 та хона мавжуд бўлганлигини аммо, ташқи омиллар таъсирида яхши сақланмаганлигини айтиб ўтади (1-расм).

Юқорида айтилган хоналар қурилишида маълум қонуниятга амал қилиниб, биринчи деворлар бўйлаб кенглиги 0,85-1,0 м, баландлиги 15-20 см. лик супалар қилинган, дастлабки 4,3x4,07, 3,8x,3,8 ўлчамдаги хоналар қурилган бўлса, кейинги хона эса нисбатан кичик 2,5x2,1 ўлчамда бўлган. Айлана коридорнинг барча томонларида ана шундай хоналар мавжуд бўлиб, фақатгина ёдгорлик бурчакларидаги хоналар бироз фарқ қилади. Бироқ бу фарқ юқоридаги қонуниятдан кескин фарқ қилмайди. Ушбу кичик хоналарда супалар йўқлигига кўра нарсалар қўйиш учун мўлжалланган омборхона бўлиши мумкин, деган хулосага келдик. Шу асосда кўриб чиқадиган бўлсак, ҳар бир катта супали турар-жой хонаси ана шундай кичик омборхонага эга бўлган ва иккаласи битта комплексни ташкил этган. Ёдгорликда 12 та ана шундай комплекс қайд этилган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек ёдгорлик режавий тузулиши ўзига хос бўлиб, қазиш ишлари давомида олинган топилмалар ҳам уни тўлдиради. Аммо ёдгорлик материалларининг қайта таҳлили С.К.Кабановнинг хулосаларида бир қанча ноаниқликларни юзага чиқаради:

Биринчидан, ёдгорлик ўзининг тузилишига кўра мазкур даврдаги Ўрта Осиё кўрғонларидан фарқ қилади. Маълумки, кўрғонларда мудрофаавий жиҳатлар биринчи ўринда турган. Бу борада С.Хмельницкий кўрғонларнинг асосий хусусиятларидан бири “меъморчилигининг мудрофаа хусусиятлари: ...қалин монолит деворлар, бинони текислик жойдан 5,6 м, баъзида 10 м юқори қилувчи баланд тагкурсисидир”, деб таъкидласа (Хмельницкий, 2000. С.65), Т.Лебедева: “...Кўрғон кучайтирилган ҳимоя тизимига: бинонинг баланд тагкурсиси, қалин деворлар, мудрофаа буржлари ва буржлар, шинаклар ёнида эркин юриш имконини берувчи ўқчилар галереясига эга бўлиши лозим...”, деган фикрлар билан буни тасдиқлайди. Яъни, Овултепада С.Хмельницкий, В.А.Нильсен, Т.Лебедевлар кўрсатиб ўтган мудрофаавий жиҳатларни кўрмаймиз. Ёдгорлик асосий биноти табиий она замин устига, ҳеч қандай тагкурсиларсиз барпо этилган. Бу қазишма муаллифи томонидан ёдгорликнинг 15 ва 16 – хоналари қирқимларида аниқланганлигини айтиб ўтилган (Кабанов, 1981. С.46-47). Ёдгорликнинг

С.К.Кабанов томонидан тайёрланган реконструкциясида қайд этилган бурчакларда жойлашган тўртта бурж ҳақидаги тахмини ҳам кўп ўтмасдан В.А.Нильсен томонидан рад этилган (Нильсен, 1966. С.137, рис.48). Шунингдек, ёдгорлик ташқи деворларида ҳам кўпчилик қўрғонларда қайд этилган шинаклар ҳам учрамайди. Демак, ёдгорлик бошқа қўрғонлардаги каби мудофаа жиҳатларига эга бўлмаган;

Иккинчидан, бинода кўпчилик қўрғонларда бўлгани каби алоҳида катта ва кўркам меҳмонхоналар ва алоҳида хўжалик қисми кузатилмайди. Бу борада ҳам С.Хмельницкий, Т.Лебедевлар ўзига хос фикр айтишган. Яъни, С.Хмельницкий “...Ўзининг меъморий ечимига кўра, қўрғон унчалик катта бўлмаган, хавfli шароитларда яшаш учун фойдаланиш мумкин бўлган, атрофи турар-жой ва хўжалик хоналари билан ўралган икки ёки уч қаватлик донжонли манзилгоҳ бўлиши мумкин. Шу билан бирга, юксак мартабали заминдорнинг қарам ер эгаларининг турар-жойлари билан ўралган, хўжалик хоналари, меҳмонхона, ички ҳовли ва мудофаа этилувчи қисмдан иборат резиденция бўлиши ҳам мумкин”, деб фикр билдирса, Т.Лебедева “...меҳмонларни кутиш, оилавий ва диний байрамларни ўтказиш учун тантанали ва турар-жой қисм бўлиши керак. Бундан ташқари қўрғон эгасининг қайси динга эътиқод қилиши ва канчалик диндорлигидан келиб чиққан ҳолда – диний хона бўлиши шартдир...», деган фикрлари билан қўрғонлардаги меҳмонхона ва хўжалик хоналарига урғу беришган (Лебедева, 2000. С.142). С.К.Кабанов марказий қисмдаги хоналар юқорисига олиб чиқувчи пандуснинг мавжудлигига қараб тантанали қисм айнан марказдаги хоналар иккинчи қаватда жойлашган бўлиши мумкин, деб айтиб ўтади. Бироқ унинг ўзи “...биринчи қаватнинг қалин деворларига кўра айтишимиз мумкинки, иккинчи қаватнинг режавий тузилиши биринчи қават режавий тузилишига мос бўлган...” фикрларини келтириш билан иккинчи қаватда меҳмонхона бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминларни йўққа чиқаради (Кабанов, 1981). Шунга кўра, айтишимиз мумкинки, иккинчи қават мавжуд бўлса ҳам у ерда хўжалик хоналари бўлиши мумкин холос. Демакки, бу жиҳатдан ҳам Овултепа қўрғонлардан фарқ қилади;

Учинчидан, ёдгорликдан топилган кулоллик мажмуалари ҳам атрофдаги жойлашган ёдгорликлардан кескин фарқ қилади. Маълумки, бу даврда Ўрта Осиёга кўплаб кўчманчи ҳалқларнинг кириб келиши натижасида, деярли барча ҳудудларда қўлда ясалган идишлар кулоллик идишларнинг катта қисми ташкил этади. Ҳатто йирик урбанизация маркази Ерқўрғонда ҳам қўлда ясалган идишлар кулоллик мажмуаларининг 40% ташкил этган (Исамиддинов, 1984). Буни С.К.Кабанов ҳам айтиб ўтади (Кабанов, 1959). Ушбу номутаносибликни муаллиф “Овултепа топилмаларининг ёнида жойлашган Жангалтепа топилмаларидан кескин фарқ қилиши, Марказий Суғдлик маълум бир зодагон воҳани тарк этиб янги бўш жойларга келиб жойлашган бўлиши мумкин”, деб асослашга ҳаракат қилади. Бироқ бугунги кунда Ерқўрғон сополларининг таҳлили Овултепа кулоллик мажмуаларининг бир қисми маҳаллий сополлардан келиб чиққанлигини кўрсатмоқда (Исамиддинов, 1984. С.118-119). Демакки, Овултепада Марказий Суғддан махсус кишилар учун бир хилдаги меҳмонхона идишлар келтирилган бўлган;

Мазкур номутаносибликлар С.К.Кабанов томонидан берилган хулосаларни қайта кўриб чиқишимизга асос бўлди. Маълумотларни қайта таҳлил қилиниши, хоналарнинг бу каби тузилиши, иншоотнинг умумий меъморий ечими Ўрта Осиёнинг ўрта асрларга оид работ ва карвонсаройларини ўхшашлигини кўрсатди. С. Хмельницкийнинг работлар ва карвонсаройлар тузилишининг ўзига хослиги ҳақидаги ишларида юқоридаги фикримиз ўз тасдиғини топган: «... работларнинг умумий тузилиш тамойиллари уни ҳамма томондан ўраб олган (кўп ҳолларда) ички тўғрибурчакли ҳовли ва ташқи пастқам деворлардан иборат бўлиб, бу маъморчилик тарихидаги энг қадимий режалардан биридир. У Марказий Осиёда исломгача бўлган даврдаёқ қўлланиб келинган бўлиб, унинг асосида хар-хил мақсадларга мўлжалланган, хусусан, турар жой мажмуалари, масжидлар, мадрасалар, карвонсарой-рободлар барпо этилган. Карвонсарой ва работлар қурилишида турли хил режаларда асосидаги иншоотлар илк ислом даврида ҳам сақланиб қолган ёки археологик қазилар натижасида очилган ёдгорликларда ҳам сақланиб қолган» (Хмельницкий, 1992. С.180).

Мазкур режанинг ёрқин мисоли сифатида Пойкенд шаҳри работини келтириб ўтиш жоиз (Мухамеджанов и др., 1988. С.117). Бинонинг квадрат (75x72 м) режаси дунёнинг тўрт томонига қиёсан ишланган (2-расм). Карвонсаройнинг худудининг марказий қисмини 47x56 м ўлчамли ҳовли эгаллайди. Ҳовлининг жанубий, ғарбий ва шарқ томонларини аниқ ташкиллаштирилган турар жой ва хўжаликка мўлжалланган бинолар гуруҳи ўраб олган. Ҳар бир секциянинг ўртасида айвонли хоналар ва икки ён хоналари мавжуд. Ушбу уч хонали секцияларнинг ўртасида бир мунча чуқур бино жойлашган. Бу бинонинг Ўрта Осиёга хос анъанавий шаклдаги чиқиш эшиклари ҳовлига қараган. Уч хонали гуруҳларда супа ва учоқлар мавжуд эмас. Тадқиқотчилар бу хоналар уларнинг кириш қисми қулай бўлишига қарамасдан хўжалик ёки омборхона учун мўлжалланган, деб ҳисоблашади (Хмельницкий, 1992. С.181). Ўрта аср карвонсарой-работлари бўлган Работи Малик, Доя Хотин, Эшон работ, Работи Шарифларнинг режалари Овултепаникига бирмунча яқин.

Бироқ Овултепа топилмалари ёдгорликни милодий V-VI асрларга оидлигини кўрсатади (Кабанов, 1981). Ҳозирги кунда Ўрта Осиё худудларидан исломгача бўлган қарвонсарой-работлар очилмаган. Лекин бу уларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатмайди. Зеро, бундай карвонсарой-работлар Эронда очилган (Хмельницкий, 1992. С.179). Ушбу ҳолатни С. Хмельницкий шундай изоҳлайди: «... Ўрта Осиё ислом давригача бўлган даврда майда тарқоқ унча катта бўлмаган мулклардан ташкил топган бўлса сосонийлар Эрони эса кенг марказлашган давлат бўлган...». Аммо ҳозирги кунга келиб бу ғоя эскирган бўлиб, қўлга киритилган янги маълумотлар илк ўрта асрларда Ўрта Осиё Буюк Ипак йўлидаги савдо муносабатларида муҳим рол ўйнаганлигини кўрсатмоқда. Суғдийлар Шарқ ва Ғарб билан савдо-сотикдаги асосий воситачи бўлишган. Буни Яқин Шарқда очилган кўплаб Суғд савдо факториялари тасдиқлайди (Беленицкий, 1973. С.109). Шу боисдан айтишимиз мумкинки, Овултепа ёдгорлиги илк ўрта асрларга оид дастлабки тўлиқ очилган работ-карвонсарой бўлиши мумкин. Ёдгорлик маълумотларининг қайта таҳлили ушбу фикримизни тўлиқ асослайди.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, катта савдо йўллари устида жойлашган работ ва карвонсаройлар карвон, бир карвонсаройдан тонгда жўнаб иккинчисига қоронғу тушгунча етиб бориши учун бир кунлик йўл оралигида қад кўтарган. Овултепа ҳам Самарқанддан Ерқўрғон, Кеш, Бақтрияга боровчи йўллар кесишмасида жойлашган (3-расм).

Хулосада шуни айтмоқчимизки, янги тадқиқотлар, Овултепа - илк ўрта аср Суғдидаги дастлабки очилган работ, деган фикрни илгари суриш имконини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А.М. Беленицкий и др. Средневековый город Средней Азии. Л. Наука. 1973. 389 с.
2. М.Х.Исамиддинов, Р.Х.Сулейманов Еркурган (стратиграфия и периодизация). Ташкент. Фан. 1984. 159 с.
3. С.К. Кабанов Культура сельских поселений южного Согда III-IV вв.-Ташкент. Фан, 1981. 128 с.
4. С.К. Кабанов Согдийское здание V в. н.э. в долине р. Кашка-Дарьи // Советская археология. М. Советская археология. №3. 1985. 144-152 стр.
5. Т.И. Лебедева Генезис замковой архитектуры Центрального и Южного Согда в раннем средневековье. // История материальной культуры Узбекистана. Вып.31, Самарканд. Институт Археологии. 2000. стр.141-155
6. А.Р. Мухамеджанов Дж.К.Мирзаахмедов, Ш.Т. Адылов, Г.Л. Семенов Городище Пайкенд (к проблеме изучения средневекового города Средней Азии). Ташкент. Фан, 1988. 196 с.
7. Нильсен В.А. 1966. Становление феодальной архитектуры.-Ташкент. Фан. 354.
8. С.Хмельницкий Между кушанами и арабами // Архитектура Средней Азии V-VIII вв. Берлин-Рига. «Gatajun», 2000. 291 с.
9. С.Хмельницкий Между арабами и тюрками. Раннеисламская архитектура Средней Азии /Архитектура Средней Азии IX – X вв. Берлин-Рига. «Gatajun», 1992. 341 с.

РАБОДТЕПА I СУҒДНИНГ ИЛК ЎРТА АСР ҚИШЛОҚ МАКОНИ

А.Сандибоев

*ЎзР ФА Археологик
тадқиқотлар институти, Самарқанд*

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида тарихий, археологик ёдгорликларни янгича илмий қарашлар ва ёндошувлар асосида атрофлича ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш ватанимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир» (Мирзиёев, 2017. Б. 29), -деб таъкидлагани бежиз эмас.

Сўнгги йилларда Суғдда олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида аждодларимизнинг қадимги деҳқончилиги, шаҳарсозлиги, давлатчилиги моддий маданиятига оид янги маълумотлар қўлга киритилди.

Ёзма манбаларда илк ўрта асрларда Самарқанд Суғдига қарашли бир нечта ҳуқумдорликлар номлари келтирилган бўлиб, улардан энг йириги воҳанинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Маймурғдир. Бугунги кунга қадар мазкур мулклик таркибига кирган илк ўрта асрларга оид шаҳарлар ва ибодатхоналарда археологик тадқиқотлар олиб борилган бўлса, аммо унинг илк қишлоқ маконларини ўрганиш ва унинг Маймурғ мулклигининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тарихида тутган ўрнини ёритиш долзарб масалалардан биридир.

Маймурғ мулклиги таркибига кирувчи Рабодтепа I қишлоқ макони Самарқанд вилояти, Ургут туманида жойлашган бўлиб, ёдгорликда 2017 йилда археологик қазишма ишлари олиб борилди. Ёдгорлик тархи 37x20 м, баландлиги эса 5 м бўлиб, қазишмалар давомида 3 та хона қолдиғи очилди.

Хоналар тархи тўғри тўртбурчак шаклда, деворлари пахса (1x0,89-0,95 м) ва хом ғишт (48x25x9-10 см) ёрдамида кўтарилган. Хоналарга кириш эшикларининг ўрни шарқий, шимолий-ғарбий, ва жануб томонга қараб қурилган. Эшикларнинг ён деворидаги пахса блокнинг иккинчи қатори суйри тарзда кесиб олинган ва унинг устидан кўндаланг тарзда хом ғиштан эшик усти равоқсимон тарзда ёпилган Хона поли шиббаланган тупроқ устидан сомонли лой билан сувалган.

Хоналар томларини ёпишда пахса блокли девор устига терилган трапеция шаклдаги хом ғиштан (36x29x25x8-9 см) фойдаланилган Хона поли устида эса 5-10 см қалинликдаги кул қатлами мавжуд. Қатламдан кулоллик идишлари намуналари ва пишиқ ғишт бўлаклари йиғиб олинди.

Марказий Осиёнинг илк ўрта асрларга хос қурилиш материаллари барча худудларда бўлгани каби, Рабодтепа I ёдгорлигининг қурилиш усулларида ҳам пахса блок ва хом ғиштлардан фойдаланилган. Хусусан, пахса блоклардан хона деворларини кўтаришда, хом ғиштлардан эса хона ва ундаги эшиклар томини ёпишда фойдаланилган. Хоналарга кириш эшикларининг усти равоқсимон (арка) шаклда ёпилган.

Абу Али Ибн Сино ҳам ўзининг тиббиёт соҳасидаги қомусий асари бўлган «Тиб қонунлари»да турар жой танловчи киши қуйидагиларни билиши керак, деб ёзади. Яъни, ўша ернинг тупроғи, баландлик ва пастлиги, очик ва ёпиқлиги, суви, шамоллари, тоғлар ва фойдали қазилмалари, хона, дераза ва эшиклари шимолга ҳамда шарққа қаратиб қурилиш кераклигини ва бошқалар тўғрисида маълумотлар беради (Ибн Сино, 1993. Б. 46-47). Ибн Сино томонидан таърифланган омиллардан келиб чиқиб қурилган турар жойлар соғлом ҳаёт ва яшаш учун қулай бўлади.

Б.А. Литвинский ва В.С. Соловьевларни таъкидлашича, иншоотларнинг мураккаб ва аниқ тархи қурилишда илгаридан тайёрланган ҳамда аниқ жойлаштирилган лойиҳалар мавжуд бўлган. Хусусан, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига Камолиддин Беҳзод ишлаган миниатюраларнинг бирида қурилиш жараёни ифодаланган бўлиб, унда бош меъмор қурилайётган бинонинг моделини ушлаб турган ҳолати тасвирланган (Шарафуддин Али Яздий, 1997).

Ғиёсиддин Жамшид Коший «Ҳисоб калити» асарида архитектура шакллари яшаш ва ҳисоблаш усуллари тўғрисида маълумотлар берган бўлиб, унда тоқ, равоқ ва гумбазлар шаклини чиқаришга доир беш хил услубнинг баёни ва чизмалари келтирилган (Камолов, 1976. Б. 22). Умуман биноларнинг улуғворлиги, ҳашаматлиги, безалиши уларнинг олдиндан тайёрланган лойиҳалар ва ҳисоб китобларга боғлиқдир.

Рабодтепа I ёдгорлиги хоналар ва эшиклар лойиҳаси ва унинг томларини ёпишда меъмор қурувчи ўзига хос бўлган услублардан фойдаланган. Яъни, хона эшиклари жануби ва жануби-шарқ томонга қараган. Эшикларини қуришда девор бурчагига яқин бўлган жойлардан фойдаланган. Албатта бунда хона майдонининг қисқартирмаслик қонуниятига амал қилинган. Рабодтепа I эшикларининг равоқ тавони горизонтал ҳолатда текис эмас, пахса суйри тарзда кесилган ва устидан хом ғиштлар (49x26x8-9 см) кўндаланг тарзда «понасимон» усулда терилган. Равоқсимон пештоқлар эшик баландлигининг 2/3 қисмидан бошланган. Албатта, хоналар ва эшиклар кенг, бўйи баланд бўлса, бу хонага ва эшикка улуғворлик бағишлайди ва чиройли кўринади. Ёдгорликда қайд этилган пештоқлар Суғднинг авултепа (Нильсен, 1990. С. 236) ва Ёнчашма (Бердимуратов 1990. С. 34-137) ёдгорликларида учрайди.

Эшиклар ва уларнинг кесакилари сақланиб қолмаган, аммо кесакиларнинг ўйик излари, бўсағада ётқизилган, куйган ёғоч излари ва чуқурчалар ташқи эшиклар ёғочдан ясалганини кўрсатади. Албатта, ёғочдан ясалган эшиклар ичкари томонга қараб очилган. Бунда эшикларнинг ташқарига қараб очилмаганлиги ташқи шовқин, чанг ва ҳоказолардан хонани сақлаган (Ахмедов, 1997. Б. 97).

Пахса блоклар қизғиш тупроқ лойидан қилинган, улар 1- ва 2-хоналарда ўлчамлари 1x0,89-0,95 м. бўлса, 3 хона деворларида 1-1,58x0,82 м. га тенг. Мавжуд пахса блоклар чок бостириш тарзда урилиб, пастки қатлам, юқори қатлам бўлмаларини “боғлама тугун” тарзда босиб туради. Этнографик маълумотларга кўра, пахса блоклар тахта қолиплар ёрдамида урилган. Хона томини ёпишда 36x29x25x8-9 см ўлчамли трапеция шаклдаги хом ғиштлардан фойдаланган. Бу усулда қурулган гумбазлар Марказий Суғднинг Панжикент (Ставиский, 1964. С.139), Ёнчашма (Бердимуратов 1990. С. 134-137) ва Арабтепа (Сандибоев, Кубаев, Рахимов, 2016. Б.133) каби ёдгорликларида шунингдек, Уструшонада жойлашган Қалаи Қаҳқаҳа (Негматов, 1966. С.31) ёдгорлигида қузатилган. Хом ғишт ўлчамлари ҳам Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар ёдгорликларида кенг тарқалган (Нильсен, 1966. С. 206-208).

Рабодтепа I ёдгорлигида ўтказилган қазув ишлари давомида турли хил сопол идиш бўлаклари, яъни кўза, коса, хум, хурмача, қозон ва ликобча (тарелка) топилди. Идиш намуналарининг ўз вазифасига кўра хўжалик, ўчоқбоши, ошхона ва уй рўзғорнинг бошқа юмушларида ишлатилган.

Ушбу маҳсулотлар қўлда ва кулоллик чархида ясалган бўлиб, мазкур идиш намуналари Суғднинг Афросиёб (Соколовская, 2016. Рис. 69, 4-5), Кофирқалъа, Челак (Маршак, 2012. Илл. 136, 1; 169, 12), Жартепа (Бердимуратов, Самибаев, 1999. Рис. 64, 9-10), Панжикент (Бентович, 1964.

Рис. 1, 18) каби ёдгорликларнинг VII-VIII асрлар маданий қатламларида учрайди.

Ёдгорликда топилган кулоллик буюмлари орасида бир дона ички томонига слюда сепилган лycopчa (тарелка) ҳам учрайди. Мазкур идишнинг шакл жиҳатидан кўриниши ҳозирги «тарелка», деб аталадиган чинни идишларнинг айнан ўзи, яъни уларнинг сополдан ясалган «прототи́пи»дир. Идишларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири идишларнинг ичкари томонига слюда сепилганлигидир. Тадқиқотчилар бундай идишлар тури сосонийларнинг металл идишларига тақлид қилиб ишлаб чиқарганлигини таъкидлайди (Григорьев, 1946. С. 96; Маршак, 2012. С. 246).

Хуллас, Работтепа I ёдгорлиги илк ўрта асрларда ёзма манбаларда қайд этилган Маймурғнинг тоғли қишлоқ маконларидан бири бўлиб, Марказий Суғднинг бош шаҳри Афросиёбдан Панжикентга олиб борувчи қадимги йўл ёқасида жойлашган. Ёдгорлик илк ўрта асрларда арабларнинг Суғдга қилган юриши даврида вайрон қилинганлиги, ёдгорликнинг маданий қатламларида аниқланган ёнғин ва уни натижасида ҳосил бўлган қалин кул қатламларидан маълумдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том I. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т.,1997.
3. Бентович И.Б. Керамика верхнего слоя Пенжикента (VII-VIII вв.)//МИА.№124. М.,1964.
4. Бердимуратов А.Э. Раскопки на бугре Енчашма//Археологические работы на новостройках Узбекистана. Т., 1990.
5. Бердимуратов А.Э., Самибаев М.М. Храм Джартепа. 1999.
6. Григорьев Г.В. К вопросу о художественном ремесле до мусульманского Согда // КСИИМК. № 12. М.,1946.
7. Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 жилд. Тошкент, 1993. Б.46-47.
8. Камолов А. Обидаларда яширинган илм. Фан ва турмуш.№4. Т.,1976.
9. Литвинский Б.А. Соловьев В.С. Средневековая культура Тохаристана (В свете раскопок в Вахшской долине). М. 1985.С.49.
10. Маршак Б.И. Керамика Согда V-VII веков как историко культурный памятник(К методике изучения керамических комплексов). Санкт-Петербург. 2012.
11. Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. (Материальная культура Уструшаны). Вып. 1. Душанбе, 1966.
12. Нильсен В.А. Становление феодальной архитектуры Средней Азии V-VIII вв. Т.,1966.
13. Сандибоев А.Н., Кубаев С.Ш., Рахимов К.А. Арабтепа- Марказий Суғднинг йирик қишлоқ қўрғони// O'zbekiston arxeologiyasi. №1(12). Самарқанд, 2016.
14. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II // Юридические документы и письмо. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. М.,1962. С.182-183.
15. Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII начала XIII в.). Самарканд:МИЦАИ, 2015.
16. Ставиский Б.Я. Раскопки квартала жилищ знати в юго-восточной части пенджикентского городища (объект VI) в 1951-1959 гг // МИА. №124. М.,1964.
17. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т.,1997.

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ЛИНИИ ОАЗИСНОЙ СТЕНЫ БУХАРЫ КАМПИР ДЕВОР У КЫЗЫЛТЕПА

С.Д.Мирзаахмедов, Д.К.Мирзаахмедов

*Институт Археологических
исследований АН РУз. Самарканд,*

С.Штарк,

США Университет Нью - йорка

В последние годы феномен «длинных, оазисных стен» всё более привлекает внимание археологов. Новые материалы о районных и оазисных стенах поступают с древнего Ближнего Востока, где самые ранние примеры встречаются уже в 3-м тыс. до н.э. Вместе с тем оазисные стены хорошо известны в Средней Азии и Северном Афганистане: Мерве, Балхе, Термезе, Самарканде, Ташкентском регионе и Уструшане (Якубовский. 1940; Шишкин. 1963; Мухамедов. 1961; Мухамедов. 1972).

Среди них особо выделяется своей монументальностью и широкой известностью в письменных источниках оазисная стена Бухары Кампир девор, которая периодически исследовалась, начиная с конца XIX века (Ситняковский. 1898, с.89-93; Зимин. 1915; Якубовский. 1940; Шишкин. 1940, с. 20-24; Шишкин. 1963, с.16-18, 25-27; Мухамедов. 1961, с.51-53 и т.д.). Однако до сегодняшнего дня у исследователей нет единого мнения относительно начальной даты строительства и всех аспектов военного назначения памятника.

В 2015-2016 гг. сотрудниками совместной Узбекско-Американской экспедиции проводились исследования на участке Оазисной стены Кампир девор на расстоянии около 400 м к западу от памятника Кызыл тепа. Кызыл тепа некогда являлось одной из крепостей с примыкавшей к ней с юго-запада небольшого городища, выявленного при исследованиях Зарафшанской экспедицией 1934 г. под руководством А.Ю. Якубовского, и нанесённого на план сотрудником Н. Кесаевым (Якубовский, 1940).

Ныне эта территория очень сильно разрушена располагающимися вокруг карьерами для взятия гравия для строительных работ. Линия стен Кампир девор, частично, сохранилась здесь на протяжении около 200 м. и представляет собой оплывший вал возвышающийся на высоту 2,5-3 м. от горизонта дневной поверхности с галечно-песчаной структурой.

Выбранный для раскопа участок представлял собой наиболее возвышенный и широкий участок ничем особенно не выделявшийся. Ранее раскопки, на данном участке проводились сотрудниками совместной экспедиции в 50 м к востоку, где было осуществлено два разреза с выявлением структуры и характера конструкции стены. Здесь же, с внешней стороны стены, была выявлена небольшая полукруглая башенка диаметром около 2 м, видимо, игравшая роль контрфорса и, безусловно, носившая регулярный характер на определённом расстоянии.

Работы 2015 года являлись продолжением исследований по выявлению характера системы фортификации на данном участке. В результате был открыт не только участок стены Кампир девор, но и примыкавшая к нему с

внешней стороны, выступая к северу полуовалом на 11 м башня с шириной стен около 1,6 м и выявленными по верхнему, частично сохранившемуся горизонту, преимущественно, с западной и северной сторон, хорошо читаемые щелевидные бойницы, расположенные в несколько рядов в шахматном порядке (Отчёт ..., Ф. 2, О.1, Д.203, 2016. Рис. 1, 7, 9, 11, 14).

Стена имела направление с Востока на Запад и, безусловно, некогда соприкасалась с крепостью Кызыл тепа (рис.1-3). Видимо, здесь же, некогда могли располагаться и восточные ворота в Бухарский оазис, возможность присутствия которых предполагал и А.Ю. Якубовский (Якубовский. 1940, с. 114).

На вскрытой территории, частично, удалось выявить целые участки стены достигавшие в ширину около 9 м. Конструкция её характерна для многих ранее вскрытых участков и представляла из себя две линии стен заполненных по середине твёрдыми галечно – песчаными, с включением гипсовидных вкраплений, затвердевшими слоями. Линия стен имеет плавный изгиб, на данном участке, к юго–западу и, видимо, строилась исходя из древнего рельефа местности, выбирая наиболее возвышенные участки. Внутренняя сторона стены на значительном расстоянии разрушена выборкой щебня и местами отсутствует. Ширина внешнего, первого ряда блока стены определяется по верхнему уровню в пределах около 1 м. Ширина внутренней, второй стены, по верхнему уровню, на сохранившемся восточном участке раскопа, соответствует также около 1 м. Внутреннее, межстенное щебенчатое заполнение достигает ширины около 2,35 м. На глубине около 0,5 м, под щебенчатым заполнением, выявлены остатки глинистого нивелирующего уровня.

По верху заполнения, соответствуя верхнему сохранившемуся уровню пола башни, проходит читающийся пол с остатками следов огня красного и тёмного цветов. Здесь же, рядом располагались обломанные остатки частично вкопанного в пол, горловиной вниз хума. Рядом располагались остатки тандыра с горелым основанием по полу. Вблизи читаются слабые остатки ещё других очажных ямок. Можно предполагать, что на верхнем уровне пола межстенной засыпки обитатели башни вели хозяйственную жизнь. Судя по перевёрнутому хуму, имевшему потёки чёрного ангоба по внешней поверхности и датируемому эпохой раннего средневековья, оно могло служить ташнау, рядом располагался тандыр и очажные ямки. Пол неровный, горелости располагаются ближе к внутренней поверхности внешней стены, видимо, защищая пламя от подветренной, степной северной стороны (Отчёт ..., Ф. 2, О.1, Д. 203, 2016. Рис. 1, 8, 12, 13).

На западном участке внешняя стена Кампыр девор выявлена на длину 2,6 м., имеет вертикальную конструкцию и наибольшую высоту, на углу западной части башни, примыкавшей к стене, в 1,2 м.

Сама внешняя стена сложена из сырцовых кирпичей желтоватого материкового состава, размерами 38х38х10 см. Кирпичи располагаются ложком. Между рядами кирпичей глинистый раствор зеленоватого цвета, шириной 12 см и самими кирпичами 8 см. По полу, к северу, вдоль башни располагается в один ряд расположенных в западном направлении три ряда кирпичей 40х28х10 см. Возможно, это остатки более поздней пристроенной

стены примыкавшей к башне и образовавшей вместе с внешней западной частью стены Кампыр девор какое-то помещение, о чём свидетельствует хорошо сохранившийся внутри пол и хорошо сохранившийся здесь участок башни с бойницами и внешняя стена Кампыр девор.

В целом, конструктивные особенности стены лучше просматриваются на восточном участке раскопа, так как здесь, в большей или меньшей степени, имеются ее внешние и внутренние фасадные контуры. В общем, параметры восточной части стены по верхнему уровню идентичны западной. При этом по ее южному (внутреннему) фасаду, по верхнему сохранившемуся горизонту, наблюдаются остатки вертикальной части стены, ниже которой отмечается нисходящая вниз, под углом, куртина. По куртине, с востока, вплотную примыкая к краю раскопа, выявлен на ширину 1,25 м выступающий контрфорс.

Восточный участок внешней фасадной (северной) стены лучше отражает характер фортификации Кампыр девор, в отличие от западного. Хотя сохранился он значительно хуже, тем не менее, выявляются конструктивные особенности состоящие, по всей видимости, из трёх последовательно укладываемых рубашек. Исходя из выявленных характеристик первая внутренняя рубашка, на выявленном уровне имела ширину 0,85 м, вторая 1,70 м, третья 1,1 м. Вероятнее всего рубашка была одна (первая), а далее две другие являлись остатками куртины. Необходимо также отметить, что на восточном участке плохо читаются остатки внешней вертикальной части стены, особенно по её внутреннему краю. Это, видимо, объясняется более поздними ремонтными работами проводившимися здесь.

В целом примыкавшие к внешней стене рубашка и куртины имели в ширину около 3,7 м, а общая ширина стены на восточном участке раскопа достигала 10,5 м. Общие размеры раскопа по линии восток – запад достигали – 23 м, а с севера на юг – 18 м.

Примыкавшая к стене башня имела выступающую наружу овальную форму. Ширина стен башни по выявленному верхнему уровню достигал 1,5-1,6 м, а по ее западной внешней стене хорошо сохранились, по нижнему уровню, три щелевидных бойницы. Расстояние между бойницами одного ряда достигает 1,03 м. Ширина бойниц 0,20 м, сохранившаяся высота по верху внутренней кромки стен 0,20 м, высота по основанию внешней кромки стен 0,65–0,75 м.

Внутренняя часть башни состоит из двух частей и двух одновременных или разноэтапных полов.

Ширина башни у стыка с внешней стеной Кампыр девор, по линии восток-запад, составляет 11 м. Внутренняя ширина у стыка с внешней стеной, по линии восток-запад 7,8 м. Выступающая за линию стен к северу длина башни 11 м. Внутренняя длина башни к северу 9,5 м.

Внутренний коридор башни в длину достигает 6,9 м, в ширину 1 м. Ширина стены башни между коридором и башенным помещением 1,8 м, её наибольшая высота 1 м.

Верхний пол башни и коридора одинакового уровня и выявлен на глубине 1 м от верха стены. Второй более ранний пол башни находится на 72 см ниже верхнего. Наличие более раннего пола, может, безусловно,

указывать на два хронологических периода обживания или, по крайней мере, двух этапов строительства объекта.

Внутрибашенный коридор, скорее всего, мог служить арсеналом, внутри башни велись боевые действия, а внутрстенный стрелковый коридор примыкавший к башне, видимо, был приспособлен для жилья и хозяйственных нужд (кухня-очаги, тандыры, ташнау и т.д.). На западном внутреннем углу башни были выявлены остатки обломанного основания хума, вкопанного сильно в грунт. Возможно, здесь хранился запас воды или какие-то другие припасы.

Выявленные здесь фрагменты керамики очень ограничены как в количественном отношении, так и по характеру форм. Преобладают фрагменты стенок хумов и кувшиновидных сосудов с потёками тёмно-коричневого ангоба. Изредка встречаются хумчи или стенки кувшиновидных сосудов с красными потёками. На кувшиновидных сосудах характерны валики под горловиной. Хумы на горловине имеют традиционные пальцевые вдавления. Лишь в двух экземплярах встречены фрагменты от венчиков кызылкырских мисок покрытых красным ангобом. Встречен также фрагмент от очажной подставки с множеством отверстий.

В заключение, необходимо отметить, что работы на объекте ещё не завершены и требуют дальнейших, более углублённых полевых и научных исследований. Но уже ее первые результаты со вскрытием, впервые, очень интересной в плане овальной, далеко выступающей за стены башни, с ярко выраженными щелевидными бойницами, свидетельствуют о ее раннем этапе хронологии. Керамические материалы, особенно, в виде нескольких фрагментов чашечек кызылкырского типа, покрытых красным ангобом, предварительно могут указывать на раннюю хронологию объекта IV-V вв. и, учитывая, его безусловное вхождение в систему оазисных стен Кампыр девор, отнести к первому, уже не легендарному, этапу строительства.

В 2016 г. исследования полинии Оазисной стены были продолжены на запад, вплоть до крайнего сохранившегося участка, плавно поворачивающегося к юго-западу. Далее, линия топографически возвышавшегося над уровнем дневной поверхности на 1-1,5 м горизонта остатков вала была полностью разрушена подступившим сюда карьером для выборки гравия под строительство. При этом, археологическими работами была затронута не только линия вала к западу от вскрытой в сезоне 2015 г. крупной овальной башни, но и к востоку от неё, вплоть до следующего участка разрушения, с проведёнными на ней расчистками поперечного разреза стены в 2011 г. В результате, к западу от Крупного бастиона, на расстоянии около 72 м были выявлены остатки 5 малых башен. К востоку же от Крупного бастиона, на расстоянии около 31 м, остатки ещё двух малых башен худшей сохранности (Отчёт ..., Ф.2, О.1, Д. 203, 2016. Рис. 37-39, 41, 44, 47, 50). (Рис. 1, 2).

БАШНЯ № 1 (Крупная башня или Бастион).

Башня 1 (Бастион) была вскрыта по уровню верхнего (второго) пола работами 2015 года (рис. 1, 3-4). Она имела овальную форму с шириной у внешних стен по линии запад-восток 11 м. и, выступая к северу, за линию стен, на 11,2 м. На Башне 1 уровень верхнего (второго) пола фиксируется на отметке 1,55 м от верхней кромки южной стены. Исследованиями нынешнего

сезона на глубине 0,85 м от верхнего выявлен нижний, первый пол Бастиона. Здесь, по уровню первого пола, подступая ближе к северной, внутренней кромке Бастиона было выявлено основание частично разрушенной овальной полубашенки размерами 3,45x4 м, сложенную из кирпичей 27x53x10 см. Она сохранилась на высоту 0,85 м и соответствовала размерам, по основанию, первой такой полубашенки (контрфорса). Последняя, была выявлена здесь, чуть восточнее по линии стены, примыкавшей с внешней стороны к разрезу стены Кампир деовр в 2011 г. Как нами уже отмечалось ранее, видимо, эти полубашенки-контрфорсы являлись важной составной частью фортификации памятника. Они располагались на определённом расстоянии и носили регулярный характер.

БАШНЯ № 2.

Малая башня 2 была выявлена на самом краю западной части раскопа (рис. 1, 2). Оазисная стена, к которой она была приставлена имеет стандартную конструкцию. Состоит из двух стен с гравийным заполнением посередине. Вторая внутренняя сторона стены в значительной степени была разрушена выемкой грунта и её ширина не определена достаточно чётко. Сохранилась на небольшом участке до ширины 2 м. Внутреннее заполнение стены состоявшее из щебенчатого грунта имеет ширину 1,8 м. Внешний, северный блок стены имеет ширину 1,25 м, выложен из кирпичей 40x?x9 см. Башенка приставная, выложена из кирпичей 40x?x9 см.

Внешние размеры 5,60 м по линии запад-восток и 3,85 м по линии север-юг, внутренние 3,40 м по линии запад-восток и 2,75 м по линии север-юг, ширина стены башенки 1,10 м (Отчёт ..., Ф.2, О.1, Д.203. 2016. Рис. 41).

Внутри малая башенка 2 вскрыта до пола на глубину 1,15 м, с внешней стороны до пола на глубину 0,95 м. Расстояние между малой башней 2 и следующей вскрытой по линии запад-восток малой башней 3 составляло 39 м. Эта часть стены ещё пока не вскрыта и забегая несколько вперёд, на основании последующих выявленных однотипных сооружений данного типа, отметим, что между ними предположительно располагаются ещё две башенки.

БАШНЯ № 3.

Малая башня 3 выявлена на расстоянии 39 м восточнее малой башни 2 (рис.1-2). Оазисная стена, к которой она была приставлена имеет стандартную форму – из двух стен с внутренним заполнением. Внутренний, южный блок стены был сильно разрушен и его ширина не определена достаточно чётко. Сохранилась на небольшом участке на ширину до 1,7 м. Внутреннее заполнение стрелкового коридора имело в ширину 2 м. Внешняя северная стена имела ширину 1,30 м, сложена из кирпичей 30x40x9 см.

Малая башня 3 имела внешние размеры 5,70 м по линии запад-восток и 4 м по линии север-юг, внутренние размеры 3,50 м по линии запад- восток и 2,85 м по линии север-юг (Отчёт ..., Ф.2, О.1, Д.203. 2016. Рис. 44).

Ширина стены башни 1,10 м. Внутренний пол башни проходит на глубине 1 м, внешний пол на глубине 0,90 м. Сложена из кирпичей 27x42x9-12 см.

БАШНЯ № 4.

Малая башня 4 выявлена на расстоянии 9,6 м к востоку от малой башни 3 (рис. 1-2). Оазисная стена при башне 4 сохранилась частично, только по

внешней линии северной кромки. Сохранилась на ширину 40-50 см, далее полностью разрушена выемкой грунта. Выложена из кирпичей 27x38x10 см.

Параметры малой башни 4 приблизительно соответствуют первым двум. Имеет внешние размеры по линии запад-восток 5,90 м, по линии север-юг 3,70 м. Внутренние размеры по линии запад-восток 3,55 м, север-юг 2,40 м. Ширина стены башни 1,15 м (Отчёт ..., Ф.2, О.1. Д. 203. 2016. Рис. 47).

Расстояние между малой башней 4 и следующей за ней Башней-Бастионом составляет 10,4 м.

БАШНЯ № 5.

Малая башня 5 выявлена в 10,30 м к востоку от башни-Бастиона 1 (рис. 4). Оазисная стена при малой башне 5 полностью не расчищена, не исключены конструктивные изменения или поздние перестройки. Выявлена внутренняя линия внутренних стен, примыкающих к стрелковой галерее. Внешняя линия внутренних стен полностью разрушена выемкой грунта и определяется условно на ширину до 1,6 м.

Размеры башни относительно стандартны. По внешней линии запад-восток они составляют 5,80 м, по линии север-юг 4,10 м. Внутренние размеры по линии запад-восток 3,80 м, по линии север-юг 3 м. Ширина стены башни 1 м.

Высота стен до пола башни составляет 0,75 м, с внешней стороны высота стен достигает 0,8 м (Отчёт ..., Ф.2, О.1, Д.203, 2016. Рис. 50).

С восточной стороны, за башней, проглядывается пологая куртина подходящая к стене. Далее на расстоянии 9 м выявляются остатки очень плохо сохранившейся и ещё не расчищенной малой башни 6. В целом, работы на объекте ещё не завершены и требуют дальнейших, более углублённых полевых и научных исследований.

Керамические комплексы полученные в процессе раскопок незначительны, тем не менее достаточно выразительны. В основном это образцы лепных хумов с пальцевыми вдавлениями по горловине и потёками тёмно-коричневого ангоба по стенкам. Образцы кувшиновидных сосудов также покрытых потёками, в основной массе, тёмно-коричневыми и реже красноватыми ангобами.

В заключение, необходимо отметить, об огромном значении вскрытия части фортификационной линии Оазисной стены Кампыр девор позволяющей впервые рассмотреть систему внешней обороны региона. При этом расстояние между малыми башенками-контрфорсами составляло в пределах 9-10 м. Расположение линии стен с Крупной башней-Бастионом 1 на гребне естественно выступающего наружу изгиба рельефа указывает на её значительное усиление и ещё раз подчеркивает максимально удачное использование специалистами фортификации местных топографических условий.

Керамические материалы, особенно в виде нескольких фрагментов чашечек кызылкырского типа, покрытых красным ангобом, предварительно могут подтвердить начальную хронологию объекта IV-V вв. и, учитывая его безусловное вхождение в систему Оазисных стен Кампыр девор, отнести к первому, уже не легендарному этапу строительства.

Вместе с тем, нам необходимо оговориться, что столь массивная система обороны может свидетельствовать также о её возможном отношении к расположенному за стеной или рядом городища Кызыл тепа зафиксированном ещё в 30-е годы прошлого столетия А.Ю. Якубовским и Н. Кесаевым. Всё это требует дальнейших исследований и подтверждения полученных результатов на других участках Оазисной стены региона.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. // Труды отдела истории культуры и искусства Востока. Т. II. Ленинград. 1940.

Ситняковский Н.Ф. О древностях в районе нижнего течения Зерафшана. Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Ташкент. 1898. Вып. 3.

Зимин Л. Отчёт о двух поездках по Бухаре с археологической целью. Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Ташкент. 1915. Вып. 20.

Шишкин В.А. Археологические работы 1937 г. в западной части Бухарского оазиса. Ташкент. 1940.

Шишкин В.А. Варахша. Москва. 1963.

Мухамедов Х. Из истории древних оборонительных стен вокруг оазисов Узбекистана. «Стена Кампирак» древнебухарского оазиса. Автореф. дисс. кан. ист. наук. Ташкент. 1961.

Мухамедов Х. Новые участки Кампир-Девора древнего Согда. ИМКУ. Ташкент. 1972. Вып. 9.

Отчёт Узбекско-Американской (Нью-Йоркский Университет) международной экспедиции за 2015 г. на памятниках в системе Кампирдевор // ИАИ АН РУз. Ф.2, О.1, Д. 203. Самарканд, Нью-Йорк, Абу-Даби, Новосибирск, 2016.

Отчёт Узбекско-Американской (Нью-Йоркский Университет) международной экспедиции за 2016 г. на памятниках в системе Кампирдевор // ИАИ АН РУз. Ф.2, О.1, Д.208. Самарканд, Нью-Йорк, Абу-Даби, Новосибирск, 2017.




Рис 1.



Рис 2.






Рис 3.

Рис 4.

ЧЕЛАК ШАҲРИНИНГ ЛОКАЛИЗАЦИЯСИ ХУСУСИДА

А.А. Раимқулов

ЎзР ФА Археологик

тадқиқотлар институти, Самарқанд

Уструшонадан Суғдга кириб келган ва Бухорога ўтиб кетган қадимий йўллар бўйлаб бир қатор шаҳарлар жойлашганлар. Ўрта асрларга (X-XII асрлар) оид ёзма манбаларда, хусусан, ибн Ҳавқал, Истахрий, Ёқут каби араб сайёҳлари ва марвлик сайёҳ Абул Карим Самъоний асарларида Самарқанд воҳасининг шарқий ва шимолий ҳудудларида жойлашган Йоркат, Бурнамад, Бузмажон, Кабуданжакат, Видор ва Марзбон ибн Тургаш каби рустоқлар номлари тилга олинади ва улардан фақат учтасида – Бузмажон рустоқи маркази Боркат шаҳрида, Кабуданжакат рустоқининг маркази Кабуданжакатда ва Видор рустоқининг маркази Видорда жомеъ масжидлари бўлганлиги айтилади (Бартольд, соч. т.III, с.193).

Йоркат, Бурнамад рустоқлари Уструшона билан чегарадош бўлган. Бурнамад рустоқининг маркази Бурнамад қишлоғи Зоминдан Самарқандга борадиган қадимий карвон йўли устида, Зоминдан 4 фарсах (тахминан 28-30 км) масофада жойлашган. Йўл Зарафшон тизмаси, Моргузар тоғларининг шимолий, ғарбий этаклари бўйлаб ўтган ва бу жойлар ҳозирги Бахмал тумани ҳудудларига тўғри келади.

Йоркат рустоқи эса Бурнамаднинг шимолидаги, Нурота тоғ тизмалари тасарруфидаги Жиззах, Қўйтош қисмининг ғарбий этакларидан то Ғўддин ва Қароқчитоғгача бўлган текис ҳудудда жойлашган. Бу рустоқ

худудини ҳозирда Ғаллаорол тумани эгаллаганган. Ёзма манбаларида Йоркат рустоқининг экин майдонлари асосан қор-ёмғирлар ҳисобига ўстирилганлиги ва унинг худудида яхши, кенг яйловлар ястаниб ётганлиги айтилади.

Бурнамадан 5 фарсаҳ масофада, Туркистон тизмасининг ғарбий этакларида Хушуфағн жойлашган. Хушуфағндан Бузмажон рустоқининг маркази Боркат шаҳригача масофа ўртача 4 фарсаҳ бўлиб, мана шу ораликда, Ғўддин тоғидан жанубда машҳур Катвон чўли жойлашган. Бу худудда жойлашган шаҳарларнинг локализацияси масалалари билан қизиққан археолог олим Ҳ. Ғ.Ахунбобоевнинг фикрига кўра, Боркат шаҳри ҳозирги Оқтепа–Митан қишлоғида жойлашган йирик археологик ёдгорлик Оқтепа ўрнида бўлган (Ахунбабаев, 1983, с.155).

Бизнинг фикримизча, Боркат шаҳрида йўл иккига ажралган. Биринчи йўл тўғри ғарбга – 4 фарсаҳ масофадаги Самарқанд шаҳри томонга, иккинчиси шимоли-ғарб томонга кетган. Бу йўлда кетма-кет Кабуданжакат – Видор – Марзбон ибн Тургаш – Иштихон каби йирик суғд шаҳарлари жойлашган. Ҳ.Ғ.Ахунбобоевнинг фикрига кўра, Кабуданжакат ҳозирги Жомбой ва Булунғур туманлари чегарасида Ғазира ва Қорاپичоқ қишлоқларидан жануби-шарқда жойлашган улкан ёдгорлик Мингтепа ўрнида бўлган.

Кабуданжакатдан кейинги навбатдаги шаҳар эса Видор. Видор атамаси баъзи ўринларда Визар деб ҳам юритилади. Ўрта аср манбаларида Видор шаҳар Самарқанддан 4 фарсаҳ (28-30 км) масофада жойлашганлиги, унинг худудида кенг, суғориладиган унумдор ерлар ва тоғли жойлар борлиги айтилади. Видорнинг катта экин майдонлари Булунғур, Пой ва Қорасув ариқлари орқали суғорилган бўлса керак. Тоғлар эса Ғўбдин ва Қароқчитоғ.

Мана шу маълумотларга асосланиб, Видор рустоқи Зарафшоннинг ўнг ирмоғи бўлган Оқдарёдан шимолда жойлашган ҳозирги Пойариқ тумани худудини, Ғаллаорол туманининг ғарбий худудларини ва Қўшрабод тумани худудини ўз ичига олган дея оламиз. Бу рустоқнинг марказий шаҳри, яъни Видор ёки Визар ҳозир тилга олинган худуддаги энг йирик шаҳар шубҳасиз, ҳозирги Челақ ўрнида бўлган Агар шаҳарлар орасидаги масофалар ўртача 4 фарсаҳ деб олинса, Челақ шаҳри Кабуданжакат (Мингтепа)дан 4 фарсаҳ шимоли-ғарбда жойлашган (Раимқулов, Асланов, 2012, 152-156 б.).

Челақ шаҳри худудидаги 40 га чамаси майдонни эгаллаган йирик шаҳар харобалари шубҳасиз, қадимий Видор шаҳрининг қолдиқларидир. Чунки шаҳар харобаси бўлиши мумкин бўлган бу каби йирик археологик ёдгорлик Самарқанддан шимол томонда, Челақдан бошқа мавжуд эмас (Раимқулов, 2017, 49-б.)

Челақ қўрғони ҳам Мовароуннахрнинг бошқа ўнлаб қадимий шаҳарлари қатори уч қисмдан – арк-қуҳандиз, мадина-шаҳристон ва рабаддан иборат. Шаҳристон икки қисмдан – шимолий ва жанубий қисмлардан ташкил топган, уларнинг ўртасида майдони 100х70 м, баландлиги 18 м бўлган йирик арк жойлашган. Аркнинг тевараги эса кенг сайхонликдан иборат. Шаҳар арки қолдиқлари узоқ йиллар давомида Челақ шаҳрининг ўртасидаги улкан тепалик кўринишида қад ростлаб турарди. Лекин 1950-1970 йиллар давомида унинг ёнида қурилган ғишт заводи унинг бутунлай

йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Аркдан жанубдаги ҳудуд тахминан 20 гектар атрофида бўлиб, ҳозирда бу ҳудуд замонавий турар-жойлар остида қолиб кетган. Бир неча жойда шаҳристоннинг мўъжазгина қолдиқлари ва ташқи мудофа деворининг харобалари сақланиб қолган. Ёдгорликнинг шимоли-шарқий қисмида эса унинг қадимий мудофаа деворлари қолдиқлари тахминан 200 м узунликда яхши кўзга ташланади. Шимолий қисмининг майдони эса тахминан 15 гектар атрофида бўлиб, унинг асосий қисми қабристонга айланиб кетган. Умуман олганда, қадимий шаҳарнинг майдони жанубдан шимолга томон 870 метрни, ғарбдан шарққа томон 400 метрни (40 га) ташкил этади. Шаҳарнинг жануб томонида рабад, яъни ташқи шаҳар жойлашган. Рабад ҳудуди ҳозирда бутунлай замонавий турар – жойлар тагида қолиб кетган, унинг каттагина қисмида Челакнинг машҳур бозори жойлашган. Челак шаҳрида яшовчи қарияларнинг айтишларича, шаҳарнинг қадимий мудофаа деворлари қолдиқлари ўтган асрнинг 50-йилларида ҳам мавжуд бўлган ва мана шу деворлар қолдиқлари боис Видор (Челак)нинг қадимий ўрни яқин-яқингача ҳам “Қўрғон” деб юритилган.

Челак шаҳри ўрнидаги қадимий шаҳар харобалари илк бора 1940 йилда археолог олимлар И.А.Сухарев ва П.Ф.Лиференколар томонидан тадқиқ этилган ва шаҳарчанинг топографик плани қоғозга туширилган.

Ёзма манбаларда айтилишича, Видорда пахтадан тўқилган газламалар ишлаб чиқарилган. “Видорий” деб аталган бугазламалар ўзининг нафислиги, пишиқлиги ва юқори сифатлилиги билан машҳур бўлиб, Хуросон ўлкасида бу матодан фақат амирлар, вазирлар, қозилар ва бойларгина либос тиктирганлар. Араб тарихчиси ал-Муқаддасийнинг ёзишича, видорий газламаларни Бағдод султонлари ҳам юксак қадрлаганлар. Араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Ҳавқал видорий газламалар тўғрисида шундай маълумот қолдирган, “...шаҳарда пахтадан видорий газламалар ишлаб чиқарилган, уни кесмасдан бутунлигича унга ўраниб юрганлар. Хуросонда қишда нима кийган бўлса ҳам унинг устидан видорий газламани ўрамаган на амирни, на вазирни, на қозини, на бойни, на оддий одамни ва на жангчини учратиш қийин; бу улар учун нозиклик ва башанглик ҳисобланади; газламанинг ранги сарикқа мойил бўлиб у юмшоқ ва ёқимли, қалин ва нозик; бир парчасининг нархи икки динордан йигирма диноргача туради; мен беш йил давомида бу газламадан бир неча марта ўрадим. Уни харид қилиш учун ҳатто Ироқдан одам жўнатадилар ва уни кийишдан фахрланадилар” (Бартольд, 1963, Соч. том II, часть 1, с.441).

В.В.Бартольднинг маълумотга кўра, араб сайёҳи Ёқут асарларида Видор «жомеъ масжидига эга бўлган шаҳар» сифатида тилга олинади. Ундан ташқари бу даврда шаҳарда алоҳида турган минора ҳам қад ростлаб турган. VIII-IX асрларда Видор шаҳри ва унинг атрофларидаги бир неча қишлоқларга арабларнинг Бакр ибн Войил қабиласи вакиллари келиб жойлашганлар ва улар ўзларини “Субаъийлар” деб атаганлар. IX асрдаёқ Мовароуннаҳрдаги энг дастлабки жомеъ масжидларидан бири “Субаъий” деб аталган. Бу ном Видор шаҳри жомеъ масжидини бунёд эттирган, ҳижрий 269, милодий 882 йилда вафот этган Абу Музоҳим Субаъ бин ан-Нодир ас-Сукқорий шарафига қўйилган. Ўрта асрлардаги ёзма манбалар маълумотларига кўра, Видор

XII асрда ҳам йирик марказий шаҳарлардан бири сифатида ўз аҳамиятин йўқотмаган, унинг мушофаа деворлари, жомеъ масжиди ва миноралари бўлган (Бартольд, соч. том II, с.195).

1961 йилда Челак шаҳарчаси аркидан жануб томонда жойлашган жанубий шаҳристон ҳудудидан тасодифан қадимий тилла узук ва тўрт дона ноёб кумуш косалар топилган. Бу буюмлар топилган жойда 1962-1963 йилларда Я.К.Крикис ва Б.И.Маршак томонидан археологик қазишма ишлари олиб борилган ва эрамизнинг VIII – асрида суғдий аслзода яшаган уйнинг бир қисми очиб ўрганилган. Бу ерда ўрганилган юқори маданий қатламлар XI-XII асрларга, яъни Челак шаҳри Видор номи билан юритилган даврларга, қуйи қатламлар эса эрамизнинг бошларга, тахминан I-II асрларга оид (Маршак, Крикис, 1969, с. 61).

Челак косалари юқори сифатли соф кумушдан ясалган бўлиб, устидан тилла суви югуртирилган. Улардан бири Эрон ва Туркменистон ҳудудларини эгаллаган Сосонийлар сулоласи даври санъати маҳсули бўлиб V-VI асрга, бошқа бир коса Эфталийлар ҳукмронлиги даврига, яъни V асрга, иккита коса суғдийлар санъатига оид бўлиб, улардаги ёзувлар VII-VIII асрларга мансуб.

Академик олима Г.А.Пугаченкова Челак косаларидаги тасвирлар Бақтрия – Тохаристон торевтикасига эмас, балки Ҳиндистоннинг Гандхара воҳаси торевтика санъатига яқин туради, деган фикрни илгари суради. Олиманинг фикрига кўра, бу косани Эфталийлар аслзодалари Ҳиндистондан асир қилиб келтирилган истеъдодли мисгарга буюртма бериб ясаптирганлар (Пугаченкова, 1987, с.81).

Челак қадимий шаҳарчаси харобаларида, нураган жойлардаги маданий қатламларда мил. авв. III-II асрлардан то XIX-XX асрларгача бўлган даврларга оид сопол буюмларнинг парчалар кўплаб учрайди. Бу топилмалар бу ерда шаҳар пайдо бўлгандан то ҳозирги кунларгача ҳаёт узлуксиз давом этиб келганлигини тасдиқлайди.

Мақоланинг сўнггида Челак шаҳрининг номланиши «Челак» атамаси хусусида фикр юритсак. “Челак” атамаси қадимги турк тилидан бизгача етиб келган топоним бўлиб, “чел”, “жел” – “шамол”, “ек” – “ли” яъни биргаликда “челек”, яъни “шамолли”, “шамолли жой” маъносини беради. Қолаверса, “ел” деган сўзни “шамол”, “шабада” маъносида ўзимиз ҳам ҳозирда кўпинча адабиётда ёки шеъриятда ишлатамиз. Ҳақиқатдан ҳам Челак шаҳри ва воҳаси жойлашган ҳудудда йил бўйи шамол ёки шабада эсиб туришини ҳисобга олсак, бу жойлар қадимданоқ “шамолли жой” деб бежиз айтилмаганлигига амин бўламиз.

“Челек” топоними устида тўхталиб, шуни маълум қилишимиз мумкинки, у кейинчалик қозоқ тилида “желек”, “шелек”, “чилик” каби ўзгарган ҳолатда, баъзан эса ўзгармасдан “челек” номи билан қўлланилган. Ҳозирги Қозоғистон Республикаси ҳудудида “Желек”, “Шелек”, “Челек” “Чилик” номлари билан аталадиган бир қатор катта-кичик аҳоли манзиллари мавжуд (Койчубаев, 1974, с.250).

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахунбабаев Х.Г. Археологическое изучение Булунгурского района в 1979-1980 гг., История материальной культуры Узбекистана (ИМКУ). Вып. 18, Ташкент, 1983.
2. Ахунбабаев Х.Г. Древний Кабуданжакет (к вопросу локализации, генезиса и этапов развития раннефеодальных владений и средневековых рустикав Самаркандского Согда). Археология Средней Азии. Тезисы докладов. Ташкент, 1990, с.26-28
3. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Сочинение, т. III, М. 1965.
4. Койчубаев Е. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. Алма-ата, 1974.
5. Маршак Б.И., Крикис Я.С. Чилекские чаши. Труды Государственного Эрмитажа, том X, Ленинград, 1969.
6. Пугаченкова Г.А. Эфталийская чаша из Чилека. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. Ташкент, 1987.
7. Раимқулов А.А., Асланов А.П. Ўрта асрлар Самарқанд воҳаси рустикари локализацияси масалалари. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 37-нашри. Самарқанд, 2012.
8. Раимқулов А.А. Катта Суғд-Суғдиёна. Тошкент, 2017.

ҒАЗНАВИЙЛАР ДАВЛАТИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИ МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

***Р.Т. Шодиев, М.А.Хандамова**
СамДЧТИ, Самарқанд*

Марказий Осиёнинг ўрта асрлардаги тарихида Ғазнавийлар, ҳам муҳим аҳамият касб этганлиги шубҳасиздир. Чунки, Ғазнавийлар сулоласинингаслкелиб чиқиши тўғридан-тўғри Мовароуннаҳр, аниқроғи, Бухоро туркларига бориб тақалиб ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бу сулола тарихи баъзи муаллифлар Бартольд, 1971. Б.34-121; Массон, Ромодин, 1968 томонидан Шарқий Эроннинг тарихий географияси ёки Афғонистон тарихи муносабати билан қисман ўрганилган.

Туркийлар томонидан асос солинган Ғазнавийлар сулоласи X аср охири ва XI асрнинг биринчи чорагида, нафақат ислом мамлакатлари орасида, балки дунё миқёсидаги энг қудратли мамлакат эди. Шуни ҳам айтиш керакки, X асрда Сомонийлар давлатининг ичида ва унинг теваарак атрофида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа тарихий, этник жараёнлар янги давр олимлари учун ҳатто XXI аср бошида ҳам қоронғу бўлиб келмоқда. Бу жараёнларнинг энг ажабланарлиси шу бўлдики, улар Сомонийлар давлатини ларзага келтириб, парчалади ва бунинг натижасида Сомонийларга қарам бўлган ерларда бир эмас, бирданига учта қудратли туркий давлат - Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатлари юзага келди. Бироздан сўнг, бу уч давлатдан ҳам қудратлироқ бўлган ва уларнинг учаласини ҳам ўзига тобе этган Ануштегиний Хоразмшоҳлар туркий давлати юзага келди.

Ғазнавийлар давлатининг асосчиси, амир Абу Мансур Носириддин

Сабуктегин, Сомонийларнинг лашкарбошиси, ҳожиб Алптегиннинг ғуломи бўлган Камалиддинов, 1993. Б.31 . Алптегин уни Нишопур қул бозоридан сотиб олган эди Байхаки, 1969. Б.237-238 . Алптегин Сомонийлар сарой аъёнларининг иғволари натижасида 961 йили пойтахтни ташлаб, 700 ғуломи билан жанубга, салтанатнинг чекка шахри ғазнага кетади. Ғуломлар орасида Сабуктегин ҳам бор эди. Бу воқеалар арафасида Сомонийларнинг йирик амири турк Қоратегиннинг мавқеи ўсади. Унинг ўзи Гургоннинг амири Гардизи, 1991. Б.68 , унинг ғуломлари эса Хуросоннинг қатор шаҳарларининг амирлари эди.

XVI аср муаллифи Хуршоҳ ибн Қубоднинг хабарига кўра собиқ ғулом Сабуктегиннинг тақдир тақозоси билан хизмат пиллапоясидан юксалиб, Ғазнавийларсалтанатининг пойдевориниясаганлиги ҳақида қуйидаги ноидир маълумотларни келтиради. Унга кўра Алптегин Ғазнага келганидан сўнг, ўзини пойтахт Бухорога нисбатан эркинроқ сезади, лекин Сомонийларга тобеълигини тан олар эди. 963 йили Алптегин вафот этганидан сўнг, унинг ўрнига Бухоро амирининг фармони билан унинг ўғли Абу Исҳоқ ибн Алптегин ўтказилди [Хуршоҳ ибн Қубод, В.1526], амир Носириддин Сабуктегин эса Абу Исҳоқнинг вакили этиб тайинланди. Вақт -соати етиб, 977 йили Абу Исҳоқ қазо қилгач, Хуршоқнинг айтишича, «мамлакат аъёнлари ва лашкарбошилар Сабуктегиннинг риёсатига розилик билдирадилар» [Хуршоҳ ибн Қубод, В.1526] Сабуктегин тахтга ўтириши билан ўз мавқеини тиклашга киришади. Бунинг учун эса, ўша даврнинг мавжуд шароитида, у бунинг бирдан-бир йўли - қўшни Ҳиндистон ерларига ғарбий юришлар уюштириш, деб билади. Чунки бу юришлар натижасида катта бойликлар ўлжа сифатида келтирилди, аскарлар ҳам моддий жиҳатдан таъминланар эди. Амир Сабуктегингача Ҳиндистонга фақат Умавий халифалар ва илк Аббосийлар даврида араблар юришлар қилган эди. Сабуктегингача орадан ўтган қарийб 2,5 аср давомида мусулмонлар Ҳиндистонга юриш қилмаган бўлиб, Сабуктегин бундай юришлар анъанасини бошлаб берган эди. Сабуктегин ўзининг йигирма йиллик ҳукмронлиги даврида Ғазнавийлар салтанатининг сиёсий ва моддий мустақиллик пойдеворини қурди. Сабуктегинни сиёсатини давом эттирган унинг ўғли Султон Маҳмуд Ҳиндистонга юришларини давом эттиради ва ҳаммаси бўлиб, у тарафга ўн етти марта юриш қилади. Бу юришларнинг баъзилари бир йилгача давом этади ва бу давомли юриш асносида Маҳмуд Лохур, Мўлтон ва бошқа қатор шаҳарларда қалъалар, қўрғонлар барпо этади. Султон Маҳмуднинг юришлари натижасида Марказий, ҳарбий Ҳиндистон ислом мамлакатлари қаторига кирилади. Ҳиндистоннинг бу қисмида Лохурнинг мавқеи ортиб, у кейинги Ғазнавийларнинг асосий таянч шахрига айланиб қолади.

Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳинд ерларига талончилик юришларида иштирок этган Бегуний ўзининг «Ҳиндистон» асарида қуйидагиларни келдиради: «Сабуктегин [ҳиндлар билан] урушишни ихтиёр қилди; Носируддин, яъни динни ҳимоя қилувчи лақабини у шундан олди ва ҳинд томонидагиларнинг кучини синдириб туриш ниятида ўзидан кейингилар учун шундай забт йўлини очиб берди. Ямин ад-Давла Маҳмуд худо уларнинг икковини ҳам раҳмат қилсин, [яъни Сабуктегин ва Маҳмудни], ўттиз неча йил ўша йўллардан Ҳиндистонга юриш қилиб, кўпгина кишиларни ҳалок қилди.

Ҳинд мамлакатларида қирғинлар қилиб, машҳур афсоналардаги сингари уларнинг кулларини кўкка совурди; ниҳоят улар ҳамма ёққа сочилиб кетиб, қолганлари эса жуда ҳам нафратланиб, мусулмонлардан узоқлашишга тушдилар» [Беруний, 1963. С. 67].

Тарихда Султон Маҳмудга нисбатан босқинчи сифатида бир томонлама ёндашиш мавжуд бўлиб, манбаларда кўпроқ унинг юришлари ёритилади. Лекин айрим муаллифлар унинг илм-фан ҳомийси сифатида ҳам гавдалантиради. Жумладан манбаларда келтирилишича, Маҳмуд ўз даврида яхши илм олган бўлиб, дарий ва араб тилларини яхши эгаллаган эди. Ҳаттоки Қуръони Каримга шарҳлар тuzганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Маҳмуд Ғазнавий сарой аёлларининг илм олишларига ҳам шароит яратган бўлиб, улар ҳуснихатда мушҳур бўлишган. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, 1018-1019 йиллар атрофида Маҳмуд биринчилардан бўлиб, ислом Шарқида давлат ихтиёридаги мадрасаларини қуришга ва очишга фармон берди ва бу ерда жуда катта миқдордаги нодир қўлёзмалар тўпланди [Булгаков, 1972. С.136]. Масъуднинг султонлик фаолиятига Абул Фазл Байҳақийнинг «Тарихи Байҳақий» асари бағишланган бўлиб [Байхаки, 1969], унда Масъудга анча ҳаққоний баҳо берилган. Бироқ совет даврида султон Масъуднинг характеридаги салбий хусусиятлари ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатилган эди. [Бартольд, 1963. С.355-356; Беруни, 1973. С.10; Булгаков, 1972. С.237;].

Хуршоҳ ибн Қубод Ғазнавий султонлардан Баҳромшоҳнинг шавкатли ва ҳашаматли подшоҳ бўлганини, уламо ва фузалого кўп аҳамият бериб, улар билан суҳбат қурганини, ҳамда унинг даврида кўплаб китоблар ёзилган ва баъзи китоблар, жумладан, «Калила ва Димна», ҳиндчадан таржима қилинганини таъкидлайди [Хуршоҳ ибн Қубод, В.1606]. Бироқ, Баҳромшоҳ ҳам Ғазнавийлар анънасига кўра Ҳиндистонга юришлар қилади ва ҳатто ундан олдинги Ғазнавийлар забт этолмаган кўп мулкларни забт этади.

Ғазнавийлар давлатининг охириги кушандаси Ғурийлар бўлди. Алоуддин Ҳусайн Жаҳонсуз Ғазнави ёндириб, Ғазнавийлар давлатини ҳалокат ёқасига келтирган эди. Хулоса қилиб айтаманки, Ғазнавийлар сулоласи азалдан туркий бўлиб, кичик амирликлардан улкан салтанат даражасига кўтарилдилар. Бу даврда улар Марказий Осиёнинг талай қисмига, жумладан Ўзбекистоннинг шимолий, шарқий, ғарбий ва жанубий қисмларига ўз таъсирларини ўтказдилар. Улар бу ерлардаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий, маданий жараёнда бевосита қатнашдилар, демак, Марказий Осиё тарихи ва ўзбек давлатчилиги тарихида чуқур из қолдирдилар. Уларнинг кейинги тарихлари фақат Ҳиндистон аҳамиятига эга бўлди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана. Соч. Т. VII. -М.: Наука», 1971.
2. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Т.1. С древнейших времен до начала XVI века. - М.: «Наука», 1968.
3. Абу-л-Фазл Байхаки. История Мас уда (1030-1041). / Перевод с перс., введ., комм. и прил. А.К.Арендса. Изд. 2-е, дополненное. -М.: «Наука», ГРВЛ. 1969.
4. Абу Саид Гардизи. Зайн ал-ахбар. Украшение известий. Раздел об истории Хорасана. / Перевод с перс. яз. А.К. Арендса. Введение, комм. и указатели Л.М. Епифановой. -Т.: «Фан», 1991.

5. Хуршо? ибн ?убод. Тарихи элчи Низомшо?. Британия Музеи ?ўлёмаси, ОР.3535 (форс тилида).
6. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Са да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. -Т.: «Фан», 1993.
7. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т.1. -М.: ИВЛ, 1963.
8. Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана. Соч. Т. VII. -М.: «Наука», 1971.
9. Беруни Абу Райхан. Избр. произв. Т.V. часть первая, «Канон Мас'уда» кн. 1-5. / Вступит. статья, пер. и перимеч. П.Г.Булгакова и Б.А.Розенфельда при участии М.М.Рожанской (пер. и перимеч.) и А.Ахмедова (примеч.). - Т.: «Фан», 1973.
10. Беруни Абу Райхан. Избр. произв. Т.II. Ташкент - 1963.
11. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. -Т.: «Фан», 1972.

САМАРҚАНДНИНГ ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ш.А. Оманов

*ЎзФА Археологик тадқиқотлар
институту, Самарқанд*

Мовароуннахрда Қорахонийлар даврига келиб ишлаб чиқариш янги сифат босқичга кўтарилган. Айниқса, Ғарбий Қорахонийлар давлатининг пойтахти бўлган Самарқандда хунармандчилик юксак даражада тараққий топади. Мазкур даврга оид хунармандчилик буюмлари ушбу фикримизни исботлайди. Афросиёбда майор Борзенков 1874 йилда дастлабки ҳозирда кулоллар маҳалласи сифатида маълум бўлган жойда қазилар ишларини олиб борган эди. Ундан кейин бу ҳудудда В.В. Крестовский, Н.И.Веселовский, В.В. Бартольд, В. Л. Вяткин ва бошқа тадқиқотчилар қазилар ишларини олиб боришган. В.Л. Вяткин мазкур ҳудуд ҳақиқатдан ҳам кулоллар маҳалласи бўлганлигини таъкидлаган. У Афросиёбнинг кулоллар маҳалласидан аниқланган сопол буюмларни IV-XIII асрларга оид, деб эътироф этади (Шарахимов, 1977. С. 107). Ўтган асрнинг 60-70 йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида кулоллар маҳалласи X-XI аср бошларига оид эканлиги маълум бўлди (Шарахимов, 1981. С. 61).

Афросиёбнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган XII-XIII аср бошларига оид кулоллар маҳалласида 1958-1959 йилларда В.Д. Жуков қазилар ишларини олиб борган. У олиб борган қазилар ҳудуди шарққа томон нишаб бўлиб борган. Ҳудуд ғарбдан йирик ҳовузга, шарқ томондан эса қабрстонга туташиб кетган. Тадқиқотчи В.Д. Жуков 300 м кв майдонда 10 та кулоллик хумдони, турар-жойлар ва ёрдамчи хўжалик хоналарини очган. Қазилар натижасида, Қорахонийлар даврига оид бой сопол материаллар қўлга кирилган (Шарахимов, 1977. Б. 119).

Шундан кейин кулоллар маҳалласида ўтган асрнинг 60-70- йилларида Ш. С. Тошхўжаев, Ш. Шорахмедов, Г. В. Шишкин, М.И. Филанович, Т. А.

Аъзамхўжаев, Д. П. Вархотова, Л.Г. Брусенко кабилар қазииш ишларини ўтказишиб бой материалларни қўлга киритишган(Шарахимов, 1981).

Ш. С. Тошхўжаев 1961-1962 Афросиёбнинг марказида, иккинчи ва учинчи мудофаа деворлари ўртасида иккита кулоллик устахонасини очиб ўрганган. У биринчи устахонани XI асрнинг биринчи ярмига, иккинчисини эса XI асрнинг иккинчи ярми- XII асрнинг биринчи ярмига оид эканлигини эътироф этган. Тадқиқотчи мазкур икки устахона ва Самарқанд фондларидаги сополлар асосида ўрта аср Самарқанд сирланган сопол мажмуаларининг тавсифини яратди. У IX-XIII аср бошларига оид сопол мажмуаларини беш даврга бўлиб чиқди (Шарахимов, 1977, С. 111). Л.Ф. Соколовская эса Афросиёбнинг сирсиз сополлари устида тадқиқотлар олиб бориб, ўз навбатида сирсиз сополлар шакллари эволюцияси хронологиясини тўрт даврга ажратади. Мазкур даврлаштиришда Қорахонийлар даври сирсиз сополлари III ва IV даврларга мос келиши қайд этиб ўтилади (Соколовская, 2015.С.12-13).

Афросиёбда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Қорахонийлар даврига келиб хунармандчилик олдинги асрларга нисбатан анча юксалганлигини гувоҳи бўламиз. Қорахонийлар даврига келиб сопол буюмларнинг сифатини бир мунча яхшиланиши кулоллик хумдонларининг кўпайиши юқоридаги фикримизга мисол бўлади.

Афросиёбнинг кулоллар маҳалласи ва марказидаги икки кулоллик устахонасидан ташқари яна кўплаб нуқталаридан Қорахонийлар даврига тегишли кулоллик хумдонлари аниқланган. Масалан, 1961 йилда М.И. Филанович Афросиёбнинг шимолий қисмидан қазиган шурфдан сопол маҳсулотларининг шлак ва чиқиндиларини топган. Топилмалар бу ерда сопол пишириш ўчоғи борлигидан далолат беради. Шунингдек, Н. Б. Немцева Шоҳи Зинда мажмуаси яқинидан Қорахонийлар даврига оид бўлган кулоллик ўчоғи қолдиқларини аниқлаган. У ўчоқни XII- XIII аср бошларига оид эканлигини таъкидлайди (Немцева, 1969. С. 194). Муаллиф бу устахонада қимматбаҳо ганчли ва чилчироқ буюмлар, сфероконусли ва юпқа деворли сирланган идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган деб қайд этиб ўтади (Шарахимов, 1977. С 112). Кейинчалик бу ерда учта устахона бўлганлиги, хусусан биринчисида қопқоқчалар ва симобкўзачалар, иккинчисида штампли идишлар ва учинчисида чилчироқлар ва сирланган идишлар тайёрланганлиги маълум бўлди.

1965-йилда Афросиёб шаҳрида шарқда ғарб томонга олиб борувчи йўл қурилиши пайтида кузатишлар олиб боришган И. Аҳроров, М. Н. Федоров ва М. Х. Ўрмоновалар XII- XIII аср бошларига оид икки кулоллик ўчоғини аниқлаганлар. Улардан биринчиси чироқ тайёрлашга мўлжалланган бўлган. Бундан ташқари И. Аҳроров 1965 йилнинг баҳорида Афросиёбнинг жанубий-ғарбий қисмида, шаҳарнинг тўртинчи девори яқинидан яхлит конструкцияга эга доирасимон режали учта кулоллик ўчоғини топган. Тадқиқотчи бу ердан топилган кулоллик буюмларига қараб устахонани XII- XIII аср бошларига таалукли деган хулосага келади.

Афросиёбнинг турли нуқталаридан топилган кулоллик устахоналарини ўрганиш натижасида Қорахонийлар даврига келиб бир нечта нуқталарда асосий кулоллик устахоналари шаклланган ва ривожланган. Шулардан

биринчиси шаҳарнинг марказида, иккинчи ва учинчи мудофаа деворлари ўртасида марказий каналнинг шарқидаги кулоллар маҳалласидир. Бу маҳалла ўз майдонига кўра энг каттаси бўлиб, Ш. С. Тошхўжаев ва Ш. Шораҳимов томонидан тўлиқ ўрганилган. Иккинчиси шаҳарнинг жанубий-ғарбида, замонавий шоссе йўли ва тўртинчи мудофаа деворлари оралиғидаги бир нечта кулоллик хумдонларига эга устахона. Устахона И. Ахроров томонидан ўрганилган. Учинчиси, Афросиёбнинг жанубий-ғарбий қисмида, учинчи мудофаа деворининг жанубида топилган 10 та кулоллик хумдони бўлиб, В. Д. Жуков томонидан ўрганилган. Тўртинчиси эса Шоҳи Зинда мажмуаси яқинидан Н. Б. Немцева аниқланган ва ўрганган кулоллик устахонасидир. (Шараҳимов, 1977. С. 113-116)

Афросиёбнинг Қорахонийлар даврига оид ҳунармандчилик маҳсулотлари ўзининг ясалиш усули ва сифатига кўра ўзидан олдинги ва кейинги давр маҳсулотларидан фарқланади. Тадқиқотчи Ф. А. Бурнашева Афросиёбнинг X-XII асрларга оид сирланган сополлари устида тадқиқот олиб борган. У сопол буюмларнинг кимёвий таркибини ўрганиб, улар маҳаллий хом-ашёлардан тайёрланганлигини таъкидлайди (Чўпонота тупроғи) (Бурнашева, 1964. С. 137-142).

Афросиёбда олиб борилган кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижасида, Қорахонийлар даврига оид сопол буюмлар мажмуасидан ташқари, шишасозлик бумлари намуналари ҳам аниқланган. Ўрта аср Мовароуннаҳр ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотлар минтақада IX асрдан шаҳарликлар турмуш тарзида шиша буюмлар кенг қўлланила бошланганлигидан далолат беради. Афросиёб материалларига қараганда VIII аср охири- IX аср бошларида кўнғироқсимон қоринли рюмкалар кенг тарқалган (Мирзааҳмедов, 2011. С. 98). Кейинги даврларга келиб шишасозлик янада раванқ топади. Чунки Қорахонийлар даврига келиб Самарқанднинг иқтисодий нуфузи яна бир босқич юқорига кўтарилган бўлиб бунда шубҳасиз, ҳунармандчиликнинг ўрни жуда муҳим аҳамият касб этган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон музейларидан ташқари хорижда, хусусан Россиянинг машҳур Эрмитаж музейида Самарқанддан топилган ўрта асрларга оид ажойиб шиша идишлар коллекцияси сақланади. Коллекцияни XIX асрнинг охири- XX аср бошларида В.В Бартольд, Б.Н Кастальский, Н. И. Веселовский, М. В. Столяров ва Довуд Мирзо Мехдийлар тўплашган. Ўрта Осиё (асосий қисми Афросиёбдан олинган) ўрта аср шиша буюм намуналари 1931 йилда Эрмитажга қўйилади. Эрмитаждаги Афросиёб шиши идишлари коллекцияси кружка (ёғлоғи), кенг бўғизли вазалар, кенг бўғизли кўзалар, графинлар гуруҳларидан ташкил топган. Бу идишлар мажмуаси X-XII асрларга оиддир (Аминджанова, 1965. С. 153-158).

Ўрта аср шишасозлиги бўйича М. Аминжонованинг ишлари муҳим (Аминджанова, 1962). Унинг таъкидлашича, шиша идишлар VIII асрдан эътиборан Термиз, Самарқанд, Қулдорттепа, Варахша, Болаликтепа, Мунчоктепа, Қува, Асхикент ва Хоразм воҳаси шаҳарларида кенг тарқала бошлаган. Мовароуннаҳрнинг мазкур жойларидан аниқланган юқорибадий дид билан ишланган ва оддий, рўзғорбоп шиша идишлар минтақада VIII асрдан бошлаб XIII аср бошларигача шишасозлик тараққий этганлигидан

далолат беради (Аминджанова, 1962. С. 89-90). Тадқиқотчи ўрта аср шиша буюмларни тараққиёти уч даврни ўз ичига олишини таъкидлайди, жумладан биринчи давр дастлабки шиша идишларнинг пайдо бўлиши-VIII-IX асрлар, иккинчи давр, X-XIII аср бошларини қамраб олган бўлиб, Мовароуннаҳрда шишасозликнинг равнақ топганлиги билан боғлиқ, учинчи давр эса XV-XVI асрларни ўз ичига олган бўлиб, мазкур даврда шишасозликда ойна ишлаб чиқаришга ўтиш бошланган (Аминджанова, 1962. С. 99-100).

Ўрта аср Мовароуннаҳр шишасозлик тарихини ўрганишда А. А. Абдураззоқовнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади (Абдураззаков, 1990; Абдураззаков, 1966; Абдураззаков, 1963). Олим шиша идишларнинг ясашиш техникаси ва уларнинг кимёвий таҳлили бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борган. Афросиёбнинг турли нуқталарида олиб борилган қазилар натижасида қўлга киритилган шиша идишлар ва уларнинг парчалари устида кимёвий таҳлиллар ўтказган. муаллифнинг эътироф этишича, Афросиёбда IX-XII асрларда шиша ишлаб чиқаришнинг йирик марказига айланган. А. А. Абдураззоқов Афросиёбнинг мазкур даврларга оид шиша идишларини кимёвий таҳлил натижаларини Мовароуннаҳр шаҳарларидан топилган шу давр шишалари кимёвий таҳлилинини Рус, Кавказ, Месопатамия, Миср, Ҳиндистон ва бошқа минтақалар шишалари таркиби маълумотлари билан таққослайди. У Афросиёб шиша идишларининг илмий таҳлили асосида қўйидаги хулосаларга келади:

Афросиёбнинг барча нуқталарида деярли бир хил таркибдаги шиша идишларнинг мавжудлиги шаҳарда йирик шишасозлик маркази мавжуд бўлиб, шишасозлар шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудуд аҳолисини турли шиша буюмлар билан таъминлаганини эҳтимол, шаҳарда бир нечта шишасозлик устахоналари бўлиб, улар ягона рецепт ва бир хил хом-ашё асосида шиша буюмлар ишлаб чиқарганлар.

- биргина шаҳар ҳудудидан топилган шиша буюмларнинг хилма-хил кимёвий таркиби маҳаллий шишасозларнинг юқори сифат кўрсаткичларига эга эканлигидан далолат беради.

- айрим шиша буюмларнинг Рус, Кавказ, Месопатамия, Миср, Ҳиндистон ва бошқа минтақалар шишалари билан кимёвий таркибини ўхшашлиги ўрта асрларда Самарқанд ушбу ҳудудлар билан кенг миқёсли савдо-сотик ва маданий алоқаларга эга эканлигини ҳамда маҳаллий ҳунармандлар бошқа минтақа шишасозлик анъаналари билан яхши таниш бўлганликларини англатади.

Қорахонийлар даври ҳунармандчилиги етарли даражада ўрганилган бўлсада, ҳамон бу соҳада ечилмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Мазкур муаммолар асосан сопол, шиша ва металл буюмларнинг янгича тавсифланиши ва кейинги даврларда топилган бу хилдаги буюмлар ўрганилиши билан боғлиқ. Чунки илм-фан ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Тадқиқотлар давомли бўлса бўлса янги ғоя ва фиклар пайдо бўлаверади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдураззаков. А. А. Сравнительное изучение химических составов средневековых стекол из разных частей Афрасиаба // ИМКУ. Вып 23. 1990.

2. Абдуразаков А.А., М. А. Безбородов. Средневековые стекла Средней Азии (опыт химической характеристики). Т., “Фан”. 1966.
3. Абдуразаков А. А., М. А. Безбородов, Ю. А. Заднепровский. Стеклоделие
4. Средней Азии в древности и средневековье. Т., “Фан”. 1963.
5. Аманджанова М. Средневековые стеклянные сосуды из музеев Ташкента и Самарканда / ИМКУ. Вып 3. 1962
6. Аманджанова М. Среднеазиатское средневековое стекло в собрании Эрмитажа. // ИМКУ. Вып. 6. 1965.
7. Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. // - Самарканд: МИЦАИ, 2015.
8. Ф. А. Бурнашева Глазурная полива керамической посуды Афрасиаба X-XII вв. // ИМКУ. Вып 4. 1963.
9. Мирзаахмедов. Д. Узбекистан // Художественная культура Центральной Азии и Азербайджана IX–XV вв. Том II. Стекло. —Самарканд-Ташкент: МИЦАИ, 2011.
10. Н.Б. Немцева Стратиграфия южной окраины городища Афрасиаб Афрасиаб. Афрасиабская комплексная археологическая экспедиция. Вып. I, Т., “Фан”.1969.
11. Л.Ф. Соколовская Неглазурованная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII - начала XIII в.). // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. - Самарканд: МИЦАИ, 2015.
12. Ш.Ш. Шарахимов. Квартал гончаров X— начала XI в.// К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда. Т., “Фан”. 1981.
13. Ш.Ш. Шарахимов. К истории изучения гончарного дела на Афрасиабе // ИМКУ. Вып 13. 1977

ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АМИР ТЕМУР ШАХСИГА МУНОСАБАТ ХУСУСИДА

О. Жўраев
ЖДПИ, Жиззах

Авлодлар, йиллар, асрлар ўтган сари ўз юртига озодлик бахшида этган, 150 йил давомида мўғуллар ҳукмронлигидан тинкаси қуриган мамлакатни, халқни мустақилликка эриштирган, Марказий Осиёда марказлашган давлатни тузган, биргина номининг ўзи жаҳоннинг кўпгина ҳукмдорларини зирқирата олган Амир Темурга, унинг шахсига қизиқиш кундан кунга орта бормоқда. Чунки, Жаҳон тарихида Соҳибқирон буюк давлат қурган, оламга донғи кетган ва зафарлари тарихда олтин ҳарфлар билан битилган жаҳонгир султон сифатида таърифланади.

Башарият афкор оммаси томонидан эътироф этилган Амир Темурга хос суврат ва сийрат тўғрисида сўз кетар экан, авваламбор унинг йигирма саккиз мамлакатни ўз ичига олган марказлашган қудратли салтанатни барпо этиш стратегияси, жаҳон ҳарб санъатига қўшган салмоқли улуши, иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий, диний-маърифий нуқтаи назардан Ўрта аср тамаддуни ривожига тутган ўрни, Она юрт равнақи, Ватан тинчлиги, элулус хотиржамлиги каби устувор йўналишлардаги даҳоси намоён бўлади.

Мустақиллик туфайли қайта тикланган бебаҳо қадриятлар ҳақида кўп таъкидлаямиз. Истиқлол бизга тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий

маданий меросни ўрганиш ва холис баҳолаш имконини берди. Буюк бобокалонларимизнинг маънавий олами хусусда фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азм-у шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илм-у фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди [И.А.Каримов, 2008. 45-б.].

Тилларда дoston, буюк жаҳонгир ва музаффар ҳазрати Амир Темур бобомиз-оламшумул тарихий шахс. Мана олти асрдан бери ул зотнинг исми шарифи халқларнинг тилларидан, адиблар китобларининг саҳифаларидан тушмай келади. Ўз даврида Европадаги Франция, Англия, Кастилия, Византия, Венеция ва бошқа давлатларнинг қироллари, Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг шоҳлари унинг билан ёзишмалар олиб борганлар.

Амир Темурни Александр Македонский, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Наполеонга қиёслаш кўпгина муаррихларнинг асарларида тез тез учраб туради. Француз олими Алфонс де Ламартин Амир Темур салтанатидан хайратланиб “Оврупа на Искандарда, на Аттилада ва на Московия зафарини кучган янги фотиҳ (Наполеон)да адолатли қонунлар асосида қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас” [Х.Содиқов, 2010. 222- б.], деб ёзган эди.

Кўплаб йилномачилар томонидан “қонхўр, босқинчи, золим” деб аталган ҳукмдорнинг шарқлик ва оврупалик мўйқалам усталари томонидан яратилган сурат ва тасвирлари нега ҳамон дунёдаги энг машҳур музей ва кутубхоналарни безаб турибди? Морлони унга атаб фожеа ёзишга, Вольтерни эссе битишга, Гётени ўз девонидан унга ўрин беришга, Генделни унга бағишлаб опера яратишга нима мажбур қилди экан? Франция, Италия, Испания, Англия ва Германияда шарқлик алломалар томонидан Темур ҳақида ёзилган асарларнинг тилдан тилга таржима қилинишига ва ўрганилишига нималар сабаб бўлди экан?

Зеро, шак-шубҳасиз, ушбу масала авлодлар ҳукмига ҳавола! “Амир Темур жаҳон тарихида “ китоби муаллифлари (Тошкент, 2001. Масъул муҳаррир: Ҳ.Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов, А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқалар) ҳақли равишда ёзганларидек, Европа олимларининг Амир Темур шахси ва унинг фаолиятига қизиқиши бундан 500 йил аввал бошланган эди. 1553 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида Перондино деган олимнинг “Скифиялик Тамерланнинг улуғворлиги” деб номланган илмий тадқиқот асарининг эълон қилиниши бундан кейинги асарларга кенг йўл очган эди. Мишель Монтеннинг (1553-1592) “Тажрибалар” китоби бунинг ёрқин далилидир. Европалик тадқиқотчилар Соҳибқирон ҳақидаги маълумтоларни XV асрда яшаган Византия тарихчиси Лаоник Калкондил ёзган “Юнон империясининг таназзули” ва “Турклар салтанатининг қарор топиши” китобидан олишгани ҳақида фикрлар бор. Мазкур асар 1583 йилда ёзилган бўлиб, унинг 14 бобдан иборат биринчи жилди батамом Соҳибқиронга бағишланиб, у Темур, Тамерлан, Тамбурлан деб тилга олинади.

Ватанимиз тарихи, маданиятимиз, тилимизни, буюк аждодларимиз меросни ўрганишда француз шарқшунослари, Ўзбекистоннинг Биринчи

Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “кашшофлик” қилганлар ва ажойиб натижаларга эришганлар[И.А.Каримов, 1996. 163-б.]. Француз шарқшунослик мактаби XVII асрдан бошлаб шаклланди. Ҷаҳонда Европада Шарқ мамлакатларига, шу жумладан Марказий Осиё тарихи, маданияти, фани ва санъатига қизиқиш кучайган. Чунки Марказий Осиё ўзининг жўғрофий ўрни, бой маданий меросига кўра Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида илмий, маданий, маърифий ва диний ғояларни ёйишда муҳим тарихий ўрин тутган.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, Соҳибқиронга бағишланган асосий Шарқ манбаларини француз тилига таржима қилиш француз шарқшунослигининг диққат-марказида бўлиб келган ва келмоқда. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг Ф. Пети де Круа таржимаси (Париж,1722), Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал мақдур фи тарихи Таймур” асарининг “Буюк Тамерлан тарихи” билан В.Ватъе таржимаси (Париж,1658), Абулғози Бағодирхоннинг “Мўғуллар ва татарлар сулоласи тарихи”нинг Барон Демэзон таржимаси (Лайден,1726), Абдураззоқ Самарқандийнинг “Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш ўрни” асарининг А.Галлан таржимаси (Париж, 1715), Ибн Холдун “Таржимаи ҳоли”нинг В. Де Слан таржимаси (Париж,1852) ва шу каби кўплаб ноёб таржималар юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир [Х.Содиқов, 2010. 231-б.]. Айни сизу биз яшаётган даврда жаҳон тарихшунослиги ва шарқшунослиги фанларида илмий йўналиш “Темуршунослик” шаклланди. Парижда нашр қилинаётган, дунёда ягона махсус “Темурийлар” журнали фикримизни яққол тасдиқлайди.

Муаррих Ибн Арабшоҳ ўзининг “Ажойиб ул мақдур фи тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) асаридаги эътирофидан бизга шу нарса маълум бўладики, Соҳибқирон виждон ва эътиқод эркинлигида ҳам ниҳоятда бағрикенг бўлган. Разведкаси фаолияти доираси кенг бўлиб, ахборот кўлами ҳам жаҳонни кенг қамраб олган. Соҳибқирон одамлари ичида Ибн Арабшоҳ ёзишчи, “ Олижаноб, ибодатли, ҳимматли кишилар ҳам кўп бўлиб, улар эзгуликларида чексиз манбалар бўлиб, бу (хайрликлар) булоқларининг кирим ва чиқимлари бор эди. Асирни озод қилиш, ноқисликни тўлғашиш, ёнғинни ўчириш, сувга ғарқ бўлаётганни қутқариш, ўзгаларга хайру эҳсон кўтариш, бошига кулфат тушганда (ёрдам) қўлини чўзиш у (кишилар) одатларидан бўлиб, буни тилаш ва шафоат сўраш билан имконлари борича ва қудратлари етгунча адо этардилар”.

Дарҳақиқат, Амир Темур шахси, унинг серқирра фаолияти ҳанузгача фанда ҳам, адабиётда марказий ўринни эгаллаб турибди. Соҳибқирон ҳаётлик даврида қанчалик машҳур бўлган бўлса, вафотидан кейин ҳам Шарқу Ғарбда янада шухрат қозонди. Яна далилларга мурожаат қиламиз:

Шуни таъкидлаш лозимки, XVII аср ўрталарида Англияда “Рим империясининг таназзули ва ҳалокати” деб номланган асар нашрдан чиқади. Унинг муаллифи тадқиқотчи Эдвард Гиббон (1737-1794) нинг номи тезда машҳур бўлиб кетади. Чунки, Гиббон асарининг бир боби махсус Амир Темурга бағишланган эди.

“Амир Темур,-деб ёзган эди Э.Гиббон,-у дунёни забт этиб, унга ҳукмрон бўлиш мақсадини кўзлаган эди. Авлодлар хотирасида ҳурмат қозониш

унинг олижаноб қалбининг иккинчи истаги эди... Унинг васиятлари Европага нотанишлигича қолди”.

Фридрих Шлоссер (1776-1861) эса ўзининг “Ялпи тарих” китобида Соҳибқирон шахсига бундай юксак баҳо беради: “Омадли жангчи, дунёнинг ягона ҳукмдори, тактик ва стратегик билимларни уйғунлаштирган зот”. Шу ўринда Кастилия ва Леон қироли Энрико III (1390-1407) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга- Темур саройига саёҳат кундалиги (1403- 1406)” асарига эътиборимизни қаратамиз. Клавихонинг таъкидлашича, Амир Темур даврида карвон йўлларида жорий этилган ёмчилик хизмати қатъий ҳарбий интизомга бўйсундирилган [Руи Гонсалес де Клавихо, 2010 . 127-128 б.]. Ҳар 30 чақирим масофада бир неча ём отлари билан аравакаш-ёмчи хизматда ҳозир турган. Агар бирор сабаб билан ём отлари бўлмади қолса, у ҳолда агент истаган йўловчининг, ҳатто давлат арбобининг ҳам отини олиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган. Клавихонинг ёзишича, ҳатто Амир Темур ўглини ҳам отдан тушириб агент ихтиёрига беришган. Ким бўлишидан қатъи назар барча Соҳибқиронга ахборот олиб кетаётган одамга бўйсунуши шарт. Агар у буйруққа бўйсунмаса, боши кетган [Руи Гонсалес де Клавихо, 2010 . 127-128 б.]. Одамсиз йўлларда ҳам отлар шай турган.

Таниқли тарихчи Георг Вебер “Умумий тарих” китобида “Буюк саркарда, ҳукмдор ва қонуншунос Амир Темур инсон сифатида ҳам, ҳукмдор сифатида ҳам Боязиддан юқори турар эди”, деб Соҳибқиронни таърифласа, машҳур рус тарихчиларидан Т.М.Грановский (1813-1855) уни жаҳон тарихининг буюк арбоблари қаторига қўшиб “Ҳориб чарчаш нималигини билмайдиган фаолият соҳиби”, деб таърифлайди.

Рус тарихчиларидан академик В.В.Бартольд эса Соҳибқиронни “серғайрат қурувчи” сифатида кўради [Х.Содиқов, 2010. 228- б.]. Генерал-лейтенант М.И.Иванин ва генерал А.Снесарев ҳам ўз навбатида Амир Темурга юксак баҳо бериб унинг ҳарбий санъати ва разведка соҳаларидаги фаолиятини чуқур таҳлил қилишади. Россия империяси генерал штаби генерал-лейтенанти Иванин ҳарбий академияда Амир Темур тактикасини ўрганиш учун махсус курс маърузаларини киритиш ташаббусини кўтаргани ҳам бежиз эмас.

Таъкидлаб ўтилган фикр- мулоҳазалардан, эътирофлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, Амир Темурнинг олижаноб сиёсати, эзгулик йўлидаги ишлари дунёнинг ҳеч бир давлат арбоби ёки саркардалари фаолиятида бу даражада мукамал, ёрқин ва баркамол тарзда кўзга ташланмади [Х, Дадабоев. Амир Темур даврдошлари. Т.: “Навоий Университети” НМИУ, 2018, 3-б.].

Дарҳақиқат, давлатчилигимизнинг том маънодаги асосчиси Амир Темур ҳаёти йўлига бағишланган хорижий тилларда битилиб, ҳозиргача етиб келган ёзма манбаларни чуқур тадқиқ этиш, улардаги ашъвий материалларни синчковлик билан ўрганиш Соҳибқироннинг эл- улусга раҳнамолик қилиш, мамлакатни ички ва ташқи душманлардан халос этиш, салтанатни оройиш ва осойиш топтириш, раият турмуш тарзини юқори поғонага кўтариш, ўз даврининг тенги йўқ қуролли кучларини шакллантириш, илм, фан, санъат, маданият аҳлига ҳомийлик кўрсатиш сингари истеъдоди ва салоҳияти хусусида объектив мулоҳаза юритишга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.:”Маънавият”, 2008. 45-б.
2. Ҳ.Содиқов. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. Т.:”ART FLEKS”? 2010. 222- б.
3. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.:”Ўзбекистон”, 1996. 163-б.
4. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403- 1406 йиллар). Т.: “Ўзбекистон ”, 2010. 127-128 б.
5. Ҳ. Дадабоев. Амир Темур даврдошлари. Т.: “Навоий Университети” НМИУ, 2018, 3-б.

БОБУРНИНГ НОЁБ ИЛМИЙ - АДАБИЙ МЕРОСИ ХУСУСИДА

*Мажидов А.Ф.
ЖДПИ, Жиззах*

Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир инсон қандай оилада дунёга келгани, ўз аждодлари кимлар бўлгани, ота- боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади [1:19]. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди.

Соҳибқирон Амир Темур сулоласининг Ҳиндистондаги буюк давомчилари – Бобурийлар салтанати ҳақида сўз кетганда, унинг асосчиси, ватандошимиз, моҳир лашкарбоши, доно давлат арбоби, истеъдодли шоир, адиб, олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўз олдимизда гавдаланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган “Бобурнома” асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин” (“Баён этилган”), “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди [2:149].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўҳна Туркистонинг ҳар жиҳатдан етук, ғоят истеъдодли фарзанди эди. Мана, 500 йилдан ошибдики, бу ном тиллардан тушмайди. Гоҳ сиёсий давраларда, гоҳ адабий анжуманларда, гоҳ илмий муҳоқасаларда бу номга мурожаат қилиб келинади. Тўғри, давр тақозоси билан Бобур шахсияти билан боғлиқ мавзу муайян замонларда, муайян давраларда сусайган пайтлари ёхуд бошқачароқ талқин қилиниб, бир томонлама баҳоланган вақтлари ҳам бўлди [3:113]. У ҳам бўлса, кейинги юз йилда, ўз она диёрида ва муайян шарт-шароитларда. Лекин тарих гувоҳки, ўтган беш аср давомида унинг мутафаккир сифатида дунё назар-эътиборидан четда қолган пайти бўлган эмас.

Бобур илм ва фаннинг, санъатнинг, умуман ҳаётнинг ҳамма соҳалари билан яқиндан қизиққан. Ғайрат ва ташаббус, синчковлик ва истеъдод Бобурни ривожланган феодал даврининг улуғ намояндаларидан бирига айлантирди. У ҳар бир соҳани аниқ билишга интиланган, ундаги нуқсонларни кўра билган ва масаланинг моҳиятини тезда тушуниб етган.

Жаҳон шарқшунослари томонидан олим сифатида эътироф этилган Бобур фаннинг кўпгина соҳалари бўйича қимматли ишларни амалга оширган. Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқлари маданияти тарихи учун катта хизмат қилган.

Масалан, ўзбек олими, география фанлари доктори, профессор Х.Ҳасанов уни фақат давлат арбоби эмас, балки машҳур лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусиқачи ва меъмор бўлганини таъкидлайди [7:217].

Дарҳақиқат, Бобурнинг шоир сифатида ижодий фаолияти ўз гувоҳлигига кўра, Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган, “Ул фурсатларда бирор-иккирар байт айтур эдим”, деб ёзади у. Бобур Самарқанддалигининг илк ойларида Алишер Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади. Бобур атрофида ижодкорлар тўпланиши ҳам шу йилларга тўғри келади [6:201]. Жумладан, Биноий, Абулбарака ва Бобур ўртасида рубоий мушоираси Самарқанддаги қизгин адабий ҳаётдан дарак беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жанги жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизгин даврида ҳам, шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитларда қолган чоғларида ҳам Бобур ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод аҳлини ўз атрофига тўплаб, ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Мумтоз адабиёт ва тарих, мусиқа ва санъатдан яхши хабардор бўлган Бобур ҳар доим олиму фузалолар даврасида бўлди, хусусан ижод аҳлига, касбу ҳунар соҳибларига самимий эҳтиром кўрғазиб ҳомийлик қилди, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турди. Бобур табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Чунончи, Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жавоҳарлаъл Неру шундай ёзган эди : “Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирига туташиб кетди” [2:149].

Бир қанча таниқли тарихчи олимларимизнинг яқдил фикрларича, Бобур Мирзо ва бобурийлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Кашмир ва Бангладеш тарихида алоҳида из қолдирганлар. Бу аввало, бобурийлар қолдирган буюк меросдир. Бу мерос, энг аввало, моддий маданият бойликлари бўлса, иккинчиси маънавий маданият дурдоналаридир [4:61].

Бобур ҳақида ёзилган китоблар тўпланса, шак-шубҳасиз, ростмана

улкан кутубхона пайдо бўлади. Уни Шарқда қанчалар севсалар, Ғарбда ҳам бундан кам севмайдилар. Элфинсон унинг “Бобурнома”сини: “Осиёда ягона, чинаккам тарихий тасвир намунаси”,- деб таърифлайди. Академик В.В.Бартольд эса: “Туркий насрнинг мумтоз реалистик намунаси”,- деб баҳолаган. Машхур Вамбери бу асарни Юлий Цезарнинг “Комментарийлар”ига қиёслаган [5:101,102]. Бундай мисолларни умумжаҳон тарихидан кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида баён этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳонга машхур бўлган шоҳ асари “Бобурнома”дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. “Бобурнома”да 1494-1529 йилларда Марказий Осиё ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий-сиёсий воқеалар йилма-йил ўта аниқлик билан баён қилинган бўлиб, улар муаллиф ҳаёти ва сиёсий фаолияти билан бевосита боғлиқдир [6:204].

“Бобурнома” XVаср ўзбек бадий насрининг ёрқин намунаси сифатида соф бадий лавҳалар, жонли тасвирлар, анъанавий лирик чекинишларга бой. Насрий матн ичида келтирилган халқ мақол-маталлари, иборалари, ибратли ўғитлар, шеърий парчалар унинг бадийлигини янада оширади, ўзига ҳам жозиба бағишлайди.

Бобурнинг хотираларидан ташкил топган ва темурийлар давлатининг таназзулга кетиш даврини ўзида ифодалаган, қомусий характердаги мазкур асар илмий-тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда тарих, география, ботаника ва фаннинг бошқа соҳаларига тааллуқли қимматли маълумотлар бор. Бундан ташқари, ушбу асар эски ўзбек тилидаги прозанинг илк намунаси ва нодир ёдгорлиги ҳамдир. Бобур ана шу солномасида ўзи бўлган жойларнинг, жумладан Ҳиндистоннинг табиий манзараларини ҳам, маҳаллий аҳолининг кийиниши ва урф-одатларини ҳам, ҳайвонлари, қушлари ҳамда уларнинг қилиқларини ҳам тасвирлайди. Ўзи тилга олган нарсаларни теран фикрли, ўткир кўзли рассом сингари жозибали баён қилади.

Бобур ўрта асрлардаги Ҳиндистон халқлари тарихини ўзидан беш аср илгари яшаб ижод этган Абу Райҳон Беруний каби маҳорат билан ёрита олган. Филология фанлари доктори С.Азимжонова шу масалани таҳлил қилиб, чиқарган хулосасида айтганидек, ҳинд халқи ҳаётининг турли томонларига тааллуқли материалларнинг изчил баён этилиши, оригиналлиги ва ишонарлилиги жиҳатидан Берунийнинг маълумотларига фақат “Бобурнома”даги маълумотларни тенглаштириш мумкин. Беруний ва Бобур қадимий ҳамда ўрта асрлардаги Ҳиндистон халқлари маданияти тарихининг чинакам тадқиқотчиларидирлар. Уларнинг асарлари Ҳиндистон тарихига қизиқувчилар учун асосий манба сифатида хизмат қила олди [7.218].

Зотан, “Бобурнома”нинг тўрт марта форс тилига, тўрт марта тўлиқ инглиз тилига, икки марта француз тилига, яна немис, япон, турк, урду, ҳиндий ва бошқа тилларга таржима қилинганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Бобур, шунингдек ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг лирикасида шеърятнинг асосий мазмуни бўлган инсоний фазилатлар, ёр васли, унинг гўзаллиги, унга чексиз муҳаббат, хижрон азоби, айрилиқ аламлари ва висол қувончлари ниҳоят гўзал ва моҳирона ифода этилган [2:152].

*Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола руҳ, бу чеҳраи зардим.
Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлвордим.*

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Бобур ўз юртида қадр-қиммат топди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг фармониغا кўра 1993 йилда буюк Бобур таваллудининг 510 йиллиги тантанали нишонланди. Андижон шаҳрида Бобур номида университет, театр, кутубхона, миллий боғ (“Боғи Бобур”) бор. Бобур миллий боғи мажмуасида “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи, шоирнинг рамзий қабр-мақбараси бунёд этилган. Шаҳар марказида (муаллифи Равшан Миртожиев) ва Бобур боғидаги ёдгорлик мажмуида (муаллифи Қодиржон Салоҳиддинов) шоирга ҳайкал ўрнатилган.

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Унинг Ватан мадҳи, юрт соғинчи, адолат ва инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари мана беш аср ўтса ҳам, миллий маънавиятимизнинг гултожи бўлиб келмоқда. Унинг кўп қиррали меросида ҳаётга, Ватанга муҳаббат ҳисларининг чинакам ифодасини, инсоннинг юксак бурчи ва кишиларнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги теран фикр-мулоҳазаларни, фан ва динга муносабат масалаларини, яхши хулқли ва одболи бўлишга даъватни, илм-фан ва маърифатни эгаллашга чақириқни, ахлоқий ва эстетик ғояларни, жўшқин ва мазмундор ҳаёт кечиришга тарғиб яққол сезилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н.Жўраев. Тарих фалсафаси. Т.:”Маънавият”, 1999.
2. Мураббий-қадриятлар тарғиботчиси. Ж.:”Сангзор”, 2012.
3. Б.Қосимов. Уйғонган миллат маърифати. Т.:”Маънавият”, 2011.
4. Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов, У.Убайдуллаев. Ватан тарихи. 2-китоб. Т.:”Шарқ”, 2010.
- 5.Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси. Т.: ”Тафаккур қаноти”, 2014.
- 6.Буюк аждодларимиз. Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.
7. К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. Педагогика тарихи. Т.: “Ўқитувчи”, 1996.

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН ШАХСИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ТАВСИФИ

Б.Н. Мирзаев
ЖДПИ, Жиззах

Ўтмишда шундай шахслар ўтганки, уларнинг ҳаёт ва фаолиятлари мураккаб ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар силсиласига тўғри келган. Баъзан, уларнинг ўзлари ўша жиддий жараён ва ўзгаришларнинг тепасида туриб уни бошқарганлар, даврнинг чигал муаммоларию зиддиятли вазиятларига, таҳликали синоатларию кескин бурилишларига таъсир ўтказганлар.

XV асрнинг биринчи ярми - XVI асрнинг бошларида яшаб, Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ҳудудларини ягона давлатга бирлаштира олган Абулфатҳ Муҳаммад Шайбонийхон ибн Шох Будоғ ибн Абулхайрхон ана шундай тарихий шахслар сирасига киради.

Ушбу мақолада моҳир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхоннинг сиёсий, ижтимоий, маърифий фаолияти тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритилди.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, дасти(қўли)ни дунёга чўзиб шоҳлик даъво қилишнинг ўзи журъату жасоратни, шижоату уқувни, бир умрлик ташвиши фидойиликни талаб қилади. Шайбонийхон ҳам ана шундай фазилатлар соҳиби сифатида кўп машаққатлар чекиб, "... бутун Туркистон ҳудудлари миқёсида марказлашган давлат туза билган". Бу давлат Бизким, ўзбеклар китобида, "...Амир Темур салтанатидан кейинги кучли давлат[Иброҳимов, 2011. 40-б.]” деб талқин қилинган.

1468 йилда ўзбек улусининг асосчиси Абулхайрхон вафот этганидан сўнг, ички ва ташқи душманлар унинг давлатини талон-тарож қилганлари, мамлакатни ҳалокат ёқасига келиб қолганлиги ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида қўйидагича маълумотлар келтирилган: “Абулхайрхон туғишли, дўстларини қулдириб ва душманларини йиғлатиб, юруган киши эрди. Тўрт ёниндаги ўлтурган қариндошларининг ҳеч қайсина тези ўтмаган ва қўли етмагани йўқ эди. Ул сабабдан барчаси бош кўтардилар. Тақи Абулхайрхоннинг гарчи ўғли ва набираси кўп эрди, андиғ ҳам бўлса кўп душман қўл суқти. Тақи ўғлонларининг бир нечасин ўлтурди. Қолганлари тўрт ёққа қочтилар. Кўп элининг барчасин тўрт ёқга тўздурдилар. Бу воқеотдин бир неча йиллар ўткандин сўнг Абулхайрхоннинг набираси Шохбахтхон туғишли йигит туғилди. Вояга етгач, у ҳам ота юртига келиб, тарқаб кетган элни йиғди”[Абулғозий, 1992. 118-б.].

Ана шу вазиятда ўзбеклар ўзларининг эътибор ва ишончларини Абулхайрнинг набираси шахзода Муҳаммад Шайбонийхонга қаратдилар. Унинг номи баъзи манбаларда, хусусан, “Бобурнома”да Шайбоний, Шойбоқ каби номлар билан аталади. Шунингдек, “Бобурнома”да Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида “... беш вақт намозни тарк қилмас эди, қироат илмини тавре билур эди”[Бобурнома, 1989. 186-б.] ва яна бир ўринда

“менинг ғанимим Шайбоқхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуг ёшлиқ киши эди” [Бобурнома, 1989. 77-б.] деб, таъкидлаб ўтилади. Бу зот ўзининг ёшлигига қарамасдан истиқбол учун порлоқ умидлар билан дунёга келган эди.

Шайбонийлар сулоласининг асосчиси ҳисобланган Муҳаммад Шайбонийхон Абулхайрхоннинг набираси Шоҳ Будоқхоннинг ўғли бўлиб, у хижрий 855 (1451) йилда Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Саброн шаҳрида дунёга келган. У ўзининг туғилган жойи ҳақида ўз девонида шундай ёзади:

Бу шайбоний орзуси туғмиш ери Саброн сари [Шайбоний девонидан олинган таржима. (М.Шарипова. Муҳаммад Шайбонийхон. Тошкент, “Шарқ”, 2004. 19-20-б).]

Болалигидан уни Муҳаммад Шоҳ Бахт (“Шоҳ бахти”) деб атар эдилар. Бироқ, отаси Шоҳ Будоғ Султон билан онаси қалмоқ подшоси Олтинхон наслидан бўлган Оққўзибегимлардан ёшлигида етим қолиб, укаси Маҳмуд Султон билан бирга дастлаб отасининг содиқ хизматкори Қорачабекнинг ҳимоясида яшади. Қорачабек бу шахзодаларга камоли садоқат билан хизмат килди. Шайх Ҳайдарнинг вафотидан сўнг, Қорачабек хийла улғайган бу етим шахзодаларни олиб, Абулхайр оиласининг душманларидан Сирдарёнинг куйи тарафларига қочиб кетишга мажбур бўлди.

Бу даврда Самарканд тахтининг эгаси Абусаиднинг ўғли Султон Аҳмад ҳукмрон эди. Мамлакатнинг шимолий чегараси ноиби эса Кушликхон ўғли Мажид тархон (Муҳаммад Мазид тархон) эди.

Муҳаммад Шайбонийхон Мажид тархондан уни ўз хизматига олишни илтимос қилди, Мажид тархон розилик берди, ойлик ҳам белгилади. Лекин, Мажид тархон кейинчалик, Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек уруғларининг кучайиб кетиши ва унга душманлик қилиш таҳликасини ҳис этгандан кейин, хавфдан қутулиш учун уларни Бухоро ҳокими Абдулалӣ тархонга юборди. Бухоронинг мутлақ ҳокими Абдулалӣ тархон саройи зийнат ва ҳашамат жиҳатдан ўзи тобе ҳукмдорнинг саройидан кам эмасди. У Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбекларни яхши қабул этди ва муғуллар шимолий-шарқдан ҳужум қилганда, улардан фойдаланди. Бу хусусда, “Бобурномада” ёзилишича, “Шайбонийхон, гарчи навқари бўлмаса-да, кўп вақт у билан бирга бўларди. Шайбонийхоннинг бунчалик кучайиб кетмоғига ва қадим хонадонларнинг бузилмоғига Абдулалӣ тархон сабабчи бўлди” [Бобурнома, 2012. 73-74-б.].

Шунингдек, “Тарихий Рашидий” асарида, “Султон Аҳмад мирзо ҳаётлигида Шоҳибекхон Абдулалӣ Тархон мулозимлари қаторида бўлди. Султон Аҳмад мирзо ва Абдулалӣ тархон деярли бир вақтда Аллоҳга омонатларини тошпиришгач, Шоҳибекхон Туркистонга бориб, Султон Маҳмудхон эътиборини қозонишга уринди. Хонимкониборича ундан ёрдаму мададини аямади. Унинг кўмагида Шоҳибекхон Бухоро ва Самаркандни олди, унинг лашқари икки-уч юз кишидан эллик минг, эҳтимол, ҳатто олтмиш минг кишига етди. У Туркистонга кетгандан бошлаб, Султон Маҳмудхон ёрдамида унинг кучи ортиб бораверди, султонлару амирлардан энг саралари ва Абулхайрхондан қолган Дашти Кипчоқда тентираб юрган

бошқа одамлар у қаерга борса, ўша ерда унга бирлашаверишиди” [Муҳаммад Хайдар мирзо, 2010. 242-243-б.].

Лекин ўзбек шахзодалари ҳарбий жиҳатдан катта куч тўплаганларидан сўнг, темурий ҳукмдорлар томонидан ҳар қандай қуролли хизмат учун тўланган оддий маошга қаноатсизлик қила бошладилар. Натижада, темурий ҳукмдорлар Ўтрор, Саврон, Сиғноқ шаҳарларини уларга беришга мажбур бўлдилар. Ана шу тарзда Шайбонийхон ўз мамлакати ҳудудини кенгайтира бошлади.

Шайбонийхон ўзининг асосий душмани бўлган Бурга Султон билан куч тўплаб, ҳарбий тайёр ҳолатга келгунча риёкорона тарзда дўст тутинди. Тайёргарлик охирига етгач, узоқ қиш кечаларидан бирида, содиқ уч баҳодири билан душмани Бурганинг саройига ҳужум қилди. Унинг оила аъзолари ва қариндошларидан кўп кишини қатл этди. Қочган Бурга Султон ҳам ўлимдан қутулиб кета олмади, Шайбонийхон уни топтириб, қатл эттирди. Мазкур муваффақиятли ҳужумдан кейин ёш шахзода ҳийла кучайган ўзбек суворийларига бошлиқ бўлди. Уларнинг паноҳида зўр жангларда қатнашиш учун имконият топди.

Шайбонийлар билан инқирозга учраётган темурийлар ўртасидаги тинч муносабатнинг узоқ давом этмаслиги табиий ҳол эди [Вамбери, 1990. 78б]. Тўқнашувнинг сабаби тез топилди. Султон Аҳмаднинг ҳаётлик вақтидаёқ Шайбонийхон келажакни ўйлаган ва ноиб Мажид тархонга қарашли Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни ўз тасарруфига олган эди. Бундан ташқари, Шайбонийхон эндиликда аввалгидай маошга хизмат қилишдан воз кечган, шундан буён Темур сулоласининг қўрқинчли душманига айланган эди. Ёш кўчманчи хонларнинг ғоятда кучайган жанговар аскарлик руҳи уларнинг ўзаро низою жанглари учун кифоя эди. Бу даврда Мовароуннаҳрнинг ниҳоятда чувалашиб кетган сиёсий ҳаёти, бекларнинг бошбошдоқликлари каби ҳолатлар Шайбонийхоннинг мамлакатни истило этишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Шайбонийхон 1501 йилда Сарапул жанги билан Мовароуннаҳр тахтини олган бўлса, 1507 йилга келиб, Марвичак уруши билан бутун Хуросонни ўз тасарруфига киритди.

Шайбонийхон Ҳиротни забт этгандан кейин ўғилларини Хуросонда қолдириб, ўзи Амударёнинг нариги тарафига кетди. Уни Бухорода тантанали қарши олдилар. Лекин унинг мақсади Бухорога келиш эмас, балки ундан ўтиб кетиш эди. Унинг асл нияти сафардалиқ даврида исён кўтарган муғул Юнуснинг ўғли Маҳмудхонни тобе этиш эди. Шунинг учун у Сирдарёнинг шимолий вилоятига йул олди. Шайбонийхон бу ерда ҳам тинчлик ўрнатгач, истило ишини тамомлаш учун яна Хуросонга қайтди. Айни пайтда 914 (1508) йилда Журжон вилояти ҳам унинг давлати тасарруфига ўтди.

Ана шу тариқа, Темур авлодининг барча мамлакатларини деярли ўз тасарруфига олди. Ҳофиз Танишнинг “Абдулланома” асарида ёзилишича, Шайбонийхон забт этилган ҳудудларини бошқаришни мукофот юзасидан ўзининг энг яхши иқболли султонлардан, зийраклик ва сиёсатда машҳур бўлган амирлардан бирига берди. Жўмладан, Туркистон вилоятига — Кучкунчи султон ҳазратларини номзод этди, Тошкентга — Кучкунчи султоннинг иниси Суюнчихўжа султонни ўтқазиб, уни ҳокимлик иззатига

етказди, Бухоро идораси бошқарувини Шайбонийхоннинг укаси Султон Маҳмуднинг иноят кафти ва адолат қабзасига топширди, Аҳси ва Андижонни — шижоат ва нишонли Жонибек султонга, Шоҳрухия ва унинг атрофи амир Ёқуб вафодор ихтиёрига, Дорул маҳфуза Самарқанд — Аҳмад Султонга, Ҳисор мамлакати ва унга тобеъ ерлар атрофи билан баробар Ҳамза Султон ва унинг укаси Маҳдий султонларга, Кундуз ва Бағлон — амир Қанбар ва Саъид Ошиқларга, Хоразм — Қўшчи Кўпакка, Ҳирот — Жонвафо бойга, Марв — Қўбиз Найман ва бошқаларга тақдим этилди [Ҳофиз Таниш Бухорий, 1999. 57-б.].

Муҳаммад Шайбонийхоннинг қуйидаги сўзлари темурийлар давлатининг қай тарзда эгалланганлиги Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида қуйидагича келтирилади: «Амир Темур авлодларидан баъзи мулкларини тортиб олган бўлсак ҳам, мулкпарастлик ва кичик мамлакатларга қаноат қилмаслигимиздан эмас, балки тақдир ҳукмига кўра шундай бўлди. Зеро қазо меросий мулкни яна бизнинг қўлимизга ва ихтиёримизга қайтишини тақозо этди» [Фазлуллоҳ Рўзбеҳон, 1976. С. 72.].

Шайбонийлар давлати ғарбда Каспий денгиз бўйидан шарқда Чу дарёси водийсигача бўлса, шимолда Дашти Қипчоқдан жанубда Марказий Авғонистонга қадар кенгайиб, жануби-ғарбда Сафавийлар давлати билан чегарадош бўлиб қолиши ва эндиликда уруш бўлиши муқаррар эди.

Шоҳ Исмоил томонидан Муҳаммад Шайбонийхонга, «...Ҳар ўғил ота ишини қилиш лозим бўлса эди, ҳамма инсон Одам (а.с.)нинг фарзандлари бўлиб, уларга пайғамбар бўлмоқ лозим эди. Агар подшоҳлик мерос қолса, Пешодийлардан Каёнийларга етмас эди ва подшоҳлик Чингизга қайсидандир ва на сенга етадир деб шоҳ Исмоил унинг туҳфаси билан бирга чарх ва ипакни юборади ва яна айтдики, ул номада нима айтган бўлсанг мен ҳам айтаман. Агар жанг қилмоққа ростлансанг ҳам ростландим. Жанг ерида эса сен ва менлик даъвоси дуруст эмасдир. Агар жанг қилмасанг, унда чарх йигириб ўтиргайсан» [Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, 2011. 378-б] деб жавоб ёзиб элчиларни жўнатади. Шу тариқа ҳар икки томон (бир-бирига) хат ва элчи юборишни (бир неча бор) такрорлагач, шоҳ Исмоил урушмоқ мақсадида куфру зулол (яъни кофир ва йўлдан адашган) сипоҳини, ит хислатли ва бад (ёмон) андишали лашкарларини тўплаб, ўз жамоасини диққат билан тайёрлаб, Араб ва Ажам Ироқидан Шайбонийхон томонга юрди ва Марв вилоятида ул ҳазратга етишди. Ўша замонда хоннинг муборак хизматида бир неча саноқли кишиларидан бошқа (жанг қиладиган) аскар бўлмагани ҳолда, ғазот шарафига бениҳоят ҳарис бўлганидан ҳаётдан кўнглини узиб, душман томонга ўзини отди. Душман чекинмоқчи бўлиб турганида, хон аскарлари (уни) қувиб етди. Шунда ҳар икки томоннинг лашкари Марв яқинидаги Мурғоб дарёси қирғоғида, яъни, Таҳрирободда — бир томондан ислом лашкари, иккинчи томондан кофирларнинг лашкари Садди Искандар каби бир-бирининг муқобилида саф тортдилар [Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, 2011. 378-379-б]. Бу жангда Шайбонийхон ихтиёрида йигирма минг (20 000) кишилиқ лашкари бор бўлса, шоҳ Исмоил эса етмиш минг (70 000) кишилиқ армия билан қамал қилиб, сўнгра қўшимча ўн етти минг кишилиқ қўшини билан шу манзилда ғалаба қилади [М.Шарипова,

2004. 30-31-б.] Ҳофиз Таниш Бухорийнинг гувоҳлик беришича, “Тарих тўққиз юз ўн олтинчи йилда (милодий 1510-йилда) Шайбонийхоннинг буюклик ва улуғлик офтоби... (ўзининг) махфий пардасига яширинди. Кўп ўтмай унинг орзулари ва умидлари фалокат офтобининг шаҳодат мағрибига ботди.

(Минг) афсуски, ғозийи хусрав шаҳид бўлди. Қуёш шафақ ичига кириб, кўринмай қолди” [Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, 1999. 586].

Шайбонийнинг шахси ҳақида ёзма манбалардаги маълумотларга таянган ҳолда қуйидагича хулосалар қилиш мумкин.

1. Шайбонийхон кучли саркарда ва сиёсатчи сифатида қисқа муддатда Дашти Қипчоқ, Мовароуннахр, Хоразм ва Хуросон ҳудудларини ягона давлатга бирлаштира олган тарихий шахсдир.

2. Шайбонийхон ёзма манбаларда маърифатли ҳукмдор сифатида таърифланган. Масалан, у барча уруш сафарларида ўзи билан баробар кичкина гўзал кутубхонасини олиб юрар, Амир Темур каби у ҳам Дамашқ ва Ҳалаб уламулари билан диний мунозараларга қатнашган эди. Қуръоннинг баъзи бир оятларининг шарҳи ҳақида Ҳиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Юсуфга эътирозлар билдирган.

3. Шайбонийхон маориф ва маданият бобида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замондош шоирларнинг аксариятидан ортиқ даражада қалам соҳиби бўлган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикрининг тескариси ўлароқ, буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суръатда воқиф эканини кўрсатмоқда. Айни шу маънода, Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” асарида, барча илму фазилатлардан хабардор эканлиги ва ўз замонасидаги олиму фозиллар билан доим ҳамсуҳбат бўлганлиги [Нисорий Ҳасанхожа, 1993. 20-б.]нинг ўзи ҳам унинг илм-фан ва маданият ҳомийси бўлганлигидан далолат беради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. Тошкент, “Шарқ”, 2011. 40-б.
2. Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент, 1992. 118-б.
3. Бобурнома. З.М.Бобур. (нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). Тошкент, 1989. 186-б.
4. Шайбоний девонидан олинган таржима. (М.Шарипова. Муҳаммад Шайбонийхон. Тошкент, “Шарқ”, 2004. 19-20-б).
5. Бобурнома. З.М.Бобур. Масъул муҳаррир: М.Саъдий. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2012. 73-74-б.
6. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихий Рашидий / Таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова, Масъул муҳаррир: акад. Азиз Қаюмов // Т.: “Шарқ”, 2010. 242-243-б.
7. Вамбери, Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароунназф тарихи. Китобдан парчалар / Туپл.: С. Аҳмад/.—Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 78-б.
8. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. Тошкент, Шарқ, 1999. 57-б.
9. Фазлуллоҳ Рўзбеҳон. Меҳмоннамаи Бухоро. (перевод. Р. Жалиловой.) М.: 1976. С. 72.
10. Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихий Рашидий.—Т.: Ўзбекистон, 2011. 378-б.

11. М.Шарипова. Муҳаммад Шайбонийхон. Тошкент, “Шарқ”, 2004. 30-31-б.
12. Нисорий Ҳасанхожа. Музақкири аҳбоб. Тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 20-б.

Д.Н.ЛОГОФЕТ АСАРЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Ф. Амонова

*Тошкент кимё-технология
институту, Тошкент*

Россия империясининг мустамлакаси давридаги Бухоро амирлиги даври тарихини ўрганишда ўша даврда яратилган тарихий адабиётлар, мемуар асарлар муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг аксарияти амирликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, қишлоқ ҳўжалиги ва савдо алоқалари таҳлилига бағишланган тадқиқотлар бўлиб, стратегик мақсадларда яратилган. Бунга ҳарбий публицист ва шарқшунос Д.Н.Логофетнинг асарлари унинг олиб борган тадқиқотлари натижасида келтирган тарихий маълумотлар ва статистик фактларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

Рус амалдори, генерал, ҳарбий публицист ва шарқшунос олим Дмитрий Николаевич Логофет XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда алоҳида чегара қўриқчиси бўлимида хизмат қилган, у ерда шарқшунос олим сифатида шуҳрат қозонган. Бухоро амирлигига бир неча бор ташриф буюрган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид бир неча йирик асарлар яратган. У Бухоро амирлигини Россия империяси таркибига қўшиб олиш ғоясининг ашаддий тарафдорларидан бўлиб, ўз тадқиқотларни статистик мақсадларда ёзган муаллифларидан бири ҳисобланади. Шу боис, ўз асарларида амирликдаги маъмурий бошқарув тизими, унинг чегаралари, табиий бойликлари, амирликнинг ички ва ташқи савдо алоқалари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти ҳақида маълумотлар тўплаган ва ўз асарларида батафсил ёритишга ҳаракат қилган. Унинг “Страна безправия: Бухарское ханство и его современное состояние” (Санкт-Петербург. 1909), “Бухарское ханство под русским протекторатом” (Санкт-Петербург. 1911), “На границах Средней Азии: Путевые очерки» (в трех томах. Санкт-Петербург. 1909) асарлари шулар жумласидандир.

“Страна безправия: Бухарское ханство и его современное состояние” асарида амирликнинг давлат бошқаруви, аҳоли таркиби, суд, ҳарбий, пул муносабатлари, табиий бойликлари, саноат, чорвачилик, савдо алоқалар, почта хизматлари, давлат чегаралари, Бухоронинг Россия ва Афғонистон билан савдо алоқалари, муҳими, Россия-Бухоро ўртасида тузилган сиёсий, иқтисодий шартномалар ўз аксини топган.

Шу жумладан, асарда Туркистон ўлкаси генерал-губернатори томонидан қабул қилинган Бухоро амирлигида “Ўткир ичимлик савдосини бошқариш қоидалари”, “Ўткир ичимликларни сотиш жойлари, уларнинг тури ва янги шаҳобчаларини ташкил қилиш тартибини белгилаш ҳақидаги” ҳамда

“Бухоро амирлигида вино ишлаб чиқариш” қонун-қоидалари келтирилган [Логофет, 1909. С.15-19].

Ушбу қоидаларга асосан Қарши, Ҳисор бекликларида вино ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Айниқса, Бухорода узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар тобора кўпайиб борди. Бухорода узум етиштирувчи районларга Кармана, Хатирчи, Шаҳрисабз, Ғузор, Чироқчи, Қарши бекликлари ҳамда пойтахт Бухоро шаҳри атрофидаги Пойкент тумани кирган [Логофет, 1911. С.278].

Ушбу қоидаларнинг амалда жорий этилиши маълум даражада Бухоро амирлигининг ички ва ташқи савдо ривожига ҳисса қўшган бўлса-да, мустақил иқтисодий алоқалардан маҳрум қилган эди. Шу ва бошқа омиллар сабабли, Бухоро амирлиги Россия империяси ҳукмронлиги даврида иқтисодий жиҳатдан тушкунликка тушиб борган. Мана шу тариқада ўзининг сиёсий ва ҳарбий мустақиллигини йўқотиш билан бир қаторда XX аср бошларига келиб ташқи савдо алоқалари эркинлигини ҳам йўқотган.

Д.Н.Логофетнинг “Бухарское ханство под русским протекторатом” асари икки томдан иборат бўлиб, Россия империяси мустамлакаси даврида амирликдаги ижтимоий аҳвол, аҳолиси таркибидаги ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ тизими, солиқ сиёсати, савдо-саноат, диний муносабатлар, ирригация соҳасидаги ўзгаришлар, халқ ҳаракатлари, давлат бошқарувидаги ислохотларни ўз ичига олган. Жумладан, Бухоро амирлигидаги ишлаб чиқариш соҳаси, тоғ-кон саноати ва савдо алоқалари кенг ёритилган. Д.Н.Логофетнинг ёзишича, 1911 йилда амирликда қуйидаги ишлаб чиқариш соҳалари кенг тарқалган:

Ёғ-мой ишлаб чиқариш билан ўлканинг шарқий қисмида шуғулланганлар ва ўсимликлар уруғларидан жувозларда отлар меҳнатидан фойдаланиб мой олинган. Каркидаги завод замонавий жиҳозланган бўлиб кунига 5 000 пуд ёғ ишлаб чиқарган.

Пахта тозалаш заводлари Янги Бухоро (Когон), Чоржўй, Карки, Кармана, Термиз ва бир қатор темир йўл бекатлари яқинида қурилган. Уларнинг сони 15 тани ташкил этган. Амирликда тўқимачилик корхоналарининг йўқлиги сабабли Бухоро пахтаси Москва ва Лодздаги фабрикаларга жўнатилган ва у ердан газлама ҳолида келтирилган.

1911 йилда ун заводи хонликда 2 та бўлиб, тегирмонлар фойдаланилган.

Сунъий минерал сувлар ва шарбат ишлаб чиқариш заводлари Чоржўй, Карки, Янги Бухоро, Термиз шаҳарларида жойлашган. Сифати паст бўлса-да, нархи арзонлиги билан харидоргир бўлган [Логофет, 1911. С.280].

Тамаки ишлаб чиқариш амирликнинг Янги Бухоро ва Чоржўй шаҳарларида кичик ҳажмда ишлаб чиқарилган. Тамаки Бухоро амирлигида фақат Денов, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қарши шаҳарларида етиштирилган ва Янги Бухоро ва Чоржўй шаҳарларига жўнатилган.

Асарда 1903 йилги маълумотларга асосланиб қуйидаги фактларни келтирган: “... Товарлар Бухоро ва Чоржўй бекатларида қабул қилинади ва мазкур бекатлардан жўнатилади. Шу йили амирликка 2 500 000 пуд маҳсулот олиб келинган бўлса, Россияга амирликдан 1 700 000 пуд хомашё ва товарлар олиб кетилган” [Логофет, 1911. С.284].

Бухоро амирлигида асосий завод корхоналар рус манзилгоҳларида, яъни Янги Бухоро, Янги Чоржўй, Карки, Сарой, Термиз шаҳарларида бунёд этилиб рус буржуазия вакиллари назоратида бўлган. Янги Бухоро ва Чоржўйни бошқаришда масъул этилган Чоржўй ҳарбий бошлиғининг ҳар йилги бажарадиган вазифаси ҳамда ҳар бир манзилгоҳнинг даромад ва харажатлари ҳақида кенгашга ҳисоб берган. Ҳисобот Туркистон ўлкаси генерал-губернатори орқали Россия империясининг Бухородаги сиёсий агенти томонидан тасдиқланган [Логофет, 1911. С.18].

Д.Н.Логофетнинг уч жилддан иборат “На границах Средней Азии: Путевые очерки” асарининг “Бухоро-Афғонистан чегараси” номли учинчи жилди Бухоро-Афғонистон чегарасидаги шаҳарлари, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, ҳарбий салоҳияга оид маълумотлар келтирилган [Логофет, 1909. С.208].

Аммо унинг асарларидаги баъзи маълумотларни, хусусан амир фаолияти ва халқнинг аҳволи билан боғлиқ масалаларни Бухородаги рус сиёсий агенти ва бошқалар вазиятлар ниҳоятда бўртириб кўрсатилганлиги боис, танқид остига олганлар. Масалан, “Таржумон” газетасининг 1906 йил № 92 сонидаги мақоласида “... Йиллик солиқлар Бухорода 12 млн, 2 млн маъмурлар чўнтагига қолади, халқ фойдаси учун бир чақа ишлатилмайди, қози, мадраса ва бошқаларни ҳам халқ таъмин этади. 2 млн аҳолига 20 млн солиқ жуда кўп. Амирга маош тайин қилиб солиқларни рус давлати йиқса аҳолига яхшироқ” [“Таржумон”. 1906. С.1-2]. Д.Н.Логофетнинг бу мақоласида рус маъмурларининг мавқеи амирлик ҳудудида ўзгача бўлиши, оддий фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш замирида амирнинг фаолиятини чеклашга қаратилган фикрлар келтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Д.Н.Логофетнинг бу асарлари Бухоро амирлиги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг баъзи танқидий фикрларини инобатга олмасак, бу асарлар тарихий фактларга ниҳоятда бойлиги билан ажралиб туради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Логофет Д.Н. Страна безправия: Бухарское ханство и его современное состояние. -Санкт-Петербург., 1909. –С. 15-19.
2. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. -Санкт-Петербург., Т.1. 1911. –С. 278.
3. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. -Санкт-Петербург., Т.2. 1911. –С. 18.
4. Логофет Д.Н. На границах Средней Азии: Путевые очерки. Т.3. Бухарско-Афганская граница. -Санкт-Петербург., 1909. –С. 208.
5. Среднеазиатская жизнь. Бухара и Россия.. // “Таржуман”. № 92. 18 август 1906. –С. 1-2.

РОССИЯ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ, ҚУЛОҚЛАШТИРИШ ВА СУРГУН СИЁСАТИ

С.А. Тоштемирова
ЧДПИ, Тошкент

Ўзбекистоннинг совет даври тарихидаги ҳаққоний ўрганилмаган мавзулардан бири қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва у билан боғлиқ қулоқлаштириш, сургун қилиш даври тарихи масаласидир.

Советлар ҳукмронлиги йилларида бу мавзунини ҳаққоний ўрганиш имкони бўлмаган, бунга коммунистик мафкура йўл қўймаган. Шу сабабли ҳам советлар даврида яратилган аксарият тарихий адабиётларда бу мавзу социализм, ленинизм мафкураси руҳида ёзилган. Тадқиқотчилар ҳукмрон тузум ва унинг мафкуравий, сиёсий босими билан Ўзбекистондаги аграр ўзгаришларни, коллективлаштириш, деҳқон хўжаликларини қулоқ қилиш, сургун қилиш жараёни ва моҳиятини тўла очиб бера олмаганлар.

Совет ҳукмронлиги давридаги манбалар коммунистик мафкура ғоялари таъсирида битилган бўлиб, уларда Ўзбекистон қишлоқларида амалга оширилган аграр ўзгаришлар, коллективлаштиришни амалга оширишдаги мураккабликлар ва бу сиёсатга нисбатан халқнинг норозилик кайфияти келтирилмаган. Ўзига тўқ бўлган деҳқон хўжаликларининг тугатилишига ижобий муносабат билдирилган. Худди шу муносабат таъсирида вужудга келган коллективлаштириш масаласига оид дастлабки ишлар XX асрнинг 30-йилларида асосан партия ва давлат арбобларининг “аграринқилоб” ва “социалистик қурилиш” тажрибалари умумлаштирилган Е.Зелькина, С.Архангельский, И.Бенедиков асарлари вужудга келди. Шунингдек, совет ҳокимиятининг қишлоқларда амалга оширилган “ленинча коллективлаштириш”, “инқилобий ўзгаришлар” мақтаб ёзилган П.Литвиненко, А.Иткин, В.Я.Непомнинларнинг илмий тадқиқотлари ҳам шу йилларда юзага келди [Курбанов, 2010. 5-6]. Бундан ташқари қулоқларни синф сифатида тугатиш муаммолари, уларни сургун қилиш ҳолатлари В.Земсков тадқиқотларида келтирилган. Кенг кўламлилиги, мавзунинг аниқлиги ва масалага чуқур кириб борилганлиги жиҳатидан Н.А.Ивницкий монографияси алоҳида қимматга эга. Унда муаллиф совет даври тарихшунослигида биринчи бўлиб қулоқ қилиш масаласига алоҳида муаммо сифатида ёндашган ва СССРдаги қулоқларни синф сифатида тугатиш жараёнининг тарихий ривожланишини комплекс тарзда ёритиб берган [Абдуллаев, 2018. 39-6].

1990 йилларнинг иккинчи ярмида совет даврида ўзбек қишлоқларининг коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва унинг оқибатлари тўғрисидаги жуда катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари ва материаллар ўрганилиб, таҳлил қилинди. Натижада 1999-2007 йилларда коллективлаштириш жараёнидаги қатағонларни тадқиқ қилиш бўйича Данилов муҳаррирлигида муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган “Совет қишлоғи фожеаси: коллективлаштириш ва қулоқлаштириш” номли 5 жилддан, бешинчи жилди 2 китобдан иборат бўлган ва 1998-2005 йилларда “Совет қишлоғи ВЧК-ОГПУ-НКВД нигоҳида”

номли 4 жилддан, ҳар бир жилд 2 китобдан иборат катта ҳажмдаги манбалар чоп этирилди. Бу вазифа бевосита Россия, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия ва Жанубий Кореянинг йирик тарихчи олимларидан иборат халқаро муаллифлар жамоаси томонидан амалга оширилди [Расулов, 2012. 25-б]. Унда жамланган ҳужжатлар ВКП (б) Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси, СССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси (МИК), Халқ Комиссарлари Совети, ОГПУ, НКВД, СССР Олий суди, Прокуратура ва бошқаларнинг илгари махфий бўлган ҳужжатлари орасидан саралаб олинган материаллар ҳисобланади. Шу билан бирга коллективлаштиришнинг ёппасига амалга оширилиши қулоқ хўжаликларини синф сифатида тугатилиши ва унинг натижасидаги қишлоқларда вужудга келган кескин сиёсий вазиятлар ҳужжат ва материаллар асосида келтирилган.

Қатағонлик сиёсатининг авжига чиққан “Катта террор” даври (1937-1939 йй) НКВДнинг № 00447 буйруғи бўйича ҳам кўплаб деҳқонлар тоифалар бўйича қатағон қилинганлиги, турли жазоларга тортилганлиги бўйича ҳам аниқ маълумотлар юқоридаги манбанинг 4-жилдида келтирилган.

СССРнинг 1922-1934 йиллардаги сиёсий аҳволини, жумладан, Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳоти натижасидаги муносабатлар, солиқ кампанияси ва ундаги камчиликлар, сайлов кампанияларидаги камбағал ва бой ва ўртаҳолларнинг иштирок этиш ҳолати, пахта кампанияси, ғалла тайёрлаш, советлар олиб борган коллективлаштириш сиёсатида қарши чиқишлар ҳақида асосли маълумотлар келтирилган 11 жилдлик “Ўта махфий” ҳужжатлар тўплами [Сахаров, 2008. С 1735] ҳам катта аҳамиятга эга бўлган манбадир.

XXI аср бошларида совет даври тарихининг 20-40 йиллардаги тарихи, Сталиннинг ҳаёти ва фаолияти, унинг бу давр тарихида тутган ўрни бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Бу ўринда Шейла Фицпатрик, В.Сироткин, В.Крючков, В.Минаев, Г.Куманев, Ю.Жуков, О.Мазохин, Л.Барскийлар меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим [Абдуллаев, 2018. 42-б].

Айнан шу сиёсатнинг асосларидан бири бўлган ГУЛАГларга оид маълумотлар келтирилган ҳужжатлар, жумладан, 1920 йилларнинг охири ва 1950 йилларнинг биринчи ярмидаги Сталин ГУЛАГлари тарихи бўйича илмий, асосли маълумотлар берувчи 7-жилддан иборат ҳужжатлар тўплами совет давлатида мавжуд ГУЛАГлар, уларнинг фаолияти ва улардаги маҳкумларга муносабатлар бўйича келтирилган маълумотлар ҳам юқоридаги мавзу тарихшунослигига оид аҳамиятли манбадир. Биринчи жилдда СССРдаги оммавий қатағонлар, иккинчи жилдда жазо тизими, тузилиши ва кадрлар, учинчи жилдда ГУЛАГ иқтисодиёти, тўртинчи жилдда ГУЛАГ аҳолиси: миқдори ва уларни боқиб туриш шароитлари, бешинчи жилдда СССРдаги махсус кўчкандилар, олтинчи жилдда маҳбусларнинг кўзғолонлари, исёнлари ва иш ташлашлари, еттинчи жилдда совет қатағон –жазо сиёсати ва пенитенциар тизими масалаларига доир шу вақтгача сир сақланган махфий ҳужжатлар биринчи бор нашр юзини кўрди. Тўпламларда Шарқ миллий республикалари ва автоном областлари рукни остида Марказий Осиё республикаларининг сиёсий аҳволи шарҳи

йилма-йил, ойма-ой берилган. Айниқса ушбу тўпламнинг кейинги 8, 9, 10, 11-жилдларига Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги коллективлаштиришга оид кўплаб материаллар кирган. Россия тарихшунослигида бу мавзуни Н.Верт, А.С.Барсенков, А.И.Вдовинлар ўз асарларида бир қадар бўлсада янгича талқин қилишга ҳаракат қилишди[Шамсутдинов, 2009. 32-б].

Мавжуд манбалар таҳлиliga кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилишнинг қатағон сиёсати тарихини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва уларнинг натижаси ўлароқ, мавзу тарихшунослик ва манбашунослиги бойитилган. Шу билан бир қаторда ҳали тўла очиб берилмаган тадқиқот изланишлари ҳам етарли даражада, айниқса, шу давр қатағонлик сиёсатининг Ўрта Осиёда республикалар бўйича илмий тадқиқотларни марказлаштирган ҳолда, даврий босқичма-босқич янада чуқурроқ илмий таҳлил қилиш, ҳар бир ҳудудда қатағон қурбонлари хотираларини абадийлаштириш каби вазифалар бугунги куннинг муҳим жараёнларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Курбанов Х.Р. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929-1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида) Тарих ф.ном.дисс. автореферати. Т-2010.
2. Абдуллаев М. Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими ва сурган қилган қулоқлар тақдири (1930-1954 йй). Т.: “Академнашр”, 2018.
3. Б.Расулов. Коллективлаштириш жараёнидаги қатағон ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи. 1929-1959 йй. Т.: Шарқ. 2012.
4. “Совершенно секретно: Любанка – Сталину о положении в стране (1922-1934 гг.)” Ред. сост.: А.Н.Сахаров и др. – Москва: ИРИ РАН, 2000-2008.
5. Абдуллаев М. Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими ва сурган қилган қулоқлар тақдири (1930-1954 йй). Т.: “Академнашр”, 2018.
6. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунлигидаги юртдошлар қисмати. “Шарқ” Т-2009.

ЎЗБЕКЛАРДА МУҚАДДАС ЗАМИННИ ЭЪЗОЗЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭЪТИҚОДЛАР

Ф.Шарипов, Ш.Раззоқов

ҚарДУ, Қарши

Ер-инсониятнинг энг муҳим умуммиллий бойлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигини асоси сифатида ер катта аҳамиятга эга бўлиб, ундан ниҳоятда оқилона фойдаланиш талаб этилади. Бизнинг энг асосий вазифамиз- ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатларини кўзлаб ердан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш ҳамда табиий, экологик муҳитни янада барқарорлаштиришдан иборатдир.

Ҳаётнинг сарвари- инсон она замин меваси бўлганлиги сабабли, ер, тупроққа меҳр билан муносабатда бўлиши лозим. Шу боисдан халқимизда

ер, тупроқни эъзозлаб, “Она замин”, “Муқаддас тупроқ”, “Она тупроқ”, “Она юрт”, “Она Ватан” каби иборалар тез-тез қўлланилади.

Тасаввуф илмига кўра дунёнинг тўрт устуни- ер, тупроқ, сув, ҳаво, оловнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шулардан энг асосийси она замин- ер, тупроқ бўлиб, сабр, умид, эзгу хулқ ва муруватни шакллантиради. Ер (тупроқ) бутун борлиқ, мавжудотнинг онасидир. Инсон ва барча мавжудотлар тупроқда пайдо бўлади, ҳаёт кечирилади ва ибтидоси, интиҳоси ҳам замин ер (тупроқ) ҳисобланади.

Тупроқ (ер) табиатнинг эҳсоли, айна вақтда турфа мўъжизалар маскани ҳам ҳисобланади. Табиатнинг гўзаллиги, эл-юрт ризқ-рўзининг, дастурхонининг кўрки бўлган нон ва бошқа кўплаб озуқа маҳсулотлари ана шу тупроқ (ер)да етиштирилади. Дунёдаги барча мавжудотларнинг поклайдиган ҳам шу она заминдир.

Миллий қомусимизда таърифланганидек: ”Тупроқ-литосфера юза қаватларининг сув, ҳаво ва тирик организм таъсирида ўзгаришидан шаклландиган ва генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ горизонтлардан ташкил топган табиий тузилма; Ер пўсти юзи ва унумдор қатлами” (ЎзМЭ, 8-ж, 2004. Б.625). Ўрта Осиёда сур тусли қўнғир, гидроморф -чўл тақирли ва тақир, ўтлоқли, ботқоқли ўтлоқ ва ботқоқли тупроқ ер тарқалган (ЎзМЭ, 8-ж, 2004. Б.628-629). Ернинг сағиз, хум, бўрсилдоқ, шўрҳок, тошлоқ, қумлоқ каби турлари ҳам учрайди.

Ўзбекистон ҳудудидаги ер ресурслари обикор- суғориладиган ерлар, кузги (“тирамойи”), суғорилмайдиган ерлар, ёки баҳорги (лалмикор) ерлар ҳамда яйловлардан иборат. Ўтмишда юртимизда ернинг амлоқ, мулк, вақф, танҳо каби шакллари мавжуд бўлган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да келтирилганидек:”Тупроқ-1) Ернинг қовлаш, чопиш, ҳайдаш, эзилиш ва ҳ.к натижасида ҳосил бўлган юмшоқ қисми, қатлами; 2) Ерқобиғининг ўсимлик ризқолибўсадиган устки қатлами; 3) Ўлган кишининг ҳоки, ҳок; 4) кўчма маълум юрт, мамлакатларга қарашли ҳудуд. Шунингдек ушбу луғатда қуйидаги ибораларга шарҳ берилган: “Бу ернинг тупроғи оғир”-бу ерни ташлаб кетиш осон эмас, ташлаб кетишга ҳеч кимнинг кўзи қиймайдиган; тупроғи билан тенг қилмоқ- жуда пастга урмоқ, кадр-қимматини ерга урмоқ; тупроқдан ташқари-ўлмас ҳаёт ҳамда; тупроққа топшириш- дафн этмоқ, қабрга қўймоқ; тупроғи совумасдан- вафот этганига кўп вақт бўлмай; тупроқ тортмоқ- туғилиб ўсган ўз жойи, ундамоқ, жалб қилмоқ; тупроғи шу ердан олинган- асли шу ернинг одами, шу ернинг ўзимизники деган маънони қайд этади; тупроғини яламоқ- маълум жой, ҳудудда кўп йиллар муқим бўлмоқ (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж, 2008. Б.193).

Ўзбек халқ мақолларида ҳам ер, тупроқ эъзозланган:” Ер- она, сув- ота”, “Ер оғаси- худо, сув оғаси- султон”, “Ер-сув битмас кон”, “Ер тузи ердан, сув хавфи йилдан”, “Ерни тепма- ерда инсонлар ётар”, “Тупроқ олсанг олтин бўлсин”.

“Маънолар махзани” да ҳам ер ҳақида қуйидаги иборалар келтирилган: ”Ер тутмагунча эл тутмас”, “Ер хазина-сув гавҳар”, “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда”, “Ерга тушган- гул бўлар, уйга тушган- кул бўлар”, “Ердан ернинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор”, “Ердан ернинг,

эрдан эрнинг фарқи кўп” ва ҳ.к. (Шомақсудов, Шораҳмедов, 2001. 89-90 б).

Шунингдек, халқимизда ер билан боғлиқ қарғишлар ҳам мавжуд:”Ер торткур”, “Ер тортсин”, “Ер юткур”, “Кўзи тупроқдан тўяди”, “Устига тупроқ тортсин”. Баъзи кишиларга нисбатан “Тупроғи енгил”, “Тупроғи оғир” каби иборалар ҳам ишлатилади.

Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида ер (тупроқ) билан қадимий эътиқодлар излари учрайди.

Бугун ўзбекларда баъзи экинлар ривожини паст, ҳосили кам бўлса ва бу ҳолат бир неча марта такрорланса, бундай ерларга одамлар салбий муносабатда бўлишган. Гиёҳ ўсмайдиган ёки кам ҳосилли пайкаллар “Ит теккан ер” (инс-жинс теккан ер), “Худо қарғаган ер” деб аталган (Аширов, 2007. Б.141). Хоразмда майитнинг жасади теккан ер “нопок ер” дейилган. Агар экин экиладиган ердан одам жасади ёки унинг суяклари топилса, бу жой ҳаром ҳисобланган. Бундай ерларга беш марта суғорилгандан сўнг экин экилган. Баъзи ҳудудларда эса бундай ерлар атрофи жўяк олинган, икки-уч йил давомида суғорилмаган ва экин экилмаган (Снесарев,1969. С.226).

Қашқадарё воҳасида майитни қабрга қўяётганда боши остига ўз томорқаси, ери, тупроғи, асосан кўпинча девори кесаклари қўйилади. Дафн иштирокчилари ҳам тупроққа дуо ўқилгач, йиғилган тупроқ қабрга майитнинг ён атрофига жойлаштирилади. Қабристон ҳудудидаги ерларга нисбатан “қора ер” ибораси қўлланилади.

Ерга нисбатан аёл жинсининг берилиши ва “она ер” сифатида тасаввур қилиниши бошқа халқларда ҳам учрайди (Саримсоқов, 2014. Б.61). Ҳамма ҳам она юртимиз, тупроғини қадрига доимо ҳам етавермайди. Тарихдан равшанки, XIX асрнинг 2-ярми- XX аср биринчи ярмида хорижга кетишга мажбур бўлган ватандошларимиз она ернинг бир сиқим тупроғига зор бўлиб ўтишиб кетишди. Халқимизда “Мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас” деган ибора ҳам мавжуд. Бир ҳовуч она замин тупроқ қадри ҳақида бадиий-тарихий асарларда ва фильмларда ҳам анчагина ёритилган.

Ер билан боғлиқ устувор масалалар Асосий Қонуни- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам муҳрланган. Бош Қомусимизнинг 55-моддасида ёзилганидек:”Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар- умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат ҳимоясидадир” (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2016. Б.19-19).

“Ер тўғрисида” ги Қонун дастлаб 1990 йил 20 июнда қабул қилинган эди. Ушбу қонун 1998 йилда қисман ўзгартишлар билан янги таҳрирда тасдиқланди. 1998 йил 30 апрелда “Ер кодекси” қабул қилинди. 1998 йил 28 августда Ер кадастри тўғрисида қонун кучга кирди. Бу соҳада эса кўплаб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилди.

Хуллас ўзбекларда она замин- ер, тупроқни эъзозлаш билан боғлиқ қадриятлар жуда олис тарихга эга бўлиб, бу тарихий, археологик, этнографик, ёзма манбаларда ўз аксини топган. Тирикчилик манбаи ер доимо кўз қорачиғидек авайлаб асралган, сақланган ва ардоқланганки, бу каби эзгу ишларни янада изчил давом эттиришимиз ниҳоятда зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзМЭ, 8-ж., Т., 2004.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж., Т., ЎзМЭ ДИН, 2008.
3. Шомаксудов Ш, Ш.Шораҳмедов. Маънолар маҳзани. Т., ЎзМЭ ДИН, 2001.
4. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.Т., 2007.
5. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., “Наука”, 1969.
6. Саримсоқов А. Ўзбекларнинг тақвимий маросимлари (Фарғона водийси материаллари асосида) Т., “Янги нашр”, 2014.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2016.

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИ АМАЛДОРЛАРИНИНГ МАНСАБ ВА ЛАВОЗИМЛАРИ ХУСУСИДА

З.Т.Тоғоев, Ҳ.Мўминов
НДПИ, Навоий

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавий бойликлар, кадриятлар, давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаи ҳисобланади. Айнан ушбу маънавий ва мафкуравий асосни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда тарих фани алоҳида аҳамиятга эгадир.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов та’кидлаганидек: “...Тарих хотираси, ... миллий ўзликни англашни, та’бир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди” [И.А.Каримов, 1997-102-бет.]

Шунингдек, Президент И. А. Каримов ўзининг бир қатор рисола ва нутқларида “Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба - бу ҳаққоний ёритилган тарихдир” деб кўрсатади [И.А.Каримов, 2000.14-бет].

Шайбонийлар даврида давлатнинг маъмурий тузулиши ҳам ўзига хос эди. Ҳокимият тепасида хон туради. Хон тахтга таклиф қилинган вақтда у оқ кигизга ўтқазилиб тўрт томонидан энг мўтабар ва нуфузли зодагон кўтариб борарди. Давлатнинг энг олий ҳокимияти хонга тегишли бўлиб, у қонунлар чиқариш, уларнинг ижросини назорат қилиш, ўлим жазоси бериш ваколатларига эга бўлган. Хонликнинг сиёсий тизимида, бошқарувда Амир Темур ва Темурийлар даврида қарор топган тартиб-қоидалар, хусусиятлар билан бирга кўчманчи ўзбеклар давлатига хос анъаналар ҳам мавжуд эди. Давлат бошқарувида исломий шариат ва одат қонун-қоидаларига амал қилинган. Давлатни Бошқаришда хон саройидги олий даражали амалдорлардан ташкил топан марказий бошқарув асосий ўрин тутиб, улар мамлакатнинг амалдаги ҳақиқи эгалари ҳақиқий эгалари эдилар. Улар ёрдамида бевосита иштирокида хон маъмурий бошқарувни амалга оширарди.

Марказий бошқарув давлатнинг ички ва ташқи ҳаётига боғлиқ барча масалаларни ҳал қиладиган даргоҳ- сарой девонида жамланган эди.

Давлатнинг олий даражали амалдорлари аъзо бўлган ва одатда бош вазир томонидан бошқариладиган бу маҳкама мамлакатнинг сиёсий, молиявий, ҳарбий, ташкилий ва бошқа масалаларни кўриб чиқар эди. Бу ерда қабул қилинган қарорлар хоннинг тасдиғи билангина кучга кирар ва ҳаётга жорий этиларди.

Хондан кейинги ўринда оталиқ мансаби турган. У хоннинг мураббийси, ҳомийси, маслаҳатчиси бўлиш билан бирга биринчи вазирлик лавозимини ҳам бажарган. Кейинчалик эса унга Зарафшон дарёси сувини бошқариш ваколати ҳам юкланган. Хон сиёсатининг вилоятлардаги таъсири оталиқ мансабига тайинланганларнинг нуфузи билан белгиланган. Хон вилоятларни шахзодаларга тақсимлаб берар экан, уларга раҳнамо этиб ўз назоратчисини, ишонган кишисини тайинлаган. Бундай назоратчи, ишончли шахс оталиқ деб аталган. Балоғатга етмаган шахзодалар улғайиб, мустақил фаолият юритгунларига қадар давлат ишларини уларнинг номидан оталиқлар бошқарган.

Ундан кейин турадиган девонбеги мансабидаги киши молия ва солиқ ишларини юритиш билан шуғулланган. Шайбонийлар даврида қуйидаги олий мартабали давлат лавозимлари мавжуд эди: Кўкалдош (бир онадан сут эмган маъносида) муассасаларни бошқарар ҳамда бутун мамлакатдаги хоннинг дўстлари ва душманлари ҳақида маълумотлар толовчи шахс; мушриф-хон маълум шахсларга инъом этдиган ашёларни рўйхатга олиб борувчи ҳамда солиқлар йиғилишини бошқарувчи шахс; кушбеги-хонлар ва султонлар шикорга чиққан пайтда ов анжомларини назорат қилувчи шахс; мунши (мирза)-хоннинг фармонини ёзувчи шахс. Булардан ташқари Шайбонийлар давлатида миршаб, додхоҳ (аҳолидан шикоят тингловчи шахс), мирохўр (отхона бошлиғи), парвоначи (ёрлиқ топширувчи шахс) каби лавозимлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Давлат амалдорларидан ташқари руҳоний зодагонлар ҳам ҳукмрон синф тоифасига кирарди. Уламоларнинг бир қисми ўзларини Муҳаммад пайғамбар авлодлари саййидлар деб ҳисоблар эдилар, бир қисми ўзларини Муаҳмад пайғамбарнинг чорёр халфалари – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али авлодлари деб ҳисоблар эдилар ва улар хўжалар деб аталарди.

XVI асрнинг ўрталарига келиб хўжаларнинг обрўи ниҳоятда ошиб кетди, ҳатто кимнинг хон бўлиши ҳам уларга боғлиқ эди. Хўжалар орасида энг обрўилари жўйбори шайхлар эди. Давлат бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорлардан ташқари, уламолар, дин пешволари, шайхлар ва хўжаларнинг, хусусан, шайх ул-ислом, қози калон, муфти каби диний мансаб эгаларининг ҳам таъсири катта бўлган. Бу даврда, айниқса, Бухоро яқинидаги Жойбор қишлоғидан чиққан хўжаларнинг мавқеи жуда ошиб кетди. Маҳаллий бошқарув вилоят ҳокимлари қўлида бўлиб, улар ҳам ўз бошқарув тизимига эга бўлган. Унга қўшинга бошчилик қиладиган, аҳолидан солиқларни йиғиб оладиган, шариат қонунларининг тўғри бажарилишини назорат қиладиган амалдор (раис)лар кирган. Вилоятлар оз навбатида кичик маъмурий бирликлар: туман, касаба ва мавзеларга бўлиниб идора қилинган. Маҳаллий бошқарувнинг энг қуйи бўғини оқсоқол (калонтарон) томонидан бошқариладиган қишлоқ жамоалари эди.

Бухоро хонлигининг бу даврдаги асосий маъмурий бирлиги вилоят (улус) бўлиб, манбаларда Самарқанд, Ҳисор, Балх, Темиз, Кармана, Қорақўл, Миёнқўл, Шош (Тошкент), Туркистон, Фарғона, Ўратепа, Марв каби вилоятлар тилга олинади. Пойтахт шаҳар ва унга тегишли туманлар хоннинг ўзи томонидан тайинланган. Вилоят ҳокимлари хон томонидан тайинланган. Одатда бундай юксак мавқеига хоннинг яқин ва ишончли кишилари, қариндошлари, йирик қабила бошлиқлари, ҳарбий юришларда ўзини кўрсатган ўзбек султонлари муяссар бўлган.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, хонликнинг давлат чегаралари доимий бўлмай, тез-тез ўзгариб турган. Баъзи вилоятлар ташқи ва ички сиёсий вазиятга қараб марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйган ва уларни қайта бўйсундириш учун ҳарбий юришлар олиб борилган. Шайбонийлар қўшини асосан отлик ва пиёда аскарлардан ташкил топган.

У давлат молия ва хўжалик ишларини бошқарган. Хонликда муҳим давлат мансаби нақиб ҳисобланган. У хоннинг энг яқин ва ишончли кишиси бўлган. Хоннинг фармон ва ёрлиқларида нақибнинг номи биринчи бўлиб ёзилган. Айтилган пайтда, у давлат ички ва ташқи сиёсати масалаларида хоннинг биринчи маслаҳатчиси ҳисобланган. Бундан ташқари, нақиб ҳарбий юришлари уюштирган. Зарур бўлганда элчилик вазифасини ҳам бажарган. Яна бир катта давлат мансаби бу - оталиқ эди.

Яна бир давлат мансаби парвоначи деб аталган. Унинг вазифаси хон фармонларини, расмий ҳужжатлари масъул шахсларга, ижрочиларга етказишдан иборат бўлган. Додхоҳ мансабида ишлаган амалдор даргоҳга тушган аризалари қабул қилган ва уларга жавоб қайтарган. Шунингдек, мамлакатда адолат мезонларига амал қилинишини назорат қилган. Муҳим давлат мансабларидан яна бири — кўкалдош мансаби эди. Бу мансабга хон сулоласига энг яқин шахслардангина тайинланган. Кўкалдош хон сиёсатига фуқароларнинг муносабатини ўрганган ва бу сиёсатнинг дахлсизлигини таъминлаган. Хон ва шахзодалар ўртасидаги ички муносабатлар масаласи билан хон ясовули мансабида ишлаган амалдор шуғулланган. Шайбонийлар давлатида эшикоғабоши лавозими ҳам бўлган. У даргоҳ хавфсизлиги, ундаги тартиб ҳамда келган-кетганлардан хабардор бўлиб туриш масалалари билан шуғулланган. Юқори давлат лавозимлари ичида катта мавқега эга болган лавозимлардан яна бири шайхулислом ҳисобланган. Шайхулислом шарият қонунлари бажарилиши устидан назоратни амалга оширган. Қозикалон бўлган амалдор суд ишларига етакчилик қилган. Яна бир муҳим давлат лавозими муҳтасиб (раис) деб аталган. Бу лавозимни эгаллаган амалдор мамлакат фуқароларининг ахлоқ қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш билан шуғулланган. Давлатда, шунингдек, мирохур (хонга тегишли йилқи, отулов ва уларнинг таъминоти билан шуғулланувчи), шиғовул (чет давлатлар элчиларини қабул қилиш хизматининг бошлиғи), қушчи (хоннинг овини ташкил этувчи), баковулбоши, дастурхончи, қўрчибоши (қурол-аслаҳа хизмати бошлиғи), жарчи, тавочи, туғбеги, китобдор, мирзабоши, мунший (котиб), муҳрдор, хазиначи, меҳтар каби мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

Меҳтар - закот ва бошқа тушумлардан зарур ўринларда ишлатишни назорат қилувчи-амалдор.

Шайбоний ҳукмдорлар пойтахт Бухоро ва унинг атрофларини обод қилишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, бу ишлар Абдулахон II (1534-1598) даврида меъморчиликка катта эътиборини қаратди.” Бу ҳақда академик В.В.Бартолд шундай Абдуллахонни қорахоний Арслонхон ва Амир Темурдан кейинг буюк қурувчи деб атаган. Дарҳақиқат Абдуллахон қурдирган бино ва иншоотларни бугунги кунда ҳам Бухоро вилоятидан то Сирдарё воҳаларигача учратиш мумкин” [М.Аҳмедов, 1995.61-бет].

XVI аср давомида шу давминг барча муҳандислик имкониятлари ва жамиятнинг маънавият ва маданияти даражасига мос равишда кўплаб бинолар, меъморий мажмуалар, иншоотлар бунёд этилди. Мир Араб мадрасаси, Масжиди Калон, Мағоки Аттори масжиди, Тоқи Заргарон, Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурушон, Карманадаги Ҳазрати Қосимшайх хонақоҳи, Тими Калон, Модарихон мадрасаси, Ойпошша оғим мадрасаси, Говкушон мадрасаси, Фатҳулла қушбеги мадрасаси, Файзобод хонақоҳи, Дўстум мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси, Тим, Чорсу фикримизнинг яққол далилидир.

Самарқандда ҳам шайбонийлар номи билан боғлиқ бинолар анчагина. Чунончи, Шайбонийхон мадрасаси ва Абдурахим Садр мадрасаси, Тошкентда бино қилинган Бароқхон мадрасаси, Кармана яқинида Зарафшон дарёси устига қурилган кўприк машҳурдир. Бу даврда Бухоро ҳукмдорларидан ташқари маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагонлар томонидан пойтахт Бухоро ва бошқа марказий шаҳарларда ҳам қурулиш ишларини амалга оширишган.

“Буларга мисол тариқасида айтсак бўладик Убайдуллахон ва Абдуллахон II нинг пири Хожа Муҳаммад Ислои Жўйборий ва унинг ўғли Хожа Саъдуддинларни(Хожа Саъд) айтсак бўлади. Шайбонийлар даврида қурилган кўплаб меъморий обидалар (масжидлар, мадрасалар, сардобалар, ҳаммомлар, устахоналар, савдо расталари ва каналлар, хонақоҳ ва б.)ота-ўғил Хожа Муҳаммад Ислои Жўйборий ва Хожа Саъдуддинларни номлари билан боғлиқдир.Хожа Ислоининг Гавкушон ва Жўйбор мадрасаларида 8000 жилдлик улкан кутубхонаси бўлган.Хожа Саъд раҳнамолигида ҳам карвонсарой, мадраса, сардоба, ҳаммом сингари иншоотлардан ташқари Бухоро воҳасининг турли ҳудудларида (қоракўл, Хожа Пешку, Зандана) кўплаб масжид ва миноралар қурилган ҳамда таъмирланган. Улардан Бухородаги Гавкушон ва Жўйбор мадрасалари, минорали Хожа Калон жоме масжиди,шунингдек,Ванғози қишлоғидаги Тошмасжид ва Ванғози минораси бизгача сақланиб қолган ваҳобатли меъморий иншоотларидан ҳисобланади.”[Қ.Ражабов, 2015.59-бет.].

Маълумот ўрнида шунини таъкидлаш лозимки,кўпгина қадимий тураржой бинолари тағ-туғи билан йўқ бўлиб кетган. Аммо Шайбонийлар даври меъморчилиги санъатининг ўзи бир алоҳида маданий мерос сифатида намоён бўлиб турибди. Шу ерда таъбир жоиз бўлса,рус ёзувчиси Н.В.Гоголнинг қуйидаги фикрини баён этиш мақсадга мувофиқдир. “... Меъморчилик ҳам халқнинг тошга битган йилномасидир ва у ҳалок бўлган халқ ҳақида ва унинг адабиёти ва на афсоналари созлай олмагандагина тилга киради”. Ҳақиқатдан ҳам меъморчилик тарихи инсоният жамияти тараққиётининг нақадар улкан ва машаққатли йўлни босиб ўтганлигидан

далолат бериб туради. Шундай экан Бухоро турар жой бинолари меъморчилиги эса меъморчилик санъати тарихини ўрганишда бутун бир хазина бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон 1997-102-бет.
2. И.А.Каримов. Миллий Истиқлол мафкуриси - халқ этибор ва буюк келажакка ишонишидир. Тошкент: Ўзбекистон 2000. 14 –бет
3. М.Аҳмедов. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т: Ўзбекистон нашриёти. 1995. 61-бет.
4. Қ.Ражабов. Қизилтепа тарихи. Тамаддун нашриёти. 2015. 59-бет.

III ШУЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ (ҚАДИМГИ ДАВРДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)

ПЕРВЫЙ РЕНЕССАНС МАВЕРАУНАХРА – УЗБЕКИСТАНА

проф. Т. Ширинов
Ташкент

«Мусульманский ренессанс» как термин с легкой руки швейцарского востоковеда Христина Адама Меца, высказанный им сто лет тому назад, стал широко популярен во всем мире, любимой темой исследователей, а также явился объединяющим фактором для всех гуманистов, коими все мы с вами являемся.

Ренессанс зарождался там, где развитие экономики и культуры были длительными, непрерывными и поступательными, что обеспечивало устойчивый прогресс, который предопределил облик современной цивилизации.

Первый из ренессансов, который Адам Мец именовал «Мусульманский», или Ренессанс Востока IX-XI веков, второй - «Европейский», или Ренессанс Запада XVI-XVII веков, - это результат развития цивилизованных народов.

Я хотел бы подчеркнуть, не случись первое, вряд ли современное общество наслаждалось бы результатами второго ренессанса, просто человечество не смогло бы зародить это явление.

Более тысячи лет тому назад в эпоху первого ренессанса особенно ярко блистала цивилизация Среднего Востока – нынешнего Узбекистана.

Когда идёт речь о первом ренессансе молниеносно приходят на ум такие имена, как: Абу Райхан Беруни, Мухаммад Хоразми, Ахмад Фаргони, Абу Наср Фароби, Абу Али ибн Сино, Мухаммад Замахшари, Мирзо Улугбек, Али Кушчи, Мухаммад Коши, Камолиддин Бехзод, Абдурахмон Жоми, Адишер Навои, Захириддин Мухаммад Бобур, Имом Бухори, Абу Мансур Матуруди, Бурхониддин Маргинони, Хаким Термизи, Имом Термизи, Абу Муин Насафи, Каффол Шоши, Абдулхолик Гиждувони, Бахоуддин Накшбанди и многие, многие другие гении, которые жили и творили в Среднеазиатском Междуречье и обогащали мировую науку и культуру.

В истории человечества нет такого другого края или народа, которые привнесли бы в мировую цивилизацию столько великих мыслителей и гениев, как междуречье Сырдарьи и Амударьи.

IX-XI и XV-XVI века были золотыми веками Мавераунахра, эпохой яркого всплеска звёзд Самарканда, Бухары, Хивы, Насафа и Парикана.

Чем объясняется этот феномен? Случайность или закономерность? Мне представляется, что этот феномен является закономерным.

Во-первых, это результат долгого поступательного развития и прогресса народов Средней Азии - Турана, где первая цивилизация зародилась очень рано, ещё в конце III тысячелетия до н.э. Об этом свидетельствуют археологические артефакты ранних городов эпохи

бронзы: Джаркутан, Сапалли, Молали, Далварзин в Узбекистане, Алтын депе и Гонур на юге Туркменистана, Дашли-3 на севере Афганистана. Это был подлинный, самостоятельный, пятый центр древнейшей цивилизации Востока, который историки называют цивилизацией Окса и Яксарта, а иногда и Туранским, наряду с такими центрами цивилизаций, как Нила, Евфрата и Тигра, Инда и Хуанхе.

Во-вторых, в проявлении первого ренессанса сыграл свою роль Великий Шелковой Путь (ВШП), функционировавший с II века до н.э. по XVI век. Что парадоксально, знаменитый полководец Александр Македонский и его не менее знаменитый учитель Аристотель не знали о существовании Дальневосточной китайской цивилизации, а в свою очередь, китайцы не имели информации о существовании Рима и Эллады. Впервые в истории человечества Восток и Запад объединились благодаря ВШП, влияние которого на ход исторических событий трудно переоценить и это влияние остаётся актуальным и на сегодняшний день.

В центре этого трансконтинентального торгового пути, как Вы знаете, находится Средняя Азия. По торговому пути двигались не только товары, ценности, но и мысли, идеи, технологии, инновации, да и иногда военные легионеры, в особенности в IX-XI веках что обусловило резкий импульс развития экономики, культуры, науки и искусства, находившихся на трассах стран и городов, в том числе, Согда, Бактрии и Хорезма. И не даром в X веке арабский историк ат-Табари упоминает Самарканд, как «Сухопутную торговую гавань». И там, в Самарканде встречались (IX-XI век) римляне, греки, арабы, персы, индусы, китайцы, корейцы и многие другие.

Согдийцы, носители высокой цивилизации, торговой культуры и толерантности, караванами уходили далеко на Запад к берегам Средиземноморья и Черного моря (чему свидетельствует современный Сугдак, происходящий от названия Согд, Сугдак означал малый Согд) и на Восток до Китайского Сиана и дальше, обосновывая свои торговые фактории на трассах ВШП. Одной из закономерностей успешной внешней торговли является соблюдение торговой толерантности, которую полностью обеспечивали наши великие предки.

В-третьих, в проявлении столь редкостных явлений в истории человечества, как ренессанс, послужил толерантным сосуществованием мировых религий. Здесь, в просторах Средней Азии встретились зороастрийская, буддийская, христианская и исламская цивилизации.

Заметьте, эти цивилизации не столкнулись, а сосуществовали, что означает религиозную, а также этническую толерантность наших предков, что обусловило дальнейшее развитие экономики и культуры.

Зороастризм широко распространился на Среднем Востоке - одна из первых мировых религий, зародившаяся на просторах древней земли Хорезма, почти три тысячи лет тому назад, юбилей которой все мы праздновали 2001 году под эгидой ЮНЕСКО. В философии зороастризма - мир и созидание.

Археологи проследили один из путей проникновения во II-IV веках в Китай, Корею и далёкую Японию, буддийской религии зародившейся в Индии и получившей новый импульс в Средней Азии, через Бактрию

(Кара тепа и Фаяз тепа), Согд (Джар тепа) и Париканы (Кува) и далее на Восток.

Множество следов раннего христианства зафиксированы на территории Средней Азии. Историки установили, что в VII-VIII веках в Самарканде, Мерве и Таразе существовало христианское епископство. Такие колоритно-религиозные картины свидетельствуют о подлинной природе толерантности наших далеких предков.

В-четвертых, одним из основных постулатов, служит проявлением восточного ренессанса, это- стабильная политическая обстановка на Среднем Востоке. В IX-XI веках на Среднем Востоке образовались крупные политическое объединение государств- Багдадский Халифат, Саманиды, Караханиды, Хорезмшахи. Благодаря ирригационному земледелию, ремеслу и международной торговле бурно развивалась экономика, которая наглядно прослеживается при Саманидах и Караханидах. Это формировало у правителей особое отношение к духовности, науке и культуре. Например, более тысячи лет тому назад, на особом попечительском положении находился у Бухарского правителя великий Абу Али ибн Сино, которой был широко известен в Западной Европе как Авиценна. Его знаменитый труд «Каноны медицины» был переведен на латынь уже в XII веке, десятки раз переиздавался и принес ему мировую славу. Врачи Европы пользовались его трудами и следовали медицинским правилам до XVIII века, пока не перешли на современную систему лечения. В эпоху первого ренессанса не было более яркой звезды на небосклоне науки, чем гениальный Абу Райхан Беруний и не менее знаменитый Мухаммад ал Хорезми, которым покровительствовал правитель Хорезма аль Маъмун, создав у себя в столице «Дом ученых», который известен в истории, как «Академия Маъмуна», подобие Багдадского «Байт уль хикма» - «Дома мудрецов».

В XI веке Караханидский правитель Ибрахим Тамгач-хан открыл лечебницу для бедных слоёв населения в Самарканде и Бухаре. Правители Мавераннахра создали в IX-XI веках подлинные научные центры, где работали и творили десятки, сотни учёных. После монгольской катастрофы в XIV-XV веках Амир Темур и Мирзо Улугбек реанимировали эти традиции.

В-пятых, конечно же, благодаря политической и экономической стабильности в государствах Саманидов, Караханидов и Хорезмшахов и международной торговле был бурный расцвет таких городов, как Ахси, Ташкент, Самарканд, Бухара, Термез, Насаф, Хива и Ургенч.

Эти города были подлинными центрами культуры и науки. В созвездии этих городов особую роль играл Самарканд, который являлся локомотивом цивилизации на Среднем Востоке, как и Рим в Европе.

И не зря на Среднем Востоке была очень популярна пословица «На Востоке Самарканд, на западе Рим», а на Западе, в Риме притча «Свет с Востока». Конечно же, имелись в виду научные и духовные светила Среднего Востока.

В-шестых, конечно же перечисляя причины зарождения Восточного ренессанса, не могу не упомянуть о роли образования. Для нашего народа присуще стремление к знаниям и образованию, что подтверждается тысячелетней историей.

В первом тысячелетии до н.э. зороастрийские маги обязаны были знать наизусть гимны, песни священной Авесты, что достигалось вследствие системного обучения в храмах. В начале нашей эры в буддийских храмах (Кара тепа, Фаяз тепа) существовала школа монахов, где миссионеры изучали каноны религии.

Ислам, зарождавшийся на аравийском полуострове был систематизирован, обобщен и поднят на территории – Маверанахра на более высокий, логический уровень объяснений божьего слова.

В VII веке, на раннем периоде распространения Ислама на Востоке, одна из крупнейших мечетей была построена в Афрасиабе (Самарканде).

Имеются исторические сведения о том, что в IX веке имам Абу Мансур Матуриди в 17 мечетях боролся за чистоту ислама. Данная информация косвенно свидетельствует о том, что в Самарканде в ту эпоху существовало несколько десятков мечетей. В каждом квартале имела мечеть. Как правило, при мечетях функционировал «мактаб», начальная школа, а при соборных мечетях медресе, соответственно средняя и высшая школа.

Достигло своего апогея развития средневековое образование исламской цивилизации в эпоху великого Мирзо Улугбека, где утвердились три уровня образования: начальная - «Мадрасаи ул –ибтидоия», средняя - «Мадрасаи ул-санавия» и высшая - «Мадрасаи Олия».

Классическим примером школы высшего образования являлось медресе Улугбека в купе с обсерваторией, построенной в 1417-1430 годах. Следуя традиции ренессанса, в медресе Мирзо Улугбека студенты обучались как религиозным, так и светским наукам – астрономии, математике, тригонометрии, логике, истории и т.д. Это было подлинное, в нашем современном понимании, университетское образование. Ярким примером тому университеты Европы: Болонья, Сарбонна, Кембридж и др. Так как в стенах мусульманских медресе и христианских церквей зародилась новая форма объяснения мироздания, повлекшая за собой появление современной науки и образования и на Востоке, и на Западе, что и являлось закономерным результатом поступательного прогресса.

Мне представляется, что университеты Узбекистана, да и всего Среднего Востока берут своё начало именно от медресе Улугбека.

Расцвет городской культуры Мавераунахра IX-XI веков дал миру сотни ярких имен носивший нисбу Самарканди, Урганжи, Насафи, Термизи, Ташканди, Ахсикати, Хужанди и т.д.

Среди верениц знаменитых городов Среднего Востока особое место занимает Самарканд, которой не зря носил эпитет «Вечной город». В эпоху первого ренессанса, Амира Темура и Темуридов, Самарканд был центром науки и культуры. Благодаря духовной мощи Самарканда формировались такие таланты, как Умар Хайям, Рудаки, Джамии и Алишер Навои жили и учились в Самарканде хоть и некоторое время.

Научные гении наших предков, ученые внесшие вклад в мировую науку, ученые планетарного масштаба - это Мухаммад Мусо Хоразми – изобретатель алгоритма и основатель алгебры, Абу Наср Фараби – «Второй Аристотель Востока», Абу Райхан Беруни, энциклопедический труд которого не теряет своего значения сегодня, Абу Али ибн Сино, величайший медик

в истории человечества, Мирзо Улугбек великий астроном, европейская культура отдавая дань возвеличила его до уровня древнегреческого бога звёзд Ураниума и многие другие.

Эти корифеи с одной стороны были рождены Среднеазиатской культурой, с другой, они сами и возвысили её до высочайшего уровня, которую Адам Мец называет «Мусульманским Ренессансом».

В этом, не малая заслуга ученых имамов, теологов и суфиев Средней Азии. Уместно вспомнить только некоторых из них, чтобы удостовериться в том, насколько велика их заслуга в развитии исламской цивилизации.

Имам Матуриди одним из первых в истории ислама комментировал и толковал священный Коран в своих произведениях «Тавилат ахл ас-сунна», «Китоб ат-Тавхид». Он родился, жил и творил в Самарканде, его нисба «Мотируди», по всей вероятности, взята от названия местности, где находился его загородный сад, топоним которого сохранился и поныне.

Имам Бухари и его величайший труд «Аль-Джами ас-сахих» часто называемый «Сахих аль-Бухари» является одним из лучших хадисов исламского мира, прах которого покоится недалеко от Самарканда.

Имам Маргинони жил, творил и покоится в Самарканде, его труд «Хидоя» вот уже тысячи лет служат настольной книгой для законоведов ислама. Подводя итог сказанному, можно сказать, что узбекский народ, будучи создателем древнейшей государственности, великолепных городов, высоких культурных ценностей, народ, породивший величайших гениев в истории человечества, пережил за свою историю как периоды высочайшего расцвета, так и драматические моменты и трагедии. В настоящее время, происходит возрождение нашего самосознания, национальной культуры и основ древнейшей государственности. Независимость Узбекистана открыла народу бескрайние перспективы самореализации и определения своего будущего. Вне всякого сомнения, мы стоим на пороге нового подъема и расцвета, который войдет в историю как начало нового Ренессанса.

Узбекистан является колыбелью Восточного Ренессанса, немалая заслуга в этом таких центров цивилизации Парикана, Согд, Бактрия, Хварайзем, среди них один из ярких мест занимает Уструшана это Дизак, Хаваст, Мык, Замин, Шахристан, Ходжент и др.

Надо золотит история культуры Уструшаны, в особенности эпохи первого ренессанса пока плохо освящена. Я думаю данная конференция даст старт этому доброму началу. Цивилизация Уструшана не менее яркая чем Согд или Хварайзем.

АҲАМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ХУДУДЛАРИГА ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ДОИР

Ш.Ҳасанов
ТерДУ, Термиз

Аҳамонийлар давлати ташкил топиши санаси масаласида тадқиқотчи олимлар ўртасида милoddан аввалги 553-547 йиллар оралиғида яъни

Кирнинг Мидия ҳукмдори Астиаг билан урушлари даври оралиғида ташкил топган деган фикр устуворлик қилмоқда (Пьянков, 1971. Стр.83-93). Баъзи тадқиқотчилар эса милоддан аввалги 558-йилда Кир II томонидан Парс вилоятининг Мидия давлатидан мустақил давлат сифатида эълон қилингандан сўнг Ахамонийлар давлати ташкил топган деган қараш илгари сурилган (Дандамаев, 1971. Стр.94-104.).

Бундай тўхтамга келишда албатта, антик давр тарихчилари: Ҳарон, Геродот, Ктесий, Диодор, Помпей Трог ва Ксенофонт асарлари асос бўлиб хизмат қилган. (Charon.1905.,Fr.2; Геродот. стр. 177-178; Ctesi. 1905. Fr.9a; Diodor. Fr.23; Csenofont. 1968. Fr.2) Кир II Мидия давлатини бўйсундириб, уни ўз давлатига қўшиб олган ва бу ғалаба кейинги кенг кўламли ҳарбий юришлар амалга оширишида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Манбаларда келтирилишича, Кир II Кичик Осиёдаги Лидия ҳудудини забт этганидан сўнг, бу ўлкани назорат қилиш учун ҳоким тайинлаб, ўзи Экбатанага қайтиб келади. Бу ерда Бобил, Бақтрия, саклар юрти ва Миср ҳудудларига ҳарбий юришга тайёргарлик кўрганлиги манбаларда қайд этилган (Дандамаев. 1985. Стр.29). Лекин бу рўйхатдан Мисрни олиб ташлаш мумкин. Сабаби Миср Кир II давридан кейин забт этилган ҳудуддир.

Беҳустун битикларида Ахамонийлар давлати ҳукмронлиги тарикибида Ўрта Осиё ҳудудидаги Марғиёна, Бақтрия, Хоразм ўлкаларидан ташқари Ҳинд воҳасидаги Гандхара ва Саттагидия ўлкалари ҳам санаб ўтилган. Бундан келиб чиқадики, Ахамонийлар давлати чегараси шарқда Яксарт бўйлари ва Хинд воҳасигача бўлган улкан ҳудудларни қамраб олган. Ктесий маълумотларига кўра, Кир II ўлимидан бир оз олдин ўғли Бардияни парфияликлар, карманийлар, бақтрияликлар ва хоразмликларни бошқаришга бошлиқ тайинлангани айтилади. (Пьянков. 1975. С. 92-93) Тадқиқотчи В.В. Гусаковнинг фикрича, Кир II ўғли Бардиянинг ушбу ўлкалар бошқарувининг топширилиши, унинг империяси таркибида Ўрта Осиё тарихида биринчи марта муҳим ўтроқ деҳқончилик вилоятлари ҳудудий жиҳатдан бирлаштирилган эди. (Гусаков. 2009.С. 4).

Шунингдек, тарихчи Плинийнинг “Естественная история” асарида Кир II ҳозирги Кобул шаҳри шимолида жойлашган Капиша шаҳрини вайрон этганлигини қайд этиб ўтилган. (Плиний. Стр.92).

Арриан ва Диодор асарларида эса, Бақтрия билан чегарадош Дрангиана ўлкасида яшовчи ариасп қабиласи Кир II нинг шарққа юришида озиқ-овқат билан таъминлаб турганлиги учун солиқлардан озод этилганлиги қайд этилган. (Арриан. Т III. Г 27. 4; Диодор. Библиотека. Т. XVII; Г.81).

Шу ўринда савол туғилади, Ахамонийлар бу ҳудудларни қачон босиб олган?! Кўпгина тадқиқотчилар Ахамонийларнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари Бобилни забт этганидан сўнг бошланган деган фикрда. (История древнего мира. 1982. Стр. 59). Бундай фикрга келишда “тарих отаси” – Геродотнинг Тарих асарида Кир II нинг милоддан аввалги 539 йилда Бобилни, милоддан аввалги 530 йилда массагетлар юртини эгаллаганлиги тўғрисидаги маълумоти асос бўлди. Лекин Геродот Кирнинг Лидияни забт этганидан кейинги юришлари ҳақида маълумот бермаган. Балки Геродот форслар катта талофат кўрган урушларни четлаб ўтган бўлиши ҳам мумкин.

Сабаби Ктесийнинг «Персика» асарида, Кир II ва бактрияликлар урушида ҳеч қайси томон вакиллари ғалаба қозонмаганлиги, бироқ, бактрияликлар, аҳамонийлар давлатининг ҳарбий қудрати Шарқда устунлик қилганидан хабардор бўлиб, Кир II га ихтиёрий бўйсунганлиги қайд этилади. (Ctesii. 1905. Fr.9a)

Шунингдек, мил.ав. III асрда яшаган Бобил тарихчиси Беросс ўз асарларида Кир II нинг Бобилга ҳарбий юриши ҳақида: “Кир II Бобилни, Осиёнинг бошқа қисмлари босиб олгани сингари босиб олган” лигини қайд этган. (Berosse. I, 7). Ксенофонт эса “Киропедия” асарида Кир II Бобилни бактрияликлар, саклар ва ҳиндларни бўйсундирганидан кейин забт этганлиги ҳақида маълумотлар келтирган. (Ксенофонт. V, 3).

Манбаларда ёзишича, мил. ав. 545-539 йилларда Кир II Ўрта Осиёнинг Дрангиана, Марғиёна, Хоразм, Суғдиёна, Бактрия худудларини эгаллаган ва салтанатини шарққа томон кенгайтириб олганидан сўнг Бобилга ҳарбий юришни амалга оширган.

Мил.авв. 530 йилга келиб, аҳамонийлар Ҳинд водийсидан Ўртаер денгизигача бўлган худудда ўз ҳукмронлигини ўрнатган бўлса-да, Ўрта Осиёдаги кўчманчи қабилалар мустақил бўлиб яшаган. Мил.авв. 530 йилнинг август ойида Кир II массагетларга қарши юриш қилган. Бу ҳарбий юриш ҳақидага қадимги давр муаллифлари – Геродот ва Трог-Юстин маълумотлари сақланган бўлиб, улар бу воқеаларни турлича тасвирлаганлар.

Кир II вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Қамбиз ўтирди. Унинг ҳукмронлик даври, яъни мил.авв. 530–522 йиллар Ўрта Осиё халқлари сиёсий тарихи ҳақида ёзма манбаларда ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Қамбиз Мисрни истило қилган қадимги форс подшосидир. Қамбиз вафотидан сўнг мамлакатда катта қўзғолонлар бошланган. Бу ҳақида Доро I (мил.авв.522–486 йиллар) Бехистун ёзувида шундай хабар қилади: «Элам, Мидия, Оссурия, Миср, Парфия, Марғиёна, Саттагадия, Саклар мендан ажралиб чиқиб кетдилар». Аҳамонийларга қарши, айниқса халқнинг катта қўзғолони Марғиёнада аланга олган.

Бехистун ёзувларида Доро I хабар қилади: «Марғиёна давлати мендан ажралиб чиқиб кетди. Марғиёналик Фрада исмли бир киши вилоятнинг ҳокими деб эълон қилинди. Кейин мен Бактрия сатрапи ва менга бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни ҳузуримга чақириб унга гапирдим: «Менга бўйсунмаганларни тор-мор қилиш керак». Ахурамазда иродаси билан менинг қўшинларим қўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди. Бу жанг асиядий ойининг 23-кунида содир бўлди. Шундан сўнг давлат мени қўлимга кирди. Мана мен Бактрияда нималарни қилдим».

Мил.авв. 522 йилнинг 10 декабрида (қадимги форс календари бўйича асиядий ойининг 23-куни) Дадаршиш марғиёналикларни тор-мор қилган. (Струве. 1949, № 2, с. 10-29). Қўзғолонни бостириш пайтда 55 минг одам ўлдирилган ва 7 минг киши асирликка олинган. Асосий воқеалар Қуйи Мурғобда бўлиб ўтган, бу ерда Марғиёнанинг кўҳна Марв шаҳар ҳаробалари сақланган. Улар жумласидан Эрқалъа мил.авв. VII–VI асрларда вужудга келган. Баъзи тарихчилар томонидан Эрқалъа – бу Марғиёнанинг пойтахти ва шунингдек аҳамонийларга қарши қўзғолоннинг маркази деб ҳисобланмоқда.

Беҳистун ёзувларидаги охирги сўзлар «Мана мен Бақтрияда нималарни қилдим» тушунарли эмас, чунки қўзғолон Марғиёнада кўтарилган. Бундан куйидаги хулосани чиқариш мумкин – Марғиёна аҳамонийлар давридан олдин қадимга Бақтрия подшолигининг таркибий қисми бўлган ёки қўзғолондан сўнг Доро I Марғиёнани Бақтрия давлатига қўшиб олган.

Қадимга форсларнинг Ўрта Осиё шимолига юришлари шафқатсиз яқунланганлигини ва Кирнинг массагетлар қабилалари билан қаттиқ жанг пайтида халоқ бўлганлиги Доро I нинг ташқи сиёсатида инобатга олиниб, мил. авв. 519 (518) йилда Доро I саклар (сака–тиграхауда)га қарши махсус юриш қилган. (Струве. 1968)

Доро I хабар қилади: «Сакларга қарши мен Сак юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўққи қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим, дарё кемаларидан кўприк қилиб, саклар юртига хужум қилдим. Уларнинг сардори – Скунха исмли одамни тутиб, менинг хузуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳишим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остимга ўтди».

Ахамонийлар имперяси ўлкада ғалабага эришган бўлса ҳам, Ўрта Осиё халқлари ахамонийларга қарши озодлик курашларини давом эттирган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиё худудида Ахамонийлар босқинига қадар шакланган давлат бирлашмалари сиёсий-ҳарбий, маданий жиҳатдан юксалишга эришганлиги сабабли Ахамоний ҳукмдорлар бу ўлкаларни забт этишда кучли қаршиликка учраган. Мазкур жараён антик давр тарихчилари ёзма манбаларида ўз аксини топган. Ушбу манбаларнинг илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши Ўрта Осиё халқларининг қадимги давр давлатчилиги ва ҳарбий санъати тарихини ёритишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Berosse. FHG, II, с. 508; ср. Justin, I, 7, 2—3
2. Charon. Fr.2. Jacoby. Paris 1905.
3. Csenofont. Kiropedia. Moscow. 1968.
4. Ctesi Cisilian. Fragment 9. Rome. 1905. Jacoby. Fr.9a.
5. Ctesiy. Persika. Ph. 29. Letter 5.
6. Diodor. IX. Fr.23. oxford press. Fr.23
7. Арриан. Анабассис. Т III. Г 27. 4.; Диодор. Библиотека. Т. XVII; Г.81. 1
8. Геродот. История. Том I. Стр. 177-178.
9. Гусаков В.В. Центральноазиатская политика державы Ахеменидов // Вестник МИЦАИ, выпуск 10, 2009.С. 4.
10. Дандамаев М.А. Ахеменидское государство и его значение в истории Древнего Востока. Сб. История Иранского государство. М.; Наука. 1971. Стр.94-104.
11. Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. М.: Наука. 1985. Стр. 29
12. История древнего мира. I. Ранняя древность (под редакцией И. М. Дьяконова, В. Д. Нероновой, И. С. Свенцицкой). М., 1982. Стр. 59
13. Ксенофонт. «Киропедия» I, 1, 4; V, 3
14. Плиний. “Естественная история”. Том VI. Стр.92
15. Пьянков И.В. Образование державы Ахеменидов по данным античных источников. Ахеменидское государство и его значение в истории Древнего Востока. Сб. История Иранского государство. М.; Наука. 1971. Стр.83-93.

16. Пьянков И.В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия (текст, пер., примеч.). Душанбе, 1975. С. 92-93.

17. Струве В.В. Восстание в Маргиане при Дарии I. – Вестник древней истории, 1949, № 2, с. 10-29.

ОЙХОНУМ - БАКТРИЯДАГИ ЭЛЛЕНИСТИК ШАҲАР

Ҳ.Б. Хуррамов
ТерДУ, Термиз

Тарих зарварақларига назар ташлар эканмиз, қадимги яъни антик давр барчани бирдек қизиқтиришига гувоҳ бўламиз. Македониялик Александр ҳақида маълумот берувчи тарихчилар унинг ҳар бир босиб олган ҳудудида мудофаа қалъалари қурдиргани ҳақида ёзиб қолдирганлар. Шундай қалъалардан бири шубҳасиз Бактрия ҳудудидаги қадимги Ойхонум ёдгорлигидир.

Ойхоним — қадимий шаҳар харобаси (милоддан аввалги IV аср охири — II асрнинг 2-ярми) — Афғонистоннинг шимолий-шарқда, Амударёнинг сўл қирғоғида, Кўкча дарёси қуйилиш ерида жойлашган. Юнон-Бактрия подшолиги даврида обод бўлган; Александрия Оксиана (П. Бернар) ёки Евкратидия деб аталган. Ойхонумдаги археологик тадқиқотлар Афғонистондаги француз археологик миссияси (Д. Шлюмберже, сўнгра Паул Бернар раҳбарлигида) томонидан (1964—1978) олиб борилган.

Бактрия шаҳарларидан бири бўлган Ойхонум эллинизм даврида, юнон колонистлари томонидан юнон шаҳарсозлиги тамойилларига асосланиб қурилган. Ойхонум юқори (қалъа) ва қуйи (шаҳар), шунингдек, унинг шимолий-шарқий томонида жойлашган шаҳар атрофидан иборат. Ойхонумнинг дастлабки 2 қисми қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Қуйи шаҳар қисмида сарой, ибодатхона, ёшлар таълим-тарбия оладиган гимназия ёки палестра харобалари очилган; ундан Гермей ва Геракл шаънига битилган юнонча маърифий ёзувлар топилган. Шаҳар марказида героён — шаҳарга асос солган киши ёки унинг фахрий фуқаросининг мақбараси жойлашган. Қалъа яқинидан театр, шаҳарнинг асосий кўчаси, уй харобаси топилган. Шаҳар атрофидан эса мақбара, ибодатхона ва турар жой қолдиқлари чиққан.

Ойхонумдан моддий ва бадиий маданиятнинг турли хилдаги кўплаб обидалари, тангалар, юнон эпиграфикаси ёдгорликлари, Гераклнинг бронза ҳайкали, ўсмир ҳайкали, ибодатхонага ўрнатилган улкан мрамор ҳайкалнинг 5 панжали оёқ қисми, ибодатхонадан салавкийлар, юнон-бактрия, ҳинд-юнон ва ҳинд мис ва олтин тангалари, темир буюмлар, қимматбаҳо тошлар хазинаси топилган. Марказий Осиё Александр Македонский томонидан босиб олинган ҳудудлардан бири бўлиб, Юнонларнинг бу ҳудудга кўплаб кўчиб келишига олиб келади. Унинг ўлиmidан со'нг, Салавкийлар давлати, кейинчалик мустақил сулолалар пайдо бўлишига олиб келган, бу юнон маданиятига да'во қилган кўплаб ёдгорликларда намоён бўлади. Адабий манбалар ва нумизматика ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлсақда

унинг тарихи, бироқ уларни қайта тиклаш учун этарли даражада ко'п ёки то'лиқ маълумотлар мавжуд эмас. Милоддан аввалги III асрда қадимги Бақтрияда асос солинган, уни эгаллаганлар кўпроқ ғарбий ҳудудлардан келган кўчманчилардир. Тахминан юзлаб йиллар давомида уларнинг авлодлари юнон маданиятига қаттиқ таъсир кўрсатган анъаналарга риоя қилдилар, милоддан аввалги 145-йилларда кўчманчилар ва маҳаллий халқларнинг босим остида ва Ҳинду Кушининг жанубидаги ҳудудларгача чўзилган. Ойхонум ҳам қироллик қароргоҳи эди. Шу сабабли, унинг тарихи, хусусан, юнон маданияти билан бог'лиқ учта сулолага мансуб бўлган юнон ҳукмронлигини ёритиб беради.

Дастлаб Александр Македонский Бақтрия ва Сўғдиёнага мил.авв 329 баҳордан 327 йилгача босқинлар уюштирган бўлиб, кейинчалик бу эрга юнонларнинг қолган аскарлари етиб келган.

Афғонистон ҳукмдори Ойхонумни 1961-йилги ов пайтида кашф қилгани ва 1964 йилда бошланган қазишмаларнинг натижалари шуниси билан эътиборли эдики баъзан шаҳар шаҳарнинг ўзида яшаган ҳудудга қурилгани унутилади, бир неча минг йиллар давомида шаҳар тарихини тиклашни кутиб ётгандек туюлади (2). Жойни танлаш тасодифий эмас эди. Кўпинча шаҳарнинг бошқа шаҳарларни бошқарадиган бир нечта стратегик маршрутларни назорат қилган. У тепаликнинг жануби-ғарбий қисмида серхосил текисликда жойлашган.

Рус-афғон уруши, сўнгра фуқаролар уруши ва толибларнинг босиб олиниши қазишни ўхтатишга мажбур қилди, ҳатто 2006 йилдан бошлаб француз археологлари эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишларига тўғри келди. Ойхонум Толибон ва Маъсуд кучлари ўртасида талончилар ва жанглар билан жиддий зарар кўрди (4). Шаҳарни Александр ёки Пердитса генералларидан бири қурган бўлиши мумкин (3). Ойхонум ўзидан топилган архитектура намуналари, ҳайкалтарошлик, қадимий ёзувлар, ноёб артефактлар билан қадимий Бақтриянинг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. АИ-КҲАНОУМ АНД ГРЕЕК ДОМИНАТИОН ИН СЕНТРАЛ АСИА, Лаурианне Мартинез-Севе, page 19. Бернард 1985, 38–39; Ҳолт 1999, 21–29; Сапдетрей 2007, 79–81; Мартинез-Севе 2012а, 375–376.
2. Солору 2009 анд Видеманн 2009, ресентлй публишед, провиде а ҳисторисал студй оф Греек рулинг дйнастиес фор тхе вҳоле оф Сентрал Асиа.
3. Ҳоугҳтон/Лорбер 2002, 99–103, но. 257–303 фор Бастриа алоне, бут сее пп. 88–304 ин Бастриа.
4. Лериче 2007, 130–134, фор ан ассоунт оф тхе Греек оссупатион оф Бастриа, сее алсо Балл 1982; Сее ин партисулар Солору 2009, 25–102; Мартинез-Севе 2012а, 367–370.

ЗАРДУШТИЙЛИК ДЕМОНОЛОГИЯСИ: “ГАТА”ЛАРДА ДЕВЛАР ХУСУСИЯТИ

Ш.Б. Абдуллоев
ТерДУ, Термиз

Девлар – Авеста ва ундан кейинги Зардуштий матнларда кўп учрайдиган мавжудотлар тоифасидир, бу атама кўпчиликнинг тасавурида ҳар доим салбий тимсолни ифодалайди. Зардуштийлик космогониясида иккинчи ўринни эгаллаган дев ижобий кучларнинг прототиби бўлиб, унга қарши кураш орқали эзгуликнинг устиворлиги ва онтологик устунлигини ифодаланган [Shaked Sh, 1967. 234-б.]. Бу мавжудотлар инсоний қахрамон ва ҳукмдорларга қаршилиқ кўрсатадиган рақобатчи сифатида зардуштий матнларда ёвуз руҳнинг маҳсули, ҳақпарастлар ва Аҳура Мазданинг абадий муҳолифатчилари шаклида акс этган. Шунингдек, «дев» сўзи лингвистик нуқтаи назардан кенг ҳудудга тарқалган, Ҳинд-Европа анъаналарига таалуқли олий илоҳлар тоифасини ифодаловчи сўз ҳисобланади [Chris Ghan, 2014. 5-б.]. Бу атама Ҳиндо-Эрон тилда “*daivā*”, Прото-Ҳиндо-Европа тилида “*deywōs*”, Ҳиндо-Европа тилида “*Dyeus*” Авеста қадимги қисмларида *daēuua*” ёки “*daēva*” санскрит тилида дева, қадимги эроний тилида “*dayva*” (даива), пахлавий ва кейинги давр форс тилида “*div*”, қадимги арман тилида “*dew*”, грузин тилида “*devi*”, пушту, белуж, курд тилларида “*dēw*” шаклида ифодаланган.

Дев образи айниқса Ҳиндуизм эътиқодида катта ўринга эга. Ведалардаги энг кўп олқишланган дев, девлар шоҳи - Индра бўлиб, у зардуштийлик матнларида Аҳримандан кейинги энг ёвуз куч деб таърифланади [Chris Ghan, 2014. 5-б.].

Дастлаб, Гаталарда девлар иблиссифат махлуқлар сифатида тасвирланмаган. Э. Бенвенисте таъкидлаганидек улар аслида кейинчалик воз кечилган, маздаясна таълимотидан қадимги дин илоҳларнинг алоҳида тоифаси ҳисобланган [Benveniste E., 1966, 167-б.]. Матнда нафақат зардуштийликдан олдинги даврда (*daixiiu-*; Y. 32.3, 46.1) балки, янги дин вужудга келаётган замонда ҳам аҳолининг катта қисми девларга иззат-икром кўрсатгани (Ясна.32.8); улар ҳаттоки маздаясна ижтимоий ва диний тизмининг бир қисмини ташкил қилгани ҳақида ишоралар мавжуд.

Карпанлар Заратуштра таълимоти душманлари ва мустабид ҳукмдорларнинг шериги сифатида халққа зулм қилувчи ёвуз қоҳинлар қиёфасида тасвирланган. Гарчи бу сатрлар илк зардуштийлик тарафдорларига яхшигина таниш бўлган девлар дини асослари ҳақида етарли бўлмаса-да, улардан бир қанча муҳим хулосаларни чиқариш мумкин.

Биринчидан, девлар “Гата”ларда Аҳура Мазда каби ҳамма жойда тилга олинмаса-да, мадҳиялар тўпламида бу илоҳий мавжудотлар ва уларнинг издошлари кўп учрайди. Яъни, энг муҳими девлар мавҳум номоддий мавжудот (абстрактной метафизической существо) ҳисобланмасдан, балким, кўпроқ одамлар дунёси ва табиатига кўра ўз ибодатчиларининг амаллари билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг ҳокимиятга эгаллиги, бироқ бу ҳукмронлик шафқатсиз ва адолатсиз бўлгани айтилади, бу ғоя оддий

одамлар устидан ҳокимиятни эгаллаб, зўравонлик маросимларини амалга оширган, айниқса қорамолларга зулм этган карпан қоҳинлари қиёфасида акс этган. Зўравонлик тушунчаси, хоҳ одамларга ёки ҳайвонларга қарши бўлсин, такрор ва такрор девлар тасвирида ифодаланган. Улар Заратуштра алқаган донишманд ва юксак маънавиятли худодлар – Аҳура Мазда ва унинг ёрдамчилари пантеонидан кескин фарқ қилади.

Иккинчидан, карпанларнинг қудрат (ваколатга эгалиги) билан боғлиқ; улар қайта-қайта кавилар ва бошқа мустабид-золим ҳукмдорлар билан бирга тилга олинади, бегуноҳ аҳолига нисбатан ноҳақ эътиқодларини юритиш ваколатига эга бўлган деб таърифланади.

Учинчидан, улар қурбонлик маросимларини бажариш мақсадида, йирик шохли чорвага қарши зўравонлик қилишган, гарчи, бу каби қурбонлик маросимлари хусусиятлари аниқланмаган бўлса-да.

Тўртинчидан, Заратуштра уларнинг қўлларидан олиб қўйишни хоҳлаган, оддий одамларга кулфат келтирадиган зарарли ичимлик билан боғлиқ; эҳтимол, у ҳаома ва Ведалардаги ўхшаши сифатида таърифланган сомага алоқодордир (шундай бўлган тақдирда ҳам, бу тўлиқ амалга ошмаган ислоҳот бўлиши керак, чунки ҳаома Авестанинг кейинги қисмларида, айниқса Ҳаом Яштда ижобий тасвирланган).

Ниҳоят, Гаталар таъкидланган ғоялар шундан далолат берадики у битилган даврда девларга муносабат қаттиқ қораланган. Зеро, Заратуштра Аҳура Мазда ахлоқий оламига қарши, ёвузлик деб билган барча нарсани айнан шу мавжудотлар тимсолида тасвирлаган. Аҳура Мазда ёрдамчилари сафига на девлардан ва на карпанлардан бирортаси танланган; аксинча, улар дунёда ва инсоният жамиятида ноҳақлик ва тартибсизлик тимсолига айланишган.

Ишончли маълумотлар ниҳоятда кам бўлса-да, бутунлай юқолиб кетган дин ва Заратуштранинг унга қарши таълимоти сабабларини фақатгина шундай салбий таърифлардан билиш имконияти билан чекланишга мажбурмиз.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авесто: Яшт китоби./М. Исҳоқов таржимаси. — Т.: «Шарқ», 2001 — 128 б.
2. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. — «Шарқ», 2001. — Т.: 384 б + 16 б. зарв.
3. Авеста: Избранные гимны; Из Видевдата/Пер. с авест., предисл., примеч. и словарь И. Стеблин-Каменского,- М.: Дружба народов; КРАМДС — Ахмед Ясови, 1992.— 207 с.
4. Авеста. Хордэ Авеста [Младшая Авеста] /Подготовка авестийского текста, перевод, предисловие, комментарий М. В. Чистякова. – СПб., 2005. – 384 с.
5. Авасто. Чилди I. Муҳарирони масъул: Назри Яздонӣ, Ҳурунисо Ализода. – Душанбе: «Бухоро», 2014. – 784 саҳ.
6. Пехлевийский словарь зороастрийских терминов, мифических персонажей и мифологических символов/ О.М. Чунакова; Ин-т востоковедения, С.-Петербург, фил. — М. : Вост. лит., 2004. — 286 с.
7. AVESTA. YASHTS. Translated by James Darmesteter/ From Sacred Books of the East, American Edition, 1898.
8. Avesta. YASHTS. Based on edition of Karl F. Geldner the Sacred Books of the Parsis, , Stuttgart, 1896.

9. KHORDEH AVESTĀ. TRANSLITERATED AND TRANSLATED INTO ENGLISH With Copious Explanatory Notes Prepared by Prof. Ervad MANECK FURDOONJI KANGA M.A. from the Gujarati original Khordeh-Avestā-Bā-Māyeni of Ervad KAVASJI EDULJI KANGA. Corrected edition 1381 A.Y. – 2013 A.C.

10. Benveniste Émile, Problèmes de linguistique générale, Paris : Gallimard, coll. «Bibliothèque des sciences humaines », 1966, p. 167.

11. Chris Ghan. Dr.Signe Cohen, Thesis Supervisor. “The daevas in Zoroastrian scripture”, Missouri-Columbia, 2014, p.86.

12. Herrenschildt Clarissa Kellens, Jean (1993), “Daiva”, Encyclopaedia Iranica, 6, Costa Mesa: Mazda, p. 599.

13. Herrenschildt Clarissa Kellens, Jean (1993), “*Daiva”, Encyclopaedia Iranica, 6, Costa Mesa: Mazda, pp. 599-602.

14. Shaked S., “Some Notes on Ahreman, the Evil Spirit, and his Creation,” Studies in Mysticism and Religion Presented to Gershom G. Scholem, Jerusalem, 1967, pp. 234.

15. West, ML. The Hymns of Zoroaster. London. Tauris and Co Ltd, 2010. Print. P.102.

IX–X АСРЛАРДА ТЕРМИЗДА ЗАРБ ҚИЛИНГАН ТАНГАЛАР

М.Нормўминов

ТерДУ, Термиз

Шимолий Тохаристоннинг таркибий қисми бўлган Термиз 671 йилдан араблар томонидан егаллана бошланган. Натижада бу ҳудудда халифалик тангалари ҳам тарқалади. Термизда қайд этилган илк ислом даври тангалари Эски Термиздаги Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси юқори қатламида топилган. Ғ.Алимов томонидан топилган бу хазина 247 дирҳамдан иборат бўлган. Тангалар халифалар Ҳишом (724-743), ас-Саффоҳ (749-754), ал-Мансур (754-755), ал-Маҳдий (775-785), ал-Ҳодий (785-786), Хорун ар-Рашид (786-809), ал-Амин (804-813), ал-Маъмун (813-833)лар даврида ал-Байда, Восит, Басра, Куфа, Рай, Муҳаммадийа, Мадинат ас-Салом, Заранж, Балх, Бухоро, Самарқанд, Шош, Марв, Ҳирот, Рафиқ каби шаҳарларда зарб қилинган. Илк Ислом даврининг иккинчи йирик тангалар хазинаси 1981 йилда Эски Термиздан топилган. 100 дирҳамдан иборат бўлган бу тангаларнинг аксарият қисми Балх ва Воситда, қолганлари эса Ҳур, Куфа, Кирмон, Мох, Мадинат ас-Салом, Муборак каби шаҳарларда зарб қилинган. Бу хазина таркибидаги энг қадимги тангалар ҳижрий 96, милодий 714-715 йиллар, қолган қисми ҳижрий 128, милодий 745-746 йилларда зарб этилган. [Ртвеладзе, 1987 С.129]. Демак, бу даврда, катта эҳтимол билан, араблар томонидан Термизда танга зарб қилиш ҳали йўлга қўйилмаган бўлган. VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX аср бошларидаги тангаларда Термиз номи пайдо бўлади ва XIII бошларига қадар шаҳарда зарбхона муттасил фаолият кўрсатган.

Абу Муслимнинг саркардаси Хозим ибн Хузайма 759-760 йилларда ал-Ҳасан ибн Ҳамрони Балхга ноиб этиб юборади [Гардизи, 1991.С.43]. Унинг томонидан Балхда 759-760 ва 762-763 йилларда, Термизда 759-760 йилларда фалс зарб этилади [Атаходжаев, 1998. С.15]. Термизни, 759-760 йиллардаги фалсларга қараганда, ал-Ҳасан мақоми қуйироқ бўлган ноиби

Иброҳим ибн Маҳанга берган [Настич,2000.С.106-107.]. Бу фалсларнинг ўзи Термизнинг маълум бўлган энг дастлабки мусулмон тангалари эди. Усмон ибн Аҳмад Сомоний (892-907) Тохаристонда маҳаллий сулола Банижўрий (Абудовудий) ларни ҳокимият тепасида қолдирди, Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида, 892-йилдан Термиз Абу Довуд Муҳаммад ибн Аҳмад тасарруфига ўтади. Довудийлар даврида Термизда дирҳамлар - кумуш тангалар зарб қилинади [Кочнев,Ртвеладзе.1999.С.53-56]. Абудовудийлар вақти вақти билан Термизда ҳам ҳукмронлик қилиб турадилар. 905-906, 911-913 йиллардаги Термиз дирҳамлари бундан далолат беради [Ртвеладзе,1989.С.95.]. Бу дирҳамларда Банижўрий (Абудовудий) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ва Исмоил (907-914) лардан иборат валинеъматлари эслатиб ўтилган. 915-916 йилларга оид Термиз фалсларида қандайдир Муҳаммад номи битилган. Э.В.Ртвеладзе уни Абудовудийлар сулоласига киритади [Ртвеладзе,1989 С.95]. Шундай бўлиши мумкинлигига шубҳа қилмаслик керак, чунки Муҳаммад исми кенг тарқалган ва 915-916 йилларда Термиз фалсида куняси келтирилмаган Муҳаммад номи Бухорода 914-917 йилларда, Самарқандда 915-916 йилларда, Бинкатда 918-919 йилларда зарб этилган фалсларга ҳам қўйилган. А.Х.Отахўжаевнинг ҳақиқатга яқин фикрига кўра, барча ҳолатларда битта шахс вазир Муҳаммад ибн Аҳмад Жайҳоний назарда тутилган [Атаходжаев,1998. С.68.].

Навбатдаги Термиз фалслари 957-958 йилларда Сомоний Абдулмалик ибн Нуҳ (954-961) ва унинг вассали Қуттегин номи билан зарб этилган. Гардизий ва Ибн ал-Асир маълумотларига кўра, Қуттегин (ёки Хуттегин) Нуҳ ибн Насир ҳамда Абдулмалик ибн Нуҳнинг таниқли амалдорларидан бўлиб, хазинадор вазифасини бажарган. Тангалардан маълум бўлишича, хизматлари туфайли унга Балх вилояти инъом этилиб сарафроз қилинган. Бу ерда 948-960 йилларда унинг номи билан дирҳамлар зарб этилган. Қуттегин номи Тохаристоннинг шимолидаги айрим ҳудудларга ҳам ёйилган [Кочнев, Ртвеладзе,1999. С.53-56]. Аммо бу нумизматик маълумотларни қўлёзма маълумотлар билан таққаслашда муоммолар пайдо бўлади. Гардизий берган хабарларга кўра, 952 йилда Сомоний Нуҳ ибн Наср Чағониённинг ҳукмдорлари-Мухтожийлардан бўлган Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммадни Чағониённинг сипоҳсолори этиб тайинлаган ва Термиз билан Чағониённи унинг ўғли Наср ибн Аҳмадга берган [Гардизи,1991. С.74]. В.В.Бартольд фикрича, Абу Али Чағониён ва Термизни ўз ўғлига “қолдирган” [Бартольд,1963. С.309.]. Термиз эса Насрга унча кўп вақт қарам бўлмаган. Сомоний Абдулмалик ибн Нуҳ бу шаҳарни Наср ибн Аҳмаддан тортиб олган, Қуттегинга берилган. 999 йилда Сомонийлар давлати давлати енигилиб Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўртасидаги тақсимот натижасида Чағониён Қорахонийларга, Термиз эса Ғазнавийлар измига ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гардизи. Зайн ал-Аҳбор. Пер. с перс. А.Е.Арендса. Ташкент.1991.
2. Атаходжаев А.Х. Центральноазиатские медные монеты VIII-IX в.в. Как исторический источник.// Автореферат на соискание уч.степ.канд.ист.наук. Самарканд.1998.
3. Настич В.Н. Новые данные о медной монетной чеканке в Средней Азии. Самарканд.2000.

4. Ртвеладзе Э.В. Денежное обращение в Северо-западном Тохаристане в раннем средневековье//. Городская культура Бактрии и Тохаристана и Согда.Т. “Фан”.1987.
5. Кочнев Б.Д., Ртвеладзе Э.В. Фелсы Термеза 346/957-958 гг. тюркского амира Куттегина.// Ўзбекистон тарихи. 1999, № 2.
6. Ртвеладзе Э.В. К истории Северного Тохаристана в IX начале XIII в.// Краеведение Сурхандарьи.Ташкент. “Ўзбекистан”.1989.
7. Бартольд.В.В Туркестан в эпоху монгольского нашествия //Соч.Т.1.М. “Наука”.1963.

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ШИШАСОЗЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***А.К.Тошбоев**
СамДУ, Самарқанд*

Ўзбекистон ҳудудида хунармандчилик соҳасининг барча турлари қатори шишасозлик ҳам юқори даражада тараққий этган ва ўзининг бетакрор санъат намуналари билан оламга машхур. Бунинг замирида аждодларимизнинг буюк яратувчанлик даҳоси акс этган. Хунармандчиликнинг юксак наъмуналари юртимизнинг Қашқадарё воҳасида С.К.Кабанов, А.С.Сагдуллаев, Р.Х.Сулаймонов, М.Х.Исомиддинов С.Б. Лунина, З.И.Усмонова, Г.Я.Дрисвянская, А.А.Раимқулов каби таниқли археолог олимлар томонидан ўрганилган. Бу ўрганишлар Қашқадарё воҳасининг Ўрта Осиё маданияти тарихида алоҳида ўрин тутишини кўрсатиб берди. Бизнинг давримизгача етиб келган воҳадаги қадимги маданият ўчоқлари харобаларидан жуда кўп ноёб, нафис ва мукамал ишланган шиша буюмлар намуналари йиғилган. Бу топилмалар маҳаллий хунармандчиликнинг бошқа соҳалари қаторида шишасозликнинг ҳам жуда юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Хунармандчиликнинг ёрқин намуналари Шулуқтепа шаҳар ёдгоолигида кўплаб ўрганилган. Бу ердан топилган идишлар асосан шиша кўзалар ва кўзачалардан, кружкасимон идишлардан, йирик графинлардан, косалардан, йирик ликобсимон идишлардан, тиббиёт идишларидан ва бошқа намуналардан иборат Айрим идишларнинг оғиз гардишлари конуссимон кўринишда бўлиб, улардан бирининг бўғзидан пастки қисми тарам-тарам гофрала кўринишда. Бу идишларнинг пастки қорин қисми сақланмаган бўлсада, уларни бошқа минтақалар ёдгорликларидан намуна олинган ҳолда қолбалар деб талқин қилиш мумкин. Узун бўйинли ва бўғзининг ташқи томони гофрала бўлган идишлар намуналари Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондларида сақланади (Аминджанова, 1961, с.250). Эрмитаж шишалари мажмуасидаги Ўрта Осиё шиша буюмлари ичида ҳам мана шундай гардишли графинлар бор (Аминджанова, 1965, с.156). Идишларнинг балдоқлари эса уларни кўзачаларга тегишли эканликларини кўрсатади ва бундай идишлар Самарқанд шиша буюмлари ичида ҳам мавжуд (Ташходжаев, 1977, с.100).

Идишлар ичида ташқи юзаси бўртма усулда нақшланган майда косметик идишчалар парчалари ҳам мавжуд. Мутахассисларнинг фикр-

ларига кўра, бу каби нақшларга эга идишлар махсус ёпиқ қолипларда кучли пуфлаш воситасида ясалганлар (Абдураззаков, Безбородов, Заднепровский, 1963, с.221). Косметик идишлар Афросиёбдан (Шишкина, 1986, , рис.1. 7-9) Самарқанд вилоятидаги Кумушкент (Алмазова, 1997, с.183-188) каби ёдгорликлардан кўплаб топилган.

Ўрта асрлар Мовароуннаҳрда симоб кўзачалар яшаш кенг расм бўлган ва бу ўлка ёдгорликларидан улар катта миқдорда топилган. Симобкўзачалар баъзан шишадан ҳам ясалганлар. Шулулуктепадан топилган кўк рангли шишадан ясалган қалин деворли буюм парчаси кўриниши жиҳатидан симобкўзачанинг остки қисмига жуда ҳам ўхшаб кетади. Шиша симобкўзачалар Ўрта Осиё, Кавказ, Волгабўйи шаҳарларида X-XIII асрлар давомида жуда кўплаб ишлаб чиқарилган (Джанполодян 1958, с.210-211). Шу турдаги идиш Самарқанд музейи фондида ҳам мавжуд (Аминджанова, 1961, с. 253).

Шулуктепадан ўрта асрлар даври тиббиётида кенг қўлланилган юпқа деворли, ёрқин кўк рангли аламбик парчаси ҳам топилган. Аламбик ўрта асрлар тиббиётида кенг қўлланилган (Wiedmann, 1913, p.252). Улар Яқин ва Ўрта Шарқда, Эронда (Lamm, 1935, p.15), Кавказда (Джанполодян, 1965, с.214-215) ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Бу каби идиш Самарқанд музейида ҳам мавжуд (Аминджанова, 1961, с. 252). Аламбиклар Афросиёбдан (Шишкина, 1986, рис.1, 13), Бухородан (Абдуллаев, 1981, с.53), Пойкентдан (Мухамеджанов, Адылов, Мирзаахмедов, Семенов, 1988, с.178; Мирзаахмедов, Семенов, 1984, с.37-38), Панжикентдан (Тереножкин, 1950, с.87-88), Тошкентдан (Мирзаахмедов, Ильясова, Адылов, 1999, с.237-245), Ахсикетдан (Папахристу, Ахраров, 1981, с.90) ва бошқа жуда кўплаб ўрта асрлар даври ёдгорликларидан топилган. Бу идишлар ҳам ўз навбатида ўрта асрларда Мовароуннаҳрда тиббиётнинг қанчалар юксак тараққий қилганлигини кўрсатувчи ашёвий далиллардир.

Таллисортепадан йирик графиннинг оғзи ва таги, каттакон стакансимон идиш парчаси ва қорни гофрала бўлган идишлар топилган. Бу идишларга ўхшаш шиша буюмлар ўрта асрлар даври Мовароуннаҳр шаҳарлари ва қишлоқлари харобаларидан, жумладан Афросиёбдан (Шишкина, 1986, , рис. 4.3, 13; 6. 7-8) кўплаб топилган .

Шулуктепа ва Таллисортепадан топилган шиша идишларнинг асосий қисми яшил, оч яшил, оч ҳаворанг, ҳаворанг, тўқ ҳаворанг, кўк, сарғиш ҳаворанг ва сарғиш яшил ранглардадир. Қашқадарё воҳасининг бир қатор ёдгорликларидан топилган юзлаб шиша идишлар парчалари ва шиша шлаклари воҳа шаҳарларида катта миқдорда ва ўнлаб турдаги юқори сифатли шиша буюмлар ишлаб чиқарилганлигини аниқ бўлсада, Жанубий Суғд шишасозлиги умуман ўрганилмаган. Юқорида келтирилган қиёсий таҳлиллардан маълум бўлишича, Жанубий Суғднинг шиша буюмлар ўзининг турлари билан Самарқанднинг ўрта асрлар даври шиша буюмларига жуда яқин туради.

Хулоса қилиб айтганда кўпгина ўтмиш ёдгорликлари харобаларидан шиша буюмларнинг топилиши воҳанинг турли анъанавий ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аминджанова М.Т. О некоторых стеклянных сосудах Мавераннахра. ИМКУ, вып.2, Ташкент, 1961.
2. Аминджанова М.Т. Среднеазиатские средневековые стекло в собрании Эрмитажа. ИМКУ, вып.6, Ташкент, 1965.
3. Ташхождаев Ш.С. Самаркандский жилой дом. ИМКУ, вып.13, Ташкент, 1977.
4. Абдураззаков А.А., Безбородов М.А., Заднепровский А.Ю. Стеклоделие
5. Средней Азии в древности и средневековье. Ташкент, 1963
6. Шишкина Г.В. Ремесленная продукция средневекового Согда. Ташкент, 1986.
7. Алмазова Н. Стекло Кумушкента. ИМКУ, вып 28, Ташкент, 1997.
8. Джанполодян Н.М. Сфероконические сосуды и з Двина и Оки. СА, 1958, №1.
9. Абдуллаев К. Стеклянные изделия X-XII вв. из Бухары. ИМКУ, вып.16, Ташкент, 1981
10. Мирзаахмедов Д.К., Ильясова С.Р., Адылов Ш.Т. Средневековое стекло и керамика Бинкета-Ташкента IX-XI вв. Раздел I. Стеклянные изделия. ИМКУ, вып 30, Ташкент, 1999.
11. Wiedmann E. Alembic. Encyclopedia of Islam. Leyden-London, 1913.

СУРХОН ВОҲАСИДА СУВ ТЕГИРМОНЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ ВА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

С.Х. Чориев
ТерДУ, Термиз

Қадимдан буғдой инсоният учун энг қадимги озиқ-овқат экини ҳисобланиб, ер шари аҳолисининг 70% буғдой унидан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилади. Буғдой унидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлар тўйимли ва мазали бўлишига қарамасдан, яхши ҳазм бўлади.

Ҳалқимиз қадим-қадимдан буғдойни ун қилишда тегирмон, тоби тош, кўл тегирмони ва шамол тегирмонидан фойдаланишган.

Сурхон воҳасида XIX аср охири - XX аср бошларида аҳолининг дон маҳсулотига бўлган талабини қондиришда сув тегирмонларининг аҳамияти катта бўлган. Манбаларда, XIX аср охири - XX аср бошларида Шерободда 128 та, Деновда 105 та, Бойсунда 66 та сув тегирмони мавжуд эди.¹

Сув тегирмони воҳада XX асрнинг 50-йилларигача оммавий суръатда ишлатиб келинди. Мазкур ҳолат ўтган асрнинг 60-йилларида текисликдаги қишлоқларда ўз аҳамиятини бироз йўқотган бўлсада, тоғ қишлоқларида дон маҳсулотларини ун қилишда, асосан, сув тегирмонидан фойдаланган.

Сув тегирмонининг энг муҳим қисми тегирмон тоши ҳисобланиб, уни тайёрлаш учун кўкимтир гранит тошлар туркумига кирувчи қаттиқ тошлар танлаб олинган. Танланган тош шундай хусусиятга эга бўлиши керакки, донни тортаётган вақтида ўзидан кум чиқармаслиги керак. Агар тегирмон тошидан кум чикса, бу биринчидан, уннинг ифлослишига сабаб бўлса, иккинчидан, ҳунарманднинг меҳнатининг зое кетказиши мумкин эди. Шу сабабли тегирмон тошини танлаш кишидан катта маҳорат талаб этган. Айрим ҳолатларда уста тайёрланаётган тошлар синиб ҳам кетган.

Сурхон воҳасида тегирмон тошлар Пошхурд-Зарабоғ ботиғидаги Шалқон ва Шержон қишлоқларида ясалган. Усталар қадим замонлардан

бери мазкур конлардан тегирмон тоши учун тош олганлар. Тош олиб келиш устадан катта муҳнат талаб қилган. Тошни чана шаклида отларга бойлаб, баъзан тешиб ёғоч ўтказган ҳолда тоғдан пастга олиб тушишган. Кейинчалик тош йўнувчи уста томонидан махсус устахоналарда унга ишлов берилган. Устахонада тегирмон тоши ясаш учун металл пона, полвонтош, чўқич, искана, турли болғачалар ва болғачалар каби асбоблар ишлатилган.

Тегирмон тоши турли қалинликларда тайёрланган. Унинг қалинлиги 15 см дан - 30 см гача; диаметри 0,80 – 0,90 м дан 1,20 метргача бўлган. Усталар буюртмага қараб турли ўлчамда тош йўнганлар.² Тоғли жойларда булоқ сувларига мослаб қалинлиги 15 см, диаметри 0,80- 0,90 метр кичик тегирмон тошлари, катта ариқларга эса 20 - 30 см, диаметри 1,20 метр катта тегирмон тошлари ясалган.

Қўпол тошларни тегирмон тошига айлантириш устадан катта ва оғир меҳнатни талаб этган, чунки меҳнатнинг барчаси қўлда бажарилган. Сув тегирмони, одатда, 2 та тошдан: остки ва устки тошлардан иборат бўлиб, остки тош катта ва қалинроқ, устки тош эса кичик ва енгилроқ бўлган. Ҳар иккала тошдан тешик очилади, устки тош тешигидан дон тўкилади, таксангдан (остки тош Зарабоғда шундай аталади) ўқ ўтказилади. Ўқ металлдан маҳаллий усталар томонидан ясалади. Ўқ пастки тош тешигидан ўтказилиб, устки тошга ўрнатилган бақамга маҳкамланади³ (Зарабоғда дастлабки тошга ўрнатилган металл бақам дейилади). Ўқнинг куйи қисмида новдан сув оқадиган жойга мослаб паррак ўрнатилади. Парраklar асосан қаттиқ ва тез чиримайдиган ёғочлардан ясалган (масалан, тут). Парраklar оқаётган сувнинг зарби ҳисобга олинган ҳолда ясалган. Чунки паррак катта, сув зарби кучсиз бўлса, айланмай қолган, паррак кичик, сув зарби кучли бўлса, титилиб кетган.

Тегирмон жиҳозлари тайёр бўлгач унинг учун жой танланган. Тегирмон иморати сув тушадиган новга нисбатан 3-4 метр паст ерда қурилган. Тегирмон нови қанча баланд ерга қурилса, паррак шунча тез айланган ва урни сифатли чиқарган. Нов асосан тут ёғочидан ясалган, 6-7 метр узунликда қилинган.⁴ Нов қилиш учун тут ёғочи олиниб, унинг ичи тешада ковланиб тарнов шаклига келтирилган. Нов ёғоч қозиқ ҳамда ипак ва жундан тўқилган арқонда ерга маҳкамланган. Нов айрим жойларда 3-4 метр, айрим жойларда эса 5-6 метр баландликда қурилган. Новдан катта тезликда оқиб тушаётган сув чархга бориб урилган. Чарх асосан тол ёғочдан ясалган. Чархга парракчалар бириктирилган. Чархнинг ўзи (тегирмон тагида) отаёғочга (катта узун ёғочга) ўқ ёрдамида маҳкамланган. Ўқда чархнинг айланиши учун унга болтга ўхшаш ёғоч қоқилиб, ок мой суртишган. Ана шунда чарх ўқда бир текис айланган. Чархнинг айлана қисми бешқозон деб аталган. Отаёғочнинг иккинчи учидан яна битта отаёғочни кўтариб- тушириб турувчи ёғоч қозиқ маҳкамланган. Уннинг қанақа чиқиши кўпроқ ана шу иккинчи катта қозиққа (кўтаргич-туширгич) боғлиқ бўлган. Чунки қозиқни бурагач отаёғоч кўтарилиши билан бирга чарх ҳам кўтарилган.

Демак, новдан оқиб тушаётган сув чархни ҳаракатга келтирган. Тепадан тушган сув пастда бошқа ариққа оқизиб турилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Чархнинг тепасига кийгизилган иккита тош бир-

бирига ўқ ёрдамида устма-уст кийгизилган. Устки тош айланган, пастки тош айланмаган. Буғдой солинадиган жиҳоз дўл деб аталган. Дўл ҳам ёғочдан ясалиб, пирамида шаклида қурилган. Дўл тегирмон тошидан юқорига ёғочлар ёрдамида маҳкамланган. Дўлдан тушган буғдой чанокқа борган. Чанок ҳам ёғочдан ясалган, у арқон ёрдамида дўлни ушлаб турувчи ёғочга боғланган. Чанокда ипга боғланган чақчақа бўлган. Чақчақа чанокни қимирлатиб, буғдойнинг бир маромда тушиб туришини таъминлаган. Бир маромда тушаётган буғдой тегирмон тошининг ўртасидаги тешикка тушган,. Майдаланган буғдой, ун бўлиб тош орасидан чикаверган. Ун охурга тушган. Охур ёғочдан катта ва мустаҳкам қилиб қурилган.

Сув тегирмонига эҳтиёж туфайли уни қурадиган, тегирмон тоши ясайдиган маҳсус ҳунармандлар сулолалари ҳам етишиб чиққан. Тегирмон тошлари тоғ қишлоқларида ясалган. Маълумотларга кўра Зарабоғлик уста Бобоёр, уста Усмон, уста Дониёр тегирмон тошни яшаш ва уни қуриш билан шуғулланиб келган ҳунармандлар авлодидан ҳисобланади.⁵

Қишлоқ аҳолиси буғдойни ун қилиш учун, асосан, тегирмонга боришган, зарур пайтларда, яъни ун тугаб қолган, тегирмонга буғдойни олиб борувчи улов (транспорт) бўлмаган вақтларда уй шароитида ёрғичоқ ва кели ёрдамида ҳам ун қилинган.

Ёрғичоқ диаметри 40-45 см, қалинлиги 6-7 см ли икки тошдан иборат асбоб. Икки тошни боғлаб турувчи ўқ ўтказилган. Ёрғичоқда ҳам устки тош айланган. Устки тошни айлантириш учун тешиб унга узун таёқ маҳкамланган. Таёқ силтанмаслиги учун икки томондан арқон билан боғланган. Ёрғичоқда кўпроқ эркаклар ишлашган. Айлантирилиб, тешигига қўлда дон ташланган.

Қишлоқ аҳли шоли ва дон маҳсулотлари учун келидан ҳам фойдаланган. Кели асосан ёғочдан ясалган. Толнинг ярим метр узунликдаги ёғочининг ичи яхшилаб ковак қилинган. Ёғочнинг коваги диаметри баланддан пастгача қисқариб борган. Донни тўкиш учун косов ҳам қилинган. Шоли донини келига солиб косовда туйишган, шунда дон пўстидан ажралган.

Хулоса қиладиган бўлсак, сув тегирмони ишлаш анъанаси оддий бўлса-да, унинг ун тортиш сифати ҳозирда ҳам юқори баҳоланмоқда. Чунки, сув тегирмонида тортилган буғдойнинг уни қизимайди, куймайди. Тегирмонда тортилган ундан қилинган нон ширин ва ўзоқ вақт қотмай туради. Бугунги кунда ун ишлаб чиқаришда замонавий техника ва электр энержиясидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилганлиги мунасабати билан сув тегирмонидан фойдаланиш анча камайган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Материалы по Узбекистана. Вып.1.- Самарканд. 1926.-С.153-157.
2. Қобиров Э Сурхон воҳаси хўжалиги - Тошкент “Академикнашр”2012. 275 бет.
3. Дала ёзувлари. Шеробод тумани Зарабоғ қишлоғи , 1999 йил.
4. Дала ёзувлари. Термиз тумани Саловат қишлоғи, 2000 йил.
5. Дала ёзувлари. Шеробод тумани Зарабоғ қишлоғи , 1999 йил.

БУХОРО-ҚЎҚОН МУНОСАБАТЛАРИДА ЖИЗЗАХ МАСАЛАСИ

У.С.Тўпчиев
ЖДПИ, Жиззах

Халқимизда бир нақл бор, яъни Ватан остонадан, инсон туғилиб ўсган, киндик қони томган хонадондан, тупроқдан бошланади дейишади. Дарҳақиқат, инсоннинг қалби, орзу-умидлари, қувонч ва ташвишлари, келажак она-Ватани билан боғлиқ кечади. Шу сабабли, она-Ватанга меҳр-мухаббат ва садоқатли бўлиш, унинг ҳар ҳовуч тупроғини тўтиёдек кўзга суртиш, унга нисбатан бир умр фарзнадлик ҳисси билан яшаш, эъзозлаш ҳар бир киши учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Бизнинг борлигимиз, тилимиз ва тафаккуримиз, маданий-этник қиёфамиз, удм ва анъаналаримиз, миллий туйғуларимиз-буларнинг барчаси Ўзбекистон дея аталмиш муқаддас Ватанимиз, унинг қадимий воҳаларидан бири бўлган Жиззах номи билан муштарак. Чунки, қадимий ва навқирон Жиззах воҳаси ҳам Ўзбекистоннинг ота-боболаримиз яшаган, киндик қони тўкилган, келажак авлодларга бахт ва саодат бера олган муқаддас замин ҳисобланади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Жиззах икки минг йилдан кўпроқ тарихга ва гўзал табиатга эга бўлган қадимий маскан... Ўзбек халқининг кўп-кўп асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салоҳиятига салоҳият қўшган, тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган” [Каримов И.А. 2000, 193-бет].

Давлатимизнинг амалдаги Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам бу борада тўхталиб: “Бу ҳудуддаги Уструшона, Пешағор каби тарихий жойлар, Такалсой қоятошларига ишланган расмлар, Бахмал, Ғаллаорол ва Жиззах туманларидаги кўплаб ер ости йўллари, кўхна Будда ибодатхонаси, Новқа, Саъд ибн Ваққос, Сайфин ота каби зиёратгоҳлар, Қуёш тақвими, Қоратош, Қўнғиртепа сингари археологик ёдгорликлар, Соҳибқирон бобомиз номи билан аталган “Амир Темур дарвозаси” – буларнинг ҳаммаси Жиззах воҳасининг қадимий цивилизация ва маданият бешикларидан бири бўлиб келганини кўрсатади” [Мирзиёев Ш.М. 2015, 345-346 бетлар].

Дарҳақиқат, Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи Буюк Ипак йўли устидаги чорраҳада, қулай географик ҳудуд ва муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Жиззах ўтмишда қадимги форс подшоҳлари аҳамонийлар, юнон-македонлар, араблар, мўғуллар, шайбонийлар, кейинчалик Бухоро ва Қўқон хонликлари ҳамда Россия империяси барча-барчасининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Айниқса бу жараён Ўрта Осиё хонликлари даврида, яъни Бухоро ва Қўқон хонлиги ўртасида авж олган ва Жиззах учун икки хонлик ўртасида доимо тортишувлар бўлиб турган.

Тарихдан бизга маълумки, 1503 йилда Шайбонийхон катта қўшин билан Тошкентга юриш бошлайди ва Тошкент хони Маҳмудхон, Бобур ва қалмоқларнинг бирлашган қўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйида тор-мор қилинади. Шу тариқа, Жиззах Муҳаммад Шайбонийхон томонидан эгалланади ва Шайбонийлар давлати тасарруфига ўтади [Ширинов Т.Ш, Пасилов Б. 2009, 71-бет; Хайдаров Х. 1996, 42-бет].

XVII аср бошларида Мовароуннаҳрда ҳокимият тепасига келган аштархонийлар сулоласи учун ҳам Ўратепа, Зомин, Жиззах ҳудудлари стратегик аҳамиятга эга бўлган жойлардан бири ҳисобланган. Агар шундай бўлмаганида, аштархоний ҳукмдор Нодир Муҳаммадхоннинг ўғли Абдулазизхон (1645-1681) ўзини Бухоро хони деб эълон қилиниши ва тож кийдирилиш маросимини Ўратепанинг Сарой даҳасида ўтказмаган бўлар эди [“Жиззах овози”. 2000, 15 апрел].

XVIII аср бошларида Бухоро хонлиги ички курашлар, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви натижасида иккига бўлиниб кетди. 1709 йилда Қўқон атрофида яшаб турган ўзбек қабилаларидан бири-минглар Фарғона водийсида ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, қабила етакчиси Шохрухбийни ҳокимият тепасига кўтардилар. Шу тариқа, 1710 йилда Қўқон хонлиги ташкил топди. Узоқ йиллар давомида Зомин Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд учун Бухоро ва Қўқон ҳукмдорлари ўртасида қирғинбарот урушлар бўлиб турди. Мазкур ҳудудлар икки хонлик ўртасида уруш майдонига айланиб, қўлдан қўлга ўтиб турган [Ширинов Т.Ш, Пасилов Б. 2009, 74-бет].

Абдурахимбий (1721-1733) даврида Хўжанд, Ўратепа, Зомин ва Жиззах Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган. Қўқон хонлари Хўжанд, Ўратепа, Зомин ва Жиззахга ҳокимлар тайинлашган. Хусусан, Норбўтабий (1798-1810) даврида Жиззахга Фозилбий ҳоким этиб тайинланади ва у ҳудудни Бухоро хонлиги ҳужумларидан ҳимоялаш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширади. Фозилбий Жиззахда туриб, жиззахлик, зоминлик кучли, жасур ва мерган йигитларни тўплаб, аскарлар сонини кўпайтирди. Жиззах ва Зомин қалъаларининг атрофидаги деворларни таъмирлаш, бузилган жойларини қайта тиклаш ишларини олиб борган [Ширинов Т.Ш, Пасилов Б. 2009, 74-бет].

Фозилбий ва унинг ўғиллари Худоёрбий, Бобобийлар даврида Ўратепа, Зомин, Жиззах ҳудуди анча кенгайди. Шарқий томондан Хожабоқирғонсой, Нов, Хўжанд, Конибодомнинг Махрамигача, шимоли-шарқ томонидан Сирдарё, Бекобод, Ховосни ўз ичига олиб, шимолда Тошкент билан, ғарбдан Самарқанд билан чегарадош бўлиб, Жиззах, Ём, Пишоғор, Зомин каби шаҳарларни ўз ичига олган.

Бухоро амирларидан Шохмурод, Хайдар ва Насруллолар даврида Жиззах Бухоро амирлиги тасарруфда бўлган. Лекин, вақти вақти билан Қўқон хонлари ҳам Хўжанд, Ўратепа, Зомин ва Жиззах ҳудудлари учун Бухоро амирлигига қарши босқинчилик юришларини амалга ошириб турган. Чунки, бу ҳудудлар Қўқон хонлигига нисбатан ғарбдан Бухоро амирлиги томонидан солинадиган хавф йўлидаги тўсиқ сифатида ҳамда иқтисодий жиҳатдан муҳим стратегик аҳамиятга эга эди.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи Буюк Ипак йўли устидаги чорраҳада жойлашган, қулай географик ҳудуд ва муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Жиззах ўтмишда аҳамонийлар, юнон-македонлар, ўрта асрлар ва кейинги даврларда араблар, мўғуллар, шайбонийлар, Бухоро ва Қўқон хонликлари ҳамда Россия империяси каби давлат ва ҳукмдорларнинг турли мақсадларда барча-барчасининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Ўтмишда кичик қалъа шаҳарча бўлган, мустақиллигимиз шарофати билан ижтимоий-иқтисодий соҳалари, саноати тараққий этган, халқ

таълими ва маданияти ривожланаётган Жиззах тарихини бугунги кунда ҳар томонлама чуқурроқ ўрганиш имконияти ва зарурати туғилди. Кўрилган ушбу мавзу ҳам Жиззах воҳаси тарихининг ажралмас бир қисмини ташкил этади ва унинг ўтмишини ёритишда муҳим ҳисса бўлиб қўшилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 8-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2017 й.
3. Жиззах тарихи. Масъул муҳаррирлар: Ширинов Т.Ш, Пасилов Б. “Ўқитувчи”, Тошкент, 2009 й.
4. “Жиззах овози” газетаси, 2000 йил, 15 апрел сони.
5. Хайдаров Ҳ. Жиззах вилояти тарихи. “Меҳнат”, Жиззах, 1996 й.

ҲЕРМАН ВАМБЕРИНИНГ “БУХОРО ЁҲУД МОВАРОУННАҲР ТАРИХИ” АСАРИДА АМИР ТЕМУР ТАЛҚИНИ

***Р.М.Қаршиев**
НавДПИ, Навоий*

Бизнинг Ватанимиз буюк алломалар, қаламининг кучи тошни йиғлатган шоирлар, тафаккур қудратлари туфайли бу юрт шухратини оламга ёйган донишманд даҳолар, буюк саркарда ва давлат арбоблари юртидир.

Улуғ аждодларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган муносиб ҳиссаси, уларнинг келгуси авлодларга қолдирган моддий ва маънавий меросларининг ҳозирги ва келажак авлодга фойдаси, аҳамияти ҳақида гап кетар экан, Биринчи Президентимизнинг “Бу эса, нафақат бугунги, айти пайтда эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар,” [Каримов, 2008 йил, 50 бет]– деган сўзларининг нақадар муҳимлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шўролар империясининг мустақиллик сиёсати исқанжасидан кутилиб, мустақиллик йўлидан дадил одимлаётган давлатимиз тарихида муносиб из қолдирган аждодларимиз, тарихий шахслар, сулолалар, шу заминда шаклланиб бутун жаҳонга донг таратаётган давлатлар ва салтанатлар тарихини ўрганиш ва тарғиб қилиш - тарих фанининг энг долзарб масалаларидан биридир.

Тарихимиздаги ана шундай ёрқин сиймолардан бири - буюк Амир Темурдир. Бугунги кунда мамлакатимизда тарихчи олимлар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида Амир Темур шахси, у тузган марказлашган қудратли феодал давлат, унинг ички ва ташқи сиёсати, фан, маданияти, соҳибқироннинг халоскорлик юришлари хуллас, улуғ аждодимизнинг серқирра ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихимизнинг энг ёрқин ва бой саҳифаларидандир. Биринчи Президентимиз И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қайд этганидек “Шу ўринда, буюк боболаримизнингмаънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму-шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу буюк сиймо қудратли салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маданият ривожига кенг йўл очди”[Каримов, 2008 йил, 44-45 бет].

Ҳақиқатдан ҳам, улуғ аждодимиз ўрта асрларда Европада сиёсий тарқоқлик авж олган, марказлашиш учун кураш қизғин бўлган бир шароитда қудратли давлат барпо қилганлиги, бу давлат уч қитъада Европа, Осиё, Африка ҳудудларидаги 27 мамлакатни ўз ичига олганлиги ўша давр учун ғоят ўлкан тарихий воқеа эди.

Амир Темур инсоният тарихида чуқур из қолдирган шахс ва буюк давлат арбобидир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида бу зоти олийга алоҳида эътибор берилди. “Комил бу инсоннинг, энг аввало буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди”. [Каримов, 1998 й, 15-бет.].

Мустамлакачилик даври тарихий асарларида бизнинг ўтмишимиз сохталаштирилди, нотўғри талқин қилинди. Чунки “Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган” [Каримов, 1998 й, 9-бет.] Демак, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ҳақида холисона фикр билдирган муаллифларнинг асарларини таҳлил этиш ва ўрганиш улуғ аждодларимизнинг тарихини сохталаштирувчиларга зарба беради, ҳақиқатни тиклашга хизмат қилади. Буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўлига, уларнинг ижодига ва тарихий меросимизга хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш кучайиб бормоқда.

“...Дунёнинг турли мамлакатларида уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида эълон қилинаётган илмий ва бадиий асарлар, улуғ аждодларимиз хотирасига барпо этилаётган ёдгорликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шулар каторида Литвада Мирзо Улуғбекка ўрнатилган муҳташам ҳайкалларни эслаш жоиз.” [Каримов, 2008 йил, 48-бет].

Ҳ.Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарини ўрганиш хориждаги холис тадқиқотчиларнинг бизнинг аждодларимизга, давлатчилигимизга бўлган одилона ва ҳаққоний муносабатларини кўрсатиш, Амир Темурга ўхшаш улуғ аждодларимизнинг фаолиятига берилган хилма-хил баҳоларини таққослаш, собиқ шўро мафкураси талаблари асосида ёзилган баъзи асарларнинг нақадар нохолислигини, ёлғонлигини исботлашга хизмат қилади. Шўро тузуми даврида айрим тарихчи ва уларнинг асарлари нотўғри чизгилар оркали мустабид тузум мафкураси, манфаатлари учун янгитдан ҳақиқатга зид равишда яратилди. Херман Вамбери Ўрта Осиё мамлакатларига саёҳат қилиб бир канча маълумотларни тўплайди, ўша даврдаги хонликлар тузуми ва мамлакатимиз тарихи ҳақида ниҳоятда бой ва қимматли холисона

тарихий фактлар орқали ўзининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарини яратиб, унда марказий Осиёдаги араб босқинидан хонликлар тузумигача бўлган даврни илмий далилларга таяниб яратади.

Ҳ.Вамберининг асари яна бир тарихий ҳақиқатни исботлайди, у асарда “Темурни Чингизла бир каторга қўйган кишиларнинг фикри икки карра хатодир”² деган фикрни қайта-қайта такрорлайди. Яъни Амир Темур шахси ва унинг фаолияти ҳамма даврларда ҳам тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган, ҳар бир даврда олимлар, давлат арбоблари бу улў сиймо ҳақида ўзларининг ижобий фикрларини баён қилганлар, у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдирганлар.

Ҳ.Вамбери Амир Темурнинг амалга оширган бунёдкорлик ишларини, қўлга киритган муваффақиятларини қўйидагича ўз асарида баён этган. “Амир Темур ҳар бир муваффақиятини, ҳар бир севинчли воқеани бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлашга аҳд қилди. Шу мақсадда Ҳиндистоннинг юзларча моҳир ғишт терувчиларини, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур усталарини Мовароуннаҳрга келтирди, улар гўзал иморатлар қурдилар” [Ҳерман Вамбери, 1990 й, 52-бет.].

Шунингдек, Ҳ.Вамбери Темур саройида ўз асарлари билан ҳаммани ҳайратга солган рассомлар, қурувчилар, меъморлар, хунарманд косиблар ва бошқа санъат аҳлининг ижод қилганлигини ўз асарида баён этади.

“Темур гарчи ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида бинолар қуришга амр этса-да, масалан Табризда масжид, Шерозда сарой, Боғдодда мадраса, ҳазрат Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устида мақбара бино қилдирса-да, лекин ўзининг буюк саховат ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий асарларни қурдиришда кўрсатди” [Ҳерман Вамбери, 1990 й, 53-бет.].

Ҳ.Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида Амир Темурнинг ўта мураккаб, шунингдек, зиддиятли, аммо сермазмун ҳаёт йўлини, унинг тузган буюк марказлашган давлати, ундаги бошқарув тизими, хўжалик, маданий, дипломатик муносабатлар батафсил ёритилган бўлиб, ушбу масалаларни янги давр талабларидан келиб чиқиб, янгича ёндашув, қарашлар асосида ўрганиш ва илмий хулосалар бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

“Умуман, Темур давлатининг қудратли даврида мадрасалар таъсис этилди, улар хайр-саховат туфайли кенг миқёсда тараққий этди; ҳозирги кунда ҳам Бухорони зиёрат қилган кишилар бу осори - атиқаларга ҳайрон қоладилар. Темур бу ишнинг ташаббускори бўлгани учун унинг хонадони аъзолари, вазирлари ҳам мамлакатнинг бойлари - барча яхшилар мадрасаю-масжидлар, қироатхоналар, касалхоналар таъсис этиш ҳамда уларга эҳсон беришда ўзаро мусобақа ўйнашган. Бинобарин, Ўрта Осиёнинг маънавий тараққиёти, билвосита бўлмаса-да, ҳар ҳолда, Амир Темур хизмати ва ҳимматига чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди”¹.

Амир Темур тузган марказлашган буюк давлат, темурийлар давридаги давлатчилик аънаналари, унинг илғор ва ибратли жиҳатлари ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда, улардан ўрганиш, таҳлил қилиш, таъбир жоиз бўлса, улардан зарур хулосалар ва сабоқлар чиқариш учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ана шуларни

ҳисобга олган ҳолда Амир Темур ва темурийлар даври манбашунослиги ва тарихшунослигини ўрганиш муҳим сиёсий, тарихий ва амалий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.Юксак маънавият – енгилмас куч. Т, “Маънавият”, 2008 йил, 50 б.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т, “Шарқ”, 1998 й,15-б.
3. Ҳерман Вамбери.Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т, “Ғ.Ғулом”,1990 й, 52-б.

ЖИЗЗАХ УЕЗДИДА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ф.Ф.Содиқов

ЎЗР ФА Тарих институти, Тошкент

Октябрь давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятни қўлга олган болшевиклар томонидан Туркистондаги давлат бошқарув тизими советча андозага ўтказилди.

Маҳаллий советларнинг ташкилий тузилмаси ва фаолиятининг ягона ҳуқуқий асослари Туркистон Автоном Совет Социалистик Республика(ТАССР)сининг 1918 йил 15 октябрда қабул қилган Конституцияда[*Рудницкая,1964. С.88;*] ўз аксини топди. Унга кўра маҳаллий ҳокимият, вилоят, уезд ва волость ҳудудида советларнинг съездига, шаҳар, қишлоқ, шаҳар типдаги қишлоқлар, овуллар ҳудудида шу жойлар ишчи, солдат, деҳқон депутатлари советларига ва сайловчиларнинг бевосита умумий йиғилишига тегишли эди.

Жиззах уезди ТАССРнинг Самарқанд вилояти таркибига кирган бўлиб, майдони жиҳатдан уездлар ўртасида энг каттаси эди. 1921 йилги маълумотга кўра, унинг майдони 26 минг квадрат верст(1 верст-1066,8 метр)ни ташкил қилган[2]. 1918 йилда Жиззахда уезд ва шаҳар ижроия қўмиталари тузилган эди.

Туркистонда совет ғоялари ва давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлаш учун 1919 йилнинг баҳор ва ёз ойларидан бошлаб маҳаллий бошқарув органларида инқилобий қўмиталар тузила бошланди[*Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) К.1 Ўзбекистон 1917-1939 йилларда,2019. 243 б*]. Инқилобий қўмиталарнинг ҳуқуқий асоси 1920 йил 5 февралда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси(ТуркистонМИК)нинг 201-сонли “Вилоят инқилобий қўмиталари тўғрисидаги муваққат Низом”ида мустаҳкамланди[4]. Унга кўра Туркистонни маъмурий жиҳатдан марказлаштириш мақсадида Сирдарёё, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти ва Еттисув вилоятларида инқилобий қўмиталар тузилди. Мазкур Низомга кўра, уларнинг асосий вазифаси советлар ва ижроия қўмиталари ўртасидаги ўзаро алоқаларни тўғри йўлга қўйиш, ҳамда вилоят ижроия қўмиталарига сайловлар ўтказиш учун вилоят советлари съездларини йиғишга тайёргарлик кўришдан иборат бўлган.

Самарқанд вилояти инқилобий қўмитасининг 1920 йил 2 мартдаги 16-сонли буйруғи билан мазкур вилоятнинг Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах ва Хўжанд уезд ва шаҳар ижроия қўмиталари тугатилади ва уларнинг ўрнига 3 кишидан иборат уезд-шаҳар инқилобий қўмиталари шакллантирилади. Юқоридаги буйруғга кўра Жиззах уезд-шаҳар инқилобий қўмитаси Хаитов раислигида тузилган эди[5]. Кейинчалик Самарқанд вилояти инқилобий қўмитасининг 1920 йил 8 мартдаги 17 – сонли буйруғи билан 16 – сонли буйруқ бекор қилинади ва Жиззах уезд-шаҳар инқилобий қўмитаси Комил Журабоев(раис), Муротхон Файзулин(раис ўртоғи) ва Вялков(котиб) таркибида тузилади[6]. 1920 йилнинг кузига келиб, Самарқанд вилояти уездлари ва волостларида инқилобий қўмиталар тугатилиб, яна ижроия қўмиталар сайланади.

Болшевиклар томонидан Туркистонда олиб борилган нотўғри ижтимоий-иқтисодий сиёсат натижасида, бу ерда яшаган халқлар катта жабр кўради. Шу жумладан Жиззах уездида ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳолат оғир бўлган. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, Туркистонда бошланган очарчилик Жиззах уездининг 70 фоиз аҳолисининг очликдан қирилиб кетишига сабаб бўлган[7].

Уезд билан волостлар ўртасида ўзаро алоқалар яхши йўлга қўйилмаган, айниқса, уезддан қишлоқ ва овуллар ажралиб қолган, юқори турувчи бошқарув органларининг қарор, фармойиш, декрет ва буйруқлари уларгача етиб бориши жуда қийин бўлган. Нафақат уездда, балки волость ва қишлоқ советларида кадрлар етишмовчилиги масаласи асосий муаммолардан бири эди. Юқоридаги мулоҳазаларнинг исботи сифатида, Жиззах уезд-шаҳар ижроия қўмитаси раиси Миржамоловнинг 1920 йил 17 декабрда Самарқанд вилояти уезд-шаҳар ижроия қўмитаси раислари съездида қилган докладини келтириш мумкин. Мазкур докладда уездда озиқ-овқат масаласи энди йўлга қўйилаётганлиги, жумладан, 6 та волостда озиқ-овқат разверсткаси 60% га бажарилганлиги, 4 та волостда биринчи даражали энг асосий маҳсулотлар етказилганлигини айтади. Шунингдек, уезд таълим бўлимининг фаолияти охирги пайтларда жонланганлиги, унда техник кадрлар етишмаслиги, режа асосида иш олиб борилмаганлигини таъкидлаб, уездда 18 та, шаҳарда эса 4 та мактаб, 2 та болалар уйлари ва 2 та интернат борлигини маълум қилади[8].

1923 йил 29 сентябр ҳолатида Жиззах уезди 19 волостдан ташкил топган эди. Булар Янгикўрғон, Ўсмакқатортол, Сангзор, Қуйруқ, Хўжамукур, Накрут, Зомин, Ём, Работ, Қоратош, Ўзбек, Боғдон, Фориш, Сентоб, Кўктепа, Чордара, Отақўрғон, Қизилқум, Қўрғонтепа[9].

Хуллас, Жиззах уездида 1918 йилда ижроия қўмиталари, 1920 йилда инқилобий қўмиталар ташкил топади. Бу вақтда, уездда ижтимоий-иқтисодий соҳада қўплаб муаммолар мавжуд эди.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Рудницкая Д. Из истории строительства советов в Туркестане. (1917-1920 гг.) – Т.: Наука, 1964. – 102 с.
2. Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 311-иш, 96-варақ
3. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) К.1 Ўзбекистон 1917-1939 йилларда/масъул муҳаррирлар Р. Абдуллаев., М. Раҳимов., Қ. Ражабов. – Т.: O`zbekiston

НМИУ, 2019. – 560 б.

4. Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 210-иш, 285-варақ
5. Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 681-иш, 358-варақ
6. Ўзбекистон МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 314-иш, 12-варақ
7. Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 85-варақ
8. Ўзбекистон МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 314-иш, 101-варақ
9. Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 318-иш, 15-варақ

“БУХОРО АХБОРИ” ВА “ОЗОД БУХОРО” ГАЗЕТАЛАРИ- БАНК, БИРЖА, БОЖХОНА ТИЗИМЛАРИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

***К.Раҳмонов**
БухДУ, Бухоро*

Бухоро Халқ Совет Республикаси матбуот органи бўлган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг 1922-1924 йилларда чоп этилган ўнлаб сонлари материаллари ушбу ҳукумат иқтисодий тизимида ўзига хос рол ўйнаган банк, биржа, божхона хизмати билан боғлиқ масалалар тарихини ёритишда муҳим манбадир. БХСРда банк ва банк тизимини яратишга 1921 йил бошларидан киришилган. Бу муаммо билан боғлиқ газета маълумотларида банкларнинг Марказий халқ банки, давлат савдо банки, деҳқонларга қарз бериш банклари, хорижий республикалар (Туркистон АССР, РСФСР) банкларининг шўъбалари очилганлиги ва уларнинг фаолияти баён қилинади[1]. «Бухоро ахбори»да 1921 йилда мамлакат банки ташкил этилиб, банкнинг асоси 3 млн. тилла эканлиги қайд қилинган[Мамлакат банки.// Бухоро ахбори. 92—сон. 1922 йил 25 июл]

БХСР матбуотида улгуржи ва кўтара савдони ривожлантириш мақсадида савдо биржасини очиш масалалари ҳамда уларнинг фаолияти ёритиб борилган[2]. “Бухоро ахбори” нинг 1923 йил 18 феврал сонидан 12 февралдан эътиборан Файзулла Хўжа номидаги театр биносида ҳар куни 13.00 дан 14.00 гача савдо муомалалари бўлиб ўтиши, катта даллол лавозимига Шоҳхўжа Азизхўжаев тайинланганлиги 22 нафар даллол у билан бирга ишлаши ҳақида маълумот берилган[Бухорода савдо биржасининг очилиши. // Бухоро ахбори. 135-сон 1923 йил 18 феврал.].

Ҳукумат биржалар сармоясини кенгайтириб, унинг қошида мол шўъбаси очиш, ички савдо ишларини йўлга қўйиш, бу масалада Савдо-саноат назорати ҳузурида хусусий комиссия тузиш тадбирларини кун тартибига қўйган[Биржани кенгайтириш. //Озод Бухоро 40-сон. 1923 йил 16 январ.].

1924 йилнинг 13 апрелидан 20 апрелига қадар биржада 111.745 сўм 99 тийин миқдоридан 33 та муомала операцияси қайд қилинганлиги «Озод Бухоро»да хабар қилинади[Биржадан ташқарида бўлгон савдо муомалалари тўғрисида.//Озод Бухоро 83-сон. 1924 йил 26 апрел.]. Бироқ савдо биржаси ҳам 1924 йилнинг июл ойига келиб ёпилган[Сармоя ва мол биржаси ёпиладур. //Озод Бухоро. 114-сон. 1924 йил 17 июль.]. Бу БХСР иқтисодий жиҳатдан РСФСР (аслида СССР) иқтисодий тизимига қўшиб юборилаётганлигининг оқибатларидан биридир.

“Бухоро ахбори” газетасида келтирилишича, 1923 йилнинг баҳорида БХСР божхона идорасини ташкил этишга киришилган. Унга кўра, Бухоро божхона идоралари *Бухоро, Карки, Бойсун, Калиф, Чўчқагузар, Паттакесар, Айвож, Ҳисор, Сарой, Чучук (Чубек), Бўғроқ* манзилларида ташкил қилиниб, 19 та қоровулхона қурилганлиги, божхона ходимларининг сони 130 киши атрофида бўлиб, мазкур идора бошлиғи-Оқчурин ва унинг божхона муовини қилиб Римиз тайинланганлиги қайд этилади[Бухоро гумрук (божхона) идораси. //Бухоро ахбори. 170—сон. 1923 йил 15 май.]. 1924 йилда Бухоро божхонаси марказий идораси бошлиғи Қосим Қори ўғли бўлган[Бухоро марказий гумрук (божхона) идорасидан.// Озод Бухоро. 68 -сон. 1924 йил 29 март.]. Афғонистонга ўтадиган моллар *Карки ва Паттакесар (Янги Термиз шаҳри) божхоналари* орқали ўтказилиши баён қилинган[Янги ташкил қилинган таможна идораси. //Бухоро ахбори 171-сон. 1923 йил 26 май.]. Шуни таъкидлаш лозимки, божхона идорасида хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳамда ҳарбий хизматчиларининг асосий қисми маҳаллий халқ вакилларидан эмас, балки европалик миллат вакиллари эди[Бухорода гумрук ишчилари. //Озод Бухоро. 103-сон. 1924 йил 14 июн.].

Хулоса қилиб айтганда, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари маълумотларидан келиб чиқиб қайд қилиш мумкинки, 1920-1921 йилларда БХСРда янгича тарихий шароитда республика иқтисодий тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва йўлга қўйиш учун амалий ҳаракатлар бўлди. Бироқ 1921-1922 йилларда қизил аскарлар билан “босмачилар” (совет режимига қарши қуролли ҳаракат) иштирокчилари ўртасидаги кураш туфайли халқ хўжалигини тиклаш, уни ривожлантириш, янги режа ва лойиҳаларни амалга тадбиқ қилиш имконияти бўлмади. Шу билан бирга ушбу даврда БХСРда иқтисодиётнинг бир қадар мустақил ривожланиш жиҳатлари кузатилади.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари республика иқтисодиётининг 4 йиллик давридаги ҳолати, хўжалик тармоқлари ривожига ўзгаришлар, мураккаблик ва зиддиятлар, ўсиш рақамлари ҳамда айрим соҳалардаги инқирозли жиҳатларини хронологик кетма-кетликда ўрганиб тегишли хулосалар чиқаришда асосий манбадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Банк шўъбаси. //Бухоро ахбори. 19-сон. 1921 йил 13 январ: Давлат банкида.// Бухоро ахбори. 88-сон. 1922 йил 29 июн; Мамлакат банки. //Бухоро ахбори. 92-сон 1922 йил 25 июл; Ҳукумат банки очилғусидир. //Бухоро ахбори. 100-сон. 1922 йил 21 сент; Давлат банки очилиши. //Бухоро ахбори 103-сон 1922 йил 13 ноябр.; Давлат банкида ҳам майда қарз. // Бухоро ахбори 118-сон. 1922 йил 17 дек; Қимматли ашёларни сақламоқ қабул этиладур.// Бухоро ахбори. 129—сон. 1923 йил 28 январ; Давлат банки Қаршида.// Бухоро ахбори. 130—сон. 1923 йил 1 феврал; Давлат банки хайъат идораси. //Бухоро ахбори. 169—сон. 1923 йил 12 май; Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги банки.//Бухоро ахбори. 170—сон. 1923 йил 15 май; Ўрта Осиё савдо банки.// Бухоро ахбори. 170—сон. 1923 йил 15 май; Бухоро қишлоқ хўжалиги банки. //Бухоро ахбори. 181—сон 1923 йил 12 июл.; Бухоро давлат банки ишларини тўхтатди. //Озод Бухоро 62-сон 1924 йил 17 март; Дехқончилик банкида.//Озод Бухоро. 96-сон 1924 йил 29 май.; Дехқончилик банкнинг иши. //Озод Бухоро. 110-сон. 1924 йил 26 июл.

2. Бухорода савдо биржасининг очилиши. //Бухоро ахбори. 135-сон. 1923 йил 18 фев.; Биржадан ташқарида бўлгон савдо муомалалари тўғрисида.// Бухоро ахбори. 153-сон. 1923 йил 7 апр.;Савдо биржасининг очилиши муносабати ила. //Бухоро ахбори. 163—сон. 1923 йил 28 апр.; Биржанинг маълумот varaкалари. // Озод Бухоро 3-сон. 1923 йил. 21 окт.; Биржада тўпланган солиқлар. //Озод Бухоро. 4-сон. 1923 йил 25 окт.; Биржада тўпланган солиқлар //Озод Бухоро. 11-сон. 1923 йил 14 ноябр. Биржада мол шўъбаси. //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал.; Биржадан ташқарида бўлгон муомаласи тўғрисида. //Озод Бухоро. 43-сон 1924 йил 2фев.; Биржани кенгайтириш. //Озод Бухоро 40-сон 1923 йил 16 янв.; Биржадан ташқарида бўлгон савдо муомаласи тўғрисида. //Озод Бухоро 83-сон 1924 йил 26 апр. Сармоя ва мол биржаси ёпиладур. //Озод Бухоро. 114-сон. 1924 йил 17 июл.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ УНУТИЛГАН РАЎБАРИ (СОБИР КАМОЛОВ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИГА ДАСТЛАВКИ ЧИЗГИЛАР)

Қ.К. Ражабов

Ўзбекистон ФА Тарих институти, Тошкент

Тарихда шундай шахслар ўтганки, улар ўз даврида муайян миллат ёки давлат тарихида муҳим роль ўйнаган. Шу билан бирга ўз халқининг йўлбошчиси сифатида маълум муддат давомида энг юқори лавозимларда фаолият кўрсатган. Бироқ кейинчалик улар ўз лавозимларини тарк этгач, айрим сабабларга кўра бундай инсонлар фаолияти унутилган ёки унутилишга маҳкум қилинган. Ана шундай шахслардан бири Собир Камолович Камолов (1910-1990) ҳисобланади. У XX аср 40 – 50-йилларида Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда республиканинг биринчи раҳбари лавозимида фаолият кўрсатган ўзбек халқининг собирликда камолга етган ўғлонларидан бири эди. Собир Камоловни қорақалпоғистонлик тарихчи олим, академик Собир Камолович Камолов (1924-2009) билан чалкаштириб юбормаслик лозим.

Собир Камолович Камолов 1910 йил 19 апрель (2 май)да Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1925-1929 йилларда у Тошкентда қурувчи ишчи бўлиб ишлади. У 1936 йили Тошкентдаги марксизм-ленинизм институти ҳамда 1949 йили Москвадаги ВКП(б) МК ҳузуридаги Олий партия мактабини тугатди (Ивкин, 1999. – С. 334.).

Собир Камолов ёшлигидан комсомол ва партия ишларида тобланди. У дастлаб комсомолда, яъни Ўзбекистон ЛКСМ Янги Бухоро райкоми секретари (1931), ВЛКСМ Ўрта Осиё бюроси бўлим бошлиғи (1931-1933), Ўзбекистон ЛКСМ Қорақалпоғистон обкоми биринчи секретари (1933-1936) лавозимларида ишлагач, 1937-1938 йилларда Фарғона вилояти Тошлоқ ва Марғилон райкомларида биринчи секретарь, 1938-1940 йилларда Ўзбекистон Компартияси МК Фарғона вилояти обкомининг иккинчи секретари бўлди. Уруш йилларида у Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари (1940), Ўзбекистон ССР Халқ Комиссари Совети раиси ўринбосари (1940-1941) каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатди. Бу даврда унинг ташкилотчилик қобилияти ва ёшлар билан ишлашдаги

махорати кейинчалик унга энг юқори мансаб пиллапоялари сари кенг йўл очди. Шунингдек, бу даврда йирик давлат ва сиёсат арбобларининг совет режими томонидан қатағон қилиниши “комсомолда тажриба тўплаган” ёш партия ходимларига масъул лавозимларда ишлаш учун катта имконият яратди.

Тарихдан маълумки, 1941 йил июнда Германия тўсатдан Совет Иттифоқига ҳужум қилгач, Ўзбекистон халқи ҳам урушга тортилди. Бу пайтда Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига яқинда қабул қилинган автоном республика эди. Ана шундай ёш кадрлар ўртасида бу пайтда 31 ёшни тўлдираётган Собир Камолов ҳам бор эди. Собир Камолов 1941 йил апрелдан 1946 йил октябргача бутун уруш мобайнида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон обкоми биринчи секретари бўлди. Оғир ва машаққатли уруш йилларда Қорақалпоғистон ҳудудида яшаган қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ ва бошқа халқларнинг душманга қарши курашга сафарбар қилишда, тинч аҳолининг фронт ортидаги фидокорона меҳнатини уюштиришда, халқнинг жиддий аҳволи ва турмуш шароитини имконият даражасида кўтаришда айнан бу даврда биринчи раҳбар бўлган Собир Камоловнинг хизматлари катта бўлди.

Собир Камолов Қорақалпоғистондан қайтгач, 1946-1949 йилларда Москвада таҳсил олди. Москвада сиёсий билимини оширгач, у Фарғона область партия комитети (обкоми) биринчи секретари (1949-1950), Ўзбекистон Компартияси МК секретари (1950-1955), Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси (1955 йил 22 декабрь – 1957 йил 30 декабрь) (<http://www.knowbysight.info/ККК/02988.asp>) каби муҳим лавозимларда фаолият кўрсатди. Бу йиллар совет жамиятида катта ўзгаришлар юз бераётган мураккаб бир давр эди. Совет давлати ва партиянинг раҳбари бўлган И.В. Сталин 1953 йил мартда вафот этгач, КПССнинг XX съездида (1956 йил февраль) янги биринчи секретарь Никита Хрущев томонидан Сталин фаолияти қаттиқ танқид қилинди ҳамда Сталин шахсига сиғиниш қораланди. Бироқ ўз пайтида партия ичида Хрущев шахсига сиғиниш авж олди, бунинг устига Н.С. Хрущевнинг бемаъни қарорлари ва чала ислохотлари улкан мамлакатни ботқоққа ботирди. Бу пайтда СССР таркибида бўлган Ўзбекистон ССРда ҳам сиёсий вазият ва аҳолининг иқтисодий турмуши етарли даражада яхши бўлмаган.

XX аср 50-йилларида Ўзбекистонда биринчи сиёсий раҳбарларнинг тез-тез ўзгаришини юқорида тилга олинган жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам 1950-1959 йилларда, яъни атиги 10 йил ичида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари 4 марта, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси 7 марта, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси 2 марта ўзгарди.

Тошкентда 1957 йил 29 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида бу пайтда республиканинг биринчи сиёсий раҳбари бўлган Нурутдин Ақромович Муҳитдинов КПСС МК Президиуми аъзоси ва Марказий Комитет секретари қилиб сайланганлиги ва Москвага жўнаб кетиши муносабати билан ўз лавозимидан озод қилинди. Бу пайтда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси бўлган 47 яшар Собир Камолов

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари қилиб сайланди. Мансур Зиёевич Мирза-Ахмедов эса С. Камолов ўрнига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг янги раиси бўлди. Шуниси қизиқки, 30 декабрда Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти ва ҳукумати Тошкентда янги қурилаётган аэропортни республика фаоллари билан биргаликда очишди (Муҳитдинов, 1995. – Б. 356). Бу аэропорт ўшанда СССРнинг Шарқдаги энг йирик ҳаво дарвозаси бўлган.

С. Камолов республиканинг биринчи сиёсий раҳбари бўлиб атиги бир йилу икки ойча фаолият кўрсатди, холос. Ўзбекистоннинг XX асрдаги биринчи сиёсий раҳбарлари ўртасида у энг кам фаолият олиб борган шахс сифатида тарихга кирди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Камолов даврида Ўзбекистонда кадрлар оммавий равишда маҳаллийлаштирилди. “Тошкент клани”нинг вакили бўлган С. Камолов масъул лавозимларга кўпроқ пойтахтликларни тайинлайди. Бундай “маҳаллийлаштириш” сиёсати Москвага ёқмайди ҳамда бу ҳолат КПСС МК идеология секретари М. Суловнинг ташаббуси билан қаттиқ қораланди.

1959 йил 15 мартда Собир Камолов ўз лавозимидан озод қилиниб, бу вазифага Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Шароф Рашидович Рашидов тайинланди.

С. Камолов республика раҳбарлигидан кетган бўлишига қарамасдан у 1959-1962 йилларда Фарғона области ижроия комитети (облисполком) раиси, 1962-1965 йилларда Ўзбекистон ССР нон маҳсулотлари Бош бошқармасида бошлиқ ўринбосари, 1965-1970 йилларда Ўзбекистон ССР нон маҳсулотлари министрининг биринчи ўринбосари, 1970-1980 йилларда эса Ўзбекистон ССР тайёрлаш министри ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатади. 1980 йил майдан у (70 ёшга киргач), Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер бўлди.

СССР Олий Совети 2-5 чақириқ депутати (1946-1962). С. Камолов Тошкент шаҳрида 80 ёшида 1990 йил 6 июнда вафот этди ҳамда Чигатой қабристонига дафн этилди.

Шундай қилиб, С. Камолов узоқ умрининг асосий қисмини Ўзбекистонда турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиш билан ўтказди. У ўз сиёсий фаолиятида айрим хатоларга йўл қўйган ва Марказ манфаатларига хизмат қилган бўлишига қарамасдан Ўзбекистон ва ўзбек халқи учун ҳам анча ишлар қилди. Унинг фаолиятини алоҳида тадқиқот сифатида ўрганиш бугунги кунда долзарб илмий вазифа ҳисобланади. С. Камолов фаолияти ҳақида у тирик бўлган совет даврида ҳам, вафот этгандан кейин ўтган сўнгги 30 йил давомида ҳам Ўзбекистонда ҳеч қандай мақолалар ёки китоблар ёзилмади. Ҳатто “Ўзбек совет энциклопедияси” ва “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” китобларига у ҳақда оддий биографик мақола ҳам киритилмади. Сиз ҳозиргина ўқиб тугатган бу фикрлар ўзбек халқининг муносиб фарзанди Собир Камолов ҳақидаги дастлабки илмий мақола ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Государственная власть СССР. Высшие органы власти и управления и их руководители. 1923 – 1991 гг. Историко-биографический справочник. Автор, составитель: В.И.Ивкин. – Москва: РОССПЭН, 1999. – С. 334.
2. <http://www.knowbysight.info/KKK/02988.asp>
3. *Муҳитдинов Н.* Кремлда ўтган йилларим [Эсдаликлар]. Биринчи китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. – Б. 356.

УЛУЧШЕНИЕ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ: ОРИЕНТАЦИЯ НА ЛУЧШИЙ МИРОВОЙ ОПЫТ

Ф.А.Ахмедшина
ДГПИ, Джизак

В Программе мер по дальнейшему совершенствованию системы народного образования Республики Узбекистан на 2018–2021 годы от 5 сентября 2018 года намечено совершенствование и поэтапное внедрение новых государственных образовательных стандартов и учебных программ общего среднего образования, ориентируясь на лучший мировой опыт.

Для совершенствования качество образования республика станет принимать участие в международной программе по оценке образовательных достижений учащихся PISA (оценка математической грамотности, грамотности чтения и естествознания 15–16-летних учащихся); международном исследовании качества школьного математического и естественнонаучного образования TIMSS (оценка математической и естественнонаучной грамотности учащихся 4 и 8 классов); международном исследовании качества чтения и понимания текста PIRLS (оценка уровня и качества чтения и понимания текста учащимися начальной школы). Кроме того, страна станет принимать участие в Международном исследовании системы преподавания и обучения TALIS (оценка условий труда учителей и образовательной среды в школах)(1).

В данной статье мы кратко рассмотрим опыт применения Программы PISA в разных странах мира, который позволяет выявить и сравнить изменения, происходящие в системах образования в них и оценить эффективность стратегических решений в области образования.

Международная программа по оценке образовательных достижений учащихся (Programme for International Student Assessment, PISA), реализуется Организацией экономического сотрудничества и развития (Organization for Economic Cooperation and Development, ОЭСР). Тест по оценке знаний учащихся PISA проходит раз в три года. PISA осуществляется консорциумом, состоящим из ведущих международных научных организаций, при участии национальных центров и организации ОЭСР. Руководит работой консорциума Австралийский Совет педагогических исследований (The Australian Council for Educational Research - ACER). В консорциум также входят Национальный институт педагогических измерений Нидерландов (Netherlands National Institute for Educational Measurement - CITO), Служба педагогического тестирования США (Educational Testing Service, ETS),

Национальный институт исследований в области образования Японии (National Institute for Educational Research, NIER), Вестат США (WESTAT) (2). Основные направления исследования, концептуальные подходы к разработке инструментария, способы обработки и представления результатов обсуждаются на научных форумах, в работе которых принимают участие ведущие специалисты мира.

Результаты тестирования полезны для выявления степени готовности учащихся к обучению после окончания базовой школы, выявления сфер требующие улучшений в учреждениях образования, образовательных системах и на правительственном уровне, а также для сравнения успеваемости учащихся и образовательной среды в различных странах.

В исследовании PISA изучаются несколько современных инновационных идей: оценка функциональной грамотности, изучение отношений, интереса, мотивации, компетентность учеников, характеристики учащихся и их семей, характеристики образовательных учреждений и характеристики учебного процесса. Исследование PISA диагностирует подготовку молодежи к «взрослой» жизни. Основной целью исследования PISA является оценка образовательных достижений учащихся 15-летнего возраста. Ключевой вопрос исследования – «Обладают ли учащиеся 15-летнего возраста, получившие общее обязательное образование, знаниями и умениями, необходимыми им для полноценного функционирования в обществе?». Исследование направлено не на определение уровня освоения школьных программ, а на оценку способности учащихся применять полученные в школе знания и умения в жизненных ситуациях. Это отличает его от других международных исследований, основной целью которых является проверка определенных учебными программами предметных знаний и умений в основном с помощью выполнения учебных заданий мало или совсем не связанных с реальной жизнью (3).

Первое исследование PISA было проведено в 2000 году, в нем участвовало 32 государства, в 2003 году - 43, в 2006- 57, а в 2009 - 65. Около 510 тысяч учащихся в 65 странах приняли участие в исследовании PISA-2012. Более 70 государств участвовали в тесте PISA в 2015 году (4). Количество участников исследования PISA увеличивается с каждым циклом. В исследовании PISA-2018 приняли участие 79 стран, а в исследовании PISA-2021 планируют принять участие уже 88 стран. На данный момент ведется подготовительная работа к апробационному этапу исследования PISA-2021, который пройдет весной 2020 года (5). В 2012 году было введено новое направление международного исследования - оценка сформированности социально-эмоциональных навыков (совместное решение проблем), в 2015 году - «социальные компетенции» и «сотрудничество в решении проблем», в 2018 году - оценка сформированности глобальных компетенций.

В исследовании выделяют следующие показатели, связанные с обеспечением возможностей для раскрытия потенциала учащихся в процессе их обучения: результаты учащихся, обучающихся по различным образовательным программам, учёт гендерных различий учащихся, учёт социально-экономических условий семей учащихся (6). Результаты исследований публикуются каждые три года вместе с показателями,

характеризующими системы образования разных стран. Эта информация позволяет странам-участницам сравнивать свои достижения с достижениями других стран и использовать результаты сравнения при определении политики в области школьного образования.

Наибольший эффект оценки PISA произвели в странах, показавших невысокие результаты. Но воздействие исследования ощущалось и там, где полученные результаты резко контрастировали с общепринятыми представлениями. Например, в Германии результаты PISA 2000 года спровоцировали ожесточенные споры. Неожиданно низкие показатели академической успеваемости повергли общественность в состояние шока, широко обсуждались в СМИ. Таким образом, был дан импульс для проведения реформ. За пятнадцать последующих лет Германии удалось существенно повысить качество обучения, подтянуть ситуацию в сфере обеспечения равенства. Корея ещё в 2000 году имела высокие показатели PISA. Беспокойство вызывало то, что успехи ограничивались небольшой группой представителей национальной элиты. Менее чем за десятилетие Корея смогла удвоить число учащихся, показывающих отличные результаты. После коренной реорганизации школьной системы Польше потребовалось менее полугода, чтобы сократить разрыв между учебными заведениями по качеству обучения. То же самое можно сказать и о Венгрии. Лидером в развитии образования является Сингапур, который придает огромное значение развитию творческого и критического мышления, социальных навыков, эмоциональной отзывчивости и формированию положительных черт характера у своей молодежи (7).

Участие Узбекистана в международной программе по оценке образовательных достижений учащихся PISA имеет важное стратегическое значение для развития образования, для оценки знаний школьников по стандартам международной практики.

В соответствии постановления правительства страны от 4 января 2019 года Министерство народного образования Узбекистана изучит опыт международных исследований качества школьного образования, как PIRLS, TIMSS и PISA. Постановлением утверждена «дорожная карта» по внедрению в школах страны тестов по стандартам международного мониторинга образования. В частности, планируется организовать поездки специалистов Министерства народного образования Узбекистана в Россию и Казахстан для изучения их опыта, а также пригласить экспертов из этих стран для организации обучающих семинаров по методике и практике тестирования (8).

Участие в данном международном сравнительном исследовании позволит Узбекистану получить ценный аналитический материал о требованиях к учебным достижениям школьников в разных странах мира. Участие в PISA имеет большое стратегическое значение для развития национального образования, выявления ее качества, положения в мировой системе образования.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Школьное образование – с ориентиром на мировой опыт <https://regulation.gov.uz/uz>
2. Международная программа PISA <https://ria.ru/20131203/981518012.html>
3. Международная программа по оценке образовательных достижений учащихся pisa <http://www.academy.edu.by/component/content/article/50/1769-26-01-02-2018-p.html>
4. Международная программа PISA <https://ria.ru/20131203/981518012.html>
5. Организаторы исследования PISA планируют оценить изучение школьниками иностранного языка <http://www.ug.ru/news/27570>
6. Международная программа по оценке образовательных достижений учащихся <https://gtmarket.ru/research/pisa/info>
7. Главный разработчик теста PISA рассказал о результатах Международной программы по оценке образовательных достижений учащихся за 10 лет <http://minobr.saratov.gov.ru/news/13353>
8. Узбекистан изучит опыт РФ в области мониторинга качества образования <http://kommersant.uz/uzbekistan-izuchit-opyt-rf-v-oblasti-monitoringa-kachestva-obrazovaniya>

МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Ф.Бобоев

*Ўз РФА Тарих институти,
Тошкент*

Собиқ Совет Иттифоқи таркибидаги республикалар ичида энг кўп пахта етиштирувчи республика бу – Ўзбекистон ССР ҳисобланар эди. Марказ томонидан олтинчи беш йилликда республикада пахта етиштиришни янада ошириш вазифаси қўйилгач, шу даврда Ўзбекистон ССР сиёсий раҳбарияти Қозоғистон ССР ҳудудидан ер бериш масаласини кўтарди.

Шу мақсадда 1956 йил 20-21 январда Қозоғистон Олий Советининг тўртинчи чақириқ иккинчи сессиясида қатнашиш учун Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси Ш. Рашидов бошчилигидаги делегацияси Олмаотага келди[1]. Сессияда Мирзачўл ҳудудининг бир қисмини Ўзбекистон ССРга беришга қарор қилинди. Мазкур сессияда Мирзачўлнинг бир қисмини Ўзбекистон ССРга берилиши хусусида қозоқ депутати Собит Муқоновнинг ажойиб ўхшатишини келтириш жоиз. У “Истардимки, ўзбек халқи Мирзачўлнинг ҳудудидан бир қисмини сепсиз қизимизни ҳалол меҳнат туфайли гулга буркаса, ҳукуматимизнинг энг муҳим вазифаларини амалга оширган бўлар эди”, деган эди.

Ушбу фикрларга жавоб сифатида сессияда сўзга чиққан Ш. Рашидов шундай деган эди: “Сизларни ишонтириб айтаманки, бизга топширилаётган Мирзачўл ҳудудининг бир қисмида Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатни оқолтин пахта конига, гуллаб-яшнаётган ерга айлантириш учун ўз кучларини аямайдилар”[2].

1956 йил 24 январда Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи чақириқ иккинчи сессиясида Жанубий Қозоғистон областининг Бўстонлиқ раёни ҳамда Мирзачўлнинг бир қисмини Ўзбекистон

ССР таркибига қўшиш тўғрисида қарор қабул қилинди[3]. Олинган ҳудудларни ўзлаштириш ва Марказий ва Жанубий Мирзачўл каналларининг суви билан жами 225 минг гектар ерни пахтазорга айлантириш имкони мавжуд эди[5].

1956 йил 6 августда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети “Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қozoғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарор асосида гарчанд оғир ва мураккаб бўлсада, халқнинг фидокорона меҳнати натижасида чўлнинг қиёфаси тубдан ўзгара борди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1957 йил 15 мартда Мирзачўлда Янгиер шаҳрини ташкил этиш тўғрисида фармон қабул қилинди[7]. Шу фармон асосида қисқа вақт ичида Мирзачўлнинг марказида Янгиер шаҳри қад кўтарди.

1958 йил 15 июнда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети “Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қozoғистон ССР ва Тожикистон ССРда Мирзачўлни ўзлаштириш ва суғориш соҳасидаги ишларни янада кенгайтириш ҳамда жадаллаштириш тўғрисида” янги қарор қабул қилди[8]. Ушбу қарор Мирзачўлни ўзлаштириш ишларини янада жадаллаштириб юборди. Мазкур қарор 20 та банддан иборат бўлиб, унда келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Унда белгиланган вазифалардан электрлаштириш, ридиолаштириш, темир йўл линияларининг қурилиши ва телефон-телеграф алоқасини йўлга қўйиш масалалари муҳим ҳисобланади.

Мирзачўлни ўзлаштиришда нафақат ўзбек халқи балки Иттифок таркибида бўлган бошқа халқлар ҳамда турли соҳа вакиллари ҳам жалб этилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг илмий жамоаси бу ишларда сафарбар этилди. Жумладан, Мирзачўлда, яъни Янгиер шаҳрида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ўзининг янги илмий марказини ташкил қилди. Бу илмий марказ қўриқ ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ – иқлим шароити мос қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни илмий асослаши лозим эди[9].

Белгиланган вазифаларни муддатидан олдин ва режадагидан ошириб бажаришда, шунингдек, социалистик мусобоқа уюштирилиши натижасида амалга оширилаётган ишларда турли муаммолар кўзга ташланади. Бу белгиланган вазифалар бўйича аниқ лойиҳа режаларни ўз вақтида тайёрланмаганлиги ва қурилиш материаллари етарли эмаслиги ҳамда шошма-шошарлик натижасида бир-бири билан алоқадор ишларда кўпгина муаммолар юзага келган. Масалан, Мирзачўлни ўзлаштиришга масъул ташкилот “Главголодностепстрой” 1958 йил учун белгиланган беш ойлик қурилиш ишларини ўз вақтида бажармаган. 1957 йилда тугалланиши лозим бўлган 511 та уйни 1958 йил июнда ҳам қуришда давом этаётган эди. Шунингдек, 1958 йилда қурилиши режалаштирилган уйлар бўйича вазифалар йилнинг 5 оyi ўтиб кетган бўлса-да, ҳали иш бошланмаган эди[10]. Шу пайтда Янгиер шаҳрида 30 минг квадрат метр уй-жойга эҳтиёж бўлган, бироқ 10 минг квадрат метр уй-жой бор эди, холос[11].

Шунингдек, бу ишларнинг орқада қолишида яна бир муҳим жиҳат шуки, қурувчилар ўртасида меҳнат тақсимоли тўғри ташкил этилмай, гуруҳларга вазибалар ўз вақтида берилмаган. Натижада қурилиш ходимлари 2-3 соатлаб бекор туришга мажбур бўлган. Бундан ташқари, ишнинг суръатини ошириш мақсадида уйларнинг эшик ва ромлари ҳали қурилмаган тахтадан тайёрланганлиги учун уларнинг кўпчилиги қийшайиб кетган ва стандартсиз тайёрланганлиги натижасида эса кераксиз маҳсулотга айланган ҳолатлар ҳам кузатилган[12].

Хуллас, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши натижасида республиканинг пахта майдонлари кенгайди, алоқа, коммуникация ва транспорт хизмати йўлга қўйилди, электрлаштирилди. Шунингдек, урбанизация жараёни натижасида Ўзбекистон ССРда шаҳарлар сони яна биттага ошди. Янги уй-жойлар қурилди. Бу ўзгаришлар ўз даврида аҳоли учун яратилган янги имкониятлар эди ва республиканинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида ўз таъсирини кўрсатди. Янги ҳудудларнинг ўзлаштирилишидан биринчи навбатда Марказ манфаат кўрасида, ушбу инфратузулмаларнинг яратилиши ва ижтимоий ўзгаришлар маълум маънода маҳаллий аҳолининг ҳам эҳтиёжларини қондиришга хизмат кўрсатганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон ССР ҳукумат делегацияси Олмаотага келди // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 21 январь.
2. Рамз Бобожон. Қозоғистон ССР Олий Советининг сессияси // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 22 январь.
3. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1956 йил 24 январдаги мажлиси тўғрисида информацион билдириш // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 25 январь.
4. Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Ш. Рашидов нутқи // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 25 январь.
5. Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси. Депутат А.Н. Муҳиддинов нутқи // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 25 январь.
6. Уқубоев К. Мирзачўлнинг келажиги // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 6 март.
7. Мирзачўлда Янгиер шаҳри ташкил этиш тўғрисида // “Қизил Ўзбекистон”. 1957 йил 16 март.
8. “Қизил Ўзбекистон”. 1958 йил 17 июнь.
9. Мирзачўлда янги илмий марказ // “Қизил Ўзбекистон”. 1958 йил 24 декабрь.
10. Маҳмудов Б. Мирзачўл қурилишларини тезлаштириш керак // “Қизил Ўзбекистон”. 1958 йил 11 июнь.
11. Терситский Д.К. Мирзачўлни янги энг йирик пахтачилик районига айлантираммиз! // “Қизил Ўзбекистон”. 1958 йил 18 июнь.
12. Маҳмудов Б. Мирзачўл қурилишларини тезлаштириш керак // “Қизил Ўзбекистон”. 1958 йил 11 июнь.

МИРЗАЧЎЛНИНГ ДАСТЛАБКИ СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИ

А.Болтаев
ЖДПИ, Жиззах

Бизнинг ўлкамизда ўтган асрнинг бошларидаёқ ҳали ўзлаштирилмаган ерлар ва сув ресурсларини ўрганиш билан шуғулланувчи дала-қидирув гуруҳлари ва бўлинмаларларни таъсис этилишини кўришимиз мумкин. Улар таркибида эса геодезия ва топография бўйича муҳандислар, қурувчилар ва шунга ёндош соҳаларнинг мутахассислари, оддий ишчилар, от-улов ҳайдовчилари, йул кўрсатувчилари ва бошқалар фаолияти жонланиб кетди. XX асрнинг биринчи ўн йиллигидаёқ Туркистон ўлкасининг фақат икки йирик дарёси - Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида ўндан ортиқ дала қидирув гуруҳлари ва бўлинмалари фаолият кўрсатдилар (Кодиров, 1998. 84-85-бетлар).

Пахтага бўлган талабнинг ошиб бориши, Мирзачўлдаги ишларни янада тезлаштирди. Чор Россияси кўрилишга маблағ ажратишга мажбур бўлди. 1911 йил 1 июлида 4865 минг рубл ажратиш тўғрисидаги қонун лойихаси тасдиқланди. Шундан 3615 минг рубл, йирик хусусий қурувчи С. К. Чаевга ажратилиб, у билан Мирзачўлга канал кўрилишини 1915 йил 1 январгача тугаллаш тўғрисида шартнома тузилди. Натижада канал қурилишининг бориши ва характери кескин ўзгарди. Ҳам инженер, ҳам ишбилармон бўлган С.Н.Чаев яхши ташкилотчи, техникани яхши биладиган инжинер А.В.Будасини ўзига ёрдамчи қилиб олди. Чет элдан 400 минг рублга техника, шу жумладан экскаваторлар олинди. Магистрал канал қурилишида битта буғ белкураги, Путилов заводининг 70 тонналик экскаватори, 3 та любек (Германия машинасозлик заводининг кўп чўмичли экскаватори) ишлатилди. Энг мухими, бу механизмлар ёрдамида канал қурилиши ўша давр учун юкори (рекорд) бўлган уч ой давомида қуриб ишга тўширилди. 1915 йил и АҚШ дан 2 та экскаватор - драглайн сотиб олинди. Канал қурилишида технологик жараёнларни бажаришга алоҳида эътибор берилди. Бу иншоатни қуришда чор Россиясида биринчи марта йиғма темир-бетонлардан фойдаланилди.

Лойихдни тузиш ва қурилишни амалга оширишда истеъдодли рус инженерларидан С.Ф. Островский, А.И.Курсиш, В.Фтолмачев, Ф.Н. Моргуенков, В.Ф. Булаевскийларнинг хизматлари катта бўлди.

Катта майдонларда ирригация тармоқларини барпо қилиб, янги ерларни узлаштириш учун керак бўладиган сарф- харажатларининг бўлғуси самараси жуда залворли эди.

Бироқ ҳамма гап «ана шу катта хажмдаги капитал сарф-харажатлар кимнинг ҳисобига амалга оширилди» - деган саволга бориб тақалган эди.

Подшо ҳукумати барча сарф-харажатни юз фоиз уз буйнига олишдан бош тортар, бунга қатор сабабларни рукач қилиб курсатарди: Бир неча юз миллионга тенг маблағни давлат бюджетидан бир йула ажратиш амри маҳол эди. Шу боис суғориш ишлари узоқ муддатга чўзилиб кетди. Бу ўз навбатида «давлат ҳисобига қурилиш ишларини бажариш ва хўжалик юритиш билан боғлиқ қатор нохушликларни келтириб чиқаради». Шуларни

назарга олиб, подшо ҳукуматининг Вазирлар Кенгаши ишни амалга ошириш учун «шахсий ишбилармонликни жалб қилиш керак», - деган хулосага келди. Кенгашнинг махсус журналида таъкидланишича, «Факат давлат томонидан бошланган ишлар билан, шахсий ташаббуснинг оқилона ўзаро боғланиши кўзланган мақсадга ҳақиқатдан ва вақтни бой бермасдан эришишни тامينлайди». «Сув қонуни» ни қабул қилишдан асосий мақсад ҳам, улкада бошланиши мумкин бўлган, энди ҳеч кимга сир бўлмаган катта-катта майдонларда бажариладиган ирригация ва ер узлаштириш ишларини ҳукукий химоялаш эди. Табиийки, бу қонунга кўра, биринчи галда подшо ҳукумати ва мустамлакачи маъмуриятнинг манфаатлари, шахсий капиталнинг эҳтиёжлари, янги очилган ерларни узлаштириш учун Россия ичкарасидан қучириб келтириладиган фуқороларнинг талаблари ҳукукий химояланиши шарт эди.

Империя дехкончилик ва ер тузилиши бошқармасининг бошлиги А. Б.Кривошеин буни шундай ифодалаган эди: «Ҳукумат ва сармоя билан қуролланган шахсий ишбилармонлик елкама-елка туриб, бир-бировига ёрдам ва кумак бериб, ана шу жуда катта давлат ахамиятидаги ишда йирик муваффақиятларга эришишлари мумкин». Бироқ «шахсий ишбилармонлик» ҳам бўш келмасдан, уз манфаатларига мос келадиган омилларни илгари сурар, кам сарф-ҳаражатлар эвазига, купроқ фойда кўриш, асосийси янги суғориладиган ерларни (барчасини ёки бир қисмини) уз шахсий мулкига айлантиришни уйларди. Бу ҳол ҳукумат билан шахсий капитал уртасидаги шунчаки бахс ёки томонларнинг ёндошишларига майда фарқлар эмас, балки жуда муҳим масала эди: У - биринчидан, қандай шарт-шароитлардан ёки концессиялар келишув асосида янги ерларни ўзлаштириш, ирригация ишларини амалга ошириш мумкинлигини; иккинчидан, ер ўзлаштирилиб бўлингандан кейин ташкил бўладиган хўжалик ёки муассасадан фойдаланиш қоидалари қандай бўлиши лозимлигини назарда тутарди. Натижада ҳукумат ва шахсий сармоядорлар икки ҳил, бир-бирига яқин бўлмаган, концессия турларини таклиф қилар эдилар. Бу масала 1909 йил 5 июнда А.В.Кривошеин раислигида ўтган катта ҳукумат мажлисида 1913-1915 йилларда Мирзачўлдаги дастлабки канал узунлиги 63 км, чуқурлиги - 3 метр, эни 6 метр қилиб қурилган. Бу каналнинг Кўйботган, Кендик, Железнодорожный деган тармоқлари бор эди. Бу мелиоратив тармоқларнинг суғориш, яъни канал қурилиши тармоқлардан фарқи шундаки, суғориш каналлари жойнинг энг юқори қисмларидан ўтказилса (сув ўз оқими билан боради), қолган тармоқлар жойнинг қуйи қисмидан ўтказилиб, ортиқча сувларни ташқарига чиқариб юборади. Мирзачўлда XX аср бошида қурилган маълум жойнинг ботиқ ерларидан утган бу тармоқлар сувни Сирдарёдан ажратиб Ашшиқўлга ташлар эди.

1915-1920 йилларда зовурнинг Сардоба тармоғи ҳам қурилди. Натижада, бу тармоқлар суви Сардоба ботиғига ташланадиган бўлди. Бу эса янги қўл пайдо қилишга олиб келди. 1916 йилда Шурузак зовури яна 6,5 километр узайтирилди (Ц.Г.А. Узб. Ф. И-18, ОП-1, Д-14323, Л-1-4. Средазгипроводхлопок архиви, Инвентарь-4473, 20,38-варақлар).

Қурилган тадбирлар самара бера бошлади. Ерлар ўзлаштирила бошлаган дастлабки пайтлардаёқ пахтадан юқори ҳосил олинди. «Николай I»

номидаги канал зонасида суғориладиган умумий ерлар майдони 1901-1905 йилларда 1100 десятинадан 3000 десятинага етказилди, яъни 3 марта кенгайтирилди. 1913 йилгача 159 та, деярли 23 минг 850 десятина сугориладиган ер участкаларига давлат йули билан сув етказилди. Қолган ишчиларни ижарачилар бутунлай ўз ҳисобига бажаришлари керак эди.

Ишчи комиссиясининг характерли томони шундаки, унинг барча мажлислари Мирзачўлда утказилди.

Мажлисларда Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, суғориш ва мелаорациялаш ишларига катта хисса қўшган кишилар: Ф.П. Маргуненков (Романов суғориш системасининг бошлиғи), агрономлардан М.М.Бушуев, М.П.Дворниченко, Н.А.Димо, П.И. Даце, Н. И. Курбатов, П. П. Розов, П. Н. Скарняков, инженерлардан С.М.Курбатов, Н.И.Хрусталевлар иштирок этдилар.

Ишчи комиссияси 1915 йил 28 октябрда бўлган ўзининг биринчи мажлисида Н.И.Хрусталева дренаж шахобчаларини куриш лойиҳасининг асослари баён этилган маърузасини тинглаб, мумкин қадар яқин вақт ичида Мирзачўлда мелиорация ишларини амалга оширишни зарур деб топди.

Кўриниб турибдики, пахта учун курашда чор ҳукумати уз мақсадидан кайтмади. Босқичма-босқич Мирзачўл ерларини, унинг тупроғини ўрганиш, тадқиқ қилиш ишларини давом эттирди. Шу ниятда ўлкага олим Николай Александрович Димо юборилди. Н.А.Димо бир канча тупрокшунос олимларни - Ю.А.Скворцов, А.А.Скворцов, А.Н.Розанов, Н.А.Панков ва бошқаларни тарбиялаб, Ўрта Осиё тупроғини урганишга муҳим улуш кўшди. Ишчи комиссияси аъзолари (М.М.Бушев, М.П.Дворниченко, Н.И.Курбатов, К.И.Хрусталевлар) эса чуқур дренажлар куриш ва Калифорния (АҚШ) қудуқларининг тажрибаларидан фойдаланиб Мирзачўлда вертикал дренажлар куришни куллашни таклиф этдилар.

1905 йилдан Россия қишлоқ хўжалиги жамияти раиси, проф.Р.Р.Шредер (кейинчалик академик), Туркистонда жумладан, Мирзачўлда катта ишларни амалга оширди. Ерларни шўрланишдан сақлашга йирик мутахасис олимлардан В.С.Мальгин, Г.К.Ризенкампфлар ҳам катта хисса кўшдилар.

1911 йилда тузилган «Сирдарё хавзасида қидирув ишлари бошқармаси» Россия дехқончилик ва ер ишлари вазирлигининг ерларни яхшилаш бошқармаси (бўлими) билан ҳамкорликда, Мирзачўлда лойиҳа- қидирув ишларини олиб борди. Қидирув-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларига таланти гидротехник Г.К.Ризенкампф бошчилик қилди. У 25 ёшли инженер бўлишига қарамай тажрибали С.Ф.Островский билан бирга Мирзачўлни ўзлаштиришнинг дастлабки чизмасини ишлаб чиқди.

Қидирув ишлари давом эттирилиб, яхши натижалар берганидан кейин Г.К.Ризенкампфга Мирзачўлда жами 500 минг десятина (540 минг гектар) ерни, шу жумладан, Мирзачўлнинг Марказий ва Жанубий қисмидаги ерларни ҳам суғориш (Бу жойларга Жиззах воҳаси ҳам кирарди) лойиҳасини тузиб чиқиш иши топширилди. У лойиҳани тузиш учун эса уз даврининг тажрибали ва мохир инженерлари, агрономлари, иктисодчилари ва бошқа мутахасисларини жалб қила олди. Сирдарёда бир канча гидростанция ларни куриб, уларнинг энергияси ёрдамида Мирзачўлнинг Жанубий қисмидаги Туркистон тизма тоғлари ён бағрида ГЭС қурилиши мўлжалланди.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1.Бора-бора мустамлакачи маъмурият учун бу, узи урнатган унитар, босқичма-босқич бориловчи ҳарбий буйруқбозликка асосланган, бошқарув тизимининг талаб ва эҳтиёжларига мос келадиган, бутунлай янги ирригация соҳасини ёки тизимини шакллантириш кераклиги аён бўлиб қолди.

2.Чор ҳукуматининг ирригация соҳасида Туркистонда ўказган мустамлакачилик сиёсати, биринчи навбатда ер ва сувдан фойдаланиш бўйича истемолчилар манфаатларига мос тушадиган, пахтачиликни ривожлантиришга асосланган, унинг манфаат ва эҳтиёжларига жавоб берадиган сиёсатдан бошқа нарса эмас эди.

3.Мустамлакачилик режимининг XX аср бошларидаги жараёни шундан далолат берадики, ўзлаштирилган ерларнинг ярмигача бўлган миқдорини кўчириб келтирилган рус дехқонларига шахсий мулк сифатида берилди. Бундай муносабат Туркистон улқаси халқларининг азалий, ер-сувга эгалик қилиш ҳуқуқларини амалда йўққа чиқаришга қаратилган эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. Кодиров. Узбекистон ирригация тарихидан лавҳалар. Т.:Халқ мероси, - 1998., 84-85-бетлар.

2. Ц.Г.А. Узб. Ф. И-18, ОП-1, Д-14323, Л-1-4. Средазгипроводхлопок архиви, Инвентарь-4473, 20,38-варақлар.

ЁШЛАР ОНГИГА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ СИНГДИРИШДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

***Р.М.Соатов**
ЖДПИ, Жиззах*

Миллий мафқуранинг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно – моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада кишиларнинг онгидаги, уларнинг маънавиятидаги ўзгаришлар, жамиятнинг оилага кўрсатаётган ижтимоий таъсири оила тарбияси амалиётида ўз ифодасини топади. Оила – ўзбек халқи учун энг муқаддас маскан ҳисобланади.

Оила мафқуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омиллардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Оила жамиятнинг негизи...Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади,

одамларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қадриятлари шаклланади”. (Каримов, 1996, 47-б)

Дарҳақиқат, жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиладан бошланади. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида бериладиган илк тушунча ва тасаввурлар боланинг мурғак қалбида бир умрга мухрланиб қолади. Бунда эса ота-онанинг саводхонлиги, шахсий намунаси алоҳида роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим. Мана, аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. (Ш.М.Мирзиёев. 2017.124-бет.)

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 8 миллиондан ортиқ оила мавжуд. Ҳар бир оила таркиби ўртача 4-5 кишидан иборат. Ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини, фуқаролар тотувлигини мустақкамлашга қаратилган мақсадларда яшайди, меҳнат қилади, фаолият юритади.

Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафқурани шакллантириш манбаидир. Миллий мафқурамизга хос бўлган илк тушунчалар оила муҳитида вужудга келади, шаклланади, оила аъзолари онгига сингади. Оила ёшларимиз онгида ватандан фахрланиш ҳиссини уйғотади ўз Ватани, ўз халқи, ўз миллати тарихига ҳурмат, миллий урф – одатларни, қадриятларни ўрганиш истакларини тарбиялайди.

Оиладаги маънавий муҳит, яъни ота-она ва оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурматга, ўзаро ёрдамга, катталарнинг шахсий ибратига асосланган муносабатлар муҳим ўрин тутади. Шу боис ота-она ўз оиласи олдидаги масъулиятини ҳис қилган ҳолда юксак маънавий муҳитнинг барқарор бўлишига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги буюк неъмат эканлигини ўз фарзандлари онгига сингдириш воситасида комил инсонни тарбиялаш ҳар бир оиланинг, ҳар бир ота-онанинг инсоний, ҳам фуқаровий бурчи эканлигини ҳар бир ота-онага англатмоқ, зарур ҳолларда эса уларни бу соҳадаги вазифаларини жамоатчилик асосида, қонун асосида эслатмоқ зарурдир.

Болани тарбиялаш жараёнида миллий ғоянинг умумбашарий қадриятлари:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- диний бағрикенглик ва маърифийлик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат;

дунёвий билимларга интилиш... сингари улуғвор қадриятлар фарзандлар тарбиясида мустаҳкам ўрин тутди

Бинобарин, маърифатпарварликни сингдиришда ота-она фақат таъкидлаш, воситасида эмас балки намуна, ибрат асосида тарбиялаш лозим. Чунки бола оилада шу намунани кузатади, идрок қилади, англайди, ҳис қилади.

Бола тарбиясига оиладан ташқари муҳит ҳам таъсир қилишини ҳисобга олиб, ота-она боланинг ташқи муҳит таъсирини тўғри қабул қилиш, ўз муносабатини билдириш ҳис-туйғусининг шаклланиб боришига кўмаклашиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни қайд этиш лозимки, оиладаги ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия негизида миллий ғояни, унинг асосий тушунча ва тамойилларини сингдириш боланинг шахс сифатида, келажақда жамиятда ўз ўрнини топа олишига, фаол иштирокчи бўлишига, маънавий дунёси бой инсон бўлиб етишувига замин яратади.

Оиладаги ахлоқий, ҳуқуқий тарбия миллий ғояни тарғиб этишга қаратилган бўлиб, қуйдаги вазифаларни бажариш лозим деб ҳисоблайман:

1. Болаларда инсонпарварлик ва ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш;

2. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун курашни, озодлик, мустақиллик учун интилишларини ифодалаш;

3. Халқимизнинг комил инсон ҳақидаги азалий эзгу орзуларини рўёбга чиқаришга қаратилиши;

4. Ёт ғояларга қарши иммунитетини ҳосил қилиш каби улуғвор мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш.

Оилада фарзандлар онгига миллий ғояни сингдиришда тарбиявий ишларни тизимли амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу тизим қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

1. Таълим ва тарбия берувчи ота-онанинг ахлоқий ва ҳуқуқий билимларга, ўз фарзандларига намуна ва ибрат бўла оладиган фазилатларга, миллий мафқуранинг асосий ғояларини англаб етиши ва ўз фарзандларига еткази олиш қобилиятларига эга бўлиши.

2. Ота-оналарнинг ўз фарзандларига бераётган тарбиялари фақат насихатлардан иборат бўлиб қолмай балки, амалий фаолиятга асосланган бўлиши керак. Ота-оналар ўз фарзандларига Ўзбекистоннинг куч қудратини, унинг туганмас бойликларини ифодаловчи фильмларни биргаликда томоша қилиш, миллий қадриятларимизни улуғловчи урф-одатлар, маросимларда биргаликда иштирок этишлари, гўзал ва улуғвор қадимий шаҳарларимизга уюштирилган саёҳатлар воситасида уларда ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш.

3. Диний экстремистик, ақидапарастлик, террорчилик каби ҳаракатларнинг ва бошқа ёт ғояларнинг фарзандларимиз онгига кириб келишига йўл қўймаслик мақсадларида бу ҳаракат, ғояларга қарши турувчи миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш воситасида мафқуравий иммунитетни тарбиялаш.

Ёшлар онгига миллий ғояни сингдиришда оиланинг ахлоқий муассаса вазифаси, оила аъзоларининг юксак маънавий камолотини таъминлашда

оила тарбиясида ҳам ўзига хос миллий хусусиятларда ўз ифодасини топган.

-оиланинг қўшни оилалар, қавми-қариндош ва бошқа оилалар билан иноқ, аҳил яшашга интилиши;

-оила тарбиясида ўғил ва қиз болалар тарбиясининг ўзига хос миллий усулда, мазмунда ота-она раҳбарлигида амалга оширилиши ҳамда фарзандларини ўзларига нисбатан ғамхўр, ҳурматли, эътиборли, эъзозли ва қадрли етиб тарбиялашни йўлга қўйилганлиги;

-оила тарбиясида ота-оналар, қарияларнинг намунаси, ўгити, насиҳати, маслаҳат бериш оилавий анъана, удум, урф-одат, қадриятлар асосида тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишлиги;

-оила тарбиясида болага оиланинг шаъни, номуси, шуҳрати, обрўси, мавқеини сақлаш, мустаҳкамлаш ва орттиришга йўналтирилган тарбиянинг амалга оширилиши;

-оилада болаларни оилавий ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ўз-ўзига, ота-она, бува-бувиларга маиший хизмат кўрсатиш ҳамда маънавий ахлоқий хулқ-атворга доир кўникма ва одатларга ўргатишнинг ўзига хослиги;

-ота-оналарнинг бола тарбияси бўйича билим даражаси маҳорати оилавий шарт-шароитларини турличалигини ҳисобга олиш;

-ота-оналар ўз фарзандларини оилада баркамол этиб тарбиялашда тарбиянинг барча методлари, усуллари, шакллари ва воситаларидан фойдалана олмасликдаги ўзига хос миллий хусусиятлар;

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек оилалари тарбиясида миллий хусусиятлар акс этиши барчага аён. Оила тарбиясидаги ўзига хос миллий хусусиятларни шакллантириш даркор. Демак, оила ахлоқий муассаса сифатида миллий ғояни тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. “Ўзбекистон” 1996.

2. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон”. 2017.

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТЛАРИ

М.Исроилов, Ш. Рустамов
ГулДУ, Гулистон

Дунёда ХХИ аср бошида иккита мафкуравий “қутб” барҳам топган бўлсада, биз яшаб турган дунё осойишта бўлиб қолмади. Эндиликда илгариги икки қутбли дунё янги аср бошида кўп “қутбли” дунёга айланиб қолди. Ташқи турли хил кучлар ўз геостратегик мақсадлари доирасида ўз интилишларини дунёнинг турли бурчакларидан излай бошладилар. Ана шундай тахликали даврларда Ўзбекистон давлатининг келажаги учун ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириши учун ўз хавфсизлигини таъминлаш асосий ўринга чиқди.

Ваҳоланки хавфсизлик ва барқарорликни муҳим кафолати биринчи президентимиз И.Каримов асарларида асослаб берилган. Бугун халқимизга шу нарса аниқ-ки, ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишнинг ягона йўли бор. Бу йўл тараққиётнинг ўзбек модели ва унинг мантиқий давоми бўлган Ҳаракатлар стратегиясида кўзланган мақсадларга эришиш йўлидаги барча имкониятлардан, ички ва ташқи омиллардан унумли фойдаланишдир. Бундай шароитда, барқарорлик ва геосиёсий мувозанат сақланиб қолган ҳолда нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа жўшқин ва собитқадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўлади[1:80].

Минтақанинг асосий хавфсизлик тайнчи ҳисобланган Ўзбекистон хавфсизлиги ва барқарорлигига асосий таҳдидлар диний фундаментализм ва экстеремизим миллатчилик ва миллий маҳдудлик, этник, миллатлараро зиддиятлар, коррупсия, уюшган жиноятчилик, экологик танглик каби таҳдидларда намоён бўлмоқда [2:9].

Бу мавжуд хавфларни бартараф этиш чоралари албатта, ҳар томонлама пухта ўйлаб чиқилган. Лекин шундай муаммолар борки, улар билан ҳисоблашмасликнинг иложи ёқ. Геостратегик тарафдан олиб қарасак, Марказий Осиёда коммуникациялар номақбул ривож топгани ва унинг тармоқлари анча бузилганини кўрамиз, иккинчидан, Марказий Осиёда сув ресурслари чекланган ва Орол экологик фалокати сезиларли таъсир кўрсатади, учинчидан, минтақада хавфсизлик тизими тўлиқ мустақкам эмас. Бу ерда атрофдаги кучли давлатлар ва сиёсий марказларнинг бири-бирига мос келмайдиган таъсир этиш истаклари ҳам борлиги, тўртинчидан, мусулмон дунёсидаги баъзи кучли мамлакатларнинг бири-бирига мос келмайдиган манфаатлари ҳам айни бизнинг минтақамизда тўқнаш келишини ҳисобга олиш зарур[3:120]. Яна шунингдек, атрофимизда турли этник, иқтисодий ва бошқа муаммолар гирдобидида қолган давлатлари мавжуд.

Шунга қарамасдан Ўзбекистоннинг хавфсиз ва барқарор тараққиётига хизмат қилувчи қудратли омиллар мавжудки, бу омиллар минтақави хавфсизлик ва барқарорлик кафолатларидан ҳисобланади.

Булар қуйдагилар:

Биринчидан: қулай стратегик жойлашув, юртимиз азалдан буюк ипак йўлида жойлашган ва ривожланиш учун бой табиий имкониятларга эга ;

Иккинчидан: халқимизнинг: бой маданий ва маънавий мероси (Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бешиги ҳисобланади) шунингдек тинчликпарварлик, меҳнатсеварлик, иродалилиқ ва меҳмондўстликка асосланган менталитети.

Учунчидан: Инглиз тарихчиси Арнолд Тойнбининг фикрига кўра “Кучли лидер” га эга давлат қудратли ва келажаги кафолатланган давлат ҳисобланади[4:47] Бу борада Ўзбекистон янада омадли ҳисобланади. Ўзбекистоннинг лидерлари томонидан илмий асосланган тараққиёт моделининг истиқболи жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингани бежиз эмас.

Тўртинчидан: Ўзбекистонинг хавфсизлиги ва барқарорлиги нафақат тадрижий иқтисодий тараққиётда, мудофа қобилятида балки фаол

соғлом дипломатияда ҳамдир. Давлатимизнинг дунё ҳамжамияти билан муносабатларидаги илғор ўзгаришлар, тинчликпарварликка ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ташқи сиёсати жаҳон афкор оммаси томонидан юксак этироф этилган. Ўзбекистон дипломатиясининг хавфсизлик кафолати шундаки, қудратли давлатлар ва халқаро ташкилотлар Ўзбекистон ва шу орқали Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликдан маанфатдордирлар.

Бешинчидан: Тараққиётнинг Ўзбек моделининг мантиқий давоми ҳисобланган Ҳаракатлар стратегияси нафақат фуқоролик жамияти пойдеворини мустаҳкамлайди, балки постиндустриал цивилизациянинг муҳим шарти ҳисобланган инновацион иқтисодиётга ўтиш орқали истиқболли ривожланишни ҳам таминлайди. Ваҳоланки инновацион иқтисодиёти қудратли мамлакатлар постиндустриал цивилизация даврининг пешқадамлари ҳисобланади.

Олтинчидан: мазкур хавфсизлик ва барқарорлик кафолатлари ҳисобланган юқорида қайд этилган омиллар самарадорлигини янада мустаҳкамлаш учун ўз навбатида инсон омилига этибор кучайтирилмоқда. Бу таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилинишида, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни кучайтириш учун олиб борилаётган ислохотларда ҳам намоён бўлади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлатимизнинг хавфсиз ва барқарор ривожланиши бундан кейин ҳам юқорида таҳлил қилинган омиллардан давлат ва жамиятнинг ҳамкорликда самарали фойдаланишларига боғлиқ бўлиб қолаверади. Ваҳоланки буюк мақсадлар йўлида ягона оилага бирлашган давлат ва жамият бундан кейин ҳам тарқаққиётга тўсқинлик қилувчи таҳдидларни бартараф этиб, ривожланишнинг устувор йўналишларини ва вазифаларини белгилаб бориши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент.: Ўзбекистон, 1997, 9-жилд.
4. С.Сафоев. Марказий Осиёда геосиёсат. Тошкент.ЖИДУ 2005.

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР

*С.Ражабова
ТерДУ, Термиз*

Мамлакатимиз хотин - қизлари иқтисодий ислохотларни амалга оширишда халқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва маърифат тизимининг барча соҳаларида ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан

иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон хотин – қизлар қўмитаси мамлакатимиз хотин – қизларини ҳар томонлама қўллаб - қувватлаб, халқаро аёллар ҳаракати ҳамда бошқа нуфузли тузилмалр билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида 1991 йил 23 феврал куни „Ўзбекистон Республикаси хотин – қизлар қўмитаси ташкил этилди. Ташкил этилган даврларда уюшма асосан тўрт йўналиш бўйича иш олиб [1]. Биринчи йўналиш: бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хотин – қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш. Хотин – қизларнинг жамиятда юз бераётган ўзгаришларда, барча даражадаги вакиллик органларида иштирокини таъминлаш, хотин – қизларнинг меҳнат бозоридаги аҳволини яхшилаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш. Иккинчи йўналиш: хотин – қизларнинг билм олишлари, касб ҳунар ўрганишлари учун етарли шарт – шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш меҳанизмини янада такомиллаштириш, хотин – қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш. Учинчи йўналиш: оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш, туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш. Атроф муҳитнинг тозалигини таъминлаш, аёллар ва болалар соғлигига путур етказувчи омолларни бартараф этиш, уларни эртароқ аниқлаган ҳолда керакли чора – тадбирларни юртимизнинг барча ҳудудларида амалга ошириш. Тўртинчи йўналиш: халқаро хотин- қизлар ташкилотлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш, сиёсат, маданият, илм – фан ва иқтисод масалалари юзасидан ахбороталмашишни йўлга қўйиш.

Республика хотин – қизлар қўмитаси мамлакатимизда мавжуд барча давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича фаол иш олиб бормоқда. Қўмита олиб бораётган бу ишлар то 1995 йилга қадар асосан ,республика миқёсида бўлиб, чет давлатларига чиқиш имкониятига тўла эга эмас эди.

1995 йил сентябр ойида Хитой Халқ Республикасининг Пекин шаҳрида Бутунжаҳон хотин – қизларининг ИВ конференцияси ўтказилди. Ушбу конференцияда мамлакатимиз хотин – қизлари вакиллари ҳам биринчи бор мустақил давлат вакиллари сифатида ўзларининг маърузалари билан қатнашдилар, ҳамда хотин – қизлар аҳволини яхшилашга қаратилган Пекин декларацияси Платформасига қўшилдилар. Пекин декларация ва Ҳаракат платформасида 21 та йўналишдаги соҳаларга алоҳида эътибор берилди. Унинг муқаддимаси ва 12 бўлими аёллар ҳуқуқлари бўйича аёллар аҳволини глобал даражада баҳолаш ва бутун дунёда аёллар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича стратегиялар, сиёсат ва чоралар тадқиқ этилган энг тўлиқ дастур ҳисобланади. Бу соҳаларда ҳукуматлар ва жамиятлар томонидан қуйидаги махсус меъёрлар қабул қилиниши кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган эди :

- Аёллар ва кашшоқлик;
- Таълим ва аёлларнинг касбий тайёргарлиги;
- Аёллар ва соғликни сақлаш;
- Аёлларга нисбатан зўравонликлар;
- Аёллар ва иқтисод;

Аёлларнинг бошқарув органларидаги қарорлар қабул қилишдаги иштироки;

Қуролли можаролар даврида аёллар;

Аёллар ва инсон ҳуқуқлари;

Аёллар ва оммавий ахборот воситалари;

Аёллар ва атроф муҳит;

Қизлар.

Хитойда ўтказилган бу конференция жуда катта ютуқларга эришди ва унда дунёнинг 189 давлатининг 170000 делегати қатнашди. Бундан ташқари 2000 йилда Нью-Ёрк шаҳрида “Аёллар 2000 - йилда: аёллар ва эркаклар ўртасида тенглик, тараққиёт ва тинчлик” деб номланган махсус сессияда ҳам республикамизнинг фаол аёлларидан вакиллар қатнашди. Ушбу сессия аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамиятда эркаклар билан баробар фаолият олиб боришларини таъминлаш борасида чора – тадбирлар кўриб чиқилди. Юқорида айтиб ўтилган сессиялар натижасида Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси фаолияти анча кенгайди [4].

Бинобарин, бу ҳужжатларда аёлларни қўллаб – қувватлаш ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан кўрсатилган вазифалар, эркаклар билан тенг билм олиш, меҳнат қилиш ва меҳнати учун бир хил маош олиш, раҳбарлик лавозимларида ишлаш, сайлаш, сайланиш, ҳуқуқига нисбатан зўравонлик, қашшоқликни бартараф қилиш каби масалалар бизнинг мустақил давлатимизда қонуний жиҳатдан ҳам, ҳал этилган бўлсада, лекин Пекин Декларатсияси ва Платформасида кўрсатилган, бизнинг мамлакатимиз учун ҳос бўлган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш мақсадида (хотин – қизлар соғлигини мустаҳкамлаш, иш ўринларини яратиш, вакиллик органларида хотин – қизлар сонини кўпайтириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш) ҳукумат даражасида Ўзбекистон хотин – қизлари масалалари бўйича янги Концепсия ишлаб чиқилди. Концепсия асосида 7 йўналишда дастурлар яратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

Республика ҳудудида қизларни турмушга тайёрлаш дастури;

Экалогия ва аёл дастури;

Республика хотин – қизларининг халқаро муносабатларни ҳамда алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар дастури;

Хотин – қизлар меҳнатини ижтимоий ҳимоя қилиш дастури;

Аёл, оила ва маҳалла дастури;

Соғлом авлод – жамият негизи дастури;

Маърифат – маънавият, таълим – тарбия ва хотин қизлар дастур [2].

Яратилган дастурлар доирасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юртимизда ҳар соҳада илғор аёллар сафининг кенгайишига сабаб бўлишда бу дастурларнинг аҳамияти катта бўлди. Уларнинг жамиятимиз ҳамда оилада ўрни жуда муҳим эканлиги яна бир бор исботини топди. 1995 йил 2 мартдаги „Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин – қизларнинг ролини ошириш чора тадбирлари тўғрисида” фармон ҳам мамлакатимиз аёлларининг жамиятни ва давлат бошқарувидаги ақл – заковати, фахм – фаросати, имкониятларига бўлган ишончининг ёрқин намунаси десак адашмаган бўламиз. 2004 йилнинг 25 майдаги Республикамизда қабул қилинган „ Ўзбекистон Хотин – қизлар

қўмитаси фаолиятини қўллаб – қувватлаш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисидаъги ПФ 3434 фармони юртимизда аёллар ва уларнинг ҳар соҳадаги фаолиятини қўллаб қувватлашда янги бир босқч бўлди. Фармон доирасида узоқ йиллар давомида юртимизда кўпгина ишлар амалга ошорилди. Фармонда аёлларнинг барча турдаги фаолиятини қўллаб – қувватлаш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб- қувватлашга доир чора – тадбирлар ўзининг аксини топган эди.

Хотин – қизларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оила, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнлаб қонунлар, 80 дан ортиқ фармон ва қарорлар, давлат дастурлари асос бўлиб хизмат қилмоқда. Чунончи, асосий Қонунимизнинг 46 моддасида хотин – қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлиги белгилаб қўйилгани уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, юртимиз равнақи йўлида бор салоҳият ва имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилишларига шароит яратмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз соҳага оид турли конвенсия, битим ҳамда шартномаларга қўшилган. Бундан ташқари 2018 йил 2 февралда “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Фармон ижросини таъминлаш борасида ҳам жуда кўплаб чора – тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Қабул қилинган қарор доирасида аёллар орасидаги мавжуд кўплаб муаммолар ўзининг ечимини топиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари: даврий тўплам. Тошкент 2000 йил. 136-137 бетлар.
2. Инсон ҳуқуқлари. Адолат 2013й. 332-335 б

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИНИНГ МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

*Д. Абдурасулова
ЖДПИ, Жиззах*

Шаҳарлар инсоннинг тамаддунига тамал тоши қўйилган жуда қадим даврлардан бошлаб жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб келган. Хусусан Ўзбекистон худудида қадимдан шаклланган шаҳарлар, шаҳарсозлик анъаналари ва шаҳар маданияти халқимиз тарихининг бой моддий ва маънавий меросини мужассамлаштириб, , минг йиллар давомида ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди.

XX асрнинг иккинчи ярмида 1990 йилларгача бўлган давр оралиғида Ўзбекистонда шаҳарларнинг шаклланиш жараёни ва уларнинг ривожланиши зиддиятли кечди. Бир томондан республикада шаҳарлар сони

ва шаҳар аҳолиси тез кўпайиб борди, иккинчи томондан эса, урбанизатция биринчи навбатда маҳаллий аҳоли эҳтиёжлари ва манфатларига ҳурмат қилмай, балки марказ манфатларига бўйсиндирилди. Бу эса шаҳарларнинг тараққиёт йўлида ва шаҳар аҳолиси ҳаётида турли муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда шаҳар маданияти ва шаҳар-с озликни юксалтириш, шаҳарларни яшаш учун янада қулай масканга айлантириш, улардаги мавжуд, иқтисодий-ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш мақсадида муҳим чора тадбирлар амалга оширилди. Республикадаги шаҳарларнинг замонавий шаҳарсозлик талабларига мос келадиган бош режалари ишлаб чиқилди ва шу асосда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан Жиззах шаҳрида ҳам замонавий саноат корхоналари, савдо марказлари, хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари маданий марказлар ҳамда спорт мажмуаларининг барпо этилиши, транспорт, коммуникация, логистика тизимининг ривожланиши, улкан бунёдкорлик ва қуришиш ишлари шаҳар тараққиётининг янги даражага кўтарилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан бутун мамлакатимизда, жумладан, Жиззах шаҳрида иқтисодиётни, ишлаб чиқариш муносабатларини маъмурий –буйруқбозлик, марказий режалаштириш механизмида эркин, бозор иқтисодиётига ўтказиш имконияти вужудга келди. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг мамлакатимиз шароитига, халқимиз турмуш тарзига хос йўли биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асарида, Республика парламентида қилган маъруза ва нутқларида, белгилаб берилган.

Жиззах шаҳрида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга киритилди. Иқтисодий ислохатларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари, президент фармони ва қарорлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Истиқлол йилларида Жиззах шаҳар халқ таълими тизимида таркибий ва мазмуний жиҳатдан катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарда таълимнинг бошқарув соҳаси такоминлашди. Шаҳар умумтаълим мактаблари тизимида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ни ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этилаётганлиги қўлга киритилган муваффақиятларнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида Жиззах шаҳрида матбуот ва оммавий ахборот воситалари сифати жиҳатдан янги ривожланиш босқичига кирди. Жиззахда Республика матбуот ва ахборот агентлигининг Жиззах вилоят бошқармаси тузилди ва фаолият юритмоқда. “Жиззах ҳақиқати” ва “Жиззакская правда” ўзбек ва рус тилларида ҳафтада икки мартадан чиқмоқда “Жиззах овози” шаҳар газетаси мунтазам равишда нашр этилмоқда. Мазкур газеталарнинг маҳаллий бошқарув, ижтимоий масалалар, маънавият, иқтисодиёт, агросаноат, қонунчилик, ҳуқуқ-тарғибот, хатлар ва оммавий ишлар бўлимлари Жиззах шаҳар ва вилоят ҳаётини, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритмоқда. Газета саҳифаларидан янги барпо этилаётган корхоналар, фермер хўжаликлари, маънавий-маърифий ва маданий ҳаёт,

спорт янгиликлари ҳақида қизиқарли мақолалар ўрин олмоқда[3. 261 б.].

Мустақиллик йилларида Жиззах шаҳрида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қамровли ислоҳатлар амалга оширилди. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш борасида асосий эътибор оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш хизматини такоминлаштириш, юқумли касалликларни камайтиришга қаратилди. Шу мақсадда Жиззах шаҳридаги довалаш-профелактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилди. Шаҳар ҳудудида вилоят юқумли касалликлар корхонаси, асаб касалликлари, онкология, эндокринология диспансерлари янги биноларга кўчириб ўтказилди, ўсмирлар маслаҳат поликлиникасида ташкил этилди. Бу тиббиёт масканлари янги замонавий тиббий ускуналар ва ва хижозлар билан таъминланди [3. 269-б.].

Бу табаррук шаҳар заминида аждодларимизнинг меҳнати билан яратилган меъморий обидалар, асори атиқалар, санъат намуналари сақланиб қолган. Шаҳар кўплаб қирғин-борот жангларда вайрон бўлишига қарамай, қайта-қайта ўз ўрнида тикланаверган. Шаҳар бағрида яратувчилик ишқи билан ёнган янги-янги авлодлар туғилиб, унинг навқиронлигини сақлаб келмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., 1994.
2. Ҳ.Хайдаров. Жиззах вилояти тарихи. Т., Меҳнат. 1996.
3. Ҳ.Хайдаров., Қ.Усмонов. Жиззах тарихи. Т., Ўқитувчи, 2009.

ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ НА ПЕРВОМ ЭТАПЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ

*А. Валиев, Н. Халилов
ЖДПИ, 1-сонли мактаб, Жиззах*

Одним из главных направлений укрепления материального положения трудящихся является осуществление комплекса мер по социальному и пенсионному обеспечению тех членов общества, которые, еще не могут или уже не могут принимать участия в производстве.

Накануне обретения независимости, обозначившиеся негативные процессы сказались на ухудшение материального положения пенсионеров. Между тем их число в Узбекистане с каждым годом возрастало. На начала 1991 года уже каждый десятый житель республики был пенсионером, а на каждые 100 человек в трудоспособном возрасте их приходилось до 24. К 1990 г. более 1,5 млн. человек получили пенсии по возрасту (29 тыс. из них – одинокие), 229,3 тыс. – по инвалидности и 201,6 тыс. – по случаю кормильца [5. с 29]. А расходы на пенсионеров в Узбекистане составляли менее 10% национального дохода (для сравнения: в ФРГ – треть).

В республике к 1990 г. имелось 32 дома – интерната, два санатория на 10650 мест, 254 отделения социальной помощи, обслуживавшие 22 тыс. престарелых и инвалидов, три профессионально-технических училища

для инвалидов. Однако для обеспечения нормального социального обслуживания 2,2 млн. пенсионеров и 1,2 млн. человек, получавших пособия, всего этого явно недостаточно. Большинство домов-интернатов оказались размещенными в приспособленных зданиях, их материально-техническая база давно устарела и нуждается в замене.

Проблемы обострились в связи с вхождением республики в систему рыночных отношений и растущей несбалансированностью народного хозяйства. Ощутимый удар по материальному положению пенсионеров оказало непродуманное повышение цен в апреле 1991 г. и особенно обвальная «либерализация» цен, предпринятая в начале 1992 г.

На I съезде ветеранов Узбекистана, первый Президент республики И. А. Каримов отмечал: «То государство считается государством, уважающим себя, та цивилизация может считать себя цивилизацией, если они могут защитить своих стариков, своих детей, своих инвалидов» [1. с. 2]. Министерством Социального обеспечения Республики Узбекистан была разработана «Концепция о создании единой системы социальной защиты населения Республики рассчитанной до 2010 года».

До 1 июля 1994 года в республике действовал Закон «О государственном обеспечении граждан в СССР» который был принят 15 мая 1990 года. Большинство статей этого закона уже не отвечало требованиям рыночной экономики и не совпадало с национальной спецификой Узбекистана.

По этому, в качестве первого этапа концепции было создание проекта пенсионного закона независимого Узбекистана. На тринадцатой сессии Верховного Совета Республики Узбекистан двенадцатого созыва, от 3 сентября 1993 г. был принят Закон «О государственном пенсионном обеспечении граждан Республики Узбекистан». С вступлением в силу с 1 июля 1994 года данного Закона, во всех областях Республики проводилась всесторонняя разъяснительная работа. Только по г. Ургенчу Хорезмской области в 31 махалле и в крупных организациях города была проведена разъяснительная работа при активном использовании средств массовой информации [2. с. 58].

Новый закон «О пенсионном обеспечении» ввел двухуровневую систему пенсий. Первый уровень являет собой базовую пенсию для всех, достигших пенсионного возраста, и колеблется от одной до пяти минимальных заработных плат. Исключение составляют инвалиды III группы и некоторые лица, получающие пенсии по случаю потери кормильца – для них пенсия установлена в размере половины минимальной оплаты труда.

Второй уровень увеличивает пенсию в зависимости от стажа работы и размера предыдущего заработка, однако не указывает ее с прежними взносами.

В соответствии с новым законодательством количество получающих пенсии уменьшалось за счет: 1) родителей – инвалидов, переведенных из списка получающих пенсию в список получающих семейные пособия; 2) лиц, чей трудовой стаж недостаточен, переведенных в категорию получателей социального пособия; 3) безработных, которые уходят на пенсию досрочно и получают выплаты из Фонда занятости.

По новому закону отменены надбавки к пенсиям иждивенцам, лицам старше 80 лет, инвалидам войны, а также слепым и одиноким инвалидам.

В 1993 году было принято семь Указов Президента, которые были направлены на социальную защиту наиболее уязвимых слоев населения, а именно пенсионеров, в период перехода к рынку.

В соответствии с Указами Президента от 28 апреля и 1 октября 1993 года ко Дню Победы и Дню пожилого человека выплачены единовременные вознаграждения 121,3 тыс. инвалидам, участникам отечественной войны, их семьям и более 1,5 млн. пенсионерам на общую сумму соответственно 1 млрд. рублей [3. л. 21].

Согласно постановлению Кабинета Министров от 27 мая 1993 года №258 за период с июня по декабрь 1993 г. Для выплаты 23,4 тыс. инвалидам денежной компенсации за бензин от концерна «Узгоском-нефтепродукт» получены средства в сумме 580,3 млн. рублей [3. л. 22].

В рассматриваемый период в Республике проживало около 10 тысяч человек, принимавших участие в ликвидации последствий аварии на Чернобыльской АЭС. 2,285 из них были признаны инвалидами и получают пенсии по инвалидности. 180 семей умерших вследствие болезни, полученной при ликвидации последствий аварии, получают пенсии в связи с потерей кормильца.

Условия и порядок назначения пенсий чернобыльцам определены постановлением Президиума Верховного Совета и Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 1992 года «О социальной защите проживающих в Республике Узбекистан граждан, пострадавших вследствие чернобыльской катастрофы».

Принимавшие участие в работах в зоне отчуждения имели высокие заработки. С 1 сентября 1992 года в соответствии с Указом Президента от 24 августа 1992 года пенсии чернобыльцев стали в десять раз превышать средние размеры пенсии в целом по республике. Часть их получилась в размере 105- 270 тысяч рублей, у десяти человек – от 375 до 480 тысяч, у двух же – более 480 тысяч рублей [4. с. 2]. Но при этом в 1993 г. более чем 80% инвалидов – чернобыльцев пенсии в 20-30 тысяч рублей, у семей умерших – 12-13 тысяч.

С целью совершенствование по обеспечение льготами инвалидов и пенсионеров действующими законами, Указами Президента, постановлениями правительство и приказами Министерство Социального Обеспечение, подготовлены категории списков граждан имеющих право пользования льготами. К концу 1995 г. количество граждан пользующихся льготами составила 140704 чел [3 л. 11].

Таким образом, последние годы изучаемого периода произошло заметное улучшение по социальному обеспечению трудящихся, завершилось законодательное оформление социального обеспечения отвечающим национальную специфику Узбекистана и оно стало Очеловеченным. В перспективе эти законодательные акты начали давать положительные результаты.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Рахимов Б. «Вместе со всеми»/ Правда Востока 1993 13 апреля.
2. Самандаров А. Забота о пенсионерах. // Сельское хозяйство Узбекистана 1995 №4 с.58.
3. Текущий архив М. С. О. Р. У. Фонд № 96 опись 1. Ед. ХР. 3569 л.21., л.22 – Справка об итогах финансово - хозяйственной деятельности учреждений и организаций социального обеспечения и проведению экономических реформ в отрасли за 1993 год», Ед. Хр. 3586 л. 11.
4. Умурзаков Б. Х. «Пенсии Чернобыльцам»./ Правда Востока. 1993 14 август.
5. Ходжаева С. А. Социальная защищенность человека – первейший приоритет// Человек и политика. 1991. № 8 С. 29.

ТАЛАБАЛАРНИ АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ЎРТА АСРЛАР БАДИИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Б. Миркомиллов
ЖДПИ, Жиззах

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибалар асосида оилӣ таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишга аълоҳида урғу берилган [Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами.]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Ёшларнинг онгутафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифалар”дан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди [Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.]. Шу маънода жаҳон қадриятларига айланган, бой миллий қадриятлар қолдирган аждодларимиз тарихий меъросларини пухта ўрганиш зарурлиги ва муҳимлигига эътибор қаратамиз.

“Ўрта асрлар тарихи” курсини ўрганиш жараёнида талабаларни аждодларимизнинг бадиий қадриятлари билан таништиришда кенг имкониятлар мавжуд. Масалан, Ўрта Осиёда Шарқ Уйғониш (Ренессанс) даври бадиий қадриятларини ўрганишда қуйидагиларни ажратиб кўрсатамиз:

тарихий – маданий мазмунда ушбу давр бадиий қадриятларининг юксак ривожланиши;

адабий – бадиий асарлар ва тарихшунослик китобларига бадиий миниатюра - кўرғазмаларининг пайдо бўлиши; Темур ва Темурийлар даври (XXV – XV асрлар) рассомчилиги;

XVI аср – безакли ва миниатюра – кўрғазмали рассомчилик, унинг характеристикаси ва функционалиги;

Шарқ шоирларининг асарларига иллюстратсиялар яратувчи миниатюрачиларнинг исмлари;

Жаҳонга машҳур мусаввир – миниатюрачи – бизнинг аждодимиз К.Бехзоднинг, жумладан, буюк Темурга бағишланган (“Зафарнома” га иллюстратсиялари) ижоди;

Шарофуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”га (буюк Темурнинг ғалабаларига) бағишланган миниатюра асарлари;

Ўрта асрларда яратилган, бизнинг давримизгача жаҳон бадиий қадриятлари қаторидан ўрин олиб келаётган миниатюра рассомчилиги асарларини идрок этиш.

Ўрта Осиё Уйғониш даври бадиий қадриятларининг Ўрта асрлар, кейинги даврлар, бизнинг давримиздаги роли ва аҳамиятини умумлаштириш.

Талабаларга қуйидаги билимлар тақдим этилади:

Ўрта Осиё кўрғазмали бадиий санъати - миниатюра санъати Ўрта асрларда юксак ривожланиш даражасига эришди, бунга ижтимоий-тарихий ривожланиш, даврнинг долзарб вазифалари, ишлаб чиқарилган маънавий ва бадиий қадриятлар сабаб бўлди.

Китоб рассомчилиги Ўрта асрлар жамияти одоб – ахлоқ қоидалари ва дунёқараши, эстетик ғоялари, қаҳрамонлик – ватанпарварлик дostonлар ва халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ бўлган маҳаллий бадиий анъаналар билан боғлиқ бўлган.

Уларда даврнинг ижтимоий буюртмаси ва гўзаллик тўғрисидаги асарлар давомида шаклланиб келган, барқарор халқ тасаввурлари акс эттирилади.

Ўрта Осиё Ўрта асрлар миниатюраси нодир ва катта қимматга эга. Улар билан фақатгина миллий музейларимиз эмас, балки бутун дунё музейлари фахрланадилар.

Ўрта Осиё миниатюраси тўғрисидаги маълумотлар Темур ва Темурийлар даври – Темур ренессанси давридан бошланади. Булар Бухоро, Хирот ва Самарқанд мактабларининг китоб бадиий иллюстратсиялари.

Темур ва Темурийлар даври миниатюра рассомчилиги (XIV – XV асрлар).

Деворларга сурат чизиш. Унда кучли маҳаллий колорит билан Ўрта Осиё миниатюраси таъсири сезилади.

Жиҳозларни безатиш пейзажли рассомчилиги пайдо бўлди.

Пейзажли рассомчилик деворларни безатишда, мисол учун Самарқанд мақбараларида кузатилади. (ганчга кўк ранглар ва олтин ранглар билан бажарилган дарахтлар, буталар, гуллар, шамолдан эгилаётга ёки тик ўсган дарахтлар ёки жаннатмакон боғлар). Чинор, сада, сарв, баланд тераклар, ҳурмо дарахти, гуллаган ёки мевалари пишган дарахтлар мотивларидан фойдаланиш кузатилади. Ушбу мотивлар XVI-XVIII асрларда нақшлар рассомчилигида ҳам мавжуд бўлди.

Кейин табиий фан – аллегорик рассомчилик пайдо бўлди: рассомларни ҳаётий кўринишларга яқинлаштирувчи ҳайвонлар тўғрисида (оҳулар, қоплонлар, қуёнлар, қушлар), ўсимликлар, юлдузлар тўғрисида.

Деворларни суратлар билан безатиш сюжетли мазмунлари жуда кенг: шохнинг, унинг қариндошлари, сафдошлари портретлари, сарой тантаналари, юришлар ва жанглер, ов ва сайрлар саҳналари. Мисол учун, Улуғбек обсерваториясида – тўққиз осмон, “осмон гумбази, қуёши”, юлдузлар, иқлим, тоғлар, денгиз, чўл ва бошқалар.

Миниатюра рассомчилиги- Ўрта аср Уйғониш даври ажойиб ҳодисаси. Унга чизиклар, шакллар, ранглар билан ифода этилган ёрқин гўзаллик хос, у ҳар ким учун тушунарли ва таъсирчан, узок ўтмиш даврида аждодларимизга ўз гўзаллигини ҳадъя этган ва намоён этиб, ҳозирги кунгача ўзининг жозибасини сақлаб келмоқда. Лекин мана шу ташқи кузатиш орқасида мураккаб мазмун, чуқур маъно ётади, улар махсус тайёргарликни талаб қилади.

Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий, Деҳлавийларнинг асарлари рассом – миниатюрачилар орасида энг машҳур бўлган.

Миниатюра рассомчилиги сюжетлари ҳукмдорнинг давлатни бошқариши ва уни улуғлаш, унинг жанговор мардлиги – жанглари, ов, донишмандларнинг фалсафий суҳбатлари ва мунозаралари, саройдаги катта базмлар ва тадбирлар кўринишларидан иборат бўлган.

Миниатюра рассомчилигининг йўналиши: замондошимиз хусусиятларини, маънавий қизиқишлари ва ўқувчиларнинг дидларини шакллантириш.

Рассом – миниатюрачилар асар мазмунини ифода этиш учун мос шаклини топганлар. Асосийси – аниқ бир кўрсатилаётган ҳодисанинг моҳиятини, унинг ғоясини кўрсатиш. Ҳодисалар кўтаринкилик, ҳатто киноя мазмунида берилади. Бу тасвирлаш воситаларини пухта танлашни талаб қилади. Шартлилик, киноя ва шу кабилардан фойдаланилади. Инсонларни, архитектура иншоотларини, пейзажни тасвирлаш қатъий қонунлари бўлган, лекин асосийси – тасвирланаётган ҳаётнинг ҳақиқийлигидир.

Достонлар ва қиссаларда ҳаёт тасвирланганлиги сабабли миниатюраларда фақатгина ҳукмдорлар эмас, балки ҳаёт мазмунини ифода этувчи хунармандлар ва бошқа инсонлар ҳам учрайди. Ҳаёт ўзининг барча ёрқин, бахтли ва ташвишлари билан акс эттирилади. Миниатюраларда жамият, халқ ғоялари, гўзаллик тўғрисидаги тасаввурлар ўз ифодасини топади, дунёнинг гўзаллиги очиб берилади.

Ўрта Осиё миниатюрасига хос бўлган хусусиятлар ҳаётга ишонч ва қувонч билан қараш; бадий умумлаштириш; кўтаринки руҳда талқин қилиш, кўп қиррали ҳикоя қилиш; киноялилик; ҳаётни диққат билан кузатиш; кўринишлари, шакли гўзаллигига, ёрқин манзараларга интилиш, доно мушоҳада, хушмуомилалик ҳолатларини кўрсатиш кабилардан иборат.

Ўрта Осиё миниатюраси ёрқин ифодали, мардонавор, аниқ тузилиш ва сода композитсияси билан ажралиб туради; нафис, уйғунлик, манзарали; унда маҳобатли пейзаж лўнда соддалиги, ортиқча ифодаларнинг йўқлиги; сюжетларни жанрли талқин қилиш; ўзига хослик, индивидуаллик; расм-русум ва одатлар; бахт рамзи – гуллаб яшнаган боғ образи; дарахтлар – ҳаёт рамзи, тоғлар манзаралари, водийлар.

Ўрта Осиё XVI аср миниатюраси рассомчилигида катталаштириб кўрсатиш, иштирокчилар, тасвирланаётган кўринишлар камлиги, вазминлиги, табиат манзараси, пейзажи оддийлиги, композитсияси яққоллиги, аниқ кўринишлилик, гавда тузилишлари ифодаси, ранглар уйғунлиги, тасвирлаш воситаларининг лўндалиги, ўзбек халқига хос ифодалар мавжуд.

Мисол учун қўлёзмаларга иллюстратсиялар:

Навоий – “Хамса”, “Фотиҳнома”, “Тарихи - Абулхайр”.

Низомий – “Хамса”.

Жомий – “Тухватул Аҳрор” ҳамда Саъдий, Дехлавий, Фирдавсий ва бошқалар асарлари.

XV – XVI асрлар – миниатюра санъати ривжланиши чўққиси даври. Машҳур мусаввир – миниатюрачи Камолиддин Беҳзод XV асрда ўзини намоён қилди. Беҳзод тенги йўқ маҳоратга эга. Унинг ижоди мукамаллик чўққисига эришди. Рассом ўз бадиий тамойилларини гавдалантиради. Унинг маҳорати мукамал, манзаралари ажойиб, портретли тасвирлари ифодали, тасвирий схемаси янги ва ўзига хос, композитсия ечимлари инноватсион. Унинг миниатюралари руҳлантирувчи, индивидуал, такрорланмас, ягона.

Беҳзоднинг ижодида буюк Темур мавзуси “Зафарнома” асарига миниатюралар – иллюстратсияларда катта ўрин эгаллайди. Рассом Темурнинг - жаҳонни забт этган саркарданинг жандлари ва юришлари сюжетларини тасвирлайди. Эгилган шохлари ва олов каби қип-қизил рангли барглари билан ёлғиз дарахтлар, ғаройиб тузилишдаги ҳарсанглар билан тоғ бағирларидаги жанглер саҳналари уни айниқса, қизиқтиради (буларнинг барчаси хавотирли – эҳтиёткорликни ифода этади). Жангчилар от чоптириб борадилар, мардонаворлик, дадиллик билан жангга киришадилар, ўқ-ёйлардан ўқ узадилар, найзаларни душманга қаратадиллар, ботир жангчилар қилич ялонғочлайдилар.

Беҳзод миниатюралари динамикаси кучли; инсонлар кескин ҳаракатларда, отлар шиддат билан елиб боради; барчаси кескин бурилишларда, шиддатли қарама-қаршилиқлар.

Композитсияси жуда кескин – гўё портлашга тайёр ҳолатдаги вулқондек.

Ранглар туслари жуда ажойиб. Ранглар туслари яққол – аниқ кескин ўтишларга бой: ҳаво ранг тўқ қизил ранг билан ёнма-ён; яшилдан қизил - олов рангга ўтишлар, сариқдан бинафша рангга ўтишлар кузатилади.

Рассом дунёни, буюк Темурийнинг жанглари шундай кўради – барча манзаралар ҳақиқий, ишончли ва бадиий умумийликка эга метафорик – рамзий ифода этилган. Тарихий аломатлари ва чуқур тарихий мазмунлари миниатюра – иллюстратсияларнинг хусусиятлари ҳисобланади.

Беҳзоднинг миниатюрасида инсонлар фаол, барчаси ҳаракатда ва мазмунли бажарилган [Исмаилова, 2000, 4-5-бетлар.].

“Беҳзод бутун вужуди билан берилган инсон бўлганлиги сабабли ҳаётни барча кўринишларда тасвирлаш ва чуқур англаб етишга тинимсиз интилиши унинг фаолиятининг асосий мазмуни бўлган” [Исмаилова, 2000, 4-9-бетлар.].

Беҳзоднинг ижоди – Осиё ва Ўрта Осиёда Ўрта асрлар рассомчилигида Ренессанс рамзидир.

Беҳзоднинг руҳлантирувчи миниатюралари – кейинги даврлар, шу жумладан, бизнинг давримиз рассомлари учун миниатюра санъати намунаси – барчани ҳайратлантириб келган ва барча авлодлар олқишига сазовор бўлган.

Беҳзод Ўрта Осиёда рассомчилик Юксак Уйғониш даврини бошлаб беради. Унинг бадиий тамойиллари ва анъаналари Ўрта асрлар Осиё, эрон бадиий мактабларида кўзга ташланади.

Тарихшунослик китобларига XVI аср ва кейинги асрлар кўплаб рассом – миниатюрачилари иллюстратсиялар яратадилар. Бу йўналишда рассом Шарофиддин Али Яздий катта ҳиссасини қўшади. У Ўрта Осиё миниатюраси услубини яратади. Айниқса, буюк Темур, унинг юришлари ва ғалабаларига бағишланган “Зафарнома” асарига иллюстратсияларда намоён бўлади. Рассом – миниатюра иллюстратсия устаси Маъсуди Усманий Кухистоний ҳам ушбу санъат тури ривожланишига катта ҳиссасини қўшган. Унинг асарлари Абулхайрхон ва Чингизхон тарихларига бағишланган.

Ўрта Осиё бадиий қадриятлари, хусусан, Уйғониш (Ренессанс) даври миниатюралари Ўрта аср ва экинчи юз йилликлар бадиий маданияти, рассомчилиги (миниатюра санъати) юксак ривожланишга асос бўлди.

Шундай қилиб, талабалар Ўрта Осиё Уйғониш даври бадиий қадриятлари нима эканлигини эслаб қоладилар:

Бу: жиҳозларни, буюмларни, асосан турар жойларни ва мақбараларни безатиш учун маҳаллий манзаралар билан деворий рассомчилик (табиий ва хатто космик мотивлар; ҳумдорлар портретлари, сарой ва давлат ходисалари билан);

Поэтик асарлар ва тарихшунослик китобларига, шу жумладан, Темурнинг ғалабалари “Зафарнома” китобига миниатюра бадиий – иллюстратив рассомчилик;

Ўрта Осиё миниатюраси ўзига хосликлари, ўз хусусиятларига эга(миллий колоритли ва тарихий ҳақиқий);

XVI аср машҳур мусаввир – миниатюрачилари: Султон Али, Абдулла Маҳмуд Музахҳиб, Муҳаммад Қосим ва кўплаб бошқалар, Навоий, Низомий, Жомий, Саъдий, Деҳлавий, Фирдавсий ва Шарқнинг бошқа шоирлари асарларига иллюстратсиялар яратадилар.

Ажойиб рассом – бизнинг аждодимиз, машҳур Камолиддин Беҳзоднинг ижоди, айниқса, “Зафарнома” тарихий китобига ва Низомийнинг “Искандарнома” асарига иллюстратсиялари Ўрта Осиё миниатюра рассомчилиги гуллаб яшнашига асос бўлди. Ушбу асарларда фақатгина тарихий ҳодисалар эмас, балки чуқур тарихий мазмуни ҳам очиб берилган;

Ўрта Осиёда Юксак Уйғониш даври бадиий қадриятлари (деворларга сурат чизиш, бадиий – иллюстратив миниатюралар) – сўзсиз Ўрта Осиё Ўрта асрлар бадиий маданиятида Ренессанс юксалиши омили, рассомчилик ривожланиши, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларда кейинги йилларда тасвирий санъатда юксак бадиий қадриятлар пайдо бўлиши бошланиши тарихий – бадиий асосдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

3. Исмаилова Ж. “Беҳзоднинг ижодий методи”. Санъат журнали, № 2 Т., 2000, 4-5-бетлар.

4. Исмаилова Ж. “Шарқ миниатюраси”. Санъат журнали. № 2, Т., 2000, 4-9 бетлар.

ИСТОРИЧЕСКОЕ СОЗНАНИЕ В КОНТЕКСТЕ ПАТРИОТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ

М. Н. Меликова
Сам ГИИЯ, Самарканд

Современный научно-исследовательский дискурс ставит задачу рассмотрения соотношения патриотизма и исторического сознания общества.

Историческое сознание как важнейший элемент сознания общества едва ли возникло бы и тем более приобрело столь жизненно необходимое значение, если бы у общества не было в нем потребности. Считаем уместным отметить, что через господствующие в обществе на том или ином этапе его развития производственные отношения историческое сознание, несомненно, влияет на сферу общественного материального бытия, которое, как известно, не может успешно функционировать без сопоставительного анализа по времени уровней и темпов своего развития, сравнительных показателей успехов прошлого с существующими, без соотношения их с характером развития в настоящем и возможными последствиями в будущем.

Глубоко и органично пронизывая всю систему общественных отношений: политических, правовых, национальных и других форм сознания, историческое сознание, будучи в то же время относительно самостоятельным образованием, выполняет ряд таких существенно важных задач, которые не в состоянии выполнить никакие другие формы общественно сознания.

Влияя на процесс конструирования социальной реальности, историческое сознание формирует коллективную и индивидуальную идентичность, и легитимирует сложившиеся демократические практики и деятельность политических партий и иных общественных институтов. Являясь совокупностью многообразных стихийно сложившихся или созданных наукой форм, в которых социальный субъект фиксирует, оно осознает свое прошлое и движение во времени историческое сознание включает в свой объем эстетические, эмоционально-чувственные и нравственные компоненты [5, с.35].

Тем не менее, до сих пор, в имеющейся историко-методологической литературе нет достаточного единства по вопросу функциональной значимости исторического сознания в жизни общества. С одной стороны, этому виной является неразработанность исторического сознания в теоретическом и практическом отношении, а в другом - выявленная односторонность подхода к его многогранному и сложному содержанию.

Важнейшим элементом общественного сознания является историческое сознание, т. е. совокупность представлений общества и отдельных социальных групп о своем прошлом и прошлом человечества. Историческое сознание сохраняет память о коллективном опыте, пережитом нацией вместе, и потому работа с ним профессиональных историков очень важна. Историческое сознание имеет сложную структуру и может выражаться как в элементарной форме расплывчатых, эмоционально окрашенных представлений о прошлом, почерпнутых благодаря собственному жизненному опыту и средствам массовой информации, так и в форме научных, систематических знаний об истории. В процессе социализации личности (приобретения ею нормальных навыков жизни в обществе) историческое сознание является необходимым средством воспитания, формирующим коллективные, базовые представления о становлении и развитии тех социальных общностей, к которым мы принадлежим.[2, с. 327]

Нравственная составляющая, присутствующая в структуре исторического сознания, проявляется через чувство патриотизма, которое определяет основные направления социального поведения граждан и призвана отражать высший смысл жизни и деятельности человека. Патриотизм – это деятельность, которая призвана подвигнуть человека на отстаивание интересов своей страны, знание и уважение истории «большой» и «малой родины», уважение традиций; чувство гордости и понимание необходимости в преодолении негативных тенденций в ее развитии.

Патриотизм как социальное чувство всегда был неотъемлемой стороной нравственного сознания. Но стороной относительно самостоятельной, позволяющей рассматривать его как особое и не маловажное явление в содержании нравственных устоев общества.

Для того чтоб понять механизм взаимной зависимости исторического, сознания и патриотического, необходимо будет остановиться на более или менее однозначном истолковании понятия «патриотизм», поскольку в литературе как научной, так и публицистической можно обнаружить не только неточные его характеристики, но и даже определения далекие от верного понимания его действительной природы.

Сегодня система патриотического воспитания масс оказалась на плечах людей преимущественно старшего поколения, на плечах ветеранов войны и ветеранов труда. И в этом нет ничего удивительного, поскольку они являют собой живую историю, владеют огромным объемом исторического опыта, который в меру своих сил стараются передать молодому поколению.

Патриотизм, на наш взгляд, это исторически сложившееся выражение социального чувства любви и заботы о своем Отечестве, о его судьбе. Именно об этом же говорит и происхождение термина «патриотизм», в основе которого лежит греческое слово «patris», обозначающее «отец», родитель. Отсюда же, как известно, ведет свое начало и слово «патристика», как учение святых отцов христианской церкви. Но человек не живет изолированно от других, т.е. в «вакууме» и неразрывно связан с другими родственниками. Он всегда принадлежал к определенному роду или племени, населявшему определенную жизненно необходимую территорию и получавшую

название Родины, отчизны. Эти понятия со временем тесно переплелись и поэтому чувство любви к отечеству, преданности ему, заботы о нем и превратились в любовь к Родине, то есть ко всему, что связано с отчизной и ее функционированием. Патриотизм как социальное чувство, неизбежно расширяло свое содержание, обогащалось за счет включения в него, так или иначе значимых элементов как привязанности к родной земле, родному языку, традициям и т.п. Кроме того, с формированием наций и национальных отношений это социальное чувство стало обозначать и чувство более широкого масштаба, т.е. любовь к своей нации, народу, к национальным корням и ценностям.

Однако односторонняя абсолютизация патриотических начал способна привести к тенденциям националистического характера, превращающим его в итоге в настоящий шовинизм. Вот почему воспитание и формирование настоящего патриотизма должно вестись в единстве с идеями интернационализма, бережного отношения к интересам других народов и наций.

Механизм взаимопроникновения исторического и патриотического сознания относительно прост, поскольку и то и другое опирается на исторические корни, на знания людей о своем как недалеко, так и отдаленном прошлом. И чем достойнее и правдивее эти знания, тем прочнее они укрепляются в различных формах исторического сознания, в том числе и патриотического.[3, с.55]

Едва ли кто будет возражать, что яркие исторические факты, такие как подвиг Ширака в период борьбы с персидскими захватчиками, или отвага Джалалиддина Мангуберды в войне с монголо-татарскими захватчиками, наконец, непоколебимость наших джадидов в борьбе за просвещение народа не сыграли своей роли в укреплении патриотизма. Причем не обязательно, чтоб эти факты касались военных действий и побед. Они свойственны и другим областям человеческой деятельности, как, например, утверждения приоритетов в развитии знаний и достижений наших соотечественников Беруни, Фараби, Ибн Сино, Улугбека, Алишера Навои, Камалиддина Бекзода и многих других в сфере науки, литературы, искусства.

Не надо объяснять, что источником патриотизма является общность исторической судьбы, выраженная в общности переживаний народа, совместного переживания радости и горя. Созвучность, общность пережитого передается из поколения в поколение, закрепляется в народной памяти через культурные традиции и другие формы исторического сознания. И, говоря словами И.А.Каримова: «Невозможно осознать себя без знания правдивой истории» [1, с.175].

Историческое сознание является основой для патриотического воспитания, способно поддерживать, укреплять и транслировать традиции воспитания патриотизма, что актуально в эпоху трансформации социальных и политических институтов, в условиях смены форм и типов социальных идентичностей, характера взаимоотношений граждан и государства, и, в конечном счете, переосмысление духовных ценностей.

Патриотическое воспитание молодежи в нашей стране носит системный

характер. Субъектами патриотического воспитания являются органы государственной власти, образовательные, общественные организации, и учреждения, иные субъекты патриотического воспитания, формирующие гражданскую позицию, готовность к выполнению гражданского долга и конституционных обязанностей.

Патриотическое воспитание представляет собой целенаправленный процесс формирования морально-нравственных, этических и эстетических установок молодежи, формируя патриотические чувства. Патриотическое воспитание представляет собой важнейшую воспитательную технологию, которая используется субъектами патриотического воспитания в соответствии с Указами Президента, основами государственной молодежной политики в Республике Узбекистан.

Формируя сознательный патриотизм в собственной стране, сочетая его с общечеловеческими ценностями, мы достигнем того, что наши национальные традиции и ценности будут бережно передаваться от поколения к поколению, что позволит нам осознавать себя нацией или народом[6].

Нельзя не отметить тот факт, что все народы очень трепетно относятся к собственным национальным традициям, всемерно укрепляют патриотические настроения, организуют самые различные формы патриотического движения.

И, если мы дорожим будущим, то должны всеми силами, в том числе используя историческое сознание во всех формах его проявления не только возродить, но и широко пропагандировать это благородное и возвышенное чувство, которое называется патриотизмом.

БИБЛИОГРАФИЧЕСКИЙ СПИСОК:

1. Каримов И.А. Без исторической памяти нет будущего. Свое будущее мы строим своими руками. Соч., т.7, Узбекистон, 1999.
2. Жураев Н. Тарихфалсафасинингназарийасослари. Т., Маънавият, 2008.
3. Ельчанинов В.А. История - наставница жизни (Социальная и познавательная специфика истории и ее роль в нравственном формировании личности). - М., 1984.
4. Саифназаров И., Нуритдинов Ё. Великие ученые мыслители Центральной Азии периода Восточного Ренессанса. - Т., ТГЭУ, 2005.
5. Рахимов Р., Файзиев Ф. Ёшлар дунёқарашили шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. Т., Ўзбекистон, 2008.
6. Файбуллаев О. Ёшлар онгига истиқдол ғоясининг сингдиришининг ижтимоий моҳияти ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 2005. 12-сон, 80-бет.
7. Роль национального самосознания в формировании жизненной позиции молодежи Узбекистана. // Общественные науки в Узбекистане. - Ташкент, 2003. - № 6. - С. 53- 56.

ИЖТИМОЙ-МАИШИЙ ИНФРАСТРУКТУРАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ (ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИ МИСОЛИДА)

Б.Насиров
ЖизПИ, Жиззах

Этнография учун халқнинг келиб чиқиши, ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари, кийиниш тарзи, миллий пазандачилик, бинокорлик ва миллий ҳунармандчилик билан боғлиқ барча жараёнлар фаннинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Аҳоли ҳаётининг миллий-этник хусусиятига хос бўлган барча жиҳатлар қайси давр бўлишидан қатъий-назар этнографиянинг қизиқтириб келган. Шу учун ҳам узоқ асрлар давомида шаклланиб келган, аммо рус босқинидан кейин маънавий-мафкуравий таҳдид исканжасида қолган халқимизга хос миллий ҳунармандчилик, урф-одатлар, анъана ва қадриятларнинг совет тузуми давридаги ҳолатини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ўтган асннинг 20 йилларидан бошлаб Ўзбекистонда аҳолининг кундалик турмуш тарзидаги муаммоларни, хусусан, уй-жой, маиший хизмат, озиқ-овқатлар ва кийим-кечакларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда маҳаллий аҳолининг кўп асрлик маънавияти, қадриятлари ва урф-одатлари эътиборга олинмади. Бунинг оқибатлари эса ўз ўрнида халқнинг турмушида ўз аксини топди.

Аҳолини маиший ҳолатини ва маънавий-маданий савиясини юксалтириш ишларини кенг қўламда олиб бориш мақсадида, республикадаги шаҳар кенгашлари ҳузурида маиший секциялар ташкил этилди. Улар ўз фаолиятларида шаҳарда истиқомат қилаётган аҳолини маиший ҳолатини ўрганишлари, уй-рўзғорда маиший ҳолатини яхшилаш бўйича тўғарақлар очишлари, айниқса, жойларда умумий ошхоналар очилишини ташкиллаштиришлари белгиланди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, бундай умумий овқатланиш муассасаларига маҳаллий миллат аёллари юзларини очган ҳолда келишлари талаб этилган эди (Собчак, 1971. Б. 19-20).

Ўша даврда Ўзбекистондаги кўпгина қишлоқлардаги аҳоли европача бичимида тикилган кийимларни ахлоқий урф-одатлардан келиб чиқиб қабул қилиша олишмаган. Унинг ўрнига маҳаллий тикувчилар томонидан тайёрланган миллий андозадаги устки кийимларни кийишни маъқул кўришган (Джаббаров. –Б.102-103). Шунингдек, европа таомларини тайёрлайдиган овқатланиш муассасаларига маҳаллий аҳолининг ташрифи жуда сезиларли кам бўлган.

Совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи соҳаларда бир қанча миллий маънавиятимизга зид бўлган тартиблар ҳам жорий қилинди. Масалан, ўтган асрнинг 40-йилларида барча сартарошхоналар учун ишлаб чиқилган “Сартарошхоналар учун ички тартиб қоидалар”нинг иккинчи бўлимида сартарошхонага келган мижоз устида чопони ва оёғида калиши билан келган мижозлар сартарошхонага киритилмаслиги белгилаб қўйилди (Тошкент шаҳар Давлат архиви (ТШДА), 31-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 2-варақ).

Компартиянинг “социалистик турмуш тарзи”ни тарғиб этиш ғоялари сифатида аҳолини уй ишларидан озод этиш, умумий овқатланиш муассасалари тизимини кенгайтириш ва фаолиятини яхшилаш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга кўрсатилган ҳолда (Лифанов, 1957. 6-б) хонадонларда аҳолининг таом тайёрлашларини чеклаш, бунинг ўрнига ресторан ҳамда кафеларда овқатланишларини йўлга қўйиш учун ҳаракат юз берди. Ўзбекистонда умумий овқатланиш муассасалари тизимини кенгайтиришга ва уларнинг фаолияти яхшилашга, аҳоли учун маълум бир қулайликлар яратишга эътибор қаратилди. Бироқ бу борадаги ишлар Иттифоқнинг бошқа республикаларидаги каби жуда кенг ривожланмади ҳамда аҳоли ўртасида ташриф буюриш одатга кирмади. Бунга асосий сабаблардан бири, аксарият маҳаллий аҳоли азалдан бўш вақтини оила даврасида ўтказишни, нонушта, тушлик ёки кечки овқатни ҳам ўз оиласида тановвул қилишни одат қилганлиги, кўпгина умумий овқатланиш муассасаларида таомларнинг тайёрланиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиш ҳолати ва нархи аҳолининг талаб-истакларига тўғри келмаганлиги ҳамда аҳолининг ресторан, кафе ҳамда ошхоналарда доимий овқатланишлари учун молиявий имконият чекланганлиги эди. Хусусан, бу борада қуйидаги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1940 ва 1960 йилларда Ўзбекистондаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши миқдори Иттифоқ республикаларига қиёслаганда 13 ўринда, 1970 йилда 10 ўринда бўлган (Народное хозяйство СССР за 70 лет, 1987).

1960-йиллар иккинчи ярмидан “социалистик” турмуш масаласи кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар томонидан кенг ёритилди. Уни барпо этишда долзарб омилларга шарҳ берилди. Шунингдек, олимлар томонидан “советча турмуш тарзи” ҳамда “социалистик турмуш тарзи” сўзлари синоним сифатида ишлатилди (Бухтий, 1984.–С.211). Таъкидлаш лозимки, совет ҳукумати томонидан маиший хизмат муассасалари орқали социалистик турмуш тарзини сингдириш барча йўналишларда самарали чиқмади. Баъзида соҳада олиб борилган ўзгаришлар аҳолининг айрим қатламлари маънавий-ахлоқий турмуш тарзига салбий таъсир этди. Жумладан, 1960-1970 йилларда совет давлатида аҳолининг ҳаммомларга ташриф буюриши экзотик шаклга ўтиб, одамлар буғли иссиқхонали ҳаммомларга чўмилиш учун эмас, балки спиртли ичкилик ичиб кўнгилхўшлик қилиш учун борадиган бўлишди (Орлов. – С.185).

“Социалистик” турмушни шакллантириш орқали коммунистик партия ва совет ҳукумати янгича совет кишисини яратишни мақсад қилган эди. Шунинг учун ижтимоийлашув воситаси сифатида маиший хизматни ривожлантиришга эътибор қаратди. “Янги инсон” учун кураш, кишиларнинг ҳар томонлама шаклланиши, социалистик урфларни ривожлантириш каби масалаларга асосий эътиборни қаратиши белгиланди (Арипов, 1968. –С.4). Бироқ Совет ҳукумати томонидан маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришда Иттифоқ республикаларидаги аҳолининг яшаш тарзи, урф-одатлари, миллий даромади ва иқлими инобатга олинмади. Жумладан, Юқорида таъкидланганидек, совет ҳукумати томонидан маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва режалаштиришда Иттифоқ республикаларидаги аҳолининг ўртача ёши, оила аъзолари сони,

яшаш ҳудуди ва тарзи, урф-одатлари, миллий даромади ҳамда иқлими жиддий инобатга олинмаган. Жумладан, биргина Ўзбекистон мисолида кир ювиш пунктларини кўпайтиришга эътибор қаратилган. Аммо, кир ювиш пунктларига буюртмани асосан катта-катта саноат корхоналари, ҳарбий қисмлар, тарбия масканлари ва бошқа бир қанча муассасалар беришган. Ўша даврда маҳаллий аҳоли томонидан бундай пунктларга кам мурожаат этилган. Бизнингча бунга сабаб, маҳаллий урф-одатларимизга кўра хонадондаги кир бўлган кийимлар, матолар ва нарсалар хонадондан ташқарига олиб чиқиб ювилмаслиги бўлса, иккинчидан, хизмат кўрсатиш нархининг ўша даврда нисбатан қимматлиги ва иш сифатининг қониқарсизлиги, учинчидан эса аҳолидан тушган буюртмаларнинг турли ташкилотлардан (касалхоналар, ҳарбий қисмлар, завод ва фабрикалар ва бошқ.) тушган буюртмалар билан аралаштириб ювилиши асосий сабаб бўлган.

1980 йиллар иккинчи ярмидан бошлаб, соҳада ҳам кооперативлар ташкил этилган. Масалан, хайрли ишлар бюроси аҳолига ўз хизматларини таклиф этган. Жумладан, улар уйларни тозалаш ишлари билан ҳам шуғулланган. Бунда битта хонадонни тозалаш 60-70 рубль бўлган. Дастлаб аҳолининг аксарият қисми бу хизматни қабул қила олмаган, чунки одатга кўра, хонадонни тозалаш ишларини хотин-қизлар бажаришган (Максакова, 1989. –С. 47). Қолаверса, бунинг учун қўшимча маблағ зарур бўлган. Таҳлилларга кўра, хонадонни йиғиштириш, кир ювиш ва дазмоллаш, болаларга қараш, кийимларни таъмирлаш, маҳсулотларни уйга олиб бориш каби ишлар бўйича пуллик хизмат кўрсатиш ишлари бир йилда ўртача бир оилада 2,4-2,5 минг рублни ёки ойига ўртача 200 рублни ташкил этган (таом тайёрлаш ва бу каби уй-рўзгорнинг барча юмушларидан ташқари) (Максакова. С.53).

Халқимизнинг қадимий тарихи билан боғлиқ қадриятларидан бири Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш, нишонлаш ва байрамга оид амалларни бажаришдир. Аммо, мустабид тузум даврида Ўзбекистон Савдо вазирлиги томонидан диний байрам кунларида республикадаги бир қанча савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ун маҳсулотидан тайёрланадиган таомлар ҳамда қандолат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш ишлари амалга оширилаётганлиги қаттиқ танқид қилинган. Бунинг амалий исботи сифатида барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналари келгусида ўз фаолиятларида Наврўз байрами тимсолини англаувчи таомларни сотиб олиши, тайёрлаш ҳамда аҳолига сотиши таъқиқланган (ЎзР МДА, фонд №Р-91, р.11, иш- 2196, 131-135 варақлар).

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг тармоқларини ривожлантиришда миллий эҳтиёж, миллий анъана ва қадриятлар ҳисобга олинмади. Бу даврларда Ўзбекистон аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш тизими кўрсаткичлари Иттифоқ республикаларига нисбатан анча орқада, яъни 13-14 ўринда бўлиб келган (Шадиев, 1974.–Б.138; Абдурашидов, 1977. –Б.8-13). Ўз навбатида коммафкура даврида маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида аҳолининг миллий эҳтиёжлари қондира олмади.

Демак, мустамлака тизими даврида аҳолининг миллий турмуш тарзига таъсир этган жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

хукмрон мафкуранинг ғоялари ўзга маданияти орқали сингдирилиб, аҳолининг дунёқараши, фикрлаши ва турмуш-тарзи айнан “шаклан миллий, мазмунан социалистик” принципи асосида шаклантиришга ҳаракат қилинди;

аҳолининг миллийлигини сақлашда муҳим ўрин тутувчи хунармандчиликнинг асрлар давомида ривожланиб келган ўнлаб йўналишлари ўз аҳамиятини йўқота борди. Сабаби аҳолининг миллий хунармандчиликка бўлган талаб ва истаклари инобатга олинмади, улар ўрнига европача кийим-кечаклар ва меҳнат буюмлари жорий этилди;

миллий ва диний қадриятлар топтала бошланди. Миллий байрамларни нишонлаш ва шулар билан боғлиқ урф-одатлар ва қадриятларни таъқиқлашга ҳаракат қилинди;

аҳоли ўртасида маиший ва ахлоқий кемтикликка олиб келувчи спиртли ичимликларнинг ишлаб чиқариш ва сотишга кенг эътибор берилди;

халқнинг миллий ўзига хослигини сақлашда миллий пазандачиликнинг алоҳида ўрни бор. Одамлар, асосан эркаклар миллий таомларни чойхоналарда бир-бирлари билан тановул қилишган. Мустабид ҳукумат бунга қарши ресторанлар сонини оширди ва ўзларининг миллий таомлари сонини оширишга ҳаракат қилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР) Дисс... канд. юрид. наук. - Ташкент, 1971. Б. 19-20.

2. Тошкент шаҳар Давлат архиви (ТШДА), 31-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 2-варақ.

3. За здоровый быт. (Материальные и моральные основы Социалистического быта-Лифанов М.И.) -Ташкент: Кзыл Узбекистан, Правда Востока и Узбекистони Сурх, 1957. –Б.6.

4. Народное хозяйство СССР за 70 лет. Юбилейный статистический ежегодник. – Москва: Финансы и статистика, 1987. (Электрон ресурс: <http://ihistorian.livejournal.com/125169.html>.)

5. Бухтий В.В. Пропаганда социалистического образа жизни в печати (на материалах центральных газет 1976-1983 гг.) Автореф. дисс. канд. филолог.наук –Москва, 1984.–С.211.

6. Орлов И.Б. Советская повседневность исторический и социологический аспекты становления. –Москва: Изд. дом Государственного университета-Высшей школы экономики. – С.185.

7. Арипов К. Повышение культуры быта трудящихся масс в период коммунистического строительства и его значение в преодолении религиозных пережитков. Автореф. дисс. канд. философ.наук. –Ташкент, 1968. –С.4.

8. Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1989. –С. 47.

9. ЎЗР МДА, фонд №Р-91, р.11, иш- 2196, 131-135 варақлар.

10. Шадиев Р.Х. Сфера обслуживания и уровень жизни населения. -Ташкент: Узбекистан. 1974. –Б.138; Абдурашидов Б.А. Потребности в бытовых услугах и проблемы планирования развития бытового обслуживания населения в союзной республике (на примере Узбекской ССР) Автореф... дисс. канд. эконом. наук. – Москва. 1977. –Б.8-13.

**И.А.КАРИМОВНИНГ “ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ
КЕЛАЖАК ЙЎҚ” АСАРИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИККА
МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ**

Ж. Тангрикулов
ТерДУ, Термиз

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг hozirgi босқичида Ватан тарихини барча даврларини таҳлил этиш, уларни янги назарий-методологик асосда баён қилиш, холис хулосалар чиқариш — тарих фанининг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

Маълумки, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда тарихий хотира ва тарихий мерос ҳамда маданий – маънавий тараққиётнинг барча жараёнларида коммунистик партия мафкураси ҳукмронлиги таъминланиб «буюк давлатчилик» сиёсати жорий қилиб борилган. Ушбу сиёсат иқтисодий, маданий – маънавий ва халқ таълими тизими, адабий – бадиий муҳит, миллий санъат масалалари шу билан бир қаторда маданий – оқартув муассасалар тизимида ҳам тўла ўз аксини топди.

Маданий – маънавий соҳага, асосан, мафкуравий таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси деб қаралган маъмурий буйруқбозлик тузуми шароитида халқмаорифи, миллий кадрлар тайёрлаш, адабий – бадиий муҳит, маданий – оқартув муассасалари ва миллий қадриятлар масаласида жиддий таназзул юз берди. Ўқувчи ёшларнинг маънавиятини шакллантириш вазифаси эътибордан четда қолдирилди. Таълим тизимида миллий ғояларнинг инкор этилганлиги, тарбия муассасаларида ҳур фикрлилик ва эркинликнинг мавжуд бўлмаганлиги оқибатида таълим – тарбия самарадорлиги даражаси пасайиб борди. Маданият соҳаси, жумладан, халқ таълими, маданий-оқартув муассасаларининг бир ёқлама ривожлантирилиши, маданий муассасалар ишини ўзбек халқи миллий хусусиятларига ёт бўлган ғоялар асосида ташкил этилиши, Ўзбекистонда маданий соҳасининг ривожига тўсқинлик қилди.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, технократик жараёнлар ҳар қанча қудратли ҳаракат касб этмасин, бу ҳаётни олдинга бошлайдиган, унга маъно – мазмун бахш этадиган куч барибир маданият ва маънавият бўлиб қолаверади. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллат учун тарихий хотира ва меросни тиклаш – энг долзарб ва устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Чунки, тарихий хотира ва мерос миллий тарбияни шакллантирадиган асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш масалалари етарлича ёритилган ва жамиятнинг маънавий ривожини учун зарур эканлиги алоҳида таъкидланган. Бу мавзунинг долзарблигини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Шунингдек, муаллиф, *“Биз таълим – тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислохотларимизни, албатта, охирига етказишимиз, бундай таълим даргоҳларини нафақат қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш, балки фарзандларимизни замон талаблари асосида камол топтириш учун энг юксак малакали ўқитувчи ва домлаларни жалб этиш, уларнинг билим ва*

тажрибасини мунтазам ошириб боришга энг муҳим, ғоят масъулиятли вазифа деб қарашимиз зарур» (Каримов, 2015. 244 б), *деб ёзган эди.*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишларида миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш алоҳида белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда жаҳон бўйлаб юз бераётган глобаллашув шароитларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз тарихини чуқурроқ ўрганиш масаласига йилдан йилга эътибор кенгроқ қаратилмоқда. Шу сабабли “Ўзбекистон тарихи” фанидан дарс берувчи ўқитувчиларни ўқитишнинг хилма – хил усуллари билан қуроллантириш, уларга янги педагогик технологияларни қўллаш методларини ўргатиш, методиканинг умумий ва хусусий тамойилларидан бохабар қилиш ниҳоятда долзарб масаладир ва бу орқали фанни ўқитишда кўзланган натижаларга эришиш самарадорлиги янада юқори бўлади.

Таъкидлаш жоизки, И.А.Каримов 2013 йил 9 – май куни хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда яна бир бор таъриф берди. *«Тарихий хотира – бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик тўғриси, уларнинг бир – бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир»*, деб таъкидлаб ўтди.

И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари тарих фани ривожига янгидан – янги илмий йўналишлар, тарихга муносабат масаласида янги қарашларнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Асарда муаллиф ўзбек халқининг тарихий ўтмишини, унинг давлатчилиги тарихини ўрганишда ягона илмий концепциянинг йўқлиги хусусида гапириб, тарихчи олимларни бу соҳага диққат – эътиборини янада кучайтиришга чақирди. Муаллиф таъкидлайдики, «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур» (Каримов, 1999. 134 б.) Тарихни ёритишда бирёқламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади» (Каримов, 1999. 134 б.)

Асарда ҳар бир ўзбек фарзанди «менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган» (Каримов, 1999. 136 б.) деган саволларни ўзига – ўзи бериши кераклигини қайта – қайта уқтиради. Бу масалада «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзидиган ҳаққоний тарихи яратилдими – йўқми?» (Каримов, 1999. 137 б.) деган зарурий саволни беради ва Шўролар даврида, ўзгалар ёзиб берган сохта ғоялар асосидаги тарихни қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди. У рус олимларининг илмий тадқиқотларини камситмаган ҳолда ўзбек олимларига қарата мурожаат қилади: «шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти,

ижтимоий- сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машғул, қаёққа қарашаяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган?». (Каримов, 1999. 138 б.) Янгидан шаклланаётган мустақил Ўзбекистон давлати бошида турган инсон сифатида И.Каримов бу ишга жонини, борлигини беришга тайёрлигини, давлатчилик масаласи тобора ҳаётий мазмунга эга бўлиб бораётганлигини таъкидлайди. Бу масаланинг ечимини нафақат Президент, балки бутун халқ билишни истаётганлигини айтади. «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим». (Каримов, 1999. 138 б.) Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш ҳозирги вақтда ўта долзарб масала бўлиши билан бирга, ўткир сиёсий аҳамият касб этаётир: «Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган деб, орқаворотдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор... Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу давронинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир» (Каримов, 1999. 139 б.)

Бу мавзу фақат археология фани ва археологик манбаларни Қадимги Шарқ дунёси илк давлатчилиги билан, аниқроқ қилиб айтсак, Месопотамия, Қадимги Ҳиндистон, хуллас Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида бронза даврида шаклланган шаҳар – давлатлар тарихи билан таққослаш усули воситасида ўз ечимини топади. Муаллиф таъкидлаганидек «мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга қарашли Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари ўз иш фаолиятини ўзгартиришини замон талаб қилмоқда» (Каримов, 1999. 153 б.)

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 йил.
2. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 йил.
3. Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. –Тошкент: «Ўзбекистон», нашриёти, 2015 йил.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол: иқтисод, сиёсат, мафкура». Тошкент., 1996 йил.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008 йил.
6. Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008 йил.
7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.-Т.:Молия, 2003 йил.
8. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989 йил.
9. Республика илмий -амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент. 2011 йил.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМДА ПОЧТА АЛОҚА ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛИШ ТАРИХИ

И.Юсупов

ТАТУ Урганч филиали, Урганч

Мустақиллик даврида ва жамият ҳаётининг барча соҳалари каби ижтимоий-иқтисодий инфратузилманинг муҳим тармоғи ҳисобланган почта тизимини тубдан ислоҳ этиш, уни жаҳон андозалари асосида такомиллаштириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида почта ва алоқа корхоналарини алоҳида тармоққа ажратиш, ҳар бирининг фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифаларини аниқ-равшан белгилаб бериш билан бир қаторда, тизимнинг ташкилий тузилмасини тубдан янгилаш, хизмат турларини кенгайтириш, соҳага замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Хусусан, 1991 йилда почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхоналари таркибидаги бўлимлар негизида почта алоқаси мустақил бирлашмаси ҳамда уларнинг вилоят ва туман бўлимлари ташкил этилди. 1992 йилда “Ўзбекистон почтаси” концерни ташкил топди. 1994 йил 24 февралда у Бутунжаҳон почта иттифоқи аъзолигига қабул қилинди. [Ў.Мавлонов, С. Ахмедов, Б. Умаров.132 бет].

1992 йил 1 апрелда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Хоразм филиали “Ўзбектелеком” таркибидан чиқарилиб, вилоят аҳолиси ва корхона ташкилотларга хизмат кўрсата бошлаган. Почта йўналишида асосан ижарага олган автомашиналар ва от-уловдан фойдаланиб келинган. Чунки, собиқ иттифоқ даврида автомашиналарни ижарага олиш моддий ҳаражатларнинг ортишига сабаб бўлади, деган фикр билан автотранспорт соҳасига унчалик катта эътибор қаратилмаган[Ў.Муҳаммадиев.83бет].

Мустақиллик йилларида “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг моддий техник таъминоти, жумладан, автотранспорт хўжалигининг базаси тубдан янгиланади. Шу йиллар мобайнида почта йўналишлари бўйича даврий матбуот нашрлари ва почта жўнатмаларини етказиб бериш учун 773 та автомашина ҳарид қилинган. 1992-2016 йилларда АЖ Хоразм филиалида 30 та транспорт воситаси сотиб олиниб, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун тармоқлар балансига берилган. 2017 йилда вилоят почта корхоналари тасарруфидаги автомобиллар сони 32 тани ташкил этди. Почта жўнатмалари ва пул маблағларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 8 та автомашина кузатувчилари уяли алоқа воситалари билан таъминланди. Бундан ташқари 284 нафар хабарчилар ва 12 нафар почта хизмати хавфсизлиги (ПХХ) йўриқчиларига ҳаракат учун велосипед воситалари ажратилди. [Хайитбоев, Қ. 5 бет]. Барча вилоятлараро ва туманлараро почта йўналишларида почта жўнатмаларининг сақланиши ва ўз вақтида етказиб беришни таъминлаётган, ишончлиги ва тежамкорлиги билан ажралиб турадиган, “Дамас” русумли автомашинадан самарали фойдаланилмоқда. Магистрал йўналишлар бўйича даврий матбуот нашрлари ва почта жўнатмаларини

етказиб бериш учун етти тонна юк кўтарадиган 6 та “Исузу” ва 2 та “Газель-33021” автомашинаси сотиб олинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасини биринчи Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарорига биноан мамлакатнинг чекка қишлоқ аҳоли пунктларида почта алоқаси хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида 20 та “Дамас” автомобиллари ажратилди.

Почта транспорти ишида йўл қўйилган ҳатто кичкина камчилик ҳам соҳа фаолиятини издан чиқариши ва почта жўнатмаларининг ўз вақтида етказилишига салбий таъсир этиши мумкин. Мустақиллик йилларида “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Хоразм филиали 115 та алоқа бўлимлари жойлашган биноларнинг 91 таси (79,1%) филиал балансга олинди. Хоразм филиали маблағлари эвазига Урганч шаҳрида замонавий типда 6-сон почта алоқа бўлими қурилиб фойдаланишга топширилди. 2005-2006 ва 2007 йиллар мобайнида Жамият томонидан барча алоқа бўлимлари 156 та электрон тарози билан таъминланди. 2006 йил 1 апрелдан бошлаб марказлашган тартибда янги почта индекслари тартиби жорий қилинди ва пешлавҳалар тайёрланиб ўрнатилди. Белгиланган чора-тадбирларга асосан филиал 2008 йил 1 январгача барча туман почта алоқаси тармоқларида янги хизмат электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) тизими ишга туширилди ва бу ишга масъул ходимлар ўқув марказларида малака ошириб келдилар.

2008 йил 1 майдан халқаро буюртмали ҳамда қиймати эълон қилинган хат-хабарларни ҳамда жўнатмаларни ягона белги штрих-код билан идентификациялаш ишлари жорий қилинди. Барча ЭПЎ ва ГПЎ лар “East Telecom” тизимига уланди. Шу йили бош ғазна ва катта почта алоқаси бўлимларида ишлатиш учун 24 та нақд пул санаш ускуналари ўрнатилди. Урганч шаҳрида гибрид почта хизмати ташкил этиш учун почта оператори ўқитилди ва 2 та компьютер ўрнатилган алоҳида хона билан таъминланди. Вилоятда алоқа соҳасининг янги хизмат тури курьерлик жорий қилиниб, корхона-ташкилотларга хизмат кўрсатила бошланди.

2009 йилнинг биринчи чорагида Ўз.ААнинг 2006 йил 4 майдаги 133-сонли буйруғининг 6.1-бандига мувофиқ, жамият томонидан филиал ва унга қарашли почта алоқаси узелларида локал компьютер тармоғини яратиш мақсадида 11 та туман почта алоқаси тармоғи билан электрон алоқа ўрнатиш учун “Тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизими”га боғланадиган 12 та компьютер ишга туширилди. 2009 йилда Янгибозор ПАТида “Кўчма алоқа бўлими” ташкил қилиниб, у “Дамас” русумли авто-транспорт воситаси билан таъминланди.

2016 йилда почта хизматлар турини ривожлантира бориб, уяли алоқа компаниялари билан ҳамкорликда дилерлик учун 15 та жойда хизмат кўрсатиш шохобчалари очилди. Аҳолини бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиш ва автотранспорт воситаларини мажбурий суғурталашни ташкил этиш бўйича ҳамкорликда ишлар йўлга қўйилди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси рейслари орқали 28 та мамлакат (жумладан, 21 та хорижий ва 7 та МДХ давлати) билан халқаро почта алмашуви, ички магистрал йўналишда, хусусан, Қорақалпоғистон

Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилояти билан почта алмашуви (хафтасига 6 марта) амалга оширилади.

2017 йилга келиб “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали таркибида 11 та туман почта алоқаси тармоқлари, 39 та шаҳар ва 106 та қишлоқ бўлимлари ҳамда 1 та кўчма алоқа бўлими ва 1 та Урганч шаҳар ишлаб чиқариш участкасидан иборат бўлимлар ишлаб турибди.

2018 йилга келиб почта алоқаси тизимида ишлаб турган 422 ишчи-хизматчиларнинг 46 нафари олий маълумотли, 241 нафари ўрта махсус, 135 нафари ўрта маълумотли мутахасислар ҳисобланади. [Ўзбекистон Почтаси” АЖ Хоразм филиали маълумотномаси, 2018 й. 7 бет].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ў. Мавлонов, С. Ахмедов, Б. Умаров. Ўзбекистон почтаси тарих ва тараққиёт. –Тошкент: Маънавият, 2014. –Б .132.
2. Ў.Мухаммадиев. Бир зумдаги алоқа. –Тошкент: Фан, 2000. –Б .83.
3. Хайитбоев, Қ. Илғор технологиялар шарофати // «Хабар» газетаси, 2016, 5 август, 32(1246). – Б. 5.
4. Ўзбекистон Почтаси” АЖ Хоразм филиали маълумотномаси, 2018 й.–Б.7.

ХОРАЗМ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИДАН

Г.Қ. Раззоқова
ЖДПИ, Жиззах

Маълумки, Хоразм ўзининг мусиқа ва ижрочилик санъати билан машҳур бўлган. Тарихчи археологик олимлардан С.П. Толстов ва Я.Ғуломовнинг таъкидлашларича, Хоразмнинг мусиқа маданияти узоқ ўтмишга милoddан аввалги 2 минг йилликларга бориб тақалади. Тупроққалъа харобаларидан топилган арфа чалаётган аёл ва созанда расми ва ҳайкалчалар бу фикрни тасдиқламоқда. Арфа, танбур, дўмбира, ғижжак, қайроқ ва бошқа асбоблар аждодларимизнинг энг қадимий мусиқа асбобларидандир. Мақомчилик ҳам ашулачилик санъатининг бошқа турлари каби, Хоразмда бошқа Шарқ халқларидаги каби эрта шаклланган. Мақомчилик Хоразм мусиқа меросининг асосини ташкил қилади. Ўзбек мусиқа маданиятининг мақом таркибидаги, Хоразм мақомчилик санъати мўътабар маънавий мерос эканлиги билан баҳолдир. Хоразм мақомининг ижодкорлари асрлар давомида мақомларга янги ўзига хос қисмлар боғлаб бойитганлар. Хоразм мақоми оҳангдор куй ва мунгли қўшиқлар қомусидир.

Хоразм мусиқа санъати ҳам юксалиш ва турғунлик даврларини бошдан кечирган. IX-X асрлар Хоразм мусиқа санъатининг юксалиш дари бўлди. Бу ҳақда ўша даврдаги араб сайёҳлари Ёқут Ибн Румта, Ибн Ал Ҳамавий ўз асарларида алоҳида қайд этган. Ўша даврда Хоразмда яшаб ижод этган Шарқнинг буюк алломалари Беруний, Ибн Сино, Қандий, Чағминий ва бошқалар бу ерда мусиқа маданияти ривожига катта ҳисса қўшишган. Буюк Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даври бастакорлик ва ижрочилик санъатининг ривожланишида янги босқич бўлди. Машҳур бастакор В.А.Успенский

таъмонидан 1923 йилда Бухородан XVIII-асрга оид “Хоразм мусиқа ҳаёти” нинг топишганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Араблар (VIII-аср) ва сўнгра мўғуллар (XIII-аср) истилоси Хоразмнинг маданий ҳаётига, шунингдек, мусиқа маданиятига катта зарар етказди. Хоразмда мусиқа ва ашулачилик санъатида унинг Олтин Ўрда ва Темурийлар салтанати қўл остида яшаган даврида яна бир мунча кўтарилиш юз берганини кўрамиз.

XIX-аср Хоразм мусиқа маданияти тараққиётида энг улкан ва самарали босқич бўлди. Бу дарда Хивада маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирган ажойиб бастакорлар, ашулачилар, мақомчилар ва шоирлар етишиб чиқди (Рўзимбоев, 1985. 18-бет). Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (Феруз), Мунис, Огаҳий, Комил ва бошқа шоирлар бу кўхна санъатнинг янада сайқал топиши ва такомиллашувига катта ҳисса қўшдилар. Хивада хон саройида машҳур созанда ва бастакорлар тўпланиб, Хоразм мақомчилари мактаби вужудга келди. Бу ерда Худойберди устоз, Ниёзжон Хўжа, Махсумжон Қози, Уста Муҳаммаджон танбурчи, Абдусаттор Махсумхўжа каби санъаткорлар ижод қилди. Уларнинг фидойи меҳнати туфайли Хоразмда ўзига ҳос қўшиқчилик йўналиши майдонга келди. Шулардан Худойберди устоз қадимги ўн икки мақомни жуда яхши билган ва кўпгина бастакорлар етиштириб чиқарган. Ниёзхўжа бўлса етук созанда, бастакор ва мусиқа назарячиси бўлиб, Хоразм ва Бухоро мақомларини жуда яхши эгаллаган. У “Бузрук” мақомига “сақил” қўшиб, “Сақили Ниёзхўжа” деб номланган куйни басталаган. Хоразм мусиқа санъатини ривожлантиришда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг катта хизмати бор. У санъаткорларга алоҳида ғамхўрлик қилди. Ўзи ҳам Феруз тахаллуси билан ажойиб шеърлар ёзган, ёқимли куйлар басталаган. Айниқса, Мунис ва Огаҳий шеърларига бағишлаб куйлар яратган. Феруз “Рос” мақоми чолғу қисмига “Сақили Феруз” куйини, бундан ташқари яна 12 га яқин куй ва қўшиқларни басталаган ижодкор (Хўжамқулов, 2008. 15-16-бет).

Хоразм мусиқа мақомчилиги санъатини ривожлантиришда Комил Хоразмийнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. У Хоразм мақомлари оҳангини қоғозга туширди ва бу ихтиро “Хоразм танбур чизиги (нотаси)” номи билан машҳур бўлди. Комил Хоразмий бундан ташқари яна “Шошмақом”нинг “Мақоми Рост” қисмига ўзининг “Мураббаи Комил” куйини басталади, шу билан Хоразм мақомчилиги санъатини янада юксак поғонага кўтарди. XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразм мусиқа намояндалари сафи Муҳаммад Ёқуб, Ҳазрат Девон Қурбон ўғли, Худойберган Мухркон, Сайид Файзулла каби машҳур бастакор мақомчилар билан тўлди. Хоразм мусиқа санъатини ривожлантиришда уларнинг ҳам бебаҳо ҳиссалари бор.

Хоразмда мақом йўлларида яқин мумтоз мусиқа намуналари қадимдан маълум бўлган. Бизгача етиб келган олти мақом (“Рост”, “Бузрук”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ”) тизимини “Шошмақом” асосида XIX аср бошларида шаклланди. Ҳар бир мақом белгиловчи омил- муайян лал тизими ва унинг асосида юзага келган куй йўлларида иборат. Хоразм мақомлари Бухоро Шошмақоми сингари мустақил тузилишга эга бўлган чертим (чолғу) ва айтим (ашула) бўлимларини ўз ичига олади. Чертим йўли (бўлими) Тани

мақом, таржи, пешрав, мухаммас, сақил, уфар каби шаклан яқунланган ва нисбий мустақил қисмлардан ташкил топган. Бошланғич Тани мақом ва яқунловчи уфар ҳар бир мақомда биттадан бўлса, ўртада келадиган пешрав, мухаммас, сақил 2-3 тагача бўлади. Чолғу йўли яқканавозлигида танбур асосий соз ҳисобланади. Жўрнавозлик одатда танбур, дутор, най, буломон, қўшнай, ғижжак, чанг, доирадан иборат ансамблда амалга оширилган.

Шунингдек, Хоразм мақомининг дутор, сурнай йўллари ҳам мавжуд. Масалан, XIX- XX аср бошларида Хивада 11 та Хоразм дутор мақоми машҳур бўлган: Чавандоз, Навоий, Садри Ироқ, Ташниз, Ағёр ва бошқалар. Бу йўллардан фарқли ўлароқ улар туркумли асарлар бўлиб, ҳар бири 2-7 қисм (масалан, “Ироқ” дутор мақоми, “Ўтар уфори”, “Нигорон”, “Оромижон”, “Боймуҳаммад”, “Сақлансин”) дан иборат бўлган. “Ораз бам ва уфориси”, “Мажнун дали”, “Ровия”, “Мускин ифориси”, “Мўғилча ифори”лари М.Юсупов томонидан “Ўзбек халқ мусиқаси” нинг 6-жилдига киритилган.

Айтиш йўли тани мақом, талқин, наср каби асосий қисмлар – шўьбалар ва улар негизида тузилган тарона, сувора, нақш, фарёд ва уфар деб номланган вариант қисмларидан ташкил топган. Дастлаб Хоразм мақоми ижросида форс-тожик (Ҳофиз, Жомий каби) ва кейинчалик ўзбек, озарбайжон мумтоз шоирлари (Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳийлар)нинг ғазалларидан фойдаланилган.

Хоразм мақоми ва Бухоро Шошмақомининг умумий ҳамда фарқли томонлари мавжуд. Ташқи томондан Хоразм мақоми Ростдан, Шошмақом, Бузрукдан бошланади. Хоразм мақомида Ироқнинг ашула бўлими унутилган. Рост мақомининг чертим йўллари асосида 8 қисмдан иборат Панжгоҳ туркуми яратилган; сувора, нақш, фарёд қисмлари ўзига хос хусусиятга эга: савт ва мўғулча каби 2-гуруҳ шўьбалари учрайди. Ички тузилиши жиҳатдан кўпчилик доира усуллари, куй қиёфаси, ижрочилик услуби мустақиллиги билан ажралиб туради (Хўжамқулов, 2008. 18-бет).

Хоразм мақоми Комил Хоразмий ижро этган танбур чизигида унинг ўзи ва ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши томонидан тўла ёзилган (1886). Ҳозирда нота ёзувида Е.Романовская чертим йўлларини (“Хоразм мумтоз мусиқаси”, Т., 1939) ва М.Юсупов чертим ва айтим йўлларида (“Ўзбек халқ мусиқаси”, 6-ж., Т., 1958) ёзиб олинган. М.Юсупов томонидан томонидан кейинчалик нашрга тайёрланган (Хўжамқулов, 2008. 17-18-бет).

“Хоразм мақомлари “тўпламига (1980-1987) Хоразм мумтоз мусиқасининг бошқа жанрлари (сувора, фарёд каби) намуналар ҳам киритилган. Е.Романовская, И.Акбаров томонидан Матёқуб Харратов томонидан ижро этилган айрим парчалар фонографга ёзиб олинган (1934). Санъатшунослик институтида К.Отаниёзов ва К.Исмоиловлардан Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ (1952) мақомларининг ашула йўллари магнит лентасига ёзиб олинган.

Хоразм мақоми ижрочиличининг йирик намояндалари Ниёзжонхўжа, Комил Хоразмий, Феруз, Худойберган Мухркан, Матёқуб ва Матюсуф Харратовлар, М.Худойберганов, К. Отаниёзов, Ҳ. Болтаев, М.Раҳимов, Н. Юсупова, М. Юсупов, Р.Жуманиёзов ва бошқалардир (Рўзимбоев, 1985. 13-14-бетлар).

Шундай қилиб , XIX охири ва XX аср бошларида Хоразм маданий ҳаётида жуда катта бурилиш даври бўлди. Бу давр маданиятимиз хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган машҳур бинокорларни, меъморларни, шоиру бастакорларни юзага келтирди. Уларнинг бизга мерос бўлиб қолган бой, бетакрор ижодий хазинаси халқимизнинг маънавий камолотига самарали хизмат қилмоқда.

Ўзбек мумтоз мусиқа санъати, хусусан мақом санъати 2006 йил нуфузли халқаро ташкилот ЮНЕСКО томонидан тан олинди ва кўп асрлар олдин вужудга келганлиги оғиздан-оғизга ўтиб мукаммаллаштирилган ва тўлдирилган ҳолда, нафақат ўзбек халқининг, балки умумбашарий санъат дурдонасига айланганлигидан далолат беради (Ҳоди Зариф, 1973. -15-бет).

Ўзбек мақом санъати мушкilot ва наср қисми (чертим, айтим) дан иборат. Шунингдек мақом ашулалари мумтоз шоирларнинг ғазалларига басталаниши билан алоҳида қимматга эга. Бу анъана устоздан шогирдга ўтиб келган. Бу санъат тўғрисида қуйидаги олимларнинг ижодий ишларида маълумотлар етарлича мавжуд. Абу Али ибн Сино “Мусиқа ҳақида трактат” (X-XI аср), Дарвиш Али Чангий “Мусиқа ҳақида трактат” (XVII аср) шулар жумласидандир.

Мақом санъатининг тарихи жуда кўхна ва ўз ўқ илдизлари билан инсоният пайдо бўлишининг илк босқичларига бориб тақалади (Ҳамидов, 1955. 27-бет). Мақомлар ўша қадим замонлардан буён кишиларни руҳан тетиклаштирувчи, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи восита сифатида тинмай хизмат қилиб келмоқда.

Мақом оҳангга жойланган тафаккурдир. У қоғозга битилган, тошга ўйилмаган китоб. Қанчадан-қанча жангу жадаллардан омон чиққан сеҳрли наволар ҳамон одамларни ўйлашга, ўтмиш, бугун ва келажак ҳақида хаёл суришга ундайди. Унинг оҳанглари она замиинга меҳр уйғотади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. Т.: Фан 1985, 18-бет.
2. Хўжамқулов П.Б., Мамедяров Т.: Хоразм мақом санъатига бир назар.-Ангрен, 2008 й, 15-16-бет.
3. Ҳоди Зариф. Фозил шоир-машҳур дostonчи / Ўзбек халқи ижоди бўйича тадқиқотлар.3-китоб: Фозил шоир- Т: Фан, 1973. -15-бет
4. Ҳ.Ҳамидов. Бир сеҳр бор оҳангларда // “Сирли олам” ж.1955, 1-сон 27-бет.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ ВА УНИНГ ТУРИЗМГА ТАЪСИРИ

*А.Й. Абдурахмонов
ТерДУ, Термиз*

Марказий Осиё – сиёсий, геосиёсий, жуғрофий, маданий жиҳатдан ягона анъаналар асосида шаклланган ва тараққий этган минтақадир. Бу ерда истиқомат қилаётган халқларни умумий маънавий бойликлар, миллий урф одатлар ва анъаналар ўхшашлиги, умумий тарих бирлаштириб туради. Минтақада қадимдан Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб маданиятларининг экспанция таъсирида умумий минтақавий негиз шаклланган. Кейинги

2-3 йил ичида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг умумий саъий ҳаракатлари билан қисқа муддатда минтақамизда ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган сиёсий муҳит шаклланди, мулоқотлар фаоллашди. Амалий, ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида муҳим тарихий қадамлар ташланди.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашувларини доимий ўтказиш ташаббуси минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб қувватланди. 2018 йил 15 март куни Қозоғистон Республикасининг пойтахти Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳатлашув учрашуви бўлди. Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг ҳамкорликка самимий интилиши ва умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақамизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигининг мустаҳкам кафолатидир. Учрашувда иккинчи маслаҳатлашув 2019 йил апрель ойида Тошкентда ўтказилиши келишиб олинди.

Самарқандда 2017 йил ноябрда ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжуман натижасида 2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни тиклаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилинди. Бу Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда яқдил қарашларга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлади. 2018 йил 20-21 сентябрда Тошкентда “Марказий Осиё транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар” мавзусида транспорт куммуникациялари соҳасида биринчи халқаро конференция бўлиб ўтди. Шу йили 17 октябрда эса Тошкентда 8 - Марказий Осиё савдо форуми ўтказилди. Форумда Марказий Осиё, Европа ва бошқа давлатлардан мингдан ошиқ давлат ва хусусий бизнес вакиллари қатнашди.

Минтақада савдо-иқтисодий, энергитика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик янги суръатлар билан ривожланмоқда. Сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалаларида бўйича ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга эришилди. Транспорт соҳасида турли чеклов ва тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказий Осиё давлатлари ўртасида виза ва божхона тартиб тамойилларини соддалаштирилди. Автомобиль, темир йўллар ва ҳаво транспорти қатновлари тикланди. 2019 йил 19-20 февраль кунлари Тошкентда “Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда дунёнинг 36 мамлакатидан ва бошқа минтақавий ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Конференцияда экспертлар томонидан Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув, экология, энергетика, туризм ва маданий гуманитар соҳаларда ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг ижобий томонга ўзгариши бу мамалакатлар ўртасидаги савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ошиши билан бир қаторда қўшни давлатлар туризм салоҳиятининг ривожига катта таъсир кўрсатмоқда. Минтақада истиқомат қилаётган халқларни умумий маънавий қадриятлар ва ўтмиш, ўхшаш миллий анъана ва урф одатлар, асрлар давомида шаклланган менталитет бирлаштиради. Бу ҳудудда яшаётган турли миллат вакиллари бир бирлари билан борди-келди қилиб, қон-қариндош бўлиб кетганлар.

2019 йил 15 март куни Тошкент шаҳрида “Марказий Осиё биринчи иқтисодий форуми” бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан илк бор ташкил этилган мазкур йирик форумда Марказий Осиёда туризм жозибадорлигини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Минтақа давлатларида археология туризми, экотуризм ва бошқа бир қанча туризм соҳаларини ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикалари ўртасида фуқароларнинг 30 кунлик визасиз тартибининг жорий қилиниши ва чегара ўтиш пунктларининг қайта очилиши, Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Қозоғистон давлат черараларидаги ўтиш пунктларининг кўпайтирилиши ва тартибнинг соддалаштирилиши минтақа давлатлари фуқаролари ўзаро алоқаларининг кескин жонланишига сабаб бўлди. Мисол учун, 2018 йилда Тожикистон Республикасига 2017 йилга нисбатан 2.4 марта кўп турист ташриф буюриб, уларнинг сони 1 млн. 155 минг кишига етган. Қозоғистон Республикасига ташриф буюрган туристлар сони 2017 йилга нисбатан 10 фоиз ошиб, 8 млн. 500 минг кишига етди. Қирғизистон Республикаси 2018 йил якуни бўйича 6 млн. 900 минг нафар турист келган. Энг эътиборли томони шундаки, ҳар учала давлатга келган туристларнинг асосий қисми қўшни давлатлар ҳисобига тўғри келади.

Ўзбекистонга 2017 йилда 2 млн. 700 минг турист ташриф буюрган бўлса, 2018 йил якуни бўйича давлатимизга 5 млн. 300 минг нафар турист келган (1). Республикаимизга келган чет эллик сайёҳларнинг асосий қисми Марказий Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Шундан Қозоғистон Республикаси фуқаролари 2 млн. 456 минг киши (умумий туристларнинг 32.2 %), Тожикистондан 1 млн 700 минг киши (26.4 %), Қирғизистондан 1 млн. 101 минг киши (17.1 %) ташриф буюришган. Уларнинг асосий қисмининг мақсади қариндошини йўқлаш (73.2 %), сайёҳлик (7.1 %) ва бошқа мақсадларда бўлди.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва унга мувофиқ қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустақкамлаш бўйича амалга оширилаётган ташқи сиёсат келгусида нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг туризм соҳаси ривожланишида катта ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев. миллий тараққиёт йўлимизни қатъийат билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент 2017 йил.
2. 1.Т.Холдоров, Х.Туленова Туризм -Сайёҳлик Тошкент -2016
3. www.uzbektourism.uz

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУЗЕЙ АШЁЛАРИ МАНБА СИФАТИДА

*А.А. Шадмонов
СамДЧТИ, Самарқанд*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи Давлат музей республикамининг йирик илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий муассасаларидан бири. Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил, 21-апрелдаги 203-сонли қарорига мувофиқ у бир нечта музейларнинг бинолари, мулки ва жамғармаларини бирлаштириш асосида қайта ташкил этилди. 1876-йилда бунёд этилган Тошкент оммавий музейи негизда юзага келган Ўзбекистон халқлари тарихи музейи янги музейга асос бўлди.

Музей Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги қўшни давлатлар халқларининг моддий ва маънавий обидалари сақланадиган маскан. Музейда уларни ўрганиш, тизимлаштириш, илмий каталоглаштириш, намойишга қўйишга тайёрлаш бўйича иш олиб борилади. Музей қадимшунослик, тангашунослик, элшунослик, ашёвий топилдиқлар бўйича бой жамғармага эга. Музейда янги ва энг янги тарих ҳужжатларининг архиви мавжуд, унинг илмий кутубхонасида XIX аср ва ундан анча олдинги даврларга оид ноёб қўлёзмалар мавжуд.

Тошкент марказидаги энг яхши иншоотлардан бири саналган музей биноси 1970-йилда қурилган. Унинг шакли нотугал бўлмаган кубни эслатади ва Шарқ меъморчилигида абадиёт рамзи ҳисобланади. Бинода ўзбек меъморчилигининг анъанавий услублари, ташқи кўринишида нақшинкор архитектура ансамбли уйғунлиги ўз ифодасини топган.

Музейга киришдаги эшикнинг ноёб нақшлари, қўқонлик ўймакор уста Қодиржон Ҳайдаров томонидан ишланган. Кираверишдаги зал уч қаватли бино баландлигида барпо этилган. Монументалчи мусаввир Баҳодир Жалолов томонидан бажарилган ва ўзбек давлатчилиги тарихини акс эттирган девор панноси залнинг асосий беагаи ҳисобланади.

2001-йилда музейда Ўзбекистон халқларининг энг қадимги даврларидан бугунги кунгача бўлган тарихини ёритувчи стасионар экспозитсия барпо этилган. Умумий сатҳи қарийб икки минг квадрат метр бўлган бинонинг учинчи ва тўртинчи қаватини эгаллаган мазкур экспозитсияда беш мингга яқин экспонат жойлашган. Уларда ўзбек давлатчилигининг яратилиш тарихи, ўзбек халқининг бой анъаналари ва маданияти ифода этилган.

Экспозитсия ибтидоий тузум даврини намойиш этиш билан бошланади. Экспонатлар, яъни кўргазмадаги ашёлар, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудлари Шарқ сивилизатсиясининг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлганлигидан гувоҳлик беради. Булар энг қадимги аждодларимиз истиқомат қилган манзилгоҳдан топилган тошдан ясалган меҳнат қуроллари ва бошқа буюмлар бўлиб, эрамингача тахминан 1 миллион йил аввалги сана билан белгиланган. Тешиктош (Сурхондарё вилояти) ғорига дафн этилган неандертал бола ноёб топилдиқ ҳисобланади. Боланинг бош чаноғи қолдиғидан тикланган боланинг бош қисми, ўткир учли пичоқсимон ва бошқа тош қуроллар ҳам музейда намойиш этилмоқда.

Улар яшма, кварцит ва бошқа жинслардан ясалган. Диорамага қараб ғорнинг тузилишини тахмин қилиш мумкин, у ерда неандерталлар учун хос бўлган ҳаёт манзараси ўз ифодасини топган(эрамизгача 100-40 мингйилликлар).

Юқори палеолит ёдгорликларидан (эрамизгача 40-12мингйилликлар) музейда Самарқанд шаҳри ва Мастчоҳ ғоридаги манзилгоҳларидан топилган буюмлар ҳамда тош ва суякдан ясалган меҳнат қуроллари қўйилган.

Зараутсой (Сурхондарё вилояти) ғоридаги қояга ишланган ранг-баранг ов манзараларининг нусхаси, Саймалитош манзилгоҳи ва бошқа жойлардан топилган тоғ такалари тасвирининг асл нусхалари, ёйнинг пайдо бўлишидан тортиб споол ихтиро қилингунча –мезолит даврини (эрамизгача 12-5 мингйилликлар) ўзида намоён этади. Тош асрининг сўнгги даври-неолит эрамизгача 6-4 мингйилликларни қамраб олади. Бухоро вилояти ҳудудларидан 45 та неолит манзилгоҳи топилган. Музейда механик қуроллари, споол буюмлар қўйилган бўлиб, улар овчи ва балиқчиларнинг “Калтаминор”деб аталувчи эрамизгача 4-3 мингйилликка оид ўзига хос неолит маданияти даври ҳақида тасаввур беради. Бу ерда Сурхондарё вилоятидаги Сополлитепа ва Жарқўтон топилмалари ҳақида маълумот берувчи экспонатлар жой олган. Бу ердан топилган буюмлар бронза даврига оид бўлиб, милоддан аввалги 2-минг йилликка оиддир. У ердан уй-жой қолдиқлари, тошдан, бронзадан, суякдан ясалган турли шакл ва кўринишдаги меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, ҳарбий қуроллар, турли тақинчоқлар ва сопол идишлар топилган. Айниқса, Сополлитепа маданиятига тегишли ёдгорликлардан ҳунармандчиликнинг кулолчилик соҳаси юксак ривож топганлигини кўриш мумкин. Ўша замон кулолчилик маҳсулотлари 3, 5-4 минг йиллар мобайнида ўз шакли ва таркибини ўзгартирмай ҳозиргача сақланиб қолган. Сопол идишлар кулолчилик чархида ишланиб, икки ярусли ҳумдонларда пиширилган идишлар жуда нафис, чиннидек жарангдор, кўринишдан санъат намунаси сифатида гўзалликда тенги йўқ даражада ишланган.

Қушон шаҳзодаси ҳайкали кўрсатилган. Ҳайкал Сурхондарёдаги Далварзинтепа саройидан топилган бўлиб, II асрга оид. X-XI асрга оид сопол идишлар жойлашган. Бу буюмлар Афросиёб, Шохруҳуя ва Тошкентдан топилган. XII-XIII асрларга оид буюк Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар даврига оид ноёб мис тангалар ва ўша даврда ишланган мис чироқлар ўрин олган. Экспозитсиянинг навбатдаги бўлими бронза даври, яъни эрамизгача III мингйилликдан I мингйилликнинг бошигача бўлган давр билан боғлиқ. Янги-янги меҳнат қуроллари ва ҳунармандчилик соҳалари пайдо бўлди. Давлатчилик, шаҳарсозлик ва маданий тараққиётга асос солинди, халқлар ўртасидаги ўзаро савдо муносабатлари кенгайди. Яқин ва Орта Шарқ мамлакатлари маданиятини боғлаб турувчи қуруқлик ва сув йўллари тизими юзага келди. Музейда Зарафшон пасттекислигида (Замонбобо маданияти), Хоразм ва Тошкент вилоятида (Тозабоғ маданияти)истиқомат қилган қабилаларнинг моддий-маданий, Сополлитепа ва Жарқўтон шаҳристонлари қадимшунослик ёдгорликлари (эрамизгача иккинчи мингйиллик)намуналари намоишга қўйилган. Иккинчи мингйиллик охирига келиб, деҳқончилик ва чорвачилик юзага келди.

Фарғонада деҳқончилик тараққиётининг бошланғич паллаларини Чуст маданияти (Наманган вилояти) ўзида акс эттиради. Бу ерда топилган буюмлар ушбу минтақада кулолчилик, темир эритиш, тошга ва суякка ишлов бериш каби турли хунармандчилик намуналари мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради. Фарғона водийсида бронза даврига оид 10 та ёдгорлик намунаси аниқланган. Сўх дарёси қуйи оқимида топилган тош тумор ғоят ноёб топилдиқ ҳисобланади, у эрамызгача иккинчи мингйилликка оиддир. Эрамызнинг биринчи мингйиллигидаёқ Ўрта Осиёда дастлабки давлатлар юзага келди. Сўнгги бронза ва илк темир даврида деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши, кейинчалик Ўрта Осиё ҳудудида тараққиётнинг асосий марказлари бўлиб қолган унинг соҳаларида аҳоли нуфузининг шиддат билан ўсиши ва тўпланишига олиб келди. Булар Хоразм, Фарғона, Зарафшон ва Чирчиқ хавзалари, Бақтрия, Сурхондарё ва Қашқадарё водийларидир. Юнон муаррихлари ҳақида зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да хабар берилишича, икки илк давлат тузуми: Катта Хоразм ва Бақтрия салтанати мавжуд болган. Бундан ташқари, яна Суғдиёна давлати ҳам ташкил топган. Жаҳоннинг энг қадимги диний таълимоти-зардуштийлик айнан мана шу уч вилоят билан узвий боғлиқдир .

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки давлатлар пайдо бўлиши ва шаклланишининг бу даври сакларнинг бронза қозони, қурол-аслаҳалар, жангчи аёлларнинг ҳайкалчалари каби қатор буюмларида ўз ифодасини топган. Қўйқирилган қалъадан топилган қуёш белгили сиғиниш қозони ва аскар ҳайкалчаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Музей фондидаги бу энг қадимги ҳайкалча (эрамызгача IV аср)ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981.
2. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи. Т.Ғафур Ғулом нашриёти. 2001.
3. Ҳабибуллаев Н. Буюк тарихимиз кўзгуси. Халқ сўзи // 2010. 7-апрел.

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИГИ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧДА

*Р. Холмуродов., Д. Холмуродов
ЖДПИ, Жиззах*

Маълумки, жамият янгиланаётган, умуминсоний қадриятлар тикланаётган бир пайтда турли миллатлар ўртасидаги муносабатлар, миллатлараро тотувлик алоҳида аҳамият касб этади.

Миллатлараро муносабатлар-энг аввало одамлар дунёқараши, фикрлаш тарзи билан боғлиқ бўлган мураккаб маънавий-руҳий ва ижтимоий ҳодиса. У ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятини тўғри англаш, уларни ўз вақтида тўғри баҳолаш имкониятлари билан боғлиқ жараён. Агар халқлар умумий мақсад йўлидаги ғояларни бевосита ўз тақдири билан боғлиқ ҳолда англаса, ҳар бир фуқаро ўз тақдирини жамият тақдири, ўзи яшаётган мамлакат

тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунса, турли миллатлар ўртасидаги ижтимоий бирлик шаклланади. [И.Каримов 2012.33-бет] Ана шундай маънавий-руҳий ҳолатни вужудга келтириш жамиятда барқарорликни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон давлатчилиги тарихи турли хилдаги ҳамкорликлар-иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ҳамжиҳатлик минтақаларини вужудга келтиришга гувоҳ бўлмоқда. Энг тараққий топган давлатларда ҳам ана шундай ҳамкорлик минтақаларини ташкил этишга эҳтиёж сезилмоқда. Ҳозирги замон жаҳон тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳеч бир мамлакат яқка ўзи, ҳеч қайси давлат билан ҳамкорлик қилмасдан ривожлана олмайди. Ўз халқи эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш имкониятига эга бўлолмайди.

Дарҳақиқат, Республикаимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2012 йил сентябрда қабул қилинган қонун асосида “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” халқаро ҳамжамиятда катта акс-садо берди. [И.Каримов 2013.91-бет]

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси-давлатимиз ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ва вазифаларини, ўрта ва узоқ истиқболда Ўзбекистон миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг яхлит тизимидир.

Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг қудратли, улкан ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлмиш Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказидадир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий ва юқори даражадаги фаол мулоқот барча йўналишлардаги амалий ҳамкорликка жадал суръат бағишламоқда, икки томонлама алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда.

2017 йил 29 сентябр куни Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл бошчилигида Рус православ черковининг Москва патриархати делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 сентябр куни Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллни қабул қилди. Патриарх Кириллнинг ташрифи мамлакатларимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилди. [“Халқ сўзи” 2017,30 сентябр]

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 конфессия вакиллари бироиладекаҳил-иноқяшамоқда. Уларнинг ўз маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда 138 миллий маданий марказ фаолият юритмоқда, Тошкентда Дўстлик уйи ва боғи барпо этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган.

Ёшлар ўртасида диний таълим ва маърифат ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Тошкент Ислоҳ университети ва институти, 9 мадраса,

православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда. Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда. [“Халқ сўзи” 2017,30 сентябр]

Учрашувда экстремизм, терроризм ва радикализм каби глобал хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида конфессиялараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодга таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бериш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик Россия Федерацияси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1995-1996 й.й.), [Ўз МДА, Фонд-М 7, Рўйхат-1. 7-бет] Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1995.27.07), [Ўз МДА, Фонд-М 7, Рўйхат-2. 119-бет] Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 1998-2000-йиллардаги иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисидаги битим, томонлар ўртасида гиёҳванд моддалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айлантиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланган [Ўз МДА,Фонд-37, Рўйхат-2. 133-134-бетлар.]

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 10-11 октябр кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди. Саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябр куни бўлиб ўтди.

Сочидаги халқаро конгресслар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди. [“Халқ сўзи” 2017,12 октябрь].

Маълумки, Ўзбекистон МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу аъзо мамлакатлар билан турли соҳалардаги аолоқалар ривожига ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади. Йил бошидан буён мамлакатимиз билан МДХ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз ўсган.

Шунингдек, саммит ишида МДХ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган яна қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Мамлакатимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга давлат ташрифидан сўнг ўтган қисқа даврда ўзаро алоқалар сезиларли фаоллашди. Ҳамкорлик доирасига янги соҳалар қўшилди. Кейинги ойларда ҳукуматлараро ваи ҳудудлараро даражада бир қанча ташрифлар амалга оширилди.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан.

Мамлакатимизда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Экспорт ва импортнинг барча кўрсаткичлари бўйича ўсиш кузатилмоқда. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3миллиард доллардан ошган. . [“Халқ сўзи” 2017,12 октябрь]

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Россия бизнес форумида икки мамлакат ишбилармонлари кўплаб истиқболли келишувларга эришди.

Дарҳақиқат, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, Россия Федерацияси билан қилинаётган яқин ҳамкорлик Ўзбекистонимиз нуфузини янада ортиб, экспорт салоҳияти, инвестициявий жозибадорлиги ошишига хизмат қиляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, энг аввало Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий ишонч юксалди. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида, авваламбор, ишончсизлик, зиддият ва миллатлараро низолар манбаларига барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилди. Мулоқотни ривожлантириш, ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича юзага келган жараёнларни янада мустаҳкамлашга ҳар иккала давлат тайёр. Бунда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, савдо ҳамда чегаралараро ҳамкорликни ривожлантириш каби ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга. Томонлар яқин қўшничилик ҳамда дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илм-фан, таълим, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштиришдан тўлалигича манфаатдордирлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи НМИУ,2012.

2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Мустақиллик-барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.:Ўқитувчи НМИУ,2013.

3. “Халқ сўзи”газетаси 2017 йил,30 сентябр

4. Ўз МДА, Фонд-М 7, Рўйхат-1

5. Ўз МДА, Фонд-М37, Рўйхат-2

6. “Халқ сўзи” 2017 йил,12 октябр

IV ШУЪБА: ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ, ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ШАҲАРСОЗЛИГИ ТАРИХИ

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИ

акад. А.А. Асқаров
ТошДПУ, Тошкент
Қ. К. Асқаров
НамДУ, Наманган

Маълумки, ҳар бир миллатнинг этник шаклланиши уч босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич ўрганилаётган халқнинг этногенези, яъни этноснинг шаклланиш тарихидан иборат. Этнос шакллангач, унинг иккинчи босқичи, яъни этнос тарихи бошланади. Учинчи босқичда этнос яъни халқ миллат даражасига ўсиб чиқиб, унинг миллат тарихи бошланади. Уларнинг ҳар бири алоҳида, узоқ тарихий даврларни ўз ичига олган. Бу концептуал назарий қараш барча миллатларга тегишли бўлган этнология фанининг аксиомасидир.

Фанда қабул қилинган илмий қарашларга кўра, ўрганилаётган халқнинг этногенез тарихининг бошланғич нуқтаси унинг бугунги кунда сўзлашаётган халқнинг тили билан белгиланади, яъни ушбу халқ ёки миллат қачондан бошлаб бугунги она тилида сўзлаша бошлади. Мана шу нуқтаи назар ўрганилаётган халқ этногенезининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Агар мана шу концептуал тамойилдан келиб чиқадиган бўлсак, ўзбек халқининг этногенез босқичининг бошланғич нуқтаси менинг назаримда бундан роса 3,5 минг йил аввал, яъни сўнгги бронза давридан бошланади. Чунки, мил.авв. II-минг йиллик ўрталарида тарихий Туркистоннинг шимоли-шарқидан, Сирдарёнинг ўнг соҳили томонидан, то Ордосгача чўзилган бепаён даштлардан турк этносига мансуб қабила ва уруғ жамоалари, яъни тарихий ва археологик адабиётларда “орийлар миграцияси” деб аталган ном остида Ўрта Осиё ҳудудларига туркий тилли чорвадор қабилалар кириб келадилар, яъни ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида туркий тил пайдо бўлади.

Бу тил соҳибларининг илк бор туб жойли қадимги эроний тилли суғдийлар, хоразмийлар, бохтарийлар билан этник қоришуви бошланади. Ўзбек халқи тарихининг этногенез босқичи ана шу даврдан бошланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёнинг, айниқса ўзбек ва тожик халқларининг этногенетик тарихи жуда мураккаб, бир ҳудудий доирада, бир-бирлари билан чатишиб, боғланиб кетган. Уларни қадимдан территориал жиҳатдан ажратиш осон эмас. Ўзбек халқининг этногенетик жараёни менинг кузатувларимга кўра, милодий XI асрда якун топиб, энди ўзбек халқининг этник тарихи бошланади.

Ўзбек халқининг этник тарихи то XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагига қадар давом этади. Бунга туртки бўлган омиллар шундаки, қачонки Подшо Россияси Ўрта Осиё ҳудудларини босиб олиб,

бу ҳудудлар иқтисодиятига Россия капитали кириб келабошлагач, унинг таъсирида маҳаллий бойларимиз таркибида миллий буржуаа қатлами пайдо бўлади. Уларнинг сармоялари ёрдамида маҳаллий ўқимишли халқ қатламининг илғор отряди – жадидчилик ҳаракати тарих майдонига кириб келади. Шундан бошлаб ўзбек халқининг миллат тарихи бошланди.

Маҳаллий бадавлат кишиларнинг фарзандлари янги туғилган миллий буржуазиянинг иқтисодий ёрдамида Европа давлатларига бориб ўқидилар, улар Европанинг иқтисодий ҳаёти билан танишадилар.

Ниҳоят, бизнинг ўлкаларда ҳам туб ўзгаришлар қилиш мумкинлигини тушиниб етадилар. Бунинг учун эса ишни кенг маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш йўлидан бошлаш зарурлигини тушинишди ва бу йўлда шахсий ташаббус кўрсатиб мактаблар очиш, газета-журналлар нашр этиш, шу йўл билан кенг халқ оммасини онгини ошириш, ўзликни англаш туйғуларини уйғотиш, сўнг сиёсий ва мафкуравий кураш олиб боришга киришадилар. Бу ҳаракатлар ўзбек халқи тарихида унинг миллат тарихини бошланишидан далолат берар эди. Бу маънавий ва мафкуравий ўзгаришлар XIX асрнинг охирилари ва XX асрнинг биринчи чорагида авж олди.

Тарихий Туркистонда юз берган бу миллий уйғониш Совет ҳокимиятини чўчитиб қўйди. Миллий ўлкаларда бошқарув тизгинини қўлдан чиқармаслик мақсадида Марказий ҳокимият ўлка халқларига қарата ленинча миллий сиёсатнинг мафкуравий концепциясини ишлаб чиқди ва мана шу сиёсатнинг амалий натижаси сифатида қадимги Турон-Туркистон мамлакатига, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, Марказий Осиё харитасида ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик номи остида қатор миллатлар таркиб топди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мана шу миллатлар номи билан аталган республикалар тарихи ва уларнинг халқи ҳамда миллатни келиб чиқиш тарихини ёзиш бошланди. Натижада она Туркистоннинг ягона тарихи, маданий меросини парчалаш бошланиб, анъанавий тарихий бирдамлик ришталарига дарз кетди. Чунки, тарих фанида шарқшунос олим В.В. Бартольд ва унинг издошлари Брегел (Bregel, 1997) каби тарихчилар ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини XVI аср бошларидан, яъни қачонки Шайбонийхон бошлиқ 92 бовли Дашти-Қипчоқ кўчманчи чорвадор турк-мўғил қабилалари Ўрта Осиёга кириб келиб (бу тўғрисида Сайфиддин Ахсикатий. “Мажмуат таворих” асари (XVI аср); Аҳмад ибн Масруҳ. “Насабномаи ўзбек”; Аваз Муҳаммад Аттор. “Тухбат ат-таворих”(XIX аср), Ўз.ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 4330.3 рақамли қўлёзмада, Н.Ханиковнинг “Описание Бухарского ханства” (СПб, 1843) ва “Қитмир” китобида ҳамда “Асомий наваду ду фирқа ўзбек” да, шунингдек, 1992 йилда “Ўзбегим” тўпламига киритилган Аҳмад Заки Валидийнинг “Ўзбек уруғлари” мақоласида ўз аксини топган), бу ҳудуднинг ҳукмдорлари, эгалари бўлган вақтдан бошланади, деган тезисни кўтариб чиқадилар.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи аксарият ҳолларда кўпроқ ривоятлар билан омухталашган ўрта аср ёзма манбаларига асосланган. Чунки у даврда Ўрта Осиёда археология, антропология, этнография,

топонимика, нумизматика, гералдика, тарихий лингвистика каби фанлар ривожланмаган, уларсиз элат ва халқ этогенезини илмий асосли ўрганиш мумкин эмас эди. Шунингдек, у ёки бу туркий тилли аҳолининг этногенез тарихини ўрганишда Ўрта Осиёдаги мавжуд анъанавий этносиёсий ҳолат ҳисобга олинмай, туркий халқларнинг этник тарихи ўрганилди. Натижада ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида гап кетганда “ўзбекларнинг этник тарихи фақат турк қабилалари асосида қурилган. Ўзбеклар қадимдан минтақанинг соф турк тилли халқидир”, деган тезис ўртага ташланди. Бундай тезиснинг минтақада миллий низоларни келиб чиқишига хизмат қилиши аён бўлиб қолди. Шу боис, Совет тарихшунослигида бу тезис тарафдорлари пешонасига “пантуркист” (Асқаров, 2015, Б. 641) деган тамға босилди. Бир вақтни ўзида бунга қарши Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси фақат эроний тилли этнослардан иборат бўлган, турк тилли ўзбеклар бу юртга келгиндидир, деб айюханнос тортувчилар майдонга чиқди. Бундай тезисни илдиз отишига йўл қўйилса, минтақада янада кучли миллий низолар келиб чиқишини англаб етган совет мафқураси бу тезис тарафдорлари пешонасига “панэронист” (Асқаров, 2015. Б. 640) деган тамғани босди.

Большевикларнинг бу сиёсатини кузатган ислом дини пешволари этносни белгиловчи асосий омил тил эмас, балки диндир. Ўрта Осиё халқлари этник тилидан қатъий назар, бир динга, яъни ислом динига мансубдир, деган тезис билан чиқадилар. Совет тарихшунослигида бу илмга зид концепция тарафдорлари «панисламистлар» сифатида қораланди (Асқаров. 641 бет). Буларнинг барчаси ўша давр ижтимоий-гуманитар фанларининг эндигина ривожлана бошлаган ҳолатидан келиб чиққан дастлабки қарашлар эди.

Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, йўқсиллар диктатурасининг дохийси В.И.Ленин Подшо Россиясининг Шарқ мустамлакалари халқларига қарата: «Пролетариат большевиклар раҳбарлигида подшо ва буржуа Россиясини бирин-кетин ҳокимиятдан ағдариб ташлади. Ҳокимиятни Россияда пролетариат бошчилигидаги меҳнаткаш халқ қўлига олиб берди. Энди сизлар ҳам мустамлакачилик зулмидан озодсизлар. Ўз юртингизда ўзингиз қандай ҳокимият қуришни истасангиз, уни қуриш ҳуқуқига эгасиз» (Ленин, 1917, с.493; Ўзбекистон тарихи, 2019. 56 бет) мазмунида ёзма мурожаат эълон қилади.

Бу мурожаатдан илҳомланган Туркистон жадидлари Туркистонда ўлка халқларининг ягона миллий давлатини барпо этишга киришадилар. Большевиклар раҳнамолигида дастлаб 1918 йилда Советлар Россияси таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил этилади (Ўзбекистон тарихи, 2019, 77-85 бетлар). Аммо, 1920 йилдан бошлаб большевиклар бошқарув жоловини қўлдан чиқармаслик мақсадида Ўрта Осиёга Я.Э. Рудзутак бошлик Турк комиссиясини юборади. Турк комиссиясига Ўрта Осиёда миллий республикалар ташкил этишга ёрдам бериш баҳонасида, Туркистоннинг туркий халқларини парчалаб ташлаш сиёсатини ўтказиш топширилади. Бу масалада эркинлик ва адолат талаб қилган миллий зиёлилар қаттиқ сиқувга олинди. Шундай қилиб, Марказ кўрсатмалари асосида 1924 йилда Ўрта Осиёда территориал миллий давлат

чегаралаш ўтказилди (Ўзбекистон тарихи, 2019, 304-312 бетлар).

Совет ҳокимиятининг бу сиёсати ягона Туркистон ва унинг яхлит маданий меросини миллий мансублик баҳонасида парчалаб ташлашга хизмат қилди. Шундан бошлаб миллийликка урғу берилиб олиб борилган ленинча миллий сиёсат туфайли тарихий Туркистонда ўзбек миллати, туркман миллати, қирғиз миллати, қозоқ миллати, тожик миллати каби этник атамалар келиб чиқди. Туркистоннинг ягона тарихи, яхлит маданий ва маънавий меросини сунъий равишда бўлиб юборишга эришилди. Дастлаб туркий забон Ўзбекистон ва Туркманистон Социалистик Республикалари ташкил этилди. Республикага ном берган халқ тарихи ва унинг келиб чиқиш тарихий илдизлари ҳақида тасаввур берувчи асарлар ёзиш бошланди.

Совет ҳокимиятининг бу сиёсати минтақага ташқаридан қараганда миллатлараро дўстлик ришталарини мустақамлашга, ҳамжихатлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилди. Аммо, миллий ўзликни англашда, тарихий ҳудудий мансублик масаласида худбинлик, миллий интелегенциянинг тарихий онги ва тарихий тафаккурида хуфёна ички ихтилофларни келтириб чиқарди. Оқибат натижада, ушбу сиёсатнинг салбий оқибатлари СССР парчаланиб, ўз ташқи ва ички сиёсатига эга миллий мустақил давлатлар ташкил топгач, янада яққол кўзга ташланиб қолди.

XX асрнинг 40-йилларига келганда, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида шарқшунос олим В.В. Бартольд ўртага ташлаган тезисга зидли ўлароқ, археолог-тарихчилар орасида ўзга фикр юритувчи олимлар ҳам бор эди. Ўрта Осиё тарихи ва археологиясининг билимдони, шарқшунос олим А. Ю. Якубовский 1941 йилда “Фан” нашриётида «Ўзбек халқининг этник келиб чиқишига доир масалалар» (Якубовский, 1941) номли рисоласини эълон қилди ва унда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлар ҳеч қачон кимсасиз жойлар бўлган эмас. Бу ҳудудларда Шайбонийхон бошлиқ Дашти-Қипчоқ ўзбеклари кириб келгунига қадар ҳам туркий ва эроний тилли қабила ва элатлар биргаликда, аралашиб, қўни-қўшни бўлиб яшаб келишган.

Агарда бу ўлкалар Шайбоний ўзбекларига қадар кимсасиз жойлар бўлиб, илк бор Шайбонийхон бошлиқ туркий тилли қабила ва элатлар томонидан ўзлаштирилганида эди, ўзбек халқи тарихи Шайбонийхондан, яъни XVI асрдан бошланди, деса бўлар эди. Аслида ундай эмас. Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда унга қадар ҳам қадимдан эроний ва туркий тилли қабила ва элатлар яшаб келганлиги археологик ва қадимги ёзма манбаларда ўз аксини топган. Уларнинг ўзаро, бир-бирлари билан иқтисодий, маданий ва этник алоқалари жуда қадимий тарихга эга. Бу алоқалар айниқса Буюк Турк хоқонлигининг бу заминга кириб келиши билан жадал тус олади. Ғарбий Турк хоқонлиги даврида эса икки тил соҳибларининг этномаданий қоришуви янада жадаллашади ва Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда кучли туркий тил муҳити таркиб топади, сиёсий ва ҳарбий хукмронлик турклар қўлига ўтади. Бу тарихий ҳақиқат А.Ю.Якубовскийнинг ўзбек халқи этногенезини бошланғич нуқтаси Турк хоқонлигидан бошланади, деган илмий концепцияни асосини ташкил этган. А.Ю.Якубовскийнинг бу хулосаси ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихида бирдан-бир тўғри хулоса эди.

А. Ю. Якубовский томонидан ўртага ташланган бу ғояни Ўрта Осиё халқлари тарихининг чуқур билимдони С.П.Толстов ривожлантирди. С.П.Толстов ўз касбдош дўсти, ўзбек археология мактабининг асосчиси академик Я.Ғ.Ғуломов билан илмий ҳамкорликда 1960 йилларга қадар Мовароуннаҳр ва қадимги Хоразмда олиб борилган кенг кўламли археологик ва антропологик изланишлар натижасига асосланиб ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтасини роса минг йилга, яъни антик даврга қадимийлаштиришди (Толстов, 1947. С. 303).

Ҳозирги кунда Марказий Осиё ҳудудларида яшаб келаётган туркий ва эроний тилли барча халқ ва миллатлар туб жойли автохтон асосга эга (Якубовский А.Ю. указ.литература), уларнинг илдизи битта. Уларни мевали бир дарахтга ўхшатсак, ўша дарахтнинг бир пайванд шоҳи тожик бўлса, иккинчи пайванд шоҳи ўзбек бўлди, учинчи пайванд шоҳи қозоқ бўлса, тўртинчи пайванд шоҳи қирғиз бўлди, бешинчи пайванд шоҳи туркман бўлса, олтинчи пайванд шоҳи қорақолпоқ бўлди. Бу тарихий ҳақиқат, уларни бир-бирдан айириш, территория ва маданий мерос талашиб, миллий низолар чиқариш илм аҳлининг вазифаси эмас. Илм-фан ва унинг дарғалари минтақада дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Бу заминда қадимда ва ўрта асрларда яшаб ўтган диний ва дунёвий алломалар, буюк шахслар ва фан дарғаларидан қолган маданий меросни бир томондан улар туғилиб ўсган замин халқига, иккинчи томондан, ушбу минтақа халқларининг барчасига тегишли, деган хулосага келиш фаннинг асл мақсад ва муддаосидир. Чунки, минтақамиз халқларининг аждодлари доимо ўзаро иқтисодий, маданий ва этник алоқада бўлишган, ўзаро қоришиб, аралашиб яшашган, ташқи душманга қарши биргалашиб курашган. Улар томонидан яратилган маданий мерос уларнинг барчасига тегишли эканлигини фан исботлайди, қолаверса бу мерос аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган буюк хиссасидир, деган умумбашарий тарихий ҳақиқат ўз илмий исботини топган. А.Ю.Якубовский кўтарган бу илмий методологик қараш тарих фанида «Миллий автохтонизм» назарияси сифатида фанда мустаҳкам ўз ўрнини эгаллади. Ўзбекистон тарихининг кўп жилдли нашрларида бу ғоявий қараш ўз аксини топди.

Аммо, Ғарбий Европа ва Совет даври тарихшунослигида ҳукм сурган ғоявий тазйиқ туфайли Марказий Осиёнинг Тоғли Олтойдан бошқа барча бронза даври чорвадор қабилалари қадимги эроний тилда сўзлашганлар, уларнинг азалий ватани Евроосиё даштлари бўлиб, улар мил. авв. II-минг йиллик ўрталарида Қозоғистон даштлари, Енисей бўйлари, умуман, Жанубий Сибирдан Ўрта Осиё ва Закавказия орқали Эрон ва шимолий Ҳиндистонгача, Эроннинг Форс кўрфасигача кириб борадилар (Кузмина, 1994). Бу эроний тилли орийларнинг буюк кўчиши бўлиб, улар маҳаллий хуррит ва эламит деҳқон жамоаларини тил жиҳатидан эронийлаштирди, деган исбот талаб тўқима концепция ишлаб чиқилди ва бу совет тарихшунослигининг устувор илмий йўналишига айлантирилди.

Бироқ, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида менинг иккита шахсий кузатувларим менга узоқ йиллар тинчлик бермай келар эди. Улардан бири Марказий Осиёнинг барча бронза даври дашт

қабилаларининг моддий маданиятидаги бир хиллик, ўхшашлик бўлса, иккинчиси, бронза даври чорвадор қабилалар маданияти аҳолисининг антропологик типидagi айнан бир типлилик эди. Масалага мантиқан ёндашилса, Марказий Осиёнинг бир хил моддий маданият ва бир хил антропологик типли аҳолисининг Тоғли Олтойда яшаганлари туркийда, қолганлари эса қадимги эроний тилда сўзлашган дейиш, янада исбот талаб илмий фараз эди. Тил масаласидаги бу жумбоқликни илмий ечимини топиш тилшуносларимизга ҳавола.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг келиб чиқишида тилнинг ўрни катта ва тил халқлар этногенезида ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Бироқ, марказ мафкурачилари тазйиқида археологик қазилмаларда топилган ва бизгача етиб келган маҳаллий ёзма манбаларнинг тили аксарият ҳолларда қадимги эроний тил деб ўқтирилиб, лингвистларнинг ҳинду-орий назарияси фойдасига хизмат қилиб келди. Кушонлар босиб ўтган йўлдан топилган қадимги туркий ёзувлар ҳам «номаълум ёзув» деб шубҳа қила бошланганида, тилшунос олим А.С. Омонжолов, уни “Иссиқ ёзуви” билан боғлаб қадимги туркий ёзув эканлигини асослади (Омонжолов, 1975. с.61-65; Асқаров, 2015. 134 бет).

Натижада Марказий Осиёда туркий ёзув масаласида бўшлиқ, вакум пайдо бўлиб, топилган қадимги ёзув парчаларининг барчаси эроний тиллар фойдасига хизмат қилди. Шу боис, тожиклар, афғон ва эрониларнинг форс тили бу заминга мил. авв. II-минг йилликнинг ўрталаридан марказий ва шарқий Европадан орийлар миграцияси муносабати билан кириб келди, деган қараш фанда ҳукмрон концепцияга айланди. Оқибат натижада маҳаллий уруғ жамоаларининг хуррит ва элам тиллари форсийлашди, деган тасаввур пайдо қилинди. Фақат Тоғли Олтой аҳолисигина туркий тилли қабилалар бўлган, деган концепция совет тарихшунослигининг аъъанасига айланди.

Минг бор шукроналар бўлсинким, кейинги 30-40 йил давомида Хитой олимларининг япон касбдошлари билан ҳамкорликда қадимги Хитойнинг 24 сулолавий тарихига оид иероглифларининг аслиятини қайта ўқиб, уларнинг илмий таҳлилида Н.Я.Бичуриндан фарқли ўларок, мил. авв. III-минг йилликнинг охириги чораги ва II-минг йилликнинг биринчи ярмида Жанубий Сибир даштларида ғуз, тиек, хунну номли этнонимлар мавжудлиги кашф этилди. Уларнинг ҳудудий ва моддий маданият жиҳатидан локализацияси Евроосиё даштларининг энеолит ва бронза даври археологик маданиятларига бориб тақалиши исботланди (Асқаров, Тошкент. 2015, 432-452 бетлар).

Л.Н. Гумилев ўзининг “Хунну” номли монографиясида Н.Я. Бичуриннинг “Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена”. Изд. АН СССР, М-Л., 1950 г. 1-том, с. 92-93; 2-том, с. 196-198. номли асарига иқтибос бериб, мил. авв. 1764 йилга тегишли қадимги Хитой иероглифларида Жанубий Сибир даштларида туркий тилли хунну қабилалари этноними учрашини қайд қилиб ўтади (Гумилев, 1960. С. 23). Лекин, совет даври тарихшунослигида ҳеч бир олим Марказ мафкурасидан чўчиб ўз фикрини очиқ айтолмай келди. Аслида эса, ғуз ва тиек атамалари энеолит, “хунну” атамаси эса бронза давридан қадимги хитой ёзма манбаларида учрайди.

Жаҳон тарихшунослигида ғуз (оғуз), тиек, хун этнонимлари турк этник қатламига тегишли эканлиги тан олинган. Улар энеолит ва бронза даврларида Тянь-Шан ва Жанубий Сибир даштларида, Енисей ҳавзаларида, то Ордосгача чўзилган ҳудудларда яшаганлар. Ғарб олимлари, биринчи навбатда Россия олимлари ҳинду-орий назарияси таъсирида Евроосиё даштларининг энгеолит ва бронза қабилалари қадимги эроний тил лаҳжаларида сўзлашганлар деган тўқимани зўр бериб асослашларига қарамай, улар қадимги эроний тил лаҳжаларида эмас, балки қадимги хитой иероглифларини фундаментал ўрганиш туфайли қадимги туркийда сўзлашганлар, дейишга асослар бор (Хўжаев, 2003.с.178).

1998 йилда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов Республика тарихчилари билан учрашувида Ўзбекистон тарихининг мустақиллик давридаги устувор илмий йўналиши “Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва унинг давлатчилик тарихи” бўлмоғи кераклигини алоҳида таъкидлаб, бу муамоларни кун таркибига киритди (Каримов, 1998). Биз тарихчилар зиммасига юклатилган вазифадан келиб чиқиб, 2015 йилда ўзбек тилида, 2018 йилда рус тилида «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» ҳақида фундаментал асар чоп эттирдим. Ушбу асарда халқимнинг яқин 4 минг йиллик этник тарихи археологик, антропологик, этнографик, лингвистик, тарихий топонимика ва қадимги ёзма манбалар маълумотларининг илмий таҳлили асосида баён этилган. Тадқиқотда ўзбек элатининг халқ сифатида тарихан шаклланиши туб жойли туркий ва қадимги эроний тилли қабила ва элатларнинг узоқ асрлар давомида ўзаро этник қоришуви асосида Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларда таркиб топганлиги ўз илмий исботини топган (Асқаров, 2015., 2018).

Энди, ўзбек халқининг давлатчилик масалаларига ўтадиган бўлсак, ўзбек давлатчилиги ўзининг узоқ асрли тарихига кўра, ўзбек этногенези каби жуда мураккаб ва баҳсли масаладир. Чунки, панэронистик ғоя тарафдорлари ва келиб чиқишини чингизийлар билан боғловчи мустақил Ўзбекистоннинг бадиий ижод аҳли орасида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида ўзбек давлатчилигининг келиб чиқишини сўнгги ўрта асрлар билан боғлашга интилишлар кўзга ташланади. Россия Федерациясининг баъзи бир сиёсатчилари, масалан, жаноб Жириновский эса, ўзбек давлатчилиги Совет ҳокимияти томонидан Ўрта Осиёда миллий давлат чегаралаш сиёсати амалга оширилган йилдан, яъни 1924 йилдан бошланди, деб тарихни сохталаштирадilar. Аслида давлатчилик айнан олинган халқнинг номини пайдо бўлишидан жуда қадимий. Давлатчилигимизнинг тарихий илдизи унинг халқ сифатида шаклланиш тарихий жараёнлари билан узвий боғлиқ.

Халқнинг шакллантирувчи қатор омиллар бор. Улар ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги, тил бирлиги, этник ном бирлиги, ўзликни англаш бирлиги, тарихий қисмат бирлиги, сиёсий уюшма бирлиги ва бошқалар. Улар бир вақтда юз берган эмас, аксинча улар бирин-кетин бир неча асрлар давомида таркиб топиб боради. Мана шу илмий назарий қарашнинг сиёсий уюшма бирлиги юз берган вақтда унинг давлатчилиги ҳам шаклланиб бўлган. Бу Ғарбий Қорахонийлар давлати даврида, яъни XI асрда содир бўлди, дейиш

мумкин. Чунки, айнан шу асрда ўзбек этноси билан боғлиқ эски ўзбек тилли давлатчилик (шу даврдан бошланган тилни тилшуносликда чиғатой тили ҳам деб атаб келинди), яъни Ғарбий Қорахонийлар давлати таркиб топди. Агар Қорахонийлар давлатининг тили умумтурк тили бўлса, Ғарбий Қорахонийлар тили базасида таркиб топган тил эски ўзбек тили эди. Афсуски, айрим тарихчи ва тилшунос олимларимиз бу фактни фарқиға бормаи, китобхонни ҳозиргача чалғитиб келадилар.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг давлатчилиги Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари давлатчилиги каби дастлаб сулолавий номлар билан аталиб келинди. Ғарчи, ўзбек давлатчилиги “ўзбек” этник атамасини анча кейин олган бўлсада, унинг давлатчилиги ҳам унинг этногенези каби жуда чуқур тарихий илдизга эга. Бу ҳам бронза даврига бориб тақалади, яъни 3,5 минглик тарихга эга.

Ҳар қандай давлатчилик асосида халқнинг ўтроқ ҳаёти, яъни турғун иқтисодий хўжалик, профессионал ҳунармандчилик, бозор билан боғлиқ савдо-сотик ва мафкуравий омил ётади. Булар жамиятда илк шаҳарларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, буларни бошқарув тизими асосида дастлаб шаҳар–давлатлар таркиб топган. Шаҳар давлатчилиги муайян халқ давлатчилигининг бошланиши бўлиб, унинг куртаги Авесто тили билан айтганда “вис” (қишлоқ), “занту”(ҳавза ёки туман тушунчасига тўғри келади) каби ишлаб чиқариш уюшмалардан ташкил топади.

Бундай шаҳар-давлатлар Жанубий Ўзбекистонда бронза даврида Жарқўтон илк шаҳар мисолида, илк темир даврида Жандавлат-тепа, Ҳайитободтепа, Бандихонттепа, Талашкантепа, Кўктепа, Афросиёб 1, Сангиртепа, Дараттепа, Узунқир, Кўзалиқир, Ҳазорасп, Хумбустепа каби ёдгорликлар мисолида кенг ўрганилган.

Одатда давлатчиликнинг шаклланишида ҳам қатор омиллар ётади. Масалан, биринчидан, шаҳар-давлатлар ўтроқ аҳоли зич жойлашган маконда қад кўтаради. Иккинчидан, унинг атрофи қалин муҳофаа девори билан ўраб олинади. Учунчидан, шаҳар майдони ҳоким қароргоҳи жойлашган Арки Аъло ва турли хил профессионал ҳунармандлар жойлашган шаҳристонга бўлинган бўлиб, Арк атрофи ҳам ички муҳофаа иншоатлари билан ўралган бўлади. Арки Аълода ҳукмдор саройи ва давлат маҳкамачилик тизими билан боғлиқ иншоатлар қад кўтаради. Тўртинчидан, қадимги шаҳарнинг “Шаҳристон” қисмида монументал шаҳар ибодатхонаси қад кўтаради. Дастлаб жамоани бошқаришда диний мафкуравий марказ катта роль ўйнайди. Бешинчидан, шаҳар аҳли ишлаб чиқарган ҳунармандчилик маҳсулотлари сифатли, товар характеридаги рақобатбардош бозоргир бўлиб, улар ташқи савдога ҳам чиқарилади. Олтинчидан, шаҳар-давлат сардорининг муҳри бўлиши керак. Еттинчидан, шаҳар аҳолисининг ёзув маданияти ва қабилалараро товар-пул (танга) чиқара бошлайди.

Буларнинг барчаси ҳудудий майдони 100 гектардан кам бўлмаган қадимги шаҳар Жарқўтонда мавжуд бўлиб, Жарқўтон Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги илк шаҳар намунасидир. Сополлитепа эса Ўзбекитон ҳудудидаги энг қадимги протошаҳардир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bregel Yu. Notes on the study of Central Asia. Журнал «Восток», № VI. Москва, 1997.
2. Сайфиддин Ахсикатий. “Мажмуат таворих” асари (XVI аср); Аҳмад ибн Масруҳ. “Насабномаи ўзбек”; Аваз Муҳаммад Аттор/ “Тухбат ат-таворих” (XIX аср), Ўз.ФА си Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 4330.3 рақамли кўлёмзада, Н.Ханиковнинг “Описание Бухарского ханства” (СПб, 1843) ва “Қитмир” китобида ҳамда “Асомий наваду ду фирқан ўзбек” да, шунингдек, 1992 йилда “Ўзбегим” тўпламига киритилган Аҳмад Заки Валидийнинг “Ўзбек уруғлари” мақоласида ўз аксини топган.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015, 641 бет.
4. Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. Москва, 1917, с.493; .Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 1-жилд. Тошкент “OZBEKISTON”, 2019. 56 бет.
5. Ўзбекистон тарихи ((1917-1991 йиллар). 1-жилд. Тошкент “OZBEKISTON”, 2019, 77-85 бетлар.
6. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе ўзбекского народа. Изд. “фан”, Ташкент, 1941.
7. Толстов С.П. Основные проблемы этногенезе народов Средней Азии. СЭ, №№VI-VII? 1947. С. 303.
8. Кузмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен Андроновской общности и происхождения индоарийцев. Москва, 1994.
9. Омонжолов А.С. Материалы и исследования по истории древнетюркской письменности. Алма-Ата, 1975, с.61-65; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015, 134 бет.
10. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. “Ozbekiston” нашриёти, Тошкент, 2015, 432-452 бетлар.
11. Гумилев Л.Н. Хунну. Срединная в древние времена. Москва, 1960. С. 23.
12. Хўжаев А. Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. “Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият” Тошкент 2003.с.178.
13. Каримов И.А.Тарихий хотрасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998.
14. А.Асқаров. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015,2018.

ЎТРОҚ - ДЕҲҚОНЛАР ВА КЎЧМАНЧИ – ЧОРВАДОРЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (ҚАДИМГИ ФАРҒОНА МИСОЛИДА)

С.С. Қудратов
ГулДУ, Гулистон

Марказий Осиёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда қадимдан ўтроқ аҳоли билан кўчманчи аҳоли ўзаро доимий алоқада ҳаёт кечиришган. Улар ягона иқтисодий маконда бўлганлар, шунингдек, кўп ҳолларда ягона давлат таркибида бўлишган. Ўтроқ аҳоли ҳам, кўчманчи чорвадорлар ҳам бир-бирисиз нормал фаолият кўрсата олмаганлар. Марказий Осиёда ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган аҳолининг ўзаро алоқалари кўп қиррали бўлиб, икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу алоқалар ўзига хос томонларга эга. Масалан, бу икки томон ҳам кўпинча бир халқ бўлганлигидан, бир-бирига яқин маданиятга эга бўлган. Кўчманчиларнинг ўтроқ аҳоли маҳсулотларига

эхтиёжи ва ўз навбатида ўтроқ аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби бу алоқаларнинг доимий бўлишини тақоза этган.

Аҳолиси сой ва дарё бўйларидаги воҳаларда деҳқончилик билан, воҳаларни ўраб турувчи тоғ ва тоғ олди худудларида эса чорвачилик билан шуғулланган қабилаларнинг ёнма-ён яшаганликлари Фарғона моддий маданияти ва этник тарихининг ўзига хослигини белгилайди [Бернштам, 1952. с.186-190]. Шунингдек, Фарғонанинг ён атрофдаги худудлар билан алоқалари ҳам унинг моддий маданиятига бевосита таъсир кўрсатган. Масалан, атрофдаги тоғлардаги доволар ва водийнинг ғарбидаги «Хўжанд дарвозаси» орқали Фарғонага турли қабилалар доимий равишда кириб келганлар. Кириб келган қабилалар аста-секин ўтроқлашиб, маҳаллий қабилалар билан аралашиб кетишсада, ўзларининг илк ватанлари билан алоқаларини сақлаб қолганлар. Марказий Осиёнинг жануби ва жанубий-ғарбидаги деҳқончилик воҳалари аҳолиси билан, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида яшаган чорвадор қабилар билан ва Шарқий Туркистонда яшаган аҳоли билан олиб борилган алоқалар ҳам Фарғона моддий маданиятида ўз аксини топган.

Фарғонада мил.ав. II минг йиллик охири - I минг йиллик бошларида бронза даври ёдгорликлари қайд этилади. Ушбу даврда Фарғонада икки маданият: Чуст деҳқончилик маданияти [Заднепровский, 1962. 2;11; 1990. с-49-6] ва Қайроқум чорвадорлар маданияти [Литвинский, Окладников, Ранов, 1962. с.89-287] вакиллари яшаганлар.

Бу икки типдаги маданиятларнинг узоқ вақт давомидаги ўзаро таъсири натижасида мил.ав. (VII?)VI-III асрларда янги маданият шаклланади. Ушбу маданият шаклланишида учта асосий таркиб(компонент) муҳим роль ўйнаган:

1. Мил.ав.II минг йиллик охирлари ва I минг йиллик бошларида водий воҳаларида деҳқончилик билан шуғулланган чуст маданиятига мансуб аҳоли авлодлари – (исботи ушбу даврда Чуст маданиятига хос бўлган қўлда ишланган бўёқли сопол идишларнинг турмушда қўлланилишининг давом этганлиги).

2. Марказий Осиёнинг жанубий-ғарбий худудларидан келган аҳоли – уларнинг таъсирида Фарғона сополчилигида чархда ишланган “оч фонли” сопол идишлар пайдо бўлади.

3. Ён-атрофдаги чорвадор қабилалар аҳолиси – ушбу даврда айнан чорвадор қабилаларга хос бўлган қабрлар пайдо бўлади.

Тўғри бу компонентлар ўртасидаги алоқалар доимо ҳам силлиқ кечмаган. Айнан шу сабаб, Фарғонада нафақат йирик шаҳар ва қишлоқлар хаттоки алоҳида жойлашган уй-қўрғонлар ҳам кучли мудрофаа тизимига эга бўлган.

Шу билан бирга улар ўртасидаги иқтисодий бирликнинг бирор-бир сабаб (масалан, босқинчилик таъсирида) билан бузилиши икки томон учун ҳам оғир оқибатларга олиб келган. Сабаби, ташқи босқин натижасида кўп ҳолларда босқинчилар қўл остига водий аҳолиси тушиб қолар ва уларнинг кўчманчилар билан алоқалари сунъий равишда узилиб қўйилар эди. Айнан шу сабабли ҳам бундай босқинга икки томон биргаликда кураш олиб борган.

Масалан, мил.ав. IV асрда македониялик Александар бошчилигидаги

юнон-македонлар босқини натижасида деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли билан чорвадор аҳоли ўртасидаги зарурий эҳтиёж бўлган алоқалар сунъий равишда узиб қўйилади. Табиийки, бундан икки томон ҳам бирдек жабр кўради. Натижада, сакларнинг (мил.ав. III асрда) салавкийлар давлатига қарши юришлари бўлиб ўтган. Айнан шу юришларни амалга оширган кўчманчиларни жазолаш учун ҳам Салавк ўғли Антиохни Шарққа ноиб этиб тайинлайди. Мил.ав. 293-289 йиллари Салавк ўз лашкарбошиси Демодамантни Яксарт ортига сакларни жазолаш учун юборади. Босим остида қолган сакларнинг бир қисми Фарғона томон силжишга мажбур бўлади. Шу билан бирга юечжилар ҳам Шарқий Туркистонда мил.ав. 176 йилда хунлар томонидан тор-мор этилгач, жанубга айнан Фарғона орқали ўтишган. Чамаси, уларнинг бир қисми Фарғонада қолишган. Шу тариқа, Фарғонанинг жанубий-ғарбий худудларида мил.ав. III-II асрда ўтроқлашган сакларнинг янги қишлоқ ва шаҳарлари пайдо бўлади.

Бу халқлар сиёсий соҳада ҳам ҳамкорлик қилганлар. Бу ҳамкорлик турли даврларда турлича маъно касб этган. Масалан, баъзи ҳолларда кўчманчилик билан шуғулланган халқлар ўтроқ аҳоли томонидан барпо қилинган давлатларга ярим қарам ҳолда кириб, маълум мажбуриятларни олган бўлсалар (ҳарбий ёрдам), баъзи ҳолларда эса кўчманчилар водийларни босиб олиб, у ерларда ўз хукмронликлари остида йирик давлатлар тузганлар. Масалан, чамаси, Довон подшолигига мил.ав. III асрда маҳаллий деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли асос солган бўлсаларда, мил.ав. II асрнинг иккинчи ярмида хукмронлик саклар қўлига ўтади. Бунинг исботи сифатида хитой манбаларида келтирилган мил.ав. II асрда Довон подшоси бўлган Мугуанинг мил.ав. IV асрда саклар йўлбошчиси исми билан ўхшашлиги [Литвинский, 1954. с. 54] далил сифатида келтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. - МИА, М., 1952, №26, с.186-190.
2. Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы – МИА, М., 1962, №118, с.11-49.
3. Литвинский Б. А., Окладников А. П., Ранов В. А. Древности Кайрак-кумов (древнейшая история северного Таджикистана). Душанбе, 1962, с.89-287.
4. Горбунова Н. Г. Основные этапы развития культуры древней Ферганы// Информ. бюл. МАИКЦА.М., 1983.вып.5.с.38.
5. Литвинский Б. А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы//История и культура народов Средней Азии. М., 1976.с.53,55.
6. Заднепровский Ю. А. Погребальные памятники эйлатанской культуры Ферганы. //КСМИИК, №199, М., 1990, с.93-94.

ТАЛАБАЛАРГА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИНИ ЎҚИТИЛИШИ ХУСУСИДА

Б.Б. Тўйчибоев
ГулДУ, Гулистон

Ҳар бир халқнинг этногенези ва этник тарихи айнан олинган халқ тарихининг таркибий қисмидир. Шунингдек, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ҳам Ўзбекистон халқлари тарихининг таркибий қисмини ташкил этади. Шу сабабли республика ОТМларида “Ўзбек халқи этногенези этник тарихи” курси бўлажак тарихчиларга ўтиб келинади. Ушбу курсни талабаларга етказишда профессор ўқитувчилар томонидан муаммонинг назарий масалаларини ўқувчиларга тушунарли, содда шаклда етказиб бериш муҳим масала ҳисобланади. Чунки ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини, миллий ўзлик тушунчасини тўғри англаб етилиши, ёшларда ватанпарварлик руҳини шакллантиради. Мақолада биз шу масалага муурожаат этдик.

Этногенетик тадқиқотлар халқнинг этногенези ва этник тарихини ўрганишдаги мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Халқларининг этногенезини ўрганиш давомида этногенетик жараёнларнинг барча жиҳатларини ва барча манбаларни комплекс жалб этмаган ҳолда ечиш мумкин эмас [Итс, 1991. с-114.]. Этногенез ва этник тарихни ўрганмай, яъни айнан олинган халқнинг келиб чиқишини ўрганмай туриб, халқ тарихини тўла қонли яратиш мумкин эмас.

XX асрнинг 40-йиллари арафасида объектив тарихий жараёнлар тақазо этган ва замон талабига хос ва мос илмий концепция ишлаб чиқилди. Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши муаммолари ечимига назарий ва илмий методологик асос берган бу илмий ишланма “миллий автохтонизм концепцияси”, деб аталди. Бу янги илмий назариянинг концептуал асосини “Ўрта Осиёнинг ҳар бир халқи ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир”. “Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли туб жойли халқлар ва теварак- атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган” [Якубовский, 1994. с. 6-7], деган ғоялар ташкил этади. Миллий автохтонизм назарияси Ю.В.Бромлей, П.Кнышев, С.Токарев, Н.Чебоксаров, В.Козлов каби этнос назариячилари томонидан ривожлантирилди ва уларнинг тадқиқотларида такомиллаштирилди.

Этнология фанида миллий автохтонизм концепциясига кўра ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи уч босқичдан иборат дейилган. Биринчи босқичда қўшни, ҳудудий жиҳатдан яқин, турли тил ва лаҳжаларда сўзлашувчи қабила ва элатларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари асосида этномаданий яқинлашиш, аралашуш ва этник қоришув, яъни этногенетик жараёнлар кечади. Бу этногенетик жараён ҳар бир халқ тарихида жуда узоқ давом этадиган объектив тарихий воқелик бўлиб, унинг якуни айнан олинган халқнинг шаклланишига олиб келади.

Этнология фанида қабул қилинган ишланмага кўра, этногенез якунида этносга хос барча этник белгилар мужассамлашган бўлади. Агарда халқларни келиб чиқиши масаласига доир юқоридаги методологик талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, биринчидан, этногенез, этник тарих ва миллат тарихининг ҳар бирини алоҳида олганда, уларнинг бошланғич ва якуний нуқталари бор. Шунинг учун этногенез ва этник тарихни ўрганишда ўқувчи биринчи навбатда ўрганаётган халқ этногенезининг қачондан бошланганлигини аниқлаб олмоғи керак бўлади. Чунки, этнос фақат кишилиқ тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлади. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси эса этноснинг қадим замонларда яшаган “аждодларига” бориб тақалади.

Ўзбек халқининг қадимги аждодлари Моварауннахр ва қадимги Хоразмнинг туркий ва эроний тил лаҳжаларида сўзлашувчи туб жойли ўтроқ ва чорвадор аҳолисидир. Улар узоқ асрлар давомида бир ҳудудда, аралашиб, қўни-қўшни ва куда-анда бўлиб яшаганлар ва уларнинг қоришуви жараёнида ўзбек халқи шаклланган. Бу қабила ва элатларнинг биринчи бор бир-бирлари билан аралашиб жараёни миллий автохтонизм назариясига кўра, ўзбек этногенезининг бошланиши, дастлабки нуқтаси ҳисобланади.

Этногенез жараёни умумий ҳолатда қуйидаги босқичларни ўз ичига олади. Бир қатор ташқи шароитлар мавжудлигида, этносни шакллантирувчи омиллар жамланмаси шаклланади ва уларнинг таъсирида бир қанча этник компонентлардан янги этник компонент шаклланади. Янги этник компонентнинг шаклланиши жараёнида унинг бошқа этнослардан фарқловчи белгилари шаклланади. Ва ниҳоят, ушбу белгилар янги пайдо бўлган этноснос жамоасини ўзини алоҳида жамоа сифатида ҳис қилувчи ўзлигининг пайдо бўлишида акс этади. Айнан ушбу умумий ном асосида янги пайдо бўлган этноснинг миллий ўзлигининг англаниши, этногенез жараёнининг якунланганлигидан далолат беради. [Крюков, Софронов, Чебоксаров, 1978. с-291.].

Демак, биринчи босқичда қўшни, ҳудудий жиҳатдан яқин, турли тил ва лаҳжаларда сўзлашувчи қабила ва элатларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари асосида этномаданий яқинлашиб, аралашиб ва этник қоришув, яъни этногенетик жараёнлар кечади. Бу этногенетик процесс ҳар бир халқ тарихида жуда узоқ давом этадиган объектив тарихий жараён бўлиб, унинг якуни айнан олинган халқнинг шаклланишига олиб келади, яъни этногенетик жараён якунида халқ шаклланади. Демак, халқ бу биологик ҳосила эмас, балки узоқ давом этадиган этногенетик жараёнлар маҳсули ва этник бирликлар йиғиндисидир. Яъни халқ тарихининг этногенез қисми, унинг элат, халқ бўлиб шаклланганига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси, унинг ибтидоси эса қабиладан бошланади. Агар биз Ўрта Осиёнинг энг қадимги ўтроқ, туб жойли аҳолиси – ўзбек ва тожик халқлари мисолида оладиган бўлсак, у ҳолда ўзбек ва тожик этногенези кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг ибтидоий жамоа тузими сўнгидан (сўнгги бронзадан) бошланиб, то ривожланган феодал жамиятининг XI асригача давом этади. [Асқаров, 2015. с-13] Этногенез якунида этносга хос барча этник белгилар, этник аломатлар бирин-кетин юз бериб, мужассамлашган бўлади. Ўзбек халқи этногенези ва

этник тарихининг назарий масалаларини талабаларга ўқитишда эътибор бериш керак бўлган масалалардан яна бири халқнинг этник бирлик бўлиб шаклланиши масаласидир.



Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг назарий масалалари чизма кўринишида

Маълумки, халқнинг келиб чиқишининг иккинчи босқичи, бу элат-халқ тарихи, яъни қачонким, халқ этногенези яқунлангач, унинг шакланган халқ тарихи бошланади. Халқнинг этник тарихини ўрганишда унинг этник белгилари ва этносни шакллантирувчи омилларни тўғри аниқлаш лозим. Этносининг асосий белгилари: тил бирлиги, маданият бирлиги, этник (миллий) ўз ўзини англаш бирлиги ва бошқалар. Этник белгилар этносни шакллантирувчи омиллардан фарқли равишда аниқ этник мазмунга эга бўлади. Этносни шакллантирувчи омиллар бу ҳудуд бирлиги, ижтимоий-иқтисодий структура яхлитлиги ҳисобланади [Аскарлов, 1986. С.3-14]. Юқоридагилар этник муносабатлар ва этник ўз-ўзини англашни юзага келтиради. Этник белгилар ичида этник ўз-ўзини англашга алоҳида эътибор бериш лозим. Этносни ўз-ўзини англаши (ва у билан боғлиқ ўз-ўзини номлаши) белгиси, этногенезнинг тугалланиш жараёнида пайдо бўлиб, аҳолининг этник бўлинишини аниқлашда муҳимдир. Этногенезни ўрганишда географик, иқтисодий ва давлат-сиёсий омилларни ўрганиш ҳам муҳимдир.

Ўзбекларнинг халқ тарихи тўлалигича феодал жамиятининг ижтимоий маҳсулидир. Ўзбек халқи мисолида бу этногенетик жараён XI асргача давом этди ва ниҳоят у Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида XI-XII асрлар давомида ўз ниҳоясига етди [Аскарлов, 2015. с-14]. Шундан сўнг ўзбек халқининг этник тарихи бошланди.

Шундай қилиб, халқнинг этногенезни ўрганишда этник белгилар ва этносни шакллантирувчи омилларга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу нарса этногенетик тадқиқотларда тўғри йўл танлаш имкониятини беради.

Халқ шаклангандан кейин, унинг таркибига кирган компонентлар уни тўла-тўқис шаклланиш жараёнига у қадар сезиларли таъсир қилмайди. Масалан, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни IX-XII асрларга келиб яқунланганидан кейин ҳам унинг таркибига янги компонентлар келиб

қўшилган, яъни туркий қабилалар келиб ўрнашган. Бироқ уларнинг келиши ўзбек халқи этногенезининг асосий жараёнига сезиларли таъсир кўрсатмади.

Этногенез жараёнларини ўрганишда яна бир зарурий шартлардан бири турли фан маълумотларига комплекс ёндашиш масаласи ҳисобланади. Этногенез муаммоларини ечишда палеоантропология, археология, этнография, ёзма ёдгорликлар, лингвистика ва эпиграфика фани маълумотларидан фойдаланишни билиш лозим. Уларнинг ўзига хосликларини ва бир-бирига бўлган муносабатларини билиш керак.

Ўзбекларнинг этник тарихи ҳам, унинг этногенези каби узоқ давом этадиган этномаданий жараён бўлиб, бу жараён то XIX асрнинг ўрталаригача давом этади.

Халқ тарихи ўз иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади, яъни унинг учинчи - миллат тарихи босқичи бошланади. Бу нуқтанинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши жамиятда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг бошланиши билан юз бера бошлайди. Шунинг учун миллат капитализмнинг ижтимоий махсули ҳисобланади. Агар мана шу методологик принципга асосланадиган бўлсак ўзбек халқининг миллат тарихи XIX аср охири - XX асрнинг бошларидан бошланади.

Миллатнинг шаклланиши халқнинг таркиб топиши каби узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, миллат этник тарихнинг энг юксак юқори босқичики, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, у суверен давлат сифатида ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил юритади, умум миллат тили давлат тили мақомини олади, унинг давлат чегаралари қатъий, даҳлсиз бўлиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинади, миллатнинг ўзликни англаш даражаси юксак, миллий ғурур, ватанга фидоийлик, она замин ва халқига содиқлик миллат фуқораларининг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади, миллатга хос миллий менталитет шаклланади, давлат жамият томонидан бошқарилади, яъни давлат миллатнинг ҳошиш-иродасини бажарувчи жонли механизмга айланади.

Миллатни тил, территория ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омил иқтисодий негиздир. Миллатнинг иқтисодий-хўжалик бирлиги асосида тил ва территория ҳамда этномаданий бирликлар пайдо бўлади. Миллатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлашиши халқ оғзаки тилининг (лаҳжаларининг) яқинлашиши асосида ягона миллий адабий тилнинг пайдо бўлишига олиб келади. Лаҳжалар ўрнини миллий адабий тил эгаллайди. Унинг давлат тили мақоми даражасига кўтарилиши эса миллат номи билан аталган давлатнинг мустақиллик белгиларидан нишонандир. Миллат мустақил давлат белгиси. Давлат пул бирлигининг жаҳон бозоридаги мавқеи, унинг иқтисодий қудратидан нишона. Унинг мустақам замини давлат иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий сиёсатининг барқарорлигига боғлиқ. Фуқораларнинг ўзликни онглаш даражаси истиқболли иқтисодий сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан ўзбек миллати ва давлати ҳам истисно эмас. Талабаларга шу жараёнларни содда, тушунарли қилиб етказа билиш орқали, уларда ватанпарварлик,

миллат келажаги учун қайғурадиган, фидоий шахсларни тарбиялаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асқаров А.А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии - Т.:Фан, 1986. С.3-14.
2. Асқаров А.А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология - Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1996. №6. Б.63-73.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. “Шарқ”, Тошкент, 2015.
4. Хужайов Т.К., Хужайова Г.К. Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи.- Т.:Фан, 1995.
5. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1941.
6. Крюков М.В., Софронов М.В., Чебоксаров Н.Н. Древние китайцы. Проблемы этногенеза. 1978.
7. Итс Р.Ф. Введение в этнографию. 1991. С-114.

“ХАРАППА ЭТНИК БИРЛИГИ” НАЗАРИЯСИ ЁКИ СОПОЛЛИ – ХАРАППА МАДАНИЯТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ХАРАКТЕРИ ХУСУСИДА

Г.Ш. Шайдуллаева

*ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар
институту, Самарқанд*

Марказий Осиёнинг бронза даври ёдгорликларидан кўплаб Хараппа маданиятига оид археологик манбаларнинг топилиши фанда “Хараппа этник бирлиги” тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу фикр ва ғоянинг асосчилари кўплаб замонавий Европа олимлари бўлиб, француз археологи, Бақтрия археологиясининг йирик тадқиқотчиси Б. Лионне, Италиянинг Болония университети профессори М. Тоси каби олимлар Марказий Осиёда Шўртўқай каби Қадимги Шарқ маданиятига хос ёдгорликнинг топилиши, айниқса Шўртўқай ёдгорлигининг ва бу ёдгорликнинг Бақтрия халқларининг маданий алоқа борасида тутган ўрнини ниҳоятда ошириб, Бақтрия халқини бронза даврида Хараппа маданияти билан бир этник гуруҳни ташкил этган деган фикрни илгари сурмоқда.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида дравид тилли (дравидоид) бўлган деган ғоя тарқалган ва бу фикрни кўплаб олимлар қўллашган (Толстов, 1948. С. 68; Толстов, 1948. С. 86; Литвинский, 1963. С.56-68; Массон, 1977, С. 192-208.). Ушбу фикр тарафдорлари Ўрта Осиёнинг бронза даври ёдгорликларидан топилаётган Хараппа маданиятига хос ашъвий манбаларнинг топилишини ўз ғояларига асос қилиб оладилар.

Хараппа маданиятига хос моддий маданият ашёлари Қадимги Ҳиндистондан юзлаб километр узоқликдаги ёдгорликлардан ҳам топилмоқда. Айниқса Месопотамия шаҳарларидан Хараппа маданиятига хос 30 дан ортиқ муҳрларнинг, ҳаттоки муҳрлар излари туширилган хат парчаларининг топилиши Ҳиндистон савдогарларининг бронза даврида бутун Қадимги

Шарқ бўйлаб тарқалиб кетганлигини кўрсатади. Айниқса, фил суягидан ясалган ашёлар Ҳиндистон савдогарларининг асосий товарларидан бири бўлган.

Хомашё қадимги хараппаликларнинг экспорт – импорт савдосида асосий товарлардан бири ҳисобланган. Мис, қўрғошин, олтин, кумуш Афғонистон ва Эрон ҳудудларидан олиб борилган. Бундай фикрга келишимизга сабаб Қабул - Куррат оралиғидан бронза даврига оид мис конлари ва уларнинг қайта ишланган қуйма ёмбиларининг топилишидир (Антонова, 1984; Антонова, 1996).

Шўртўқай ёдгорлиги ашёлари, нафақат маданий алоқалар, балки этник жараёнлар масаласини ечишда ҳам манба бўлиб хизмат қилади. А-П. Франкфорт Шўртўқай маданиятининг пайдо бўлишида маҳаллий Бақтрия маданиятининг ўрни тўғрисида гапириб (Frankfort, 1978. P.405.), Шўртўқайдан топилган муҳрлар ва уларда ифодаланган тасвирлар семантикасини Элам билан боғлайди ва П. Амье назариясини - Эламнинг маданий таъсирини қўллаб-қувватлайди.

Шўртўқай глиптикаси намуналари ҳақида гап юритар экан Е.Е. Кузьмина бу этнопсихологик жараён, бунда фақат генетик бирлик тўғрисида гапириш лозим, бу манбалар ҳинд-эрон аҳоли бирлигигача бўлган Бақтрия аҳолиси тўғрисида маълумотлардир деган фикрни таъкидлайди. В.М. Массон эса III минг йилликда Туркменистондан то Ҳинд ерларигача Элам тилли бўлган деб ҳисоблайди ва Д. Мак Альпина ва И.М. Дьяконов фикрларини қўллаб-қувватлайди (Дьяконов, 1967. С. 85-87; Alpin, 1981).

Сўнгги вақтда адабиётларда Бақтрияда Хараппа этник гуруҳларининг ўрни тўғрисида янги фикрлар пайдо бўлмоқда. Б. Лионнет Хараппа маданиятининг Бақтрияга маданий таъсири тўғрисида эмас, балки бир этник гуруҳ тўғрисида гапириш керак деган фикрда. В.М. Массоннинг Алтиндепеда ўрганган «Зиккурат» қазишмалари вақтида топилган ашёвий манбалар Эронга нисбатан Хараппа маданиятига яқинроқдир деган хулосаси Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ҳалқининг маданий алоқалари қадимдан давом этиб келаётганлигидан далолатдир (Массон, 1980. С.12-40; Массон, 1981. С. 35-48).

Таъкидлаб ўтилган маълумотларнинг барчаси Ўрта Осиё ва Қадимги Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалардан дарак беради. Аммо, бир хил аҳоли бўлган деган фикрни бермайди ва Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида дравид тилли ёки дравидоид ирқига оид бўлган, деган ғоянинг асосизлигини кўрсатади.

Бу борада тадқиқотчилар нима учун антропологик манбаларга эътибор бермаслигига тушуниш қийин. Маълумки, Жанубий Туркменистоннинг Алтиндепе, Тўғалоқ, Гонурдепе, Жанубий Ўзбекистоннинг Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан ўнлаб эмас балки юзлаб қабрлар антрополог олимлар томонидан ўрганилган (Ходжаев, 1983; Ходжайов, 1976).

Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган антропологик манбалар асосида Т.К. Хўжаев Сополли маданияти аҳолисининг Шарқий Ўрта Ер денгизи ирқига мансублиги тўғрисида ёзган. Умуман, бу борада антрополог олимлар деярли бир хил фикрда, яъни улар бронза даврида Каспий денгизи бўйларидан то Помиргача бўлган ҳудудларда Ўрта Ер денгизи ирқига

мансуб аҳоли яшаганлиги тўғрисида маълумотлар беришади (Ходжайов, 1977).

Археологик жиҳатдан ўрганилаётган маданиятлар эса анча хилма-хилдир. Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида асосан ўтроқ-деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли яшаган. Жанубий Туркменистонда Номозгоҳ маданияти (Номозгоҳ IV-V) очилганидан сўнг фанда ушбу маданият соҳибларини арийлар деб аташ одат бўлган. Айниқса, Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистонда бронза даврига оид деҳқончилик маданиятлари очилганидан сўнг бу ғоя янада кучайган (Грантовский, 1998. С. 41).

Сўнгги тадқиқот ишларида Номозгоҳ маданиятининг асосий ижодкори В.М. Массон бу ғоядан қайтган эди. У «...бу маданият соҳиблари арийлар эмас, балки дравид ёки элам тилли бўлган», деган фикрга келди (Массон, 1977).

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида дравид тилли бўлган деган ғоя тарқалган (Толстов, 1948. С. 68; Толстов, 1948. С. 86). Бу ғояни Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи забардаст олимлар ҳам қўллаб-қувватлашган (Литвинский, 1963; Массон, 1977). Б.А. Литвинский бу фикрни Амударёнинг чап томонида жойлашган Хараппа маданиятига оид Шўртўқай ёдгорлиги мисолида исботлашга ҳаракат қилади. Афсуски, Хараппа маданиятига оид бошқа ёдгорлик Ўрта Осиё ҳудудида топилгани йўқ. Ушбу ғоя тарафдорлари Ўрта Осиёнинг антропологик манбаларини ниҳоятда яхши билишса-да, фойдаланмайдилар. Тўғрироғи, эслаб ўтишни истамайдилар. Маълумки, дравидоидлар экватор атрофида тарқалган аҳоли ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, Сополли ва унга турдош бўлган деҳқончилик маданиятлари ёдгорликларида антропологик манбалар жуда яхши ўрганилган, лекин антропологик жиҳатдан экватор ирқига оид одам қолдиқлари деярли учрамайди. Шу фактнинг ўзи ҳам Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида дравид ирқига оид эмаслигини ёки дравид тилли бўлмаганлигини тасдиқлайди.

Бақтриянинг Толиқон водийси милоддан аввалги III минг йилликда белужистонликлар томонидан, III минг йиллик сўнгида эса хараппаликлар томонидан ўзлаштирилганлиги археологик манбалар асосида исботланган. Хараппаликларнинг Бақтрия-Марғиёна аҳолиси томонидан сиқиб чиқарилганлигини Шўртўқай ёдгорлиги стратиграфияси мисолида кузатиш мумкин.

Келтирилган археологик манбалар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, Бақтрия ва Марғиёна аҳолиси хараппаликлар билан жуда яқиндан маданий алоқада бўлган, аммо бир халқ бўлмаган. Бақтрия халқи бронза даврида Хараппа маданияти билан бир этник гуруҳни ташкил этмаган. Антропологик жиҳатдан Хараппаликлар дравидоид, Бақтрияликлар эса Ўрта ер денгизи ирқига оидлиги Сополлитепада ўрганилган юздан ошиқ, Жарқўтонда ўрганилган икки мингдан ошиқ, Гонурда ўрганилган уч мингдан ошиқ антропологик ва крионологик манбалар асосида исботланган (Ходжаев, 1983; Ходжайов, 1977). Бу манбалар “Хараппа этник бирлиги” ғоясининг илмий асоси йўқлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Антонова Е.В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока. СА. №4, 1984.
2. Антонова Е.В. Контакты Месопатами с восточными землями в IV-III тыс. до н.э. Азия диалог цивилизаций. С.Петербург, 1996.
3. Грантовский Э.А. Иран и иранцы до Ахеменидов. М., 1998. С. 41.
4. Дьяконов И.М. Языки древней Передней Азии. М., 1967. С. 85-87.
5. Литвинский Б.А. Бронзовый век. История таджикского народа. Том I. М., 1963.
6. Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М.. Наука, 1981. С. 35-48.
7. Массон В.М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. М., 1977, №4. С. 192-208.
8. Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток до античного мира. - М., МГУ, 1980. С.12-40.
9. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.,1948. С. 68.
10. Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. - М., Л., 1948. С. 86.
11. Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропогенетических типов на территории Средней Азии (неолит-нач. XX в.). СЭ. 1983, №3.
12. Ходжайов Т.К. Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитепа. Ташкент, «ФАН» 1977.
13. Ходжайов Т.К. Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитепа. Тезисы докладов на сессии, посвященной итогам полевых этнографических и антропологических исследований в 1974-1975 гг. Душанбе, 1976.
14. Frankfort H.P. Fouilles de Shortughai. Paris, 1978. P.405.
15. Mc.Alpin D. Proto-Elamo-Dravidain: The Evidence and its Implications // Transactions of the American Philosophical Society. 1981. V.71. №3.

КАВИЙЛАРНИНГ АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИ

Н.Икромов
ТерДУ, Термиз

Сурхондарё вилояти Узун тумани Жончекка қишлоғи ҳудудида жойлашган, собиқ Иттифоқ даврида тўлиқ бузиб ташланган, Аҳамонийлар ва антик даврларга оид бўлган ёдгорлик ўрнидан ясси - думалоқ шаклдаги булла топилди. Ёдгорликнинг географик координатаси: 38°22'36.11"N, 68°05'41.97" E.

Булла яхши қорилган лойдан ясалган. Лойга ҳеч қандай аралашма қўшилмаган ва хумдонда яхши, бир текис пиширилганлиги сабабли ғишт рангига келиб қолган. Ёдгорлик устидан териб олинган сополлар мажмуаси ва булла Термиз археология музейига топширилди.

Мазкур булланинг диаметри 4 - 4,4 см бўлиб, юзаси текис, орқа томони қавариқ шаклда, қалинлиги 1,5 см гача боради. Текис юзага тасвир босма асбоб - тамға ёрдамида, лойлик пайтида босилган. Тамғанинг юзаси

думалоқ шаклда бўлган, чеккаси бўйлаб чизик тортилган ва бу чизик буллага ҳам тушган. Доира шаклли чизикнинг қуйи қисмида “хонтахта” кўринишли “тахтиравоннинг” ён томонидан кўриниши икки оёғи бирла ифодаланган. Оёқлар балюстрада шаклида, суянгичларига ҳам безаклар берилган. Тахтиравоннинг оёқлари оралиғида, ерда ётган ҳолатда, кўкнори ўсимлигининг умумий кўриниши, яъни пояси, барглари ва кўсак-гули туширилган.

Тахтиравоннинг устида илоҳиятга оид бўлган, ҳавода муаллақ учаётган учта одам тасвирининг уйғунлашган, сахналаштирилган ифодаси берилган. “Учаётган” дейишга сабаб, одамлар тахтиравоннинг устида муаллақ ҳолатда ифодаланганлиги бўлса, иккинчидан марказда йирик қилиб “тритон” одам сифатида ифодаланган одамнинг бошидан, бўйниларидан учиб турган лента шаклидаги рўмолларнинг, “юбка” шаклли кийимининг ҳилпираб турган ҳолатда ифодаланиши фазода учаётган илоҳий одамлар сахнасини берган (1 расм).

Боши ёнбош томони билан чизилган “тритон” одам, чап қўли билан коса шаклидаги алтарни кўтариб турибди ва бутун вужуди билан алтарга термулиб турган ҳолатда ифодаланган. Иккинчи, ўнг қўли эса белига қўйилган. Ушбу инсоннинг кўкрак қисми гавда баробар олд томони билан ифодаланганлиги сахнадаги бош тасвирнинг гўёки тахтиравонда ўтирганлик маъносини ҳам англаган.

Илоҳий одамнинг белидан паст қисмининг тахтиравонни уст қисмида чизилиши, кийимнинг ҳилпираган шаклда, тарам-тарам қилиб берилиши инсоннинг ҳукмдорлик белгисини ҳам англатади.

Бош сахнада ифодаланган одамнинг узун ва бақувват оёқлари чалкаштирилган ҳолатда ифодаланган ва бевосита учқур отнинг оёқларини эслатади. Бақтриялик мусаввир учаётган одамга “учқур от” оёқларини чизган ва тасвирланаётган одамга янада илоҳийлик маъносини бера олган.

Илоҳий ҳукмдорнинг чап томонида, яланғоч тарзда ифодаланган кичик одам тиззалаган, икки қўлини самога кўтариб, бутун вужуди билан ҳукмдор ва алтардан нажот кутиб, сажда қилиб турган ҳолатда ифодаланган.

Булладаги учинчи одам самода, илоҳий ҳукмдор одам тасвирининг боши ва оёқлари орасида чизилган. У ёнбоши билан, икки қўли пастда қилиб, чап қўлида камони билан, узун, халат кўринишли кийимда ифодаланган. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, самода чизилган учинчи одамнинг узун халати орқали ушбу булланинг ясалган даврини аниқлаш мумкин. Негаки, у кийиниши ва кўриниши бўйича Персополь шахри ҳаробаларида ифодаланган, қадимги форс ҳукмдорларига совғалар ва солиқлар тортиқ қилаётган бақтрияликларнинг кийимларига айнан ўхшайди (Walser, 1980. - P.231).

Ёдгорлик устидан териб олинган, ҳар хил даврларга тегишли сополларнинг энг қадимгиси илк темир, археологик даврлаштириш бўйича Кучук III даврига тегишли (Аскарлов, Альбаум, 1979. - С.139). Улар 5 донга бўлиб, учтаси цилиндр шаклли хум ёки хумчаларнинг, иккитаси цилиндроконик идиш бўлакларидан иборат.

Ушбу сополлар тўпламини ишонч билан Кучук III даврига тегишли дейишга сабаб, А.А. Аскарлов ва Л.И. Альбаумнинг Кучуктепа (Аскарлов,

Альбаум, 1979. - С. 78-91), Ш.Б. Шайдуллаевнинг Талашқонтепа (Шайдуллаев, 2000. - С. 119) ёдгорликлари мисолида Бақтриянинг илк темир даври сополлари мажмуасига кўра, биз топган цилиндр шаклли хум ва хумчаларда манжет шаклли гардиш ва унинг тагидан ўтувчи чуқурча кўринишли “безак”нинг бўлиши айнан Кучук III даврига хосдир.

Агар буллани мазкур ёдгорликдан топилган Кучук III даври сополлари мажмуаси билан хронологик бир давр деб ҳисоблайдиган бўлсак бу тарихий жиҳатдан Қадимги Бақтрия кавийлиги хукмронлиги даврига тўғри келади (Sajdullaev, 2002. - P.243-342). Кейинги давр тадқиқотлари асосида Қадимги Бақтрия кавийларининг генеалогияси ва улар яшаган давр ҳам ойдинлашиб бормоқда (“Яшт” 13.132; 19.72; Шайдуллаев, Икромов, 2010).

Кавий ҳукмдорлар дин раҳномалари сифатида ҳам маълум. Жумладан, Бақтрия кавийларидан бўлган Кавий Виштасп(а) Зардушт таълимотини қабул қилган биринчи ҳукмдор ва уни тарғиб қилишда, энг асосийси дунё динлари даражасига кўтарилишда хизматлари каттадир (Лившиц, 1963. - С. 147).

Шундай экан Бақтрия кавийларининг муҳр ва тамғаларда ифодаланиши табиий ҳолдир. Биз юқорида таъриф берган, Узун туманидан топилган буллада Бақтрия кавийлари ифодаланган деган илмий фаразни ўртага ташламоқдамиз ва ўз фикримизни қуйидагича асосламоқчимиз. Биринчидан, Бақтрия кавийлари диний ҳукмдорлар сифатида ҳам маълум (Пьянков, 2001. - С. 79). Тасвирда ифодаланган персонажларнинг фазода учган ҳолатда ифодаланиши бунга яққол мисол бўлади.

Иккинчидан, Бақтрия кавийлари дунёвий ҳукмдорлар тоифасига тааллуқли (Лившиц, 1963. - С. 147). Буллада тахтнинг ифодаланиши бу фикрни тўлиқ асослайди.

Учинчидан, булланинг Қадимги Бақтрия ҳудудидан топилиши ва ёдгорликнинг Кучук III даврига ҳам оидлиги бизга шундай фикрга келишга асос бўлди.

Тўртинчидан, кавийларнинг энг аввал дин пешволари ва кейин дунёвий ҳукмдорга айланиши ёзма манбаларда сақланиб қолган (Пьянков, 1996. - С.9; Сагдуллаев, 1996), бу ҳолатнинг археологик манба – буллада ҳам ифодаланиши ёзма ва археологик манбаларнинг уйғунлашиши деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, буллада - фазода ифодаланган инсоннинг Персополда чизилган бақтрияликлар сингари кийимда ва алтар кўтариб турган ҳолатда ифодаланиши (Walser, 1980. - P.231) ушбу буллани Қадимги Бақтрия маданияти даври билан даврлаштиришга асос бўлади ва унда ишонч билан кавийлари ифодаланган деган фикрни айтиш мумкин.

Олтинчидан, кавийларнинг исмига кўп ҳолларда “асп” сўзи қўшилиши характерлидир. Масалан, Кавий Арватасп, Кавий Виштасп. Демак, уларда от илоҳийлашган ҳайвон ҳисобланган. Маълумки, от энг “учқур” ҳайвондир. Узундан топилган буллада, илоҳий, фазода учаётган марказий персонажда ифодаланган одам оёқларининг от оёқлари сингари бақувват қилиб чизилиши бежиз эмаслигини англатади.

Энди мазкур булла бўйича энг қийин саволга жавоб берсак, бу савол шундан иборатки, Қадимги Бақтрия маданиятига оид Кучуктепа,

Пшактепа, Таллашқон, Бандихон ёдгорликлари ўрганилган. Аммо, эслаб ўтилган ёдгорликларнинг бирортасидан муҳр ёки булла топилмаган. Нега энди маданий қатлами номаълум бўлган ёдгорликдан топилган буллани, тўртта синиқ сопол парчаси асосида Қадимги Бақтрия маданиятига, яъни кавийларга тегишли деган хулосага келинди? Бу саволга жавоб шундан иборатки, Қадимги Бақтрия маданиятига тенгдош бўлган, Эрон ҳудудида жойлашган ёдгорликлардан, жумладан Суза, Персеполь каби пойтахт шаҳар харобаларидан, қишлоқ типигаги ёдгорликлардан ҳам кўплаб буллалар ва муҳрлар ўрганилган. Ундан ташқари Оссурия подшолиги ёдгорликларидан ҳам муҳрлар топилган ва илмий муомалага киритилган.

Бақтрияшунос, қадимги санъат турлари бўйича ажойиб ғоялар муаллифи А.-П. Франкфорт Самарқанд шахрининг 2750 йиллигига бағишланган конференцияда Сўғднинг Аҳамонийлар ва Аҳамонийлар давригача бўлган глиптикасига бағишланган маърузасида Ўрта Осиё глиптикаси маҳаллий анъаналар асосида ривожланганлигини таъкидлаб ўтган эди (Francfort H.-P, 2007. - P. 42-48). Демак, Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликларидан муҳр ва буллаларнинг топилиши узоқ йиллардан буён кутилаётган археологик артефактлардан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. Тошкент, 2001.
2. Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Тошкент, Фан, 1979. 139 с.
3. Лившиц В.А. Общество Авесты // История таджикского народа. Т.1. М., 1963. С. 147.
4. Пьянков И.В. Государства древних Кави // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Тезисы докладов международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.). - М.: 2001. - С. 79.
5. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ, №3, 1996. С.9.
6. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996.
7. Шайдуллаев Ш.Б, Икромов Н.М. Бақтрия подшоҳлики ёки кавилик? // O'zbekiston tarixi. Тошкент, 2010. № 2. 3-11 бетлар.
8. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бақтрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000. – 119 с.
9. Sajdullaev Sapulat. Untersuchungen zur fruhen Eisenzeit in Nordbaktrien // Archaeologische mitteilungen aus Iran und Turan. Band 34. Berlin, 2002. P.243-342.
10. Gerold Walser. Persepolis. - Tubingen, 1980. - P.231.
11. Francfort H.-P. Trois sceaux de Samarkand «Achemenide» et «Pre-achemenide» et la glyptique de l'Asie Centrale a l'age du fer // The role of Samarkand in the history of world civilization (Materials of the International Scientific Symposium devoted to the 2750th Anniversary of the City of Samarkand). Tashkent-Samarkand, 2007. - P. 42-48.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ: ТИТУЛЛАРНИНГ НУМИЗМАТИК МАНБАЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

А.Шаймарданов
ТерДУ, Термиз

Тарих фанининг ёрдамчи соҳаларидан бири бўлган нумизматика давлатлар титулларини ўрганишда ҳам асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон давлат титулларига қадимги муаллифларнинг асарлари, чунончи юнон тарихчи муаллифларидан Полибий, Страбон, Юстин асарлари ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Мазкур тарихчиларнинг асарлари О.И. Смирнова, Э.В. Ртвеладзе, В.А. Лившиц, Е.В. Зеймаль, В.И. Вайнберг ҳамда Г. Бобоёров каби тангашунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Маълумки, тангаларда зарб қилинган давлатнинг номи, ҳукмдорнинг исми, унинг тахтга ўтирган вақти ва ҳукмронлик қилган йиллари ҳақида маълумотлар беради. Ундан ташқари, қадимги даврларда тангаларга турли рамзлар ва ҳукмдорнинг тасвири, ҳамда эгаллаган лавозими ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Ўрта Осиё тангашунослиги тарихи бўйича айтадиган бўлсак, титулларнинг ифодаланиши Александр Македонский даврига бориб тақалади (5). Хусусан, Бактрияда зарб этилган биринчи тангаларнинг пайдо бўлиши Антиох I номи билан боғлиқ.

Антиох I (280-262 йиллар) тангаларининг ўнг томонида тож кийган шох тасвири зарб этилган. Терсида эса Зевс тасвири туширилган. Ўнг қўлида бир даста чакмок. Чап қўлида қалқон ҳамда юнон тилида “Василеос Антиохой” яъни “Шох Антиох” деган ёзув ёзилган (12).

Юнон-Бактрия тангалари, асосан бир андозада бўлиб, ўнг томонида ҳукмдор тасвири ва унинг мартабасини, исмини ҳамда фахрий номлари грек ёзуви билан доира ёки устун шаклида ёзилганлигини кўришимиз мумкин (5). Юнон-Бактрия тангаларида “Василевс” титули, ҳукмдорнинг исми, сўнгра “Буюк” ёки “Илоҳий” каби эпитетциялар киритилган (1).

Юнон-Бактрия давлатининг асосчиси Диододни “мингта шаҳар ҳукмдори” деб ёзган эди юнон-рим тарихчилари Помпей Трог ҳамда Августин (2). Тангаларда унинг портрети тасвирланиб, “Василеос Антиох” деб ёзилган. У умрининг охиригача ўз номини ёздирмайди. Тангаларининг реверсида қўлида чакмок ва бургут ушлаган Зевс тасвирланган. Бунинг мазмуни шуки, Диодод ва унинг аждодларига Зевс хомийлик қилган. “Диодод” номининг грекчадан таржимаси ҳам “Худо берган” деган маънони англатади (4).

Ушбу давлатнинг яна бир ҳукмдори Антимах тангаларида ўзларини худоларга тенглаштириб “Баселиос Антимах” деб ёзилган тангаларини зарб этган. Бу билан кўриниб турибдики, ўз титулини худога тенглаштириб, давлат бошқарувида диннинг ҳам нақадар катта аҳамият касб этганини билишимиз мумкин.

Юнон-Бактрия тангаларида андозага тушиб қолган тасвирлардан чекиниш ҳоллари ҳам учраб туради. Подшо Евкратид даврида зарб этилган

тангаларнинг ўнг томонида подшоҳнинг ўз сурати ҳамда “Василеос Басилеон Евкратид” деган фахрий титулни ўзига қабул қилганини у зарб этган тангалардан билиш мумкин (5).

Евтидем (Милоддан аввалги 235-200 йиллар.) зарб эттирган тангаларининг ўнг томонида сокол-мўйловли Гераклнинг бош тасвири, терсида чопаётган от ҳамда “Баселиос Евтидем” деган ёзув ёзилган. Таниқли тангашунос олим Хеннинг Евтидемнинг тетрадрахмаларидаги “МР’Й” ёзувини МРАЙ тарзида ифодалаб қирол мақомидан пастрок ҳисобланган хукмдор деб тарифлайди (6).

Деметрий (мил.авв. 200-185 йиллар) буйрўғига кўра зарб этилган тангаларда юнон тилида “Баселиос Деметрий” деган ёзув сўқилган.

Евкратид (171-155 йиллар) тангасининг ўнг томонига македонча дубулға кийган шоҳнинг кўкрагигача туширилган тасвири. Терсида эса от чоптириб келаётган егизак ака-ука Диоскурлар тасвири ва “Халоскор Баселиос Евкратидники” деган прекча ёзув мавжуд.

Қадимги Бақтрияда бохтар, юнон тили ва ёзуви ҳамда брахма ёзувлари ҳам муомалада бўлганлигини тасдиқловчи нумизматик манбалар топилган(6).

Дастлабки Кушон подшолари Евкратид ва Гелиокл тангаларига тақлид қилиб танга зарб қила бошлайдилар. Бу тангаларнинг олд томонида номаълум шоҳнинг боши, орқа томонида юнонлар худоси Зевс тасвирланган. Эътиборлиси шундаки, бу тангаларнинг асосий қисми Сурхондарё ёдгорликларидан топилган. Манбалар таҳлилига кўра, бу тангалар Далварзинтепада зарб қилинган. Дастлаб бу тангаларнинг орқа томонида юнон худоси Зевс тасвирланса, кейинчалик вақт ўтиши билан танганинг орқа томонига Зевс ўрнига от сурати зарб қилина бошлади. Тангага жойлаштирилган от сурати янги давлат пайдо бўлганлигидан далолат беради. Демак, дастлабки Кушон давлати шимолий Бақтрияда ташкил топган, унинг пойтахти эса айнан Далварзинтепа бўлган. Тангаларда от тасвирининг пайдо бўлиши билан унинг олд томонидаги номаълум шоҳ сурати ўрнида аниқ шоҳ тасвири пайдо бўлади. Бу ерда юнон ҳарфлари билан битилган тўртта сўз ҳам бор. Биринчи сўз — Баселиос, иккинчи сўз — Герай, учинчи сўз ҳалигача ўқилмаган, тўртинчи сўз — Кушон деб ўқилади. Кушон атамаси сулола ёки қабилага тегишли бўлиб, бу атама илк бор подшоҳ Герай Санаб зарб қилдирган тангаларда қўлланган(7).

Рабатак сулолавий ибодатхонасида Канишканинг бобоси Вима Такто номининг биринчи бор келтирилиши тарих фани учун янгилик эди. Унгача Кушон тангаларининг орасида исмсиз Баселиос Сотер Мегас номи билан тангалар мавжудлигини биламиз. Аммо у тангалар Вима Тактога тегишлими ёки Вима Кадвизгами? Бу муаммо. Бизнингча, номсиз шоҳ тангалари Вима Тактога тегишли бўлса керак. Чунки Вима Кадфис номида зарб этилган тангалар бор. Рабатак ёзувининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Кушон подшоси Канишка ўзи ва сулолавий аждодларининг келиб чиқиши орийлардан эканлигини таъкидлаб ўтади. Бу ўзбек халқи этногенези учун жуда муҳим маълумотдир(6).

Кушонларда дастлабки тангаларнинг зарб қилиниши баъзи тадқи-

қотчилар исмини “Герай”, бошқалари эса “Санаб” деб ўқишган ҳукмдорнинг тангаларидан бошланади.

Тетрадрахманинг ўнг томонида сочлари хафсала билан таралган, пешонасига тасма боғланган, юзларида ҳайрат-шижоат барқ уриб турган эркак кишининг белигача тушган сурати берилган. Танганининг терс томонида от минган шох, унинг орқасида гулчамбар тутган Ника (Зафар) маъбудаси парвоз қияпти, ҳамда “Кушон ҳукмдори Герай Санабники” деб ёзиб қуйилган.

Таниқли олим В.Л. Лившицнинг тахминига қараганда “Герай” сўзи исм эмас, балки сифат (эпитет) бўлиб, турк тилида “Донгдор зот”, “Санаб” сўзи эса Санобар сўзининг қисқартирилган шакли бўлиб, “балогардон”, “ёвқур” маъноларини англатади. Кушон мис чақалари бундан ҳам ҳайратомус ва сирлироқдир. Уларда ҳукмдорнинг исми йўқ, фақат мансаби ва лақабини англатувчи “Василеос Басилеон” титуллари мавжуд.

ҳукмдорлари “ябгу” унвонида ўз сулоалари доирасида фаолият кўрсатган. Буни археологик тадқиқотлар натижасида топилган тангаларнинг нумизматик таҳлили ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Кадвиз I даврида зарб этилган тангаларда “Кудзулла Кадвиз Ябгу” деган титул учрайди. Кейинроқ эса “Ҳукмдор Кадвиз” фахрий номи билан тангалар зарб этирилган (9).

Кадвиз II (милодий I аср охири) ва Хувишка (милодий II аср) ўзини “Василеос Басилеон” деб атаганини улар зарб этирилган тангаларга “Василеос Басилеон Вима Кадвиз” (10) титулида ҳукмронлик қилгани маълум бўлади. Кадвиз II тангаларининг тескари томонида буддавийлар учун муқаддас бука Нанди рўпарасида турган Шива тасвирланган. Демак бу даврда ҳам Ўрта Осиё жанубида яшовчи халқлар ҳаётида буддавийлик динининг мавқеи юқори бўлганлигини нумизматик манбаларда ҳам кўришимиз мумкин.

Кадвиз II дан сўнг мамлакатни идора этиш Канишка зиммасига тушади. У подшоҳлик қилган даврда Хоразм, Чоч ва Ҳиндистоннинг жанубий қисмини забт этади. Канишка ҳукмронлиги даврида бу давлат империя даражасига кўтарилганлигини у муомалага чиқарган тангаларида “Василеос Басилеон” титулини қабул қилганидан билиб олиш мумкин.

Кушонлар сулоласи ва давлати тарихи ёзма манбалар ва тангашунослик тадқиқотлари орқали ўрганилган. Кушонлар тангаларидаги ҳоким ўрнини “Василеос” ёки “Василеос Басилеон” сўзлари эгаллаб бориши давлатнинг сиёсий ва ҳарбий қудрати юксалиб борганлигидан далолат беради.

Қадимги Хоразм тангалари Евкратиднинг тетрадрахмалари намунасида зарб этилган бўлиб, тангалардаги юнон ёзувининг бузилиши ва терсида ўзига хос тамға белгисининг мавжудлиги билан ажралиб туради. Вақт ўтиши билан Евкратиднинг қиёфаси маҳаллий ҳукмдорнинг портретига алмаштирилди ва бузилган юнон алифбоси билан қадимги Хоразм тилида шохнинг исми ва титулини ифодаловчи ёзувлар пайдо бўлади. Тангаларнинг орқа томонида от минган отликнинг сурати зарб этилади (5). Суворий тасвири Хоразмшоҳларга хос бўлган тамға билан бир қаторда етти аср мобайнида зарб этилиб келинган.

Ўрта Осиё тангашунослигидаги бу ажойиб воқеа бир сулоладан келиб чиққан хоразмшоҳларнинг издошлиги, қадимий анъаналарга содиқлигидан далолат беради.

Хоразмшоҳ Савушфан тангаларининг ўнг томонида четга қараб турган, пешонасида ярим ой, ўзига ярашиқли тож кийган, соқоли олинган ҳукмдорнинг ўта таъсирчан тасвири берилган.

Тангада шох Савушфан номи зикр этилган сўғд ёзуви бўлиб, унинг таржимаси: "Сиёвуш подшо хазратлари" деган фахрий номда танга зарб этилган. Бундан келиб чиқиб Савушфан Сиёвушдек номи тилларда дoston бўлишини хоҳлаб ўзига "Сиёвушдек донгдор" фахрий номини қабул қилган эҳтимол (5).

Хулоса қилиб айтганда нумизматик манбаларни чуқур таҳлил қилиб ўрганилганда Ўзбек давлатчилигидаги титулларнинг вужудга келиши ҳамда тараққиёти, танга зарб қилдирган ҳукмдорнинг ҳукмронлик вақти, унинг тасвири, қандай фахрий номни ўзига қабул қилганлигини, Ўзбек давлатчилигидаги бошқарув қандай бўлганлиги ва бошқа кўплаб давлатчилигимиз тарихи учун муҳим бўлган маълумотларни ўрганишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нуридинова Т. С. О монетах Средней Азии, хранящихся в нумизматической коллекции Государственного музея искусств Узбекистана [Текст] // Исторические исследования: материалы VI Междунар. науч. конф. (г. Москва, июнь 2018 г.).
2. Казим Абдуллаев, Амридин Бердимуратов.
3. Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии
4. С.Турсунов.Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Т.2003.Б 147.
5. Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. Из литературы и искусства. Г. Гусьяма. Тошкент. 1987.
6. А.Акаров.Ўзбук халқининг эногенези ва этник тарихи.Т.Университет. 2007.
7. Узбекистон Миллий Енскошедияси.Давлат илмий нашриёти.Т.2000 йил. Б.832.
8. Шу асардан.
9. И.Исоков М., Пардаев К. Узбекистон тарихи ўқув қулланма.Т.2009 йил.Б.32
10. Отделенные находки Кушанских монет зарегистрированы на городише Айритам.По сведениям Г.Б. Парфенова в 1926-27.г.
11. Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. .М., 1977.
12. Беляева Т. Из казнь чаря Деметрия-Паз.Коммунист Таджикистана 1978-г.

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Х.Худойбердиев, Ф.А. Норматова
ТДТУ Термиз филиали, Термиз

Бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппарати таянган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилотга давлат деб тушунилади. Давлат жамиятнинг ҳокимият кучига, шунингдек, ижтимоий неъматлар ҳамда воситаларни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган қисми ҳисобланади. Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У тарихий ва маданий тараққиётнинг ҳосиласи, муайян бир ҳулқнинг ўзига хос маданий ривожининг натижасидир.

Кишилик тарихида давлат бўлмаган даврлар ҳам мавжуд бўлган. Худудлар, минтақалар тараққиётига қараб давлат сайёрамизда турли даврларда пайдо бўлган. Давлатчиликнинг турли худудларда пайдо бўлганига қараб, унинг ёшлари ҳам турличадир. Илк давлатлар 5-6 минг йиллар муқаддам қадимги Миср, Нил дарёсининг қуйи оқимларида пайдо бўлган. Ибтидоий жамиятда оқсоқоллар, уруғ ва қабилалар бошлиқлари ҳамда диний ҳокимият соҳибларига тегишли бўлган ижтимоий ҳокимият аста-секин давлат ҳокимиятига айланган.

Давлат – жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синфлар, ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институти ҳисобланади. Ҳокимиятнинг бош институти давлатдир. Ҳокимият давлат сиёсати орқали ўз сиёсатини амалга оширади.

Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Давлат ҳокимияти (мажбурлаш, бошқариш аппарати) нинг мавжудлиги.
2. Аҳолининг худудлар бўйича уюшганлиги.
3. Суверенитетлик.
4. Ҳуқуқ ижодкорлиги (қонун чиқаришга қодирлик).
5. Аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун сарфланадиган солиқларни йиғиш.
6. Умуминсоний функцияларни бажариш, яъни худудни қўриқлаш, жисмонийликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга оширишни бажаради.

Давлат ўз ўрнида қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади: хўжалик ишлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мулкӣ дахлсизлигини муҳофаза этиш, назорат қилиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ташқи алоқалар, маданий, маънавий, маърифий-тарбиявийлар, ислохотларни амалга ошириш ва бошқаларни бажаради.

Давлатлар бошқарув шаклига кўра монархия ва республикага бўлинади. Монархия мутлақ ва чекланган (парламентар) шаклларда бўлади. Республикалар президентлик республикаси ва парламентар республикаларга бўлинади. Давлат тузилишига кўра унитар, федератив, конфедератив давлатларга бўлинади. Давлат сиёсий режим шаклига кўра демократик, антидемократик, фашистик, тоталитар давлатларга бўлинади. Давлатнинг қуйидаги идоралари мавжуд: вакиллик ижроия, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва коснтитутсиявий назорат идоралари.

Миллий давлатчилик эса муайян миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий қадриятларига, манфаатларига асосланган, жамият ижтимоий-тарихий тараққиёти натижасида шаклланган давлатнинг бир шаклидир. Бирор худудда мутлақ кўпчиликни ташкил қилган миллий халқаро ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш учун бирлашиб, ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатни вужудга келтирадилар. Умумдавлат уни ташкил қилган миллатнинг дунёқарашига урф-одат, анъаналарига, қадриятларига, руҳиятига мос келади. Маълумки, давлатчилик тарихан таркиб топган ҳодиса бўлиб, халқнинг ижтимоий ҳаётдан, тақдирдан ўсиб чиқади. Шунинг учун давлат миллатга хоҳлаган шаклда бериладиган ташқи ҳодиса эмас, миллатнинг “тана тузилишига”

туғма-органик хос бўлган табиий-тарихий ҳодисадир. Карл Каутский миллий давлатчиликни давлатнинг классик шакли деб ҳисобланган эди. Янги замон даврида миллий давлатларнинг қарор топиши миллатни жипслаштириб, ривожланишининг янги даражасини вужудга келтирди, миллий хусусиятларни янада мустақкам ва барқарор қилди. Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, ўз давлатчилигидан маҳрум бўлган миллат ривожига миллий емирилиш, парокандалик жараёнлари устун бўла бошлайди. У ўзининг миллий давлатини тиклашга эришсагина ижтимоий ва миллий тараққиётнинг истиқболли йўлларини танлай олади. Миллат ўз қадриятларини сақлаб қолишни хоҳлар экан, миллий давлат учун курашади.

Ўзбек миллий давлатчилиги тарихи уч минг йиллик тарихни ўз ичига олади. Лекин бу давлатчилик тарихи узоқ ва яқиндаги қўшни давлатларнинг босқинчиликлари туфайли узилиб-узилиб давом этган. Шу уч мингйиллик давр мобайнида бирон-бир миллат номига қўйилган давлат ёхуд империя амал қилмаган. Мовароуннаҳр ва унинг атрофини қамраб олган катта геополитик маконда фақат сулолавий ёхуд жўғрофий номланишларда салтанатлар, давлатлар халқларни сиёсий жиҳатдан уюштириб келган. Ҳозир биз гувоҳи бўлиб яшаб турган она заминимиз Ўзбекистон давлати халқимизнинг асрий орзу-умидлари илк мустақил давлатчилигимизни ифодаловчи улуғ воқелик, тенги йўқ буюк қадриятдир. Биринчи Президентимиз И. А. Каримов эса шу улуғ воқеликнинг ижодкоридир. Малумки, Марказий Осиё халқлари ўзининг минг йилликлар мобайнида шаклланган бошқарув сиёсати, серқирра ҳамда теран илдизли давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб келди. Шарқ давлатчилиги тарихида чуқур из қолдирган Афросиёб, Сомонийлар, Қорахонийлар, Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан адолат ва инсонпарварликка таянган давлат тизимларининг шакллантирилиши, соҳибқирон Амир Темурнинг марказлашган давлат тузилиши ва миллат ифтихори учун курашиши, сал кам 500 йил амал қилган Темурийлар салтанатига асос солиниши, Мирзо Улуғбекнинг фан ва маданият равнақига, Ҳусайн Бойқаронинг адабиёт ва санъат илм равнақига йўл бориши, ҳунар аҳлига раҳнамолиги, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн, Акбар шох, Шохжаҳонларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, одил ва инсонпарвар давлат таркиб топтириш йўлидаги тажрибалари кишиликнинг ижтимоий, маъмурий бирлашув жараёнлари тарихидаги муҳим босқич сифатида тан олинган.

Миллий давлатчилигимиз тарихида Темур ва темурийлар давлатчилиги алоҳида саҳифаларни ташкил қилади. Унинг асосчиси – машҳур саркарда ва йирик давлат арбоби Амир Темурдир. У XIV асрнинг 40-йилларида Чиғатой улусида кучайиб кетган феодал тарқоқлик оқибатида ҳокимият тепасига келган. Самарқанд ва Ҳирот Темурийлар давлатининг пойтахти бўлган. Темурий ҳукмдорлар: Амир Темур ибн Тарағай баҳодир (1370-1405), Халил Султон ибн Мироншоҳ (1405-1409), Шохруҳ ибн Амир Темур(1409-1447), Улуғбек ибн Шохруҳ (1409-1447 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими; 1447-1449- йиллари олий ҳукмдор), Абдуллатиф ибн Улуғбек(1449-1450 йиллари Мовароуннаҳр ҳокими), Абдулқосим Бобур(1449-1457 йилларда Хуросон ҳокими), Абдуллоҳ Мирзо ибн Иброҳим султон(1450-1451 йилларда

Мовароуннаҳр ҳокими), Султон Муҳаммад ибн Абулқосим Бобур (1457-1459 йилларда Хуросон ҳокими), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1451-1458 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими, 1457-1469-йилларда олий ҳукмдор), Султон Аҳмад ибн Саид (1457-1494 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими), Султон Али ибн Султон Маҳмуд (1498-1500 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими). 1500 йили Мовароуннаҳр Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар тарафидан босиб олинди, темурийлар қўлида фақат Хуросон қолди: Султон Ҳусайн Бойқаро (1470-1506). 1507-йил 23-майда Шайбонийхон Ҳиротни эгаллади. Заҳриддин Муҳаммад Бобур кўчманчи ўзбеклар таъқибидан Афғонистонга қочиб бориб, уни забт қилди ва мустақил давлат тузди (1508). 1526 йилда эса у Шимолий Ҳиндистонни ҳам босиб олиб, тарихда Бобурийлар империяси (Буюк мўғулар империяси) номи билан машҳур бўлган давлатга асос солди. Бу давлат 1858 йилга қадар давом этди.

Амир Темур давлати мамлакатдаги барча ижтимоий табақалар (саййидлар ва руҳонийлар, олим ва фозил кишилар, аҳли ҳунар, зироатчилар, сипоҳийлар, савдо-сотик аҳли ва бошқалар) нинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилиши, маслаҳат ва кенгаш ила қаттиқ қўллик билан бошқарилиши керак эди. Бу – давлат тизимида амал қилиш зарур бўлган биринчи шартдир.

Давлатни шакллантиришда амал қилиш лозим бўлган иккинчи шарт-шароит – бу тўрт асосий устунини тўғри англаш ва унга суяна билиш. Бу устунлар қуйидагилар: 1. Ислом ва шариат ақидалари; 2. Қадимдан амалда бўлган одатлар – йўсин ва тузуклар, Қонун устуворлиги; 3. Хазина; 4. Раият, яъни меҳнаткаш халқ. Амир Темур салтанатининг шу тўрт устунига суяниб иш тутди ва давлатни шакллантиришда уни бошқаришда уларга суяна билди.

Эл-юртнинг тақдири, раиятнинг туриш-турмуши кўп жиҳатдан давлат тузуми, унга шаҳар, вилоят, туман ва ката-кичик қишлоқлардаги идораларининг иш юритишига боғлиқдир ва яна ўша муассаса ва идораларда хизмат қилиб турган мансабдорларнинг насл-насли, имон инсофли, тадбиркор бўлишларига ҳам боғлиқ. Амир Темур давлат тизимини шакллантиришда шунга ҳам алоҳида эътибор берди. Масалан, ҳукуматнинг ижроия муассасалари (девлонлари) ни бошқариб турувчи вазирлар, Амир Темурнинг фикрича тўрт сифатга эга бўлишлари талаб қилинган.

Биринчиси – аслик ва тоза наслик;

Иккинчиси – ақл-фаросатлилик;

Учинчиси – сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан яхши муомалада бўлишлик;

Тўртинчиси – сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик. Вазирликка тайинлаш, унга эл-юртнинг ишонч-ихтиёрини топшириш хусусида ҳазрат Соҳибқироннинг айнан мана бу уқтиришлари ҳам муҳимдир: “Кимки шу сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар, уни вазир ёки маслаҳатчи қилиб тайинласалар, мамлакат ишларини, сипоҳ ва раият ихтиёрини унга топширсинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат (ҳокимият) берилсин”.

Амир Темур маҳаллий ҳокимиятларда ҳам имон-инсофли, ишбилармон одамларни қўйдирди, улардан эл-юртни муҳофаза қилиш, раиятнинг

мол-жонини ҳимоя қилиш, уни солиқ ундирувчиларнинг зулмидан ҳимоя қилиш, юртни обод қилиш, вилоятдан ўтаётган савдо қарвонларни қўриқлашни қаттиқ талаб қилади. “Тузуқлар”да ўқиймиз: “Маҳаллий ҳокимлардан катта-кичик шаҳарлар ва қишлоқларда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бунёд этиш, фақиру мискинлар учун лангархоналар (улар қўниб ўтадиган ва уларга таом бериладиган жой) қуриш, беморлар учун шифохоналар қуриш топширилсин”. Амир Темурнинг мана бу қайдлари ҳам муҳимдир: “Амр қилдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш лозим. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади”.

Темурийлар давлатининг тизими ҳам, аввал ўтган давлатлар сингари, икки қисмга: қонун чиқарувчи ва ижроия тизимларига бўлинган.

Қонун чиқарувчи тизим қурултой аталиб, у асосан йирик турк-мўғул қабилаларнинг йўлбошчилари иштирокида ўтган ва олий ҳукмдор истаган пайтда чақирилган. Қурултой уруш ва сулҳ, олий ҳукмдорнинг (подшоҳ, хон) сайланиши каби масалаларни муҳокама қилган ва қонунлаштирган. Ижроия тизими девонлар ва бошқа олий давлат идораларидан иборат бўлган. Давлатнинг ижроия тизими (девонлар) қурултой қабул қилган қарорларни, подшоҳ фармонларини ва давлатнинг кундалик юмушларини ҳаётга тадбиқ этган.

Амир Темур давлатида қонун барчага – вазирга ҳам, амирга ҳам, ҳоким учун ҳам, шаҳзода учун ҳам баробар бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сидан иккита мисол келтирамиз. Ғарбий Эрон ва Озарбайжон ҳокими Мироншоҳ Мирзо маишат ва кайфу сафога муккасидан кетиб, давлат ишларига эътибор қилмай қўйгани учун лавозимидан олиб ташланган, атрофдагиларнинг баъзилари эса, олий жазога ҳукм этилганлар [“Темур тузуқлари”, -Т: , 94-бет].

Форс ҳокими Пирмуҳаммад Султон ети йиллик уруш (1399-1404) пайтида сусткашликка йўл қўйганлиги учун у ҳам эгаллаб турган мансабидан олиб ташланган.

Хуллас, Амир Темур давлати ўз даврининг муҳим давлатларидан бирига айланди. Ундан кейин эса Шайбонийлар давлати кейинроқ юртимизда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келди. Лекин Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати натижасида Марказий Осиё халқларининг миллий тараққиётини таъминланмади, СССР даврида эса миллатларни аралаштириб йўқ қилиб юбориш йўли тутилди ва тутқин халқлар ўзларининг миллий қадриятларидан узоқлашдилар, бегоналашдилар. Тутқин халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг мустақилликка эришиб миллий давлатини шакллантириши миллатимиз тақдирида ҳал қилувчи тарихий ҳодиса бўлди. Минг йиллар давомида шаклланган, халқимиз менталитетига мос бўлган миллий давлатчилик анъаналарига асосланиб, мустақил миллий давлат пойдевори қурилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, давлатсиз миллат бўлмайди, деган қоидадан ҳар бир миллат ўзининг алоҳида мустақил давлатини қуриши

керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Ер юзида 2000 га яқин миллий халқ мавжуд бўлиб, давлатлар эса 200 га яқин атрофидадир. Муайян бир ҳудудда асрлар давомида аралаш яшаган айрим миллатларнинг давлатлари ички ва ташқи шароитларга мос ҳолда ягона бўлган, давлатчилик анъаналари бир бўлиши мумкин. Миллат ва давлатнинг тўла мос келиши идеал ҳодиса бўлиб, табиий- тарихий шароит билан изоҳланади. Давлатнинг бир ҳудудида ўрта ва кичик миллатларнинг жипс яшаши автоном республика ёки бошқа давлатчилик тузилмаларига мос келиши, уларнинг миллий, иқтисодий, маънавий тараққиётига янада қулайроқ шароит туғдириши мумкин.

Миллий давлат унга ном берган миллат учунгина эмас, давлатда яшовчи барча халқлар, миллий гуруҳлар тақдири учун тарих олдида масъулдирлар. Жаҳон сиёсатдонлари мамлакатимизда эркинлик тамойиллари ижтимоий муҳитнинг барча жабҳаларда амал қила бошлаганлигини, қонунга ҳурмат билан қарш, қатъий интизом турмуш тарзига сингиб бораётганлиги, умум томонидан қабул қилинган одатий ҳолатларга айланиб бораётганини эътироф этмоқдалар.

Биринчи Президентимиз И. А. Каримов миллий давлатчилик пойдеворини тиклаш асноларида юзага келган муаммовий вазиятларни ҳал этиш ҳамда ижтимоий воқелик жараёнларига ёндашишга ана шу тарихий тажрибалар ва фуқаролар маънавий руҳий эҳтиёжларидан келиб чиққан эди.

Немис файласуфи Г. Ф. В. Гегел ибораси билан айтганда: “Ҳар бир давлат қурилиши маълум халқ миллий-маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий онглик тараққиётининг пиллапоясидир. Бу тараққиёт зинани қадам-бақадам босиб, бир меъёрдаги ҳаракатни, вақтдан ўзиб кетмасликни тақозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир. Унга тафаккур, фалсафа ҳамма нарса мужассамдир”¹.

Давлат тизимининг таркиб топиш эволютсияси, унинг ўзига хос қонуниятлари, мураккабликлари ва талаблари хусусида гапирар экан, Гегел ижтимоий ўзгаришларни инқилобий усулларда амалга ошириш нечоғли зарурлиги хусусида алоҳида тўхталиб янгиликларни инқилобий тарзда жорий этиш ҳамма вақт вайронагарчиликларга олиб келишини, яъни шаклларни эса фақат тадрижий тажриботларга секинлик билан амалга ошириш зарурлигини уқтиради. Давлат қурилиши жонли ҳодиса сифатида доимий ҳаракатда, ўзгаришлар асносидадир- деган фикрни асослайди.

Ўзбек миллий давлатчилиги, унинг шаклланиш жараёни хусусида гап борар экан, шу ўринда, Гегел фалсафаси ва эволютсион қонуниятларидан фарқ қилиб И. А. Каримов ишлаб чиққан давлат қурилиши ва амалиётга доир конвенсиянинг янги давр шарт-шароитларини пухта ҳисобга олувчи мантиқий тизим сифатида муҳимлиги ва ижтимоий қийматига кўра мукамал назария эканлигига амин бўлиш мумкин. Гегел таълимотида урғу берилган бир муҳим жиҳат – маҳаллий шарт-шароитлар, миллий руҳ, минтақадаги ижтимоий-тарихий тажрибаларнинг ўрни ва ролиу И. А. Каримов асарларида чуқур илмий-назарий асослаб берилади ва амалиёт орқали синовдан мувоффақиятли ўтказилади. Дарҳақиқат, миллий менталитет ўзига хослигига дунёқарашлар, анъаналар ва эҳтиёжлар мантиғига асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоқ яшай олмаганлиги тарихий тажрибалардан маълумдир.

Жаҳон давлатчиллиги тарихи ижтимоий тузумнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши каби инқилобий ўзгаришлар жараёнини кўп кўрган. Ана шундай мураккаб шароитда турли давлатлар турлича йўл тутишган. Бироқ, тажриба шуни кўрсатадики туб бурилишлар пайтида кучли ижро ҳокимиятини вужудга келтириш [Гегел, 1990.469-бет; Гегел, 1990. 469-бет].

қатъий тартиботлар, ҳуқуқий бошқарув тизгинини маҳкам тутиш ўта зарурдир.

Ўзбекистонда қонун устуворлигига эришиш, бутун бошқарув тизимида ижро интизоми мавқеини ошириш, қонунга бўйсуниб яшашни аҳолининг турмуш тарзига айлантириш демократик давлатнинг сифат кўриниши, фуқаролик жамиятининг муҳим хусусиятидир. Бироқ, мамлакатимизда ана шундай ҳолатни барқарор таъминлашнинг ўзига хос мураккаб томонлари ҳам бор. Булар: биринчидан, аҳоли дунёқараши, ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий билимлар даражасинидоимий ва изчил юксалтириш билан боғлиқ масалалар; Иккинчидан, маънавий ва ахлоқий баркамолликка интилишни ҳаётий зарурат даражасига чиқариш, ҳар бир фуқаронинг ўзини-ўзи бошқариши ва ўзини-ўзи назоратга олиши каби мураккаб, вақт талаб этадиган маънавий-руҳий ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар; Учинчидан, ижтимоий адолат тамойилларини давлат ва жамият тизимида ҳал қилувчи қоидалар даражасига юксалтириш билан боғлиқ муаммолардир.

Давлат бошқарувининг парламентар-республика усулида Президент парламент йиғилишида, унинг аъзолари томонидан сайланади. Президентлик республика бошқарувида эса умумхалқ сайлови йўли билан барча фуқароларнинг овоз бериши асосида сайланади. 2016-йил ноябр ойидаги муқобил Президентлик сайловида Ш. М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди. Бунда Президент ўз ваколатини парламентнинг санокли аъзоларидан эмас, балки кенг халқ оммасидан олади. Қолаверса, бунинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва демократик мазмуни кенгроқ эканлиги кўпгина сиёсатшунос олимлар томонидан эътироф этилган.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда давлат бошқарувининг парламентар-республика ва монархия шакли ўрнатилган мамлакатларда ҳам ҳукумат – олий ижро органи асосий ўринни эгалламоқда. Масалан, Германия, Буюк Британия, Италия, Япония ва бошқа мамлакатларда ана шундай ҳодиса юз бермоқда.

Давлат бошқарувининг президентлик-республика шаклида диктатура чуқурлашади, таталитаризмга кенг йўл очилади, деган нуқтаи назар асосан давлат бошқаруви билан сиёсий режим ўртасидаги фарқни ажрата билмаслик оқибатида юзага келгандир. Чунки бир қатор мамлакатларда бошқарув турлича бўлгани билан сиёсий режим бир хиллигича қолиши мумкин.

Давлат тизимини изчил мустаҳкамлаб бориш, бошқарув жловини маҳкам тутиш, қонун устуворлигига эришиш сиёсий ва ижтимоий зарурат эканлигини буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобий ҳам таъкидлаган эди. Форобий маънавий камолотга эришиш шахсларнинг ўз-ўзига бўлган масъуллиги, инсоний интизомнинг нечоғли юксаклигига боғлиқлигини

асослаб беради. Улуғ мутаффаққир камолотга эришиш йўлини ҳар бир киши ўзи учун муқаддас сулуқ, илоҳий қонун даражасида англамоғи зарурлигини таъкидлайди. У илоҳий қонунни идрок этиш учун икки нарсага эътибор беришни тавсия қилади: “Биринчиси, саъй-ҳаракати, ҳунари ва мақсадлари ҳокимга (давлат раҳбарига) қарши бўлган ёвуз ниятли одамлардан шаҳарни (мамлакатни) тозалашдир. Бошқа бир ғоя – ҳам насихат йўли билан фаровонликка интилиш ва одамларнинг илоҳий қонунни осонликча ва қувонч билан қабул қилишларини таъминлашдир”

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганлигидан кейинги тарихий вазияти шундай эдики, энди давлатимиз мустақил бўлди, халқ эса ўз тақдирини ўзи белгилайди, деб эълон қилишнинг ўзи кифоя эмас эди. Мамлакатимизда Давлат мустақиллиги билан боғлиқ қонунлар тизимини яратиш зарур эди. Айни пайтда шуни қайд қилиш зарурки, ўтган йиллар мобайнида 16 та Кодекс, 400 дан ошиқ қонунлар қабул қилинди. 2017-йил феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев қабул қилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига кўра қонунларни такомиллаштириш яна ҳам давом эттирилади.

Айни пайтда мустақилликнинг дастлабки йилларидан миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш зарур эди. Мустақилликнинг илк йилларидан Давлат рамзларини жорий қилиш жуда муҳим бўлди. Бош қомусимиз – Конституциямиз қабул қилинди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эга бўлганлиги ва унинг барқарор ривожланиб келаётганлиги буюк тарихий аҳамиятга эгадир.

Биринчидан, ўзбек халқи уч минг йиллик тарихи мобайнида илк бор том маънода ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди, сермусибат халқимиз мустақил давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибига айланди. Иккинчидан, ўзбекистон мустақиллиги мамлакатда адолатли [Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т. : 1993, 37-бет] демократик, инсонпарвар жамият қуриш учун йўл очиб берди, ўз миллий давлатчилик тизимини барпо қилишга имконият яратди.

Учинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсларда ўзини танитиш, айни чоғда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Тўртинчидан, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш учун имконият яратилди.

Яъни жаҳон амалиёти исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит барпо этди. Мулкка муносабат тубдан ўзгариб, жамиятда мулкдорлар синфини шакллантириш учун имкон очилди. Тадбиркорлик кучайиб кетди. Ҳаракатлар стратегияси эса 2017-2021 йилларда янада юқорироқ поғонага чиқаришни белгилаб берди.

Бешинчидан, мустақиллик халқимизнинг маънавий уйғониши учун имконият сифатида юзага келиб, бой маданий меросга эгалик, ворислик анъаналари амал қила бошлади. Юртимиз тарихи, қадимий маданиятимиз тикланмоқда. Халқимизнинг азалий урф-одатлари, анъаналари, миллий

қадриятлари қайтадан тикланиб, замон, давр талаблари асосида янада ривожланмоқда. Ўзбекистонда мавжуд бўлган дин ва конфессияларга муносабат тубдан ўзгарди.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ШИМОЛИЙ УСТРУШОНА ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИДАН

К.Ғаниев

СамДАҚИ, Самарқанд

Қадимда бир томондан Суғд ва Бақтрия, иккинчи томондан Чоч ва Фарғона оралиғидаги географик кенгликда жойлашган Уструшона Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожидида сезиларли роль ўйнаганлиги тарихий манбалар ва археологик маълумотлардан маълум. Ушбу маълумотлар нафақат Уструшона, балки ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кирувчи Шимолий Уструшона ҳақида ҳам маълумот беради. Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар ушбу маълумотларни конкретлаштирди, уни сезиларли даражада янги мазмун билан бойитди.

Қадимги ва антик даврдаёқ Уструшонада Нуртепа, Хонтепа, Сағанактепа каби 20 дан ортиқ аҳоли мавзелари шаклланиганлиги аниқланган. (Буряков, Грицина, 2006, С.92). Бу эса милoddан аввалги I минг йилликнинг охири ва милodий IV асрларда Шимолий Уструшонада аҳоли зич яшаганидан далолат беради. Ушбу мавзелар яшаш учун қулай бўлган ҳудудларда шаклланиган бўлиб, уларнинг деярлик барчаси деҳқончилик учун қулай бўлган дарёларнинг қуйи ва ўрта оқимида жойлашган.

Илк ўрта асрларда нафақат Уструшона балки Ўрта Осиёнинг барча қадимий воҳаларида ҳаёт фаоллашганлиги кузатилган. Текислик ва тоғ олди ҳудудларда аҳолининг кўпайиб бориши Уструшонани кесиб ўтган қадимги транзит карвон савдо йўллариининг жонланишига, урбанизация жараёнларининг тезлашишига олиб келди. Ушбу тарихий жараёнлар А.Э.Бердимуродов, А.А.Грицина, М.Х.Пардаевлар каби таниқли археолог олимлар томонидан ўрганилган, тарихий ёдгорликларнинг класификацияси берилган. (Бердимуродов, 1985, Грицина, 1990, Пардаев, 1995).

Ривожланган ўрта асрларда тоғ олди ва чўл ҳудудларида ҳамда магистрал савдо йўллари бўйлаб нисбатан катта бўлмаган шаҳарлар, аҳоли мавзелари шаклланиган. Тарихий манбалар Шимолий Уструшонада Харкан, Зомин, Дизак, Куркат, Гулакандоз каби 12та шундай шаҳарлар борлиги ҳақида маълумот беради. (Буряков, Грицина, 2006, С.93) Савдонинг ривожланиб, Буюк ипак йўлининг янада фаоллашиши карвон савдо йўллариини ободонлаштириш заруратини келтириб чиқарди. Бу иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан аҳамиятли бўлган кўплаб карвонсаройлар қурилишига олиб келди. Ана шундай карвонсаройлар Шимолий Уструшонанинг транзит савдо йўлларида пайдо бўлганлигини тарихий манбалар ҳамда археологик тадқиқотлар тасдиқлайди. Ушбу қадимги карвонсаройлар, нафақат Уструшона ва Мавороуннахрнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларида, балки транзит савдонинг юксалишида ҳам муҳим роль

ўйнаган. Карвонсаройлар қатор вазифаларни бажарганлар. Уларда савдо карвонлари қабул қилиниб, савдо кўрғазмалари ташкил қилинган, савдосотиқ ва мол айирбошлаш ишлари амалга оширилган. Кўп ҳолларда карвонсаройлар қалъа, ҳарбий турар жойи, омборхона ҳамда маънавий-маданий марказ вазифаларини ҳам бажарганликлари кузатилган. Айрим карвонсаройларда савдогарлар озик-овқат, кўрпа-тўшак, уларнинг от уловлари эса ем-хашак билан таъминланиши йўлга қўйилган.

Ёзма манбаларда Шимолий Уструшонода IX-XIII асрларда кўплаб карвонсаройлар фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Зомин ва Дизакда жойлашганлиги ҳақида маълумот берилган. X асрда Дизак ҳукмдори томонидан қурилган Худайсор, катта ер эгаси зодагон Бадр Кушайр қурдирган Хасан карвонсаройларининг доврўғи Шимолий Уструшонода кучли бўлганлиги тарихий манбаларда ўз ифодасини топган.

Араб тарихчилари ва сайёҳларининг маълумотларига қараганда ривожланган ўрта асрларда Шимолий Уструшонода кўплаб шаҳарлар бўлган. Жумладан, Ахмад ул-Котиб Уструшоно улкан ва муҳим аҳамиятли мамлакат эканлиги, унда қалъа ва катта шаҳарлар борлиги ҳақида маълумот беради. Номаълум муаллифнинг “Худуд ал-олам” асарида кўрсатилишича X асрда Уструшоно кўплаб шаҳар ва вилоятлари (округлар) бўлган ривожланган улкан мамлакат сифатида ифодаланган. (Буряков, Грицина, 2006, С.130).

Дизак мамлакат пойтахти Бунжикатдан кейин катталиги ва аҳамияти жиҳатдан йирик шаҳарлардан бири эди. Муҳим савдо ва кўчманчилар йўли чорраҳасида жойлашган Дизак работлар билан ўралган кичкина, лекин қудратли қалъадан қисқа вақт ичида катта бўлмаган шаҳарга айланган. Қадимги Дизак катта бўлмаган қалъа, шаҳарча маъносини англатади. Дизак шаҳрининг асосини қадимги Калиятепа ёдгорлиги ташкил қилганлиги олимлар томонидан аниқланган. (Пардаев, 2000). IX-X асрларда у атрофи боғлар билан ўралган, аҳоли зич жойлашган шаҳар бўлиб, кўплаб работлари билан машхур эди. Самарқанддан чиққан савдо карвонлари ҳозирги Булунғур яқинидаги Катвон чўли орқали қадимги Уструшонананг шимоли-ғарбий ҳудудларининг маркази бўлган Дизак шаҳрига кириб борган. Ушбу савдо карвон йўли Дизакдан Мирзачўл, Ховос орқали Шош ва Фарғонага қараб кетган. Унинг бир тармоғи Бинокат йўли орқали Шошнинг маркази Бинокатга етиб борган.

Шимолий Уструшоно шаҳарлари қаторида Зомин мамлакат пойтахтидан кейин иккинчи шаҳар ҳисобланган. Зомин музофоти тўғрисида дастлабки маълумот VIII аср бошларидаги тарихий манбаларда учрайди. IX асрда яшаган муаллиф ал-Ёқуб Уструшоно ҳақида батафсил маълумот бериб, уни 400 қалъа ва бир неча йирик шаҳарлари мавжуд мамлакат деб кўрсатган. Ушбу шаҳарлар қаторига Зоминни ҳам киритган. Шу даврда яшаган географ ва сайёҳ Хурдодбех Зомин шаҳри Шош ва Фарғона савдо карвон йўлининг кесишган ҳудудда жойлашганлиги, сайёҳлар тўхтаб ўтадиган шаҳар эканлигини таъкидлаган. Манбаларда қайд этилишича, шаҳар мудофаа деворлари билан ўралмаган, лекин мустаҳкам қалъа деворлари бўлган.

Араблар босқини даврида Шимолий Уструшонанинг Дизак, Сабот, Зомин каби шаҳарлари бузиб ташланган, улар харобазорларга айлантирилганлиги туфайли, аҳоли бошқа ҳудудларга кўчган. Кейинчалик ушбу аҳоли яшаш

жойларида арк, шахристонлар пайдо бўлиб, янги шаҳарлар шаклланганлиги кўхна тарихдан маълум.

Сабат Зоминга яқин аҳоли пункти бўлиб, Суғддан Хўжанд ва Фарғонага ва ундан Хитойга ўтиб кетадиган катта транзит савдо йўлида жойлашган йирик мавзе бўлган. Сабат шахрининг шаклланган жойи, номи ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Сабат ўрта асрларда Шимолий Уструшонада жойлашган аҳоли пунктларидан бири эканлиги ҳақида сайёҳлар ҳам маълумот бериб, унда оқар сув борлиги, уни боғлар ўраб турганлигини таъкидлаганлар. Бу оқар сувнинг манбаи Хўжамушкансой бўлса керак. (Беряков, Грицина, 2006, С.158-159). Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда Сабат карвон йўллари туташган ҳудудда жойлашган. Йўлнинг бири Хўжамушкансой оқими бўйлаб Шимолий Уструшонанинг “бош шаҳри” – Бунжикатга, иккинчиси эса Ховос орқали Шош воҳасига қараб кетган. (Буряков, Грицина, 2006, С.160).

Култепа шаҳарчасида олиб борилган тадқиқотлар шаҳар лойиҳаси, ривожланиш динамикаси, шаҳар иқтисодиётининг шаклланиши ҳақида маълумот беради. Арк шаҳарчанинг жанубий қисмида жойлашган, шахристон эса аркнинг ғарбий қисмини эгаллаган. (Древний Замин, 1994, С.43-44, 47). Унинг майдони 10 гектарни ташкил қилган бўлиб, арк яқинида хунармандлар маҳалласи жойлашганлигини Култепадан топилган кулолчилик қолдиқлари ва хумдон тасдиқлайди. Ушбу маълумотлар шаҳар ўрта асрларда унчалик катта бўлмаган шаҳар бўлганлигидан дарак беради. X асрда шахристоннинг шимоли-ғарбида арк қайтадан қурилган. Шаҳар XI асрнинг ўрталарига келиб ривожланишдан тўхтаган ва унинг ўрнида XII ва XIII аср бошларида қабристон шаклланган. Қорахонийлар даврида шаҳар қайтадан шаклланган, унинг майдони 40-45 гектарни ташкил қилган. Хўжамушкансой оқими бўйлаб кўплаб қишлоқ жамоалари, карвонсаройлар пайдо бўлган.

Мухтасар қилиб айтганда, қадимги Уструшона орқали ўтиб, Фарғона ва Шошга қараб кетган транзит савдо карвон йўллари ҳудудида кўплаб карвонсарой, аҳоли мавзелари, қалъалар, катта-кичик шаҳарларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнига катта таъсир қилиб, урбанистик жараёнларни янги поғонага кўтарган. Тарихий манбалар ҳамда кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар буни тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом шелковом пути / Отв. ред. К.И.Ташбаева. Самарқанд, Бишкек, 2006
2. Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АҚД. -М. 1985
3. Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э – начале XIII в. (археолого-топографическое исследование). АҚД. Самарқанд, 1990.
4. Древний Замин (история, археология, нумизматика, этнография). -Т.1994
5. Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшано в эпоху раннего средневековья. АҚД, Ташкент, 1995.

АКАДЕМИК В.В.БАРТОЛЬД ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ШАҲРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

Т.Б. Худойқулов

*Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини
механизатсиялаш муҳандислари
институту Бухоро филиали, Бухоро*

Дунё қадимий шаҳарлари тарихини ўрганиш ҳар доим тарихшунослар диққат марказида бўлиб келган. Бухоро шаҳри тарихи ва шаҳарсозлигининг ўзига хос жиҳатлари борасида маҳаллий ва жаҳон тарихчи олимлар томонидан бир қанча тадқиқотлар амалга оширилди.

Айниқса, XIX аср охири-XX аср бошларида рус шарқшунослари ва маҳаллий ўлкашуносларнинг Бухоро шаҳри тарихини ўрганиш борасидаги меҳнатлари беқиёс. Бу даврда шаҳарнинг пайдо бўлиш тарихига илмий ёндашган тарихшунос олимлардан бири, моҳир манбашунос, таниқли турколог, академик В.В.Бартолддир.

Академик В.В.Бартолд Бухоро шаҳри тарихи масалаларини ёритишда асосан маҳаллий ва жаҳон манбаларига таяниб иш кўради. Тадқиқотчи асарларида Бухоро шаҳри тарихини акс эттирувчи маълумотлар ўзининг қимматлилиги билан бошқа шарқшуносларнинг илмий маълумотларидан фарқланиб туради.

В.В.Бартолд ўзи билан даврдош тарихчи олимларнинг Бухоро шаҳри тарихи борасидаги тадқиқотларини ҳам диққат билан кузатиб, бу каби тадқиқот натижаларини олим, мавзу юзасидан эълон қилган мақолаларида ва илмий доираларда сўзлаган маърузаларида қайд этиб борган. [Бартольд, Соч.ИВ, М.:1966.]

В.В.Бартолд шаҳар тарихига доир маълумотларни кўпроқ Наршахийнинг “Бухоро Тарихи” асаридан олади. В.В.Бартолд Наршахийнинг “Бухоро Тарихи” асарида келтирилган маълумотларни баъзида қарашларига асос сифатида келтирса, баъзида танқидга олади. Наршахий қолдирган маълумотларга олим томонидан шубҳа билан муносабат билдирилган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам олимнинг Бухоро шаҳри тарихи масалаларига ечим топишида манбалар орасида мазкур асар етакчилик ролини сақлаб қолади.

В.В.Бартолд Бухоро шаҳри тарихи масалаларини ёритишда маҳаллий манбалар билан бир қаторда жаҳон манбаларига ҳам мурожаат қилади. Олимнинг айтишича, Бухоро шаҳри тарихига оид илк маълумотлар ҳинд, хитой, юнон манбаларида учрайди. [Бартольд, Соч.IV, М.:1966.]

Тадқиқотчининг мазкур масала борасидаги қарашларини таҳлил қилиш жараёнида маълум бўладиги, олим маҳаллий ва жаҳон манбаларида шаҳар тарихига доир келтирилган маълумотларни бир-бири билан таққослаган ҳолда муаммоли масалаларга муносиб ечим бера олган.

Академик В.В.Бартолд Бухоро шаҳри тарихи ҳақида хабар берувчи манбаларнинг характерига таҳлилий, таснифий муносабат билдиради. Тадқиқотчи Бухоронинг исломгача бўлган тарихи ҳақида манбаларда етарлича маълумотлар учрамаслигини ва Бухоро тарихий географияси

ҳақида асосон мусулмон адабиётларидан маълумотлар олиш мумкинлигини айтиб ўтган. Бу борада олимнинг қуйидагича фикри мавжуд: “Бухоро ҳақидаги маълумотларни биз асосан X асрда Наршахий томонидан араб тилида ёзилган “Тарихи Бухоро” асари орқали билиб оламиз. Биламизки, бу асар махсус географик-тарихий асар бўлиб, қайсики, бундай асар Туркистоннинг бошқа шаҳарлари ҳақида учрамайди”. [Бартольд, Соч. III М.: 1965]

Шу билан бирга В.В.Бартолд юнон ва хитой манбаларида келтирилган маълумотлар ҳам мусулмон манбалари билан рақобатлаша олмаслигини таъкидлайди.

В.В.Бартолд дастлаб Бухоро шаҳрининг географик жойлашувини тавсифлайди. Бухоро Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашаган катта шаҳар. [Бартольд, Соч. III М.: 1965]

Шаҳар уч сунъий тепаликда жойлашган. Шаҳарнинг уч қисмга бўлинишини олим араб географлари қаршларига ҳамоҳанг тарзда эрон шаҳарлари жойлашувига қиёслаган. [Бартольд, Соч. III М.: 1965]

Тадқиқотчи томонидан келтирилган маълумотларни маъқуллаган ҳолда Бухоро шаҳрини қуйидагича уч қисмга ажратиш мумкин.

Қўрғон (арк қалъаси)-ҳукмдорлар қароргоҳи сунъий теппаликда жойлашган. Бир неча бор вайрон этилишига қарамасдан ўрнида қайта тикланаверган. В.В.Бартолднинг эҳтимолича қалъа ичида VII асрда бухорхудотларнинг қасри бино қилинган. Бу қаср амир саройи ўрнида қурилган бўлиши мумкин. Бухорхудотларнинг қасри “Катта айиқ” юлдуз туркумининг ердаги тасвири сифатида, еттига ёғоч устунда қад ростлаган.

Шаҳристон- шаҳарнинг ички қисми бўлиб қалъадан жанубий ва шарқий томондаги баландликларда жойлашган. Шаҳристонда амалдорларнинг яқин қариндошлари ва обрўли уруғ вакиллари истиқомат қилган. “Шаҳристоннинг жойлашган ўрнини Истахрий маълумотлари орқали аниқлаш мумкин”- дейди В.В.Бартолд

Работ-шаҳристоннинг атрофи бўлиб, ташқи томондан девор билан ўралган. Работ бир неча маҳаллаларни қуршаб олиб, шаҳарнинг бу қисмида асосан, ҳунармандлар ва ташқаридан кўчиб келганлар истиқомат қилган. Работдаги маҳаллаларнинг номи шу ерда яшовчиларнинг эътиқоди ва шуғулладиган касбига қараб белгилан.

Бухоро араблар томонидан олингач, шаҳарсозликгикда бир мунча ўзгаришлар юз беради. Қадимий ибодатхоналар ўрнида асосан масжидлар барпо этилади. Шаҳарнинг қиёфасига кишиларнинг ўзгарган эътиқод шакли ҳам таъсир кўрсатиб борган. В.В.Бартолднинг Наршахийга таяниб маълумот беришича араблар кириб келгандан сўнг шаҳарнинг бой савдогарлари шаҳристондан кўчиб, қалъанинг шимоли-ғарбида 700 та қаср қуришган. [Ханьков, СНБ. 1843]

Бухоро шаҳри тарихи X асрдан сўнг кўпгина муаррихлар томонидан тавсифланган. Наршахий ва унинг асари муҳаррирларининг маълумотларини ўрганиш давомида аниқ бўладикки, шаҳар IX асрдаги режа бўйича қайта-қайта тикланган ва бу кўринишини XX асргача сақлаб қолган. [Бартольд, Соч. IV М.: 1966]

Бундан ташқари Бухоро шахрининг бир қатор шахрсозлик борасидаги ўзига хос жиҳатлари В.В.Бартолд томонидан турлича талқин этилади.

Олимнинг томонидан шахар тарихига нисбаттан билдирилган илмий-таҳлилий муносабатдан келиб чиқиб Бухоро шахрининг бир қатор бошқа тарихий шахарлардан фарқли жиҳатларини санаб ўтиш мумкин.

Бухоро шахри илк пайдо бўлган ўрнини XX аср бошларига қадар ўзгартирмаган. Шахар тарихий даврларда бир неча бор талофот кўришига қарамаздан ўрнида қайта тикланган. Бу тажриба Ўрта Осиёнинг бошқа шахарлари тарихида учрамайди. Таъкидлаб ўтиш керакки, Бухоро шахри ҳозирги кунга қадар қадимий шахар атрофида кенгайиб боришда давом этмоқда.

Бухоронинг Ўрта Осиё бошқа шахарларидан яна бир фарқли жиҳат шуки, кўрғон (арк қалъаси) шахристондан алоҳида қурилган. Шахристон ва қалъа орасида бўш майдон бўлиб муҳим стратегик мақсадларда бу майдондан фойдаланилган.

Бухоро шахри тарихига бағишлаб X асрдаёқ махсус тарихий –географик асар битилган.[Наршахий, 1991]

Академик В.В.Бартолд томонидан Бухоро шахри тарихи масалаларига нисбатан берилган хулосаларни ижобий баҳолаб олимнинг илмий меросидан мавзу борасида жой олган маълумотларни навбатдаги тадқиқотларга асос сифатида танлаб олиш мумкин. В.В.Бартолднинг Бухоро шахри тарихи масалаларини ёритиша бирламчи манбадан фойдаланиб маълумотлар келтириши билдирган юдоридаги фикримизни янада тўлдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. -Т.II, -Ч.1, -Москва, 1963.
2. Бартольд В.В. Сочинения. -Т.III, -Москва, 1965.
3. Бартольд В.В. Сочинения. -Т.IV, -Москва, 1966.
4. Наршахий. Бухоро тарихи, -Тошкент, 1991.
5. Ф.Х.Қосимов. Бухоро тарихшунослиги.-Бухоро: 1996.
6. Ҳ.Тўраев “Бухоро тарихининг илк ўзбекча таржимаси” Имом-Бухорий сабоқлари, 2015/2, 54-56 б.
7. Ҳ.Тўраев Маҳаллий ўлкашунослар илмий меросида тарихий топография ва меъморий обидалар.-Бухоро, 2019.
8. Бухоро мавжлари/ 2015, 2-сон. -Б. 39-41
9. Бухоро Шарқ дурдонаси/ Муаллифлар жамоаси.-Тошкент: “Шарқ” 1997, Б. 55.
10. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: 1994.

МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ШАКЛЛАНИШИДА ТАРИХИЙ ОМИЛНИНГ ЎРНИ

Б.Э. Тошбоев
ЖДПИ, Жиззах

Миллий характер моҳиятини фалсафий тадқиқ этмоқ учун унинг шаклланишига асос бўлган тарихий омиллар, жараёнлар, этнопсихологик ҳамда этномаданий ҳодисалар алоқадорлигини назарда тутмоқ зарур.

Ўзбек халқи жуда қадимдан шаклланган, ўзига хос мураккаб тарихий жараёни босиб ўтгани учун унинг тафаккур тарзи, табиатини белгиловчи миллий характер ўзида ранг-баранг хусусиятларни қамраб олган.

Бинобарин, “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз” (Каримов, 2008. – Б. 7). Ана шу маънода, миллий характернинг барқарорлигини таъминлашда ўзлигимизга хос миллий ҳислат ва фазилатлар муҳим аҳамиятга эга. Бу фазилатлар, бошқа миллатларда ҳам бўлиши мумкин. Аммо бу ерда биз бу фазилатларнинг миллатимизда ёрқинроқ акс этиши ва миллий ўзлигимизни белгиловчи асосий омил сифатидаги ўрнига эътибор қаратамиз. Масалан, ўзбек миллий характерининг муайян ифодаси бўлган орият, андиша, нафсоният, ибо ва ҳаё каби бир қатор тушунчаларни бошқа тилларга таржима қилишнинг имкони йўқлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Этнографик маълумотларнинг далолат беришича, ўзбек миллий характериги каби мураккаб ментал қиёфанинг асрлар давомида тадрижий шаклланиши фақатгина одоб-ахлоқ доирасидаги миллий тарбия билан кифояланмаган. Зеро, миллий характер, ижтимоий, иқтисодий, тарихий, демографик, муайян маънода, жўғрофий ҳамда биологик (ирсий-физиологик жараёнлар ҳам шулар жумласига киради) омилларнинг ўзаро таъсири омукталиги тарзида шаклланган.

Чунки, “инсон аввало, тарихий мавжудликнинг юқори босқичидир. Инсон тарихда ва тарих инсонда мужассам. Инсон билан тарихийлик орасида шундай чуқур ва сирли уйғунлик борки, бундай ўзаро алоқадорликни узиб ташлаш амалда мумкин эмас” (Бердяев, 1990. – Стр.14). Ана шу узвий алоқадорлик миллий характерда ҳам ўз аксини топади. Буни Г.П.Снесаров, В.Н.Басилов, Л.П.Потапов, Т.С.Саксанов, В.Л.Огудин, А.Асқаров, К.Шониёзов (Снесаров, 1983; Басилов, 1770; Потапов, 1986; Саксанов, 1991; Огудин, 2002. №1. – Стр . 63-79; Асқаров, 2007; Шониёзов, 2001) каби тарихчи, этнограф олимларнинг изланишлари ҳам исбот қилади.

Зеро, миллий характер қуйидаги муҳим компонентлар: ижтимоий шарт-шароит халқ турмуш тарзи, дини, маънавий-ахлоқий анъаналари, тили ҳамда тарихий тараққиёт давомида тўпланган тажрибалар асосида муайян шахс ва миллат дунёқараши ҳамда руҳиятида намоён бўлади. Бу компонентлар миллат шаклланиши ва тараққиёти давомида ўзаро уйғунлашади. Ана шу жараён ҳар бир миллат ва халқ қиёфаси, миллат характерининг таркиб топишига асос бўлиб хизмат қилади.

Миллат ва халқларнинг этник таркибини таҳлил этган олимларининг хулосаларига кўра, ҳозирги даврдаги миллатларнинг ҳеч бири алоҳида бир этник таркибда юзага келмаган. Улар ягона минтақада яшовчи этносларнинг ўзаро уйғунлашуви ва бирлашувидан юзага келган, яъни улар кўп этносдир. “Дунёда, – деб ёзади А.Асқаров, – бирор-бир халқ йўқки, у кўп компонентли бўлмасин” (Асқаров, 2004. – Б. 8).

Этнослар ривожиддаги ана шу турфа хил компонентларнинг алоқадорлиги асосида миллий характер мураккаб, ижтимоий-иқтисодий, тарихий,

психологик жараёнлар маҳсули сифатида таркиб топган этнослараро муносабатлар дастлаб элатларнинг шаклланишига олиб келган. “Бир худудда яшовчи элатлар, – деб ёзади тарихчи олим К.Шониёзов, – ёки уларнинг айрим гуруҳлари бир-бирлари билан доимий иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқинлашадилар. Уларнинг ўзаро яқинлашиш жараёни кўпинча бир тилда гапирувчи қавм-қариндош, юртдошлар орасида мавжуд бўлган. Этник жараёнга худудда қадимдан яшаб келган ёки бошқа вилоят, мамлакатлардан кўчиб келган (мигрантлар) этнослар ёки айрим этник гуруҳлар ҳам фаол қатнашишлари мумкин бўлган.

Этносларнинг ўзаро яқинлашиш жараёнида маълум бир гуруҳ ёки компонент етакчилик қилади, бошқа этник гуруҳлар шу етакчи гуруҳ атрофида бўлиб, у билан тил ва маданият жиҳатидан яқинлашиб, жипслашиб боради” (Шониёзов, 2001. – Б. 257).

Этнослараро муносабатдаги ана шу ҳолат нафақат элат ва миллатнинг шаклланишига, айти пайтда, миллий характери ташкил этувчи маънавий, ахлоқий ва энг муҳим иқтисодий компонентларнинг ҳам таркиб топишига олиб келган.

Айти шу компонентлар узоқ тарихий давр мобайнида халқ ва миллатнинг шаклланишида катта роль ўйнаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “ўзбек халқи тарихан 4 суперэтнос (туркий, форсий, рус-словян) ва кўплаб этник бирликлар билан уйғунлашган ҳолда таркиб топган. Айти чоғда, халқимиз маънавияти 4 супер конфессия, (зардуштийлик, будда, ислом, коммунистик мафкура) диний-мафкуравий таъсир доирасида шакланган. Шу сабабли ҳам халқимиз менталитетида, феъл-атвор тизимида ана шу халқларнинг табиати ва мафкуравий таъсирлари намоён бўлиб туради.

Ўзбек халқи умумий туркий негизидан жанговарлик, бағрикенглик, саховат ва ҳотамтойлик, садоқат каби фазилатларни ўзлаштирган бўлса, форсий этнос таъсирида урф-одатларга мустаҳкамлик, ижодиётга муҳаббат, инсонни эъзозлаш ҳислатлари; араблар таъсирида эътиқодда қатъийлик, тўғрисиўзлик, аҳдга содиқлик хусусиятлари; руслар таъсирида эса янгиликка ўчлик, ҳокимиятга ҳурмат, расмий уюшувларга рағбат сингари ҳислатлар янада ривож топди” (Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри, 2001. – Б. 109).

Бундай қарашни тўғридан-тўғри ягона концепция сифатида қабул қилмаган ҳолда шуни айтиш лозимки, миллий характер халқнинг миллий ижтимоийлашув жараёнидаги мураккаб маънавий-ахлоқий уйғунлигидан дарак беради.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, этнос ва этнослараро таъсир ва ахлоқий-маънавий интеграция миллий характер шаклланишига таъсир этса-да, миллий характер минг йиллардаги халқ ҳаётининг акси ва ифодаси сифатида бирдан пайдо бўлиб, бирдан йўқ бўлиб кетмайди. Миллий характер қанчалик узоқ давр мобайнида шаклланиб келиб, этнос, халқ ўсиб, улғайиб миллат шаклини олгандан кейингина муайян фазилатлар сифатида қарор топади. Буни ўзгартириш учун ташқи таъзийқлар эмас, ички, миллий тараққиёт тамойиллари асосий роль ўйнайди. Масалан, Ўзбекистон Респбликаси Биринчи Президенти

И.А.Каримов халқимиз тарихи хусусида фикр юритиб айтган эдики, “Тўғри, Мавроунаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Ахмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир- синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?” (Каримов, 1999. – Б.143).

Демак, халқ миллат сифатида тарих саҳнасида ўрин олгач, унинг миллий характери маънавий куч-қудрат тусини олади ва миллатнинг ахлоқий-фалсафий, диний-маънавий қиёфасини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 7.
2. Бердяев Н. Смысл истории. – М.: Мысл, 1990. – Стр.14.
3. Снесаров Г.П. Хорезмская легенда как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М., 1983; Басилов В.Н. Культ святых в исламе – М.,1770; Потапов Т.С. Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. – М.,1986; Саксанов Т.С. Полонничество к святым местам, традиции и современность. – М.,1991; Огудин В.Л. Место поклонения Ферганы как объект научного исследования // Этнограф обозрение, 2002. №1. – Стр . 63-79; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенезиси ва этник тарихи. –Тошкент: Университет, 2007; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент. Шарқ, 2001.
4. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. (Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих мавзусидаги илмий-назарий семинар). – Тошкент. 2004, 19-20 ноябрь, – Б. 8.
5. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 257.
6. Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри. (Илмий-амалий семинарлар маълумотлари). –Тошкент. 2001. – Б. 109.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Тошкент .: Ўзбекистон, 1999. – Б.143.

АМИР ТЕМУР ДАВРИ МУХРШУНОСЛИГИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

А. Эшмуҳаматов
ЖДПИ, Жиззах

Ўзбек халқининг миллий давлатчилик тарихи минг йиллар аввал шаклланган бўлиб, бугунги кунда қурилаётган давлат асосларимиз тарихнинг бизга берган тасодифий имконияти эмас. Тарихнинг илдизлар бор жойда тараққиёт бўлиши ҳақидаги ўзгармас қонуниятлари мавжуд.

Бу қоидалар бугунги кунда ўзбек давлатчилиги мисолида ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги даврда халқимизнинг туркий давлатчиликка хос баъзи анъаналарини қайта тиклаш давр эҳтиёжига айланди.

Мустақиллик йилларида олимлар томонидан олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар аждодларимизнинг бой тарихга, ўзига хос миллий давлатчилик таълимотларига, бетакрор маънавий меросга эга бўлганлигини кўрсатмоқда. Ана шундай шахслардан бири Соҳибқирон Амир Темур ҳисобланади. Амур Темур бобомизнинг буюк салтанат барпо этиш билан бир қаторда давлатчилик борасида қолдирган бой мероси ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Булар қаторида Амир Темурнинг давлат бошқарув соҳасида ишлатган муҳрлари ҳақида ҳам махсус тадқиқотлар олиб бориш лозим.

Ҳозирга қадар Амир Темурнинг муҳри тўғрисида темуршуносликда, барқарор бир фикр баён этилганча йўқ. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо эсдаликларида таъкидлашича, Амир Темур ўз фармонлари ва расмий ҳужжатларига «Рости-расти» атамасини битиш билан бирга яна учта доира шакли нақшланган муҳрини ҳам босган.

Клавихо ўз эсдаликларида доира шаклидаги уч белгини «Темурнинг гербида ҳамда унинг буйруғи билан зарб этилаётган барча тангалар ва бошқа нарсаларга нақшланганлигини айтиб, бу унинг ёруғ оламнинг уч қисмида ҳукмронлиги ўрнатилганлигини билдиради», деб ёзади. Унинг таъкидлашича, Амир Темур ўзига тобе бўлган ва унга ўлпон тўлаб турадиган подшоҳларга ҳам ўз тангаларига ана шу белгини зарб этиш ҳақида топшириқ берган. (Руи Гонсалес де Клавихо, -С. 103.) Ушбу уч доира шаклидаги нақшлар асосида тангалар зарб этилганлиги ҳақида Ибн Арабшоҳ ҳам қайд этиб ўтган.

Агар ушбу доира шакли туширилган муҳрлар тарихига эътибор қаратсак, бу каби уч доирали шаклини Амир Темургача Қорахонийлар ҳукмдорлари ҳам (ХIIаср) ўз пулларига зарб этиб келганлар. Клавихо эсдаликларида айтилган Амир Темур муҳридаги ёзувга келсак, унинг тўла эмаслигини кўрамыз. Бу ёзувни ушбу эсдаликлар таржимони И.С.Мирокова «правда», яъни «ҳақиқат» шаклида беради. Ваҳоланки, Амир Темур муҳрига нақшланган ёзув ана шу биргина сўздан иборат бўлмаган. Шарафуддин Али Яздий уни қуйидагича таърифляган: «Ҳамин «ростий-растий» яш муҳр буд» - яъни «Ушбу «ростий-растий» сўзлари унинг муҳрига нақшланди». (Руи Гонсалес де Клавихо, -С. 104.)

Академик В.В. Бартолд томонидан бу сўз «Адолатда куч» деб таржима қилинган, сўнгра уни бошқа мутахассислар «Куч адолатда» деб номлашганлиги манбалардан маълум.

Тилшунос олим Асомиддин Ўринбоев эса уни «Тўғри бўлсанг нажот топасан» тарзида бериш лозим, деган фикрни билдиган. Шу ўринда айтиш мумкинли, В.В. Бартолд таржимаси мутахассислар томонидан тўғирланганидан кейингина ўз ўрнини топган, А. Ўринбоевнинг фикри эса ҳисобга олинмаган. Албатта, бу баҳсли масала ўзбек темуршунослигида ҳали ўз тўғри ечимини топади деган умиддамиз.

Тарихдан маълумки, ҳукмдорлар ўз фаолиятларида фақат битта ва якка-ю ягона муҳр билан чекланиб қолмаганлар. Муҳршунослик соҳасидаги

мутахассисларнинг таъкидлашича, аксарият подшоҳларда уларнинг ҳукмдорлик фаолиятларининг турли даврларида юз берган йирик ижтимоий-сиёсий воқеликлар ва ўзгаришларнинг инъикоси сифатида давлатчиликнинг бошқа атрибутлари қаторида муҳрлар ва уларга нақш этилган ёзувлар ҳам ўзгариб борган. Ҳатто, Ўрта Осиёда кейинги хонларнинг бир эмас, балки бир нечтадан муҳри бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. (Ғ.Қурбонов., 1987. 26-б) Буни яна шу билан тасдиқласа бўладики, Амир Темурнинг жаҳонгирлик юришлари бошланишидан олдинги даврлардаги ҳукмронлик йилларини ўзида акс эттирган бошқа мазмундаги муҳрлари ҳам бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бунга мисол тариқасида ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган бир нодир ҳужжатда босилган Амир Темур муҳрини олиш мумкин. Бу ҳужжат Соҳибқирон фармойишига мувофиқ битилган бўлиб, унда сўз Туркистондаги Абу Муслим авлодлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устида боради. Ёрлик Самарқанд қоғозига туркий тилда чиройли настаълиқ хати билан битилган ва унинг ҳажми бир варақ (11 сатр)дан иборат. Ёрлик охирида ҳукмдор номидан унда айтилган барча талаблар сўзсиз бажарилишига ҳеч ким монёълик кўрсатмасин, «токи лаънатларга гирифтор бўлмағайлар деб, ҳукми олий битилди», деган сўзлар ёзилган.

Амир Темур томонидан Абу Муслим авлодларига имтиёзлар берувчи ушбу ҳужжат 780 ҳижрий, яъни милодий 1378 йилда ёзилган. (Б.Маннонов, Г.Остонова., 1999. №7. -99 -Б.)

Ёрлик матнининг биринчи ва учинчи қаторларининг ўнг томонида бодом шаклидаги муҳр босилган. Муҳрнинг ўрта қисмида йирик ҳарфлар билан «Амир Темур Тарағай» деб ёзилган. Муҳрнинг ҳошиясида эса майда ҳарфларда ёзилган Қуръон оятлари келтирилган.

Ушбу мавзуга оид яна бир қизиқ маълумот ҳақида фикр юритсак. Гап шундаки, мутахассислар томонидан қўлёзмалар хатида буюк Соҳибқиронга тегишли яна бир муҳрга, тўғрироғи, унинг янги бир муҳрига тааллуқли сатрларга дуч келинган. Бу ҳақдаги маълумотлар Алишер Навоий номидаги адабиёт музейидаги қўлёзмалар мажмуасида 151 тартиб рақами билан сақланаётган «Мажмуайи ашъор» («Шеърлар тўплами») номли қўлёзмада учраган. Матн сарлавҳасидан кўриниб турганидек, турли даврларда яшаб ижод этган шоирларнинг шеърларидан тузилган тўплам 248 саҳифадан иборат.

Биз учун энг муҳими шуки, маскур асарда Туркистон сарҳадларида фаолият кўрсатган бир неча ҳукмдорнинг муҳрларига зарб этилган ёзувлар мазмуни ҳақидаги маълумотлар ҳам акс этган. Улар қўлёзманинг ундаги бошқа сарлавҳалари қатори қизил сиёҳ билан битилган «Муҳрлар» деб аталган сарлавҳа остида жойлаштирилган. Қўлёзмадаги муҳрлар ҳақидаги маълумотлар жами 8 та муҳрга тегишли шеърий лавҳалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига котиб алоҳида-алоҳида сарлавҳачалар қўйган. Соҳибқиронга нисбатан берилган муҳрга нақш этилган шеърий парчага «Муҳри Амир Темур» деган сарлавҳача қўйилган. Унинг остига қуйидаги сатрлардан иборат шеърий лавҳа келтирилган: «Ба саҳти фалак Темурам карда ном, паноҳам Муҳаммад алайҳиссалом» - «Фалак қаттиқликда менга Темур деб ном берди, Муҳаммад алайҳиссалом паноҳимдир». («Мажмуайи

ашъор». Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи қўлёзмалар мажмуаси, №151, 1356-варақ.)

Аввало шуни айтиш керакки, шу пайтгача Амир Темурнинг ана шундай мазмундаги муҳри мавжудлиги ҳақида мутахассисларда ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Шунингдек, Соҳибқироннинг, юқорида айтилганидек, Руи Гонсалес де Клавихо, Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳлар каби машҳур шахслар ўз асарларида таъкидлаган «ростий-растий» ибораси ва уч доира шакли туширилган муҳри, ёки 1378 йилда унинг номидан битилган Ёрликқа босилган «Амир Темур Тарағай» сўзлари нақшланган муҳри бўлганлиги манбалар билан тасдиқланса, «Ба саҳти фалак Темурам карда ном, паноҳам Муҳаммад алайҳиссалом» шеърий лавҳаси ўйиб ёзилган муҳри босилган биронта ҳужжат, бу ҳақда қўшимча маълумот берадиган бошқа бирон-бир манба ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Агар Амир Темурнинг 1370 йилда Туронзамин тахтига чиққанлигини ҳисобга олсак, унда «Мажмуайи ашъор»да келтирилган шеърий лавҳа ёзилган унинг муҳри Соҳибқирон ҳукмронлигининг дастлабки йилларига эҳтимол унинг тахтига ўтиришидан илгарироқ, масалан, Амир Ҳусайн билан иттифоқ тузган пайтларидаги фаолияти билан боғлиқ дейиш мумкин. Биз бу ерда Соҳибқирон муҳрлари ҳақида ўз ечимини кутаётган маълумотларни келтириб ўтдик холос. Бу соҳада олиб борилаётган ва олиб бориладиган келгуси изланишлар натижасида янада кўпроқ ишончли манбаларнинг пайдо бўлишига шубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Мажмуайи ашъор». Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи қўлёзмалар мажмуаси, №151, 1356-варақ.
2. Б.Маннонов, Г.Остонова. Амир Темурнинг туркийда битилган бир Ёрлиғи ҳақида // Шарқшунослик. 1999. №7. -Б. 99-115.
3. Қурбонов Ғ. XVIII-XX аср бошларида Бухоро муҳрлари.-Т., 1987. -26 б.
4. Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома / Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А.Ўринбоевники. -Т., 1972. -86 б.
5. Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура (1403-1416).- М.: Наука, 1990. -С. 103-104.

XIХ АСРНИНГ ОХИРИ ВА ХХ АСРНИНГ БОШЛАРИДА БУХОРО ШАҲРИНИНГ МАҲАЛЛАЛАРИ ВА АҲОЛИСИ

*Гавҳаршодбегим
Термиз ДУ, Афғонистон
Ислом Республикаси*

Сўнги ўрта асрлар шаҳарлари маҳаллалар ва гузарларга бўлинган. Хусусан, Бухоронинг маҳалла ва гузарлари ҳам шаҳарнинг тузилишида асосий шаҳар тизимини ташкил этган. Маҳалла ва даҳалар нафақат ҳудудий бирлик ҳисобланган, балки улар орасида қариндош уруғлар, қўни-қўшничилик, ўзаро ҳамкорлик ва ҳашарлар, тўй-ҳашамларларда жамоавий жиҳатдан бирикиб ҳаракатлар қилинган.

Шаҳарлар тарихи ва уларнинг тузилишини махсус илмий тадқиқотларсиз ёритиш анча мушкул. Маҳалланинг ҳар бир аъзоси ўзига хос маълумотларга эга бўлган. Шаҳарнинг маҳаллалари ва улардаги масжидларнинг планини биринчи бўлиб Парфенова-Фенини ишлаб чиққан. Бухоро шаҳрининг қайси манзилида аҳоли тиғиз яшаган бўлса ўша маҳаллаларда масжидлар барпо этилганлигини кузатиш мумкин. Шундай бўлсада 1940 йилдан сўнг Парфенова-Фенина тарҳи асосида архитектор Л.И.Ремпель томонидан шаҳар ва маҳаллалар ҳамда уларнинг ҳудудида жойлашган масжидларнинг мукамал тарҳи ишлаб чиқилди.

Бухоронинг илк қурилиш тарҳига оид план 1841-1842 йилларда Н.Ханников томонидан ишлаб чиқилган (1).

Бухоро шаҳри 360 маҳалладан иборат бўлган, деб ҳисоблайди. Этнограф Н. Ханников маълумотларига кўра, Бухоро шаҳрининг ҳар бир кўчасига биттадан масжид тўғри келган. Уларнинг сони 360 тани ташкил этган. А. Вамбери фикрича, уни ишонтиришган, аслида Бухорода 365 та масжид бўлган. Бу фикрни Н.Ф. Ситниковский ҳам тасдиқлайди (2).

1926 йилдаги шаҳар маъмуриятининг кичик маҳаллаларни бириктирилган рўйхатида эски маҳаллалар сони 192 тани ташкил этган (3. С.18-19)

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида шаҳарларда қанча аҳоли яшашидек муҳим масалага аниқлик киритилмаган эди. Хонликлар даврида ҳам аҳолини демографик рўйхатдан ўтказиш амалга оширилмаган. Бухоро амирлиги даврида фақатгина солиқ тўловчи-уй эгаларининг рўйхати туширилган “махсус дафтарлар” юритилган. Табиий, бу рўйхатда аҳоли сони эмас, балки оилаларнинг сони келтирилган. Масалан, бир ҳовлида яшаётган ва оилали ўғил ёки бўйдоқ ўғилдан ҳам солиқ олинмай, уларнинг оиласи “бир эшикли” деб ҳисобланган.

XVIII асрнинг охирида Бухоро амири Шоҳмурод даврида шаҳарда савдо-хунармандчиликни тараққий эттириш учун шаҳарлик аҳоли солиқдан озод этилган (Фақат бошқа динга эътиқод қилувчилардан масалан, яҳудийлар жизья солиғи тўлашган). Шу каби енгилликлар туфайли шаҳарга бошқа мамлакатлардан ва атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардан аҳолининг кўчиб келиши кучайган.

1926 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш жараёнида йирик шаҳарларда 74,19 фоиз ўзбеклар яшаётганлиги қайд этилган. Шаҳарларларда тожик тилли аҳоли кўпчилиликни ташкил қилса-да, шаҳарнинг атрофида ўзбек миллатига мансуб аҳоли яшаган. Хусусан, Самарқанд, Ургут ва Бухоро шаҳарлари шулар жумласидандир.

Бухоро вилоятидаги 333047 аҳолидан 288327 киши, яъни 87,3 фоизини ўзбеклар, 22391 киши, яъни 7 фоизини тожиклар ташкил этган. Тожиклар Бухородаги 13 та туман фақат Бухоро шаҳри атрофи ва Вобкент туманларида истиқомат қилганлар.

Бухоро шаҳрининг аҳолиси узоқ ва мураккаб жараёнда шаклланиб келган. Шаҳарнинг бутунлай бўшаб қолиш даври XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яратилган “Гулшан-ул-мулук” асарида келтирилган. Ўзаро уруш ва хўжаликнинг издан чиқиши натижасида шаҳарнинг иккитагина маҳалласида аҳоли яшаб қолган (4. С.9).

XV асрдан бизга маълум бўлган Калобод ва Хўжа Порсо; XVI асрдан Амири, Бозори-нов, Говкушон, Косагарон, Хўжа Зайниддин, Сўфиён, Азизон, Ғозиён, Сарахсиён; XVII асрдан Калтиғён, Чоҳи-занжир, Мачити-бесутун, Мир-Дўстум (Лаби-ҳовуз шаклидаги Мир-Дўстум) ва бошқа маҳаллаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шунинг учун амир Шох Мурод (1775-1800) даврида Бухорога аҳолини кўчириш масаласи долзарб деб қаралган. Мана шу даврда Бухорода ипакка ишлов бериш учун Марв шаҳридан 17 000 ёки 30 000 кишини кўчириб келтиради. Шаҳарликлар Амир Шох Мурод номи билан боғлаган Бўйрабофон маҳалласи икки қисмга: хоразмлик-ўзбеклар (урганжийон) ва туркман қавмларидан хидир-эли ҳам ривоятларга кўра, хоразмдан кўчиб келган (5. С. 87-88). Шу аснода Бухоро халқининг этник таркиби ва сони қайта тикланган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро Ўрта Осиёнинг кўп миллатли шаҳарларидан бирига айланиб, бу ерда ўзбеклар, тожиклар, араблар, форслар, яҳудийлар, туркманлар, қozoқлар, татарлар, афғонлар, ҳиндлар каби бошқа халқлар яшаб келганлар.

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ханников Н. Описание Бухарского ханства, СПб., 1843).
2. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент. 1958. с. 68).
3. Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. С. 18-19.
4. Вороновский Д.Г. “Тулшан-ал-мулук” Мухаммада бен Яъкуба Бухори”, Ташкент, 1949, стр. 9.
5. Жуковский В.А. Развалины старого Мерва. СПб., 1894, стр. 87-88.

РЕШЕНИЕ ЖИЛИЩНОЙ ПРОБЛЕМЫ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

А.Х. Валиев
ДГПИ, Джизак

Жилищная политика - важнейшая составная часть социальной политики любого государства, и уровень, на котором она решается, непосредственно отражает заботу власти о благосостоянии граждан и, как следствие, о благополучии общества в целом.

Жилище с древних времен было не просто центром частной жизни человека, но и системообразующим фактором его среды обитания. Наличие комфортного жилья – это первоочередная потребность для каждой семьи, без удовлетворения которой невозможно говорить об удовлетворительном моральном и физическом самочувствии людей, а следовательно, и об их политических оценках, и о желании работать во благо страны. При всем многообразии проблем и неразрешенных вопросов в жизни современного узбекского государства трудно найти более сложную и противоречивую область, чем жилищная сфера. Сегодня жилищная проблема находится в зоне особого внимания правительства Узбекистана, ведь о развитом государстве в первую очередь судят по тому, каким образом в нем

решена задача обеспечения населения доступным жильем. За истекшие десятилетия перед Узбекистаном продолжает стоять вопрос формирования жилищной политики и сопряженных с ней отношений, которые учитывают удовлетворение потребностей различных слоев населения.

Жилище выступает важнейшим материально-пространственным условием внепроизводственной жизнедеятельности людей. Жилая ячейка призвана отвечать не только общим потребностям семьи (в рациональном ведении домашнего хозяйства, внутрисемейном общении, воспитание детей), но также трудовым и досуговым потребностям ее членов. Рост интеллектуальной насыщенности труда, возрастающий динамизм и многообразие досуговых процессов предопределяют расширение и усложнение потребностей в жилье. В современных условиях развиваются новые функции жилища, связанные с активизацией индивидуальной творческой деятельности, самообразования, что требует выделения в нем специального места для учебных занятий, самостоятельной работы и т. д.

Отличительной чертой всех современных государств является наличие закрепленного на законодательном уровне права на жилище. Право на жилище – это самая главная составляющая права на достаточный жизненный уровень. Под «достаточным жизненным уровнем» в международных актах (Всеобщая декларация прав человека (принята Генеральной Ассамблеей ООН 10.12.1948), понимается такой «жизненный уровень, который необходим для поддержания здоровья и благосостояния человека и его семьи». Достаточное жилище было признано в качестве части права на достаточный жизненный уровень.

Примечательно, что именно наличие жилья необходимо каждому для достойного существования в современном обществе, ведь только имея хорошие жилищные условия, человек может задумываться о дальнейшем своем развитии. В то же время Комитет Организации Объединенных Наций по экономическим, социальным и культурным правам особо указывает на то, что право на достаточное жилище не следует толковать узко (www1.umn.edu/humanrts/russian/gencomm/Repcomm4.html). Его следует расценивать как право на то, чтобы жить где-то в условиях безопасности, мира и уважения достоинства (Доклад верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека за 2010 год. – Женева, - 2010. – 124 с.).

Таким образом, для всей большей части людей жилище выполняет функцию рабочего места. В связи с бурным развитием домашних средств культурного потребления расширяется информационная функция жилища. Вместе с тем задачи уменьшения «переинформированности», характерные для современного образа жизни, снятие нервного напряжения, возникающего в результате ускорения темпов и ритмов жизни, повышают роль комфортного жилища как «психологического убежища», создающего известную пространственную обособленность для человека.

Положение жилищным строительством в Узбекистане еще более обострилось в период 1989 – 1990 годов. Это было связано с общесоюзными тенденциями разбалансировки хозяйственных связей, усилением инфляционных процессов, нарастанием кризисных явлений в

экономической, социальной и политической сферах жизни советского общества.

Правда, следует отметить, что после прихода к политическому руководству республики И. А. Каримова были предприняты отдельные шаги, нацеленные на активизацию путей решения жилищной проблемы. Например, по Указу Первого Президента Республики в 1990 г. стали выделяться новые наделы и расширяться существующие всем нуждающимся в этом сельским семьям. Земельные прибавки получило более 1,5 млн. семей, что существенно активизировало индивидуальное строительство (Правда Востока. 1993. 19 август).

Энергичные усилия были предприняты по развитию предприятий, специализирующихся на выпуске стройматериалов. К решению этой проблемы активнее начали привлекаться кооперативы, совместные предприятия. Была расширена практика выделения банковских ссуд на индивидуальное и кооперативно – жилищное строительство, повысился объем ведомственного жилфонда. Приняты решения о передаче в личную собственность участникам войны, учителям государственные и ведомственные квартиры, в которых они проживали.

Однако реальное воздействие названных средств начало проявляться лишь в 1991 году. В целом же вторая половина двенадцатой пятилетки характеризовалась усилением кризисных процессов, а области жилищного строительства.

В итоге плановые задания программы «Жилье – 2000», предусмотренные на текущее пятилетие не были выполнены. По многим показателям наблюдался даже откат по сравнению с «застойным» периодом. Так, если в годы одиннадцатой пятилетки ввод жилой площади составил 2269 тыс. метров, то в двенадцатой – менее 1,5 млн. метров. В расчете на 1000 человек населения в десятой пятилетке ввод в действие общей площади жилых домов за счет всех источников финансирования на 1000 чел. равнялся 1804, в одиннадцатой – 1725, в двенадцатой – 2050 квадратных метров. Аналогичная картина наблюдалась и в среде показателей числа построенных квартир. В частности, за период 1976 – 1980 гг. было построено 453,1 тыс. квартир, в 1981 – 1985 гг. – 440,7, в 1986 – 1990 гг. – 540,7. Число построенных квартир на 10 тыс. человек населения составило в период одиннадцатой пятилетки – 256, в двенадцатой – 277, в том числе в городских поселениях соответственно 293 и 314, в сельском – 231 и 254.

В начале изучаемого периода весь жилищной фонд республики составило 258,4 млн. м². Из него государственный общественный жилищной фонд и в том числе фонд жилищно-строительных кооперативов 75,0 млн. м², в личной собственности граждан находилось 183,4 млн. м², и в среднем на одного жителя приходилось 12,2 м² жилой площади. Городской жилищной фонд в 1991 г. составило 107,7 млн. м², государственный жилищный фонд и жилищно-строительных кооперативов 57,3 млн. м², в личной собственности граждан находилась 50,4 млн. м², и в среднем на одного городского жителя приходилось 12,8 м² жилой площади. Сельский жилищный фонд соответственно всего 150,7 млн. м², 17,8 млн. м², 132,9 млн. м², и в среднем на одного жителя сельской местности приходилось в среднем 11,9 м² жилья.

В 1994 году жилищной фонд республики увеличилось до 285,7 млн. м², государственный жилищной фонд и жилищно-строительных кооперативов снизилось до 15,1 млн. м². 2 июня 1993 года был принят Закон «О приватизации государственного жилищного фонда в Республике Узбекистан». В результате этого заметно увеличилось жилье находящийся в личной собственности граждан и оно составило 270,6 млн. м². В среднем на одного жителя республики приходилось 12,8 м² жилье, по сравнению с 1991 годом оно увеличилось 0,6 м².

Городской жилищной фонду увеличилось до 121,8 млн. м², государственный жилищным фонд и фонд жилищно-строительных кооперативов к концу 1994 года снизилось 11,1 млн. м². В личной собственности городских жителей находилось 110,7 млн. м² жилье, и в среднем на одного горожанина приходилось 14,1 м² жилья, по сравнению с 1991 г. оно выросло на 1,3 м².

В сельских местностях жилищной фонд в 1994 году вырос до 163,9 млн. м², в государственной жилищной фонд снизилось до 4,0 млн. м², и жилье находящийся в личной собственности граждан увеличилось до 159,9 млн. м² и в среднем на одного жителя сельской местности приходилось 12,0 м² жилье.

В 1992 г. с началом приватизации государственного жилищного фонда число приватизированных квартир составило 200593, в том числе населению было передано бесплатно 53753 квартир, а к концу 1993 г. соответственно 790038 и 264967. Наконец в 1994 году в период завершения приватизации государственного жилищного фонда, число приватизированных квартир составило 81746, передано населению бесплатно 13370 квартир.

В целях обеспечения государственной поддержки и социальной защиты нуждающихся слоев населения в решение жилищной проблемы дальнейшего развития жилищного строительства, осуществляемого за счет средства предприятий, учреждений, организаций и населения Президентом Республики Узбекистан от 5 марта 1995 года был принят Указ «О мерах по стимулированию и развитию жилищного строительства в Республике». Этот Указ был своевременным, и оно в перспективе создавало благоприятные условия для развития жилищного строительства в Республике.

Выше отмеченной Указ неудовлетворительно выполнялось в Самаркандской и Кашкадарьинских областях. Эти негативные явления нашли свое отражение в выступлениях Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова на сессиях областных советов перечисленных областей в ноябре 1995 года.

До независимости в Узбекистане почти 90% сельского и более 50% городского жилищного фонда были сооружены из глины, самана, сырцового кирпича, камышовых плит. Кардинальные преобразования в жилищном секторе, государственное стимулирование и поддержка индивидуального строительства жилья, коренная реконструкция старого и изношенного жилья, внедрение современных архитектурно-планировочных решений с национальным колоритом, особенно в сельской местности, дали возможность, по существу, заново формировать жилищный фонд страны с высокой комфортностью. За годы независимого развития Узбекистан добился высоких результатов в жилищном строительстве и обеспеченности

населения жильем. Общая площадь жилищного фонда возросла почти в 2 раза.

Положительный тренд в строительстве жилья, начиная с 2005 года (рост ввода жилья в 2,0 раза), несмотря на демографический рост. За последний 25 лет население Узбекистана выросло более чем в 1,5 раза. Так, если в 1990 году численность населения страны составляла около 20,0 млн. человек, то в настоящее время превысила 31,3 млн. человек.

Несмотря на высокие темпы роста численности населения Узбекистана (за годы независимости прирост составил более 9,4 млн. чел.), наблюдается стабильный рост обеспеченности населения жильем. Если в 1991 году на одного человека приходилось 12,4 кв. м общей площади, то к 2015 г. этот показатель достиг 15,2 кв. м, то есть вырос в 1,2 раза.

Всего в Узбекистане за 2009–2015 годы введено 70,2 млн кв. м жилья, из них 51,2 млн кв.м приходится на сельскую местность и 19 млн кв.м – на город. Объем ввода жилья в последние годы, начиная с 2009 года, имеет устойчивую положительную динамику и возрос в 1,6 раз.

Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева от 21 октября 2016 года «О программе по строительству доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности на 2017–2021 годы», в республике осуществляется возведение комфортабельных жилых домов по новым типовым проектам, которые учитывают национальный менталитет и особенности условий проживания в сельской местности. Также внедряются максимально благоприятные условия льготного кредитования и дальнейшее расширение использования новых видов энергосберегающих материалов и оборудования. Все это послужит сокращению себестоимости новостроек, в связи, с чем и устанавливаются приемлемые цены для всех слоев населения.

В настоящее время ежегодный ввод новых домов в стране составляет свыше 12 миллионов квадратных метров, а жилищный фонд возрос более чем в 1,9 раза. При этом, наряду с фактическими объемами, растет ускоренными темпами и обеспеченность жильем в расчете на душу населения: в 2016 году на 1 человека приходилось более 18 квадратных метров общей площади.

Преобладающим типом жилья является индивидуальной с земельным участком (83,1%). А 98% домов находится в личной собственности граждан, что отличает Узбекистан от развитых стран мира, в которых высока доля арендного жилья.

Сегодня в разгаре процесс пересмотра и формирования генеральных планов крупных и средних городов. При этом учитываются последние мировые тенденции в градостроительстве и планировании, использовании новейших строительных технологий и материалов. Кардинально меняются старо городские части, которые приобретают современный облик с национальным колоритом.

Коренным образом преобразованы и реконструированы с учетом передового опыта в архитектурном строительстве столица страны, центры областей и районов. Ташкент в мировом рейтинге благоустроенности и комфортабельности проживания, согласно оценке авторитетного

британского журнала Economist, занял 58-место из 140 мегаполисов мира.

За последнее десятилетие наблюдаются стабильно высокие темпы экономического развития страны, которые формируют рост доходов населения, что в конечном итоге стимулирует платежеспособный спрос на жилье. Высокий уровень востребованности квадратных метров также обусловлен быстрыми темпами роста населения, увеличения числа молодых семей.

В жилищной политике Узбекистана в последнее десятилетие приоритетным остается село. С 2009 года успешно реализуется Государственная программа строительства типового жилья в сельской местности, во исполнение которой уже возведено свыше 60 тысяч новых домов, построены новые массивы с необходимой инфраструктурой. Реализуемая в данном направлении работа направлена на коренное изменение уровня и качества жизни граждан, выравнивание социального благосостояния сельского и городского населения, укрепление экономического потенциала периферии, развитие предпринимательства, создание новых рабочих мест и повышение занятости сельского населения.

Правительством страны в 2016-2017 годах дан существенный толчок дальнейшему совершенствованию данной сферы. При этом придается особое значение обеспечению домами социально уязвимых слоев населения. При сооружении жилья используются принципиально новые подходы, полноценно учитывающие реальные нужды и покупательную способность людей, а также национальный менталитет и уклад жизни. Предоставляются льготные условия по выплате первоначального взноса и последующих платежей, использованию современных видов энергосберегающих материалов и оборудования.

Выступая на расширенном заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2017 год, Президент Республики Узбекистан Ш. Мирзиёев отметил ряд недостатков, имеющих место в стройиндустрии страны: «... есть ряд ключевых задач, которые не терпят отлагательства. В их числе – коренная реорганизация всей системы Государственного Архитектурного Строя, устаревших методологий и нормативов в градостроительстве, устранение диспропорций и проблем в капитальном строительстве, а также пересмотр неэффективной деятельности проектных институтов. Надо откровенно признать, что одним из самых серьезных наших недостатков является отсутствие проектных институтов, отвечающих современным требованиям. Следует отметить, что в сфере разбазариваются значительные государственные средства и ресурсы. В прошлом году инспекциями сняты объемы подрядных работ на сумму 4,7 миллиарда сумов. При экспертизе сметная стоимость 24 тысяч проектов была обосновано, снижена на 1,5 трлн. сумов. Нас, не удовлетворяет положение и в дорожном строительстве. Не решены вопросы стабильной поставки битума, не прекращаются хищения, велика текучесть кадров».

Жилищное строительство, являясь важным сектором экономики, имеет мультипликативный эффект на развитие смежных отраслей

промышленности и сферы услуг. Предусмотрены меры, направленные на снижение себестоимости домов за счет предоставления налоговых, таможенных и иных льгот. К примеру, подрядные организации освобождаются от уплаты всех видов налогов и обязательных отчислений в государственные целевые фонды в части объемов работ в рамках возведения доступного жилья. Кроме того, свыше 15 видов строительных материалов реализуются компаниям на льготной основе, в том числе по фиксированным ценам. Ряд импортруемых стройматериалов освобожден от уплаты таможенных пошлин, что существенно снижает себестоимость сооружения. Особое внимание также уделяется производству материалов на базе местного сырья.

Следует отметить, что в Узбекистане реализацией комплексной программы на 2017-2021 годы за счет мобилизации серьезных организационных, административных, экономических ресурсов государства и финансовых институтов намечается вдвое увеличить объемы и масштабы строительства жилья, существенно улучшить жилищные условия населения.

Таким образом, анализ решения жилищной проблемы рассматриваемого периода показывает, что произошло рост жилищного фонда, полностью завершилось приватизация государственного жилищного фонда, увеличилась средняя размер жилой площади на одного жителя, были приняты законодательные акты по совершенствованию коммунального обслуживания населения, имелись заметные успехи по газификацию и обеспечению жителей сельских местностей питьевой водой. Принятые меры способствуют обеспечению семей современным, качественным, комфортабельным жильем, формированию новой инженерно-коммуникационной, социальной и рыночной инфраструктуры, позволяют поднять на качественный уровень облик села и на этой основе повысить уровень жизни и изменить мировоззрение сельского населения.

ИСПОЛЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Всеобщая декларация прав человека (принята Генеральной Ассамблеей ООН 10.12.1948)
2. Замечания Комитета ООН по экономическим, социальным и культурным правам общего порядка № 4 о праве на достаточное жилище // URL: www1.umn.edu/humanrts/russian/gencomm/Repcomm4.html.
3. Право на достаточное жилье: доклад верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека за 2010 год. – Женева, - 2010. – 124 с.
4. Постановления Верховного Совета Узбекской ССР «О создании условий для строительства индивидуальных домов, обеспечение земельными участками каждой семьи, проживающей в сельской местности» от 17 августа 1989 года. / Правда Востока. 1993. 19 август.
5. См.: социальное развитие и уровень жизнь населения узбекский ССР. С 178 – 186
6. Текущий архив Госкомстата республики Узбекистан. Отдел ведения, внедрения классификаторов и государственного регистра Д. 35 раздел IV 2/ Жилищные условия населения. Л 79.
7. Текущий архив Госкомстата республики Узбекистан. Отдел ведения,

внедрения классификаторов и государственного регистра Д. 35 раздел IV 2/ Жилищные условия населения. Л 79.

8. Указы Президента Республики Узбекистан. 3 Ташкент, «Адолат», 1995. С.175.

9. Жилищное хозяйство Узбекистана (краткий обзор). – Ташкент, 2014. – С. 10-11. – URL: www.unecse.org

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”ДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ОИД АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР ҲУСУСИДА

Г.Б. Маллаева

Дўстлик тиббиёт коллежи, Жиззах

Мустақиллик инъом этган энг улуғ неъматлардан бири - бу, халқимизнинг ўзлигини билиш, ўз тарихини эмин-эркин ўрганиш ҳуқуқи бўлди. Қадриятларимизни тиклаш, меросимизга холис муносабатни қарор топтириш, азиз алломалар номини шарафлаш, уларга бугунги авлоднинг юксак ҳурмат-эътиборини бажо келтириш истиқлол йилларида амалга оширилган беҳад улкан савобли ишлар сирасидандир. Ўтган қисқа давр мобайнида бобокалонимиз буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларинг табаррук номи, ҳаёти ва мисилсиз жасоратларга тўла фаолияти халқимиз маънавий дунёсининг ажралмас қисмига айланиб улгургани яққол наъмунаси эканлигидан далолат беради. Амир Темур бугунги даврда нафақат тарихимизни гавдалантирди, балки давлат бошқарувида, уни шакллантиришда асосий тажриба сифатида асқотди. Зеро Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек, “буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: **«Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!»** деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур”.

Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилиги ва маънавияти ўзининг салоҳияти, мазмуни, тарбиявий кучи ва таъсири билан халқимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Биринчи Юртбошимиз И.А.Каримов ҳам такидлаганларидек, “... бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду-ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ”.

Шарқда «одил подшо» тушунчаси қадим-қадимдан мавжуд ва халқ ана шундай подшони ҳамиша орзу қилиб келган. Соҳибқирон Амир Темур ана шундай ҳукмдор бўлишга интилди. «Куч – адолатда» сўзлари Амир Темур тузугига ўйиб ёзилган ва давлат муҳрида ҳам акс этган эди. «Мамлакат зулмга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди», – деб ёзганди Амир Темур ўз «Тузуқлар»ида. Бу – салтанат шиори. Соҳибқирон бунга қаттиқ амал қиларди. Шу жихатдат буюк бобокалонимиз мамлакада адолатсизликка барҳам берар экан ўз тузуқларида қонун устуворлигини таъминлашга катта эътибор қаратди. Темур тузуқларида давлат тузилмалари ва мансабдор шахслардан бошлаб, барчанинг қонунга риоя этиши одамларни қонунларга итоат руҳида тарбиялашга ёрдам берди. Амр Темур, қонун ва давлатнинг обрўсини қонунсизликдан кўра кўпроқ бузадиган нарса йўқлигини таъкидлаб, “Қаерда қонун ҳуқумронлик

қилса, шу ерда эркинлик бўлади”, - деб ўз “Тузуклари” да ушбу тамойилни мустаҳкамлаб қўйган. Ҳақиқатдан ҳам қаерда қонун устувор бўлар экан, у ерда адолат, ҳақ гўйлик, осойишталик ҳукм суради. Шу жиҳатдан, Соҳибқирон ўз салтанатида қонунийликни таъминлашга катта эътибор берди ва ўз тузукларида асосий тамойил этиб қонунийлик тамойилини илгари сурди.

Амир Темур давлатни мустаҳкамлашда қонун-қоидаларнинг тутган ўрнига кенг эътибор берди. “Давлат ишларини, - деб ёзган эди Амир Темур, салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва мақомини мустаҳкам сақлаб турдим”.

Муаррих Низомиддин Шомий «Зафарнома»да Амир Темурнинг 1366 йилда, ҳали давлат тахтига чиқмасдан тўрт йил аввал айтган шундай сўзларини келтиради: «Қайси бир подшоҳ ўз ишини ғаддорлик ва бевафолик асосига қурса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб, қарорсизликка юз тутади... Биз ўз салтанатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қураётганлигимиз сабабли уларни юпантириб, хотиржам қиламиз...».

Одамларга, демак халққа эътибор бериш ва ҳимоя қилиш – Соҳибқирон адолатининг ва қонунийликнинг бош ўзагини ташкил қилар эди. Шу жиҳатдан, Амир Темур давлатчилигининг марказида халқ ва давлат манфаати, инсон омили тургани боис, бу даврда шаклланган сиёсий удум ва анъаналарнинг ижобий жиҳатларидан бугунги кунда ҳам кенг фойдаланиш халқнинг фаровон турмушини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темурнинг шахс, жамият, давлат муносабатларидаги бундай адолатли ёндашуви шахс эркинликлари ва унинг давлат ишларида иштироки даважасини аниқ ифодалаганки, бунда ҳар қандай масаланинг адолатли ҳал этилишида шахснинг ижтимоий ҳолатига боғлиқлигини назарда тутган. “Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам кечирсинлар, - дейилади бу ҳақда “Тузуклар” да, - иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоланчинлар”.

Соҳибқирон ҳар қадамда, хоҳ ўзининг фарзандлари бўлсин, хоҳ бошқа фуқаро – барчага бирдай адолат кўзи билан қарарди. Сафарлардан қайтиб келганда, шахсан ўзи бозорни текширар, агар қассобу баққол, новвойлар ва ҳоказолар фойда топаман деб нарх-навони ошириб юборган бўлсалар, адолат ва қонун русуми бузилганини кўрса, эл олдида аёвсиз ўша гуноҳкорнинг жазосини берарди. Ёлғон гапни ёмон кўрарди. Қонунийлик тамойилларини бузгани учун ўғли амирзода Мироншоҳ, набиралари амирзода Пирмуҳаммад, Султон Ҳусайн Мирзолар жазоланганлари ҳам тарих китобларидан маълум. Аммо, Соҳибқирон бирор-бир қарор чиқаришдан олдин шошилмасдан адолат билан иш кўрар эди. Хиёнатда айбланганларнинг жазолашга шошилмас эди. Кўп ҳолларда ҳасадчилар билан ғийбатчилар ё кўролмаёки тамагирлик билан ёлғон тўқиб ўз мақсадларига эришмоқчи бўлишлари ҳам мумкин. Чунки яқинлари билан ёлғиз қолган Амир Темур, улуғ ва эътиборли амирлардан бири – амир Аббосни ёмонлайдилар, ғазаб устида Соҳибқирон уни ўлимга буюради. Кейинчалик бунинг хиёнат эканлигини англаб, афсус ва надомат чекади. Шу

жихатдан. Соҳибқирон бирон инсон устидан айби тўлиқ тасдиқлангандан сўнг ҳукм чиқарган. Салтанат саройининг –дея таъкидлайди Амир Темур, “ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим: агар улар салтанат ишларида хиёнат этсалар ва салтанатни ағдаришга жазм қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришга шошилмасинлар. Авваламбор уларни айбловчи ва хабар етказувчиларнинг кимлиги текшириб кўрилсин”. Тузукларда келтирилган ушбу жумлалардан ҳам Соҳибқиронинг адолатлилиги яққол кўриниб турибди.

Амир Темур ўз “Тузуклар” ини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этар экан, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларида қонунни устивор йўлга қўйишни мўлжаллаган ва ўз навбатида, давлат раҳбари олдида турган масъулият ҳам унутилмаган. Давлат раҳбари биринчи галда адолатли бўлиши, ҳар бир ишда холис ва қатий фикр юритиши, қизиққонлик қилмаслиги лозим саналган. Шу жихатдан, “Мен ўзимга адолатли ва раҳмдил тўрт вазирни танладим, - дейилади Қиссаи Темурийда. Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Носириддин Маҳмуд ал-Оромий эди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришларини ва агар мен адолатсизлик қиладурғон бўлсам, дарҳол мени тўхтатишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига инонсам ёки бегона кимса мулкига хиёнат қилсам, дарҳол мени огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим”. Тузуклардаги раият аҳли учун назарда тутилган қонунлар шуни кўрсатадики, фуқародан бир нима талаб қилишдан олдин давлат унга тегишли шарт-шароит яратиб бермоғи лозим. Бу нарса давлатга берилган ҳокимият халқ манфаати билан чегараланганлигининг ифодаси шаклида намойн бўлади. Агар давлат халқ манфаати билан ҳисоблашмаса, унда халқ давлатга берилган ҳуқуқни олиб, бошқа ишончлироғига бериши лозим. Темур давлатида бу амаллар янада чуқурлашиб бориб, қуйидаги ҳуқуқий норма юзага келган: “Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса солиқ қонун қондасига мувофиқ хирож йиғсинлар”. Бу ерда яна аҳамиятли томони шундаки, хирож йиғишда ҳам кўр-кўроналикка, палапартишликка йўл қўйилмаган, балки шахсан Амир Темур фармони билан хирожни экиндан олинган ҳосилга, ернинг унумдорлигига ва бошқа шарт-шароитларга қараб олганлар. Мазкур мисоллар ўзбек давлатчилиги тарихида, Амир Темур даврида, қонунлар халқ манфаатига нақадар мос бўлганини кўрсатади.

Бундай адолатли солиқ сиёсати, фуқаролар манфаатига тўла мос тушганлиги кўпгина манба ва адабиётларда ўз ифодасини топган. Хусусан, Д.Н.Логофет ёзишича “Унинг ҳокимиятга фуқароларга адолат билан муносабатда бўлишади... Биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарса унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди”.

Эҳтимол, унинг ҳар бир воқеага, ҳар бир фуқарога, олиму фузалога, сипоҳга адолат билан қарагани бир умрлик муваффақиятни таъминлаган бўлса керак. Шу жумладан, “Давлат бу- қонунлар жамияти, зеро одамлар бойликни яратиш ҳамда қобилатда тенг бўлиши мумкин эмас, бироқ қонун олдида барча тенг бўлмоғи лозим” деган эди Ситсерон. Амир Темур

фаолиятида ҳам ушбу нарсага гувоҳи бўламизки, давлат шаклидан қатъи назар, адолат мезонлари, тўра ва тузуклар асосида қурилган, раият бирлиги ва жипслиги тамойили, одатий ҳол ҳисобланган, халқнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий куч-қудрат эканлиги ҳақидаги ғоялар бугунги халқ ҳокимиятчилиги тамойилларига асос бўла олади.

Умуман олганда, Амир Темур давлатчилиги юксак назарий қоидаларга асосланган ҳолда бошқарилган бўлиб, ундаги мезонлар амалиётдан олинган тажрибалар орқали шаклланган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016.

2.И.А.Каримов. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. – Т: Ўзбекистон, 1998.

3.Темур тузуклари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

4.Амир Темур: Раият ва ҳақиқат. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1996.

5.Муқимов З. “Амир Тумур тузуклари” (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). – Самарқанд.: 2008.

“АВЕСТО”ДА АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТ МАСАЛАЛАРИ

Г.Мўминова
ЖДПИ, Жиззах

Жамият аъзоларининг ярмидан кўпини аёллар ташкил қиладиган хотин-қизлар барча замонларда моддий ва маънавий неъматлар яратишда эркаклар билан заҳмат чекиб келганлар. Кўҳна Шарқ тарихида аёлларнинг мардлиги, жасорати хусусида кўплаб мисоллар келтирилган. Шунинг учун ҳам ҳамма маънавияти юксак юртларда аёллар оила сардори – она, элнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эъзозланган, эрки муҳофаза қилинган. “Авесто”да ҳам оила эрки, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, онанинг оиладаги мавқеи масалари турли ўринларда, ҳар хил муносабатлар билан махсус қайд этилган, изоҳланган. Зардушт таълимотича ҳар бир ота-она ўз қизини балоғат ёши (15 ёшга) етгунча замонасининг барча хунарларини билишни, мол боқиш-у рўзғор тутишни мукамал ўргатиши, эътиқодда босиқ, ахлоқда покиза қилиб тарбия этиш, қиз тушган хонадоннинг ободонлигини таъминлашга замин яратади, қайнота ва қайнона, куёв хурматини қозонади, янги оила мустақамлигини таъминлайди. Бунинг учун қиз ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол бўлмоғи зарур [Аширов А. 2001]. Бунда онанинг роли ва мавқеи юксакдир. “Авесто”нинг жуда кўп ўринларда бевосита аёллар мадҳини учратамиз. Жумладан 3-ҳотда “Биз барча аёл ва эркакларнинг пок рафторлари ва равонларини мадҳ этамиз” [Авесто қадриятлари: замонавийлик дин ва фалсафа, Т. 2013] дейилса, Яштларда “Биз пок ва шижоатли аёл-у эркакларнинг руҳи равонларини мадҳ этамиз” деган фикрларни учратамиз. Зардушт бўлса

“Аёл ҳуқуқини таҳқир этмоқ ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир“ деган. Зардушт қизини турмушга бериш олдишундай насиҳат қилади: “Ей Пручисто, эй кенжа қизим, мен сенинг отанг эканман, маздапарастлик динининг тарғиботчиси Жомаспни сенга жуфти ҳалолликга интихоб этаман. Энди сен у билан ақлу фаросат билан масалҳат қил, бу маслаҳатни қабул этсанг, поклик расми билан ақди никоҳ боғлаймиз”. Зардушт яна қўйидагича мурожаат этади: “Энди мен сизларга шахсан мурожаат этаман: пандимга қулоқ солинг ва айтганларимни хотирангизга муҳрлаб қўйинг. Ҳалоллик билан кун кечириш йўлида ғайрат ва шижоатли бўлинг. Ҳар бирингиз яхши хулқингиз билан меҳр қўйинг, токим муқаддас эр-хотинликни хурсандлик ва хушбахтлик билан ўтказинг” [Махмудова Г. Т., 2012]. Зардуштийларда никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ раво бўлган эмас. Эр-у хотиннинг бир-бирига ҳиёнати лаънатланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл баднон қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун “ҳаром” ҳисобланган. Бундан ташқари, “Авесто”да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликга йўл қўймаслик, ота-она кексалар маслаҳатига қулоқ солинган ва уларга равшан андиша билан қаранг. Яхши билан ёмонни ажратишгга диққат қилинг. Ҳар бир эркак ва аёл фурсатни бой бермай, ўзи тўғри йўлни танласин, токим ҳаёти пок хирадманд ёр билан ўтадиган бўлсин” [Махмудова Г. Т., 2012].

Зардуштийликда кўпхотинлик қатъий ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган; йигит зурриёт қолдириш қобилияти бўла туриб, атайлаб уйланмай юрса, уни бадном қилиниш мақсадида ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур қилинган.

Бундан ташқари, «Авесто»да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳазалар мавжуд: «Эй мардум, ўзгаларнинг яхши маслаҳатларига қулоқ тутинг ва уларга равшан андиша билан қаранг. яхши билан ёмонни фарқлашга диққат қилинг. Ҳар бир эркак ва аёл фурсатни бой бермай, ўзи тўғри йўлни танласин, токим ҳаёти пок ва хирадманд ёр билан ўтадиган бўлсин» [Исмоилова Ш. Т., 2015].

Жумладан, турмушга чиқиш ва уй бекаси бўлишнинг беш тури кўрсатилган:

1) Подшоҳхотин. Бунинг маъноси шундаки, йигит ва қиз ота- оналарининг розилиги билан турмуш қурадилар. Бунда оналарнинг мавқеи баланд бўлади.

2) А йўқ хотин, яъни “яккабону”. Агар йигит бирон оиладаги ягона фарзанд – қизига уйланса, олдиндан бу хонадонни яккалаб, меросхўрсиз қолдирмасликга ваъда беради, янги оилада туғилган биринчи ўғил бобоси-ю бувисининг номига ўтказилади ва бола уларнинг меросхўри бўлади.

3) Чокар хотин. Аввалги жуфти ҳалолдан ажралган эркак ёки аёл ўзига янги турмуш ўртоғи танлайди. Зардуштийлик эътиқодича, эр ёки хотин вафотидан сўнг олдинги жуфти ҳалоллига никоҳ соҳиби ҳисобланади. Бинобарин, иккинчи эр ёки хотин олдингисининг чокари ҳисобланади.

Шунингдек, эр фарзанд кўриш илинжида, биринчи хотин розилиги билан иккинчи маротаба уйланса, иккинчи аёл биринчисига нисбатан “чокархотин” ҳисобланади.

4) Ўзбошимча хотин. Зардуштийлик дини қондасига кўра, ўғил –қизлар 21-яшор бўлгунга қадар эркин жуфти ҳалол танлаш ҳуқуқига эга эмас. Агар йигит қиз билан аҳду- паймон қилиб, ота-оналар розилигисиз никоҳдан ўтмоқчи бўлса, жамоа вакиллари бундай тўйни ўтказишган. Аммо муъбад никоҳ ўқиганда “томонлар ота-оналарининг розилигисиз турмуш қураётганлари учун уларга тегажак меросдан маҳрум этиладилар” деган жумлани қўшиб қўйган. Бу келин “худсар – ўзбошимча хотин” номини олган.

5) Ситтар хотин. Агар эр хотин узоқ муддат яшасалар-у зурриёт кўрмасалар ёки кўчага биров ташлаб кетган болани олиб “фарзандхонд” қилиб олишса, бу оила аёли “Ситтар хотин” бўлади.

“Авесто”да айнан шу бобга доир никоҳни бекор қилиш ва талоқ масаласи изоҳланади. Бу ерда ҳам эр-у хотиннинг тенг ҳуқуқли алоҳида эътироф этилади ва никоҳ бекор қилинишининг қуйидаги ҳолатлари санаб ўтилган:

1.Никоҳдан сўнг томонларнинг бирида асабий ноқишлик , телбалик аломати зоҳир бўлса, соғлом томон бу никоҳдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

2.Ер эркаклик қобилиятига эга бўлмаган тақдирда аёл талоқ қилиш имкониятидан фойдалана олади.

3.Уч йил давомида ҳам эр оиланинг моддий жиҳатини таъминлай олмай, ҳатто аёлини боқа олмаса, хотин бундай эрни ташлаб кета олади, яъни талоқ қила олади.

4.Агар томонлар бир-бирларининг бошқа эр ва хотин билан зино қилганликларини эшитса ёки сезса, бундай никоҳ “ҳаром” бўлади ҳамда томонлар бир-бирларини талоқ қиладилар.

5.Агар хотиннинг ҳаёти эр зулмидан хавф остида қолса, у ўз жуфтини талоқ қила олади.

6.Хотин ўз эридан қониқмай , ножуя, ғайришаръий ҳатти- ҳаракатлар қилса, эркак бундай аёлдан воз кеча олади. Эркак киши уйланиш пайтида олдинги хотинини бекитса, тўйдан кейин бу сир фош бўлса, бундай никоҳ ботил ҳисобланади.

7.Эркак ёки аёл Зардушт динидан юз ўгирса, яъни бошқа динни қабул қилса, талоқ вожибдир. Зардуштийликда оила муқаддас саналганлиги учун бошқа сабабларга кўра, жумладан иғво, тухмат, эр-у хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилишига йўл қўйилмаган. Хотин қизлар орасида учраб турадиган бўҳтон, чақмачақарлик, хусумат гуноҳи азим сифатида қаттиқ қораланган, гап ташувчи , иғвогарлар дарра уриш билан жазоланган.

Қуйидаги фикр аёл зотининг жамиятда, оилада, инсоният тарихида тутган ўрнига берилган энг адолатли баҳодай тўйилади: “Дасталки кундаёқ Аҳурамаздо аёлларга буюрди: эй аёл! Сени эътиқодли ва паҳлавон эркакларни вужудга келтириб, меҳр тўла оғушингда парвариш эт, деб яратдим. Токи улар нодурустлик ва нопоклик илдизини ер юзидан йўқотсинлар”.

Шуниси аҳамиятга молики, “Авесто”да аёллар номи ҳам рамзий

моҳиятга эга эканлиги изоҳланган. Масалан, ёдгорлик матнида хотинлар “Рита сиябону” ёки “Ошабону” деб аталган. Бунинг маъноси “Поклик ва ростлик нури”дир. “Бону” сўзи ҳам “Чароғон, ёруғлик” маъносини англатади. “Матри”, яъни “Она” сўзи “тарбияловчи” маъносида изоҳланган; “Авесто”да сингил сўзи “Совасри” шаклида қўлланилган бўлиб, “муқаддам ва хайрихоҳ” маъносини англатади.

Ҳатто аждодларимизнинг муқаддас дини ҳисобланган зардуштийликда ҳам никоҳ ва оилавий бурч масаласи муҳим ахлоқий ўринда турган. Зардуштийликда кўп хотинлилик қатъий ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга этган қиз ота-она ва жамоанинг раъйини писанд қилмай, қасддан турмушга чиқмай юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Агар эркак киши шу ёлни тутса, унга тамға босилиб бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. «Авесто»да қайд қилинишича, эркак аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим эди. Бундан ташқари, мазкур муқаддас китобда оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ солиш хусусида ҳам диққатга сазовор мулоҳазалар мавжуд. Шунингдек, унда никоҳ ва талоқнинг (ажрашишнинг) ўзига хос мезонлари бирма-бир келтириб ўтилган [Бестужев – Лада И.В. 1979. 23 ст.].

Зардуштийликнинг ахлоқ меъёрлари мажмуида аёллар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, иғво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

Хуллас, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да аждодларимизнинг оила ва хотин – қизларни муқаррам тутиш ҳақидаги пешқадам фикрлар ўз ифодасини топган. Энг муҳими, зардуштийлик эътиқотидаги боболаримиз оилани жамиятнинг муқаддас бўлаги, деб билиб, унинг ривожу равнақи, мустаҳкамлиги учун курашишган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Авесто қадриятлари: замонавийлик дин ва фалсафа” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. Т., 2013.
2. Аширов А. “Ўзбек халқи турмуш тарзида зардуштийлик излари”// “Ўзбекистон тарихи”- 2001. 1- сон
3. Исмоилова Ш. Муқаддас китобларда оила ва оилавий тарбияга муносабат// “Аёл – оила саодати сари” (илмий амалий анжуман материаллари)- Т., 2005
4. Махмудова Г. Авеста ва зардуштийликда инсонпарварлик ғоялари. Марказий Осиё фалсафий тафаккур тарихида Авестанинг ўрни. – Т., 2012.
5. Бестужев – Лада И.В. Семья вчера, сегодня и завтра. М.: Знание. 1979 г. 23 стр.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИДАН

Мелиев Х.А., Абдуллаев Д., Каримов Д.
ЖДПИ, Жиззах

Ўзбекистон Республикаси, Марказий Осиё ҳамдўстлик давлатларида яшаётган халқлар ўзининг тарихий келиб чиқиши билан, шу жараёнда халқлар ўртасида қадимдан бизгача етиб келган миллий ҳаракатли ўйинлар бугунги ўсиб келаётган ёшларимиз ўртасида ўзининг серқирралиги билан тарбиявий аҳамиятни йўқотгани йўқ. Марказий Осиё ва Европа давлатларида минглаб ўйинлар борки, номи бошқа бўлсада, деярли бири-биридан фарқ қилмайди. Тарихдан бизгача етиб келган Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах ва бошқа воҳаларда ўтказилган археологик қазилмалар, (Афросиёб, Далварзинтепа ва бошқалар) қидирув ишларининг натижалари асосида тўпланган турли хил буюмлар, ашёлар, расмларнинг гувоҳлик беришича бундан бир-қанча асрлар аввалги аждодларимиз ҳам хилма-хил ўйинлар, ҳаракатлар ва жисмоний машқлар билан машғул бўлганлар.

Ёввойи ҳайвонларни овлаш, тош отиш, найза санчиш, ҳайвонлар билан олишиш ва бошқа жуда кўп мураккаб ҳаракатли фаолиятларнинг тасвирлари сопол ва металл буюмларда ифода этилган. Шунингдек, Омонқўтон (Самарқанд) Чарвоқ атрофидаги (Тошкент вилояти) Амир Темур дарвозаси яқинидаги Сайхонсой (Жиззах вилояти) ва бошқа жойлардаги ясси тошлар, ғорларда одамларнинг ҳайвонларни ов қилиш жараёни ва турли хил ҳаракатли ўйинлар билан шуғулланишлари акс эттирилган.

Бундай манбалар Сурхон ва Қашқа воҳасидаги ғорлар, соҳиллардаги тошлар, Фарғона водийсидаги тоғли манзилларда ҳам кўп учрайди.

Ўзбек халқ миллий ўйинларининг мазмунларини ёзиб олиш, ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича рус сайёҳлари, археологик ва тарихий қидирув ишларини олиб борувчи олимларнинг ролини тан олишимиз лозим.

Бу соҳада А.Баженко (1840), А.Борж (1848), А.Арандаренко (1889) ва бошқалар XIX асрнинг иккинчи ярмида самарали изланишлар олиб борганлар.

XX аср бошларида археологик ва тарих соҳасидаги олимлар В.Бартольд, А.Виноградов, С.П.Толстов ҳамда Ўзбекистон археологлари Я.Ғуломов, А.Асқаров, М.Пардаев кабилар миллий ҳаракатли ўйинларга катта эътибор беришган.

Халқ ҳаракатли ўйинлари, миллий спорт турлари асрлар давомида даврларга мос равишда ривожланиб, такомиллашиб ва эъозланиб келган. Бу борада олимларимиз Т.С.Усмонхужаев, Т.Т.Юнусов, А.Атаев, Ф.Хужаев, У.Қарабоев, Р.Абдумаликов, А.Ғуломов ва бошқалар миллий халқ ҳаракатли ўйинларининг беқиёс тарбиявий аҳамияти ҳақида илмий маълумотлар беришган.

Миллий халқ ҳаракатли ўйинларни тўплаш, ҳаётга тадбиқ қилиш ва бошқа ташкилий ишлар бўйича Жиззах вилоятида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика

институтида 1991 йилдан “Халқ ўйинлари, миллий спорт турларини қайтадан тиклаш ва аҳолини жисмоний тарбиялашда улардан кенг фойдаланиш” усулларига бағишланган, Республика илмий-амалий анжумани мунтазам ўтказиб борилмоқда. 1994-1996-1997-2001-2005-2007-2008-2009 йилларда ҳам шу йўналишда Республика илмий назарий анжуманлар бўлиб ўтди. Шу билан бирга 1992-1993 йилларда Жиззах вилояти миқёсида “Халқ ўйинлари” фестиваллари, 1994 йилда I-Республика “Халқ ўйинлари” олимпиадаси, 1996 йил II-Республика “Халқ ўйинлари” олимпиадаси ҳам Форишда бўлиб ўтди. Ушбу анжуманлар халқаро характерга эга бўлиб, унда собиқ иттифоқ Республикаларидан жами 120 дан ортиқ иштирокчилар қатнашди.

Юқоридаги тадбирлар, фестиваллар ва олимпиадаларни ташкил қилиш, юқори савияда ўтказилиш мақсадида истиқболда қуйидаги режаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

- А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида “Миллий халқ ҳаракатли ўйинлар” марказини ташкил қилиш;

- Жиззах вилоятидаги шаҳар ва туманларида ҳозиргача сақланган ва фаолиятда бўлган халқ миллий ўйинларини аниқлаш ва тарихини ёзиш;

- ҳар бир миллий халқ ўйинларини паспортини шакллантириш ва уларнинг педагогик тарбиявий аҳамияти ҳақидаги маълумотлар тўпламини яратиш;

- миллий халқ ҳаракатли ўйинларини психологик, педагогик-фалсафий, тарихий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиявий имкониятларига қараб турларга бўлиш;

- мактабгача таълим, мактабнинг бошланғич синф, коллеж ва олий ўқув юртлари ўқув-режаларига киритилган ҳаракатли ўйинлар дастурларини қайта кўриб чиқиш.

МУНДАРИЖА:

Сўзбоши.....	3
I ШУЪБА: ЖИЗЗАХ АРХЕОЛОГИЯСИ: КЕЧА ВА БУГУН – ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР	
Сайфуллаев Б., Джуракулова Д.М. Жиззах воҳасининг палеолит даври топилмалари	5
Сулейманов Р.Х., Гордеева Е.А. К вопросу об особенностях культурогенеза и урбаногенеза юга Уструшаны.....	7
Хўжаназаров М. Жиззах воҳасининг қадимги қоятош расмлари	10
Холматов А.Н. Жиззах вилояти қоятош расмлари тадқиқотлари хусусида	14
Пардаев М.Х. Городская культура северо-западной Уструшаны в эпоху античности и раннего средневековья	18
Грицина А.А. Раскопки городища Эски – Хаваст.....	24
Исҳоқов М.М. Илк ўрта асрларда Уструшонанинг сиёсий мақомига доир	29
Раҳимов К.А. Кўҳна Ховос ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар хусусида	31
Саидов М., Юнусов М. Нурота тоғ тизмаси ҳудудида аниқланган бронза қозон хусусида	36
Мамиров О.У. Локальные варианты взаимодействия оседлого и кочевого населения среднеазиатского междуречья в древности и раннего средневековья (в контексте Уструшаны)	40
Саидов М., Юнусов М. Нурота тоғ тизмаси ҳудудида аниқланган бронза қозон хусусида	40
Пардаев Ш.М. Жиззах шаҳарсозлик тарихи ва уни ўрганишнинг истикболлари ҳақида	45
Тошбоев Ф.Э., Тилова Г.Л. Уструшона мозорқўрғонларини ўрганишнинг баъзи бир илмий методологик масалалари.....	49
Тўйчибоев Б.Б. Зомин рустоқининг ўрганилиши хусусида	55
Ғофуров Ж.И., Пардаев М.Х. Уструшонанинг Турк хоқонлиги билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларига доир	57
Суюнов С. Жиззах воҳаси сардобалари хусусида.....	60
Абдураимов Д. Уструшонадаги энг қадимий ва ноёб ёдгорлик.....	63
Холбоев З.Т. Қалиятапа ёдгорлигида олиб борилган қазув тадқиқотлар хусусида	64
Хўжанов Н. Илк ўрта асрлар Суғд ва Уструшона алоқаларининг манбашунослиги ва тарихшунослигига доир.....	70
Пардаев А. Илонўтти дараси-Темир дарвозанинг шаклланиши ва тарихий аҳамиятига доир айрим мулоҳазалар	75
Нуркулова Р.Р. Абдуллахон II ва Жиззах	80
Ҳасанбоев Т., Пардаев Ж. Жиззах воҳаси XIV-XVI асрларда	84
Алибеков У.Ю., Сангирова Д.Х. Ўзбек хонликларида туташ минтақалардаги сиёсий тузум хусусида (Ўратепа ҳокимлиги мисолида)	87

Акчаев Ф. Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларда қадимий диний эътиқод излари 97

II ШУЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОЛОГИЯ – ЭТНОГРАФИЯ. ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Сагдуллаев А.С., Шайдуллаев А.Ш., Ж.Э.Тоғаев. Археологик ёдгорликларнинг географияси ва картографиясига доир айрим масалалар	97
Анарбаев А. Ахсикент ва у ерда ташкил қилинган “очиқ осмон остидаги музей” ҳақида.....	101
Назаров Х. Ўрта Осиё палеолитида Ангиллак ғори тош индустриясининг тутган ўрни.....	104
Холматов Н.У. Сазағон маданиятининг “културогенези” масаласи	108
Шайдуллаев Ш.Б., Станчо Л., Ҳамидов О. Пошхурд-Зарабоғ ботиғида аниқланган Кучук I даврига оид янги ёдгорликлар	110
Кўшоқов С. Бронза даврининг дафн маросимлари (Сурхон воҳаси мисолида) 114	
Каттаева Г.Ч. Сополлитепа маржонлари.....	116
Тошалиев Қ. Кўхитангтоғ даҳмалари.....	121
Ойназаров Х. Зараутсой қоятош суратлари – тарихий манба сифатида.....	128
Исаров У.И. Ўрта Осиё жанубида сўнгги бронза ва илк темир даври суғориш тизимлари ва районларига оид.....	131
Қулжонов И. Сармишсой қоя тош тасвирлари.....	133
Абдуллаев Б.М. Фарғона қадимияти муаммолари янги тадқиқотлар нигоҳида 139	
Кистаубаев С.У. Муқаддас китобларда табиат ва унинг заҳираларини асраш ҳақидаги фикрлар	144
Турганов Б. Тангричилик дини элементларининг Кердер маданияти археология материалларида акс этиши.....	147
Кубаев С.Ш. Овултепа ёдгорлигининг янги таҳлилига доир.....	150
Сандибоев А. Рабодтепа I Суғднинг илк ўрта аср қишлоқ макони.....	154
Мирзаахмедов С.Д., Штарк С., Мирзаахмедов Д.К. Археологические исследования по линии оазисной стены Бухары Кампир девор у Кызылтепа... 158	
Раимқулов А.А. Челак шаҳрининг локализацияси хусусида	166
Шодиев Р.Т., Хандамова М.А. Ҳазнавийлар давлати ижтимоий-сиёсий тарихини манбаларда ёритилиши	170
Оманов Ш.А. Самарқанднинг Қорахонийлар даври хунармандчилиги тарихига оид айрим мулоҳазалар	173
Жўраев О. Хорижий тадқиқотларда Амир Темур шахсига муносабат хусусида 177	
Мажидов А.Ф. Бобурнинг ноёб илмий - адабий мероси хусусида	181
Мирзаев Б. Муҳаммад Шайбонийхон шахсининг ёзма манбаларда тавсифи.....	185

Амонова Ф. Д.Н. Логофет асарларида Бухоро амирлигидаги саноат корхоналарининг ёритилиши	190
Тоштемирова С.А. Россия тарихшунослигида ўзбекистонда амалга оширган коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун сиёсати	193
Шарипов Ф., Раззоқов Ш. Ўзбекларда муқаддас заминни эъзозлаш билан боғлиқ эътиқодлар	195
Тоғаев З.Т., Мўминов Ҳ. Шайбонийлар давлати амалдорларининг мансаб ва лавозимлари хусусида	198

III ШУЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ (ҚАДИМГИ ДАВРДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)

Ширинов Т. Первый Ренессанс Мавераунахра – Узбекистана.....	203
Ҳасанов Ш. Аҳамонийлар империясининг Ўрта Осиё ҳудудларига ҳарбий юришлари тарихшунослигига доир	207
Хуррамов Ҳ.Б. Ойхонум - Бактриядаги эллинистик шаҳар	211
Абдуллоев Ш.Б. Зардуштийлик демонологияси: “Гата”ларда девлар хусусияти	213
Нормўминов М. IX–X асрларда Термизда зарб қилинган тангалар.....	215
Тошбоев А.К. Қашқадарё воҳаси ўрта асрлар даври шишасозлигининг ўзига хос хусусиятлари	217
Чориев С.Ҳ. Сурхон воҳасида сув тегирмонларининг қурилиши ва ишлаш технологияси ҳақида айрим мулоҳазалар	219
Тўпчиев У.С. Бухоро-Қўқон муносабатларида Жиззах масаласи	222
Қаршиев Р.М. Херман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида Амир Темур талқини	224
Содиқов Ф.Ф. Жиззах уездида маҳаллий бошқарув органларининг шаклланиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг айрим масалалари.....	227
Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари - банк, биржа, божхона тизимларини ўрганишда муҳим манба	229
Ражабов Қ.К. Ўзбекистоннинг унутилган раҳбари (Собир Камолов сиёсий фаолиятига дастлабки чизгилар)	231
Ахмедшина Ф.А. Улучшение качества образования: ориентация на лучший мировой опыт.....	234
Бобоев Ф. Мирзачўлни ўзлаштиришда ютуқ ва муаммолар	237
Болтаев А. Мирзачўлнинг дастлабки суғориш тармоқлари	240
Соатов Р. М. Ёшлар онгига миллий ғояни сингдиришда оиланинг роли.....	243
Исроилов М., Рустамов Ш. Миллий тараққиётнинг хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлаш кафолатлари.....	246
Ражабова С. Ўзбекистонда аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид қабул қилинган қарорлар.....	248
Абдурашулова Д. Истиқлол йилларида Жиззах шахрининг маданий тараққиёти	251
Валиев А., Халилов Н. Проблемы социального обеспечения в Узбекистане на первом этапе экономических реформ.....	253
Миркомиллов Б. Талабаларни аждоқларимизнинг ўрта асрлар бадиий кадриятлари билан таништириш.....	256

Меликова М.Н. Историческое сознание в контексте патриотического воспитания молодежи	261
Насиров Б. Ижтимоий-маиший инфраструктураларни ривожлантиришда миллий маънавиятнинг ўрни (Ўзбекистонда совет даври мисолида)	265
Тангриқулов Ж. И.А. Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида тарихий воқеликка муносабат масаласи	269
Юсупов И. Мустақиллик йилларида Хоразмда почта алоқа тизимининг янги босқичга кўтарилиш тарихи	272
Раззоқова Г.Қ. Хоразм қўшиқчилиқ санъати тарихидан	274
Абдурахмонов А.Й. Марказий Осиёда трансформацион жараёнларнинг бошланиши ва унинг туризмга таъсири	277
Шадмонов А.А. Ўзбекистон тарихини ўрганишда музей ашёлари манба сифатида	280
Холмуродов Р., Холмуродов Д. Ўзбекистон-Россия амалий ҳамкорлиги сифат жиҳатдан янги босқичда	282

IV ШУЪБА: ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ, ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ШАҲАРСОЗЛИГИ ТАРИХИ

Асқаров А.А., Асқаров Қ.К. Ўзбек халқининг этник шаклланиши ва давлатчилигининг илк босқичлари	286
Қудратов С. С. Ўтроқ - деҳқонлар ва кўчманчи – чорвадорлар ўртасидаги муносабатлар борасида айрим мулоҳазалар (Қадимги Фарғона мисолида)	294
Тўйчибоев Б.Б. Талабаларга ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг назарий масалаларини ўқитилиши хусусида	297
Шайдуллаева Г.Ш. “Хараппа этник бирлиги” назарияси ёки Сополли – Хараппа маданиятларининг ижтимоий характери хусусида	301
Икромов Н. Кавийларнинг археологик манбаларда ифодаланиши	304
Шаймарданов А. Ўзбекистон давлатчилиги: титулларнинг нумизматик манбаларда ифодаланиши	308
Худойбердиев Х., Норматова Ф.А. Миллий давлатчиликнинг тараққиёт босқичлари	311
Ғаниев К. Буюк Ипак йўлидаги шимолий Уструшона шаҳарлари тарихидан ...	319
Худойқулов Т.Б. Академик В.В.Бартольд тадқиқотларида Бухоро шаҳри тарихи масалалари	322
Тошбоев Б.Э. Миллий характер шаклланишида тарихий омилнинг ўрни	
Эшмуҳаматов А. Амир Темур даври муҳршунослиги ҳақида баъзи мулоҳазалар	327
Гавҳаршодбегим. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро шаҳрининг маҳаллалари ва аҳолиси	330
Валиев А.Х. Решение жилищной проблемы в условиях Узбекистана	332
Маллаева Г.Б. “Темур тузуклари” да давлат бошқарувида оид асосий тамойиллар хусусида	339
Мўминова Г. “Авесто” да аёллар ва оилавий муносабат масалалари	342
Мелиев Х.А., Абдуллаев Д., Каримов Д. Ўзбек миллий ҳаракатли ўйинларининг келиб чиқиш тарихидан	346

**“ҚАДИМИЙ ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ – МАРКАЗИЙ
ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА (СИЁСИЙ,
ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ ҲАЁТ)”**

(Республика илмий-амалий конференция материаллари)

Муҳаррир: С. Т. Хашимов
Мусахҳиҳ: С. Гапурова
Саҳифаловчи: А. Ҳидоятлов

Нашриёт лицензияси №АІ 242, 04.07.2013 й.
Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди 18.04.2019.
Формат 70x108 ¹/₁₆. Гарнитура «PT Serif».
Босма табоқ 22.0 Адади 120 нусха. Буюртма №21.

«VNESHINVESTPROM» масъулияти
чекланган жамияти.
100029, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.
Тел./факс: (+99871) 244–75–75